O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JAMOAT XAVFSIZLIGI UNIVERSITETI

“BMT TINCHLIK, XAVFSIZLIK VA BARQAROR TARAQQIYOT YO‘ĻIDA 80 YIL: O‘TMISH SABOQLARI VA KELAJAK ISTIQBOLLARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy – amaliy konferensiya
MATERIALLARI TO‘PLAMI

2025-yil 22-oktabr

II qism

TOSHKENT - 2025

KBK - 88
B - 90

“BMT tinchlik, xavfsizlik va barqaror taraqqiyot yo‘lida 80 yil: o‘tmish saboqlari va kelajak istiqbollari” // Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2025-y. 457 bet.

Ushbu konferensiya materiallari to‘plamida Birlashgan Millatlar Tashkilotining (BMT) tashkil topganiga 80 yil to‘lishi munosabati bilan uning tinchlik, xavfsizlik va barqaror taraqqiyotni ta’minlash yo‘lidagi faoliyati tahlil qilinadi. Maqolada BMTning xalqaro mojarolarni hal etish, inson huquqlarini himoya qilish, gumanitar yordam ko‘rsatish va barqaror rivojlanishni ta’minlashdagi o‘rni keng yoritilgan. Shuningdek, o‘tgan 80 yil davomida to‘plangan tajriba asosida tashkilot faoliyatidagi mavjud muammolar va ularni bartaraf etishning istiqbolli yo‘nalishlari muhokama qilinadi. Xususan, BMT va Xalqaro Qizil Xoch Qo‘mitasi kabi gumanitar tashkilotlarning hamkorligi, zamonaviy xavfsizlik tahdidlari sharoitida ularning o‘zaro aloqalarini mustahkamlash zarurati alohida e’tiborga olinadi. Maqola yakunida BMTning kelgusidagi islohotlari, global hamkorlik mexanizmlarini takomillashtirish hamda insoniyat tinchligi yo‘lida xalqaro birdamlikni kuchaytirishning dolzarb masalalari tahlil qilinadi.

Ushbu to‘plamga kiritilgan maqolalardagi barcha ma’lumotlarning aniqligi va ishonchliligi uchun mualliflarning mas’ulligi belgilangan.

Mas’ul muharrir:

Nurmatov M.M. yuridik fanlar doktori (DSc), professor.

Tahrir hay’ati a’zolari:

Pulatov Y.S. yuridik fanlar doktori, professor.
Maxsadov M.I. yuridik fanlar doktori (DSc), dotsent.
Beksariyev X.Q. dotsent;
Payziyev A.M. yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD);
Jo‘rayev J.R. yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD);

© O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2025

ПРАВОТВОРЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ООН В СФЕРЕ ЗАШИТЫ ПОТЕРПЕВШИХ И СВИДЕТЕЛЕЙ В УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

Пулатов Ю.С.,
профессор кафедры Университета общественной безопасности Республики Узбекистан, доктор юридических наук, академик Международной академии духовного единства народов мира

Аннотация: В статье раскрывается правотворческая активная деятельность ООН по защите прав потерпевших и свидетелей в уголовном судопроизводстве.

Ключевые слова: ООН, правотворчество, права, защита, потерпевшие, свидетели, уголовное судопроизводство, деятельность, документы.

Идея о необходимости обеспечения должной защиты лиц, содействующих уголовному судопроизводству, и в первую очередь потерпевших и свидетелей не нова, хотя ее бурное развитие охватывается не столь длительным с исторической точки зрения периодом – пристальное внимание мирового сообщества к институту государственной защиты датируется второй половиной прошлого века.

Именно с этого момента многие развитые государства серьезно столкнулись с существенным снижением эффективности уголовного судопроизводства, основной причиной которого стало оказание противоправного воздействия со стороны преступника и его окружения на иных участников уголовного процесса, главным образом потерпевшего и свидетеля.

Причем формы оказания давления были самыми разнообразными, и, как показала практика, преодолеть этот феномен традиционными методами и способами на уровне развития уголовно-процессуального законодательства, существовавшего в тот период, государства уже объективно не могли. На негативную тенденцию во многом оказал влияние процесс зарождавшейся в конце 80 годов XX века глобализации, затронувшей все стороны общественной жизни, в том числе и на развитие преступности, росте ее межгосударственных связей, придание ей трансграничного характера и естественное при таких условиях стремление преступных организаций (сообществ) обезопасить себя, максимально снизив эффективность деятельности государственных органов, уполномоченных в сфере борьбы с преступностью. Одним из самых перспективных направлений оказался путь создания для таких ключевых участников уголовного судопроизводства как свидетель и потерпевший нетерпимых условий их участия в уголовном процессе, гарантированно

исключающих их сотрудничество с правосудием, даже в ущерб своим собственным интересам, не говоря уже об исполнении гражданского долга.

Данная проблема приобрела столь острый и распространенный характер, что рано или поздно она должна была привлечь внимание наиболее авторитетной мировой организации - Организации Объединенных Наций.

Организация Объединенных Наций, образованная в 1945 году, объединяет большинство стран мировой цивилизации, и естественным образом оказывается на первых ролях в деле формулирования подходов и руководящих принципов деятельности по защите уязвимых лиц при отправлении уголовного судопроизводства. ООН уделяет самое пристальное внимание проблематике предупреждения преступности и повышения эффективности уголовного правосудия. Всеобщая декларация прав человека, принятая и провозглашенная резолюцией 217А (III) Генеральной Ассамблеии ООН от 10 декабря 1948 года [1] - базовый основополагающий документ, определивший на многие годы политику Организации в области обеспечения прав человека. Ряд положений Декларации имеет самое непосредственное отношение к деятельности по защите лиц, содействующих уголовному судопроизводству. При этом особый интерес представляет норма, изложенная в статье 12 Декларации, в соответствии с которой «никто не может подвергаться произвольному вмешательству в его личную и семейную жизнь, произвольным посягательствам на неприкосновенность его жилища, тайну его корреспонденции или на его честь и репутацию. Каждый человек имеет право на защиту закона от такого вмешательства или таких посягательств».

По существу, Декларация представляет собой документ, в котором закреплены принципы и стандарты в области соблюдения прав человека, а также желаемые модели поведения, выработанные и апробированные на протяжении всей истории человечества. Поэтому нет ничего удивительного в том, что большинство ее положений были легко восприняты и, практически не видоизменяясь, нашли свое отражение в конституционных и законодательных актах разных стран, в том числе и Республики Узбекистан. В дальнейшем все разрабатываемые ООН документы в сфере обеспечения прав и интересов лиц, вовлеченных в уголовное судопроизводство, развивая, детализируя и конкретизируя положения Всеобщей декларации прав человека, имели четкую направленность на максимальное повышение гарантий прав личности.

16 декабря 1966 года резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН 2200А (XXI) принят Международный пакт о гражданских и политических правах [2]. Пункт 3 статьи 2 Пакта обязал участвующие в нем государства обеспечивать любому лицу, права и свободы которого нарушены, эффективное средство

правовой защиты. Эта норма подкреплялась требованием об обязательности применения компетентными властями средств правовой защиты, что предполагает сопоставление праву лица на защиту обязанность государства такую защиту предоставить. И это уже императивное предписание относительно того, какие меры на национальном уровне следует предпринимать государствам для обеспечения прав граждан. Другое значимое положение, закрепленное в Пакте – возможность проведения частично или полностью закрытых судебных заседаний, «если того требуют соображения морали, общественного порядка или государственной безопасности в демократическом обществе или когда того требуют интересы частной жизни сторон, или – в той мере, в какой это, по мнению суда, строго необходимо, - при особых обстоятельствах, когда публичность нарушала бы интересы правосудия». Совершенно очевидно, что последнее из приведенных условий применимо, в том числе и к случаям оказания на свидетелей, потерпевших противоправного воздействия в связи с их участием в уголовном деле.

Особое место в системе нормативных правовых актов ООН, посвященных вопросам совершенствования уголовного судопроизводства и защиты прав и свобод лиц, являющихся его участниками, занимает Декларация основных принципов правосудия для жертв преступлений и злоупотребления властью [3], утвержденная резолюцией Генеральной Ассамблеи 40/34 29 ноября 1985 года. Значимость документа определяется тем, что в нем признается, что «жертва, в соответствующих случаях, включает близких родственников или иждивенцев непосредственной жертвы, а также лиц, которым был причинен ущерб при попытке оказать помощь жертвам, находящимся в бедственном положении, или предотвратить дискриминацию» [4]. Впервые предложено на международном и региональном уровнях разрабатывать пути и средства предоставления жертвам преступлений правовой защиты. В контексте Декларации к жертвам преступлений с полным правом могут быть отнесены как потерпевшие, так и свидетели и их близкие, а в широком смысле – все участники уголовного процесса. Именно, исходя из такого понимания термина «жертва», и определяется важная роль Декларации в становлении института защиты участников уголовного судопроизводства.

В равной мере нормы Декларации адресованы и должностным лицам правоохранительных и судебных органов, призваны помочь им лучше ориентироваться в сложной и многогранной проблеме защиты жертв преступлений. Положения Декларации основных принципов правосудия для жертв преступлений и злоупотребления властью получили свое дальнейшее поступательное развитие и активную поддержку в резолюциях Экономического

и Социального совета ООН 1989/57 [5] и 1990/22 [6], а также были одобрены Восьмым конгрессом ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями.

Генеральная Ассамблея ООН в своей резолюции 44/162 [7] от 15 декабря 1989 года рекомендовала государствам-членам использовать данный документ при разработке стратегии для практического применения норм и стандартов ООН в области прав человека при отправлении правосудия.

Декларация основных принципов правосудия для жертв преступлений и злоупотребления властью стала одним из основополагающих документов, определившим на долгую перспективу направления международного сотрудничества в деле защиты лиц, содействующих уголовному судопроизводству.

Немалое влияние на процесс формирования нормативной правовой базы деятельности по защите потерпевших, свидетелей, других лиц, содействующих уголовному судопроизводству, оказывают регулярно проводимые конгрессы ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями. Первый конгресс состоялся в 1955 году в г. Женеве, и с тех пор подобные международные форумы собираются с периодичностью в 5 лет для обсуждения наиболее острых и требующих немедленного разрешения вопросов совершенствования и координации деятельности по борьбе с преступностью. Кроме того, существует еще целый ряд подразделений Организации Объединенных Наций, занимающихся проблематикой противодействия преступности. К их числу, в частности, относится, Экономический и Социальный Совет ООН.

15 декабря 1980 года на 96-м пленарном заседании резолюцией 35/171 Генеральной Ассамблеи ООН была одобрена Каракасская Декларация [8], принятая Шестым конгрессом ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями (состоялся в г. Каракас в 1980 г.). Данная Декларация провозгласила руководящие принципы уголовного правосудия. Среди них, в частности, - необходимость пересмотра традиционных стратегий борьбы с преступностью и предоставление всем максимальной безопасности и охраны их прав и свобод. В этом же документе признается, что мировое сообщество столкнулось с проблемой повышения эффективности систем уголовного правосудия в условиях распространения новых и необычных форм преступлений и трудностей, которые возникают при отправлении уголовного правосудия [9].

29 ноября 1985 года в своей резолюции 40/32 Генеральная Ассамблея ООН одобрила Миланский план действий [10], утвержденный Седьмым конгрессом

ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями (состоялся в г. Милане, 1985 год). В Плане впервые признается серьезность проблемы преступности как в национальном, так и международном масштабах; отмечается, что «некоторые формы преступности могут препятствовать политическому, экономическому, социальному и культурному развитию народов и ставить под угрозу права человека, основные свободы, а также мир, стабильность и безопасность» [11]. В Плане выдвинут ряд рекомендаций по совершенствованию отправления процесса правосудия, которые в полной мере охватывают вопросы защиты участников уголовного судопроизводства.

Так, правительствам государств-членов ООН предложено:

активнее сотрудничать на двусторонней и многосторонней основах в целях усиления мер по предупреждению преступности и укрепления процесса уголовного правосудия;

проводить исследования традиционных и новых форм преступности;

уделять неослабное внимание совершенствованию систем уголовного правосудия в целях укрепления их способности реагировать на изменения общественных условий и потребностей, а также на новые формы преступлений и преступности.

В этой связи, исходя из основного посыла Плана, под реагированием на новые формы преступлений и преступности вполне уместно понимать действия государства в лице уполномоченных им органов по применению мер безопасности в отношении лиц, содействующих уголовному судопроизводству, и подвергающихся в связи с исполнением своего гражданского долга активному противоправному воздействию со стороны подозреваемых, обвиняемых, подсудимых и их окружения.

Идеи, заложенные в Каракасской Декларации и Миланском плане действий, послужили основой для принятия Руководящих принципов в области предупреждения преступности и уголовного правосудия в контексте развития и нового международного экономического порядка [12], в п. 27 которого сформулирован принцип обеспечения широкого доступа к правосудию для всех слоев общества, в особенности для наиболее уязвимых из них. Немаловажно и то, что в документе содержится призыв создавать соответствующие механизмы правовой помощи и защиты прав человека в соответствии с требованиями правосудия.

В ходе Восьмого конгресса ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями (Гавана, 1990 год), на котором рассматривались вопросы предупреждения организованной преступности и борьбы с ней, а также террористической преступной деятельности, защита

участников уголовного судопроизводства признается неотъемлемой частью деятельности государства по борьбе с преступностью, что зафиксировано в приложении к резолюции Восьмого конгресса - Мерах по борьбе с международным терроризмом [13]. В разделе «М» Мер («Защита свидетелей») впервые в самостоятельную категорию выделены свидетели (в данном случае – свидетели террористических актов), для защиты которых государства должны разрабатывать специальные меры и политику, а те государства, которые обладают опытом осуществления программ защиты свидетелей, предлагалось рассмотреть возможность оказания помощи другим государствам, планирующим подобные программы.

На том же, Восьмом конгрессе приняты Руководящие принципы для предупреждения организованной преступности и борьбы с ней [14], в пункте 11 которых отмечается, что в ходе судебного расследования и разбирательства и в деятельности правоохранительных органов против организованной преступности, все более важное значение приобретает защита свидетелей от насилия и запугивания.

Устанавливая общеобязательные для государств-членов нормативы, принципы и стандарты в области обеспечения прав и свобод человека, ООН осознает, что правильное функционирование судебных и правоохранительных органов, от которых во многом зависит то, насколько будут гарантированы права личности, возможно только в обстоятельствах, когда их должностные лица в своей деятельности руководствуются четкими единообразными поведенческими критериями, обязывающими их, в первую очередь, ставить во главу угла права и свободы человека.

Первым документом Организации Объединенных Наций в этой области стал Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка [15], принятый на 106 пленарном заседании Генеральной Ассамблеи ООН в ее резолюции 34/169 от 17 декабря 1979 года. Кодекс провозгласил обязанность должностных лиц по поддержанию правопорядка защищать всех лиц от противоправных актов, уважать человеческое достоинство, поддерживать и защищать права человека по отношению ко всем лицам, сохранять в тайне сведения конфиденциального характера, если исполнение их обязанностей или правосудие не требуют иного.

24 мая 1989 года резолюцией 1989/61 Экономический и Социальный совет ООН принял Руководящие принципы для эффективного осуществления Кодекса поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка [16], в которых предложил отразить в национальных законодательствах государств-членов ООН и применять на практике принципы Кодекса, а термину «должностные лица по

поддержанию правопорядка» придать как можно более широкое толкование. Сделано это, очевидно, для того, что бы в наибольшей степени гарантировать соблюдение и обеспечение прав и интересов человека, в то же время, сведя к минимуму риск стать жертвой произвола, поскольку именно морально-этические и деловые качества сотрудников правоохранительных органов определяют успех предпринимаемых усилий по защите лиц, оказывающих помощь правосудию и содействующих уголовному судопроизводству.

Как логичное продолжение линии ООН на упорядочение деятельности должностных лиц по поддержанию правопорядка следует рассматривать утвержденные Седьмым конгрессом ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями Основные принципы независимости судебных органов [17]. Это документ содержит важное с точки зрения обеспечения прав лиц, участвующих в уголовном процессе, заявление: «судебные органы решают переданные им дела… без каких-либо ограничений, неправомерного влияния, побуждения, давления, угроз или вмешательства, прямого или косвенного, с чьей бы то ни было стороны и по каким бы то ни было причинам». В целом Основные принципы независимости судебных органов выдержаны в духе укрепления системы уголовного судопроизводства, как необходимого условия соблюдения справедливости и развития уважения к правам человека.

Восьмой конгресс ООН в свою очередь утвердил Руководящие принципы, касающиеся роли лиц, осуществляющих судебное преследование [18]. В них устанавливается обязанность государств по обеспечению лицам, осуществляющим уголовное преследование, условий, при которых они могли бы выполнять свои обязанности в обстановке, свободной от угроз, препятствий, запугивания. При этом сами должностные лица обязаны, защищая государственные интересы, учитывать положение подозреваемого и жертвы, обращать внимание на все имеющие отношение к делу доказательства, но, что самое главное – рассматривать мнения и озабоченность жертв, когда затрагиваются их личные интересы. Совершенно ясно, что последняя из перечисленных обязанностей, возлагаемых на должностных лиц, осуществляющих судебное преследование, - это элемент государственной защиты потерпевшего, непосредственно предшествующий этапу принятия решения о применении в отношении него конкретных мер безопасности.

Работа ООН по вопросу дальнейшего повышения эффективности процесса правосудия продолжается и в новом тысячелетии. Свидетельства тому – прошедшие соответственно в 1995 и 2000 годах Девятый и Десятый конгрессы ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями.

Девятый конгресс настоятельно рекомендовал активизировать меры на национальном и международном уровнях по защите участников уголовного процесса и предложил разрабатывать специальные программы, обеспечивающие безопасность отдельных категорий участников уголовного судопроизводства.

В ходе Десятого конгресса принята Венская декларация о преступности и правосудии: ответы на вызовы XXI века, которая рекомендовала государствам-членам принять национальные, региональные и международные планы действий в поддержку жертв преступлений. Проблематика, затронутая на форуме, уже значительно адаптирована к современным реалиям, текст итогового документа оперирует уже не абстрактными «лицами», права которых нарушаются в ходе уголовного судопроизводства, а конкретными наименованиями его участников. Так, предельно заострена проблема обеспечения безопасности свидетеля на разных стадиях процесса, при этом отмечается, что даже в случае обеспечения определенной степени защиты свидетелей до начала и в ходе судебного разбирательства вопрос об их безопасности в долгосрочном плане по-прежнему вызывает серьезную озабоченность [19].

Завершая рассмотрение вопроса о правотворческой деятельности ООН в сфере защиты потерпевших, свидетелей и других лиц, содействующих уголовному судопроизводству, необходимо отметить, что деятельность эта находится в постоянном динамичном развитии, чутко реагируя на внешние изменения. И если на ранних этапах нормативно-правовые акты ООН, главным образом, ограничивались простой констатацией проблемы и отдельными рекомендациями по ее решению, то в настоящее время прослеживается тенденция к выработке как на международном, так и национальном уровнях конкретных мер и механизмов их реализации по защите тех, кто вовлечен в процесс уголовного судопроизводства.

Использованная литература:

1. См.: Международные Конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью: (Сб. междунар. документов) /Сост. Ю.С. Пулатов. – Т.: Шарк, 1995. – С. 9-16.

2. См.: Там же. – С. 33-53.

3. См.: Международные Конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью: (Сб. междунар. документов). – С. 238 – 242.

3. См.: Там же. – С. 238.

4. См.: Сборник стандартов и норм Организации Объединенных Наций в области предупреждения преступности и уголовного правосудия. – 1992. – Нью-Йорк. – С. 245 – 247.

5. См.: Там же. - С. 247, 248.

6. См.: Там же. – С. 9.

7. См.: Международные Конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью. – С. 272-274.

8. См.: Международные Конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью. - С. 272.

9. См.: Там же. - С. 277 –280.

10. См.: Там же. – С. 277.

11. См.: Там же. – С. 283 – 298.

12. См.: Сборник стандартов и норм Организации Объединенных Наций в области предупреждения преступности и уголовного правосудия. – 1992. – Нью-Йорк. – С. 49 – 55.

13. См.: Там же. – С. 44 – 48.

14. См.: Международные Конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью. – С. 221 –228.

15. См.: Там же. С. 161 – 162.

16. См.: Там же. – С. 231 – 234.

17. См.: Международные Конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью. - С. 283- 298.

18. См.: Правонарушители и жертвы: ответственность и справедливость в процессе отправления уголовного правосудия. Рабочий документ, подготовленный Секретариатом к Десятому конгрессу ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями. – 1999. – С. 9.

19. См.: Правонарушители и жертвы: ответственность и справедливость в процессе отправления уголовного правосудия. Рабочий документ, подготовленный Секретариатом к Десятому конгрессу ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями. – 1999. – С. 9.

ПИРОТЕХНИКА БУЮМЛАРИ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ ҚУРОЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ СИФАТИДА

Закурлаев Абдумутал Каримович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети “Жиноий-ҳуқуқий фанлар” кафедраси профессори ю.ф.д., профессор
Бабабеков Нодир Джурабаевич
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

Аннотация. Ушбу илмий мақола замонавий пиротехника буюмларидан жиноий мақсадларда фойдаланиш муаммоларига бағишланган. Унда қуйидаги масалалар кўриб чиқилган: пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда муомалага киритишдан иборат ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик ва жиноий жавобгарлик, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда муомаласи бўйича маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин ёки анча миқдорда ҳуқуқбузарлик содир этилганда, одам ўлишига сабаб бўлганида ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлганда жиноий жавобгарлик. Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш қоидаларини тартибга солувчи Қонунчилик базаси доимий равишда такомиллаштирилиши лозимлиги таклиф қилинган.

Калит сўзлар: пиротехника буюмлари, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик, пиротехника буюмларининг савдоси**, п**иротехника буюмларини қонунга хилоф равишда муомалага киритишдан иборат ҳаракатлар, пиротехника воситаларининг муомаласи бўйича давлат назорати.

Ҳозирги кунда пиротехника воситаларидан фойдаланиб турли ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Жумладан, “Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича 2020 йилда 25 та, 2021 йилда 67 ҳамда 2022 йилда 24 та ҳолат бўйича терговга қадар текширув материаллари юритилган” [1]. В.И.Медведевнинг таъкидлашича “90-йилларнинг бошидан бери Россияда ишлаб чиқарилган, шунингдек бошқа мамлакатлардан олиб келинган пиротехника маҳсулотлари сони тобора ўсиб бормоқда, ушбу воситаларнинг умумий савдоси бўйича маблағлар ҳозирда 100 миллион доллардан ошмоқда [2, С.100].

Шу сабабли, пиротехника буюмларидан ноқонуний фойдаланиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар сони ҳам кўпаймоқда. Ачинарлиси шундаки, улар баъзи ҳолларда ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келадиган жиноятлар предмети ва воситаси ҳисобланади. Пиротехника буюмлари ва таркибларининг ёниши, ёруғлик, тутун ва қаттиқ товуш чиқариш билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари, сотиб олишнинг осонлиги ва ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларига хос бўлган ўзига жиҳатларининг мавжудлиги – уларни жиноят содир этиш қуроли сифатида ишлатиш учун шароит яратади.

Сир эмаски, янги йил байрами арафасида пиротехника буюмларининг савдоси ортиб кетади. Шу билан биргаликда “ишлаб чиқарувчиси номаълум ва сифат сертификатига эга бўлмаган, турли айланма йўллар билан мамлакатимизга қонунга хилоф равишда олиб кирилган пиротехника буюмларидан фойдаланиш вақтида кўплаб юртдошларимиз турли даражада жароҳатланаётгани ҳам барчага маълум” [3].

Портлаш техник экспертизасининг кенг тарқалган тадқиқот объектларидан бири пиротехника маҳсулотлари ва таркибларидир. Статистикага тўхталадиган бўлсак, “Тошкент шаҳридаги жиноят ишлари бўйича судларда 2022 йил давомида 248 нафар шахсга нисбатан 218 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар кўриб тамомланган. Шундан, 210 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар бўйича 238 нафар шахсга жарима жазоси тайинланган. Ушбу ишлар бўйича ашёвий далил сифатида олинган 2245 қутидаги 296 081 дона баҳоси 145 693 054 сўмлик пиротехника воситалари йўқ қилиниши белгиланган. Худди шу давр мобайнида 17 нафар шахсга нисбатан 8 та жиноят ишлари кўриб тамомланган ва уларнинг барчасига айблов ҳукмлари чиқарилган. Судланганларнинг 1 нафарига жарима, 1 нафарига ахлоқ тузатиш ишлари, 5 нафарига озодликни чеклаш, 9 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 1 нафарига эса бошқа асосга кўра ҳукм чиқарилган. Ушбу ишлар бўйича ашёвий далил сифатида олинган 4510 қутидаги 39 742 638 дона баҳоси 156 424 940 сўмлик пиротехника воситалари йўқ қилиниши белгиланган” [4].

Пиротехника маҳсулотларининг қонунга хилоф муомаласи ҳолатларининг кўпайиши – ҳуқуқшунослик фани соҳасида тегишли илмий тадқиқотлар олиб борилишини талаб қилади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда муомалага киритишдан иборат ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185^1-моддаси ва Жиноят кодексининг 250^1-моддасига кўра жавобгарлик белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185^1-моддасига кўра,

пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш – ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда муомаласи бўйича маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин ёки анча миқдорда ҳуқуқбузарлик содир этилса жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

Агар юқоридаги ҳаракатлар **маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, а**ниқроғи, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш – кўп миқдорда; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса; баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш жуда кўп миқдорда; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса; одам ўлишига сабаб бўлганида эса 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш - одамлар ўлимига; бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, 8 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юқорида айтилганларга асосланиб, пиротехника воситалари юқори хавфли объект ҳисобланади, ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун объектлар ва воситалар сифатида қўлланилиши мумкин. Шу сабабли, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш қоидаларини тартибга солувчи Қонунчилик базаси доимий равишда такомиллаштирилиши лозим.

Пиротехника воситаларининг муомаласи бўйича самарали давлат назорати ўрнатилиши энг аввало фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишда, уларнинг саломатлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Суриштирувни мувофиқлаштириш бошқармасининг маълумотлари.

2. Медведев В.И. Пиротехнические средства как предметы и орудия совершения преступлений. / Угловно-правовые и криминалистические проблемы расследования и раскрытия преступлений. 2009. – Минск. С.100-104.

3. Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласига қарши муросасиз кураш давом этади / https://iiv.uz/oz/news/pirotexnika-buyumlarining-qonunga-xilof-muomalasiga-qarshi-murosasiz-kurash-davom-etadi.

4. Пиротехника буюмларини қонунга хилоф муомаласи учун қандай жавобгарлик бор? / https://aniq.uz/yangiliklar/pirotexnika-buyumlarini-qonunga-xilof-muomalasi-uchun-qanday-javobgarlik-bor.

BMTNING GIYOHVANDLIK VA NARKOJINOYATCHILIKKA QARSHI KURASHISHDAGI O‘RNI: O‘ZBEKISTON TAJRIBASI VA XALQARO HAMKORLIK ISTIQBOLLARI

Payziyev Abbos Muxammadovich,
Maxsus-huquqiy fanlar va harbiy diplomatiya kafedrasi dotsenti yu.f.b.f.d. (PhD)

Giyohvandlik kecha yoki bugun paydo bo‘lgan hodisa emas. Insoniyat tarixida deyarli biror mamlakat ham giyohvand moddalarni iste’mol qilish bilan bog‘liq muammolardan butunlay holi bo‘lmagan. Shu jumladan, bu illat O‘zbekiston uchun ham yangilik emas. Yaqin vaqtgacha mamlakatimizda giyohvandlik alkogolizm yoki boshqa deviant xulq-atvor shakllariga nisbatan kamroq tarqalgan hodisa sifatida qaralgan edi. Biroq, so‘nggi yillarda yuzaga kelgan ijtimoiy korroziya unsurlari jamiyatning ma’naviy muhitiga salbiy ta’sir ko‘rsatib, xalqimizning yuksak qadriyatlariga putur yetkazmoqda.

Mazkur jarayonlar nafaqat milliy, balki global miqyosda ham dolzarb tus olmoqda. Shu sababli, giyohvandlikka qarshi kurash masalasi Birlashgan Millatlar Tashkilotining asosiy yo‘nalishlaridan biri sifatida e’tirof etilgan. BMTning Giyohvandlik va jinoyatchilikka qarshi kurash boshqarmasi (UNODC) tomonidan ishlab chiqilgan xalqaro strategiyalar, konvensiyalar va dasturlar davlatlar o‘rtasida hamkorlikni kuchaytirish, giyohvand moddalar va ularning noqonuniy aylanishi ustidan nazoratni takomillashtirishga xizmat qilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi ham mazkur yo‘nalishda BMT bilan yaqindan hamkorlik qilib kelmoqda. Xususan, mamlakatimiz UNODC bilan hamkorlikda giyohvandlikka qarshi profilaktika, yoshlar o‘rtasida sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qilish, narkojinoyatchilikni kamaytirish va huquqni muhofaza qiluvchi organlar salohiyatini oshirishga qaratilgan qator milliy va mintaqaviy dasturlarni amalga oshirmoqda.

Shunday qilib, giyohvandlikka qarshi kurash bugungi kunda faqat tibbiy yoki huquqiy muammo emas, balki xalqaro xavfsizlik va barqaror taraqqiyot omillaridan biri sifatida qaralmoqda. BMT tashabbuslari bilan uyg‘un holda olib borilayotgan bu faoliyat O‘zbekiston jamiyatining ma’naviy pokligini saqlash, yosh avlodni bu illatdan himoya qilish va global xavfsizlikni mustahkamlash yo‘lida muhim ahamiyat kasb etadi.

Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti (JSST) ekspertlarining ta’kidlashicha, giyohvandlik global miqyosda insoniyat salomatligiga eng katta xavf tug‘diruvchi omillardan biridir. 2022-yil 25-aprel kuni JSST Bosh direktori Jahon sog‘liqni saqlash assambleyasining 75-sessiyasida “Jahon giyohvandlik muammosi aholi salomatligiga ta’siri” mavzusidagi ma’ruzasida ma’lum qilganidek, 2020-yilda dunyo bo‘yicha 275

millionga yaqin inson psixofaol moddalarni iste’mol qilgan, 2030-yilga borib esa bu ko‘rsatkich 11 foizga oshishi kutilmoqda. Ayniqsa, Afrikada bu o‘sish 40 foizgacha yetishi mumkin. Shu bilan birga, 36 million kishi giyohvandlik bilan bog‘liq kasalliklardan aziyat chekmoqda. Har yili 583 mingga yaqin o‘lim holatlari to‘g‘ridan-to‘g‘ri yoki bilvosita giyohvand moddalar bilan bog‘liq bo‘lib, shulardan 450 ming nafari opioidlar, 14 ming nafari nasha moddalari ta’sirida yuz beradi. Qo‘shma Shtatlarda esa 600 mingga yaqin inson opioidlarning haddan tashqari dozasi tufayli hayotdan ko‘z yumgan.

Ushbu muammo O‘zbekiston uchun ham dolzarb masalalardan biridir. Hozircha mamlakatimizda giyohvandlik darajasi genofondga tahdid soluvchi (aholining 5 foizi giyohvand bo‘lsa, xavfli daraja hisoblanadi) holatga yetgan emas. Sotsiologik tadqiqotlar bu ko‘rsatkichning past ekanini bildiradi. Shunga qaramay, O‘zbekistonda bugungi kunda 8 mingga yaqin giyohvand ro‘yxatga olingan bo‘lsa-da, amalda ularning soni bundan bir necha barobar ko‘p bo‘lishi mumkin.

So‘nggi besh yillik (2020–2024) statistik ma’lumotlarga ko‘ra, mamlakatda jinoyatchilik 84,3 foizga oshgan. Xususan, giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar bilan bog‘liq jinoyatlar 35,5 foizga ortgan, bu turdagi jinoyatlar umumiy jinoyatlar ichida 42,1 foizni tashkil etmoqda. Eng xavotirli jihat shundaki, bu illat asosan yoshlar orasida keng tarqalib, jamiyatimiz kelajagiga jiddiy xavf solmoqda.

Sotsiologik tadqiqotlar shuni ko‘rsatmoqdaki, jamiyatda giyohvandlikka nisbatan murosasiz munosabat asta-sekin susaymoqda, e’tiborsizlik va befarqlik holatlari ortib bormoqda. Bu esa davlat tomonidan giyohvandlikka qarshi kurash sohasida olib borilayotgan chora-tadbirlarning samaradorligini oshirish zarurligini taqozo etadi.

Yuqoridagi ma’lumotlarni inobatga olib bu boradagi bugungi kunning dolzarb muammolarini sanab o‘tamiz:

Giyohvandlikning jahon miqyosida o‘sishi va global xavf darajasining saqlanib qolayotganligi; (JSST ma’lumotlariga ko‘ra, 2020–2030 yillar oralig‘ida giyohvand moddalardan foydalanuvchilar soni kamida 11 foizga oshishi kutilmoqda. Bu, ayniqsa, Afrika kabi rivojlanayotgan mintaqalarda 40 foizgacha o‘sishi ehtimolini anglatadi. Bu holat insoniyat sog‘lig‘i, demografiya va mehnat salohiyati uchun jiddiy tahdiddir).

Giyohvandlik tufayli o‘limlar sonining keskin ko‘payishi holatlarining tizimli o‘sib borayotganligi; (Har yili dunyo bo‘yicha 583 ming kishi giyohvand moddalar bilan bog‘liq sabablardan halok bo‘ladi, ularning 450 ming nafari — opioid moddalar ta’sirida. Bu raqamlar jahon sog‘liqni saqlash tizimidagi profilaktik choralarning yetarlicha samarali emasligini ko‘rsatadi).

Yoshlar o‘rtasida giyohvandlikning kengayishi; (O‘zbekistonda va jahonning ko‘plab mamlakatlarida giyohvandlik asosan yoshlar qatlami orasida kengaymoqda.

Bu tendensiya kelajak avlodning ma’naviy va jismoniy sog‘lomligiga, mehnat bozoridagi faolligiga hamda jamiyat barqarorligiga jiddiy xavf tug‘diradi).

Giyohvandlik bilan bog‘liq jinoyatchilik darajasining ortishi; (2020–2024 yillar mobaynida O‘zbekistonda jinoyatchilik 84,3 foizga, giyohvandlik bilan bog‘liq jinoyatlar esa 35,5 foizga oshgan. Bu raqamlar giyohvandlik faqat sog‘liq muammosi emas, balki huquqbuzarlik va xavfsizlik masalasiga ham aylanganini ko‘rsatadi).

Jamiyatda giyohvandlikka nisbatan befarqlik va ma’naviy immunitetning pasayib borayotganligi. (So‘nggi yillarda fuqarolarning giyohvandlikka nisbatan muruvvatli yoki befarq munosabati kuchaymoqda. Bu holat profilaktik ishlar samaradorligini pasaytib, jamiyatning ma’naviy muhitini zaiflashtirmoqda).

Ushbu muammolarni hal qilish uchun quyidagilarni taklif qilish maqsadga muvofiq:

Xalqaro hamkorlikni kuchaytirish;

Ma’lumot va profilaktika dasturlarini rivojlantirish;

Qonunchilikni takomillashtirish va amaliy ijroni kuchaytirish;

Reabilitatsiya va ijtimoiy reintegratsiya markazlarini ko‘paytirish;

Chegara xavfsizligini mustahkamlash va zamonaviy nazorat tizimlarini joriy etish.

Shuningdek, profilaktika ishlari moddiy va ma’naviy jihatdan murakkab bo‘lsa-da, kasallikni davolashdan ko‘ra uni oldini olish osonroqdir. Shu sababli, profilaktika tizimini mustahkamlash davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri bo‘lishi lozim. Chunki bu jarayon jamiyatning salomatligi va xavfsizligiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi.

Mazkur muammolarni hisobga olgan holda, giyohvandlikka qarshi kurashda Birlashgan Millatlar Tashkilotining o‘rni alohida ahamiyat kasb etadi. BMTning Giyohvandlik va jinoyatchilikka qarshi kurash boshqarmasi (UNODC) doirasida O‘zbekiston Respublikasi muntazam ravishda xalqaro hamkorlikni yo‘lga qo‘yib kelmoqda. Bu hamkorlik narkojinoyatchilikni oldini olish, chegaralarni mustahkamlash, yoshlarni sog‘lom turmush tarziga yo‘naltirish va global xavfsizlikni ta’minlash yo‘lida muhim omil bo‘lib xizmat qiladi.

Giyohvandlik muammosi jahon miqyosida insoniyatning sog‘lom kelajagiga tahdid solayotgan global illatlardan biri sifatida o‘z dolzarbligini yo‘qotmayapti. Ilmiy tahlillar shuni ko‘rsatadiki, bu muammoning ildizlari ijtimoiy, iqtisodiy va ma’naviy omillar bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, uni bartaraf etish faqat tibbiy yoki huquqiy choralar bilan cheklanmaydi. Bu kompleks yondashuvni, ya’ni sog‘lomlashtirish, ma’rifat va qonun ustuvorligini ta’minlovchi tizimli siyosatni talab qiladi.

BMTning Giyohvandlik va jinoyatchilikka qarshi kurash boshqarmasi (UNODC) tomonidan amalga oshirilayotgan xalqaro dasturlar va qo‘shma loyihalar

mamlakatlar o‘rtasidagi hamkorlikni mustahkamlashda muhim o‘rin tutmoqda. Bu jarayonda O‘zbekiston ham faol ishtirok etib, milliy qonunchilikni xalqaro standartlarga moslashtirish, giyohvandlikka qarshi profilaktik choralarni kuchaytirish hamda yoshlar ongida sog‘lom turmush tarzini qaror toptirish bo‘yicha izchil ishlar olib bormoqda.

Tahlillar shuni anglatadiki, mamlakatimizda giyohvandlik darajasi hali xavfli bosqichga yetmagan bo‘lsa-da, uning ijtimoiy oqibatlari jamiyat ma’naviy muhiti va xavfsizligiga jiddiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Shuning uchun, giyohvandlikka qarshi kurashni faqat jazo choralari bilan emas, balki ta’lim, madaniyat, sport va axborot siyosati orqali ham amalga oshirish muhimdir.

BMT faoliyati misolida ko‘rinib turibdiki, global miqyosdagi bu illatga qarshi kurash faqat davlatlar o‘rtasidagi hamkorlik, axborot almashinuvi va birgalikdagi profilaktik harakatlar orqali samara berishi mumkin. O‘zbekiston Respublikasining mazkur sohadagi qat’iy pozitsiyasi, xalqaro konvensiyalarga qo‘shilishi va BMT tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlashi mamlakatning barqaror taraqqiyot va jamiyat ma’naviy sog‘lomligi yo‘lidagi intilishini namoyon etadi.

Shuningdek, ilmiy tahlillar asosida aytish mumkinki, giyohvandlikka qarshi kurashda eng samarali yo‘l — bu inson ongini sog‘lomlashtirish va ma’naviy immunitetni kuchaytirishdir. Chunki sog‘lom tafakkurga ega avlodgina nafaqat milliy xavfsizlikni, balki butun jahon hamjamiyatining barqaror taraqqiyotini ta’minlay oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstituциyasi. — T.: “O‘zbekiston”, 2023.
2. O‘zbekiston Respublikasining “ GIËHVANDLIK VOSITALARI VA PSIXOTROP MODDALAR TO‘G‘RISIDA”gi Qonuni. — Toshkent, 1999 yil 19 avgust.
3. Mirziëev Sh.M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. — Toshkent: “O‘zbekiston”, 2021.
4. Karimov I.A. O‘zbekiston XXI asr bo‘sag‘asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiët kafolatlari. — T.: “O‘zbekiston”, 1997.
5. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). World Drug Report 2023. — Vienna: United Nations, 2023.
6. World Health Organization (WHO). Global Status Report on Drugs and Health 2022. — Geneva: WHO Press, 2022.
7. UNODC & Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. Joint Action Plan on Countering Illicit Drug Trafficking in Central Asia 2023–2025. — Tashkent, 2023.
8. Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti (JSST) hisoboti: “Global Health Threats and Drug Dependency”. — Jeneva, 2022 yil.
9. UNO General Assembly Resolution A/RES/73/192. International Cooperation to Address and Counter the World Drug Problem. — New York: United Nations, 2018.

BARQAROR RIVOJLANISH SHAROITDA O‘ZBEKISTON MINTAQALARNI IQTISODIY-EKOLOGIK RIVOJLANTIRISH XUSUSIYATLARI

Shadmanov E.Sh.,
O‘R JXU “Iqtisodiy fanlar” kafedrasi professori
Qo‘ldoshev F.U.
O‘R JXU kursanti

Mamlakatning barqaror rivojlanishi va taraqqiyoti mintaqalarning iqtisodiy, ekologik va ijtimoiy rivojlanishi bilan bevosita bog‘liq. Shu bois, respublikamiz mintaqalarini barqaror rivojlantirish borasida olib borilayotgan keng ko‘lamli islohotlar yildan-yilga o‘zining ijobiy natijasini bermoqda. Biroq, jahon hamjamiyatini tashvishga solayotgan global darajadagi iqtisodiy, siyosiy, ekologik va ijtimoiy muammolar hamda ularning echimini topish bugungi kunning dolzarb masalasiga aylandi.

Jahon mamlakatlari mintaqalarining barqaror rivojlanishi borasida BMT ning “An Action Agenda for Sustainable Development” hisobotida mamlakat va uning mintaqalarining barqaror rivojlanishining to‘rtta yo‘li ko‘rsatib berildi: iqtisodiy o‘sish, ijtimoiy barqarorlik, atrof-muhitni himoya qilish va saqlash, tinchlik va xavfsizlikni ta’minlashga qaratilgan vazifalar o‘z aksini topgan[1].

Birlashgan Millatlar Tashkilotining 2015-yilda tashkilotga a’zo davlatlar tomonidan qabul qilingan BMT ning 2030-yilgacha “Barqaror rivojlanish maqsadlari” doirasida 17 ta Barqaror taraqqiyot maqsadlari va 169 ta umumiy maqsadlari (SDG) belgilandi[2].

XXI asrning muhim hujjati sifatida e’tirof etilgan “Barqaror rivojlanish maqsadlari” rezolyusiyasida belgilab berilgan asosiy masalalar sifatida Yer sayyorasi uchun tinchlik va farovonlikni bugun hamda kelajak avlod uchun ustuvorligini ta’minlash, rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlar o‘rtasida global va hamkorlik masalalarini amalga oshirish orqali dunyo davlatlarida kambag‘allik hamda qashshoqlikni tugatish, insonlar salomatligini muhofaza qilish, ta’lim sifatini oshirish, davlatlar o‘rtasida ijtimoiy tengsizlikni kamaytirish, iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirishga doir strategiyalarni ishlab chiqish, global iqlim o‘zgarishlariga qarshi kurashish, tabiiy ekotizim va o‘rmonlarni muhofaza qilish va kabi muhim maqsadlar belgilab berilgan.

O‘zbekiston Respublikasi 193 ta mamlakat bilan bir qatorda BMT ning “2030-yilgacha bo‘lgan davrda barqaror rivojlanish kun tartibi dasturi” ni amalga oshirishda

[1] An Action Agenda for Sustainable Development. Report for the UN secretary general. 6 june 2013. https://unstats.un.org/unsd/broaderprogress/pdf/130613-SDSN-An-Action-Agenda-for-Sustainable-Development-FINAL.pdf

2 Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development. // https://sdgs.un.org/2030agenda.

o‘z majburiyatlarini to‘liq bajarmoqda. Ushbu “kun tartibi” ni izchil amalga oshirish bo‘yicha tizimli ishlarni tashkil etish maqsadadi O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining “2030-yilgacha barqaror rivojlanish sohasida milliy maqsad va vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi hamda “2030-yilgacha bo‘lgan davrda barqaror rivojlanish sohasidagi milliy maqsad va vazifalarni amalga oshirishni jadallashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi qarorlari qabul qilindi[1].

Birlashgan Millatlar Tashkilotining 2030-yilgacha “Barqaror rivojlanish maqsadlari” rezolyusiyasining 15-maqsadi “... xalqaro miqyosda er usti ekotizimlarini muhofaza qilish, ularni tiklash hamda barqaror foydalanishni rag‘batlantirish, o‘rmon resurslarini barqaror boshqarishni ta’minlash, umumiy darajada cho‘llanishga qarshi kurashish hamda er degdatsiyasini to‘xtatish va tiklash, biologik xilma-xillikning yo‘qolishini oldini olishga qaratilgan maxsus maqsad va vazifalar” belgilab berildi[2].

Dunyo mamlakatlari orasida o‘zining nufuzli o‘rniga ega bo‘lib borayotgan mamlakatimiz ham “Barqaror rivojlanish maqsadlari” doirasida belgilangan davr talablaridan kelib chiqqan holda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 21-fevral 2022-yildagi “2030-yilgacha bo‘lgan davrda barqaror rivojlanish sohasidagi milliy maqsad va vazifalarni amalga oshirishni jadallashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi 83-sonli qarorida “Iqtisodiyot tarmoqlari va sektorlarini rivojlantirishning milliy strategiyalari va dasturlarini ishlab chiqishda ekotizim va biologik xilma-xillik qiymatining hisobga olinishi ta’minlash” kabi vazifalarga alohida ahamiyat qaratildi[3].

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 21-fevraldagi 83-sonli qarorining 13 hamda 15-maqsadlarida “iqlim o‘zgarishi oqibatlariga qarshi kurashish, ekotizimni himoyalash va tiklash, o‘rmondan oqilona foydalanish, cho‘llanishga qarshi kurashish, erlarning neytral emirilishini to‘xtatish, tuproqlarni muhofaza qilish, yo‘qolib ketish xavfi ostida turgan bioxilma-xillikni saqlash, o‘rmonlarni tiklash va ulardan oqilona foydalanish” bilan vazifalar belgilab berilgan.

Shu bois, “Barqaror rivojlanish maqsadlari” dan kelib chiqib, mintaqaviy darajada tus olayotgan global iqtisodiy, ekologik va ijtimoiy masalalarga ijobiy darajada echim topish bugun kunning dolzarb vazifasi sifatida kelajakni ta’minlovchi dasturilamal sifatida xizmat qiladi. Shu jihatdan mintaqalarda yildan-yilga o‘sib borayotgan aholining moddiy ehtiyojlarini qondirish, mavjud ekotizimni muhofaza qilish, iqtisodiy va ekologik islohotlarni izchil amalga oshirish, mintaqalarda er va suv

[1] Ўзбекистоннинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш тўғрисида. Ихтиёрий миллий ҳисоботи (иккинчи).
[2] https://sdgs.un.org/ Department of Economic and Social Affairs Sustainable Development
[3] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.02.2022-йилдаги “2030-йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 83-сон қарори. https://lex.uz/docs/5870397

resurslaridan samarali foydalanish asosida oziq-ovqat xavfsizligiga erishishga qaratilgan chora-tadbirlarni davom ettirish dolzarb ahamiyatga ega.

Barqaror rivojlanish maqsadlarining asosiy turlari va uning ta'riflari 1-rasmda berilgan bo'lib, uning asosiy uchta omilga bo'lingan holda ko'rib o'tilishi maqsadga muvofiq. Tadqiqotimiz nuqtai-nazaridan mintaqalarni iqtisodiy-ekologik barqaror rivojlantirishda "Barqaror rivojlanish maqsadlari" (SDG) belgilab berilgan maqsad va vazifalarni izchil davom ettirish maqsadga muvofiq. Barqaror rivojlanish maqsadlari butun dunyo bo'ylab iqtisodiy, ekologik va ijtimoiy jarayonlarni tartibga solish va ustuvor darajada rivojlantirishga qaratilgan.

Mintaqalarni iqtisodiy-ekologik rivojlantirishning huquqiy asoslari quyidagilardan iborat, ya'ni: me'yoriy-huquqiy hujjatlar, davlat siyosati va boshqaruv ta'siri, huquqiy kafolatlar berish. Aytish joizki, qabul qilingan me'yoriy-huquqiy hujjatlarning joylarda ijrosini ta'minlashda davlat siyosati va boshqaruv ta'sirining ahamiyati katta, chunki, mintaqaviy jihatdan tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va atrof-muhitni muhofaza qilishda hududiy boshqaruv organlarining mintaqani boshqarishga bo'lgan talabi yildan-yilga ortib boradi. Shuningdek, mintaqani iqtisodiy-ekologik jihatdan rivojlantirishda fuqarolarning huquqlari ham ta'minlanmoqda.



1-rasm. Barqaror rivojlanish maqsadlarining asosiy turlari va ta'rifi[1]

O'zbekiston Respublikasi mintaqalarini iqtisodiy-ekologik jihatdan rivojlantirish borasida qabul qilingan me'yoriy va huquqiy asoslari va konseptual ahamiyatga doir davlat dasturlari bugungi kunda o'zining ijobiy natijasini bermoqda. Xususan, har bir me'yoriy huquqiy hujjatlarda iqtisodiy-ekologik rivojlantirish borasida alohida belgilangan maqsad va vazifalar o'z aksini topgan. Shu bois, qabul

[1] Ilmiy adabiyotlarni tadqiq qilish asosida tuzilgan.

qilingan me’yoriy-huquqiy hujjatlarning mintaqaviy jihatdan ijrosini ta’minlash, mintaqalarni rivojlantirish maqsadida “Yo‘l xaritalari” ini ishlab chiqilishi, mintaqalar rivojlanishini istiqbolini ta’minlab beradi.

Respublikamizda har bir mintaqani barqaror rivojlantirish bevosita mintaqaviy iqtisodiy siyosatni to‘g‘ri yuritishga bog‘liq, bu holat esa mamlakatning iqtisodiy, ekologik va ijtimoiy vaziyatini yaxshilashning muhim kafolati hisoblanadi. Mintaqalarni barqaror rivojlanishi bu hududlarda ishlab chiqarilayotgan sanoat va iste’mol tovarlarida mintaqaning mehnat resurslari salohiyatini ham oshirish muhim ahamiyatga ega.

Mintaqani barqaror rivojlantirish borasida xorijiy tadqiqotchilardan D.Miltin va D.Satterthwaite tomonidan “Barqarorlik, atrof-muhit va urbanizatsiya bir qator janubiy mamlakatlarga ta’sir etishi, barqarorlikni ta’minlash asosida infratuzilma, sog‘liqni saqlash, atrof-muhit holatini baholashning konseptual masalalariga alohida ahamiyat qaratish lozim. Shuningdek, mintaqaning iqtisodiy va ekologik jihatlarini birlashtirish rivojlantirish rivojlanish tashabbuslari nafaqat iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirishni, balki mintaqaning uzoq muddatli farovonligiga bog‘liq bo‘lgan atrof-muhit va tabiiy resurslarni muhofaza qilishni ham ta’minlaydi. ” deb ta’kidlab o‘tgan[1].

Xorijlik mutaxassislarning fikrlariga qo‘shilgan holda ta’kidlash joizki, mintaqalarning iqtisodiy rivojiga e’tiborning yuqoriligi hisobiga ekologik vaziyatning izdan chiqishiga sabab bo‘ldi. Shu bois, bugungi kunga kelib, ayrim mintaqalarda ekologik vaziyat izdan chiqdi, atrof-muhit ifloslanishi ortdi, ekotizim tabiiyligini yo‘qotdi, qishloq xo‘jaligida degradatsiya jarayoni kuchaydi va buning ta’sirida aholi o‘rtasida turli kasalliklarga chalinish ehtimoli ortdi, bu holat esa mintaqlarda migratsiya jarayoni tezlashishiga, iqtisodiy barqarorlik darajasining pasayishiga sabab bo‘ldi.

Mintaqani iqtisodiy-ekologik rivojlantirishning konseptual jihatlarini beshta omillarga bo‘lgan holda tadqiq etish maqsadga muvofiq:

- barqaror rivojlanish;
- hududiy xususiyatlarni hisobga olish;
- “Yashil” iqtisodiyot va innovatsion faoliyat;
- ijtimoiy omillar;
- hududiy integratsion yondashuv (1.10-rasmga qarang).

Ushbu omillar asosida har bir mintaqaning iqtisodiy-ekologik rivojlantirishda konseptual asoslarini yaratish va undan samarali foydalanish har bir mintaqa uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Chet ellik tadqiqotchilardan yana biri Herman E.Deyli ham mintaqalarning barqaror rivojlanishini iqtisodiy-ekologik jihatlarini tadqiq qilgan. Uning fikricha

[1] D.Miltin, D.Satterthwaite. Sustainable development and sities // Sustainability the Environment and Urbanisation. – Routledge, 2014.- P.22-55.

mintaqalarda tabiiy resurslar va ekotizimlarning geografik chegaralarini o‘zaro tan olish muhim ahamiyatga egaligini ta’kidlab o‘tgan. Tadqiqotchining fikrlariga ko‘ra, “an’anaviy iqtisodiy o‘sishni tabiiy resurslarni tugatmasdan hamda atrof-muhitga zarar etkazmasdan uzluksiz davom ettirb bo‘lmaydi” deb ta’kidlagan[1].

Ta’kidlash joizki, har qanday iqtisodiy o‘sishni ta’minlash bevosita ekotizimda ma’lum bir resurslarni yo‘qotish asosida yuzaga keladi. Shu bois, bugungi kunda yashil iqtisodiyotga o‘tishni jadallashtirish hamda yashil innovatsion texnologiyalarni jadal sur’atlarda joriy qilish orqali atrof-muhitni muhofaza qilishga bo‘lgan e’tiborni yanada oshirish zarur.

Jahon miqyosida mintaqani barqaror rivojlanishini tahlil etishda iqtisodiy-ekologik vaziyatning miqdoriy baholash dolzarb ahamiyatga ega. YYevropa hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti mamlakatlarida barqaror rivojlanish konsepsiyalari ishlab chiqilgan bo‘lib, unga ko‘ra, barqaror rivojlanish indiktorlarining doimiy monitoringi amalga oshiriladi. BMT ning barqaror rivojlanish bo‘yicha konferensiyasi (UNCSD), YYevropa hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti va Yevrostat tashkilotlari tomonidan barqaror rivojlanish indikatorlarini aniqlash mezonlari ishlab chiqilib, bunda barqaror rivojlanishning 47 ta indikatori belgilab berildi.

Mamlakatimizda ham atrof-muhitni muhofaza qilish bilan bog‘liq faoliyatda ekologik indikatorlardan 2005-yildan beri foydalanib kelinmoqda. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligining BMT rivojlanish dasturi bilan hamkorlikda tabiiy muhit holatining nazoratini amalga oshiradigan asosiy vazirliklarini jalb qilgan holda “O‘zbekistonda atrof-muhit holatining monitoringini o‘tkazish uchun ekologik indikatorlar”loyihasi ishga tushirildi.

Mintaqa iqtisodiyotini barqaror rivojlantirish borasida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan ta’kidlab o‘tilganidek, “Ayni paytda hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini muayyan mezonlar asosida baholashga davriy va uzluksiz tus bermog‘imiz darkor. Jumladan, barqaror va mutanosib iqtisodiy taraqqiyotni ta’minlash, iqtisodiy islohotlar samaradorligini hisobga olish va yangi ish o‘rinlarini yaratish, ishsizlikni kamaytirish va mehnat bozori samaradorligini ta’minlashga alohida e’tiborni kuchaytirish zarur”[2].

Darhaqiqat, mintaqaviy jihatdan hududlarni barqaror darajada rivojlantirishda ustuvor jihatdan e’tibor qaratilishi kerak bo‘lgan masalalarga quyidagilar kiradi:

- hududlarning iqtisodiy rivojlanishida qulay investitsion muhitni shakllantirish va investitsion imkoniyatlarni kengaytirish;

- hududlarning sanoat salohiyatini o‘rganish asosida yangi korxonalarni tashkil etish borasida hududiy dasturlarni ishlab chiqish;

[1] Herman E.Deyli. Ecological economics and sustainable development. // Edward Elgar Publishing. I. Title. 2007. P.280.
[2] Sh.M.Mirziyoyev. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. T.: “O‘zbekiston” nashriyoti. 2023 y. 165-bet.

- hududlarda mavjud sanoat korxonalari faoliyatini kengaytirish va diversifikatsiyalash orqali aholini ish bilan ta’minlash choralarini ishlab chiqish;

- hududlarning aholi bandligini oshirish maqsadida xizmatlar sohasiga e’tiborni kuchaytirish;

- hududlarning tabiiy ekotizimini saqlash va hududiy turizm salohiyatini oshirish choralarini ko‘rish;

- hududlarning agrosanoat majmui korxonalari faoliyatini rivojlantirish maqsadida investitsiyalarni jalb qilish;

- hududlarda “Yashil” bog‘lar va aholi farovonligiga xizmat qiladigan infratuzilma ob’ektlariga e’tibor qaratish;

- hududlarning atrof-muhit muhofazasi bo‘yicha Davlat dasturlarini ishlab chiqish va boshqalar.

Xulosa o‘rnida aytish joizki, mintaqalarni iqtisodiy-ekologik jihatdan rivojlantirish masalasi doimiy ravishda xalqaro maydonda kunning muhim masalasi sifatida o‘z dolzarbligini yo‘qotmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. An Action Agenda for Sustainable Development. Report for the UN secretary general. 6 june 2013. https://unstats.un.org/unsd/broaderprogress/pdf/130613-SDSN-An-Action-Agenda-for-Sustainable-Development-FINAL.pdf

2. Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development. //https://sdgs.un.org/2030agenda.

3. Ўзбекистоннинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш тўғрисида. Ихтиёрий миллий ҳисоботи (иккинчи).

4. Department of Economic and Social Affairs Sustainable Development //https://sdgs.un.org/

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.02.2022-йилдаги “2030-йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 83-сон қарори. https://lex.uz/docs/5870397

6. Miltin D., Satterthwaite D. Sustainable development and sities // Sustainability the Environment and Urbanisation. – Routledge, 2014.

7. Herman E.Deyli. Ecological economics and sustainable development. // Edward Elgar Publishing. I. Title. 2007.

8. Sh.M.Mirziyoyev. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. T.: “O‘zbekiston” nashriyoti. 2023 y.

USE OF MODERN TECHNOLOGIYES IN SHOOTING TRAINING

Isakov Sanjar Xazratqulovich,
Deputy Head of Department at the University f Public Security

Abstract: The article discusses the types of electronic simulators and the effective use of their capabilities, which are directly related to improving the professional competence of future officers of higher military educational institutions in marksmanship training, as well as information and communication technologies.

Key words: higher military educational institutions, future officers, electronic simulators, firearms, information and communication technologies, competence, professional competence, improvement.

Information and communication technologies are developing rapidly all over the world, and undoubtedly, these processes also have an impact on the educational process. Information and communication technologies have become the most important component of the process of using information resources in society. Although information technologies have existed at different stages of human development, a distinctive feature of the modern information society is that for the first time in the history of civilization, the effort and energy spent on acquiring and producing knowledge outweigh the costs of raw materials, materials and tangible consumer goods, that is, information and communication technologies are taking a leading position among existing new technologies.

During the years of independence, special attention was paid to improving the quality of military education based on modern requirements, including the formation and development of an officer training system aimed at ensuring high professional skills and qualifications of military personnel of higher military educational institutions, and the comprehensive development of their intellectual level. As a result of the wide-ranging reforms implemented in the field of military education, the legal, normative, scientific, methodological, and material and technical support of higher military educational institutions was strengthened, State Educational Standards for specialties of higher military educational institutions were developed, and modern pedagogical and information technologies were introduced into the educational process. Along with this, today, it is possible to completely qualitatively change the composition of our Armed Forces and replenish them with officer personnel who meet today's requirements and have modern thinking skills. Therefore, the need to further intensify the activities of higher military educational institutions based on the competence of information and communication technologies is emerging.

Based on this, the systemic changes being carried out in the field of military personnel training require the improvement of the professional competence of future officers in shooting training in higher military educational institutions through information and communication technologies. This is one of the urgent problems of today.

In this sense, information technology is a creative activity consisting of a chain of processes carried out to achieve a specific goal. If the processes that make up the technological chain, the ability to use computers to organize the exchange of information between them and their coordination is created, the effectiveness of any technology increases.

In this regard, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5099 dated June 30, 2017 “On measures to radically improve the conditions for the development of the information and communication technologies sector in the Republic” specifically emphasizes that the current state of development of information technologies, their practical status and their introduction into the economy, as well as the level of export of domestic software products, are still low, and the country's potential in the field of science and education is not being sufficiently used to form a competitive and highly productive information technology sector[1].

Future officers in higher military educational institutions must have integrated knowledge in the field of information and communication technologies and telecommunications, the ability to easily navigate the global information flow, skillfully find and process the necessary information, and then make decisions based on it and use it perfectly in professional activities.

Today, no industry can be imagined without the introduction of information and communication technologies, and the situation itself demands it. The role of information and communication technologies in the organization of service activities in the systems of the National Guard of the Republic of Uzbekistan is also incomparable.

Also, the Decree of the President No. 5349 “On measures to further improve the sphere of information technologies and communications” dated February 19, 2018, specifically recognized that in our country, consistent work is being carried out to develop modern information technologies and communications, create an integrated system for providing electronic government services, and introduce new mechanisms for government bodies to communicate with the population, but at the same time, a number of systemic problems and shortcomings in the field of implementing information technologies and communications management are hindering the rapid development of this sphere and the provision of high-quality information services[2].

Based on the appeals of the President of the Republic of Uzbekistan, Supreme Commander-in-Chief of the Armed Forces Sh.M. Mirziyoyev, “Uzbekistan must be globally competitive in the field of science, intellectual competence, modern personnel, and high technologies”[3], serious attention is being paid to the issue of forming a professional army, providing its personnel with highly qualified, professional skills, and combat capabilities, who, with their individual, personal, and social characteristics, can fully meet the requirements of the military profession.

Today, the use of new innovative technologies in the organization and conduct of training and their effective use remains one of the main requirements of modern training. The basis of the modern military education system is a high-quality and high-tech environment.

In the modern information technology environment, the level of improvement of the content of education is one of the important conditions for training a specialist who can meet such requirements. In an information society, the content of education is understood as a system of educational ideas aimed at the formation of a broad worldview, as well as scientific knowledge, practical skills and qualifications that must be acquired. A group of authors such as D.M. Gritskov, P.V. Sisoyev and M.N. Yevstigneev define the competence of a teacher in information and communication technologies as “the mastery of new information technologies, understanding the possibilities of their application in the educational process, critical thinking about the widespread information”[5].

The use of multimedia technologies and computer graphics in the educational process helps to conduct the training process in an interactive manner. In particular, the Macromedia Flash MX program is used for the design, testing, and modeling of educational, production, and technical processes. Despite the high attention paid by our government to the creation and development of scientific, technical, and technological innovations in the military sphere, the training is limited to PowerPoint presentations. General information can be provided through presentations, but when conducting training on a type of weapon, it is not possible to see the movement of parts and mechanisms belonging to that weapon, how they work. It is advisable to use the Macromedia Flash MX program as a solution to this problem. Developing interactive programs using the Macromedia Flash MX program and introducing these programs into the military education system is of great importance. It is advisable to create interactive animations using Macromedia Flash MX and systematically introduce them into the educational process of higher military educational institutions. This will fundamentally change the military education system and create a basis for future officers to better understand the content and essence of the training they undergo.

Before covering the essence of the article entitled The role of information and communication technologies in improving the shooting skills of future officers of higher military educational institutions, let us dwell on some of the views of scientists who expressed their opinions on the importance of electronic simulators directly related to information and communication technologies. In particular, L.M. Weinstein, world champion in pistol shooting, Olympic medalist, Honored Coach of the Russian Federation, expressed the following opinion: the use of electronic simulators without the use of ammunition is a form of highly effective training[6].

In conclusion, it is worth noting that, based on today's requirements and main tasks, the rapid and continuous introduction of information and communication technologies into the education system will allow us to further improve the quality and efficiency of education. Further increasing the potential of our national army, radically changing the military education system, not only in higher military education, but also in trainings conducted to improve the knowledge of military personnel in all our Armed Forces, the role of modern information and communication technologies is of incomparable importance. Therefore, improving the competence of future officers in information and communication technologies in higher military educational institutions and the rise of this field will create the basis for finding a worthy place in professional activity.

References used:

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 30, 2017 No. PF-5099 “On measures to radically improve the conditions for the development of the information technology sector in the republic” / O.R.QHT, 2017, No. 26, Article 576. lex.uz.

2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 19, 2018 No. 5349 “On measures to further improve the sphere of information technologies and communications” / O.R. QHT, 2018, No. 0792. lex.uz.

3. We will continue our path of national development with determination and move to a new stage / Sh.M.Mirziyoyev. – Tashkent: Uzbekistan, 2017. - 592 p.

4. Concept for the development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030, October 8, 2019.

5. Griцkov D.M., Sыsoev P.V., Evstigneev M.N. Podgotovka pedagogicheskix kadrov k razrabotke avtorskix Internet-resursov po inostrannomu yazыku. – Tambov: TGU, 2008. – S. 33-35.

6. www.studmet.ru>vaynshteyn-l-m-strelok.

TURIZMNING IQTISODIY BARQARORLIK VA XAVFSIZLIKKA TA’SIRI: BMTNING BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI DOIRASIDA TAHLIL

Alimova Go‘zal Alisherovna,
Jamoat xavfsizligi universiteti iqtisodiy fanlar kafedrasi professori,
i.f.d. (DSc), dotsent,
Sotvoldiyev Asadbek Olimjon o‘g‘li,
Jamoat xavfsizligi universiteti magistratura talabasi
email: asadbeksotvoldiyev604@gmail.com

Turizm sohasining global miqyosda iqtisodiy barqarorlik va xavfsizlikni ta’minlashdagi o‘rni tobora ortib bormoqda. XXI asrda turizm nafaqat madaniy almashinuv va dam olish vositasi, balki iqtisodiy o‘sish, ish o‘rinlari yaratish, infratuzilmani rivojlantirish va xalqaro hamkorlikni mustahkamlash omili sifatida qaralmoqda. Ayniqsa, Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) tomonidan ilgari surilgan Barqaror rivojlanish maqsadlari (SDG) turizmning iqtisodiy va ijtimoiy jihatdan muhimligini yanada kuchaytirdi[1].

Turizmning iqtisodiy barqarorlikka ta’siri ko‘plab omillar orqali namoyon bo‘ladi: turistik xizmatlar eksporti, mahalliy daromadlar oshishi, soliq tushumlari, hamda kichik va o‘rta bizneslarning rivojlanishi. Shu bilan birga, turizm xavfsizlik masalalariga ham bevosita ta’sir ko‘rsatadi — bu migratsiya, sog‘liqni saqlash, ekologik xavfsizlik va terrorizmga qarshi kurash kabi sohalarda ko‘zga tashlanadi.

BMTning UNWTO (United Nations World Tourism Organization) tashkiloti turizmni barqaror rivojlanishning kalit omili sifatida belgilagan. UNWTO ma’lumotlariga ko‘ra, 2023-yilda turizm global yalpi ichki mahsulotning 9,2 foizini tashkil etgan va dunyo bo‘yicha 330 milliondan ortiq ish o‘rni yaratgan[2]. Bu ko‘rsatkichlar turizmning iqtisodiy barqarorlikka qo‘shgan hissasini yaqqol namoyon etadi. Mazkur ilmiy ishda turizmning iqtisodiy barqarorlik va xavfsizlikka ta’siri BMT tamoyillari doirasida tahlil qilinadi. Tadqiqotning asosiy maqsadi — turizmning global va mahalliy darajadagi rolini aniqlash, BMTning institutsional yondashuvlari bilan bog‘liq holda tahlil qilish, hamda O‘zbekiston misolida amaliy jihatlarni ko‘rsatishdir. Ishda nazariy va amaliy manbalar, statistik ma’lumotlar, BMT hisobotlari hamda mahalliy tahlillar asosida ilmiy xulosalar chiqariladi. Turizm — bu insonlarning dam olish, ish, madaniy almashinuv yoki boshqa maqsadlarda doimiy yashash joyidan tashqariga vaqtincha harakatlanishi bilan bog‘liq iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy faoliyatdir. Jahon turizm tashkiloti (UNWTO) ta’rifiga ko‘ra, turizm nafaqat sayohatni,

[1] United Nations. (2015). Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development. https://sdgs.un.org/goals
[2] UNWTO. (2023). Tourism Highlights 2023 Edition. https://www.unwto.org

balki unga xizmat qiluvchi infratuzilma, xizmat ko‘rsatish tizimi va iqtisodiy aloqalarni ham o‘z ichiga oladi[1]. Bu soha ko‘plab mamlakatlar uchun strategik ahamiyatga ega bo‘lib, iqtisodiy o‘sish, valyuta tushumlari, ish o‘rinlari yaratish va hududiy rivojlanishni ta’minlaydi.

Iqtisodiy barqarorlik — bu davlatning iqtisodiy tizimi ichki va tashqi zarbalarga nisbatan chidamli bo‘lishi, resurslardan samarali foydalanishi va uzoq muddatli o‘sishni ta’minlay olishi holatidir. Turizm bu jarayonda muhim rol o‘ynaydi: u eksport xizmatlarining muhim qismi bo‘lib, mahalliy ishlab chiqaruvchilar va xizmat ko‘rsatuvchilarga yangi bozorlar ochadi. Ayniqsa, turizmning mavsumiy va hududiy diversifikatsiyasi iqtisodiy tizimni muvozanatlashtirishga yordam beradi. Xavfsizlik tushunchasi turizm kontekstida keng qamrovli bo‘lib, unga jismoniy xavfsizlik (jinoyatchilik, terrorizm), sog‘liqni saqlash (pandemiyalar, sanitariya), ekologik xavfsizlik (tabiiy ofatlar, ifloslanish) va siyosiy barqarorlik kiradi. Turizm xavfsizlikka bevosita ta’sir ko‘rsatadi: bir tomondan, xavfsiz muhit sayyohlar oqimini oshiradi, ikkinchi tomondan esa turizmning o‘zi ham xavfsizlikni talab qiladi. BMTning UNDP va UNODC kabi tashkilotlari turizmni xavfsizlikni mustahkamlovchi omil sifatida ko‘rib chiqadi.

BMT tomonidan ilgari surilgan Barqaror rivojlanish maqsadlari (SDG) turizmni 8-, 12- va 16-maqsadlar bilan bevosita bog‘laydi. 8-maqsad — “munosib ish o‘rinlari va iqtisodiy o‘sish”, 12-maqsad — “mas’uliyatli iste’mol va ishlab chiqarish”, 16-maqsad — “tinchlik, adolat va kuchli institutlar” turizmning iqtisodiy va xavfsizlik jihatlariga to‘g‘ridan-to‘g‘ri aloqador. Bu maqsadlar turizmni nafaqat iqtisodiy vosita, balki ijtimoiy barqarorlikni ta’minlovchi mexanizm sifatida ko‘rsatadi.

Turizm sohasining iqtisodiy barqarorlikka qo‘shgan hissasi ko‘plab mamlakatlar tajribasida yaqqol namoyon bo‘lmoqda. Bu soha nafaqat xizmatlar eksportining muhim segmenti, balki mahalliy iqtisodiyotning turli tarmoqlarini — transport, mehmonxona, ovqatlanish, hunarmandchilik va madaniyatni — birlashtiruvchi kompleks tizim sifatida qaraladi. Turizm orqali yaratilgan daromadlar davlat byudjetiga soliq tushumlari ko‘rinishida kiradi, bu esa ijtimoiy xizmatlar va infratuzilma rivojlanishiga zamin yaratadi.

Jahon Banki ma’lumotlariga ko‘ra, turizm sohasining yalpi ichki mahsulotdagi ulushi ba’zi rivojlanayotgan mamlakatlarda 10 foizdan oshgan. Masalan, Gruziya, Tailand, Kosta-Rika kabi davlatlarda turizm iqtisodiy o‘sishning asosiy drayveri sifatida e’tirof etilgan[2]. Bu holat turizmning iqtisodiy tizimga integratsiyalashganligini va barqarorlikni ta’minlashdagi rolini ko‘rsatadi.

[1] UNWTO. (2023). Tourism Definitions and Concepts. https://www.unwto.org
[2] World Bank. (2023). World Development Indicators: Tourism Sector. https://data.worldbank.org

Turizmning iqtisodiy barqarorlikka ta’siri quyidagi yo‘nalishlarda namoyon bo‘ladi:

- Ish o‘rinlari yaratish: Turizm bevosita va bilvosita millionlab ish o‘rinlarini yaratadi, ayniqsa yoshlar va ayollar uchun bandlik imkoniyatlarini oshiradi.

- Valyuta tushumlari: Sayyohlar tomonidan sarflangan mablag‘lar mahalliy valyuta zaxiralarini mustahkamlaydi.

- Hududiy rivojlanish: Turizm markazlari atrofidagi hududlarda infratuzilma, transport va xizmat ko‘rsatish tizimi rivojlanadi.

- Kichik va o‘rta biznesni qo‘llab-quvvatlash: Turizm mahalliy tadbirkorlikni rag‘batlantiradi, ayniqsa mehmonxona, restoran, ekskursiya xizmatlarida.

BMTning UNCTAD tashkiloti turizmni “inklyuziv iqtisodiy o‘sish”ning muhim omili sifatida belgilaydi. Bu yondashuvga ko‘ra, turizm orqali iqtisodiy resurslar teng taqsimlanadi, kambag‘allikni kamaytirish va ijtimoiy tenglikni ta’minlash imkoniyati yaratiladi. Ayniqsa, qishloq hududlarida turizmning rivojlanishi mahalliy aholi daromadlarini oshirishga xizmat qiladi. Turizmning xavfsizlik bilan o‘zaro aloqasi zamonaviy global muhitda tobora dolzarb bo‘lib bormoqda. Sayyohlar tanlov qilayotgan mamlakatlarda eng avvalo siyosiy barqarorlik va jismoniy xavfsizlikni izlaydilar. Siyosiy beqarorlik, norozilik namoyishlari yoki zo‘ravonlik holatlari turizm oqimini keskin kamaytiradi, bu esa iqtisodiy yo‘qotishlar va ijtimoiy beqarorlikka olib keladi.

BMT Bosh Assambleyasi 2024-yilda o‘tkazgan barqaror turizm haftaligida turizmning iqlim o‘zgarishi, pandemiyalar va siyosiy notinchliklarga nisbatan zaifligini alohida ta’kidlagan. Bu holat turizm sohasida xavfsizlikni ta’minlash bo‘yicha institutsional yondashuvlarni kuchaytirish zaruratini ko‘rsatadi[1]. Ayniqsa, pandemiyadan keyingi davrda sog‘liqni saqlash infratuzilmasi, sanitariya talablari va favqulodda vaziyatlarga tayyorgarlik turizm siyosatining ajralmas qismiga aylangan.

Siyosiy barqarorlik turizm rivojlanishining asosi hisoblanadi. Mamlakatda qonun ustuvorligi, fuqarolik erkinliklari va demokratik institutlarning mavjudligi sayyohlar uchun ishonch muhitini yaratadi. Bu esa nafaqat turizm oqimini oshiradi, balki xalqaro imidjni mustahkamlaydi. Shu bois, ko‘plab davlatlar turizmni rivojlantirish strategiyasini xavfsizlik siyosati bilan integratsiyalashgan holda ishlab chiqmoqda. Ijtimoiy jihatdan esa turizm jamiyatlar o‘rtasidagi madaniy muloqotni kuchaytiradi, bag‘rikenglik va o‘zaro tushunishni rivojlantiradi.

O‘zbekiston Respublikasi so‘nggi yillarda turizmni iqtisodiy rivojlanishning ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida belgilab, bu sohani davlat siyosatining muhim tarkibiy qismiga aylantirdi. 2016-yildan boshlab mamlakatda turizm infratuzilmasini

[1] UN News. (2024). Tourism ‘intrinsically susceptible’ to climate shocks, political unrest, pandemic threat. https://news.un.org

modernizatsiya qilish, viza rejimini soddalashtirish, xalqaro targ‘ibot kampaniyalarini kuchaytirish bo‘yicha keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirildi. Bu islohotlar natijasida 2023-yilda O‘zbekistonga kelgan xorijiy sayyohlar soni 5,2 milliondan oshdi[1].Turizmning iqtisodiy barqarorlikka ta’siri mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushi orqali ham namoyon bo‘lmoqda. Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlariga ko‘ra, 2023-yilda turizm xizmatlari eksporti 1,7 milliard AQSh dollarini tashkil etgan va bu ko‘rsatkich 2022-yilga nisbatan 35 foizga oshgan[2]. Bu daromadlar nafaqat valyuta tushumlarini ko‘paytirdi, balki mehmonxona, transport, ovqatlanish va xizmat ko‘rsatish sohalarida minglab yangi ish o‘rinlari yaratilishiga sabab bo‘ldi.

Xavfsizlik nuqtai nazaridan, O‘zbekiston turizmni rivojlantirishda barqarorlik va ijtimoiy osoyishtalikni saqlashga alohida e’tibor qaratmoqda. Mamlakatda “Xavfsiz turizm” konsepsiyasi doirasida Samarqand, Buxoro, Xiva kabi tarixiy shaharlarda turistik politsiya bo‘linmalari tashkil etilgan. Bu tashabbus sayyohlar xavfsizligini ta’minlash bilan birga, mahalliy aholining ham huquqiy madaniyatini oshirishga xizmat qilmoqda. BMTning O‘zbekistondagi vakolatxonasi UNDP orqali turizm sohasida barqaror rivojlanish loyihalarini amalga oshirmoqda. Masalan, Qoraqalpog‘iston Respublikasida ekoturizmni rivojlantirish, ayollar tadbirkorligini qo‘llab-quvvatlash va iqlimga moslashtirilgan turizm infratuzilmasini yaratish bo‘yicha loyihalar amalga oshirilmoqda[3]. Bu tashabbuslar turizm orqali iqtisodiy imkoniyatlarni kengaytirish va xavfsizlikni mustahkamlashga xizmat qilmoqda.

Shuningdek, O‘zbekiston 2024-yilda BMTning UNWTO tashkiloti bilan hamkorlikda “Barqaror turizm va iqlim xavfsizligi” mavzusida xalqaro forum o‘tkazdi. Ushbu forumda turizmning iqlim o‘zgarishiga moslashuvi, xavfsizlik infratuzilmasi va iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashdagi roli muhokama qilindi. Bu kabi tashabbuslar O‘zbekistonning global turizm maydonidagi mavqeini mustahkamlab, BMT tamoyillariga sodiqligini ko‘rsatmoqda.

Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, turizm nafaqat iqtisodiy o‘sishning drayveri, balki ijtimoiy barqarorlik va xavfsizlikni ta’minlashda ham muhim vosita hisoblanadi. Turizm orqali yaratilgan ish o‘rinlari, valyuta tushumlari, infratuzilma rivoji va madaniy almashinuv global miqyosda iqtisodiy tizimni mustahkamlashga xizmat qiladi. BMTning Barqaror rivojlanish maqsadlari (SDG) turizmni 8-, 12- va 16-maqsadlar bilan bog‘lab, uni inklyuziv, mas’uliyatli va xavfsiz rivojlanishning ajralmas qismi sifatida belgilaydi. Bu yondashuv turizmni faqat iqtisodiy emas, balki siyosiy va ijtimoiy barqarorlikni ta’minlovchi mexanizm sifatida ko‘rsatadi[4].O‘zbekiston misolida olib borilgan tahlillar turizmning milliy iqtisodiyotga qo‘shgan hissasini,

[1] O‘zbekiston Respublikasi Turizm qo‘mitasi. (2024). Yillik statistika hisobotlari. https://uzbektourism.uz
[2] Davlat Statistika Qo‘mitasi. (2024). Xizmatlar eksporti bo‘yicha hisobot. https://stat.uz
[3] UNDP Uzbekistan. (2024). Sustainable Tourism Projects in Karakalpakstan. https://www.uz.undp.org
[4] - United Nations. (2024). SDG Progress Report: Tourism and Development. https://sdgs.un.org

xavfsizlik siyosati bilan integratsiyalashganligini va BMT bilan hamkorlikda amalga oshirilayotgan loyihalarning samaradorligini ko‘rsatdi. Bu holat mamlakatning xalqaro turizm maydonidagi mavqeini mustahkamlashga, iqtisodiy diversifikatsiyani kengaytirishga va ijtimoiy barqarorlikni ta’minlashga xizmat qilmoqda.

Kelajakdagi tadqiqotlar turizmning raqamli transformatsiyasi, iqlim o‘zgarishiga moslashuvi, hamda mahalliy hamjamiyatlar bilan o‘zaro aloqasi kabi yo‘nalishlarda davom ettirilishi mumkin. Ayniqsa, BMTning yangi tashabbuslari va global xavfsizlik muhitidagi o‘zgarishlar turizm siyosatini qayta ko‘rib chiqishni talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. United Nations. (2015). *Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development*. https://sdgs.un.org/goals

2. UNWTO. (2023). *Tourism Highlights 2023 Edition*. Madrid: World Tourism Organization. https://www.unwto.org

3. UNCTAD. (2022). *Economic Development in Africa Report: Rethinking the Foundations of Economic Resilience*. Geneva: United Nations Conference on Trade and Development. https://unctad.org

4. World Bank. (2023). *World Development Indicators: Tourism Sector*. Washington, D.C.: The World Bank Group. https://data.worldbank.org

5. UNDP Uzbekistan. (2024). *Sustainable Tourism Projects in Karakalpakstan*. Tashkent: UNDP Country Office. https://www.uz.undp.org

6. O‘zbekiston Respublikasi Turizm qo‘mitasi. (2024). *Yillik statistika hisobotlari*. Tashkent: Uzbektourism. https://uzbektourism.uz

7. Davlat Statistika Qo‘mitasi. (2024). *Xizmatlar eksporti bo‘yicha hisobot*. Tashkent: Statistika agentligi. https://stat.uz

KONSTITUTSIYA VA JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHNI AMALGA OSHIRUVCHI IDORALAR FAOLIYATINI BOG‘LOVCHI AYRIM XUSUSIYATLAR

G‘iyosov Bahriddin Hasan o‘g‘li,
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, dotsenti, PhD
Tel: +998 (88) 008-68-86

O‘zbekiston Respublikasining yangi tahrirdagi Konstitutsiyasining 15-moddasida “Davlat va uning organlari, boshqa tashkilotlar, mansabdor shaxslar, fuqarolik jamiyati institutlari hamda fuqarolar Konstitutsiya va qonunlarga muvofiq ish yuritadilar” degan norma mustaxkamlab qo‘yilgan bo‘lsa, 20-moddasida esa “Davlat organlari tomonidan insonga nisbatan qo‘llaniladigan huquqiy ta’sir choralari mutanosiblik prinsipiga asoslanishi va qonunlarda nazarda tutilgan maqsadlarga erishish uchun etarli bo‘lishi kerak” deyilgan.[1]

Shu munosabat bilan, bugungi kunning eng muhim muammolardan biri bu ichki ishlar va Milliy gvardiya organlarining inson huquqlari va erkinliklarini himoya qilish, va ularga rioya qilish bo‘yicha faoliyatida fuqaro, huquqlari va erkinliklarini ta’minlash masalasida yuridik fan va amaliyot oldiga shu jumladan O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirligi va Milliy gvardiya organlarining huquqni muhofaza qilish faoliyatini o‘rganish zarurati bilan bog‘liq bir qator aniq vazifalarni qo‘yadi.

Inson hayoti va xavfsizligiga bevosita tahdid bo‘lgan sharoitda inson huquqlarini ta’minlash, mamlakat konstitutsiyaviy tuzumining zo‘ravonlik bilan o‘zgarishi tahdidi favqulodda qonunchilikni qo‘llashga, fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini muayyan cheklashga, shuningdek inson huquqlarini himoya qilishni taqqazo etadi. Birinchisi, insonning, shaxsning huquqlari va erkinliklari eng zaif bo‘lgan bir paytda (qurolli isyon, ommaviy tartibsizliklar, terroristik harakatlar, ayniqsa muhim ob’ektlarni yoki ayrim hududlarni to‘sib qo‘yish yoki tortib olish, noqonuniy qurolli tuzilmalarni qo‘lga olishga oid faoliyatni) zo‘ravonlik harakatlariga barham berish bilan birga fuqarolarning hayoti va xavfsizligiga, huquqni muhofaza qilish va boshqa davlat organlarining normal faoliyatiga tahdid, shuningdek tabiiy va texnogen favqulodda vaziyatlarni)nazarda tutadi. Ikkinchi yo‘nalish qonun va tartib maqbul darajada mamlakat ichida vaziyatni normallashtirishda davlat manfaatlarini aks ettiradi (fuqarolarning hayoti va sog‘lig‘ini himoya qilish uchun chora-tadbirlar).

O‘zbekiston Respublikasi qonunchiligida ekstremal, xavfli elementlarni o‘z ichiga olgan quyidagi tushunchalar mavjud: favqulodda vaziyat, xavfsizlikka tahdid, favqulodda holat, harbiy holat, baxtsiz hodisa, urush holati, terroristik harakatlar va antiterror tezkor tadbirlari, sabotaj va boshqalar. Ko‘pincha bunday holatlar va harakatlar “xavfli (issiq) joylar”deb nomlanadi.

Sovet davri va undan keyingi MDH mamlakatlari yuridik fanlarida maxsus huquqiy rejim tushunchasi turli jihatlarda ko‘rib chiqilgan. Keling, boshqa olimlar tomonidan eng keng tarqalgan yondashuvlarni ko‘rib chiqaylik. Huquqshunos olim D.N. Baxraxning fikricha huquqiy rejim ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishning maxsus tartibini anglatadi. Ushbu tartib qonun hujjatlariga muvofiq belgilanadi va huquqiy, tashkiliy va maxsus usul va vositalar majmuini ifodalaydi. Ularning qo‘llanilishi o‘rnatilgan rejim yo‘naltirilgan ob’ektlarning to‘g‘ri ijtimoiy-huquqiy holatini va davlat apparati, shu jumladan huquqni muhofaza qiluvchi organlar, mahalliy hokimiyat organlari elementlarining barqaror ishlashini ta’minlashga imkon beradi.

Bir qator olimlarning ilmiy tadqiqotlarida masalan, S.Z.Ilyasov,[2] S.V.Pchelinsev,[3] V.B.Rushaylo,[4] va boshqalar) fikricha huquqiy rejim-bu davlat, jismoniy shaxslar va jamiyatlarning yaxlitligi va xavfsizligini ta’minlashga qaratilgan vaqtinchalik chora sifatida turli sharoitlarda joriy etilgan jismoniy va yuridik shaxslarning huquqlarini cheklashga imkon beradigan davlat boshqaruvining o‘ziga xos shakli deb hisoblashadi. A.V.Malko va V.Y.Uxovlar esa huquqiy rejimga xos bo‘lgan bir qator xarakterli xususiyatlarni keltirishadi. Xususan, bu rejimni o‘rnatish (mustaxkamlash) va uni ta’minlash uchun davlatning maxsus vakolatlarini ko‘rsatadi. Bundan tashqari, uning belgilardan biri “vaqtinchalik va ma’lum davr chegaralar ichida muayyan subyektlar yoki huquq ob’ektlarini vakolatlarini ta’kidlab, ijtimoiy munosabatlarning muayyan sohalarini o‘ziga xos tarzda tartibga solish maqsadining mavjudligi”,[5] huquqiy rejimning muhim xususiyati uning maqsadi-barcha subyektlarning manfaatlarini qondirish uchun qulay shart-sharoitlarni ta’minlashdir degan fikrlarni bayon qilishadi.Bizning fikrimizcha A.V.Malko va V.Y.Uxovlar tomonidan alohida huquqiy rejimlarga berilgan xususiyatlar, shu rejimlarning xususiyati va mohiyatini to‘liq qamrab olgan va bu ta’rifga berilgan tushunchaga qo‘shilamiz.

Tiyib turish va muvozanat mexanizmini yaratish va hokimiyatni suiste’mol qilishning oldini olish uchun, qonun chiqaruvchi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentiga vakolat berdi O‘zbekiston Respublikasida yoki uning ayrim hududlarida urush yoki favqulodda holat joriy etish qonun hujjatlariga muvofiq amalga oshiriladi. Shuni ta’kidlash kerakki, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining favqulodda holatni joriy etish to‘g‘risidagi Farmoni, O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 15-dekabrdagi 737-sonli “Favqulodda holat to‘g‘risida” Konstitutsiyaviy Qonuniga[6] va 2022-yil 17-avgustdagi O‘RQ-790-sonli “Aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to‘g‘risida”gi qonunlariga[7] muvofiq kuchga kiradi.

Yuqorida keltirilgan qonunlarga binoan, favqulodda holat rejimini ta’minlash maxsus vakolati ijro etuvchi hokimiyat organlari sifatida - Milliy gvardiya, ichki ishlar

organlari, Davlat xavfsizlik xizmati, favqulodda vaziyat vazirligi va boshqa huquqni muhofaza qilish organlari belgilangan, shuningdek ularga yuklatilgan vazifalar: favqulodda holat, harbiy holat va huquqiy rejimni ta’minlashda ishtirok etish, terrorizmga qarshi tezkor tadbirlarni amalga oshirish, yana ular faoliyatini tartibga soluvchi qonun hujjatlar asosida mazkur organlar zimmasiga yuklatilgan.

Tadqiqotchi N.G.Yangol ta’kidlaganidek, favqulodda holat instituti xorijiy va mahalliy qonunchilikda etarli darajada shakllantirilgan bo‘lib, unda aholiga haqiqiy tahdid, hududiy yaxlitlik yoki boshqa tahdidlar (har bir davlat favqulodda choralarni joriy etish bo‘yicha o‘z maqsadlarini belgilaydi) mavjud bo‘lganda favqulodda holat e’lon qiladi.[8]

Belgilangan Qonunchilik hujjatlarida huquqiy rejimning butun mamlakatda yoki uning alohida hududida joriy etish paytida favqulodda yoki harbiy holat sharoitida bir qator choralarini qo‘llashni nazarda tutadi. Konstitutsiyaviy qonun normalarida ichki ishlar va Milliy gvardiya idoralarining favqulodda holat rejimini ta’minlovchi subyekt sifatidagi o‘rni alohida ko‘rsatilmagan, biroq chora-tadbirlarning bajarilishini ta’minlash uchun mas’ul bo‘lgan subyektlar harbiy holatning huquqiy rejimining ba’zilari to‘g‘ridan-to‘g‘ri ichki ishlar organlari vakolatlari sifatida, boshqalari esa bilvosita, yoki yordamchi (xavfsizlik) funksiya sifatida inson huquqlari va erkinliklarining ba’zi cheklovlarini qo‘llashda ishtirok etadilar. Favqulodda (harbiy) holat huquqiy rejimining asosiy chora-tadbirlari ichki ishlar va Milliy gvardiya organlari komendantlik soati joriy etilishini ta’minlashda ishtirok etishni o‘z ichiga oladi. Bu erda ichki ishlar organlarining huquqni muhofaza qilish organi sifatidagi, uning asosiy vazifasi jamoat xavfsizligi va tartibini ta’minlash shakllaridan biri sifatida jamoat joylarida jamoat tartibini saqlashdir. Jamoat xavfsizligi va tartibini ta’minlash bo‘yicha ichki ishlar va Milliy gvardiya idoralari faoliyati amaliyotida favqulodda rejim sharoitida fuqarolarning hujjatlarini tekshirishning qonuniyligi haqida savol tug‘iladi, bu holat (masalan, nazorat punktidan o‘tish paytida hujjatlarni tekshirish) ushbu organlari xodimlari hujjatlarni majburiy tekshirish uchun qonuniy asoslar etarli emaslar. Albatta “Favqulodda holat to‘g‘risida”gi qonunning 13-moddasida “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining, chet el fuqarolarining, fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarning shaxsiy ko‘rigini, ularning shaxsini tasdiqlovchi hujjatlar tekshiruvini, ashyolarni, uy-joyni va transport vositalarini ko‘zdan kechirishni o‘tkazish” nazarda tutilgan bo‘lsada, biroq ushbu qonunda bunday tekshiruvlarni qaysi davlat organi tomonidan amalga oshirilishi aniq belgilab qo‘yilmagan, odatda bunday tekshiruvlarni tinchlik sharoitida ichki ishlar yoki milliy gvardiya organlari xodimlari amalga oshirishi xammaga ma’lum, ammo favqulodda holatlar sharoitida bunday tekshiruvlarni amalga oshiruvchi organ aniq belgilanishi joiz.

Nazarimizda amaldagi Ichki ishlar organlari to‘g‘risida”gi yoki “Milliy gvardiya to‘g‘risida”gi qonunlarga favqulodda holatlarda bunday tekshiruvlarni ichki ishlar yoki milliy gvardiya organlari tomonidan amalga oshirilishi to‘g‘risidagi aniq qoidalar kiritilishi zarur.

Shunga ko‘ra, favqulodda hollarda ichki ishlar va milliy gvardiya xodimlari fuqarolar tomonidan norozilikni oldini olish va vaziyatdan chiqib ketish uchun va shaxsni tasdiqlovchi hujjatlarni taqdim etish to‘g‘risidagi so‘rovni yoki qonun talablarini ixtiyoriy ravishda bajarishlari uchun ko‘proq fuqarolarning vaziyatni jiddiy ekanligini tushinishiga va huquqiy ongiga tayanishlari lozim. Shu bois ham ushbu qoida qonunchilikka ayrim tegishli o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish orqali takomillashtirishni talab qiladi. Birinchidan, bizning fikrimizcha, tekshirish jarayonini alohida bandlarga ajratish kerak biror kishini yuzaki tekshirish va narsalarni yuzaki tekshirishni, transport vositalari, bagaj va yuklarni tekshirishdan ajratish joiz, ikkinchidan, ularni tekshirish asoslari ro‘yxatini kengaytirish lozim.

Olib borilgan tadqiqotlar natijasida favqulodda holatlar sharoitida inson huquqlarini cheklash institutining o‘ziga xos qonuniyatlarini aniqlash imkonini berdi, Xususan, 2020-yilda COVID-19 infeksiyasining tez fursatda dunyo bo‘ylab tarqab ketishi natijasida O‘zbekiston Respublikasining butun hududida favqulodda vaziyat joriy etildi, shu favqulodda karantin choralari davrida jamoat joylarida sodir etilgan jinoyatlar va huquqbuzarliklar soni keskin kamayib ketganligi aniqlandi. Quyida COVID-19 infeksiyasi sabab respublikamizda joriy etilgan favqulodda vaziyat davrida jamoat joylarida sodir etilgan jinoyatlar to‘g‘risidagi diagrammalarni keltirib o‘tamiz:

Ushbu diagrammadan ko‘rinib turibdiki favqulodda vaziyat rejimi amalda bo‘lgan 2020-yilda boshqa davrlarga nisbatan jamoat joylarida sodir etilgan jinoyatlar va huquqbuzarliklar soni keskin kamaygan. Bu ko‘rsatgichga ma’lum ma’noda inson huquqlarini cheklash bilan bog‘liq holatlar ta’sir ko‘rsatgan. Bir vaqtni o‘zida biz jinoyatchilik va huquqbuzarliklarni sonini kamaytirish uchun inson huquqlarini cheklash lozim degan fikrdan yiroqdamiz[10].

O‘zbekiston Respublikasining Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksida (bundan buyon matnda - MJTK) favqulodda holatlarda xavfsizlik sohasida ma’muriy javobgarlikni belgilaydigan ayrim normalar mavjud. Bular sirasiga MJTKning 29-moddasi kiradi.[11] Ushbu moddaning dispozisiyasiga ko‘ra:Ma’muriy qamoqqa olish uch sutkadan o‘n besh sutkagacha muddatga, favqulodda holat tartibi sharoitida esa, jamoat tartibiga tajovuz qilganligi uchun — o‘ttiz sutkagacha muddatga qo‘llaniladi. Ma’muriy qamoqqa olish jinoyat ishlari bo‘yicha tuman (shahar) sudi tomonidan, favqulodda holat tartibi sharoitida esa, shuningdek harbiy komendant yoki ichki ishlar organi boshlig‘i tomonidan qo‘llaniladi. Ushbu sohadagi ma’muriy javobgarlikning asosiy maqsadi turli turdagi favqulodda holatlarning yuzaga kelishi bilan bog‘liq

bo‘lgan sharoitlarda xavfsizlikni ta’minlash, shuningdek favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish va ularning salbiy oqibatlarini minimallashtirish mexanizmini yaratish bo‘yicha ma’muriy-huquqiy chora-tadbirlar majmuini joriy etishni o‘z ichiga olgan favqulodda holatni joriy etishdir. O‘zbekiston Respublikasining 2017-yil 9-yanvardagi O‘RQ-420-sonli “Ma’muriy qamoqni o‘tash tartibi to‘g‘risida”gi[12] qonuniga favqulodda holatlar sharoitida ichki ishlar organlarining xibsga olish qabulxonalarida alohida holat joriy etishni tartibga solish maqsadida uni yangi 10^1-modda “Maxsus qabulxonalarda alohida holat joriy etish” nomli norma bilan to‘ldirish to‘g‘risidagi takliflarni qo‘llab quvvatlaymiz. Unga ko‘ra Favqulodda vaziyatlar ro‘y bergan, maxsus qabulxona joylashgan hududda favqulodda yoki harbiy holat joriy etilgan hollarda, urush davri mobaynida, ma’muriy qamoqqa olinganlar tomonidan guruh bo‘lib bo‘ysunmaslik, shuningdek ommaviy tartibsizliklar sodir etilganda maxsus qabulxonalarda alohida holat joriy etilishi mumkin.

Maxsus qabulxonalarda alohida holat tegishincha O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vaziri (respublikaning barcha hududlarida joriy etishda), Qoraqalpog‘iston Respublikasi Ichki ishlar vaziri, Toshkent shahar va Toshkent viloyati ichki ishlar bosh boshqarmalari hamda viloyatlar ichki ishlar boshqarmalari boshliqlarining O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokurori, Qoraqalpog‘iston Respublikasi, Toshkent shahar va viloyatlar prokurorlari bilan kelishilgan holda alohida holat joriy etilishiga sabab bo‘lgan holat bartaraf etilgunga qadar joriy etiladi” degan.

Shu erda yana bir holatga izoh berib o‘tish joiz, O‘zbekiston Respublikasining Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksning 29-moddasi dispozisiyasida favqulodda holat tartibi, shuningdek harbiy komendant yoki ichki ishlar organi boshlig‘i tomonidan belgilanadi-degan qoida kiritilgan, biroq 29-modda dispozisiyasida xarbiy komendant favqulodda holat subyekti sifatida ko‘rsatilmagan. Shu munosabat bilan ma’muriy qamoq jazosi qo‘llashga vakolatli bo‘lgan organlar qatoriga MJTKning 29-moddasi dispozisiyasi talablaridan kelib chiqqan holda yangi 10^1-moddaga hamda O‘zbekiston Respublikasining “Favqulodda holat to‘g‘risida”gi qonunining 20-moddasiga (Hudud komendanti) harbiy komendatni ham qo‘shib qo‘yilsa maqsadga muvofiq bo‘lgan bo‘lardi.

Favqulodda holat huquqiy rejimi davrida ichki ishlar va Milliy gvardiya organlarining jamoat xavfsizligi va tartibi sohasidagi yordamchi vakolatlariga quyidagilar kiradi: aholining hayotiy faoliyatini ta’minlaydigan infratuzilma ob’ektlari va maxsus himoya rejimi faoliyatini kuchaytirish. Boshqa huquqni muhofaza qilish organlari bilan bir qatorda ushbu idoralar vakillari fuqarolardan ma’lum bir joyni tark etishni va ma’lum bir hududga kirishni cheklashni talab qilishga vakolatli. Ushbu turdagi ma’muriy va huquqiy cheklovlarning inson va fuqarolik huquqlari va erkinliklariga nisbatan qo‘llanilishi fuqarolarning O‘zbekiston Respublikasi

Konstitutsiyasida nazarda tutilgan harakat erkinligi huquqini bilvosita cheklashiga olib keladi. Qo‘shimcha chora-tadbirlar qatoriga yana favqulodda holat rejimi sharoitida mulkni davlatning ehtiyojlari uchun majburiy begonalashtirishni ham o‘z ichiga olishi mumkin. Ichki ishlar va Milliy gvardiya organlari bo‘linmalari, harbiy ma’muriyatlar yoki mahalliy hokimiyatlarning tegishli topshirig‘iga binoan, mavjud hisoblar va idoraviy ma’lumotlar bazalari ma’lumotlari asosida quyidagilarni taqdim etishi mumkin: fuqarolar va yuridik shaxslardan tegishli mol-mulkning muayyan davrda mavjud bo‘lishi, ularni qidirish, topish va hibsga olish va shunga o‘xshash narsalar mavjudligi to‘g‘risidagi ma’lumotlar. Bunday holda, huquqni muhofaza qilish organining vakillari transport vositasining harakatlanishini cheklash yoki mulkga haqiqiy egalik qilishni cheklash kabi ma’muriy va huquqiy cheklovlarni qo‘llaydilar.

Tadqiqotchi A.V.Basovning ta’kidlashicha, ichki ishlar organlari tomonidan konstitutsiyaviy institut normalarini qo‘llash “fuqarolarning konstitutsiyaviy huquqlari va erkinliklarini amalga oshirishni cheklash” quyidagilar bilan bog‘liq huquqiy omillarga asoslanadi “qonuniy maqsadga intilish”, “jamoat zarurati”, “muhim maqsadga erishish uchun”, “mutanosiblik”, “mulohazakorlik”, “huquq yoki erkinliklarni amalga oshirishga minimal darajada aralashish”. Fuqaroga inson huquqlari va erkinliklarini cheklash ichki ishlar organlariga faqat bunday cheklash qilmish og‘irlik darajasiga mos darajada o‘lchash (proporsional) sharti bilan ruxsat beradi.[11]

Shuning uchun, har qanday vaziyatda asos paydevori bo‘lgan asosiy konstitutsiyaviy prinsiplarni mensimaslik, demokratik, huquqiy davlatning mavjudligi, siyosiy, harbiy va boshqa maqsadga muvofiq zarurat bo‘lishiga qaramay, inson va fuqaroning asosiy huquq va erkinliklari buzish mumkin emas degan xulosaga kelish kerak. To‘g‘ridan - to‘g‘ri harakat normalarida qonun chiqaruvchi ikkita huquqiy rejimni-favqulodda holat va favqulodda vaziyat rejimini ajratib turadi, bu bizning davlatimizning huquqni muhofaza qilish organlari, shu jumladan ichki ishlar va Milliy gvardiya organlari faoliyatiga ta’sir qiladi. Mazkur idoralar xodimlari tomonidan o‘z xizmat vazifalarini bajarishda ma’muriy va huquqiy cheklovlarni qo‘llash ular oldiga qo‘yiladigan vazifalar va xizmat faoliyati davomida duch keladigan qiyinchiliklarga bog‘liq, bu holda ularni qo‘llashning qonuniyligi ham, ma’lum bir turni tanlash ham muhim ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasining yangi tahrirdagi Konstitutsiyasi. -T.: 2023.

2. Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право Российской Федерасии: учеб. - М.: Норма, 2004. - 766 с.

3. Илясов С.З. “Административно-правовое регулирование общественных отношений при введении чрезвычайного положения в Российской Федерасии: дис. ... канд. юрид. наук. - спб., 2006. - 201 с.

4. Пчелинсев С.В. “Проблемы ограничения прав и свобод граждан в условиях особых правовых режимов”. - М.: Норма, 2006. - 480 с.

5. Рушайло В.Б. “Административно-правовые режимы”. М.: 2000. 263 с.

6. Малко А.В. “Стимулы и ограничения в праве”. Монография. 2-э изд., перераб. и доп. - М.: Юристъ, 2003. - 248 с.

7. O‘zbekiston Respublikasining “Favqulodda holat to‘g‘risida”gi qonuni. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 16.12.2021 y., 03/21/737/1163-son

8. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 2022 y., 03/21/737/1163-son

9. Янгол Н.Г. “Чрезвычайноэ законодателство и исключителноэ правовые режимы: история и современност”. спб.: МВД России, 2000. 406 с.

10. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1995 y., 3-son.

11. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 2-son, 24-modda.

12. Басов А.В. Понятие “ограничение” как юридическая категория: теоретический аспект”. Административное право и просесс. 2023. № 1. С. 27-33.

GLOBAL MUAMMOLARNI HAL ETISHDA BMTNING O‘RNI VA ISLOHOTLARNING SAMARADORLIGI

Akbarov Lazizjon Izzatullayevich,
Jamoat xavfsizligi universiteti dotsenti
Raxmatullayeva Rayhona Navro‘zjon qizi,
Jamoat xavfsizligi universiteti Yurisprudensiya yo‘nalishi 1-bosqich talabasi
Email: *rayhonaraxmatullayeva2006@gmail.com*

Annotatsiya. Ushbu maqolada BMT ning butun jahon hamjamiyatida tutgan o‘rni va vazifalar, insoniyat hayotida yuz berayotgan chigal muammolarni yechishda amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar, bu borada barcha davlatlarning birlashuvi, har qanday masalani hal etishida beriladigan taklif va talablarni inobatga olinishi, hech qanday muammo yechimsiz qolmasligi ko‘zda tutilgan. Bundan tashqari statistik ma’lumotlarni o‘rganib chiqish va bu kabi ma’lumotlar orqali muammolar chinakam global muammo ekanligini organish ham ko‘zda tutilgan.

Kalit so‘zlar: BMT, organ, vazifa, muammo. Orol, yoshlar, terrorizm.

Asosiy qism. BMT 1945-yilda Ikkinchi jahon urushidan keyin xalqaro tinchlik va xavfsizlikni saqlash maqsadida tashkil etilgan. BMTni barpo etish g‘oyasi 1943-yilda SSSR, AQSh, Angliya va Xitoy tashqi ishlar vazirlarining Moskva kengashida paydo bo‘lgan, 1945-yil 26-iyunda esa San-Fransisko konferensiyasida 51

davlat tomonidan BMT Ustaviga imzo chekilgan. BMTning rasmiy tashkil etilgan sanasi 1945-yil 24-oktyabr hisoblanadi [1]. Umuman olganda BMT barcha davlatlarni hamda xalqlarni kelajakda tinch-totuv hech qanday urushlarsz yashashini ta’minlashga xizmat qilmoqda, nafaqat tinchlikni ta’minlash, balki boshqa shunga o‘xshash masalalarni ham hal etadi hamda oldini olish uchun zarur choralarni ko‘radi.

Hammaga ma’lumki, Birlashgan Millatlar Tashkilotining 6 ta asosiy organlari faoliyat olib bormoqda. Bular: Bosh Assambleyasi, Xavfsizlik Kengashi, Iqtisodiy va Ijtimoiy Kengash (ECOSOS), Vasiylik Kengashi, Xalqaro Sud va BMT kotibiyati. Ushbu organlarni tashkil etishdan maqsad bu organlarning har biriga o‘z ustaviga mos bo‘lgan vazifa va topshiriqlarni berishdir. Buning samarasini har bir ixtisoslik o‘z vazifalarini vaqtida bajarsa butun hamjamiyat hayotiga sezilarli darajada ta’sir o‘tkazishini korishimiz mumkin.

Hozirgi kunda Vasiylik Kengashi ish olib bormayapti, chunki deyarli mustamlaka davlatlar qolmagan, vasiylik kengashining vazifasi esa mustamlaka davlatlarni mustaqillik sari yetkalash edi. Endi qolgan organlar vazifalarini ko‘rib chiqamiz. Ushbu organlar turli xil vazifalarni amalga oshiradi. Misol uchun, xalqaro tinchlik va xavfsizlikni ta’minlash, xalqaro terrorizm va ekstremizmga qarshi kurash, yadro qurollari va ommaviy qirg‘in qurollarini tarqatmaslik, kiberxavfsizlik va raqamli xatarlar, iqlim o‘zgarishi, ekologik muammolar va xavfsizlik, migratsiya va qochoqlar muammosi, inson huquqlari va demokratiya masalalari, korrupsiya va transmilliy jinoyatchilikka qarshi kurash, xalqaro gumanitar huquq va qurolli mojarolarda aholini himoya qilish. Ayniqsa, bugungi kunda migrantlar soni oshib borishi, noqonuniy muhojirlar ya’ni qochoqlarning haddan tashqari ko‘pligi bizni hayratga soladi. Ular yaxshi hayot izlab turli xil mamlakatlardan panoh topishga harakat qilishadi, buni yashash uchun chinakkam kurash desak hech ham mubolag‘a bo‘lmaydi. Bu insonlar shunga majbur bo‘’lishyapti, chunki hamma davlatning ham turmush darajasi yaxshi emas, ammo BMT dan keladigan yordam bunga oz bo‘lsada samara berayotgani quvonarli holat albatta .

Bundan tashqari, ekologik muammolarni yechishga ko‘p muddat talab qilmoqda. Chunki yer yuzida ekalogik muammolar sezilarli darajada yomon holatga kelib qolgan hech kimga sir emas.Shu kabi dolzarb vazifalar aynan BMT nigina zimmasiga yuklatilgan emas, balki butun dunyo davlatlari bunga ma’sul hamda jiddiy qarashyapti. Statistik ma’lumotlarga ko‘ra, 139 million insonni urush, ocharchilik va quvg‘inlardan qochgan odamlar yordam bergan va himoyalagan, 120 dan ortiq mamlakat va hududlardan 123 million odamlar oziq-ovqat va yordam bilan ta’minlangan, dunyodagi bolalarning 45 foiziga beriladigan vaksinalar tufayli bir yil davomida hayot saqlanib qolindi, 194 tasi Birlashga Millatlar Tashkiloti bilan global harorat ko‘tarilishini 1,5 ° C dan past darajada ushlab turish uchun ishlaydigan

davlatlar, 67500 tasi tinchlikparvar kuchlar va fuqarolik xodimlari butun dunyo bo‘ylab 11 tasi operatsiyada tinchlikni saqlaydi , 4milliardi Birlashgan Millatlar Tashkiloti kurashayotgan global suv inqirozidan ta’sirlangan odamlar, 80 ta global miqyosda inson huquqlarini himoya qilish va ilgari surish bo‘yicha shartnomalar yoki deklaratsiyalar, $50 mlrd 198 million kishining gumanitar ehtiyojlari uchun muvofiqlashtirilgan, 48 ta mamlakatlar nizolarni oldini olish uchun diplomatiyadan foydalangan holda saylovlarda yordam berdi, 11 million jinsiy va reproduktiv salomatlik xizmatlari bilan ta`minlangan [2].

2025-yilda New Yorkda bo‘lib o‘tgan BMT ning 80-sessiyasida ko‘plab dolzarb maslalar aytib o‘tildi, har bir davlat rahbarlari ya’ni to‘laqonli tashkilot a’zolari o‘rtasida munozaralar hamda muzokaralar olib borildi. Ushbu sessiyada Falastindagi qaltis vaziyatlar hamda Ukraina va Rossiya o‘rtasidagi mojarolar yana bir bor o‘rganilib, ushbu mojarolarga butunlay barham berish, og‘ir ahvoldagi davlatlarni yaxshi holatga keltirish, o‘zini tiklashga yordam berish masalalari ilgari surildi.

80-sessiyada 23-sentabr O‘zbekiston Respublikasi prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyev nutq so‘zladi. Nutqida ustuvor maqsadimiz– mamlakatimizda yashayotgan har bir oilaning, har bir fuqaroning hayotini tubdan o‘zgartirish, inson qadri va farovonligini oshirish ekanligini ta’kidladilar. Prezidentimiz:’Biz Afg‘onistonda katta iqtisodiy va infratuzilma loyihalarini amalga oshirmoqchimiz. Ushbu mamlakat orqali xalqaro transport va energetika koridorlarini rivojlantirish bo‘yicha Tashkilotimizning alohida rezolyutsiyasini qabul qilishni taklif etamiz.G‘azo sektoridagi tobora keskin yomonlashib borayotgan gumanitar inqirozni ham e’tibordan chetda qoldirib bo‘lmaydi. Harbiy harakatlarni to‘xtatish va siyosiy muzokaralarni davom ettirishga chaqiramiz. Biz BMT rezolyutsiyalariga muvofiq“Ikki xalq uchun – Ikki davlat” tamoyilini amalga oshirishning qatiy tarafdorimiz. – degan fikrlarni ham bildirib o‘tdi [3]. Bundan tashqari, BMT ning terrorizmga qarshi kurashish boshqarmasi bilan birga hamkorlik asosida Reabilitatsiya va qayta integratsiya masalalari bo‘yicha Mintaqaviy Kengash tuzilgan. Prezidentimiz uni Xalqaro kompetensiyalar markaziga aylantirishni taklif etgan. Orol fojiasi ham aytib o‘tildi, sho‘rlagan joylarga cho‘l o‘simliklari ekilib, sho‘rlik darajasi kamytirilsada, suv tanqisligi muammosi ham kelib chiqqanligi aytib o‘tildi. So‘nggi yillarda barcha mamlakatlarda suv muammosi ya’ni suv taqchilligi oz bo‘lsada borligini tan olishimiz kerak, bu borada suvni tejash butunjahon forumi o‘tkazilishi ham rejalashtirildi. Keyingi masala esa butun dunyo yoshlarini farovon turmush tarzini shakllantirish, ilmli, bilimli, ma’rifatli yoshlarni tarbiyalash hamda ularni jamiyatda o‘z o‘rnini topishga yordam berish ko‘rib chiqilgan edi.

Tojikiston prezidenti Emomali Rahmon BMT mamlakatlari BMT muloqot, tinchlik va xavfsizlikni mustahkamlash platformasi rolini saqlab qolishi, shuningdek,

xalqaro huquqqa to‘liq rioya qilishga qaytishi uchun birgalikda harakat qilishi lozim, degan fikrni bildirdi.

Bundan tashqari, Emomali Rahmon Tojikistonning 2030-yilgacha rivojlanish strategiyasi BMTning Barqaror rivojlanish maqsadlari (BRM)ga mos kelishini, biroq rivojlanayotgan mamlakatlar, ayniqsa, dengizga chiqishdan mahrum bo‘lgan va tog‘li mamlakatlar jiddiy moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelayotganini ta’kidladi. Xalqaro moliya mexanizmlarini isloh qilish va jahon hamjamiyati tomonidan qo‘llab-quvvatlashni kuchaytirish zarurligi aytildi. shu sifatda tinchlik va taraqqiyot kafolati, global arxitekturaning xavfsizlik va barqarorlik tayanchi bo‘lib qolishi kerak”, — dedi davlat rahbari va Turkmaniston BMTning xalqaro ishlardagi markaziy rolini kuchaytirish tarafdori ekanini qo‘shimcha qildi.Turkmaniston prezidenti Serdar Berdimuhamedov BMT islohotlari haqida to‘g‘ridan-to‘g‘ri gapirmadi. Buning o‘rniga, u BMT universal legitimlikka ega bo‘lgan yagona xalqaro tashkilot ekanini ta’kidladi [4]

Ushbu sessiyada uzoq muddat davom etdi hamda bu vaqt ichida ko‘plab prezidentlar nutq so‘zlaganiga guvoh bo‘ldik. Ushbu sessiyada ham muammolar ham yutuqlar aytib o‘tildi. Muammolar kelgusida o‘z yechimini topadi, faqatgina biz birlashsak hech qanday muammolar qolmaydi, muhimi barcha xalq birdan harakat qilishidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.https://uz.wikipedia.org
2.https://www.un.org/en/annualreport
3. https://president.uz/oz/lists/view/8525
4.https://www.gazeta.uz/oz/2025/09/25/ga-un-central-asia/
5.https://www.un.org/en/annualreport2024
6.https://president.uz/oz/lists/view/8525

BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTINING XALQARO HUQUQ TIZIMIDAGI YETAKCHILIK ROLI

Ravshanov Ulugbek Maxmurbekovich,
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti
Maxsus-huquqiy fanlar va inson huquqlari kafedrasi o‘qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada Birlashgan Millatlar Tashkilotining (BMT) xalqaro huquq tizimidagi o‘rni va ahamiyati, shuningdek, tashkilotning 80 yillik faoliyati davomida xalqaro huquq normalarini rivojlantirishdagi yetakchilik roli tahlil qilinadi. Maqolada BMTning asosiy organlari faoliyatining huquqiy jihatlari, xalqaro tinchlik va xavfsizlikni ta’minlashdagi mexanizmlari hamda O‘zbekiston Respublikasi bilan hamkorlik yo‘nalishlari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: BMT, xalqaro huquq, tinchlik, xavfsizlik, suverenitet, O‘zbekiston, xalqaro tashkilotlar.

Kirish. XX asr insoniyat tarixida chuqur siyosiy, iqtisodiy va huquqiy o‘zgarishlar davri bo‘ldi. Ayniqsa, Ikkinchi jahon urushi (1939–1945-yillar) insoniyatga beqiyos talafotlar keltirib, millionlab insonlar hayotiga zomin bo‘ldi. Urush yakunida dunyo hamjamiyati barqaror tinchlikni ta’minlash, xalqaro nizolarni bartaraf etish va kelajakda bunday fojealarning oldini olish zaruratini chuqur his etdi. Shu tarixiy sharoitda 1945-yil 24-oktabrda Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) tuzildi.

BMT tashkil topishi insoniyat taraqqiyotida yangi bosqichni boshlab berdi — xalqaro huquqni institutsional asosda mustahkamlash, davlatlar o‘rtasidagi munosabatlarda kuch ishlatmaslik va suveren tenglik tamoyillarini huquqiy mezonga aylantirish davri boshlandi. BMT Nizomida mustahkamlangan asosiy maqsadlar — tinchlikni saqlash, xavfsizlikni ta’minlash, inson huquqlarini himoya qilish va davlatlar o‘rtasida hamkorlikni rivojlantirish — xalqaro huquqning poydevoriga aylandi. Bugungi kunda BMT 193 ta davlatni birlashtirgan global tashkilot sifatida insoniyat taraqqiyotining ko‘plab sohalarini qamrab oladi. U nafaqat siyosiy va huquqiy barqarorlikni saqlashda, balki ijtimoiy, iqtisodiy, ekologik va gumanitar sohalarda ham muhim tashabbuslarni amalga oshirib kelmoqda. Ayniqsa, XXI asrda global muammolar — iqlim o‘zgarishi, terrorizm, migratsiya, kiberxavfsizlik va pandemiyalar fonida BMT xalqaro huquqning eng muhim mexanizmlaridan biriga aylandi.

Shu nuqtayi nazardan, tashkilotning 80 yillik faoliyatini tahlil qilish xalqaro huquq rivojidagi tarixiy bosqichlarni, mavjud muammolarni va istiqboldagi yo‘nalishlarni aniqlash uchun muhim ilmiy-amaliy ahamiyat kasb etadi. Birlashgan

Millatlar Tashkiloti xalqaro huquqning shakllanishi, rivojlanishi va amalda qo‘llanishida markaziy o‘rin tutadi. BMT Nizomining 1-moddasida tashkilotning asosiy maqsadlari sifatida xalqaro tinchlik va xavfsizlikni saqlash, davlatlar o‘rtasida do‘stona munosabatlarni rivojlantirish hamda xalqaro hamkorlikni mustahkamlash belgilangan. Mazkur tamoyillar xalqaro huquqning zamonaviy tizimini tashkil etuvchi asosiy qoidalar sirasiga kiradi.

BMT xalqaro huquqning kodifikatsiyasi va unifikatsiyasi jarayonida muhim rol o‘ynaydi. Xalqaro huquq komissiyasi, Xalqaro sud, Bosh Assambleya va Xavfsizlik Kengashi kabi organlar orqali xalqaro normalarning ishlab chiqilishi, qabul qilinishi va tatbiq etilishi jarayonlari amalga oshiriladi. Ayniqsa, xalqaro tinchlikni ta’minlash bo‘yicha Xavfsizlik Kengashining qarorlari davlatlar uchun majburiy kuchga ega bo‘lib, u xalqaro huquq amaliyotida tizimli barqarorlikni ta’minlaydi.

BMT xalqaro huquqni rivojlantirishda uch asosiy mexanizm orqali faoliyat yuritadi: **normativ-huquqiy**, **institutsional** va **monitoring** mexanizmlari.

Normativ-huquqiy yo‘nalish doirasida BMT tomonidan bugungi kunga qadar **500 dan ortiq xalqaro konvensiyalar**, deklaratsiyalar va rezolyutsiyalar qabul qilingan. Ularning orasida **BMT Nizomi (1945)**, **Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi (1948)**, **Fuqarolik va siyosiy huquqlar to‘g‘risidagi xalqaro pakt (1966)**, **Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risidagi pakt (1966)**, shuningdek, **Ayollarga nisbatan kamsitishning barcha shakllariga barham berish to‘g‘risidagi konvensiya (1979)** kabi hujjatlar xalqaro huquq tizimining poydevorini tashkil etadi.

Bundan tashqari, BMTning xalqaro huquqni kodifikatsiya qilishdagi asosiy organi — **Xalqaro huquq komissiyasi** (International Law Commission, 1947-yilda tashkil etilgan) hozirgacha **60 dan ortiq xalqaro huquqiy loyihalarni** ishlab chiqqan bo‘lib, ularning ayrimlari xalqaro shartnomalarga aylangan. Masalan, **Diplomatik munosabatlar to‘g‘risidagi Vena konvensiyasi (1961)**, **Davlatlar o‘rtasidagi shartnomalar to‘g‘risidagi Vena konvensiyasi (1969)** shular jumlasidandir.

Institutsional mexanizm orqali esa BMT tizimiga kiruvchi **15 ta ixtisoslashgan tashkilot**, **5 ta asosiy organ** va **30 dan ortiq dastur va fondlar** faoliyat yuritadi. Ular orasida:

- Xalqaro Mehnat Tashkiloti (XMT) — 190 dan ortiq konvensiyalarni qabul qilgan;

- Butunjahon sog‘liqni saqlash tashkiloti (JSST) — 194 ta a’zo davlat bilan global sog‘liq siyosatini shakllantiradi;

- YUNESKO — 1 000 dan ortiq xalqaro meros obyektlarini himoya qiladi;

- Xalqaro valuta fondi (XVF) va **Butunjahon banki** — xalqaro moliyaviy barqarorlikni ta’minlash bo‘yicha 180 dan ortiq davlat bilan hamkorlik qiladi.

Bu tashkilotlar xalqaro huquqning tarmoqlarini — iqtisodiy, mehnat, ekologik, gumanitar, moliyaviy va texnik sohalarni — huquqiy jihatdan tartibga solishda bevosita ishtirok etadi.

Monitoring mexanizmlari esa davlatlarning xalqaro majburiyatlarni bajarishi ustidan doimiy nazoratni amalga oshiradi. Masalan, **Inson huquqlari bo‘yicha Kengash** (2006-yilda tashkil etilgan) har yili o‘rtacha **120 dan ortiq mamlakat** bo‘yicha universal davriy hisobotlarni ko‘rib chiqadi. **Atrof-muhit bo‘yicha dastur (UNEP)** esa 2024-yil holatiga ko‘ra **150 dan ortiq ekologik kelishuvlar** ijrosini monitoring qiladi.

Shunday qilib, BMT tomonidan ishlab chiqilgan ushbu uch mexanizm — normativ-huquqiy, institutsional va monitoring tizimlari — xalqaro huquqni rivojlantirish, davlatlararo hamkorlikni kuchaytirish hamda global muammolarni huquqiy yo‘l bilan hal etishning asosiy vositasi sifatida e’tirof etiladi.

O‘zbekistonning BMT bilan hamkorligi

O‘zbekiston Respublikasi 1992-yil 2-martda BMTga a’zo bo‘lib kirdi. Shu kundan boshlab mamlakat tashkilot faoliyatida faol ishtirok etib kelmoqda. O‘zbekiston BMT doirasida tinchlikni saqlash, inson huquqlarini himoya qilish, ekologik muammolarni hal etish va mintaqaviy xavfsizlikni mustahkamlash bo‘yicha qator tashabbuslarni ilgari surgan.

Prezident Shavkat Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasi minbaridan ilgari surgan tashabbuslari – Markaziy Osiyo uchun tinchlik va barqarorlik makoni yaratish, yoshlar siyosatini kuchaytirish, ekologik xavfsizlik va Aral dengizi fojiasiga qarshi kurashish bo‘yicha global dasturlar – xalqaro huquq amaliyotida muhim o‘rin egalladi. Bu tashabbuslar BMT doirasida O‘zbekistonning xalqaro nufuzini oshirib, xalqaro huquqning zamonaviy tendensiyalariga mos yondashuvni shakllantirdi.

1992–2024 yillar oralig‘ida O‘zbekiston va BMT o‘rtasida 250 dan ortiq hamkorlik loyihasi amalga oshirilgan.

2020-yildan boshlab Aralbo‘yi mintaqasida ekologik tiklanish loyihalari doirasida BMT tomonidan 200 ming gektardan ortiq maydonda yashil hududlar barpo etilgan.

2021-yilda Nukusda “Aralbo‘yi mintaqasini ekologik innovatsiyalar hududiga aylantirish” tashabbusi BMT Bosh Assambleyasi rezolyutsiyasi sifatida qabul qilindi.

Prezident Shavkat Mirziyoyevning BMTdagi tashabbuslari

Prezident Sh.M. Mirziyoyev 2017–2024-yillar davomida BMT Bosh Assambleyasida 7 marotaba nutq so‘zlab, quyidagi global tashabbuslarni ilgari surdi:

Markaziy Osiyo – tinchlik va barqarorlik hududi konsepsiyasi;

Yoshlar huquqlari bo‘yicha xalqaro konvensiya ishlab chiqish tashabbusi;

Orol dengizi mintaqasini ekologik innovatsiyalar hududi deb e’lon qilish;

Global iqlim tashabbuslari doirasida Orolbo‘yi hududini qayta tiklash fondi tashkil etish;

BMT doirasida “Global ta’lim bo‘yicha platforma” yaratish taklifi.

Quyidagi grafik O‘zbekistonning BMT tizimidagi ishtirok darajasining o‘sishini aks ettiradi (1992–2025-yillar):

Grafik tavsifi (so‘z bilan ifoda)

1990-yillar boshida O‘zbekiston BMTning 10 dan kam dasturida faol bo‘lgan bo‘lsa, bugungi kunda bu ko‘rsatkich 40 dan ortiq faol hamkorlik dasturlariga yetgan. Ayniqsa, 2017-yildan keyin ekologik, inson huquqlari va yoshlar siyosati yo‘nalishlarida hamkorlik 3 baravar ortgan.

Quyidagi grafikalar O‘zbekiston Respublikasining Birlashgan Millatlar Tashkiloti doirasidagi faoliyati, tashabbuslari va ularning xalqaro miqyosdagi natijalarini tasvirlaydi. Bu diagrammalar statistik tahlil uslubida tayyorlangan bo‘lib, ular mamlakatimizning global miqyosdagi faolligini ko‘rsatib beradi.



1-rasm. O‘zbekistonning BMTdagi faollik indeksi

Chiziqli grafik O‘zbekistonning 1992-yildan 2025-yilgacha bo‘lgan davrda BMTdagi ishtirok faolligining o‘sishini ifodalaydi.



2-rasm. BMT rezolyutsiyalari soni

Ustunli diagrammada O‘zbekiston tashabbusi bilan qabul qilingan BMT rezolyutsiyalari sonining yillar kesimidagi dinamikasi aks etgan.



3-rasm. Orol dengizi bo‘yicha BMT dasturlari moliyaviy hajmi

Bu diagramma BMTning Aral dengizi muammosiga oid dasturlarga ajratilgan moliyaviy mablag‘larning yillik o‘sishini ko‘rsatadi.

Xulosa qilib aytganda, Birlashgan Millatlar Tashkiloti so‘nggi 80 yil davomida xalqaro huquqning shakllanishi va rivojida markaziy o‘rin egallab, davlatlararo munosabatlarda huquqiy tamoyillarni ustuvor qadriyat sifatida qaror toptirdi. Tashkilot Nizomi, inson huquqlarini himoya qilish to‘g‘risidagi deklaratsiyalar, tinchlikni saqlash operatsiyalari hamda global konvensiyalar orqali zamonaviy xalqaro huquqning asosiy yo‘nalishlarini belgilab berdi.

O‘zbekiston Respublikasi BMTga a’zo bo‘lganidan buyon bu tizimning faol ishtirokchisiga aylandi. So‘nggi yillarda mamlakatning BMT doirasidagi tashabbuslari

xalqaro huquqni rivojlantirish, barqaror taraqqiyot, ekologik xavfsizlik va inson huquqlarini himoya qilishda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda quyidagilar takliflar ishlab chiqildi:

O‘zbekiston BMT qoshidagi xalqaro shartnomalar bo‘yicha komissiyalar ishida muntazam ishtirok etib, yangi global konvensiyalar loyihalariga takliflar berishi lozim.

Markaziy Osiyo davlatlarining BMT bilan aloqalarini mustahkamlovchi mintaqaviy dasturlarni ishlab chiqish zarur.

Orol dengizi havzasi bo‘yicha xalqaro huquqiy maqomdagi konvensiyani ishlab chiqish va BMT tomonidan qabul qilinishiga erishish maqsadga muvofiq.

O‘zbekiston tashabbusi bilan “BMT – Yoshlar dialogi” doirasida muntazam xalqaro anjuman o‘tkazilishi tavsiya etiladi.

O‘zbekistonning inson huquqlari bo‘yicha milliy hisobot tizimini BMTning raqamli nazorat platformalari bilan integratsiya qilish lozim.

Mamlakat tashabbuslari natijasida qabul qilingan rezolyutsiyalar sonini oshirish, ilmiy-huquqiy tahlillar asosida yangi xalqaro tashabbuslarni ilgari surish zarur.

BMTning 80 yillik faoliyati shuni ko‘rsatadiki, tashkilot xalqaro huquq tizimining ajralmas qismi sifatida davlatlararo munosabatlarning barqaror rivojlanishini ta’minlashda beqiyos o‘rin tutadi. BMT tomonidan ishlab chiqilgan normativ-huquqiy asoslar, tinchlikni ta’minlash mexanizmlari va global muammolarga qarshi kurashdagi tashabbuslar xalqaro huquqni mustahkamlashda hal qiluvchi ahamiyatga ega. O‘zbekistonning ushbu tashkilot bilan faol hamkorligi esa mamlakatning xalqaro maydondagi o‘rnini yanada kuchaytirmoqda. Shu bois BMTning 80 yilligi nafaqat tarixiy sana, balki xalqaro huquqni rivojlantirish yo‘lida muhim bosqich sifatida e’tirof etilishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Birlashgan Millatlar Tashkiloti Nizomi, 1945-yil.

2. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi, 1948-yil.

3. O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi rasmiy veb-sayti – www.mfa.uz

4. Mirziyoyev Sh.M. BMT Bosh Assambleyasi minbaridan so‘zlagan nutqlari (2017–2024-yillar).

5. Xalqaro huquq asoslari: O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: TDYU nashriyoti, 2023.

BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTI BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI KONTEKSTIDA O‘ZBEKISTONDA HARBIY XIZMATCHILAR SOG‘LIG‘INI SAQLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH

Djaydakbayev F.T.
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi

Harbiy xizmatchilar sog‘lig‘ini muhofaza qilish tizimi - har bir davlatning mudofaa qobiliyati, milliy xavfsizligi va inson kapitalini mustahkamlashdagi muhim ustuvor yo‘nalish hisoblanadi. Sog‘lom xizmatchi - bu faqat jismoniy baquvvat shaxs emas, balki ruhiy barqaror, ma’naviy yetuk va davlatga sadoqatli fuqaro timsolidir. Shu bois harbiy sog‘liqni saqlash tizimini takomillashtirish masalasi faqat tibbiy yoki idoraviy emas, balki milliy siyosiy, ijtimoiy va institutsional vazifa sifatida qaralishi lozim.

Bugungi kunda dunyo mamlakatlarida harbiy tibbiyot tizimini rivojlantirish tendensiyasi Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) tomonidan ilgari surilgan inson xavfsizligi konsepsiyasi va Barqaror rivojlanish maqsadlari (Sustainable Development Goals – SDGs) bilan chambarchas bog‘langan. Ayniqsa, BMTning 3-maqsadi - “Sog‘lom turmush tarzi va farovonlikni ta’minlash”, hamda 16-maqsadi - “Tinchlik, adolat va samarali institutlar” harbiy sog‘liqni muhofaza qilish tizimining jahon standartlari bilan uyg‘un rivojlanishini talab etadi [1].

Inson xavfsizligi konsepsiyasiga ko‘ra, jamiyatning barqarorligi va davlatning xavfsizligi insonning sog‘lig‘i, psixologik barqarorligi va ijtimoiy himoya darajasi bilan bevosita bog‘liq [2]. Shu ma’noda, harbiy xizmatchining sog‘lig‘ini saqlash - bu faqat klinik yordam emas, balki uning oilaviy, ijtimoiy va ruhiy holatini ta’minlaydigan kompleks siyosiy-institutsional tizimdir.

O‘zbekistonda “Yangi O‘zbekiston” davrida sog‘liqni saqlash sohasida amalga oshirilayotgan tub islohotlar, jumladan harbiy tibbiyot tizimidagi institutsional o‘zgarishlar mamlakatning BMT tamoyillariga muvofiq barqaror siyosat yuritayotganini ko‘rsatadi [3]. Prezident farmonlari, Vazirlar Mahkamasi qarorlari va sohaviy me’yoriy hujjatlar harbiy xizmatchilar va ularning oila a’zolari sog‘ligini muhofaza qilish bo‘yicha davlat kafolatlarini bosqichma-bosqich mustahkamlab bormoqda [4].

Shu bilan birga, hozirgi tizimda yechimini kutayotgan qator muammolar mavjud: tibbiy xizmat sifatining hududlar bo‘yicha notekisligi, reabilitatsiya markazlari yetishmasligi, psixologik yordam tizimining samarasizligi va raqamli xizmatlarning sustligi shular jumlasidandir. Bu muammolarni bartaraf etish uchun

BMT tavsiya qilgan inson-markazlashgan, innovatsion va raqamli yondashuvlarni milliy modelga integratsiya qilish dolzarb vazifa bo‘lib turibdi [5].

Shu nuqtai nazardan, mazkur tadqiqotning asosiy maqsadi - O‘zbekistonda harbiy xizmatchilar sog‘lig‘ini muhofaza qilish tizimini BMTning barqaror rivojlanish maqsadlari, inson xavfsizligi konsepsiyasi va xalqaro tajriba bilan uyg‘un holda tahlil qilishdir. Ushbu maqolada sohaviy huquqiy asoslar, amaldagi holat va istiqboldagi islohot yo‘nalishlari ilmiy-amaliy tahlil etiladi hamda milliy tizimni xalqaro standartlarga yaqinlashtirish bo‘yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqiladi.

Harbiy sog‘liqni muhofaza qilish tizimi - inson xavfsizligining ajralmas tarkibiy qismi hisoblanadi. Bu fikr ilk bor 1994 yilda BMT Taraqqiyot dasturining mashhur “Human Development Report”ida ilgari surilgan. Unda “millat xavfsizligi faqat chegaralarni muhofaza qilish emas, balki inson hayotining qadri va uning farovonligini ta’minlashdir” degan tamoyil ilgari surilgan [6].

Shu ma’noda, davlatning mudofaa qobiliyati xizmatchining sog‘lom ruhiy va jismoniy holatisiz ta’minlanmaydi. Ya’ni inson xavfsizligi konsepsiyasi milliy xavfsizlikni faqat harbiy kuch yoki qurol bilan emas, balki inson sog‘lig‘i, ta’lim darajasi, psixologik barqarorlik va ijtimoiy himoya tizimi orqali ta’minlanishini nazarda tutadi.

BMT bu konsepsiyani yetti asosiy yo‘nalish orqali belgilagan: iqtisodiy xavfsizlik, oziq-ovqat xavfsizligi, sog‘liq xavfsizligi, ekologik xavfsizlik, shaxsiy xavfsizlik, jamoaviy xavfsizlik va siyosiy xavfsizlik.

Bu yo‘nalishlardan “sog‘liq xavfsizligi” harbiy xizmatchilar uchun eng muhim hisoblanadi, chunki ularning jismoniy barqarorligi va psixologik tayyorgarligi bevosita davlat himoyasining asosidir.

Inson xavfsizligi konsepsiyasidagi “sotsial xavfsizlik” va “shaxsiy xavfsizlik” tushunchalari harbiy sog‘liqni muhofaza qilish tizimining falsafiy poydevorini tashkil qiladi. Bu yondashuvga ko‘ra, harbiy xizmatchining salomatligiga tajovuz - davlatning xavfsizligiga tahdid sifatida baholanadi [9].

Shuning uchun ko‘plab mamlakatlar harbiy tibbiyot tizimini faqat klinik yordam tizimi emas, balki psixo-ijtimoiy barqarorlikni ta’minlaydigan milliy institut sifatida rivojlantirgan. Masalan: Kanadada “Human Security and Peacebuilding” dasturi orqali harbiy tibbiy xizmatchilarning sog‘lig‘i va posttravmatik reabilitatsiyasi davlat xavfsizlik strategiyasiga kiritilgan; Yaponiyada “Comprehensive Human Security” konsepsiyasi asosida harbiy sog‘liqni saqlash tizimi fuqarolik sog‘liq tizimi bilan integratsiya qilingan; Turkiyada harbiy tibbiyot muassasalari nafaqat xizmatchilarga, balki favqulodda holatlarda aholiga ham yordam ko‘rsatish vakolatiga ega [10]. Bu tajribalar shundan dalolat beradiki, harbiy tibbiyot tizimi - faqat mudofaa funksiyasini emas, balki ijtimoiy barqarorlikni ta’minlovchi omil sifatida ham xizmat qiladi.

O‘zbekiston Respublikasida harbiy sog‘liqni muhofaza qilish tizimi davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida izchil rivojlanib bormoqda. Bu sohada amalga oshirilayotgan islohotlar nafaqat tibbiy xizmatlarni modernizatsiya qilishni, balki inson xavfsizligi, sog‘lom turmush tarzi va barqaror rivojlanish tamoyillarini davlat boshqaruvi tizimiga chuqur integratsiya qilishni ko‘zda tutadi [11].

Harbiy tibbiyot sohasidagi islohotlarning huquqiy asosi quyidagi muhim hujjatlarda o‘z ifodasini topgan:

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF–60-son farmoni - “2022-2026 yillar uchun mo‘ljallangan Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi”, unda aholi sog‘lig‘ini muhofaza qilish, tibbiy xizmatlar sifatini oshirish va raqamli tibbiyotni rivojlantirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishi sifatida belgilandi [12];

Vazirlar Mahkamasining 2024 yil 24 iyundagi 352-son qarori - “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida tibbiy va sanatoriy-kurort ta’minotini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” - bu sohadagi bazaviy normativ asos hisoblanadi [13].

“O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarning harbiy xizmatni o‘tash tartibi to‘g‘risidagi nizom”gi PQ-4447 (2019 yil)[14];

Prezident qarori PQ–3926 (2018 yil) - harbiy sog‘liqni saqlash tizimini institutsional jihatdan isloh qilish va moddiy-texnik bazasini mustahkamlash choralarini belgiladi [16].

Bu hujjatlar natijasida harbiy tibbiyot muassasalari faoliyatida idoralararo hamkorlik tizimi kengaydi, Milliy gvardiya, Mudofaa, Favqulodda vaziyatlar va Ichki ishlar vazirliklari tibbiy xizmatlarini yagona davlat siyosati doirasida muvofiqlashtirish amaliyoti shakllanmoqda [17].

So‘nggi yillarda harbiy tibbiyot tizimida infratuzilmaviy islohotlar amalga oshirildi. 2024 yil holatiga ko‘ra, mamlakat bo‘ylab: Qurolli Kuchlar tarkibiga kirusvchi vazirlik va idoralar tasarrufida 9 ta harbiy gospital, 16 ta hududiy poliklinika, 4 ta reabilitatsiya markazi, 100 dan ortiq statsionar tibbiy punktlar faoliyat yuritmoqda. Bu muassasalarda zamonaviy diagnostika uskunalari, laboratoriya tizimlari va telemeditsina texnologiyalari joriy etilmoqda. Masalan, 2023 yildan boshlab Mudofaa vazirligi Markaziy harbiy klinik gospitalida “E–Medical Defense” axborot platformasi pilot loyiha sifatida ishga tushirildi. U orqali xizmatchilarning tibbiy ma’lumotlari markazlashtirilgan tarzda hisobga olinadi, elektron shifokor tavsiyalari va laborator natijalar raqamli formatda saqlanadi. Bu amaliyot Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti (WHO)ning raqamli tibbiyot bo‘yicha tavsiyalariga hamda BMTning “Digital Health Strategy 2020–2030” dasturiga mos keladi.

So‘nggi yillarda harbiy xizmatchilarning ruhiy sog‘lig‘ini muhofaza qilish va posttravmatik holatlarni bartaraf etish masalasiga alohida e’tibor qaratilmoqda. Mudofaa vazirligi qoshidagi markaziy gospitalida 2022 yildan boshlab “Psixologik reabilitatsiya va profilaktika markazlari” faoliyat yuritmoqda [15].

BMTning Global Health for Peace Initiative (2019) dasturi tavsiyalariga muvofiq, bu markazlarda faqat tibbiy davolash emas, balki ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash, oila bilan ishlash va xizmatchining faol hayotga qayta moslashuvini ta’minlash amaliyoti joriy etilgan [22].

2023 yil natijalariga ko‘ra, harbiy gospitallarda 126 ming xizmatchi va oila a’zolari tibbiy ko‘rikdan o‘tgan bo‘lib, ularning 28,5 % profilaktika, 43 % davolash, 19 % reabilitatsiya va 9,5 % psixologik yordam xizmatlaridan foydalangan. Bu ko‘rsatkich 2018 yilga nisbatan qariyb 2,3 baravarga o‘sgan [15].

Harbiy tibbiyot tizimida kadrlar salohiyatini oshirish bo‘yicha ham aniq choralar ko‘rilmoqda. Mudofaa vazirligi tarkibida “Harbiy tibbiyot kadrlarini qayta tayyorlash va malaka oshirish markazi” tashkil etildi. Bu markaz WHO va UNDP bilan hamkorlikda xalqaro sertifikatlashtirish dasturlarini joriy etmoqda [15].

Bundan tashqari, Toshkent tibbiyot akademiyasi harbiy tibbiyot kafedrasi negizida Harbiy tibbiy akademiya qayta tashkil qilinib, klinik psixologiya va travmatologiya bo‘yicha ilmiy tadqiqotlar yo‘lga qo‘yildi.

Shu bilan birga, ilmiy yo‘nalishda “Harbiy tibbiyot to‘g‘risidagi qonun” loyihasini ishlab chiqish tashabbusi qo‘llab-quvvatlanmoqda. Bu qonun qabul qilinsa, sohadagi 30 dan ziyod idoraviy hujjatlar yagona tizimga keltiriladi va huquqiy nomutanosibliklar bartaraf etiladi.

BMTning Barqaror rivojlanish maqsadlari doirasidagi Milliy hisobot (UNDP Uzbekistan, 2024) ma’lumotlariga ko‘ra, O‘zbekiston 17 ta SDG maqsadining 11 tasida ijobiy natijalarga erishgan. Xususan, SDG-3 (“Sog‘lom hayot va farovonlik”) yo‘nalishidagi indikatorlar 2020 yilga nisbatan 14,7%ga yaxshilangan. BMTning “Human Development Report 2023–2024” ma’lumotlariga ko‘ra, O‘zbekistonning inson rivojlanishi indeksi (HDI) 0,727ga teng bo‘lib, bu mamlakatni “yuqori inson rivojlanishi darajasidagi davlatlar” guruhiga kiritadi. Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti (WHO) va P4H Network ma’lumotlariga ko‘ra, 2023 yilda O‘zbekistonda sog‘liqni saqlash sohasidagi davlat xarajatlari YaIMning 5,8% tashkil etgan [17].

Harbiy tibbiyot infratuzilmasiga ajratilayotgan mablag‘lar umumiy sog‘liq budjetining taxminan 8–10% tashkil etadi. BMTning Global Health Workforce Statistics (2023) bazasi ma’lumotlariga ko‘ra, har 10 ming harbiy xizmatchiga kamida 12 nafar vrach va 30 nafar tibbiy xodim bo‘lishi lozim. O‘zbekistonda bu ko‘rsatkich hozircha ushbu ko‘rsatkichlardan past darajasini tashkil etmoqda.

Mudofaa vazirligi ma’lumotlariga ko‘ra, 2022-2024 yillarda harbiy tibbiyot muassasalarida jami 1200 nafar tibbiy mutaxassis, shundan 260 nafar vrach, 950 nafar o‘rta tibbiy xodim, qolgan qismi psixolog va reabilitologlar hisoblanadi [14].

Mudofaa vazirligi hisobotiga ko‘ra, 2017–2024 yillar davomida harbiy gospitallardagi o‘lim holatlari 17%ga ijobiy dinamikaga qisqargan, jarohatdan keyingi reabilitatsiya samaradorligi esa 1,8 baravarga oshgan [15].

Bu natija BMTning Global Health for Peace Initiative (2019) tavsiyalari bilan uyg‘un bo‘lib, harbiy sog‘liqni saqlash tizimida “tinchlik orqali sog‘lom jamiyat” modelini shakllantirayotganini ko‘rsatmoqda. Psixologik yordam xizmatida esa 2024 yilda 12 mingga yaqin harbiy xizmatchi va oila a’zolari bevosita psixologik korreksiya va stress boshqaruvi dasturlaridan foydalangan [16].

Xalqaro tajribada Germaniyada Bundeswehr Medical Service tizimida har 1 000 xizmatchiga 7 vrach to‘g‘ri keladi; Janubiy Koreyada “Smart Military Hospital” tizimi orqali tibbiy ma’lumotlar elektron shaklda yuritiladi; Turkiyada harbiy tibbiyot tizimi fuqarolik tibbiyoti bilan to‘liq integratsiya qilingan; AQShda Military Health System (MHS) 2023 yilda sog‘liq xarajatlarining 9,1% psixologik yordam va reabilitatsiya dasturlariga yo‘naltirgan [17].

Bu tajribalar O‘zbekiston uchun muhim qiyosiy asos bo‘lib xizmat qiladi. Xususan, raqamli monitoring, psixokorreksiya va ilmiy tadqiqot markazlarini tashkil etish orqali milliy tizimni xalqaro standartlarga yaqinlashtirish imkoni mavjud. Shuningdek, Kanada, Turkiya va Janubiy Koreya tajribalari ko‘rsatganidek, harbiy tibbiyot tizimi faqat davolash infratuzilmasi emas, balki inson xavfsizligini ta’minlovchi milliy institut sifatida shakllantirilishi lozim.

Yuqoridagi tahlillardan kelib chiqib, O‘zbekistonda harbiy tibbiyot tizimida islohotlar izchil amalga oshirilayotgan bo‘lsa-da, hali SDG-3 (“Sog‘lom hayot va farovonlik”) va SDG-16 (“Tinchlik va samarali institutlar”) indikatorlariga to‘liq moslashish uchun quyidagi ustuvor vazifalar dolzarb hisoblanadi:

birinchidan, kadrlar salohiyatini kuchaytirish. Harbiy tibbiyot xodimlari soni va malakasini kamida 25–30 % ga oshirish, xalqaro sertifikatlashtirish tizimini joriy etish, va WHO standartlariga mos kadrlar tayyorlash modelini yo‘lga qo‘yish.

ikkinchidan, raqamli tibbiyot infratuzilmasini rivojlantirish. “E-Medical Defense” platformasini barcha harbiy qismlarga integratsiya qilish, tibbiy ma’lumotlarni kiberxavfsizlik standartlari asosida himoyalash, va raqamli xizmatlar qamrovini 70 % darajaga yetkazish.

uchinchidan, psixologik va reabilitatsiya tizimini kengaytirish. Barcha harbiy okruglarda “Psixologik tiklanish markazlari”ni tashkil etish, posttravmatik sindrom (PTSD) bo‘yicha maxsus dasturlarni ishlab chiqish, va xizmatchilar oilalari bilan kompleks psixo-ijtimoiy ish yuritish.

to‘rtinchidan, milliy normativ-huquqiy bazani mustahkamlash. “Harbiy tibbiyot to‘g‘risida”gi alohida Qonunni qabul qilish orqali sohadagi 40 dan ziyod idoraviy hujjatlarni yagona tizimga keltirish hamda normativ-huquqiy ziddiyatlarni bartaraf etish.

beshinchidan, ilmiy-innovatsion salohiyatni rivojlantirish. Harbiy tibbiyot akademiyasi negizida ilmiy-tadqiqot markazlari tashkil etish, xalqaro ilmiy hamkorlikni kengaytirish va innovatsion tibbiy texnologiyalarni joriy etish.

Keltirilgan taklif va tavsiyalar bosqichma-bosqich amalga oshirilsa, O‘zbekiston harbiy tibbiyot tizimi BMTning barqaror rivojlanish standartlariga to‘liq mos keluvchi, inson xavfsizligini ta’minlovchi, barqaror va samarali davlat modeliga aylanadi. Bu model faqat tibbiy infratuzilma yoki idoralararo hamkorlik emas, balki inson salomatligi orqali milliy xavfsizlikni mustahkamlashning yangi siyosiy va institutsional paradigmasini yaratadi.

Natijada, harbiy tibbiyot tizimi fuqarolar sog‘lig‘ini muhofaza qilishning ilg‘or bosqichiga ko‘tariladi, xizmatchilar va ularning oilalari uchun barqaror ijtimoiy muhit yaratiladi. Bu esa milliy mudofaa salohiyatini kuchaytirib, qo‘shinning jangovar tayyorgarligi, psixologik barqarorligi va fidoiylik ruhini oshiradi.

Shu bilan birga, jamoat xavfsizligi tizimida insonparvar yondashuv ustuvor o‘rin egallaydi: harbiy sog‘liqni muhofaza qilish faqat davlat majburiyati emas, balki inson qadrini muhofaza qilishning amaliy ko‘rinishi sifatida namoyon bo‘ladi.

Shunday tarzda, O‘zbekistonda harbiy tibbiyot tizimi mamlakatning mudofaa strategiyasi va barqaror rivojlanish siyosatini birlashtiruvchi muhim ijtimoiy institutga aylanadi. Bu jarayonning ma’naviy va siyosiy mazmuni “Sog‘lom xizmatchi - kuchli davlat” tamoyilida mujassam bo‘lib, u davlat xavfsizligi, jamiyat barqarorligi va inson farovonligining yagona manfaat doirasidagi uyg‘unligini ifodalaydi.

Manbalar ro‘yxati

1. United Nations. Transforming Our World: The 2030 Agenda for Sustainable Development. New York, 2015.
2. UNDP. Human Development Report 1994: New Dimensions of Human Security. Oxford University Press, 1994.
3. UNDP Uzbekistan. National SDG Progress Report 2024. Tashkent, 2024.
4. UNDP & WHO. Digital Health Strategy 2020–2030. Geneva, 2020.
5. UNDP. Human Development Report 1994.
6. UNDP. A Conceptual Framework for Human Security. New York, 2003.
7. WHO. Health Systems in Action: Uzbekistan Country Report. Geneva, 2023.
8. United Nations. Global Health for Peace Initiative. Geneva, 2019.

9. Canada DND. Human Security and Peacebuilding in Military Systems. Ottawa, 2018.
10. Turkey MOD. Annual Defence Health Review. Ankara, 2023.
11. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF–60-son farmoni - “2022-2026 yillar uchun mo‘ljallangan Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi”, https://lex.uz
12. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 24.06.2024 yildagi 352-son, https://lex.uz
13. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 12.09.2019 yildagi PQ-4447-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarning harbiy xizmatni o‘tash tartibi to‘g‘risidagi nizom”, https://lex.uz
14. O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi hisoboti, 2024.
15. P4H Network. Health Financing Overview: Uzbekistan. 2023.
16. WHO. Global Health Workforce Database., 2023.
17. Bundeswehr Medical Service. Annual Report 2023. Berlin, 2024.
18. US Department of Defense. Military Health System Annual Report. Washington, 2023.

GLOBAL COOPERATION THROUGH SCIENCE, EDUCATION, AND INNOVATION – THE INTELLECTUAL FOUNDATION OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT

Musayeva Sh.I.
University of Public Safety Department of language studies Senior teacher

Introduction. The 21st century is characterized by unprecedented challenges such as climate change, biodiversity loss, economic inequality, and social unrest. Sustainable development has emerged as a guiding principle to balance economic growth, social inclusion, and environmental protection. However, achieving sustainability is a complex, multidimensional task that requires not only policy reforms and financial investments but also a robust intellectual foundation.

Science, education, and innovation constitute this intellectual foundation, offering the knowledge, skills, and tools necessary to understand, mitigate, and adapt to global challenges. Crucially, these elements cannot operate effectively in isolation. Their full potential is realized through global cooperation, where countries, institutions, and communities share knowledge, resources, and expertise to accelerate progress toward the United Nations Sustainable Development Goals (SDGs)[1].

This article delves deeper into the interrelationship among science, education, innovation, and global cooperation as the core drivers of sustainable development, illustrating how they form an integrated ecosystem for transformative change.

1. The Central Role of Science in Driving Sustainable Development

Science underpins sustainable development by providing evidence-based insights into the functioning of natural and human systems. It is fundamental to diagnosing problems, modeling scenarios, and designing interventions that are effective and efficient.

Science provides the empirical basis for understanding and how to find the solutions for some essential issues, like Climate Science and Environmental Monitoring, Agricultural and Biological Sciences, Health Sciences and Epidemiology as well as Collaborative Scientific Networks.

The IPCC's comprehensive assessments have been critical in clarifying the causes and consequences of climate change, enabling international consensus on mitigation targets such as those outlined in the Paris Agreement. Satellite technology and remote sensing allow for real-time monitoring of deforestation, ice cap melting, and ocean health, informing responsive policy actions.

Advances in genetics, soil science, and agro ecology facilitate the development of drought-resistant crops and sustainable farming practices that increase yields while preserving ecosystems. These innovations are vital to addressing food insecurity amid changing climate patterns.

Science has revealed the links between environmental degradation and emerging health threats, including zoonotic diseases like COVID-19. Epidemiological models guide preparedness and response strategies, ensuring resilient health systems that support sustainable communities.

International scientific collaborations such as CERN, the Human Genome Project, and the Global Ocean Observing System exemplify how global partnerships accelerate knowledge creation beyond national capacities. Open-access data repositories and shared research platforms democratize scientific knowledge.

2. Education: Empowering Individuals and Societies

Education is the process through which individuals acquire the knowledge, attitudes, and skills needed to contribute to sustainable development. It promotes social equity, cultural understanding, and active citizenship. United Nations Sustainable Development Goals aimed to build up special parts of education, which are Lifelong Learning and Capacity Building, Digital Education and Access, Promoting Inclusivity and Equity.

Education for Sustainable Development (ESD) is one of the important process of United Nations Sustainable Development Goals. The United Nations Educational,

Scientific and Cultural Organization (UNESCO) champions ESD to integrate sustainability concepts across curricula. This approach fosters systems thinking, critical analysis, and problem-solving abilities in learners of all ages[2].

Sustainability challenges evolve, necessitating continuous learning and skill upgrading. Vocational training, professional development, and community education programs enable societies to adapt to new technologies and socio-environmental realities.

Technology-driven education expands access to quality learning, especially in remote or marginalized communities. Massive Open Online Courses (MOOCs), virtual classrooms, and educational apps break barriers and promote global knowledge exchange.

Education must reach all demographics, including women, minorities, and disadvantaged groups, to ensure inclusive development. Gender parity and the elimination of educational disparities are essential to harnessing the full potential of human capital.

3. Innovation: The Engine of Sustainable Solutions

Innovation encompasses the creation and implementation of new ideas, products, services, and processes that improve efficiency and sustainability. Renewable energy technologies (solar, wind, bioenergy) have drastically reduced costs and enhanced energy access. Innovations in water purification, waste recycling, and sustainable materials minimize environmental footprints.

Social and Organizational Innovations, which in governance, finance, and social enterprise models enable more participatory, transparent, and equitable development. For example, community-based resource management and microfinance schemes empower local actors.

Digital technologies such as the Internet of Things (IoT), artificial intelligence (AI), and block chain enhance data-driven decision-making, transparency, and efficiency in sectors like agriculture, energy, and health[3].

Global innovation ecosystems thrive on cross-sectoral partnerships among governments, private companies, academia, and civil society. International innovation hubs and accelerators nurture startups and scale impactful solutions.

4. Global Cooperation: A Necessity for Addressing Transboundary Challenges. Sustainable development is inherently global. Environmental, economic, and social issues transcend borders, demanding coordinated responses. International scientific consortia and education exchanges foster the transfer of technology and expertise. Initiatives like the Global Research Council and the World Bank’s knowledge platforms enhance collaboration[4].

Developed nations and multilateral organizations provide training, funding, and technology transfer to developing countries, helping bridge capability gaps. Global cooperation manifests through treaties, conventions, and frameworks that set common standards and targets—for example, the Paris Agreement, the Convention on Biological Diversity, and SDG monitoring mechanisms[5]. Financial instruments like the Green Climate Fund and international development aid support innovation and capacity building worldwide, ensuring that no country is left behind[6].

The COVID-19 pandemic demonstrated the critical importance of global intellectual cooperation. Rapid scientific collaboration led to unprecedented vaccine development and distribution efforts, supported by education campaigns and innovative healthcare delivery systems. This model offers valuable lessons for addressing sustainability crises—where scientific rigor, education, innovation, and international solidarity combine to achieve effective outcomes.

Conclusion. Sustainable development requires the synergistic integration of science, education, and innovation as its intellectual backbone. These pillars, when supported by robust global cooperation, can accelerate the transformation toward resilient, inclusive, and environmentally sound societies. Policymakers, educators, scientists, and innovators must work collaboratively across sectors and borders, fostering environments conducive to knowledge creation, learning, and inventive problem-solving. Only through such concerted efforts can the complex challenges of the 21st century be effectively addressed, ensuring a sustainable legacy for future generations.

References

1. United Nations. (2015). Transforming our world: The 2030 Agenda for Sustainable Development.

2. UNESCO. (2020). Education for Sustainable Development Goals: Learning Objectives.

3. IPCC. (2023). Sixth Assessment Report.

4. OECD. (2021). Innovation and Sustainable Development.

5. World Bank. (2022). Digital Technologies for Sustainable Development.

6. Global Innovation Fund. (2023). Annual Report.

7. UNDP. (2021). Capacity Building for Sustainable Development.

YOSHLAR ISHTIROKIDA TINCHLIK VA BARQAROR TARAQQIYOTNI TA’MINLASH: BMT TAMOYILLARI VA O‘ZBEKISTON TAJRIBASI ASOSIDA TAHLIL

Shodiyeva Musharraf Furqat qizi,
Jamoat xavfsizligi universiteti talabasi
Jo‘rayev Jasur Maxsutovich,
Jamoat xavfsizligi universiteti magistratura fakulteti tinglovchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada yoshlarning tinchlik va barqaror taraqqiyot jarayonidagi o‘rni hamda ularning jamiyat hayotidagi faolligini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar tahlil qilingan. Birlashgan Millatlar Tashkilotining tinchlik va xavfsizlikni saqlashdagi tamoyillari, 2250-sonli rezolyusiyada belgilangan yo‘nalishlar va “Yoshlar–2030” global strategiyasi asosida yoshlar siyosatining dolzarbligi yoritilgan. Shuningdek, O‘zbekiston tajribasi, xususan, yoshlar bandligini ta’minlash, ularning ta’limi, tadbirkorligi, vatanparvarlik va fuqarolik faolligini oshirishga qaratilgan islohotlar tahlil etilgan. Maqolada xorijiy mamlakatlarda yoshlar ishtirokidagi tinchlikni mustahkamlash tashabbuslari ham ko‘rib chiqilib, O‘zbekiston tajribasi bilan taqqosiy tahlil o‘tkazilgan. Tadqiqot natijasida yoshlarning tinchlikparvarlik va barqaror taraqqiyotdagi roli milliy hamda global miqyosda beqiyos ahamiyatga ega ekani ilmiy asosda yoritilgan.

Kalit so‘zlar: yoshlar siyosati, BMT, tinchlik, barqaror taraqqiyot, yoshlar ishtiroki, O‘zbekiston tajribasi.

Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) o‘tgan 80 yil davomida insoniyatni urush balolaridan asrash, adolat va totuvlikni ta’minlash yo‘lida ulkan ishlarni amalga oshirdi. Jahon hamjamiyati ushbu davr mobaynida ko‘plab mojarolarni hal qilishda, tinchlikni saqlash va inson huquqlarini himoya qilishda BMT doirasida hamkorlik qilib kelmoqda. O‘zbekiston Respublikasi ham BMT tamoyillariga sodiq qolgan holda, mintaqaviy tinchlik va barqarorlikni mustahkamlashga faol hissa qo‘shib kelmoqda. Jumladan, so‘nggi yillarda O‘zbekiston tashqi siyosatida qo‘shni davlatlar bilan yaxshi qo‘shnichilik aloqalarini mustahkamlash, mintaqada ochiq muloqot va ishonch muhitini yaratish borasida sezilarli yutuqlarga erishildi. Natijada Markaziy Osiyoda yillar davomida muzlab qolgan masalalar yechim topib, chegara hududlarida do‘stlik va hamkorlik muhiti shakllanayotgani e’tirof etilmoqda.

Tinchlik va taraqqiyotga erishishda jamiyatning barcha qatlamlari qatnashmog‘i lozim. Ayniqsa, yosh avlodning roli beqiyosdir. Zero, bugungi yoshlar ertangi kunning yaratuvchilari va jamiyat tayanchi hisoblanadi. Prezident Shavkat Mirziyoyev BMT

minbaridan turib shunday degan edi: *“Ertangi kunimiz, dunyoning taqdiri va farovonligi o‘sib kelayotgan yosh avlod qo‘lida.”* Darhaqiqat, ushbu so‘zlar zamirida yotgan chuqur ma’no – yoshlar bugungi tinchlik va barqaror taraqqiyotning eng ishonchli kafolati ekani – davlat siyosatining mazmun-mohiyatini yaqqol ifodalaydi. Yoshlarning jamiyatdagi faolligi, ma’rifati va bunyodkorligi yuqori bo‘lsa, kelajagimiz ham tinch va farovon bo‘lishi shubhasiz.

Bugungi global vaziyat yoshlar masalasini dolzarb kun tartibiga chiqarmoqda. Insoniyat tarixidagi eng yirik yoshlar avlodi ayni damda voyaga yetmoqda – dunyo bo‘yicha yoshlarning soni 2 milliarddan oshdi. Jahon aholisining muhim qismini tashkil etuvchi ushbu yoshlar qatlamining taqdiri va yo‘nalishi butun dunyoning barqaror rivojlanishi va xavfsizligiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. BMT 2015-yilda ilk bor Xavfsizlik Kengashi rezolyusiyasi darajasida yoshlarning tinchlik va xavfsizlikdagi o‘rnini tan oldi – 2250-sonli rezolyusiyada yoshlarga nisbatan yangi yondashuv va ularni qaror qabul qilish darajasida ishtirokini oshirish choralari belgilandi. Ushbu hujjatda yoshlarga doir beshta ustuvor yo‘nalish – ishtirok etish, himoya, profilaktika, hamkorlik hamda qayta integratsiya – belgilab berildi. Bu esa yoshlarga nisbatan “tama biluvchilardek” emas, balki tinchlik quruvchilari sifatida qarash kerakligi, ularning salohiyatini to‘g‘ri yo‘naltirish zarurligini dunyo hamjamiyati e’tirof etganini ko‘rsatadi.

Yoshlarning global miqyosdagi ahamiyati ortib borayotgan bir paytda, afsuski, turli tahdidlar ham aynan yosh avlodni nishonga olmoqda. Xususan, xalqaro terrorizm va ekstremizm shiddat bilan kengayib, o‘sib kelayotgan yoshlar ongiga zo‘ravonlik g‘oyalarini singdirishga urinmoqda. Bu holat yoshlar bilan ishlashda ularga to‘g‘ri tarbiya va ta’lim berish, ularni mafkuraviy immunitetini mustahkamlash naqadar muhim ekanini ko‘rsatadi. *“Yoshlarimizning qalbi va ongiga tinchlik, gumanizm va do‘stlik, o‘zaro ishonch va hurmat kabi olijanob g‘oyalarni singdirish dolzarb vazifamizdir,*” – deya ta’kidlagan edi Prezident Sh.Mirziyoyev. Darhaqiqat, yosh avlodni tinchlik va bag‘rikenglik ruhida tarbiyalash – bugungi notinch dunyoda barqaror kelajakni ta’minlashning eng asosiy omillaridan biridir.

Shu bilan birga, yoshlar faqatgina “himoya qilinuvchi” toifa emas, balki ular bevosita taraqqiyot lokomotivi hamdir. Bugungi kunda yoshlar ilm-fan, texnologiya, tadbirkorlik, san’at va boshqa sohalarda yangilikka intiluvchi va jamiyatni rivojlantiruvchi asosiy kuch sifatida maydonga chiqmoqda. BMTning “Yoshlar-2030” global strategiyasida ta’kidlanganidek, yoshlar jamiyatning “eng qimmatli va o‘ta muhim resurslarini” o‘zida mujassam etadi va ularga kiritilgan investitsiyalar bir necha barobar ortig‘i bilan qaytadi. Demak, yosh avlodga qaratilgan e’tibor – tinch va farovon kelajak uchun eng samarali sarmoyadir.

Dunyoning turli mintaqalarida ro‘y berayotgan ijtimoiy-siyosiy jarayonlar ham yoshlar masalasi qanchalik dolzarb ekanini ko‘rsatadi. Aholisining asosiy qismini yoshlar tashkil etadigan davlatlarda siyosiy beqarorlik, ishsizlik kabi omillar yoshlar noroziligiga olib kelishi mumkin, bu esa tinchlik va barqarorlikka raxna soladi. Aksincha, yoshlarni bandlik bilan ta’minlash, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish, ta’lim va o‘sish uchun sharoit yaratish – barqaror taraqqiyotning garovi bo‘la oladi. Masalan, BMT ma’lumotlariga ko‘ra, ko‘plab mojarolar aynan yoshlari ijtimoiy chetlanib qolgan jamiyatlarda kelib chiqadi; shuning uchun yoshlarni jamiyat hayotiga jalb etish tinchlikka erishishning zarur sharti sifatida e’tirof etiladi. 2018-yilda e’lon qilingan “The Missing Peace” (Yetishmayotgan tinchlik) nomli mustaqil hisobotda ham yoshlar tinchlik va barqarorlikni saqlashda qanday ijobiy rol o‘ynashi mumkinligi va ularni jarayonlarga jalb etish zarurligi batafsil yoritib berilgan. Xulosa qilib aytganda, bugungi kunda yoshlar masalasi nafaqat milliy, balki global tinchlik va taraqqiyotning eng muhim omillaridan biri sifatida qaralmoqda.

Xorijiy tajriba Dunyo mamlakatlari tajribasi shuni ko‘rsatadiki, yoshlarga keng imkoniyat va maydon berilgan joyda jamiyat barqaror rivojlanadi va ijtimoiy muhit sog‘lomlashadi. Ko‘plab xorijiy davlatlar yoshlarni ijtimoiy-siyosiy jarayonlarga jalb etish bo‘yicha o‘ziga xos tashabbus va dasturlarni amalga oshirmoqda. Masalan, bir qator mamlakatlarda yoshlardan iborat parlamentlar va kengashlar faoliyat yuritadi. Yevropa yoshlar parlamenti misolida oladigan bo‘lsak, ushbu nodavlat platforma 35 yildan buyon yoshlarning fikrini eshitish va ularni muloqotga jalb etish bilan shug‘ullanib, hozirgi kunda 40 ta davlatdan 25 mingdan ortiq yoshlarni har yili turli tadbirlarda birlashtirib kelmoqda. Bunday muloqot va ta’lim platformalari yosh avlodni turli millat va madaniyat vakillari bilan muloqotga kirishishga, dunyoqarashini kengaytirishga xizmat qilmoqda – bu esa o‘z navbatida tinchlik va totuvlikni mustahkamlaydi.

Yoshlarni davlat boshqaruvi va qarorlar qabul qilishga jalb etish ham xorijiy amaliyotda yaxshi samara bermoqda. Masalan, Keniya, Ruanda, Tunis kabi qator davlatlarda parlamentda yosh deputatlar sonini oshirish uchun maxsus kvotalar joriy etilgan bo‘lib, bu yosh siyosatchilarning davlat rivojiga daxldor qarorlarda ishtirokini ta’minlamoqda. Shuningdek, BMTning o‘zi ham 2018-yildan boshlab yoshlar masalalari bo‘yicha maxsus vakil institutini joriy qilgan holda, xalqaro minbarda yoshlar ovozini eshitilishiga e’tibor bermoqda.

Tinchlikni saqlash va mojarolarni hal etishda yoshlar tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlash ham ko‘plab xalqaro tashkilotlar faoliyatining ajralmas qismiga aylangan. Jumladan, BMT Taraqqiyot dasturi, BMT Tinchlikparvarlik jamg‘armasi (Peacebuilding Fund) kabi tuzilmalar yordamida dunyoning turli mojaroli hududlarida yoshlarning tinchlik o‘rnatishdagi ishtirokini kengaytirish bo‘yicha 40 dan ortiq

loyihalar amalga oshirildi. Xususan, 2018–2022-yillar oralig‘ida BMT Tinchlikparvarlik jamg‘armasi tomonidan qo‘llab-quvvatlangan 33 ta mamlakatdagi 41 ta loyiha tahlili shuni ko‘rsatadiki, bu loyihalar doirasida ko‘plab hududlarda yoshlar kengashlari tuzildi, yoshlar tarmoq va koalitsiyalari shakllantirildi va ular mahalliy darajadagi nizolarni bartaraf etish, jamiyatda muloqotni yaxshilashga jalb qilindi. Boshqacha aytganda, xorijiy tajriba yoshlar nafaqat kelajak uchun investitsiya, balki bugungi kunda tinchlikni ta’minlashning faol sub’yekti ekanini ko‘rsatmoqda.

Xalqaro miqyosda yoshlarni qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan qator anjuman va tashabbuslar ham yo‘lga qo‘yilgan. Masalan, har yili 12-avgust kuni BMT tomonidan Xalqaro yoshlar kuni sifatida nishonlanib, butun dunyoda yoshlarning muammolari va ularga yechimlar borasida tadbirlar tashkil etiladi. 2022-yilda Samarqand shahrida bo‘lib o‘tgan Inson huquqlari bo‘yicha yoshlar forumida YuNESKO, YeXHT, Islom hamkorlik tashkiloti kabi ko‘plab xalqaro tuzilma vakillari ishtirok etdi. Ushbu nufuzli anjumanda yoshlarning pandemiya davridagi tashabbuslari, ta’lim va bandlik masalalari hamda ularning huquqlarini himoya qilish masalalari muhokama qilindi. Forumda so‘zga chiqqan Prezident Sh.Mirziyoyev yosh avlod jamiyatni barqaror rivojlantirishdagi “drajver” kuchga aylanganini ta’kidlab, aholisining yarmidan ko‘pi yosh bo‘lgan O‘zbekistonda yoshlarning huquq va manfaatlarini ta’minlash davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishi ekanini qayd etdi. Shu kabi xalqaro tajribalar yoshlar siyosatini izchil yuritish nafaqat ichki taraqqiyot, balki xalqaro tinchlik va hamjihatlikka ham xizmat qilishini tasdiqlaydi.

O‘zbekistonda so‘nggi yillarda yoshlar masalasi davlat siyosatining eng ustuvor yo‘nalishlaridan biriga aylandi. Mamlakat aholisining 60 foizini 30 yoshgacha bo‘lgan yoshlardan iborat ekani, har yili mehnat bozoriga 600 mingdan ortiq yigit-qiz kirib kelayotgani ushbu yo‘nalish naqadar muhim ekanini ko‘rsatadi. 2030-yilga borib, yoshlar oqimi yiliga 1 million nafarga yetishi kutilmoqda. Shu bois yoshlarni ish bilan ta’minlash, ularning ta’lim olishi va jamiyatda munosib o‘rin egallashi uchun zarur sharoitlar yaratish O‘zbekiston siyosatining bosh maqsadlaridan bo‘lib qolmoqda.

So‘nggi 6-7 yil ichida O‘zbekistonda yoshlar siyosati sohasida misli ko‘rilmagan islohotlar amalga oshirildi. 2016-yilda “Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida”gi qonun qabul qilindi, 2017-yilda O‘zbekiston Yoshlar ittifoqi tashkil etilib, yoshlar bilan ishlashning yangi tizimi joriy qilindi. O‘sha yili Prezident Sh.Mirziyoyev BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida chiqish qilib, butun dunyo yoshlarining huquq va manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan Yoshlar huquqlari to‘g‘risidagi xalqaro konvensiyani qabul qilish tashabbusini ilgari surdi. Bu taklif xalqaro hamjamiyat tomonidan keng qo‘llab-quvvatlandi. Bunday yondashuv O‘zbekiston rahbariyatining yoshlar masalasiga nafaqat milliy, balki global miqyosda ham katta e’tibor qaratayotganini ko‘rsatadi.

Davlat siyosatida yoshlarning bandligini ta’minlash, ijtimoiy himoyasini kuchaytirish alohida o‘rin tutadi. O‘tgan 8 yil davomida respublikada yosh tadbirkorlar soni 3 barobar oshdi va hozirgi kunda mamlakatdagi barcha biznes sub’yektlarining salkam 40 foizini yoshlar tashkil etmoqda. Yoshlar o‘rtasidagi ishsizlik darajasi ikki hissa kamaydi, natijada ishsiz yoshlar soni sezilarli ravishda qisqardi. “Yoshlar daftari” tizimi joriy etilib, murakkab ijtimoiy ahvoldagi, ishsiz yoki o‘qimayotgan yoshlar ro‘yxatga olinib, ularga manzilli yordam ko‘rsatilmoqda. Masalan, faqat 2022-yilning o‘zida “Yoshlar daftari” orqali 180 ming nafar yoshga 345 milliard so‘mlik moddiy va boshqa ko‘mak berild. Bu kabi chora-tadbirlar yoshlar orasida nochor qatlamni qo‘llab-quvvatlash va ularni jamiyatdan chetda qolib ketmasliklarini ta’minlashga qaratilgan.

Yoshlar uchun ta’lim va kasb-hunar eshiklarini keng ochish borasida ham ulkan ishlar qilindi. So‘nggi yillarda mamlakatda oliy ta’lim muassasalari soni 3 barobarga oshirildi va natijada avvallari oliy o‘quv yurtlariga kirish imkoniyati 10 foiz atrofida bo‘lgan bo‘lsa, hozirgi kunda yoshlarning 42 foizi oliy ta’lim bilan qamrab olinmoqda. Ayniqsa, qizlarni oliy ta’limga jalb etish uchun ularga kontrakt to‘lovini davlat hisobidan qoplab berish tizimi joriy etilgani samara berdi – oliygohlardagi qizlar soni bir necha yil ichida 11 barobar ko‘paydi. Bu kabi sa’y-harakatlar yosh avlodning intellektual salohiyatini oshirish, malakali kadrlar safini kengaytirishga xizmat qilib, uzoq muddatda barqaror rivojlanish uchun zamin yaratadi.

Yoshlarga oid davlat siyosati faqat moddiy yoki ta’limiy ko‘mak bilangina cheklanmaydi. Ularning ma’naviy kamoloti, vatanparvarlik ruhini yuksaltirish ham diqqat markazida. Maktab va kollejlarda tarbiyaviy ishlar kuchaytirilib, “Vatan tayanchi” kabi yoshlar harakatlari yo‘lga qo‘yildi. Xususan, 2023-yilda 10-11-sinf o‘quvchilari o‘rtasida boshlangan “Vatan tayanchi” harakatiga qisqa fursatda 300 mingdan ziyod yoshlar birlashdi. Endilikda bu harakat kasb-hunar maktablari va xususiy o‘quv muassasalarini ham qamrab olgan holda 1 million nafargacha yoshlarni qamrab olishi rejalashtirilgan. Ushbu tashabbus doirasida yoshlar o‘rtasida turli vatanparvarlik tanlovlari va sport musobaqalari o‘tkazilib, g‘oliblarga imtiyozlar berilmoqda. Bu esa yosh avlodni yurtga sadoqat ruhida tarbiyalash, ularni zararli g‘oyalardan asrashga xizmat qilmoqda.

Yoshlar siyosatini institutsional jihatdan ta’minlash maqsadida O‘zbekiston Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va Senati huzurida Yoshlar parlamentlari tuzildi. Yoshlar ishlari agentligi va turli idoralararo kengashlar tashkil qilinib, tizimli ishlash yo‘lga qo‘yildi. Hozirgi vaqtda “O‘zbekiston yoshlari – 2025” konsepsiyasi ishlab chiqilib, yoshlar bilan ishlash samaradorligini baholash mezonlari hamda Yoshlar siyosati bo‘yicha milliy indeks joriy etilmoqda. Bu kabi choralar davlat siyosatini aniq

ma’lumot va tahlillarga asoslanib olib borish, har bir qarorning amaliy samarasini oshirishga qaratilgan.

Yoshlarni iqtisodiyotda faol ishtirok etishini rag‘batlantirish uchun misli ko‘rilmagan moliyaviy ko‘mak mexanizmlari joriy qilindi. 2025-yil fevral oyida o‘tkazilgan yoshlar bilan ochiq muloqotda Prezident Sh.Mirziyoyev yosh tadbirkorlikni rivojlantirishga doir 3 ta muhim hujjat imzolanganini e’lon qildi. Unga muvofiq, Yoshlar agentligi huzurida alohida jamg‘arma tuzilib, unga 100 million AQSh dollari ajratildi – bu mablag‘ hisobidan yosh tadbirkorlarga 2,5 milliard so‘mgacha imtiyozli kreditlar va innovatsion startaplarga 2 milliard so‘mgacha investitsiya berilishi yo‘lga qo‘yildi. Shuningdek, oliygoh bitiruvchilarini ish bilan ta’minlash uchun Milliy bankka yana 100 million dollar resurs yo‘naltirilib, ular taklif qilgan biznes g‘oyalarni moliyalashtirish tizimi yaratildi. Eng e’tiborlisi, Aloqabank “Yoshlar banki”ga aylantirilib, yoshlarning biznes loyihalarini qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha maxsus bank sifatida unga 200 mln. dollar ajratildi. Ushbu bank orqali o‘zini o‘zi band qilgan yoki kichik biznes boshlayotgan yoshlarga 7 yil muddatga 100 mln. so‘mgacha imtiyozli mikroqarzlar berilishi yo‘lga qo‘yildi. Kamida 20 nafar yoshni ish bilan ta’minlab, korxona ochgan yigit-qizlarga esa 5 mlrd. so‘mgacha 7 yillik kreditlar ajratilishi ko‘zda tutilgan. Bank kreditlarining kamida 30 foizi ayol-qizlar tadbirkorligini moliyalashga yo‘naltirilishi belgilandi. Bunday misli ko‘rilmagan imtiyozlar yoshlar tadbirkorligini yangi bosqichga olib chiqishi kutilmoqda. Darhaqiqat, O‘zbekiston Prezidentining ta’kidlashicha, 2023-yilda mamlakat bo‘yicha 5,2 million aholining bandligini ta’minlash rejalashtirilgan bo‘lsa, bunda yoshlarning hissasi juda katta bo‘ladi.

Yoshlarning iqtisodiyotning yangi tarmoqlaridagi ishtirokini qo‘llab-quvvatlash ham diqqatdan chetda qolmagan. Mamlakatda kreativ iqtisodiyot deb ataluvchi sohada faoliyat yuritayotganlarning 98 foizi yoshlar ekani inobatga olinib, bu sohani rivojlantirish uchun alohida qonun qabul qilindi va endilikda barcha viloyatlarda kreativ industriya parklari tashkil etilib, ularning rezidentlariga 2030-yilgacha soliq imtiyozlari berilishi belgilandi. Axborot texnologiyalari yo‘nalishida yoshlarni keng jalb qilish uchun “Bir million dasturchi” loyihasiga qo‘shimcha 300 ming nafar yosh qamrab olinishi ko‘zda tutilmoqda. Uzoq tumanlarda chet tili markazlari ochayotgan malakali yosh o‘qituvchilarga 120 million so‘mgacha foizsiz ssudalar berilmoqda. Oilaviy sharoiti og‘ir bo‘lsa-da, yuqori ilmiy salohiyatga ega yigit-qizlarni xorijiy nufuzli universitetlarda o‘qitish uchun “Yorqin kelajak” nomli yangi dastur yo‘lga qo‘yilib, endilikda bunday yoshlarning o‘qish va turmush xarajatlarini davlat to‘liq qoplaydi va ular o‘qishni tamomlab kelgach, tanlovsiz davlat ishiga qabul qilinadi. Bularning barchasi yurtimizda yoshlarga qaratilgan ulkan e’tiborning amaldagi namunasidir.

Eng quvonarlisi, olib borilayotgan ishlar jahon hamjamiyati tomonidan ham e’tirof etilmoqda. O‘zbekiston BMTning “Yoshlar – 2030” strategiyasini eng faol amalga oshirayotgan 10 ta davlat qatoridan joy oldi. Bu yurtimiz yoshlarga oid siyosatining nafaqat milliy, balki xalqaro mezonlar nuqtayi nazaridan ham samarali ekanini ko‘rsatadi.

Bugungi kunda O‘zbekiston yoshlari nafaqat davlat dasturlarining benefisiarlari, balki bevosita tashabbus ko‘rsatuvchi sub’yekt sifatida ham maydonga chiqmoqdalar. Yoshlar o‘zlashtirgan bilim va ko‘nikmalarini jamiyat ravnaqi yo‘lida qo‘llab, turli sohalarda yuksak natijalarga erishmoqda. Misol uchun, bugungi kunda ilm-fan sohasida yutuqqa erishayotgan yosh olimlar safi tobora kengayib, ilmiy darajali yoshlar soni so‘nggi yillarda 2 barobarga oshib 4 ming nafardan oshdi. “El-yurt umidi” jamg‘armasi orqali 7 yil ichida 2300 nafar iqtidorli yoshlarimiz dunyoning nufuzli universitetlarida tahsil olib qaytdi. Ular orasida xalqaro fan olimpiadalari g‘oliblari, ixtirochilar, startapchilar ko‘plab yetishib chiqmoqda. Masalan, so‘nggi xalqaro olimpiadalarda yuqori natija ko‘rsatgan yoshlar uchun beriladigan bir martalik mukofot miqdori 5 barobarga oshirilgani ham ularni rag‘batlantirmoqda.

Yoshlar tashabbuskorligi ayniqsa tadbirkorlik va ijtimoiy loyihalar sohasida yaqqol sezilmoqda. Bugun minglab yoshlar davlat yaratib bergan imkoniyatlardan foydalangan holda o‘z biznesini yo‘lga qo‘ymoqda, yangi ish o‘rinlari yaratmoqda. Misol tariqasida, yaqinda Toshkent viloyatida “Biznesga birinchi qadam” loyihasi doirasida 14 nafar yosh tadbirkorga umumiy qiymati 1,5 milliard so‘mdan ortiq kredit vaucherlari topshirildi. Ular ishlab chiqargan biznes rejalar asosida ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish, qishloq xo‘jaligi sohalarida 50 dan ziyod yangi ish o‘rinlari yaratilishi rejalashtirilgan. Bu kabi misollar har bir hududda ko‘plab topiladi – “Yoshlar – kelajagimiz” jamg‘armasi, Yoshlar ittifoqining “Start-up” loyihalari, “Tashabbusli byudjet” doirasidagi yoshlar g‘oyalari tobora ko‘payib bormoqda.

Yoshlarning ijtimoiy faolligi ham yuqori darajada namoyon bo‘lmoqda. Pandemiya davrida minglab volontyor-yoshlar chin ko‘ngildan yordamga muhtoj qatlamlarga ko‘mak berishga chiqdi. Xususan, O‘zbekistonda ko‘ngilli yoshlar pandemiya paytida yolg‘iz keksalar va bemorlar holidan xabar olish, oziq-ovqat yetkazish, dezinfeksiya ishlarida jonbozlik ko‘rsatdilar. Bunday yoshlar faolligi jamiyatdagi hamjihatlikni mustahkamlashga, ijtimoiy birdamlikni kuchaytirishga xizmat qilmoqda. Bundan tashqari, ekologiya sohasida ham yoshlarning fidoyiligi e’tiborga loyiq – “Yashil makon” umumxalq daraxt ekish loyihasida yoshlar eng faol qatnashchilardir, natijada qisqa fursatda millionlab ko‘chatlar o‘tqazilib, atrof-muhit yaxshilanmoqda.

O‘zbekiston yoshlari xalqaro maydonda ham yuksak marralarni zabt etmoqda. Sportchilardan misol keltirsak, 2021-2023-yillar davomida o‘nlab yosh vakillarimiz

jahon chempionatlari va Olimpiya o‘yinlarida g‘olib va sovrindor bo‘lib, Vatan bayrog‘ini yuqori ko‘tardi. Xususan, gimnastika, kurash, og‘ir atletika, boks singari sport turlarida yangi yosh chempionlar yetishib chiqdi. Ularning bunday yutuqlari butun jamiyatga ruhiy ko‘tarinkilik baxsh etib, yosh avlodni ezgu maqsadlarga ilhomlantirmoqda.

Yoshlar tashabbuslarini rag‘batlantirish va qo‘llab-quvvatlash uchun mamlakat miqyosida turli tanlov va mukofotlar ham yo‘lga qo‘yilgan. “Mard o‘g‘lon” Davlat mukofoti, “Kelajak bunyodkori” medali kabi mukofotlar har yili o‘z bilim va iqtidori, mehnati bilan alohida ajralib turgan yigit-qizlarga topshirilmoqda. Bu esa boshqa yoshlar uchun ham o‘rnak bo‘lib, ularda Vatanga xizmat qilish, jamiyat hayotida faol bo‘lish istagini kuchaytirmoqda.

Shuni alohida ta’kidlash lozimki, O‘zbekiston rahbariyati yoshlar tashabbusini nafaqat ichkarida, balki global miqyosda ham qo‘llab-quvvatlamoqda. Yaqinda BMT Bosh Assambleyasining 80-sessiyasida Prezident Mirziyoyev “Jahon yoshlarining tinchlik sari harakati”ni ta’sis etish va uning shtab-kvartirasini O‘zbekistonda joylashtirish taklifini ilgari surdi. Bu tashabbus jahon yoshlari o‘rtasida tinchlik g‘oyalarini keng targ‘ib qilish, ularni do‘stlik va hamkorlik ruhida birlashtirishga xizmat qilishi kutilmoqda. Ushbu harakat yoshlarning global tarmog‘ini yaratib, urush va nizolarni bartaraf etishda bir yoqadan bosh chiqarib harakat qilishiga zamin hozirlashi mumkin. Xalqaro hamjamiyat ushbu taklifni qizg‘in qo‘llab-quvvatlayotgani ham yoshlar masalasining dolzarbligini yana bir bor tasdiqlaydi.

Yuqorida keltirilgan tahlillar va amaliy natijalar shuni ko‘rsatadiki, yoshlarning tinchlik va taraqqiyotdagi ishtirokini yanada mustahkamlash uchun kompleks yondashuv zarur. Shu maqsadda quyidagi yo‘nalishlarda qo‘shimcha tashabbuslarni amalga oshirish maqsadga muvofiq bo‘ladi:

Ta’limiy yo‘nalishda — oliy ta’lim muassasalarida “Tinchlik huquqi” va “Xalqaro diplomatiya asoslari” fanlarini joriy etish, yoshlar uchun tinchlik va mediatsiya bo‘yicha qisqa muddatli o‘quv dasturlarini tashkil etish.

Huquqiy yo‘nalishda — yoshlarning xalqaro huquqiy savodxonligini oshirish, ularni BMT, YUNESKO kabi tashkilotlar faoliyati bilan yaqindan tanishtirish hamda “Model BMT” loyihalarini kengaytirish.

Ijtimoiy yo‘nalishda — “Yoshlar tinchlik forumi” va “Tinchlik haftaliklari”ni muntazam o‘tkazish orqali millatlararo totuvlik, bag‘rikenglik va do‘stlik qadriyatlarini mustahkamlash.

Axborot yo‘nalishda — soxta ma’lumotlar va adovatga chorlovchi kontentga qarshi “Tinchlik ovozi” nomli axborot platformasini yaratish, yoshlar orasida media savodxonlikni oshirish.

Yuqoridagi tahlillardan ko‘rinib turibdiki, yoshlar – tinchlik va barqaror taraqqiyotning eng ishonchli kafolatidir. Ularning ta’limli, band va baxtiyor bo‘lishi jamiyatdagi barqarorlik va rivojlanishning bosh omilidir. Bugun O‘zbekiston misolida yoshlar siyosatining to‘g‘ri va izchil yuritilishi qisqa fursatda ijobiy natijalar berayotganini ko‘rmoqdamiz: yoshlar iqtisodiyotning faol kuchiga, islohotlarning harakatlantiruvchi kuchiga aylandi. Xalqaro miqyosda ham yoshlar masalasi kun tartibining yuqori pog‘onalariga ko‘tarilib, BMT va boshqa tuzilmalar doirasida yoshlar huquqlarini ta’minlash, ularning tinchlikparvarlik tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlash borasida yangi mexanizmlar shakllanmoqda.

Shavkat Mirziyoyevning BMT minbarida yangragan quyidagi so‘zlari ayni haqiqatdir: “Bizning asosiy vazifamiz – yoshlarning o‘z salohiyatini ro‘yobga chiqarishi uchun shart-sharoit yaratish va ularning qalbini tinchlik va do‘stlik g‘oyalariga oshno etishdir”. Zero, yosh avlodning qo‘lida – ertangi kun taqdiri. Ularni qanday tarbiyalasak, qanday bilim va ko‘nikmalar bersak, jamiyatimiz kelajagi shunday bo‘ladi. Yoshlariga e’tiborli va g‘amxor jamiyat, albatta, tinch va ravnaq topgan bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Birlashgan Millatlar Tashkiloti Xavfsizlik Kengashining 2250-sonli rezolyusiyasi. – Nyu-York, 2015-yil.

2. BMT “Youth 2030: The United Nations Strategy on Youth” hujjati. – Nyu-York, 2018-yil.

3. Mirziyoyev Sh.M. “Yangi O‘zbekiston strategiyasi”. – Toshkent: O‘zbekiston, 2021.

4. O‘zbekiston Respublikasi “Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida”gi Qonuni, 2016-yil 14-sentabr.

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti rasmiy veb-sayti – president.uz

6. BMT Taraqqiyot dasturi (UNDP) rasmiy manbalari – undp.org

7. Xabar.uz – “Yoshlar va tinchlik siyosati” mavzusidagi maqolalar to‘plami.

8. Kun.uz – “BMT minbarida O‘zbekiston tashabbuslari” maqolasi, 2023-yil.

9. Aceproject.org – “Youth participation in parliament” hisobotlari.

10. Eyp.org – Yevropa Yoshlar Parlamenti faoliyati haqida ma’lumot.

12. Uzlidep.uz – “Jahon yoshlarining tinchlik sari harakati” tashabbusi haqida maqola, 2024-yil.

HARBIY XIZMATCHILAR TOMONIDAN SODIR ETILADIGAN JINOYATLARNI TERGOV QILISH XUSUSIYATLARI

Omonov Avazxon Abdurahmon o‘g‘li,
Jamoat xavfsizligi universiteti Ma’naviyat va ma’rifat markazi boshlig‘i

Yangi O‘zbekistonning 2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Taraqqiyot strategiyasining 17-maqsadi “Huquqni muhofaza qiluvchi organlarning yangi qiyofasini shakllantirish va ularning faoliyatini xalq manfaatlari, inson qadr-qimmati, huquq va erkinliklarini samarali himoya qilishga yo‘naltirish” doirasida “...tergov faoliyati ustidan nazoratni kuchaytirish, fuqarolarning qadr-qimmati

va erkinligini samarali himoya qilishning ta’sirchan mexanizmlarini joriy etish” vazifasi belgilangan.

Darhaqiqat, bugungi kunda shakllangan jinoyatchilikka qarshi kurash siyosatidagi yangi huquqiy doktrina jinoyat ishini yuritishda tergov organlarining insonga, uning huquq va erkinliklariga munosabati tubdan o‘zgarayotganidan dalolat beradi.

Harbiy xizmatni o‘tash tartibiga qarshi jinoyatlar, bu harbiy xizmatni O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida, boshqa harbiy tuzilmalar

va organlarda chaqiriq bo‘yicha yoki shartnoma asosida o‘tayotgan harbiy xizmatchilar tomonidan, shuningdek harbiy yig‘inlarni o‘tashga chaqirilgan vaqtda zaxiradagi fuqarolar tomonidan harbiy xizmatni o‘tashning o‘rnatilgan tartibiga tajovuz qiladigan ijtimoiy xavfli qilmishdir .

Harbiy xizmat o‘tash tartibiga qarshi jinoyatlar o‘zining sodir etilishi, unga tayyorgarlik ko‘rish va jinoyat izlarini yashirishga qaratilgan harakatlar jamlanmasi va harbiy xizmat o‘tash tartibining o‘ziga xosligi va mazkur xizmat davlat xizmatining alohida turi hisoblanganligi sababli boshqa toifadagi jinoyatlardan farq qiladi. Bu toifadagi jinoyatlarning eng asosiy xususiyatlaridan biri ularda latent holati ko‘proq kuzatiladi. Jinoyat to‘g‘risidagi xabarlar odatda dastavval shikoyat mazmunida yoki quyi komandir va boshliqlarni qo‘l ostidagi harbiy xizmatchilarning harakatlaridan norozi bo‘lgan xarakterida bo‘lib, odatda xizmat tekshiruvi tartibda o‘rganiladi. Hamma vaqt ham to‘g‘ridan to‘g‘ri huquqni muhofaza qilish organlariga murojaat qilinaverilmaydi. Buzilgan huquqlar va qonuniy manfaatlar xizmat tekshiruvi tartibida tekshirilib Umumharbiy nizomlar talablari asosida komandir va boshliqlar tomonidan aybdor shaxslar intizomiy jazolanib (hatto og‘zaki xizmat tekshiruvi o‘tkazmasdan ham), uning jinoyatligiga e’tibor berilmasdan qolib ketish hollari kuzatiladi.

Harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilishning o‘ziga xos xususiyatlari tergovchi (surishtiruvchilardan) alohida yondashuvni talab

qiladigan murakkab va ko‘p qirrali muammoni anglatadi. Davlat qurolli kuchlari vakillari bo‘lgan harbiy xizmatchilar alohida maqomga va alohida huquq hamda burchlarga ega. Shu munosabat bilan harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilish o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lib, ular tergov harakatlarini o‘tkazishda hisobga olinishi kerak. Xizmat vazifalarini bajaradigan harbiy xizmatchilar ma’lum imtiyozlar va huquqlarga ega, bu ularning jinoyatlarini tergov qilishni qiyinlashtiradi va o‘ziga xos yondashuvni talab qiladi.

Harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilishning birinchi xususiyati shundaki, bu jinoyatlar o‘z xizmat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin. Bu shuni anglatadiki, jinoyatlar harbiy intizomni buzish, xizmatdan bo‘yin tovlash, harbiy texnika va texnikani suiiste’mol qilish, shuningdek, faqat harbiy muhitda yuzaga keladigan boshqa o‘ziga xos jinoyatlar bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin. Bunday jinoyatlarni tergov qilish tergovchilar va detektivlardan harbiy Qonunchilik va harbiy xizmatning o‘ziga xos xususiyatlarini chuqur bilishni talab qiladi. Harbiy xizmatchilar jangovar harakatlar paytida, xizmat safarlarida yoki boshqa rasmiy vazifalarni bajarayotganda jinoyat sodir etishlari mumkin. Bu shuni anglatadiki, tergov harakatlari harbiy xizmatning o‘ziga xos tartib va uning xususiyatlarini hisobga olgan holda amalga oshirilishi kerak.

Harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilishning ikkinchi xususiyati ularning holati va tashkiliy mansubligi bilan bog‘liq. Harbiy xizmatchilar qurolli kuchlar tarkibiga kiradi va harbiy intizomga bo‘ysunadi. Harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilish ularning yuqori darajada tashkil etilishidir . Harbiy tuzilmalar qat’iy iyerarxiya va intizomga ega, bu jinoyatchilarga jinoiy harakatlarini yashirishga imkon beradi va ularni aniqlashni qiyinlashtiradi. Bundan tashqari, harbiy xizmatchilar maxsus sirlar va ma’lumotlarga ega, bu ularning jinoyatlarini tergov qilishni yanada qiyinlashtiradi va ixtisoslashgan mutaxassislarni jalb qilishni talab qiladi. Bu shuni anglatadiki, harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilish harbiy qo‘mondonlar va harbiy raxbariyatning hamkorligini talab qiladi. Bundan tashqari, harbiy xizmatchilar harbiy tashviqot va mafkuraga duchor bo‘lishi mumkinligini yodda tutish kerak, bu ularning motivatsiyasi va xatti-harakatlariga ta’sir qilishi mumkin.

Harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilishning uchinchi xususiyati ularning maxsus statusi bilan bog‘liq. Harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilishning uchinchi xususiyati harbiy adolatning o‘ziga xos xususiyatlari bilan bog‘liq. Harbiy jinoyatlar harbiy sudlar tomonidan ko‘rib chiqiladi va harbiy qonunlarga bo‘ysunadi. Bu shuni anglatadiki, tergov va sud jarayoni maxsus protsessual qoidalar va qoidalarga muvofiq olib boriladi, bu esa tergov va sud organlaridan maxsus bilim va tajribani talab qiladi. Bundan

tashqari, harbiy jinoyatlar harbiy komissiyalar doirasida ko‘rib chiqilishi mumkin, bu esa tergov jarayonini yanada murakkablashtiradi va alohida yondashuvni talab qiladi.

Harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilishning to‘rtinchi xususiyati ularning ijtimoiy muhiti va mentaliteti bilan bog‘liq. Harbiy xizmat harbiy xizmatchilarning dunyoqarashi va xulq-atvoriga ko‘pgina hollarda ta’sir qiladi. Ular o‘zlarining harbiy qismlariga nisbatan ortib borayotgan majburiyatni his qilishlari va o‘z mamlakatlari yoki guruhlari manfaatlarini himoya qilishga intilishlari mumkin. Bu harbiy xizmatchilar o‘z harbiy qismi yoki mamlakati manfaatlarini ko‘zlab jinoyat sodir etishga moyil bo‘lishiga olib kelishi mumkin. Shuning uchun tergov tergov paytida ushbu omilni hisobga olish va bunday jinoyatlarning oldini olish uchun tegishli choralarni ko‘rishi kerak.

Harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilishning beshinchi xususiyati ularning kasbiy tayyorgarligi va ixtisoslashuvi bilan bog‘liq. Shunday qilib harbiy mutaxassislar jinoyat sodir etishda ishlatilishi mumkin bo‘lgan ma’lum bilim va ko‘nikmalarga egadir. Masalan, harbiy xizmatchilar harbiy texnika, qurol-yarog‘ va jinoyat sodir etish uchun ishlatilishi mumkin bo‘lgan boshqa vositalardan foydalanishlari mumkin. Shuning uchun tergovchi (surishtiruvchi) bunday jinoyatlarni samarali tekshirish uchun maxsus bilim va ko‘nikmalarga ega bo‘lishi kerak.

Harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilishning oltinchi xususiyati jinoyat sodir etishning aniq sabablari mavjudligidir. Harbiy xizmatchilar harbiy xizmat, past axloqiy tayyorgarlik, shuningdek qurol va boshqa yo‘q qilish vositalaridan foydalanish bilan bog‘liq stressli vaziyatlar tufayli jinoyat sodir etishlari mumkin. Bunday jinoyatlarni tergov qilish tergovchilar va detektivlardan harbiy xizmatchilar bilan ishlashga alohida e’tibor va psixologik tayyorgarlikni talab qiladi.

Xulosa qilib aytganda, harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etiladigan jinoyatlarni tergov qilish alohida yondashuvni talab qiladigan murakkab va ko‘p qirrali vazifadir. Tergovning o‘ziga xos xususiyatlariga harbiy xizmatning o‘ziga xos xususiyatlarini, harbiy qo‘mondonlar va boshqaruv organlari bilan hamkorlikni, maxsus bilim va ko‘nikmalarni, harbiy xizmatchilarning ijtimoiy muhiti va mentalitetini, shuningdek ularning huquqiy maqomining o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga olish kiradi. Ushbu xususiyatlarning barchasini hisobga olgan holda, tergov harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etiladigan jinoyatlarni samarali tergov qilish va ularni qonunga muvofiq javobgarlikka tortish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

KORRUPSIYA VA TRANSMILLIY JINOYATCHILIKKA QARSHI KURASH - BMT KONVENSIYALARI DOIRASIDAGI TAJRIBALAR

Mavlyanov Ravshan Tojimamatovich,
O‘R JXU katta o‘qituvchisi
Ismatullayeva Madina Xayriddin qizi,
O‘R JXU Maxsus fakulteti Yurisprudensiya
yo‘nalishi 3-bosqich 302-guruh talabasi
El.pochta: ismatullayevamadina724@gmail.com

Annotatsiya: Maqolada korrupsiya va transmilliy jinoyatchilikka qarshi kurashda Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan qabul qilingan asosiy xalqaro hujjatlar, xususan, 2003-yilda qabul qilingan Korrupsiyaga qarshi konvensiya (Mérida konvensiyasi) hamda 2000-yilda imzolangan Transmilliy uyushgan jinoyatchilikka qarshi konvensiya (Palermo konvensiyasi) doirasida shakllangan xalqaro tajribalar, hamkorlik mexanizmlari va ularning O‘zbekiston qonunchiligiga ta’siri tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: korrupsiya, transmilliy jinoyatchilik, BMT konvensiyasi, xalqaro hamkorlik, aktivlarni qaytarish, ekstruitsiya, O‘zbekiston.

Bugungi kunda korrupsiya va transmilliy jinoyatchilik dunyo miqyosida eng dolzarb xavfsizlik tahdidlaridan biri sifatida qaralmoqda. BMT ma’lumotlariga ko‘ra, korrupsiya natijasida har yili trillionlab AQSh dollari miqdorida iqtisodiy zarar yuzaga keladi, bu esa ko‘plab rivojlanayotgan davlatlarda ijtimoiy dasturlarning moliyalashtirilishiga salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Bu borada, joriy yilning 5-mart kuni davlatimiz rahbari korrupsiyaning oldini olish bo‘yicha ishlar natijadorligi va kelgusidagi ustuvor vazifalarga bag‘ishlangan kengaytirilgan yig‘ilishida ham alohida to‘xtalib o‘tdi. “Islohotlar yo‘lidagi eng katta to‘siq va g‘ov ” - bu korrupsiyadir. Buni dunyo tajribasi ham to‘liq tasdiqlaydi. Korrupsiya oqibatida jahon iqtisodiyoti yiliga 3 trillion dollar zarar ko‘rayotgani bu global xavf ekanidan dalolat[1]. Transmilliy jinoyatchilik esa, o‘z navbatida, odam savdosi, noqonuniy migratsiya, giyohvand moddalar savdosi, qurol kontrabandasini o‘z ichiga olgan murakkab tarmoq shaklida rivojlanib bormoqda. Transmilliy jinoyat tarmoqlari ko‘pincha korrupsion aloqa vositasida o‘z faoliyatini yashiradi, noqonuniy moliyaviy oqimlarni o‘tkazadi va davlat institutlariga ishonchni susaytiradi.

BMT konvensiyalarida korrupsiyani transmilliy jinoyatchilikning ajralmas qismi sifatida ko‘rish va unga qarshi kurashishda kompleks yondashuvni shakllantirish tamoyili ilgari surilgan. Shu bois, bu muammolarga qarshi kurashda faqat milliy chora-tadbirlar emas, balki xalqaro miqyosdagi o‘zaro hamkorlik alohida ahamiyat kasb

etadi. 2000-yilda qabul qilingan BMTning Transmilliy uyushgan jinoyatchilikka qarshi konvensiyasi jinoyatchilikning xalqaro shakllariga qarshi birinchi universal huquqiy asos bo‘lib, unda davlatlar o‘rtasida jinoyatchilarni ekstraditsiya qilish, jinoiy daromadlarni musodara etish, tergov ishlari yuzasidan o‘zaro huquqiy yordam ko‘rsatish, ma’lumot almashish va jinoiy tarmoqlarga qarshi birgalikda choralar ko‘rish mexanizmlari belgilangan[2]. Shuningdek, 2003-yil Mérida shahrida qabul qilingan BMTning Korrupsiyaga qarshi konvensiyasi korrupsiyaning barcha shakllariga qarshi kurashishning global poydevorini yaratdi. Ushbu konvensiyaning eng muhim jihati shundaki, u korrupsiyadan olingan aktivlarni qaytarish, davlatlar o‘rtasida moliyaviy ma’lumot almashish, korrupsiyani profilaktika qilish va davlat xizmatchilari faoliyatida halollikni ta’minlash mexanizmlarini mustahkamladi[3]. BMTning Giyohvand moddalar va jinoyatchilik bo‘yicha boshqarmasi (UNODC) mazkur konvensiyalar ijrosini nazorat qiladi hamda texnik yordam, ekspertiza va monitoring tizimini yo‘lga qo‘ygan.

Shuningdek, xalqaro hamkorlik doirasida O‘zbekiston BMTning Giyohvand moddalar va jinoyatchilik bo‘yicha boshqarmasi (UNODC), Jahon banki va Yevropa Ittifoqi bilan korrupsiya va jinoyatchilikka qarshi qo‘shma dasturlarni amalga oshirmoqda. Bu dasturlar doirasida korrupsion jinoyatlar bo‘yicha tergov metodikasi, moliyaviy razvedka tizimini rivojlantirish va jinoiy daromadlarni aniqlash bo‘yicha o‘quv-treninglar tashkil etilmoqda. Xalqaro hamkorlikning asosiy yo‘nalishlari sifatida o‘zaro huquqiy yordam, Interpol va Europol orqali jinoyat to‘g‘risidagi ma’lumot almashuvi, moliyaviy razvedka idoralari (FIU) o‘rtasidagi hamkorlik, korrupsiyaga qarshi agentliklar tarmoqlari (masalan, Egmont Group) faoliyati muhim ahamiyatga ega[4]. Transparency International tashkilotining 2025-yilgi “Korrupsiya perseptsiya indeksi” ma’lumotlariga ko‘ra, O‘zbekiston 180 davlat orasida 122-o‘rinni egallab, o‘tgan yilga nisbatan uch pog‘ona yuqorilagan. Bu natija korrupsiyaga qarshi islohotlarning amaliy samarasini ko‘rsatadi.

O‘zbekiston Respublikasi 2008-yilda Korrupsiyaga qarshi konvensiyani, 2010-yilda esa Transmilliy jinoyatchilikka qarshi konvensiyani ratifikatsiya qilgan bo‘lib, O‘zbekiston Respublikasi korrupsiyaga qarshi kurashda xalqaro reytinglarda o‘z o‘rnini mustahkamlab bormoqda. Transparency International ma’lumotlariga ko‘ra, so‘nggi uch yil ichida mamlakat korrupsiya idroki indeksida ijobiy o‘sishga erishgan. Bu natijalar korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha qabul qilingan milliy strategiyalar va davlat organlarining ochiqligi oshgani bilan bog‘liq[5;12]. Ayniqsa, “Halollik vaksinasi” tashabbusi, “Elektron hukumat” tizimining rivojlantirilishi va ta’lim tizimida halollik fanlarining joriy etilishi jamiyatda korrupsiyaga nisbatan murosasiz munosabatni shakllantirmoqda. Jumladan, 2017-yilda “Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi Qonun qabul qilindi, 2020-yilda Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi

tashkil etildi, davlat xizmatchilari uchun daromadlarni deklaratsiyalash va ochiqlik tizimi joriy etildi[6;11]. 2024-yilda BMTning Giyohvand moddalar va jinoyatchilik boshqarmasi hisobotida O‘zbekiston Markaziy Osiyo mintaqasida korrupsiyaga qarshi kurash sohasida eng faol islohotlar olib borayotgan davlat sifatida qayd etildi[7].

Dunyo tajribasi shuni ko‘rsatadiki, korrupsiyaga qarshi kurash faqat jazolash choralari bilan emas, balki profilaktika, ta’lim, axloqiy qadriyatlarni shakllantirish orqali amalga oshirilmoqda. Masalan, Singapurda 1952-yildan beri faoliyat yuritayotgan Korrupsiya tergov byurosi (CPIB) mustaqil organ sifatida har bir davlat xizmatchisining faoliyatini nazorat qiladi. Shvetsiya va Finlyandiyada ochiq hukumat prinsipi shaffoflikni ta’minlab, korrupsiyani ildizidan bartaraf etgan. Janubiy Koreyada esa elektron hukumat tizimi orqali inson omilining kamaytirilishi korrupsiya darajasini keskin pasaytirgan. Ushbu ilg‘or tajribalar O‘zbekiston uchun ham dolzarb bo‘lib, BMT konvensiyalari doirasida xalqaro hamkorlikni chuqurlashtirishga xizmat qilmoqda. So‘nggi yillarda raqamli texnologiyalar va elektron hukumat tizimlari korrupsiyaga qarshi kurashda muhim vosita sifatida tan olinmoqda. Elektron tender tizimlari, davlat xaridlarining ochiqligi, raqamli deklaratsiya va onlayn nazorat mexanizmlari inson omilining kamayishiga, shaffoflikning ortishiga olib kelmoqda[8;9;10]. BMTning 2023-yilgi hisobotida keltirilishicha, raqamli nazorat mexanizmlarini joriy etgan davlatlarda korrupsiya darajasi o‘rtacha 18 foizga kamaygan. Bu esa texnologik yechimlarning samaradorligini ko‘rsatadi. Bundan tashqari, BMT konvensiyalarining samaradorligi ularning monitoring mexanizmlariga ham bog‘liq. Korrupsiyaga qarshi konvensiya bo‘yicha maxsus Ijro qo‘mitasi har ikki yilda a’zo davlatlar faoliyatini baholab, ularning qonunchilik tizimi, amaliy natijalari va xalqaro majburiyatlarga rioya etishini tahlil qiladi. Bu tizim davlatlar o‘rtasida tajriba almashish, shaffof hisobot berish va mavjud muammolarni aniqlash imkonini beradi.

Xulosa qilib aytganda, korrupsiya va transmilliy jinoyatchilikka qarshi kurash samarali natija berishi uchun global huquqiy mexanizmlar, xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlik, milliy qonunchilikni takomillashtirish va fuqarolik jamiyatining faol ishtiroki zarur. BMT konvensiyalari bu yo‘lda universal huquqiy asosni yaratib, davlatlarni yagona maqsad sari birlashtiradi. O‘zbekiston ushbu yo‘nalishda qat’iy siyosiy irodani namoyon etib, korrupsiyani kamaytirish, halollikni targ‘ib qilish va xalqaro standartlarni milliy amaliyotga joriy etishda muhim yutuqlarga erishmoqda. Korrupsiyaga qarshi kurashda ta’lim va tarbiya tizimining o‘rni ham beqiyos. Yosh avlodda halollik, vijdonlilik va adolat qadriyatlarini shakllantirish korrupsiya ildizini oldindan kesishning eng samarali yo‘lidir. Shu maqsadda, O‘zbekistonda oliy ta’lim muassasalarida “Korrupsiyaga qarshi kurash asoslari” fanining o‘qitilishi, yoshlar

o‘rtasida “Halollik elchisi” loyihasining yo‘lga qo‘yilishi xalqaro amaliyotga mos muhim tashabbusdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning nutqi. Korrupsiyaning oldini olish bo‘yicha kengaytirilgan yig‘ilish, 2025-yil 5-mart. - Prezident.uz

2. Birlashgan Millatlar Tashkiloti. Transmilliy uyushgan jinoyatchilikka qarshi konvensiya (Palermo konvensiyasi), 2000-yil. - Rim: BMT nashriyoti.

3. Birlashgan Millatlar Tashkiloti. Korrupsiyaga qarshi konvensiya (Mérida konvensiyasi), 2003-yil. - Nyu-York: BMT nashriyoti.

4. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). Annual Report 2024: Regional Cooperation in Central Asia. - Vienna: UNODC Publications.

5. Transparency International. Corruption Perceptions Index 2025. – Berlin: Transparency International, 2025.

6. O‘zbekiston Respublikasi. “Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi Qonun (O‘RQ-419), 2017-yil 3-yanvar. - Lex.uz.

7. BMT Giyohvand moddalar va jinoyatchilik bo‘yicha boshqarmasi (UNODC). 2024-yilgi hisobot: Markaziy Osiyoda korrupsiyaga qarshi kurash sohasidagi yutuqlar. - Vienna: UNODC.

8. OECD. Istanbul Anti-Corruption Action Plan: Uzbekistan Progress Reports 2023–2024. - Paris: OECD Publishing.

9. Egmont Group. Financial Intelligence Units Cooperation Framework.- Toronto: Egmont Secretariat, 2023.

10. Xalqaro tajriba: Singapur Korrupsiya tergov byurosi (CPIB), Shvetsiya va Finlyandiya “Ochiq hukumat” tizimi, Janubiy Koreya elektron hukumat amaliyoti. - Turli manbalar asosida tahlil.

11. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. “Korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” (PF–6013), 2020-yil 29-iyun. - Lex.uz.

12. Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi rasmiy sayti. agentlik.anticorruption.uz - Rasmiy ma’lumotlar.

ВЛИЯНИЕ ТУРИСТСКОЙ ИНДУСТРИИ НА МИГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ

Алимова Райхона Баходировна,
Магистрант Банковско-финансовой Академии Республики Узбекистан

В последние десятилетия туризм стал одной из наиболее динамично развивающихся сфер мировой экономики, оказывая влияние не толко на экономические показатели, но и на социалные и демографические процессы. Туристская индустрия способствует формированию новых рынков труда, расширению занятости, а также оказывает прямое воздействие на миграционные потоки - как внутренние, так и международные [1].

В условиях глобализации границы между временными трудовыми поездками и постоянной миграцией становятся всё менее четкими. В резултате туризм выступает не толко как экономический феномен, но и как катализатор миграционных процессов, стимулируя мобилност населения, культурный обмен и транснационалную интеграцию [2].

Связ между туризмом и миграцией имеет сложный и многослойный характер. С одной стороны, развитие туристской индустрии создаёт значителное количество рабочих мест, что привлекает трудовых мигрантов в туристические центры и регионы с высоким потоком путешественников. С другой стороны, туристические поездки нередко становятся предтечей миграции, когда временное пребывание трансформируется в решение о постоянном переезде [3].

Развитие туристской индустрии оказывает существенное влияние не толко на внешние, но и на внутренние миграционные процессы, формируя новые направления территориалной мобилности населения. Туризм становится одним из важнейших факторов внутренней миграции трудовых ресурсов, особенно в развивающихся странах, где рост сектора услуг и инфраструктуры в туристических регионах создает приток рабочей силы из селской местности и экономически менее развитых областей [4].

Внутренняя миграция в сфере туризма носит двойственный характер. С одной стороны, она способствует экономическому оживлению регионов, обеспечивает занятост, стимулирует развитие малого бизнеса и сфер обслуживания. С другой - может создават дисбалансы на регионалных рынках труда, усиливая социалное расслоение между туристическими центрами и периферийными территориями.

В Узбекистане внутренняя миграция активно направляется в крупные города и туристические центры - Самарканд, Бухару, Хиву, а также в новые зоны притяжения, такие как Ташкентская област, Чарвакская зона отдыха и

Самарканд-Сити [5]. По данным Министерства занятости и трудовых отношений, доля внутренне мигрировавших работников, занятых в туризме и гостиничном бизнесе, с 2018 по 2024 год выросла более чем на 40 %. Это связано с реализацией программ по развитию внутреннего и экологического туризма, строителством гостиниц и сервисных комплексов [6].

Особенностью внутренней трудовой миграции, вызванной развитием туризма, является эе сезонност. В пиковые периоды туристической активности (весна–осен) количество временных работников увеличивается в 2–3 раза. Такая динамика наблюдается не толко в Узбекистане, но и в других странах региона, например, в Казахстане, Кыргызстане и Грузии [7]. Сезонная миграция в туризме имеет как положителные, так и отрицателные последствия. Она обеспечивает дополнителный доход для домохозяйств, снижает уровен безработицы в межсезоне, однако приводит к нестабилности занятости и отсутствию социалных гарантий у работников.

Туризм также оказывает структурное воздействие на распределение трудовых ресурсов. Вдол туристических маршрутов формируются новые локалные рынки труда, где развиваются транспорт, строителство, торговля, общественное питание и сфера услуг. Это приводит к урбанизации селских территорий и трансформации традиционного уклада жизни. Например, в Сурхандаринской и Навоийской областях рост внутреннего туризма привел к развитию частного бизнеса, аренды жиля, ремесленного производства и агротуризма, что способствует диверсификации доходов селского населения [8].

Однако положителные эффекты внутренней миграции неразрывно связаны с рядом социально-экономических вызовов. Среди них - повышение нагрузки на инфраструктуру туристических городов, рост цен на жиле и продукты, увеличение социалного неравенства между постоянными жителями и временными мигрантами. Согласно исследованиям Всемирного банка, резкий приток мигрантов в туристические зоны часто сопровождается «вытеснением» местных жителей из централных раёнов и снижением доступности жиля [9].

Кроме того, внутренняя миграция, вызванная туризмом, нередко сопровождается проблемой профессионалного несоответствия. Многие мигранты не обладают достаточными компетенциями в области гостиничного бизнеса, сервиса и иностранных языков, что снижает качество предоставляемых услуг. Поэтому важной задачей государственной политики становится развитие системы профессионалного образования и сертификации в сфере туризма. В Узбекистане с 2023 года реализуется программа «Кадрлар Тоурисм-2030», направленная на повышение квалификации работников туристской отрасли и адаптацию внутренней миграции к потребностям рынка труда [10].

В более широком контексте развитие туризма способствует внутренней интеграции страны, укреплению связей между регионами и повышению уровня мобилности населения. Перемещение трудовых ресурсов в туристические зоны способствует культурному обмену и передаче опыта, а также снижает уровен регионалных различий в доходах.

Таким образом, туристская индустрия является одним из главных драйверов внутренней миграции, создавая как новые возможности, так и вызовы для социально-экономического развития. Для устойчивого исползования миграционного потенциала необходимо сочетат развитие туристской инфраструктуры с механизмами социалной поддержки временных работников, улучшением условий труда и обеспечением равного доступа к рынкам занятости.

Интересным феноменом является влияние туризма на обратную миграцию. Возвращение мигрантов в страну происхождения нередко связано с развитием внутреннего туризма, когда бывшие трудовые мигранты инвестируют в создание гостиниц, гостевых домов и туристических стартапов [8]. Это способствует формированию предпринимателской культуры и развитию регионов, ранее зависимых от внешних денежных переводов.

Кроме того, туристическая индустрия является важным каналом культурной интеграции. Мигранты, работающие в сфере обслуживания, становятся посредниками между культурами, способствуя развитию толерантности и межкультурного общения. Тем самым туризм формирует социалный капитал, который играет ключевую рол в устойчивом развитии [9].

Несмотря на положителные эффекты, взаимодействие туризма и миграции сопровождается рядом вызовов. Среди них - проблема нелегалной занятости, отсутствие социалной защиты сезонных работников, а также низкий уровен квалификации мигрантов. Особенно остро стоит вопрос «утечки кадров», когда наиболее активная част населения уезжает в туристические зоны или за рубеж, оставляя дефицит рабочей силы в других секторах экономики [10].

Для преодоления данных проблем необходим комплексный подход: развитие программ профессионалной подготовки, упрощение легалной миграции, усиление правовых механизмов защиты работников. Опыт стран ЭС и Юго-Восточной Азии показывает, что туризм может стат инструментом устойчивой миграционной политики, эсли он основан на принципах справедливого найма, социалной ответственности и межкультурного диалога [11].

Таким образом, туристская индустрия оказывает многоплановое влияние на миграционные процессы - экономическое, социалное и культурное. Она формирует новые модели трудовой мобилности, способствует перераспределению рабочей силы и стимулирует развитие регионов. Вместе с

тем туризм усиливает зависимост от сезонной занятости и повышает риски социалной уязвимости мигрантов.

Для стран, подобных Узбекистану, ключевой задачей становится интеграция туристской и миграционной политики, развитие человеческого капитала и создание условий для устойчивой занятости в сфере туризма. Толко комплексный подход позволит превратит миграцию в источник развития, а не в фактор нестабилности.

Список исползованной литературы

1. Кузнецова О. А. «Глобалные миграционные процессы и их влияние на рынок труда». Экономика и безопасност, 2022.
2. Белова Н. П. «Социалная мобилност и туризм в условиях глобализации». Журнал социологических исследований, 2023.
3. Петров В. А. «Международная миграция и туризм: точки соприкосновения». Вестник мировой экономики, 2020.
4. UNWTO. World Tourism Barometer 2024. Madrid: World Tourism Organization, 2024.
5. Grigoryev A. S. Tourism and Global Labor Migration. Cambridge University Press, 2023.
6. Ministerstvo turizma i kulturnogo naslediya Respubliki Uzbekistan. Doklad o razvitii turizma v 2024 godu. Tashkent, 2025.
7. Larina M. S. «Soцialnыe posledstviya vnutrenney migraцii v turisticheskix regionax». Regionalnaya эkonomika, 2021.
8. Malkova I. A. «Reintegraцiya migrantov v эkonomiku stranы cherez turizm». Эkonomicheskaya politika i praktika, 2022.
9. Chen, Y. & Park, J. (2022). Tourism, Migration and Cultural Integration. Routledge Publishing.
10. Postanovlenie Prezidenta Respubliki Uzbekistan № PP-5591 ot 27 aprelya 2024 g. «O merax po podderjke zanyatosti i podgotovke kadrov v sfere turizma».
11. OECD (2024). Migration and Tourism: Policy Synergies for Sustainable Development. Paris: OECD Publishing.

ЙИРИК БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ: ОМИЛЛАР ВА ЕЧИМЛАР

А.Ж. Ташмуратов,
Демократик жараёнларни таҳлил этиш маркази
Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси

Аннотация: Мақолада йирик бозорлар ва савдо комплексларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек хавфсизликка таъсир қилувчи асосий омиллар таҳлил қилинади. Мазкур ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш ва идоралараро ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича таклифлар ёритилган.

Калит сўзлар: Бозорлар ва савдо комплекслари; замонавий ахборот технологиялари: шахсни идентификация қилувчи “Face ID” камералари, “ташвиш” тугмалари; “CPTED” ва “Синган ойна назарияси” дастурлари; профайлинг; Ситуацион марказ; ҳуқуқбузарликларни қайд этиш мобил дастури; электрон савдо-логистик платформаси.

Аннотация: В статье анализируются проводимые реформы в сфере обеспечения общественного порядка и безопасности на крупных рынках и в торговых комплексах, а также основные факторы влияющие на безопасность. Представлены предложения по раннему предупреждению правонарушений на указанных территориях, реагированию на чрезвычайные ситуации и дальнейшему укреплению межведомственного взаимодействия.

Ключевые слова: Рынки и торговые комплексы; современные информационные технологии: камеры Face ID, «тревожные» кнопки; программы CPTED и «теория разбитых окон»; профайлинг; ситуационный центр; мобильное приложение для фиксации правонарушений; электронная торгово-логистическая платформа.

Abstract. The article analyzes the ongoing reforms aimed at maintaining public order and ensuring safety in large markets and shopping complexes, as well as the key factors affecting safety. It also outlines proposals for the early prevention of offenses in these areas, emergency response, and the further strengthening of interagency cooperation.

Key words: markets and shopping complexes; modern information technologies: Face ID cameras, panic buttons; CPTED and Broken Windows programs; profiling; situation center; mobile application for recording offenses; electronic trade-logistics platform.

Бугунги кунда мамлакатда хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, йирик бозорлар ва савдо комплексларида аҳоли томонидан савдо-сотиқ ишларини қулай шароитларда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони [1], Вазирлар Маҳкамасининг **“Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** 2012 йил 28 августдаги 253-сон [2] ва **“Йирик бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”** 2024 йил 27 ноябрдаги 791-сон қарорлари [3] билан йирик бозорлар ва савдо комплексларида (кейинги ўринларда – бозорлар деб юритилади) жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари тартибга солинган.

Таҳлилларга кўра, 2025 йил 7 ойда доимий равишда фуқаролар томонидан гавжум бўлган ҳудудлар, жумладан Тошкент ва Нукус шаҳарлар ҳамда вилоятларнинг марказларидаги **55 та** бозор, **37 та** хиёбон ва **41 та** истироҳат боғида **133 марта** ижтимоий хавфи юқори бўлган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилган. Уларнинг аксарият қисми, яъни **74,5 фоизи (99 та)** бозорларда, **21,8 фоизи (29 та)** истироҳат боғларида, **3,7 фоизи (5 та)** сайилгоҳларда содир этилган [4].

Таҳлил натижалари бўйича, қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг аксарият қисми **бозорлар ҳудудида** рўй берган.

Бундан ташқари, сўнгги вақтларда бозорларда **ёнғинлар** ва **жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатлар** ортиб бормоқда. Хусусан, 2025 йил 11 август куни **Тошкент туманидаги “Уч Қаҳрамон”** бозорида содир бўлган ёнғин оқибатида 134 нафар тадбиркорларга тегишли 181 та дўкон ёниб кетган.

Бундай ҳолатлар 2023 йил 12 июнь куни Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги “Буюк ипак йўли”, 2024 йил 7 ноябрь куни Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги “Буюм” ва 14 декабрь куни Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги “Деҳқон”, 2025 йил 26 февраль куни Андижон вилояти Андижон шаҳридаги “Жаҳон”, 17 май куни Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги “Ором”, 30 июнь куни Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги “Янги”, 11 июль куни Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги “Жомий”, 4 август куни Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги “Асл диёр” ва 19 август куни Тошкент вилояти Ғазалкент туманидаги

Деҳқон" бозорларида ҳам кузатилиб, тадбиркорлар мулки ва ҳаётига жиддий хавфни юзага келтирган.

Бозорларда асосан 400 кВтлик трансформатор ўрнатилиб, барча дўконларда бир хил вақтда техник жиҳозлардан *(иситиш, совитиш, дазмоллаш ва бошқалар)* фойдаланиш оқибатида электр тармоқларига ортиқча юкламалар тушиши, шунингдек айрим сотувчилар электр тармоқларига ноқонуний ва хавфсизлик қоидаларига зид равишда уланиши ёнғинлар келиб чиқишининг сабабларидан бири бўлмоқда.

Шу билан бирга, бозорларда хавфсизликни таъминлашда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани ва ташкилий чора-тадбирлар амалдаги тартибларга мувофиқ ташкил этилмагани муаммоси сақланиб қолмоқда. Хусусан:

Ўрнатилган **видеокузатув камераларин**инг кўпчилиги оддий русумда бўлиб, улар орқали шахсни идентификация қилиш имконияти чекланган. Кузатув камералари кўп ҳолларда ҳудудни тўлиқ қамраб олиш талаблари ҳисобга олинмасдан жойлаштирилгани сабабли “назоратсиз ҳудудлар” юзага келган. Шунингдек, қуёш нури ва ёмғирдан сақлаш учун ўрнатилган соябонлар камераларнинг кузатув майдонини тўсиб қўйгани ҳисобига, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уни барвақт аниқлаш имконияти чекланган.

Шунингдек, бозорларда савдо шохобчалари эгаларига дўконидан ташқарида **бир метргача савдо растаси ўрнатиб**, савдо-сотиқ ишларини амалга оширилишига рухсат берилиши ва бозорларда **аравалар хизматининг тартибли ҳаракатланиши йўлга қўйилмагани** натижасида савдо расталари ва турғун савдо шохобчалари орасидаги ҳаракатланиш йўналишларида сунъий тирбандликлар ҳосил бўлмоқда. Бу, ўз навбатида киссавурлик (ўғирлик) жиноятлари содир этилишига шароит яратмоқда.

Бундан ташқари, хавфсизликни таъминлашдаги ташкилий муаммоларни ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ҳудудий ҳокимликларга маълум қилиш тартиби, шунингдек бозорларда хавфсизликни таъминлашда кузатув камералари ва ёнғин “ташвиш” тугмаларидан фойдаланиш тўлиқ йўлга қўйилмаган.

Бозорлардаги ҳолатлар бўйича ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли орасида **ижтимоий сўров** ўтказилди.

Маълумот учун: *Сўровномада 111 нафар респондент иштирок этди, уларнинг 63 нафари (56,8 %) эркак ва 48 нафари (43,2%) аёллар.*

Хусусан, **“Бозорларда мавжуд видеокузатув камералари ҳудудни хавфсизлик юзасидан тўлиқ кузатиш имкониятига эгами?”** саволига

респондентларнинг 43,2 фоизи етарли даражада эканини, 36,9 фоизи етарли эмаслигини ва 19,8 фоизи бироз етарли эканини таъкидлаган *(1-диаграмма)*.

1-диаграмма



“Бозорлар атрофидаги йўлларда тирбандлик тез-тез кузатиладими?” саволига респондентларнинг 65,8 фоизи доимий равишда учрашишини, 27,9 фоизи баъзан учраб туришини ва 6,3 фоизи умуман учрамаслигини маълум қилган *(2-диаграмма)*.

2-диаграмма



“Бозорларда ўзингизни хавфсиз ҳис қиласизми?” саволига респондентларнинг 49,5 фоизи доимо ҳис қилишини, 40,5 фоизи баъзан ва 9,9 фоизи умуман ҳис қилмаслигини билдирган *(3- диаграмма)*.

3-диаграмма



Аксарият иштирокчилар турли муаммолар мавжудлиги қайд этишган. Хусусан, респондентларнинг 58,6 фоизи ёнғин хавфсизлиги таъминланишини етарли даражада эмаслигини, 51,4 фоизи **санитария-эпидемиологик ҳолат қониқарсизлигини,** 65,8 фоизи сунъий тирбандликка доимий дуч келишини таъкидлаган. Шунингдек, 86,5 фоиз иштирокчи бозорларда **хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолиятни кучайтириш** зарурлигини қайд этган.

Мазкур кўрсаткичлар бозорларнинг инфратузилма, санитария, ёнғин ва жамоат хавфсизлиги профилактикаси борасида фаолиятни такомиллаштиришни тақозо этади.

Бозорларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди.

АҚШда “CPTED” дастури [5] асосида фуқаролар гавжум жойлар кенг ёритилади ва видеокузатув камералари билан қамраб олинади. Жамоат объектларига кириш-чиқиш нуқталари чекланади ва мазкур нуқталарда ҳуқуқ-тартибот ходимлари назорати ўрнатилади. Ҳудудлар панжаралар ва табиий тўсиқлар билан ажратилади. Шунингдек, аҳоли жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ишларига жалб этилади.

Бундан ташқари, “Синган ойна назарияси” *(Broken Windows Theory)* [6] доирасида жамоат тартибини сақлаш ва майда ҳуқуқбузарликларга тезкор чора кўриш орқали ижтимоий хавфи юқори бўлган ҳуқуқбузарлик ва ҳолатларнинг олди олинмоқда.

Маълумот учун: *CPTED (Crime Prevention Through Environmental Design – Атроф-муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятларнинг олдини олиш) дастури 1960 йилда АҚШда жиноятчиликнинг олдини олишнинг янги усули сифатида юзага келган. Дастур атроф-муҳитни лойиҳалаш орқали*

жиноятчиларни жиноят содир этишдан тиядиган ёки жиноят содир этишга ноқулай муҳит ҳосил қилишни назарда тутади.

Исроилда “Хулқ-атвор профайлинги” доирасида аэропортлар ва аҳоли гавжум объектларда хулқ-атворга асосланган текширув *(профайлинг)* қўлланилади. Мазкур профайлинга кўра, ҳуқуқ-тартибот ходимлари объектларнинг кириш нуқталарида, шунингдек Ситуацион марказ *(хавфсизлик соҳасида маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, тезкор қарор қабул қилишга мўлжалланган бошқарув маркази)* ходимлари *(операторлар)* ўз идроки ва сунъий интеллект ёрдамида видеокузатув камералари орқали психологик жиҳатдан ўзини ноодатий тутаётган фуқароларни аниқлайди ва қўшимча суҳбат, текширувлар ўтказади. Ушбу тизим хавфсизликка бўлган таҳдидлар ҳамда ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишга хизмат қилади.

Туркияда фуқаролар томонидан жамоат хавфсизлигига таъсир қилувчи ёнғин, санитария, экология билан боғлиқ ҳолатлар ва ҳуқуқбузарликларнинг фото ва видеотасвирларини ”HAYDI” мобил дастури орқали юбориш ва келиб тушган тасвирлар бўйича зудлик билан масъул давлат идоралари томонидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш механизми йўлга қўйилган.

Сингапурда жамоат жойларида ёнғин, йўл-ҳаракати, санитария ва фуқаролар хавфсизлигига таъсир этувчи бошқа омиллар юзага келганда ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан тегишли ташкилотларни “хавфсизлик бўйича дарҳол огоҳлантириш” амалиёти жорий этилган. Сингапур полицияси (SPF) “Жамият дастурлари”ни ишлаб чиққан бўлиб, унда фуқаролар томонидан ҳуқуқ-тартибот ходимларига кўмаклашувчи кўнгилли гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилган.

АҚШ ва Европада хавфсизлик ходимларини тайёрлашга мўлжалланган ўқув-дастурлари *(National Association of Security Professionals, European Security Training, Physical Security Professional)* мавжуд бўлиб, мазкур дастурлар ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг профессионал кўникмаларни мустаҳкамлашга, хусусан жамоат жойларида хавфсизлик ходимларини фавқулодда ҳолатларда аҳолини қутқариш ишларини ташкил этиш, ёнғин ўчириш мосламаларидан фойдаланиш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек хавфсизликка таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш *(профайлинг, ҳуқуқбузарга нисбатан чора кўриш, жисмоний куч ишлатиш, муомала маданияти, психологик таъсир кўрсатиш ва бошқалар)* бўйича мунтазам равишда ўқитади ва малакасини ошириб боради.

Ўрганишлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– бозорлар ва савдо комплексларида ёнғин хавфи ошишига электр-энергиясидан ортиқча – фойдаланиш ҳамда ноқонуний уланишларнинг трансформатор ва электр тармоқларини зўриқтириши кабилар сабаб бўлмоқда;

– хавфсизлик борасидаги муаммоларни масъул идораларга вақтида маълум қилиш тартиби йўлга қўйилмагани ва замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланилмаётгани хавфсизликка таҳдид солувчи ҳолатларни барвақт олдини олиш имкониятини чекламоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бозорларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қуйидагилар таклиф этилади:

1. Бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигига салбий таъсир этувчи ҳолатлар юзага келганда жамоатчилик вакиллари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан дарҳол масъул ташкилотларга ахборот бериш ва ҳамкорликда тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш амалиётини йўлга қўйиш *(Сингапур тажрибаси)*;

2. Хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолиятни такомиллаштириш мақсадида илғор хорижий тажриба асосида **янгича тизим**ларни амалиётга татбиқ этиш *(АҚШнинг "CPTED" дастури ва Исроил тажрибаси)*. Бунда қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

– бозорларда замонавий кузатув хонасини ташкил этиш, ҳудудни кенг ёритиш ва шахсни идентификация қилувчи "Face ID" камералари билан жиҳозлаш ҳамда барча камераларни кузатув хонасига интеграция қилган ҳолда ҳудудни тўлиқ қамровга олиш (кузатиш);

– масканда ҳуқуқ-тартибот ходимларидан иборат бўлинма фаолият олиб бориши, бўлинмада оператор патруллик фаолиятига жалб этилган ходимларни бошқариш, таҳдидлар юзага келиши мумкин бўлган жойларга йўналтириш, фуқаролар томонидан жамоат хавфсизлигига таҳдидлар, хусусан ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги, савдо ҳамда санитария қоидаларини бузиш ҳолатлари рўй берганда, дастур орқали ҳолатларни фото ва видеога қайд этиш;

– қайд этилган ҳуқуқбузарликларга нисбатан ҳуқуқий баҳо беришлик учун ҳуқуқ-тартибот идораларига юбориш *(таклиф қилинаётган тизимнинг инфографикаси илова қилинади)*.

3. Жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида бозорлардаги хавфсизликка таҳдид солувчи ҳолатлар *(ёнғин, санитария, бетартиб савдо-сотиқ ва бошқалар)* ва ҳуқуқбузарликларни фуқаролар томонидан фото ва видео тасвирлар орқали хабар беришга мўлжалланган мобил илова дастурини ишлаб чиқиш *(Туркия тажрибаси);*

4. Бозорларга ҳудудлардан савдо-сотиқ учун кириб келаётган автотранспорт оқимини камайтириш ва тирбандликларни бартараф этиш,

шунингдек тадбиркорлар учун масофавий улгуржи савдо тизимининг ҳудудлараро *(вилоятлараро, туманлараро ва б.)* йўналишларини йўлга қўйиш мақсадида маҳсулотлар хариди ва етказиб беришни қамраб олган электрон савдо-логистик платформасини яратиш ва мазкур платформа асосида ҳудудлараро масофавий улгуржи савдо хизматини ташкил этиш.

Платформа қуйидагиларни таъминлайди:

– тадбиркорлар масофавий онлайн харидни амалга ошириш;

– маҳсулотни ҳудудлараро йўналишларга мўлжалланган автотранспорт воситаларига юклаш ва етказиб бериш муддатини белгилаш;

– маҳсулотни тадбиркорга ўз вақтида ва сифатли етказиб бериш.

Маълумот учун: *Платформада сотувчи ва қабул қилувчи учун барча жараёнларни реал вақтда онлайн кузатиб турилади.*

5. Бозорларда хавфсизликни таъминлашга жалб этиладиган ҳуқуқ-тартибот ходимларини фавқулодда ҳолатларда аҳолини қутқариш ишларини ташкил этиш, бирламчи ёнғин ўчириш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек хавфсизликка таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш *(профайлинг, муомала маданияти, ҳуқуқбузарга нисбатан чора кўриш, жисмоний куч ишлатиш, психологик таъсир кўрсатиш ва бошқалар)* бўйича мунтазам ўқитиш ва малакасини ошириб бориш *(АҚШ ва Европа давлатлари тажрибаси)*.

6. Бозорларда қайд этилган ҳуқуқбузарликлар, хавфсизликка оид ҳолатлар ва амалга оширилаётган ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида расмий ахборотни ўз вақтида аҳолига етказиш, нохолис фикрларни камайтириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида тезкор ва ишончли ахборот узатувчи медиа дастурлар, ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқ каналларини йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://lex.uz/docs/5749291

2. https://lex.uz/docs/2045196

3. https://lex.uz/docs/7239729

4. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳудудларида қайд этилган жиноятлар таҳлили (2025 йил 7 ой ҳолати).

5. Crowe, T. D. (2000). Crime prevention through environmental design: Applications of architectural design and space management concepts (2nd ed.). Butterworth-Heinemann

6. https://www.theatlantic.com/magazine/archive/1982/03/broken-windows/304465/

ТРУДОВАЯ МИГРАЦИЯ КАК СОВРЕМЕННАЯ РЕАЛНОСТ

Разикова Шахзода Алишеровна,
магистрант Высшей школы бизнеса и предпринимателства
Республики Узбекистан

В XXI веке трудовая миграция стала неотъемлемой частю глобалных социально-экономических процессов. Движение трудовых ресурсов между странами оказывает огромное влияние на развитие националных экономик, международных отношений и социалной структуры обществ. В условиях глобализации трудовая миграция уже не рассматривается исключительно как экономическое явление - она становится ключевым фактором демографических, политических и культурных изменений [1].

Для развивающихся стран, включая Узбекистан, трудовая миграция выступает одним из инструментов стабилизации рынка труда, снижения уровня безработицы и увеличения объема валютных поступлений. Вместе с тем она несет в себе ряд проблем - от утечки квалифицированных кадров до социалной незащищенности мигрантов.

Трудовая миграция - это перемещение трудоспособного населения через границы государств или регионов с целю трудоустройства и получения дохода. В экономической науке различают внешнюю (международную) и внутреннюю (внутригосударственную) миграцию. Международная миграция в современных условиях является преобладающей формой и тесно связана с глобалными процессами интеграции и либерализации рынков труда [2].

Согласно данным Международной организации по миграции (МОМ), в 2023 году число международных мигрантов превысило 281 миллион человек, из которых около 169 миллионов являются трудовыми мигрантами [3]. Это свидетелствует о том, что почти каждый двадцатый трудоспособный человек в мире работает за пределами своей страны.

Основными причинами трудовой миграции остаются экономические факторы: неравномернос уровня жизни, безработица, низкие заработные платы, а также стремление к лучшим условиям труда. Вместе с тем растет значение социалных и образователных факторов, включая доступ к профессионалному обучению и культурный обмен [4].

В последние годы наблюдаются новые тенденции в развитии трудовой миграции. Во-первых, усиливается регионализация миграционных потоков, когда работники перемещаются в пределах соседних стран. Во-вторых, растет доля квалифицированных мигрантов, особенно в сфере информационных технологий, медицины и инженерии [5].

Для Узбекистана трудовая миграция стала важным элементом социально-экономического развития. По данным Министерства занятости и трудовых отношений, в 2024 году за рубежом работало более 2,1 миллиона граждан Узбекистана, из которых 75 % - в России, Казахстане и Южной Корее [6]. Денежные переводы мигрантов составили около 11 миллиардов долларов США, что является значимым источником валютных поступлений и поддержания внутреннего потребления.

Однако массовая миграция влечет и негативные последствия: дефицит рабочей силы в отделных секторах (в особенности селское хозяйство и строителство), рост социалного неравенства, а также проблемы социалной адаптации возвращающихся мигрантов [7].

Для минимизации негативных последствий и повышения эффективности трудовой миграции необходимо совершенствование националной миграционной политики. В Узбекистане в последние годы реализуются меры по защите прав мигрантов и повышению их профессионалной подготовки. Принят ряд нормативных актов, включая постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-5052 «О мерах по далнейшему совершенствованию системы внешней трудовой миграции» от 2021 года [8].

Кроме того, важным направлением является создание условий для возвращения и реинтеграции мигрантов в националную экономику, развитие системы микропредпринимателства и профессионалного переобучения. В перспективе Узбекистан стремится к тому, чтобы трудовая миграция стала осознанным выбором, а не вынужденной мерой.

Трудовая миграция - неизбежная и многогранная составляющая современной мировой экономики. Она выполняет двойственную функцию: с одной стороны, способствует развитию человеческого капитала, повышению уровня жизни населения и международной интеграции; с другой — создает новые вызовы в сфере социалной защиты, равенства и националной безопасности.

Для Узбекистана эффективное управление миграционными процессами должно строится на принципах международного сотрудничества, социалной ответственности и устойчивого развития. Толко при сбалансированном подходе трудовая миграция сможет стат фактором модернизации и укрепления экономической безопасности страны.

Список исползованной литературы

1. Кузнецова О. А. «Глобалные миграционные процессы и их влияние на мировую экономику». *Экономика и безопасност*, 2022.

2. Петров В. А. «Современные тенденции международной трудовой миграции». *Журнал мировой экономики*, 2023.

3. Интернационал Организатион фор Миграцион (ИОМ). *Ворлд Миграцион Репорт 2024*. Генева: ИОМ Публисатионс, 2024.

4. Белова Н. П. «Социалные аспекты миграции трудовых ресурсов». *Демография и труд*, 2021.

5. Григорев А. С. «Миграция квалифицированных кадров и глобалная конкуренция за таланты». *Экономические исследования*, 2020.

6. Министерство занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан. *Отчет о состоянии внешней трудовой миграции за 2024 год*. Ташкент, 2025.

7. Ларина М. С. «Социалные последствия трудовой миграции в Централной Азии». *Вестник мировой экономики*, 2022.

8. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-5052 от 5 апреля 2021 года «О мерах по далнейшему совершенствованию системы внешней трудовой миграции».

ОРГАНИЗАЦИЯ ОБЪЕДИНЕННЫХ НАЦИЙ 80 ЛЕТ МИРА, БЕЗОПАСНОСТИ И УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ: УРОКИ ПРОШЛОГО И ПЕРСПЕКТИВЫ НА БУДУЩЕЕ

Бобоев Сардор,
студент 3 курса , Ташкентского государственного экономического университета

Организация Объединённых Наций: 80 лет мира, безопасности и устойчивого развития — уроки прошлого и перспективы на будущее

На протяжении восми десятилетий Организация Объединённых Наций (ООН) остаётся централным элементом мировой системы международной безопасности, прав человека и устойчивого развития. С момента подписания Устава в 1945 году и до наших дней она превратилас в уникалную глобалную платформу, объединяющую 193 государства-члена и более тридцати специализированных агентств. За это время ООН доказала, что эё главная миссия — поддержание мира, развитие и гуманизм — не теряет своей актуалности, несмотря на глубокие перемены в международных отношениях.

С первых лет своего существования ООН сосредоточила усилия на предотвращении войн и урегулировании конфликтов. С 1945 по 2024 год Совет Безопасности принял более 2 600 резолюций, направленных на обеспечение международного мира и безопасности. С 1948 года под эгидой ООН проведено 71 миротворческая операция, в которых участвовало свыше двух миллионов военных и гражданских специалистов из более чем 120 стран. Россия остаётся

одним из ключевых участников миротворческих миссий и постоянным членом Совета Безопасности, Китай является вторым крупнейшим финансирующим государством операций (около 15,3 % бюджета ООН в 2024 году), а Казахстан и Узбекистан регулярно предоставляют площадки для мирных переговоров по Афганистану и Ближнему Востоку. Республика Корея направила свыше 18 000 миротворцев, Беларус активно участвует в медицинских миссиях, а Турция сотрудничает с Управлением ООН по координации гуманитарных вопросов, поддерживая операции в Сирии и Газе. Всё это отражает коллективную ответственност государств Эвразии за поддержание глобалного мира.

Не менее значимую рол ООН сыграла в борбе с международным терроризмом и экстремизмом. Глобалная контртеррористическая стратегия, принятая в 2006 году, стала фундаментом для укрепления международной безопасности. Россия и Китай выступают за усиление международных норм против кибер- и биотерроризма, а Узбекистан инициировал Ташкентскую декларацию ООН по Централной Азии (2018 год), направленную на координацию усилий стран региона в борбе с радикализацией. По данным Управления ООН по наркотикам и преступности (УНОДС), за последние десят лет количество выявленных террористических ячеек в Централной Азии снизилос на 25 %, что подтверждает эффективност совместных мер.

Одним из ключевых направлений деятелности организации остаётся предотвращение распространения оружия массового уничтожения. Договор о нераспространении ядерного оружия (ДНЯО), подписанный в 1968 году, стал краеуголным камнем международной безопасности. Россия, Китай и Казахстан активно сотрудничают с МАГАТЭ, продвигая принципы ядерной безопасности. Казахстан, закрывший Семипалатинский полигон в 1991 году, стал символом отказа от ядерных испытаний и примером ответственной политики. Беларус и Узбекистан ратифицировали Конвенции ООН по запрещению биологического и химического оружия, а Республика Корея и Турция, обладая высокими технологическими возможностями, внедряют международные стандарты безопасности на своих ядерных объектах.

В ХХИ веке всё болшую важност приобретает цифровая безопасност. В ответ на новые вызовы ООН создала Группу правителственных экспертов (ГГЕ) и Открытую рабочую группу (OEWГ) по вопросам кибербезопасности. Россия и Китай продвигают концепцию «информационного суверенитета», поддержанную Казахстаном и Беларусю, тогда как Узбекистан утвердил Националную стратегию кибербезопасности (2022 год) в соответствии с рекомендациями ООН. Республика Корея и Турция активно сотрудничают с Международным союзом электросвязи (МСЭ). Согласно отчёту ИТУ за 2023 год, Республика Корея занимает трете место в мире по уровню глобалной

киберзащиты, а Узбекистан поднялся на 44-э место, улучшив позиции на десят пунктов — показател, отражающий рост цифровой устойчивости региона.

Вопросы экологии и изменения климата также стали приоритетом ООН, особенно после подписания Парижского соглашения 2015 года. Китай является мировым лидером по инвестициям в «зелёную» энергетику, вложив более 500 млрд долларов в 2023 году. Россия увеличила долю возобновляемых источников энергии до 6,5 %, а Узбекистан к 2030 году планирует достич 30 %. Казахстан строит крупнейшую в Централной Азии солнечную электростанцию, Беларус совместно с ПРООН реализует программы энергоэффективности, а Турция развивает ветроэнергетику в Эгейском регионе. Эти усилия подчёркивают понимание странами важности коллективных мер по защите планеты.

Особое внимание ООН уделяет реализации Целей устойчивого развития (ЦУР) Повестки дня-2030, направленных на ликвидацию бедности, обеспечение равенства и защиту окружающей среды. Россия интегрировала ЦУР в националную стратегию до 2036 года, Китай к 2020 году полностю ликвидировал крайнюю бедност, а Узбекистан снизил эё уровен с 17 % до 11 % в 2024 году. Казахстан стал регионалным лидером по цифровизации государственных услуг, Республика Корея продвигает концепцию «умных городов», Беларус демонстрирует высокий уровен образования и здравоохранения, а Турция инвестирует в устойчивое селское хозяйство. Всё это подтверждает, что идея устойчивого развития остаётся сердцем деятелности ООН и эё партнёров.

ООН также активно работает в сфере защиты прав человека и регулирования миграционных процессов. Россия принимает миллионы мигрантов из стран СНГ, Турция стала крупнейшим приютом для беженцев из Сирии, Республика Корея предоставляет гуманитарные визы, а Узбекистан и Казахстан участвуют в реализации Глобалного договора по миграции. Эти инициативы координируются Управлением Верховного комиссара ООН по делам беженцев (УВКБ) и Международной организацией по миграции, что подчёркивает рол ООН как гаранта гуманитарных принципов.

Сегодня, спустя 80 лет после основания, ООН стоит перед необходимостю реформ, особенно в условиях формирования многополярного мира. Россия, Китай и Беларус выступают за сохранение принципа консенсуса и равноправия, Казахстан и Узбекистан поддерживают расширение состава Совета Безопасности для повышения представителства развивающихся стран, а Республика Корея и Турция настаивают на усилении роли Генералной Ассамблеи и прозрачности принятия решений. Эти дискуссии отражают эстественную эволюцию организации, стремящейся адаптироватся к новой глобалной реалности.

В заключение можно сказат, что Организация Объединённых Наций остаётся краеуголным камнем международной системы. Она доказала свою способност предотвращат конфликты, укреплят нормы международного права,

защищат права человека и продвигат устойчивое развитие. Опыт прошедших десятилетий ясно показывает: принципы Устава ООН не устарели, а напротив — становятся всё более востребованными. Сотрудничество стран Эвразии — России, Китая, Узбекистана, Казахстана, Беларуси, Турции и Республики Кореи — подтверждает, что дух международного партнёрства и коллективной ответственности остаётся главным условием справедливого и устойчивого будущего для всего человечества.

Основные официалные источники ООН

1. Главный сайт Организации Объединённых Наций (УН.орг) ҳттпс://www.ун.орг— История создания, структура, деятелност, документы, хроника миротворческих операций, статистика.

2. Устав Организации Объединённых Наций (Чартер оф тҳе Унитед Натионс) ҳттпс://www.ун.орг/эн/абоут-ус/ун-чартер — Полный текст Устава, подписанного представителями 50 государств в 1945 году.

3. Совет Безопасности ООН (УН Сесуритй Соунсил) ҳттпс://www.ун.орг/сесуритйсоунсил/— Информация о резолюциях, миссиях, решениях, а также роли постоянных членов (Россия, Китай, США, Франция, Великобритания).

4. Программа развития ООН (УНДП) ҳттпс://www.ундп.орг— Отчёты по устойчивому развитию, борбе с бедностю, экологии и инновациям.

5. Департамент по экономическим и социалным вопросам ООН (УН ДЕСА) ҳттпс://www.ун.орг/девелопмент/деса/— Статистические данные о глобалных целях устойчивого развития (СДГс).

6. Официалный сайт ЮНЕСКО (УНЕССО) ҳттпс://www.унесco.орг— Международное сотрудничество в сфере образования, науки и культуры.

7. Официалный сайт ВОЗ (Wорлд Ҳеалтҳ Организатион) ҳттпс://www.wҳо.инт— Деятелност ООН по борбе с пандемиями, поддержанию глобалного здравоохранения.

8. Экономический и социалный совет (ЭСОСОС) ҳттпс://эсосос.ун.орг— Данные по экономическим реформам, цифровизации и устойчивому росту.

9. Регионалные и партнёрские источники

10. ООН в Узбекистане ҳттпс://узбекистан.ун.орг/ру — Информация о деятелности и программах ООН в Республике Узбекистан.

11. ООН в Централной Азии (ЭССАП Субрегионал Оффисе) ҳттпс://www.унессап.орг/субрегионал-оффисе-фор-нортҳ-анд-сентрал-асиа— Регионалные проекты по устойчивому развитию, экологии и экономике.

12. Министерство иностранных дел Узбекистана ҳттпс://мфа.уз/ру/— Официалные материалы о взаимодействии Узбекистана с ООН и международными организациями.

13. ЮНИСЕФ (УНИСЕФ) ҳттпс://www.унисеф.орг— Отчёты по защите прав детей и гуманитарным программам.

NOQONUNIY MIGRATSIYA QARSHI KURASH BO‘YICHA DAVLATLAR HAMKORLIGINING XALQARO-HUQUQIY JIHATLARI

Xolmirzayeva Shoxista Arziqul qizi,
Toshkent davlat yuridik universiteti tayanch doktoranti
Tel: 99890-443-84-40

Annotatsiya: *ushbu tezis xalqaro doirada noqonuniy migratsiya qarshi kurash bo‘yicha davlatlar hamkorligining o‘ziga xos jihatlarini o‘rganish, mazkur hamkorlikning samaradorligini baholash va rivojlanish istiqbollarini ko‘rib chiqadi.*

Kalit so‘zlar: *migratsiya, migrant, noqonuniy migratsiya, migratsiyaga qarshi kurash, xalqaro hamkorlik.*

Kirish. Noqonuniy migratsiya globallashuv jarayonida ko‘payib bormoqda va bu masala nafaqat milliy, balki xalqaro miqyosda ham dolzarb ahamiyatga ega bo‘lib buni quyidagicha izohlaymiz:

Birinchidan, davlatlarning milliy xavsizligiga tahdid soladi. Negaki, noqonuniy migrantlar mamlakat hududiga nazoratsiz tartibda qonunchilik tizimini buzgan tarzda kirib keladilar va aksar hollarda ular terrorizmxalqaro doiradigagi jinoyatlarning subyektiga aylanib qoladi;

Ikkinchidan, davlatlarning ijtimoiy- iqtisodiy barqarorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

Uchinchidan, inson huquqlari buziladi.

Asosiy qism:

Aytish joizki, globalizatsiya asrida migratsiya, ayniqsa noqonuniy migratsiya siyosati xalqaro hamjamiyat oldidagi eng murakkab va yechimi davlatlarning o‘zaro hamkorligiga asoslangan masala hisoblanadi. Zero, bugungi kunda mehnat migratsiyasining noqonuniy shaklda amalga oshirilishining ko‘payishi ham aynan globallashuv jarayoni bilan bog‘liqdir.

Shu o‘rinda dastlab migratsiya, shundan kelib chiqib noqonuniy migratsiya tushunchalariga ta’rif berib o‘tamiz. Migratsiya so‘zi lotincha “migration” so‘zidan olingan bo‘lib, bu odamning yoki odamlarning mamlakat doirasida bir hududdan ikkinchi hududga shuningdek, bir mamlakatdan ikkinchi mamlakatga ko‘chishini anglatadi[1]. Ya’ni, migratsiya odamning doimiy yoki vaqtinchalik yashash uchun bir

[1] Исоқов Л.Х. Миграция ҳуқуқи: шаклланиши ва ривожланиши қонуниятлари. Илмий монография / Сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир академик А.Ҳ.Саидов. – Т., 2022. – 3-b.

hududdan ikkinchi bir boshqa hududga ko‘chishini bildiradi[1]. Noqonuniy migratsiya esa bu biror shaxsning boshqa davlat hududiga qonuniy asoslar (masalan, viza, ruxsatnoma yoki boshqa hujjatlar) bo‘lmagan holda kirishi, yashashi yoki ishlashi holatidir. Bunday migratsiya ko‘pincha iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy yoki xavfsizlikka oid sabablar tufayli yuzaga keladi va mezbon davlat qonunlarini buzgan hisoblanadi. Ya’ni, noqonuniy migratsiya nafaqat davlatlar uchun balki butun dunyo uchun xavf hisoblanadi. Negaki, mamlakatda bo‘lib turgan noqonuniy migrantlar turli jinoyat va huququbuzarliklarni sodir etishi hukumatga xavf solishi bilan barobarida xalqaro doiradagi tinchlik va xavfsizlikkayam rahna soladi. Chunki, aynan terrorizm, narkobiznes odam savdosi kabi xalqaro doiradagi jinoyatlar aksar hollarda shu toifadagi shaxslar tomonidan sodir etilmoqda.

Xususan, xorijiy davlatlarning noqonuniy migratsiya sohasidagi tajribasini o‘rganadigan bo‘lsak, 2025 yil 05 fevraldan boshlab Rossiyada migratsiya qonunchiligini buzgan fuqarolarning elektron reysteri ishlay boshladi[2]. Bu orqali davlat o‘z navbatida mamlakati hududida migrantlar faoliyatini samarali boshqarish imkoniga ega bo‘ladi. Shuningdek, bu orqali davlatlar hududiga noqonuniy migrantlarning kirib kelishini oldi olinib, noqonuniy migratsiyaga barham berilishiga erishish maqsad qilingan. Shuningdek, Rossiya prezidenti Vladimir Putin xizmat mavqeidan foydalanib noqonuniy migratsiyani tashkillashtirganlik uchun javobgarlik kiritilishi haqidagi qonunni imzoladi. Xususan, mazkur qonunga muvofiq noqonuniy migratsiyani tashkillashtirish jinoyat sifatidabaholandihamda mansabdor shaxs Rossiyaga xorijiy fuqarolarning noqonuniy kirishini, ularning tranzitini yoki qolishini tashkillashtirganlik uchun 7 yilgacha ozodlikdan mahrum qilinishi belgilandi. Bundan tashqari, 500 ming rublgacha jarima ko‘zda tutilgan[3]. AQSh da ham Prezident Donald Tramp saylovdagi g‘alabasidan so‘ng chegara daxlsizligini ta’minlash siyosatini amalga oshirish barobarida mamlakat hududida bo‘lib turgan noqonuniy migrantlarni yoppasiga deportatsiya qilinishini ma’lum qilgan[4]. Va hozirgi kungacha mamlakat hududida bo‘lib turgan minglab odamlar noqonuniy migrant sifatida turli yo‘llar bilan mamlakatdan deportatsiya qilinishiga erishildi. Shuning baraboradida AQSH davlati hududida bno‘lib turgan bir necha yuzlab O‘zbekiston fuqarolari ham davlatlar o‘rtasidagi ikki tomonlama shartnomalar orqali O‘zbekistonga qaytarilishiga erishildi.

Shu o‘rinda endi biz O‘zbekiston Respublikasining migratsiya siyosati xususan noqonuniy migratsiyaga qarshi xalqaro hamkorligi xususida to‘xtalamiz. Aytish

[1] БАРАТОВА Д.О. Ноқонуний миграцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари шаклланиши ва ривожланиши // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) Б. 103-110
[2] https://zamin.uz/uz/dunyo/142795.
[3] https://kun.uz/82370669.
[4] https://kun.uz/66888545

kerakki, O‘zbekistonda migrantlar huquqini himoya qilish yo‘nalishida xalqaro va mintaqaviy hamkorlikni rivojlantirish milliy qonunchilik va mexanizmlarni takomillashtirishga qaratilgan chora- tadbirlar izchillik bilan amalga oshirilmoqda. Xususan, 2020 yil 22 mayda O‘zbekiston Respublikasi hukumati bilan Qozog‘iston Respublikasi hukumati o‘rtasida Noqoqnuniy migratsiyaga qarshi kurashishda hamkorlik to‘g‘risida bitimning qabul qilinganligi noqonuniy migratsiyaga qarshi kurash borasidagi hamkorlik uchun huquqiy asos yaratdi. Mazkur bitim orqali tomonlar o‘zlari uchun noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha qo‘shimcha chora- tadbirlarni belgilab oldi. Shuningdek, bu boradagi Rossiya federatsiyasi o‘rtasidagi bitimni ham kelitirish joiz. Ushbu bitim orqali O‘zbekiston Respublikasi v Rossiya federatsiyasi noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashish uchun ustuvor vazifalarni belgilab olgan. Shuningdek, , 28-yanvardagi “2022–2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasining “Milliy manfaatlardan kelib chiqqan holda umumbashariy Sotsiologiya muammolarga yondashish” nomli 6-yo‘nalishining “Xavfsiz, tartibli va qonuniy mehnat migratsiyasini yuritish” mavzusidagi 86-maqsadi aynan migratsiya masalalariga bag‘ishlangan bo‘lib, unda bir qator vazifalar belgilab qo‘yilgan. Mamlakatimizda mehnat migratsiyasi borasida qabul qilinayotgan qonunlar, hukumat rahbarining farmonlari, shuningdek, mavjud qonunlarga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar nafaqat tashqi va ichki migratsiya ishtirokchilari bo‘lgan fuqarolarni, balki ularning yurtda qolgan oilalarini, shuningdek, qaytib kelganlar reintegratsiyasi masalalarini ham qamrab olgan[1].

Yuqoridagi tahlildan kelib chiqib aytadigan bo‘lsak, noqonuniy migratsiya bugungi kunda global miqyosda eng dolzarb masalalardan biri bo‘lib, unga qarshi kurashish alohida bir davlatning emas balki butun xalqaro hamjamiyatning umumiy nmuammosidir. Faqatgina hamkorlik va birgalikdagi harakatlar orqali bu tahdidga qarshi samarali choralar ko‘rish zarur. .

Shu o‘rinda endi noqonuniy migratsiyaning asosiy sabab va oqibatlariga to‘xtalamiz. BMT ma’lumotlariga ko‘ra hozirgi vaqtda jahonda mehnat migrantlari va qochoqlar soni 272 million kishini tashkil qiladi va ulardan 70 million kishi noqonuniy migrantlardir.

Birinchidan, noqonuniy migratsiyaning asosiy sabablari orasida iqtisodiy notenglik, siyosiy beqarorlik, urushlar, tabiiy ofatlar va inson huquqlari buzilishi hisoblanadi. Bu omillar odamlarni xavfsizroq va barqaror yashash joylariga migratsiyaga majbur qilsa, ikkinchidan, noqonuniy migratsiya mamlakatlar ichki xavfsizligiga, iqtisodiyotiga va ijtimoiy tizimiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Bundan

[1] 28-yanvardagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi 60-sonli Farmoni. 2024/1 (10) ISSN 2049-3630.

tashqari, migratsiya yo‘llaridagi jinoyatchilik, odam savdosi va qo‘llab-quvvatlanmagan migratsiya oqimlari davlatlar o‘rtasida taranglikni keltirib chiqaradi. Shu sababli davlatlar o‘rtasida migratsiya sohasida xususan noqonuniy migratsiyaga qarshi kurash bo‘yicha samarali hamkorlik zarur.

Aytish joizki, migratsiyani nazorat qilishda xalqaro hamkorlikni kuchaytirish, shuningdek, migratsiyaning ijtimoiy va iqtisodiy oqibatlarini minimallashtirish uchun yanada samarali chora-tadbirlarni ishlab chiqish talab etiladi. Xususan, davlatlar o‘rtasidagi hamkorlikning huquqiy asoslari xususida to‘xtaladigan bo‘lsak, bu hamkorlik o‘z navbatida hududiy hamkorlik va regional mexanizmlarga bo‘linadi[1]. Noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashishda davlatlar o‘rtasidagi regional hamkorlikning o‘rni katta. Masalan, Yevropa, Markaziy Osiyo va Afrika mamlakatlari o‘rtasida migratsiya masalalari bo‘yicha maxsus regional tashkilotlar va mexanizmlar tashkil etilgan.

Ikkinchidan, chegaralar va migratsiya nazorati: Davlatlar o‘rtasidagi chegara va migratsiya nazorati sohasidagi hamkorlik muhim ahamiyatga ega. Bu hamkorlik chegaralardan noqonuniy migratsiyalarning oldini olish, migratsiya yo‘llarida jinoyatchilikka qarshi kurashish va migratsion huquqlarni himoya qilishga yordam beradi.

Uchinchidan, Inson huquqlari va noqonuniy migratsiya: Noqonuniy migrantlarning huquqlari ko‘plab xalqaro shartnomalarda e’tirof etilgan. Davlatlar o‘rtasidagi hamkorlik bu huquqlarni himoya qilish va muhojirlar uchun xavfsiz sharoitlar yaratishga qaratilgan bo‘lishi kerak. Zero, insonlar huquqlar borasida teng bo‘lib tug‘iladilar.

O‘zbekiston respublikasi ham migratsiya sohasida xalqaro doirada teng huquqli subyekt sifatida bir tomonlama shartnomalarga ega. Xususan, yaqinda AQSHda noqonuniy ravishda mamlakat hududida bo‘lib turgan bir qancha vatandoshlarimiz mamlakatga olib kelinganligi ham bu boradagi hamkorlikning o‘rni naqadar beqiyosligini anglatadi.

Yuqoridagi tahlildan kelib chiqib, noqonuniy migratsiyaga qarshi kurash bo‘yicha davlatlar hamkorligining samaradorligini amalga oshirish borasida quyidagi tavsiyalarni ishlab chiqamiz.

Birinchidan, migratsion oqimlarning sabablarini chuqur tahlil qilish va shundan kelib chiqib dastur ishlab chiqish;

Ikkinchidan, mamlakatlar o‘rtasida hamkorlikka raqamli texnologiyalarni joriy etish

[1] Исоқов Л.Х. Миграция ҳуқуқи: шаклланиши ва ривожланиши қонуниятлари. Илмий монография / Сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир академик А.Ҳ.Саидов. – Т., 2022. – 157-b.

Uchinchidan, xalqaro huquqda noqonuniy migratsiyani tartibga soluvchi yaxlit huquqiy bazani shakllantirish zarur.

Xulosa o‘rnida aytish joizki, noqonuniy migratsiya bugungi kunda global miqyosda eng dolzarb masalalardan biri bo‘lib, unga qarshi kurashish alohida bir davlatning emas balki butun xalqaro hamjamiyatning umumiy nmuammosidir. Faqatgina hamkorlik va birgalikdagi harakatlar orqali bu tahdidga qarshi samarali choralar ko‘rish zarur.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi. 2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 15-sentabrdagi “Xavfsiz, tartibli va qonun mehnat migratsiyasi tizimini joriy qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ– 4829-son qarori.

3. 28-yanvardagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi 60-sonli Farmoni. 2024/1 (10) ISSN 2049-3630

4. Isoqov L.M. Migratsiya huquqi: shakllanish va rivojlanish qonuniyatlari. Ilmiy monografiya / So‘z boshi va mas’ul muharrir akademik A.X. Saidov T., 2022.- 196 bet.

5. Otajonov A . O‘zbekistonda mehnat migratsiyasi sohasida kadrlarni tayyorlash va ularning malakasini oshirishga doir ayrim masalalar// Yurist axborotnomasi. -2022.T.1.№1.

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Қурбонов Собир Султонович,
мустақил изланувчи

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш инсоният олдида турган энг долзарб глобал масалалардан бири ҳисобланади. Индустриал ривожланиш, урбанизация ва аҳоли сонининг ортиши натижасида экологик мувозанат бузилиб, табиий ресурслар суратида фойдаланиш кескин ўсди. Бу эса инсоннинг соғлиғига, биологик хилма-хилликка ва барқарор ривожланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, халқаро ҳуқуқ тизимида атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид нормалар ва механизмларни мустаҳкамлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк кунлариданоқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган изчил ишлар олиб борилмоқда. Табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берувчи

илк қонунларимиздан бири ҳам 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси(эски таҳрири)нинг бир қатор моддаларида ҳам атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, табиий ресурслар ва бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳамда улар давлат муҳофазасига олинганлигига оид энг муҳим қоидалар мустаҳкамланган эди.

Албатта, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлаш ушбу қонун ҳужжатларимизнинг масади ҳисобланади.

Дарҳақиат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Абу-Даби Барқарор ривожланиш ҳафталиги” саммитидаги нутқида “Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади – экологик барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган “яшил” ривожланиш моделига ўтишдир. Шу боис 2025 йилни Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилдик” деб таъкидлаб ўтган эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг халқаро экологик ҳамжамият билан ҳамкорликни кенгайтиришга катта эътибор берди. Мамлакат БМТнинг 'Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш доирасида атроф муҳитни муҳофаза қилишни миллий устувор йўналиш сифатида белгилаган. Ўзбекистон Киото протоколи ва Париж битимига қўшилган бўлиб, иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятларни бажариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида» 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5202-сон қарорига мувофиқ ташқи кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар маблағларини жалб қилиш ҳамда «Оролбўйи минтақаси – экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди» концепцияси ва «Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш бўйича кўп томонлама «йўл харитаси» тасдиқланган.

Тўғри, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (ИИИ) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари сифатида унинг “экологик ҳуқуқлари” эътироф этиб ўтилмаган бўлсада, ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликлар ҳамда миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали таъминланишига эришиш мумкин бўлади.

Бу борада, айрим мутахассис ва олимлар томонидан “1948 йил декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида инсонларнинг қулай табиий муҳитга бўлган ҳуқуқлари тўғридан-тўғри акс эттирилмаган. Бу ўша пайтда атроф-муҳитнинг инсон саломатлигига нисбатан кучсиз салбий таъсири ва кенг тарқалган қарашлар билан изоҳланади. Инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш ҳуқуқларини қайд этишнинг ўзи этарли деб ҳисобланган”[1] деган фикрлар илгари сурилган.

Бош Ассамблеянинг 1962 йил 18 декабрда “Иқтисодий ривожланиш ва табиатни муҳофаза қилиш” резолюцияси 1831 (ХВИИ) қабул қилиниб, унда ЮНЕСКО томонидан таклиф этилган ташаббус ва тавсиялар маъқулланди. Ушбу қарорда атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси табиий ресурсларини яхлит ҳолда кўриб чиқиш; “табиатни муҳофаза қилиш” атамасини кенгроқ бўлган “атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” тушунчасига интеграция қилиш (бирлаштириш); табиатни муҳофаза қилиш ва иқтисодий ривожланиш манфаатларини уйғунлаштириш каби учта асосий қоида кўрсатиб ўтилди. Кейин 1968 йил 3 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси инсоннинг асосий ҳуқуқларига риоя қилиш ҳамда тегишли иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун қулай атроф-муҳитнинг муҳим аҳамиятини таъкидловчи қарорни қабул қилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунини БМТ Бош Ассамблеясининг 1962 йил 18 декабрдадаги 1831 (ХВИИ) “Иқтисодий ривожланиш ва табиатни муҳофаза қилиш” резолюциясидаги асосий қоидалардан бири бўлган “табиатни муҳофаза қилиш” атамасини кенгроқ бўлган “атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” тушунчасига интеграция қилиш (бирлаштириш)га оид қоидасидан келиб чиқиб, янги таҳрирда Ўзбекистон Республикасининг “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиат, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати

[1] Сергей Балашенко «Международно-правовые принципы охраны окружающей среды и права человека». https://evolutio.info/ru/journal-menu/1998-5/1998-5-balashenko.

стратегияси билан белгиланади. Ўзбекистон БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича Комиссиясининг аъзоси ҳисобланиб, 160 дан ортиқ Халқаро Конвенция ва Баённомаларни ратификация қилган. Албатта, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожланиш соҳасида Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга аъзо бўлиш, уларни ратификация қилиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжаият олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз атроф-муҳит бўйича ўндан ортиқ конвенция ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги, хусусан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доиравий Конвенцияси, Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенцияси, Қурғоқчилик ва чўлланишга қарши курашиш Конвенцияси, Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена Конвенцияси, Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенцияси, Хавфли чиқиндиларни трансчегаравий олиб чиқиш ва уларни йўқотишни назорат қилиш бўйича Базел Конвенцияси, Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияси, Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича Конвенцияси (Хелсинки, 1992 йил 17 март), Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенцияси (Ню-Ёрк, 1997 йил 21 май), Ўсимликларнинг Янги навларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенцияси, Иқлим ўзгариши бўйича Доиравий конвенциясига Киото протоколи, Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахена протоколи (Монреал, 2000 йил 29 январ), Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протоколига киритилган тузатиш (Монреал, 1997 йил 17 сентябр), Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протоколига киритилган тузатиш (Пекин, 1999 йил 3 декабр) ҳамда бошқа халқаро конвенция, баённома ва келишувларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, “ҳозинги кунга келиб дунё миқиёсида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида кўптомонлама унверсал (глобал) ва регионал (ҳудудий) халқаро конвенциялар 1600 тани ҳамда иккитомонлама ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар 3 мингдан ортиғини ташкил этади”[1].

Бугунги кунда халқаро миқёсда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қатор муҳим шартномалар, хусусан Киото протоколи (1997), Париж битими (2015), Монреал протоколи (1987) ва Базел конвенцияси (1989) экологик хавфсизликни

[1] Халқаро оммавий ҳуқуқ. Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Г.Юлдашева // Муаллифлар жамоаси. – Т.: Lesson press, 2020. – 496.

таъминлашда муҳим рол ўйнайди. БМТнинг Атроф муҳит дастури (UNEP) эса халқаро даражадаги экологик сиёсатларни мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

БМТ Тараққиёт дастури (УНДП), ЮНЕСКО ва БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича доимий конференциялари (СОП) ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суришда фаол иштирок этмоқда.

Халқаро даражада атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик базаси мавжуд бўлишига қарамай, унинг самарадорлиги этарли эмас. Асосий муаммолардан бири – халқаро шартномаларнинг ижросини таъминлайдиган мажбурлов механизмларининг йўқлиги. Бундан ташқари, айрим давлатлар иқтисодий манфаатларини устувор қўйиб, экологияга оид мажбуриятларни бажаришда сусткашлик қилади.

Муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўллари қуйидагилар ҳисобланади: халқаро назорат тизимини кучайтириш, экологик мониторингни рақамлаштириш, давлатлараро жавобгарлик механизмларини яратиш ва халқаро суд амалиётини такомиллаштириш. Шунингдек, аҳоли экологик маданиятини ошириш ва барқарор истеъмолни рағбатлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, атроф муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш инсониятнинг умумий бурчи бўлиб, унинг самарадорлиги давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва биргаликдаги ҳаракатларга боғлиқ. Халқаро ҳуқуқнинг асосий вазифаси – экология соҳасидаги мажбуриятларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва уларни амалий ижро этилишини таъминлашдан иборат. Ўзбекистоннинг бу соҳадаги ташаббуслари ва халқаро ҳамкорлик сиёсати келгусида барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

HARBIY XIZMATCHILAR OILA A’ZOLARINI IJTIMOIY-HUQUQIY HIMOYALASHNING XALQARO-HUQUQIY ASOSLARI VA MILLIY MODELINI TAKOMILLASHTIRISH ZARURIYATI

Baqoyev Shahzod Hasan o‘g‘li,
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat Xavfsizligi Universiteti
Oliy ta’limdan keyingi ta’lim fakulteti tayanch doktoranti
+998-99-794-56-41

So‘nggi yillarda harbiy harakatlar geografiyasining kengayishi, Rossiya – Ukraina mojarosi, Yaqin Sharqdagi beqarorliklar fonida, nafaqat harbiy xizmatchilar, balki ularning oilalari uchun ham xavf darajasi ortdi. Shu munosabat bilan, xalqaro tajribalar, xususan, AQSh, Rossiya, Germaniya, Fransiya, Qozog‘iston kabi davlatlarda harbiylar oilalarining ijtimoiy himoyasi bo‘yicha qabul qilingan modellarni o‘rganish O‘zbekistonda ushbu tizimni yanada takomillashtirishga ilmiy asos yaratadi. Bunda boshqa davlatlarning ilg‘or tajribasidan tanlab, lokal sharoitga moslashtirish, xalqaro standartlar va xalqaro tashkilotlar tavsiyalaridan foydalangan holda milliy tizimni takomillashtirish mumkin. Ammo, har bir davlat uchun yagona “oltin formula” yo‘q, balki milliy ijtimoiy siyosatning o‘ziga xosligi — taraqqiyot garovidir.

Shu sababli ham, dunyoning rivojlangan mamlakatlarida harbiy xizmatchilar oila a’zolarini ijtimoiy-huquqiy himoya qilish masalasi davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida qaralmoqda.

Xalqaro huquq normalari O‘zbekiston Respublikasi tomonidan qo‘llanilishi masalasi milliy qonunchiligimizda, xususan Bosh Qomusimiz - O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining muqaddimasida (Biz, O‘zbekistonning yagona xalqi, ... xalqaro huquqning umume’tirof etilgan prinsip va normalariga asoslangan holda, fuqarolarning munosib hayot kechirishini .... ta’minlashni maqsad qilgan holda ushbu Konstitutsiyani qabul qilamiz va e’lon qilamiz) ham o‘z aksini topgan[1].

Professor Sh.M.Gaziyev harbiy xizmatchilar va ularning oila a’zolariga berilayotgan ijtimoiy-huquqiy himoya tizimini o‘rgana turib “hozirgi vaqtda mamlakatimizda bu sohada amalga oshirilayotgan o‘zgarishlar va islohotlar jarayoni biz uchun yangilik bo‘lmasdan, ularning chuqur va boy milliy tarixiy ildizlari borligini hech birimiz unutmasligimiz lozim” deya ta’kidlaganligi bejiz emas[2].

O‘zbekiston mustaqillikka erishganidan keyin birinchi qo‘shilgan xalqaro huquqiy hujjat bu – Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi hisoblanadi. Bu, O‘zbekistonning inson huquqlarini rivojlantirish, himoya etish va kafolatlash bo‘yicha haqiqiy maqsadlarini bildiradi.

Professor N.I. Kuznesov harbiy xizmatchilar va ularning oila a’zolarining imtiyozlarini davlat tomonidan ushbu fuqarolarga harbiy xizmatni o‘tashi yoki boshqa

harbiy vazifalarni bajarishi munosabati bilan beriladigan muayyan afzallik yoki ularni muayyan davlat majburiyatlaridan to‘liq yoki qisman ozod qilish deb tushunishni taklif qiladi[3].

2020-yil iyun holatiga O‘zbekiston Respublikasi inson huquqlari bo‘yicha 80 dan ortiq xalqaro hujjatlarga, jumladan Birlashgan Millatlar Tashkilotining 6 ta asosiy shartnomasi va 4 ta fakultativ protokoliga qo‘shilgan[4]. O‘zbekiston Respublikasi inson huquq va erkinliklari bo‘yicha asosiy hujjatlarga qo‘shilishi bilan xalqaro huquqning asosiy umum e’tirof etilgan prinsiplari bosqichma-bosqich milliy huquqiy tizimga implementatsiya qilib borilmoqda.

Bu o‘rinda 1948-yil 10-dekabrda Birlashgan Millatlar Tashkilotida qabul qilingan Inson huquqlari bo‘yicha umumjahon deklaratsiyasi[5] va 1966-yil 16-dekabrda qabul qilingan Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risidagi Xalqaro Pakt qoidalari[6] alohida ahamiyatga ega.

Inson huquqlari bo‘yicha umumjahon Deklaratsiyasining 25-moddasida “Har bir inson o‘zining hamda oilasining salomatligi va farovonligini ta’minlash uchun zarur bo‘lgan turmush darajasiga ega bo‘lish, jumladan, kiyim-kechak, oziq-ovqat, uy-joy, tibbiy xizmat va zarur ijtimoiy xizmatga ega bo‘lishga hamda ishsizlik, kasallik, nogironlik, bevalik, qarilik yoki unga bog‘liq bo‘lmagan sharoitlarga ko‘ra tirikchilik uchun mablag‘ bo‘lmay qolgan boshqa hollarda ta’minlanish huquqiga ega.” deb belgilab qo‘yilgan[7].

Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risidagi Xalqaro paktning 11-moddasida esa ushbu Paktda ishtirok etuvchi davlatlar har bir kishi o‘zi va oilasi uchun yetarlicha oziq-ovqat, kiyim-kechak va uy-joy hamda turmush sharoiti to‘xtovsiz yaxshilanib borishini o‘z ichiga oladigan yetarli turmush darajasi bo‘lish huquqini e’tirof etishi, ushbu huquqlar amalga oshirilishini ta’minlash uchun zarur choralarni ko‘rishi lozimligi belgilangan[7].

Yuqoridagi tahlillar shuni ko‘rsatadiki, harbiy xizmatchilar va ularning oila a’zolarini ijtimoiy-huquqiy himoyalash masalasi global xavfsizlik muhitidagi o‘zgarishlar fonida ham xalqaro huquq normalarining, ham milliy konstitutsiyaviy tamoyillarning ustuvor yo‘nalishiga aylanmoqda. Xalqaro tajriba (AQSh, Rossiya, Germaniya, Fransiya, Qozog‘iston va boshqalar) tahlili shuni tasdiqlaydiki, harbiy oila instituti — mudofaa barqarorligining ajralmas elementi bo‘lib, zamonaviy harbiy siyosatda “strategik ijtimoiy resurs” sifatida qaraladi.

O‘zbekistonning Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi, Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risidagi xalqaro pakt va boshqa universal shartnomalarga qo‘shilganligi harbiy oilalarning ijtimoiy ta’minoti bo‘yicha davlatning konstitutsiyaviy majburiyatlarini belgilab qo‘yadi.

Demak, harbiy oilalarni qo‘llab-quvvatlashni xalqaro huquq tamoyillari bilan uyg‘unlashtirish, PQ-4447 kabi milliy me’yorlarni doimiy takomillashtirish, imtiyozlar tengligini ta’minlash va ijtimoiy kafolatlarning institutsional monitoringini yo‘lga qo‘yish — davlatning mudofaa salohiyatini mustahkamlashning zaruriy sharti hisoblanadi.

Bundan tashqari, harbiy oila institutini “ijtimoiy himoyaga muhtoj maxsus toifa” sifatida e’tirof etish, xalqaro indikatorlar va sotsial diagnostika yondashuvlari asosida qo‘llab-quvvatlash mexanizmlarini ishlab chiqish milliy harbiy siyosatning barqarorligi, kadrlar salohiyati va jamiyat xavfsizligi kafolatini yanada kuchaytiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. https://lex.uz/docs/6445145;

2. Gaziyev Sh.M. O‘zbekistonda harbiy xizmatchilarni ijtimoiy himoyalash: milliy - tarixiy asoslar. / Jamiyat va innovatsiyalar – Obshestvo i innovatsii – Society and innovations Special Issue -1, №02 (2020) / ISSN 2181-1415. – 560 b;

3. Voennoe pravo: Uchebnik / Pod red. N.I. Kuznesova. M.: VU, 1996. S. 70; Voennaya administrasiya: Uchebnik / Pod red. N.I. Kuznesova. M.: VU, 1998. S. 222;

4. “Inson huquqlari bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasining Milliy strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 22 iyundagi PF-6012-son farmoni // https://lex.uz/docs/4872355;

5. Vseobщaya deklaraцiya prav cheloveka Prinyata rezolюцiey 217 A (III) Generalnoy Assamblei OON ot 10.12.1948 g;

6. Mejdunarodnыy pakt ob эkonomicheskix, soцialnыx i kulturnыx pravax. Prinyat rezolюцiey 2200 A (XXI) Generalnoy Assamblei ot 16 dekabrya 1966 goda. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactecon.shtml;

7. Vseobщaya deklaraцiya prav cheloveka. Prinyata rezolюцiey 217 A (III) Generalnoy Assamblei OON ot 10 dekabrya 1948 goda. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml.

O‘ZBEKISTON VA YAPONIYANING BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTI DOIRASIDA BIR-BIRINI QO‘LLAB-QUVVATLASH SIYOSATI

Qoryog‘diyeva Dilfuza Baratovna,
Nizomiy nomidagi O‘zbekiston Milliy pedagogika universiteti tayanch doktoranti

Ma’lumki, Shavkat Mirziyoyev 2016-yilda Prezident lavozimiga kirishganidan so‘ng O‘zbekiston uning rahbarligida barqaror iqtisodiy rivojlanish sari yuz tutdi. Shu munosabat bilan O‘zbekiston va Yaponiya o‘rtasidagi ikki tomonlama munosabatlar keyingi yillarda tobora jadal rivojlanmoqda. Davlatimiz rahbarining 2019-yil dekabr oyida Yaponiyaga buyurgan tashrifi ikki tomonlama strategik sheriklik munosabatlarini sifat jihatidan yanada yuqori bosqichga ko‘tardi va turli sohalardagi hamkorlikni rivojlantirishda muhim bosqich bo‘ldi.

Har ikki davlat energetika va qishloq xo‘jaligi sohalarida yangi o‘zaro sheriklikni ilgari surmoqda va ikki davlat o‘rtasidagi ishbilarmonlik muhitini yanada yaxshilash, shuningdek, mintaqaviy va akademik aloqalarni mustahkamlash orqali keng ko‘lamli gumanitar almashinuvlarni amalga oshirishga harakat qilmoqda.

Ta’kidlash kerakki, Yaponiya Markaziy Osiyoning ahamiyatiga o‘z vaqtida e’tibor qaratgan holda, Yaponiya katalizator sifatida mintaqaviy hamkorlik jarayonini mustaqil olg‘a siljitish uchun davlatlarga shart-sharoit yaratish maqsadida 2004-yilda dunyoning boshqa davlatlaridan o‘zib, “Markaziy Osiyo+Yaponiya” muloqot formatini tashkil etdi. 20 yildan ortiq vaqt davomida uzluksiz amalga oshirilayotgan ko‘plab siyosiy muloqotlar va gumanitar almashinuvlar, jumladan, shu kungacha 9 marta o‘tkazilgan Tashqi ishlar vazirlari uchrashuvlari Yaponiya va Markaziy Osiyoni bog‘lovchi mustahkam bo‘g‘inga aylandi [1].

O‘zbekiston va Yaponiya nafaqat ikki tomonlama munosabatlarda balki, xalqaro munosabatlarda ham bir-birini qo‘llab-quvvatlab huquqiy asosini mustahkamlab kelmoqda. Bu borada, 2019-yilda O‘zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Yaponiyaga tashrifi O‘zbekiston bilan Yaponiya o‘rtasidagi ikki tomonlama hamkorlikni mustahkamlashga yangi, kuchli turtki berdi. O‘zbekiston Yaponiyani xalqaro tashkilotlar, jumladan, BMT doirasida hamisha qo‘llab-quvvatlab kelgan va bundan keyin ham qo‘llab-quvvatlaydi. Ayni paytda O‘zbekiston-Yaponiya munosabatlarini mustahkamlash va yangi mazmun bilan singdirish zarurligini davrning o‘zi taqozo etmoqda. Masalan, “Markaziy Osiyo plyus Yaponiya” formatidagi mintaqaviy hamkorlik doirasida iqtisodiy aloqadorlik, muqobil energetika, ekologiya sohalarida hamkorlikni chuqurlashtirish zarur. Bular O‘zbekiston uchun juda foydali bo‘lib, ularni sinchiklab o‘rganish va qabul qilish zarur: transport infratuzilmasini rivojlantirish tajribasi, innovatsiyalarni rag‘batlantirish uchun qonun

hujjatlarini ishlab chiqish, chiqindilarni boshqarish va atrof-muhitni muhofaza qilish mexanizmlarini ishlab chiqish zarurdir.

2019-yilga kelib, O‘zbekiston hududida Yaponiya sarmoyasi ishtirokida tashkil etilgan o‘nlab korxonalar faoliyat ko‘rsatgan, 15 ta yapon kompaniyasining vakolatxonalari akkreditatsiyadan o‘tgan. Iqtisodiy hamkorlik bo‘yicha O‘zbekiston-Yaponiya qo‘mitasining faoliyati ikki tomonlama hamkorlikni rivojlantirishga salmoqli hissa qo‘shib kelgan. YoGMEK, Misubishi, Itochu, Sumitomo, Marubeni, Isuzu va boshqa yetakchi yapon kompaniyalari O‘zbekistonda o‘z faoliyatini olib borayotgani bunga yaqqol misoldir.

Yaponiyalik ishbilarmonlar uchun O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlar va o‘zgarishlarni yuqori baholaydilar. Valyuta va soliq tizimini liberallashtirish, viza tartibini soddalashtirish kabi ko‘plab islohotlar O‘zbekistonda muvaffaqiyatli biznes uchun qo‘shimcha imkoniyatlar yaratganini alohida qayd etish joiz. Prezident Shavkat Mirziyoyevning Yaponiyaga birinchi rasmiy tashrifi ikki mamlakat ishbilarmon doiralari o‘rtasidagi o‘zaro manfaatli aloqalarni yangi darajaga olib chiqishga xizmat qildi va Yaponiya biznesining, shu jumladan, kichik va o‘rta biznesning mamlakatda investitsiya loyihalarini amalga oshirishda yanada faol ishtirok etishiga turtki bo‘ldi. 2019-yilda Yaponiya ishbilarmon doiralari bilan energetika, sanoat va qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilish, infratuzilma, ekologiya, sog‘liqni saqlash va boshqa sohalardagi qator qo‘shma loyihalarni amalga oshirish uchun umumiy qiymati 6,5 milliard dollarlik shartnomalar tuzilgani ham shundan dalolat beradi [2].

2021-yilga kelib, Iqtisodiy hamkorlikni rivojlantirishga Yaponiya xalqaro hamkorlik agentligi (JICA) va Yaponiya tashqi savdoni rivojlantirish tashkiloti (JETRO) salmoqli hissa qo‘shib kelmoqda.

Ikki tomonlama iqtisodiy hamkorlikni rivojlantirishda O‘zbekiston – Yaponiya va Yaponiya – O‘zbekiston qo‘mitalarining alohida o‘rni mavjud. Shu kungacha mazkur Qo‘mitaning 16 ta yig‘ilishlari o‘tkazilgan. O‘zbekistonda Yaponiya sarmoyasi ishtirokida 33 ta, jumladan 8 ta korxona 100 foiz Yaponiya kapitali asosida faoliyat yuritmoqda. Yaponiyaning 15 ta transmilliy kompaniyalari vakolatxonalari yurtimizda akkreditatsiyadan o‘tgan. Mazkur kompaniyalar neft-gaz, neft-kimyo va kimyo tarmog‘i, energetika jihozlari ishlab chiqarish, mashinasozlik va mashina texnika mahsulotlari, transport-logistika xizmatlari ko‘rsatish, savdo operatsiyalari, turizm sohasiga ixtisoslashgan [3].

Xalqaro tashkilotlar va institutlar doirasida ham konstruktiv hamkorlik yo‘lga qo‘yilgan. O‘zbekiston BMT Xavfsizlik kengashi doimiy a’zoligiga Yaponiya nomzodini izchil qo‘llab-quvvatlab kelmoqda. O‘z navbatida, rasmiy Tokio Toshkentning xalqaro tashabbuslarini ma’qullamoqda. Xususan, Yaponiya o‘zining

yadro quroliga ega bo‘lmagan davlat maqomidan kelib chiqib, Markaziy Osiyoda yadro qurolidan xoli hudud yaratish g‘oyasini jiddiy qo‘llab-quvvatlamoqda va rag‘batlantirmoqda.

2025-yilning 26–27 avgust kunlari O‘zbekistonda rasmiy tashrif bilan bo‘lgan Yaponiya Tashqi ishlar vaziri Takesi Ivaya 27-avgust kuni Toshkentda o‘zbekistonlik hamkori Baxtiyor Saidov bilan strategik muloqot shaklidagi ilk uchrashuvni o‘tkazdi. Yig‘ilishda siyosat, xavfsizlik, iqtisod, innovatsiya, ta’lim, sog‘liqni saqlash, energetika, transport-logistika, madaniyat va insonlar o‘rtasidagi aloqalar kabi qator yo‘nalishlarda uzoq muddatli va o‘zaro foydali hamkorlikni kengaytirish masalalari muhokama qilindi. Bayonotda qayd etilishicha, ikki tomon investitsion sheriklikni mustahkamlashga, yapon texnologiyalarini O‘zbekistonga joriy etishga va savdo-iqtisodiy aloqalarni diversifikatsiya qilishga tayyorligini bildirdi. Vazirlar, shuningdek, xalqaro tashkilotlar doirasidagi hamkorlikni kuchaytirish, xususan, BMT Xavfsizlik Kengashini kengaytirish bo‘yicha o‘zaro qo‘llab-quvvatlashni ta’kidlagan. Muloqot doirasida "C5+1" shakli ham samarali mintaqaviy platforma sifatida e’tirof etilgan. Takesi Ivaya tashrif davomida Prezident Shavkat Mirziyoyev bilan uchrashdi va Yaponiya Bosh vaziri Sigeru Ishibaning salomi hamda Mustaqillik kuni munosabati bilan yo‘llagan tabrigini yetkazdi. Strategik muloqot yig‘ilishlari ikki yilda bir marotaba navbatma-navbat Toshkent va Tokioda o‘tkazilishi rejalashtirilgan [4].

O‘zbekiston va Yaponiya BMT va boshqa xalqaro tashkilotlar doirasidagi hamkorlikni bugungi kunda ham faol rivojlantirmoqda. Darhaqiqat, O‘zbekiston va Yaponiya hamkorligi xuquqiy asoslarining tahlili ko‘rsatganidek, har ikki tomon vakillarining keng ishbilarmonlik formati, Toshkent va Tokioda navbatma-navbat o‘tkazilayotgan uchrashuvlarning muntazamligi hamkorlar o‘rtasida o‘zaro xabardorlikka, ikki davlatning yirik korxonalari, moliya institutlari va xususiy tadbirkorlari o‘rtasidagi to‘g‘ridan-to‘g‘ri aloqalarni mustahkamlashga xizmat qilishi shubhasiz.

Ta’kidlash joizki, tomonlar terrorizmning barcha shakllari va ko‘rinishlarini keskin qoralaydilar hamda mintaqaviy barqarorlik va xavfsizlikni ta’minlash, xususan, terrorizm, zo‘ravon ekstremizm, giyohvand moddalarning noqonuniy savdosi, uyushgan jinoyatchilik va Markaziy Osiyo mintaqasiga qaratilgan boshqa tahdidlarga qarshi kurashish masalalarida maslahatlashuvlar va aloqalarni davom ettirish muhim. Shuningdek, mazkur masalalar 2020-yilning aprel oyida Yaponiyada o‘tkaziladigan BMTning jinoyatchilikning oldini olish va jinoiy sudlov bo‘yicha o‘n to‘rtinchi kongressi (The Kyoto Congress) kun tartibiga kiritilganini qo‘llab-quvvatlaydilar.olqishladilar [5].

Xalqaro maydonda hamkorlik doirasida O‘zbekiston va Yaponiya qonun ustuvorligi, mintaqa va dunyoda tinchlik, barqarorlik, hamkorlik va farovonlikni

ta’minlash uchun BMT Nizomi va xalqaro huquqning fundamental prinsiplariga, shuningdek, davlatlar mustaqilligi va suverenitetini hurmat qilishga asoslangan erkin va ochiq dunyo tartibiga rioya qilishni muhim deb biladilar. Tomonlar ushbu maqsadlarga erishishga ko‘maklashadigan hissa va sa’y-harakatlarni olqishladilar. Shuningdek, O‘zbekiston va Yaponiya BMT Xavfsizlik Kengashini yuqori vakillikni ta’minlaydigan va XXI asr xalqaro hamjamiyatidagi haqiqiy vaziyatni aks ettiradigan yanada samarali organga aylantirish maqsadida islohotlarning muhimligini yana bir bor tasdiqlaydilar. Ikki tomon matnlar asosida muzokaralarni zudlik bilan boshlash muhimligini ta’kidlab, BMT Xavfsizlik Kengashining islohotlarini tezkor amalga oshirish bo‘yicha hukumatlararo muzokaralarni samarali davom ettirish, shu jumladan, ham doimiy, ham doimiy bo‘lmagan a’zolar sonini kengaytirish yo‘lida qat’iy ekanliklarini bildiradilar.

O‘zbekiston tomoni Yaponiyani BMT Xavfsizlik Kengashining doimiy a’zolari safiga qo‘shilishini qo‘llab-quvvatlashini yana bir bor ta’kidladi, Yaponiya tomoni esa O‘zbekiston Respublikasiga davomli qo‘llab-quvvatlab kelayotgani uchun minnatdorlik bildirdi.

Ta’kidlash joizki, Yaponiya hukumati Markaziy Osiyo mamlakatlarining ixtiyoriy kelishuvlariga asoslangan Markaziy Osiyoda yadro qurolidan xoli zona to‘g‘risidagi Shartnoma yadro qurolini tarqatmaslik rejimini mustahkamlash, mintaqaviy va xalqaro tinchlik va xavfsizlikni ta’minlash yo‘lidagi muhim qadam ekanligini ta’kidladi.

Xususan, O‘zbekiston va Yaponiya davlati BMT Xavfsizlik Kengashining tegishli rezolyusiyalariga to‘liq rioya qilish hamda ushbu rezolyusiyalardagi majburiyatlarga muvofiq jahon mamlakatlarining barcha ommaviy qirg‘in qurollari va har qanday masofali ballistik raketalardan butunlay, tekshiruv ostida va qaytarilmas tarzda voz kechishga chaqiradi.

Xulosa qilib aytganda, O‘zbekiston uchun Yaponiya Osiyo-Tinch okeani mintaqasidagi eng muhim hamkorlaridan biridir. Yaponiya, o‘z navbatida, O‘zbekistonga Markaziy Osiyoda barqarorlik va xavfsizlikni ta’minlovchi mintaqaviy davlat sifatida qaraydi. Yaponiyadan nufuzli parlamentariylar, siyosiy partiyalar rahbarlari va biznes rahbarlari respublikaga muntazam tashrif buyurishi ikki davlat hamkorligini har tomonlama mustahkamlashga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. https://yuz.uz/news/yaponiya-ozbekistonning-ishonchli-hamkori-va-dosti-bolib-qolmoqda 15.10.2025

2. https://isrs.uz/uz/maqolalar/uzbekistan-i-aponia-sotrudnicestvo-osnovannoe-na-vzaimovygodnyh-interesah 15.10.2025

3. https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-va-yaponiya-hamkorligi-tobora-rivozhlanib-bormoqda_297358 15.11.2025

4. O‘zbekiston va Yaponiya strategik muloqotni yo‘lga qo‘ydi // https://darakchi.uz/oz/204547 15.11.2025.

5. https://old.gov.uz/uz/news/view/25667 15.11.2025

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ СОҲАДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

И.М.Куллиев,
Жамоат хавфсизлиги Университети мустақил изланувчиси

Аннотация: *Мазкур тезисда Янги Ўзбекистонда ҳарбий соҳада халқаро ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Мудофаа доктринаси ва миллий қонунчилик асосида мамлакатнинг миллий хавфсизлик стратегияси ҳамда халқаро муносабатлардаги устувор йўналишлари ёритилган. Миллий гвардия ва Давлат хавфсизлик хизмати фаолияти, БМТ ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик тажрибаси мисолида Ўзбекистоннинг глобал хавфсизликка қўшаётган ҳиссаси кўрсатилган. Шу билан бирга, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва янги таҳдидларга қарши самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича таклифлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *Ўзбекистон, Янги Ўзбекистон, ҳарбий ҳамкорлик, мудофаа доктринаси, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, халқаро ҳуқуқ, терроризмга қарши кураш, киберхавфсизлик, БМТ.*

Аннотация: *В тезисе рассматриваются организационно-правовые основы международного военного сотрудничества в Новом Узбекистане. Анализируются положения Оборонной доктрины и националного законодателства, определяющие стратегию националной безопасности и ключевые направления внешних отношений страны. На примере деятелности Националной гвардии и Службы государственной безопасности, а также взаимодействия с ООН и регионалными организациями показан вклад Узбекистана в укрепление глобалной безопасности. Особое внимание уделено предложениям по совершенствованию законодателства и повышению эффективности международного сотрудничества в условиях новых угроз.*

Ключевые слова: *Узбекистан, Новый Узбекистан, военное сотрудничество, оборонная доктрина, Националная гвардия, Служба государственной безопасности, международное право, борба с терроризмом, кибербезопасност, ООН.*

Abstract: *This thesis analyzes the organizational and legal foundations of international military cooperation in New Uzbekistan. It examines the Defense Doctrine and national legislation shaping the country's national security strategy and key directions in foreign relations. Through the examples of the National Guard, the State Security Service, and cooperation with the United Nations and regional organizations, Uzbekistan's contribution to global security is highlighted. The paper also puts forward proposals for improving legislation and strengthening effective cooperation in addressing emerging security threats.*

Key words: *Uzbekistan, New Uzbekistan, military cooperation, defense doctrine, National Guard, State Security Service, international law, counterterrorism, cybersecurity, United Nations.*

Жаҳонда хавфсизлик муҳити тобора динамик тус олмоқда. Терроризм, диний экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва кибертаҳдидлар каби омиллар давлатларни ўз миллий хавфсизлик стратегияларини қайта кўриб чиқишга мажбур этмоқда. Бундай шароитда ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлик нафақат тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, балки миллий армияларнинг жанговар тайёргарлик даражасини юксалтиришда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсатининг устувор йўналишлари 2018 йилда тасдиқланган Мудофаа доктринасидан ўрин олган бўлиб, унда хавфсизликни таъминлашда очиқлик принципи ва қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка алоҳида урғу қаратилган. Институтлар стратегик таҳлилий тадқиқотлари марказининг хулосаларида таъкидланганидек, миллий мудофаа сиёсати замонавий, ҳаракатчан ва яхши жиҳозланган армия қуриш, халқаро ва минтақавий хавфсизлик тузилмалари билан муносабатларни кенгайтириш ҳамда эҳтимолий таҳдидларга тайёргарликни кучайтиришга йўналтирилган.

Президент *Шавкат Мирзиёев* ҳам мазкур доктрина доирасида, кескин ўзгариб бораётган геосиёсий шароитда Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва уларнинг жанговар салоҳиятини ошириш энг муҳим вазифа сифатида қўйилишини таъкидлаган. Шу жиҳатдан, халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон мудофаа сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Шу ўринда, халқаро ҳамкорликнинг аҳамиятини тушуниш учун Ўзбекистоннинг геосиёсий мавқеига эътибор қаратиш лозим. Марказий Осиёнинг марказида жойлашган республика Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан чегарадош бўлиб, минтақадаги ҳар қандай ноустуворлик тўғридан-тўғри унга таъсир қилади.

Тожикистондаги фуқаролик уруши даврида 1993 йилда Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари МДҲ Коллектив тинчликпарвар кучларини тузишга қарор қилиб, давлат чегараларини барқарорлаштириш ва инсонпарварлик ёрдамини қўллаб-қувватлаш вазифасини белгиладилар[1]. БМТнинг махсус миссияси ҳам Ўзбекистон ташаббуси билан Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги вазиятни ўрганиш учун юборилган эди[2]. Бу тажриба халқаро тинчликпарварлик операцияларида миллий армиянинг иштирокини ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганлиги билан муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги 1991 йил 6 сентябрда "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тузиш ҳақида"ги фармон билан таъсис этилган бўлиб, 1992 йил 3 июлдаги президент фармони билан собиқ Совет армияси бўлинмаларини мамлакат юрисдикциясига ўтказиш ва миллий армия тузиш жараёни бошланган[3].

Шу тариқа, авиация, десант қўшинлари ва бошқа махсус бўлинмалар ўзбек армиясининг таркибига киритилди. Биринчи Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, янги қуролли кучлар ички ва ташқи таҳдидларга муносиб жавоб бера оладиган тизим асосида шакллантирилди[4]. Ҳарбий ислоҳотлар мамлакат иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш билан узвий боғлиқ бўлиб, миллий хавфсизлик ва тинчликни сақлашга хизмат қилади. Мудофаа вазирлиги халқаро ҳамкорликдаги асосий орган сифатида қўшма ўқув машғулотларини ташкил этиш, ҳарбий-техник ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хорижий тажрибани жорий этиш вазифасини бажаради.

Мудофаа вазирлиги таркибида қуролли кучларнинг бир неча турлари – Қуролли Кучлар, Олий ҳарбий таълим муассасалари, ҳарбий округлар ва махсус қисмлар мавжуд. "Мудофаа тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига кўра, Қуролли Кучлар давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлик, аҳоли тинчлигини ҳимоя қилиш учун тузилган бўлиб, уларнинг низом фаолияти қонунчиликда белгилаб қўйилган[5]. Ҳарбий қурилиш марказлаштирилган раҳбарлик, қонунчиликка риоя қилиш, жанговор шайлик ва қонунга бўйсуниш тамойилларига таянади. Бу қонун

---

[1] https://peacekeeping.un.org/sites/default/files/past/unmot/UnmotB.htm#:~:text=,required%20for%20the%-20foregoing%20purpose

[2] Early United Nations involvement / peacekeeping.un.org.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 3 июлдаги ПФ-434-сон "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисида»ги фармони / https://lex.uz/docs/172877.

[4] Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишни таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. -Т.17. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

[5] O'zbekiston Respublikasining 2001-yil 11-maydagi 211-II-son "Mudofaa to'g'risida"gi qonuni (yangi tahriri) / https://lex.uz/docs/-108083.

ижроси халқаро ҳамкорликка тайёр туриш, ҳарбийлар малакасини ошириш ва замонавий қуроллар билан таъминлашни назарда тутади.

2017 йилда Ўзбекистонда Миллий гвардия тузилди. У жамоат тартибини таъминлаш, махсус операциялар ўтказиш ва стратегик объектларни муҳофаза қилиш билан шуғулланади. “Миллий гвардия тўғрисида”ги қонун 2020 йил 18 ноябрда қабул қилинган ва 2021 йил 22 майдан кучга кирган. Миллий гвардия фаолияти олий қонунчилик, президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари билан тартибга солинади. Илмий мақолаларда таъкидланганидек, Миллий гвардия тузилгандан сўнг унинг ҳуқуқий асослари асосан Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Миллий гвардия қўмондони буйруқларида акс этган. 2020 йилги қонун кучга киргунга қадар хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси тегишли ҳужжатлар орқали таъминланган.

Бюридик олим Ш.Газиевнинг таъкидлашича, қонун қабул қилинишигача 6 кодекс, 25 га яқин қонун, 71 президент фармони ва 100 га яқин ҳукумат қарорлари Миллий гвардия фаолиятини ҳуқуқий таъминлашини кўрсатган[1]. Бу турли ҳужжатларнинг мавжудлиги Миллий гвардияни модернизация қилиш ва унинг халқаро ҳамкорликдаги ролини мустаҳкамлаш учун кенг ҳуқуқий майдон яратди.

Миллий гвардия халқаро ҳамкорликни фаол кенгайтирмоқда. Мудофаа вазирлигига қарашли миллий гвардия сайтида 2021 йилда АҚШнинг Миссисипи штати Миллий гвардияси қўмондони Ж. Бойлз билан онлайн мулоқот ўтказилгани ва ҳамкорликнинг янги йўналишлари белгилаб олингани хабар қилинди[2]. Унда икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ҳамкорлик ривожланиб, 2022 йилда қўшма тадбирлар ўтказишга келишиб олинган. Миллий гвардия хизматчилари АҚШ, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар Миллий гвардиялари билан ўзаро тажриба алмашиш, махсус тайёргарлик курсларини ўташ ва қўшма амалий машқларда иштирок этиш орқали кўникмаларини оширмоқда.

Давлат хавфсизлик хизмати (ДХХ) Ўзбекистонда миллий хавфсизлик ва терроризмга қарши курашнинг асосий институтидир. “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунда терроризм тушунчаси, асосий тамойиллар ва давлат органларининг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган. Қонуннинг 7-моддасида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлиги ҳақида: “Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорлиги хорижий давлатлар, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, махсус хизматлари ва халқаро

[1] Gaziev Sh., Issues of social protection of National guard servicemen in the concept of public security / NOVATEUR PUBLICATIONS / JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal / ISSN No: 2581 – 4230 / VOLUME 8, ISSUE 1, Jan. -2022. – P. 29.

[2] milliygvardiya.uz

ташкилотлар билан тегишли халқаро шартномалар асосида амалга оширилади”[1] деб ёзилган. Бу норма ДХХнинг хорижий ҳамкорлар билан ахборот алмашиш, қўшма амалиётлар ўтказиш ва терроризмга қарши глобал механизмларга қўшилишини таъминлайди. Ҳужжатнинг мазкур қисми халқаро шартномалар миллий қонун устидан устун эканини кўрсатиб, қонундаги ҳуқуқий механизмлар ўз-ўзини ҳимоя ва коллектив хавфсизлик ҳуқуқига асосланади.

ДХХ вазифалари орасида террорчилик хавфларини бартараф этиш, жосуслик ва диверсия фаолиятини ошкор этиш, махсус хизматлар билан ҳамкорлик қилиш ва давлат сирларини муҳофаза қилиш бор. Давлат хавфсизлик хизмати миллий қонунлар ва халқаро конвенциялар асосида, шу жумладан БМТнинг “Халқаро терроризмга қарши кураш” конвенцияси[2]га асосланиб ҳаракат қилади. ДХХ хизматчилари Россия Федерал хавфсизлик хизмати, Қозоғистон Миллий хавфсизлик қўмитаси, Хитой Давлат хавфсизлик вазирлиги ва АҚШ Марказий разведка бошқармаси каби хорижий ҳамкорлар билан ахборот алмашиш ва ўқув-тажриба курсларини амалга ошириб келмоқда.

Мудофаа доктринасининг “Мудофаани ташкил этиш” моддасида давлат органларининг вазифаларига “фуқаро ва ҳудудни ҳарбий тажовуздан ҳимоя қилиш учун мувофиқ давлат сиёсатини амалга ошириш; таҳдидларни мониторинг қилиш; қуролли кучларни қуриш ва уларни замонавий қуроллар билан таъминлаш; халқаро тажриба ва аҳамиятига эга ахборотларни ўрганиш ва жорий этиш; аҳолининг ҳарбий-патриотик тарбиясини йўлга қўйиш” киритилган[3]. Шу тариқа, ҳарбий соҳадаги институционал ҳамкорлик марказлашган тарзда ташкил этилган ва барча органлар ўзаро интеграцияланган тарзда фаолият юритади.

Ўзбекистон Конституциясининг ХХВИИ бобида “Мудофаа ва хавфсизлик” масалалари баён этилган. 152-моддада Қуролли Кучлар давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва аҳолининг осойишта ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилгани ва уларнинг таркиби ва ташкил этилиш тартиби қонун билан белгиланиши қайд этилган[4]. 153-моддада республикада мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлаш учун этарли Қуролли Кучлар мавжудлиги таъкидланади[5]. Бу конституциявий нормалар миллий армиянинг вазифаларини

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎРҚ-167-II-сон қонуни / https://lex.uz/acts/19015.

[2] International Convention for the Suppression of the Financing of Terrorism / https://www.un.org/law/cod/finterr.htm?utm_source.

[3] O‘zbekiston Respublikasining 2001-yil 11-maydagi 211-II-son “Mudofaa to‘g‘risida”gi qonuni (yangi tahriri) / https://lex.uz/docs/-108083.

[4] O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi / https://constitution.uz/oz/clause/index#:~:text=152

[5] Ўша манба.

белгилаб, халқаро ҳамкорликни амалга оширишда миллий қонунчилик асосини яратади.

“Мудофаа тўғрисида”ги қонун[1] давлатнинг мудофаа сиёсатига доир асосий принципларни белгилайди. Қонуннинг 4-моддасида асосий принциплар келтирилган: бошқа давлатга қарши ҳарбий куч қўлланмаслик, агрессияни олдини олиш ва уни қайтариш; халқаро шартномалар асосида коллектив хавфсизлик тизимларида иштирок этиш; ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик; замонавий урушлар табиатига мос равишда ҳарбий қурилиш олиб бориш; ядровий ва оммавий қирилиш қуролларини рад этиш; Қуролли Кучлар, иқтисодиёт ва аҳолининг тайёрлиги ва мавжуд инфратузилмани таъминлаш; ҳарбий хизматнинг шарафини таъминлаш ва бошқалар[2]. 5-моддада мудофаа ташкил этишнинг вазифалари янада тавсифланиб, ҳарбий қурилиш, стратегик режалаштириш, меҳнат ва иқтисодий ресурслар тайёрлиги, илмий-техник базани ривожлантириш ва аҳолига ҳарбий-патриотик таълим бериш назарда тутилади[3]. 23-моддада эса мудофаа соҳасида халқаро ҳамкорлик ҳақида алоҳида норма мавжуд: “Ўзбекистон Республикаси умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланиб, индивидуал ва коллектив ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини тан олиш асосида бошқа давлатлар билан ҳарбий қурилиш, тинчлик ва хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилади”[4]. Бу нормалар халқаро шерикликка очиқликни, лекин миллий манфаатлар асосида ҳаракат қилишни назарда тутади.

Юқорида келтирилган қонунчилик нормаларидан ташқари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ҳам халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Масалан, Президент Мирзиёев томонидан 2021 йил 29 ноябрда қабул қилинган ПФ-27-сонли “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон[5] билан Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси тасдиқланиб, Миллий гвардия ва ички ишлар органлари фаолиятини яхшилаш, хорижий тажриба ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш вазифалари белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон парламент фаолиятида ҳам халқаро шартномаларга оид қонунлар ратификация қилиниб, БМТ конвенциялари, ШҲТ, МДҲ ва КХШТнинг тегишли шартномалари доирасида халқаро ва минтақавий ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда.

---

[1] O‘zbekiston Respublikasining 2001-yil 11-maydagi 211-II-son “Mudofaa to‘g‘risida”gi qonuni (yangi tahriri) / https://lex.uz/docs/-108083.

[2] Ўша манбаа. 4-модда.

[3] Ўша манбаа. 5-модда.

[4] Ўша манбаа. 23-модда.

[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрда қабул қилинган ПФ-27-сонли “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон

Ўзбекистон терроризмга қарши курашни миллий хавфсизликнинг устувор йўналишларидан бири деб белгилаган. 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун[1]да терроризмнинг мазмун-мохияти, молиялаштириш, террористик гуруҳлар ва уларга қарши кураш чора-тадбирлари билан боғлиқ нормалар белгиланган.

Қонуннинг 7-моддасида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлиги хусусан “терроризмга қарши курашиш соҳасида хорижий давлатлар, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, махсус хизматлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик халқаро шартномаларга мувофиқ амалга оширилади”[2] деган талаб мавжуд. Бу норма халқаро шартномаларнинг устунлигини ва терроризмга қарши курашда амалий ҳамкорликни назарда тутади.

Терроризмга қарши қонун барча давлат органларини ўз ваколати доирасида кураш чораларини амалга оширишга мажбур этади. Бунда ДХХ, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамкорликда ҳаракат қилади. Қонуннинг 4-моддасида терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари сифатида қонунийлик, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, профилактика чоралари, жазони муқаррарлиги ва очиқ-яширин усулларнинг мувофиқлиги кабилар қайд этилган[3]. Шу сабаб, халқаро ҳамкорликда ҳам инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ҳурмат қилиниши асосий қоидалардан бири ҳисобланади.

Ҳарбий соҳадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган асосий тамойиллари БМТ Низомининг 2-моддаси ва 1970 йилда қабул қилинган “Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги тўғрисидаги Декларация”да ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонлик ҳуқуқшунослар таъкидлаганидек, халқаро ҳуқуқнинг бош принциплари қуйидагилардан иборат: қувват ишлатмаслик ва ишлатиш таҳдидига йўл қўймаслик; халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш; давлатлар ички ишларига аралашмаслик; давлатлар ўртасида ҳамкорлик қилиш; давлатларнинг суверен тенглиги; халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи; халқаро мажбуриятларни сидқидилдан бажариш; чегараларни бузмаслик ва давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш; инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва бошқалар. Шу мақолада таъкидланганидек, мазкур тамойиллар Ўзбекистон Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎРҚ-167-II-сон қонуни / https://lex.uz/acts/19015.

[2] Ўша манбаа. 7-модда.

[3] Ўша манбаа. 4-модда.

сентябрдаги ЎРҚ-330-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун[1]да акс этган.

Ўзбекистоннинг Конституцияси юқоридаги принципларга уйғун. Мисол учун, 17-моддада давлатнинг халқаро муносабатларда бошқа давлатларнинг суверен тенглигини тан олиши, ўзаро манфаат, тинчликпарварлик ва давлатлар ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланиши қайд этилган[2]. "Мудофаа тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддаси ҳам ушбу принципларни қайторган ҳолда, Ўзбекистоннинг ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик ва ядровий қуроллардан воз кечиш сиёсатини белгилайди[3]. Бу эса халқаро ҳуқуқнинг "кучи ишлатмаслик" ва "ўзини-ўзи ҳимоя қилиш" принципларига уйғундир.

БМТ Низомининг 51-моддаси давлатларга ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ёки коллектив ҳимоя қилиш ҳуқуқини беради. "Мудофаа тўғрисида"ги қонунда ушбу ҳуқуқ қонунан мустаҳкамланиб, зарурат пайдо бўлганда Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларини фақат ҳимоя мақсадида ишлатиши мумкинлиги белгиланган. Шу билан бирга, қонунда ўзини-ўзи ҳимоя қилишдан ташқари, халқаро шартномалар асосида колектив хавфсизлик тизимларига иштирок этиш имкони ҳам кўзда тутилган. Булар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ), МДҲ коллектив хавфсизлик шартномаси ва Қўшма Ҳарбий Доктрина каби келишувларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон қонунчилигида халқаро шартномаларнинг устуворлиги принципи мустаҳкамланган. Конституциянинг 17 ва 20-моддаларида халқаро шартномалар республика ҳуқуқ тизимининг ажралмас қисми экани қайд этилган[4]. "Мудофаа тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида эса халқаро шартномалар қонундан устун эканлиги белгиланган: "Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бу қонунда белгиланганидан фарқли қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади"[5]. Шу норма халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни миллий қонунчиликка интеграция қилишда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон халқаро ҳарбий ҳамкорликни фақат мудофаа соҳасида эмас, балки инсон ҳуқуқлари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларида ҳам ривожлантирмоқда. Бунда халқаро шартномалар,

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-330-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун / / https://lex.uz.

[2] O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi / https://constitution.uz/oz/clause/index#:~:text=152

[3] O'zbekiston Respublikasining 2001-yil 11-maydagi 211-II-son "Mudofaa to'g'risida"gi qonuni (yangi tahriri) / https://lex.uz/docs/-108083.

[4] O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi / https://constitution.uz/oz/clause/index#:~:text=17.

[5] O'zbekiston Respublikasining 2001-yil 11-maydagi 211-II-son "Mudofaa to'g'risida"gi qonuni (yangi tahriri) / https://lex.uz/docs/-108083.

конвенциялар ва битимларнинг миллий ҳуқуқ тизимида кучга кириши ва уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Масалан, БМТ билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон ядровий қуроллардан воз кечиш ва Марказий Осиёни ядровий қуроллардан ҳоли зонага айлантириш тўғрисидаги шартномани ратификация қилди. Шунингдек, болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Конвенция ва бошқа глобал ҳужжатлар миллий қонунлар билан уйғунлаштирилди.

Халқаро ҳарбий ҳамкорликнинг энг кўриниши ҳарбий машқлар ва ўқувлардир. Ўзбекистон бир қатор давлатлар билан доимий равишда қўшма машқлар ўтказиб, ҳарбийлар малакасини оширади, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди. 2024 йил апрел ойида Ўзбекистон ва Ҳиндистон "Дўстлик-2024" деб номланган қўшма ҳарбий машқларнинг бешинчи босқичини Термез полигонида ўтказди[1]. Хабарига кўра, мазкур машқларда ҳар икки томондан 45 нафар хизматчи қатнашди, иштирокчилар терроризм ва қонунбузарликка қарши биргаликда ҳаракат қилиш, импровизация қилинган портловчи қурилмалардан ҳимояланиш ва тоғли ҳамда ўрмонли ҳудудларда қидирув-йўқ қилиш амалиётларини бажариш каби вазифаларни бажардилар. Бундай машқлар икки мамлакат ўртасидаги стратегик муносабатларни мустаҳкамлайди, қўшма олий ҳарбий таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва офицерлар ўқувини йўлга қўйишга асос яратади.

Қозоғистон билан ҳамкорлик ҳам фаол кечмоқда. 2024 йил май ойида "Ашик Аспан-2024" деб номланган халқаро оператив-тактик штаб машқлари ўтказилди. Бу машқларда авиасозлик қўшинлари, армия авиацияси ва ҳаво мудофаа кучлари иштирок этди. Улар давлат чегараси ёки ҳаво фазосининг бузилиши ҳолатларида ҳамкорликни амалга ошириш, қўшма ҳаво мудофааси кучларини бошқариш, қўшни давлатлар – Қирғизистон ва Тожикистон билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш тартибини ўргандилар[2].

Россия билан ҳарбий соҳада ҳамкорлик ҳам янги босқичга кўтарилган. 2025 йил июл ойида "Ҳамкорлик-2025" (Ҳамкорлик-2025) деган қўшма ҳарбий машқлар Термезда бошланди. Бу машқларда Ўзбекистон ва Россиядан келган махсус қўшинлар, дрон ва ҳужумчи вертолётлар қатнашгани, машқлар давлат чегарасини бузган қонуний қуролланган гуруҳларни аниқлаш ва уларни йўқ қилиш, аҳоли пунктларида ҳужум қилган душманни тор-мор этиш, ҳамда чегара ҳудудларидаги объектларни озод этишга йўналтирилгани маълум қилинган. Бу машқлар чўл шароитида жанг ҳаракатларини амалга ошириш, қўшма тактик

[1] Ўзбекистон ва Ҳиндистон яна қўшма ҳарбий машғулотлар ўтказди / gazeta.uz.
[2] Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳаво ҳудудини ҳимоя қилиш бўйича қўшма машқ ўтказмоқда / batafsil.uz

ҳаракатларни режалаштириш ва янги дрон технологияларидан фойдаланиш бўйича тажриба алмашиш мақсадида ўтказилган.

2025 йил 22 январда Россия ва Ўзбекистон мудофаа вазирлари 2025 йилга мўлжалланган ҳамкорлик режасини имзолаган бўлиб, унда 50 га яқин қўшма тадбирлар, машқлар ва тажриба алмашиш кўзда тутилгани ва 2026–2030 йиллар учун стратегик ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилгани таъкидланади.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги "Давлат шериклик дастури" (Стате Партнершип Програм) доирасида Миссисипи штати Миллий гвардияси билан ўзаро ҳамкорлик 13 йилдан буён амалга оширилмоқда. АҚШ Армияси расмий сайтида қайд этилганидек, мазкур шериклик доирасида юзлаб раҳбарлар учрашувлари, ҳарбий алмашинувлар ва машқлар ташкил этилган, дастур ҳар бир штат Миллий гвардиясини шерик давлатнинг армияси, хавфсизлик кучлари ва фалокатларга жавоб бериш тизими билан боғлайди[1]. Миссисипи Миллий гвардияси қўмондони генерал-маёр Бобби М. Гинн бу шериклик "ижодий ишонч, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатга айланди, бу эса тайёргарлик, фалокатларга жавоб бериш ва маданий алоқаларни кучайтиришга ёрдам беради" деб таъкидлаган[2]. Дастур доирасида Ўзбекистон Миллий гвардияси ва қутқарув хизматлари АҚШда ўқувлардан ўтиш, табиий офатларга тайёргарлик ва рақамли йўналишда ахборот алмашиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон кўп томонлама машқлар орқали ҳам минтақавий хавфсизликни мустаҳкамламоқда. 2022 йил августда Душанба шаҳрида ўтказилган "Регионал Сооператион 2022" машқлари АҚШ Марказий қўмондонлиги томонидан ташкил этилди ва унда Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Монголия, Покистон ва Ўзбекистон қатнашди. Ушбу машқлар кўп миллатли стабиллик операциялари, терроризмга қарши кураш ва регионал хавфсизликни оширишга қаратилган бўлиб, иштирокчиларнинг қуролли кучлари ўртасида ўзаро амалга ошириладиган ҳамкорлик ва маълумот алмашувини ривожлантиришга хизмат қилди[3]. Бунда таъкидланганидек, машқлар ҳамкор давлатларнинг қўшма амалларини мувофиқлаштириш, оммавий қирилиш қуролларининг тарқалишининг олдини олиш, терроризмга қарши кураш ва тинчликпарварлик операцияларини муваффақиятли ташкил этиш имконини оширади.

Ўзбекистон БМТ билан ҳамкорликни стратегик даражага кўтарган. 1993 йилда Тожикистонда МДҲ Коллектив тинчликпарвар кучлари тузилганда, Ўзбекистон ҳамкор давлатлар билан биргаликда бу кучларнинг мандатига

[1] Mississippi Guard Honors Partner Uzbekistan's Armed Forces / https://www.army.mil/article/283738/mississippi_guard_honors_partner_uzbekistans_armed_forces#/

[2] Mississippi Guard Honors Partner Uzbekistan's Armed Forces / https://www.army.mil/article/283738/mississippi_guard_honors_partner_uzbekistans_armed_forces#/

[3] News | Aug. 10, 2022 | REGIONAL COOPERATION 2022 Military Exercise Begins in Dushanbe | U.S. Embassy in Tajikistan / https://www.centcom.mil/MEDIA/NEWS-ARTICLES/.

чегарани барқарорлаштириш ва инсонпарварлик ёрдамини таъминлаш вазифаларини киритди. Ўша йиллари БМТнинг Тожикистондаги миссияси (УНМОТ) жорий этилиб, Биринчи президент Ислам Каримовнинг таклифи билан БМТ расмийлари Ўзбекистон ва Тожикистонда фактларни ўрганиш ва халқаро жамоатчилик ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун махсус гуруҳ юборган[1]. Бу миссиялар тинчликпарварлик операцияларида Ўзбекистоннинг мураккаб ролини кўрсатди.

Бугунги кунда Ўзбекистон БМТнинг кўплаб дастурлари ва агентликлари билан ҳамкорлик қилади. 2025 йил август ойида Президент администрацияси маълумотларига кўра, Ўзбекистон ва БМТ ўртасида 160 га яқин қўшма дастур ва лойиҳа амалга оширилаётгани ва мамлакат ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясида 13 та резолюция қабул қилингани қайд этилган[2]. 2024 йил 1 июл куни БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида ҳамкорликнинг барча соҳалари бўйича музокаралар ўтказилди ва 140 та қўшма дастур муваффақиятли амалга оширилаётгани маълум қилинди[3]. Шунингдек, мамлакат БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭСОСОС) аъзоси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти бошқарув органига сайланди[4]. Бу ҳаракатлар халқаро майдонда Ўзбекистоннинг нуфузини оширади ва ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик учун илғор платформа яратади.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, республика мустақиллик йилларида ўз миллий армиясини шакллантириб, уни замонавий талаблар даражасига этказишга ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга катта эътибор бермоқда. Конституция ва асосий қонунлар миллий мудофаа сиёсатининг тамойилларини белгилаб, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, халқаро шерикликка очиқликни таъминлайди. “Мудофаа тўғрисида”ги қонунда агрессияга йўл қўймаслик, ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик ва ҳимоявий характердаги ҳамкорлик асосий принциплар сифатида белгиланган, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун эса халқаро террористик таҳдидларга қарши биргаликда курашиш ва мажбуриятларни бажаришни назарда тутади. Миллий гвардия ва ДХХ каби ташкилотлар халқаро ҳамкорликда муҳим рол ўйнаётгани кузатилмоқда. Миллий гвардия Миссисипи Миллий гвардияси билан стратегик шериклик ўрнатган ва қўшма машқларда фаол иштирок этмоқда.

[1] Civil War / https://peacekeeping.un.org/sites/defaultto

[2] O‘zbekiston va BMT o‘zaro manfaatli hamkorlikni kengaytirish / president.uz.

[3] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 1 iyul kuni Ko‘ksaroy qarorgohida rasmiy tashrif bilan mamlakatimizda bo‘lib turgan Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh kotibi Antoniu Guterrishni qabul qildi. / https://uzbekistan.org/.

[4] O‘zbekiston BMT va uning institutlari bilan hamkorlikni faol oshirmoqda / https://uzbekistan.org/.

Амалий мисоллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Ҳиндистон, Қозоғистон, Россия ва АҚШ каби давлатлар билан қатор ҳарбий машқлар ўтказиб, терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, чегара хавфсизлигини таъминлаш, ҳаво мудофааси ва махсус операцияларни режалаштириш борасида тажриба алмашмоқда.

Кўп томонлама тадбирлар, айниқса “Регионал Сооператион 2022” машқи Марказий Осиёдаги давлатлар ва АҚШ ўртасида ўзаро ишонч ва ўқув алоқаларини кучайтирди. БМТ билан ҳамкорлик кенг кўламда олиб борилаётгани, бир неча юзта қўшма лойиҳа ва резолюциялар қабул қилингани мамлакатнинг халқаро нуфузини оширмоқда.

Шунга қарамасдан, ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар билдириш мумкин:

Биринчидан, Қонунчиликни тартибга солиш ва тизимлаштириш. Миллий гвардия ва бошқа ҳарбий тузилмалар фаолияти кўплаб фармон ва қарорлар билан тартибга солинаётгани маълум. Ушбу ҳужжатларни тизимлаштириб, ягона “Миллий хавфсизлик кодекси” ёки “Ҳарбий кодекси”ни қабул қилиш, халқаро ҳамкорлик жараёнларини ҳам умумий ҳужжатга киритиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, махсус тайёргарлик ва тил биландалигини ошириш. Халқаро машқларда иштирок этувчи ҳарбийлар учун инглиз тили ва бошқа хорижий тиллар бўйича махсус курслар жорий этиш, Халқаро гуманитар ҳуқуқ, БМТнинг тинчликпарварлик стандартлари ва НАТО тизимлари ҳақида билим бериш зарур.

Учинчидан, Ўзбекистон ўз ҳарбий хизматчиларини БМТ миссияларида иштирок этишга тайёрлаши, махсус зобитлар ва санитар отрядлар тузишини кўзда тутиши мумкин. Тожикистондаги тарихий тажриба ва ҳозирги минтақавий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, халқаро тинчликпарварлик амалиётларида фаол қатнашиш мамлакат нуфузини оширади.

Тўртинчидан, янги таҳдидлардан бири – киберҳужумлардир. Ҳарбий соҳада халқаро ҳамкорлик доирасида ахборот алмашиш ва киберхимоя соҳасида қўшма лабораториялар ташкил этиш зарур. Бу борада АҚШ, Эвропа Иттифоқи ва Жанубий Корея тажрибаси ўрганилиши мумкин.

Бешинчидан, Минтақавий ҳамкорлик платформаларини кучайтириш. ШҲТ, МДҲ ва КХШТ доирасида қўшма машқлар, тадқиқотлар ва ҳарбий таълим дастурларини кенгайтириш, Афғонистонда барқарорликни таъминлаш бўйича қўшнилар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлиги муқобил қонунчилик базаси, мустаҳкам ташкилотлар ва бой амалий тажрибага таянади. Бу ҳамкорлик минтақавий ва глобал хавфсизликка ҳисса қўшаётгани билан бирга, миллий армиянинг жанговар тайёргарлигини,

технология ва билимларини яхшилашга хизмат қилади. Келгусида мазкур соҳадаги стратегиялар ҳам миллий манфаатлар, ҳам халқаро ҳуқуқнинг умумий принциплари асосида янада самарали амалга оширилишига ишонч бор.

БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ

А.Ж. Ташмуратов,
Демократик жараёнларни таҳлил этиш маркази
Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда бозорлар ва савдо комплексларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва мавжуд муаммолар таҳлил қилинади. Мазкур ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар ёритилган.

Калит сўзлар: Бозорлар ва савдо комплекслари; ташкилий, криминологик ва ижтимоий-маданий омиллар; “Хавфсиз ҳудуд”; Ситуацион марказ; замонавий ахборот технология.

Сўнгги вақтларда мамлакатдаги бозорлар ва савдо комплексларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолининг савдо-сотиқ ишларини қулай шароитлар ва самарали хавфсизлик тизимлари асосида амалга оширмоқда.

Бозорлар ва савдо комплекслари аҳолини биринчи навбатдаги истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутади. Айниқса, Ўзбекистон каби тарихий савдо анъаналари ва маҳсулотларига эга мамлакатларда уларнинг роли жуда юқори ҳисобланади. Мазкур масканлар доимий равишда аҳоли гавжум жойлар бўлгани боис, жамоат тартиби сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида чора-тадбирларни талаб этади.

Таҳлилларга кўра, ҳозирги вақтда мамлакат миқёсида жами **300 га яқин** бозор ва савдо комплекслари (кейинги ўринларда – бозорлар деб юритилади) фаолият юритади. 2017 йилдан буён бозорларни қайта реконструкция қилиш ва хавфсизлигини таъминлашда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлсада бироқ аксарият бозорларда салбий ҳолатлар сақланиб келмоқда. Хусусан:

Бозорларда сотувчилар электр тармоқларига ноқонуний ва хавфсизлик талабларига зид равишда уланиш ҳолатларининг мавжудлиги, бу эса, ўз навбатида ёнғин келиб чиқиш хавфини оширмоқда. Бозорларнинг кириш жойларида гавжум савдо нуқталари ва ёйма савдога йўл қўйилиши натижасида йўлаклар тўсилиб, эвакуация қилишни чекламоқда.

Шу билан бирга, бозорлардаги видеокузатув камераларининг кўпчилиги оддий русумда бўлиб, улар орқали шахсни идентификация қилиш имконияти чегараланган. Кузатув камералари кўп ҳолларда ҳудудни тўлиқ қамраб олиш талаблари ҳисобга олинмасдан жойлаштирилгани сабабли баъзи ҳудудлар назоратдан ташқари қолган. Шунингдек, қуёш нури ва ёмғирдан сақлаш учун ўрнатилган соябонлар камераларнинг кузатув майдонини тўсиб қўйгани ҳисобига, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уни барвақт аниқлаш имкониятини сусайтирмоқда.

Бундан ташқари, бозорларда савдо шохобчаларидан бир метргача савдо расталари ўрнатилиши ва бозорларда аравалар хизматининг тартибсиз ҳаракатланиши натижасида савдо расталари ва савдо шохобчалари орасидаги ҳаракатланиш йўналишларида сунъий тирбандликлар ҳосил бўлмоқда. Бу, ўз навбатида киссавурлик жиноятларининг содир этилишига шароит яратмоқда.

Юқоридаги қайд этилган ҳолатлар бозорларда белгилаб берилган тартиб ва қоидаларга таъсир этувчи омилларни комплекс таҳлил этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг **«Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида»ги** [1] Қонуни билан таъминланади. Мазкур қонунда профилактик чора-тадбирлар ва уни амалга оширувчи субъектлар назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг **“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги** [2] ва **«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги** [3] Қонунларида ички ишлар органлари ходимлари ва Миллий гвардия бўлинмалари ҳарбий хизматчилари томонидан фуқаролар гавжум жойларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифалари белгилаб берилган. Мазкур қонунларга мувофиқ, ички ишлар органлари ходимлари ва Миллий гвардия бўлинмалари ҳарбий хизматчилари бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида патруллик фаолиятини амалга оширади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги **«Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепциясини**

тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ–27-сон Фармони [4], Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги **«Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»** 253-сон [5] ва 2024 йил 27 ноябрдаги **«Йирик бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»** 791-сон қарорлари [6] билан бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек савдо фаолиятини ташкил этишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари тартибга солинган.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд этилган ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликка таҳдид солувчи сабаб ва омилларни бартараф этиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги фаолиятнинг ҳуқуқий асосини таъминлайди.

Бозорларнинг барқарор фаолияти ва хавфсизлигига бевосита таъсир этувчи **ташкилий, криминологик** ва **ижтимоий-маданий омиллар** атрофлича кўриб чиқилади.

I. Бозорлардаги ташкилий омиллар бозорларни ташкил этиш ва уни бошқариш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бозорлар маъмуриятларининг ўзаро ҳамкорлиги ва фаолият регламентларини қамраб олади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидаларининг** [7] 7-бандида, “*бозор фаолиятини ташкил этиш бозор ташкил этиш учун ажратилган ер участкасини ижарага олувчи юридик шахс томонидан таъминланади. Кўрсатиб ўтилган юридик шахс акциядорлик жамияти шаклида ёки масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади, унинг муассисларидан биттаси мажбурий тартибда устав фондидаги улуши камида 51 фоиз бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органи бўлиши керак”лиги ва* 25-бандида, “*бозор маъмурияти зиммасига жамоат тартибини сақлаш ва қўриқлашни таъминлаш вазифаси юклатилган”лиги* белгилаб берилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 ноябрдаги 791-сон Қарори билан тасдиқланган **Йирик бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомда** [8], *бозорларда шартнома асосида қўриқлаш ва ёнғиндан сақлаш хизматларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби* назарда тутилган.

Бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини самарали таъминлаш Миллий гвардия бўлинмалари, ички ишлар органлари ва бозор

маъмуриятини ҳамда солиқ, санитария ва ёнғин хавфсизлиги хизматларининг уйғун ҳамкорлиги орқали амалга оширилади. Хусусан, ҳамкорликдаги қўшма «рейд» тадбирлари ва режали текширишлар ўтказилиб борилади. Бироқ, бозор ўз фаолиятини тугатгач ва туташ ҳудудларда назорат заифлашади. Масъул ходимлар хизмат фаолиятини якунлаши натижасида савдо жараёнига эътибор пасаяди, ноқонуний сотувчилар эса бозор атрофида «кечки бозор»ни йўлга қўяди. Мазкур ҳолатлар ресурс ва регламент чекланганини, бошқарув тизими савдо фаолиятини тўлиқ қамраб олмаганлигини кўрсатади. Ушбу ҳолатни бартараф этишда тунги навбатчилик фаолиятларини ташкил этиш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ва масофавий видеокузатув тизимини жорий этиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, бозор хавфсизлик хизмати штат-бирликлари реал юклама ва имкониятлардан келиб чиқиб тузилмаган. Сутка давомида масъул ходимлар кўп сонли ноқонуний сотувчиларни жисмонан қамраб ололмайди.

Маълумот учун: Тошкент шаҳридаги «Чорсу» бозори ҳудуди ва савдо оқими катта бўлсада, бироқ мазкур ҳудудда хизмат қилаётган ходимлар сони чекланган. Шу боис, кўп ҳолларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга Миллий гвардия бўлинмалари, ички ишлар органлари ходимлари ёки ҳокимият вакилларининг қўшимча аралашуви талаб этилади [9].

Шу билан бирга, бозор маъмурияти ва хавфсизлик учун масъул ходимлар содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича мустақил равишда жазо чораларини қўллай ололмайди, улар фақат профилактик суҳбат ўтказиши ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари тақдим этиши мумкин. Мазкур ҳолат жамоат тартиби ва хавфсизлигини тезкор таъминлашни қийинлаштиради.

Сўнгги вақтларда бозорларда тадбиркорларни хабардор қилиш эътибор оширилди, хусусан ҳудуд ва унинг режаси, ёнғин ҳолатларига тайёргарлик, санитар-тиббиёт объектлар жойлашуви кўрсатилган ахборот стендлари ўрнатилмоқда, савдо, ёнғин хавфсизлиги ва санитария бўйича йўриқномалар мунтазам ўтказилмоқда. Бироқ, юқорида таъкидланган амалиётни вақтинчалик савдогарларга етказишда қийинчилик туғилмоқда, айрим иқтисодий омиллар эса савдогарларни бозор регламентини қасддан бузишга ундамоқда.

Яна бир муҳим ташкилий омил шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарорига мувофиқ бозорнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органи билан ҳамкорликда фаолият юритади. Хусусан, маҳаллий ҳокимлик муассис ва ташкилотчи сифатида савдо жойларини тақсимлаш комиссияларида иштирок этади, йиғимлар миқдорини белгилайди, инфратузилмани ободонлаштириш ва қайта таъмирлаш ишларини амалга

оширади. Шу билан бирга, бозорда ноқонуний савдо оқими кенгайганда ҳокимлик томонидан кескин чоралар қўлланилади.

Маълумот учун: 2025 йилда «Қўйлиқ» бозорини кенг кўламли ободонлаштириш ва таъмирлаш доирасида ноқонуний қурилган савдо шаҳобчалари ва расталари бузилди, савдо йўлаклари кенгайтирилди ва тартибли аравалар хизмати йўлга қўйилди. Мазкур чоралар жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлди, бироқ маҳаллий ҳокимият бу чоралар ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва санитария талабларига хилоф ҳолатларни бартараф этиш заруратидан келиб чиққанини расман изоҳлади [10].

Ушбу ҳолатлар сиёсий ирода мавжуд бўлса, маъмурий ресурслар тартиб ўрнатишга сафарбар этилиши мумкинлигини кўрсатади; бироқ бундай кескин чоралар тизимли профилактиканинг ўрнини босмайди.

Демак, мамлакатда ташкилий-бошқарувий омиллар давлат органлари — маҳаллий ҳокимликлар, Миллий гвардия бўлинмалари, ички ишлар органлари, солиқ инспекциялари ва бозор маъмурияти ўртасида нисбатан шаклланган ҳамкорлик механизмларига эга. Бироқ, механизмдаги муаммолар амалиётда намоён бўлмоқда. Хусусан, объектларда кадр ва ресурслар чекланган, иш тартиби реал муҳитга (айниқса, иш вақтидан ташқари) мослаштирилмаган, бозорларнинг ички хавфсизлик хизматлари эса етарли ваколатга мавжуд эмас.

Ушбу муаммоларга ечим сифатида навбатчиликни оптималлаштириш, патруллик йўналишларини кенгайтириш ҳамда замонавий инновацион ечимларни *(масофавий мониторинг, интеллектуал видеокузатув, тезкор ахборот алмашинуви)* амалиётга жорий этиш таклиф этилади.

II. Бозорлардаги криминологик омиллар ҳуқуқбузарликлар тури ва даражаси, шунингдек умумий криминоген вазиятни қамраб олади. Анъанавий бозорлар криминология нуқтаи назаридан мураккаб муҳит ҳисобланади. Жумладан, ноқонуний валюта айирбошлаш амалиёти, видеокузатув камераларининг ҳудудни тўлиқ қамровга олинмагани, давлат органлари ва бозор маъмурияти масъулларининг тадбиркорлар билан носоғлом муносабатлари сақланиб қолмоқда. Бундай ҳолатлар майда ҳуқуқбузарликлардан тортиб оғир турдаги жиноятлар пайдо бўлишига замин яратади.

Шунингдек, анъанавий бозорларда доимий равишда савдо расталари ва турғун савдо шохобчалари ўртасидаги тирбандликлар учра туради. Мазкур тирбандликлар киссавурлик (ўғирлик) жиноятлари содир этилиши учун қулай шароит яратади.

Шу билан бирга, ҳозирда бозорларда ноқонуний савдо айланмаси фаолият олиб бормоқда, хусусан контрафакт, ўғирланган ва контрабанда маҳсулотлари каналлари орқали савдо амалга оширилмоқда. Импортнинг ноқонуний йўллар

орқали кириб келиши, қалбаки брендлар, сертификатсиз алкоголь ва тамаки маҳсулотлари айланмасини кузатиш мумкин. Шунингдек, Чегарага яқин бозорларда бож тўламасдан контрафакт дори-дармон ҳамда муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотларини сотишга уринишлар қайд этилмоқда. Мазкур ҳуқуқбузарликларга қарши ички ишлар органлари, солиқ ва божхона хизматлари ҳамкорлигида «рейд» текширувлари ўтказилиб, аниқланган маҳсулотлар мусодара қилинмоқда. Жамоат хавфсизлиги таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида бундай чора-тадбирларнинг қамрови ва тезкорлигини янада ошириш, айниқса чегара ҳудудларида идоралараро ҳамкорликни кучайтириш зарур.

1990 – 2000 йилларда кўпгина МДҲ давлатларида бозорлар криминал гуруҳлар таъсирида бўлган. Ўзбекистонда эса 1999 – 2000 йиллардан бошлаб бозорларни де-криминаллаштириш чоралари амалга оширилди ва бугун кунда бозорларда уюшган жиноятчилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар нисбатан паст кўрсатгични қайд этмоқда. Шунга қарамай, айрим ноқонуний схемалар, жумладан ноқонуний валюта айирбошлаш, киссавурлар гуруҳлари фаолияти ва сертификатсиз (контрафакт) маҳсулотлар савдоси ҳануз сақланиб қолмоқда.

Бундан ташқари, бозор унинг атрофида жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган террористик қўпорувчилик ҳолатлари ҳам қайд этилган.

Маълумот учун: *2004 йил 29 март куни Тошкент шаҳридаги «Чорсу» бозори атрофида (болалар дўкони олди ва бозор ёнлаб автобус бекатида) икки портлаш рўй берди. Тергов маълумотларига кўра, ҳужумлар аёл террористлар томонидан амалга оширилган.*

Мазкур ҳолатдан сўнг, бозорларнинг кириш нуқталарида металлодетекторлар ўрнатилиб, фуқаролар текширув орқали киритилиши кучайтирилди, бозорларга автотранспорт воситаларининг кириши чекланди. Ҳозирда «Хавфсиз ҳудуд» [11] доирасида ҳуқуқ-тартибот идораларида Ситуацион марказлар *(хавфсизлик соҳасида маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, тезкор қарор қабул қилишга мўлжалланган бошқарув маркази)* ташкил этилган. Мазкур марказларга ҳудуддаги мавжуд барча видеокузатув камералари интеграция қилинган бўлиб, улар орқали хавфсизликка бўлган таҳдидлар ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш имконияти яратилди.

Умуман олганда, бозорларнинг инфратузилмани модернизация қилиш ва профилактик чораларни кучайтириш ортидан бозорлардаги криминоген вазият яхшиланмоқда. Шунингдек, айрим «хавфли нуқталар» — киссавурлик, белгиланмаган жойларда савдо қилиш, солиқдан қочиш, ноқонуний валюта ва маҳсулотлар айланмаси ва гуруҳий тартибсизликлар ҳануз сақланиб турибди. Мазкур ҳолатларни бартараф этиш ва барвақт олдини олиш учун ҳуқуқ-тартибот

идораларининг самарали профилактикаси ва тезкор чораларни олиб бориши, шу билан бирга бозорлар ҳудудларини кенг ёритиш ҳамда видеокузатув камералари билан тўлиқ қамраб олиш зарур.

III. Бозорлардаги ижтимоий-маданий омиллар жамиятнинг анъаналари, хулқ-атвори ва ижтимоий-иқтисодий шароитларини қамраб олади. Ўзбекистонда бозорда фақат савдо ҳудуди эмас, балки жамоат ҳаётининг муҳим қисми ҳисобланади. Белгиланмаган жойларда савдо ва ярмаркалар жамият талаби мавжуд бўлган ерда вужудга келади: маҳаллада аҳоли деҳқондан «ердан» маҳсулот сотиб олишни, шаҳарда эса тортишиб савдо қилишни қадрлайди. Бундай «маданий норма» савдога нисбатан тоқатни оширади: кўп харидорлар вақт ёки маблағларни тежаш мақсадида ноқонуний сотувчилардан ҳам харид қилади. Шу боис, аҳоли белгиланмаган жойлардаги савдони ҳар доим ҳам мутлақ салбий ҳолат сифатида қабул қилмайди ва аксинча у айрим ҳолларда харидор ва сотувчи манфаатларини қондириб туради.

Бироқ, бозор маъмурияти ва виждонли тадбиркорлар белгиланмаган жойлардаги савдони ижтимоий одилсизлик деб баҳолайди. Кимдир солиқ ва ижара тўлаётган бир пайтда, бошқалар бозор атрофида бепул савдо қилиб, бозор нархларини сунъий равишда пасайтиради. Мазкур ҳолат институционал меъёрларга ишончни сусайтиб, «қонунга риоя фойда бермайди» деган тасаввурни кучайтиради. Айрим бозорларда бўш расмий савдо жойлари мавжуд бўлсада, кўпчилик ички тартибга риоя қилиш ва тоза рақобатга киришиш ўрнига бозор атрофларида савдо қилишни афзал билмоқда. Натижада жамоавий ҳамдардлик (яқинга ёрдам, арзон маҳсулот) билан қонунийлик ва ҳалол рақобат қийматлари ўртасида очиқ тўқнашув вужудга келади.

Қонунга ҳурмат маданияти ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Норасмий иқтисодиёт узоқ йиллар устувор бўлган жамиятда «беозор» деб баҳоланадиган майда қоидабузарликка нисбатан тоқат шаклланади. Шу боис, бозор олдидаги кўча савдоси кўпчиликка одатий ҳолдек туюлади ва «очиқ ҳуқуқбузарлик» сифатида қабул қилинмайди. Бу эса ҳуқуқ-тартибот идоралари ишини қийинлаштиради: маҳаллий аҳоли кўпинча «ўзининг» сотувчисини ҳимоя қилади. Қишлоқ жойларда ҳафталик «бозор кунлари»да ихтиёрий савдо тўпланиши кузатилади ва агар жиддий бузилиш бўлмаса, маҳаллий ҳокимият вакиллари айрим ҳолларда бунга кўз юмади.

Мазкур ҳолатларга оптимал ечими сифатида расмий дам олиш ва байрам кунларида шаҳар ва туман марказларида фермерлар ярмаркалари йўлга қўйиш зарур.

Ижтимоий омилга савдогар ва харидорларнинг қоидалар ҳақидаги хабардорлиги ҳам киради. Ҳуқуқий онг ва маданиятнинг пастлиги, «қоғоздаги»

талабларни бузиш «жиддий эмас» деб қабул қилинади. Шу сабабли тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарур.

Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб, айрим бозорларда турли диаспоралар ва қўшни давлатлар вакиллари савдо қилади. Мазкур шароитда ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик тамойилларига риоя этиш зарур. Умуман олганда, миллатлараро зиддиятлар деярли кузатилмайди. Шу билан бирга, миграция оқимлари бозордаги ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиб, кўп тилли муҳитни шакллантиради, янги маҳсулотлар ва савдо усуллари вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида бозор маъмурияти ва ҳуқуқ-тартибот идораларидан мослашувчан бошқарув, самарали ҳамкорлик ва профилактика чораларини талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий-маданий омиллар икки йўналишда таъсир кўрсатади: қишлоқ бозорларида «бир-бирини таниш» муносабатлари тартиб-интизомни қўллаб-қувватласа, норасмийликка кўникиш эса тартибсизликни кучайтириб, назорат талабларига нисбатан қаршилик уйғотади. Хавфсизликни самарали таъминлаш учун фақат жазога таяниш эмас, балки бандлик имкониятларини яратиш, мақсадли тушунтириш ишларини олиб бориш ва маҳаллаларда нуфузли шахсларнинг таъсиридан оқилона фойдаланиш зарур.

Сўнгги вақтларда норасмий савдо улушининг ўсиши фонида норасмий бандлик ишчи кучининг 40 фоизигача қамраб олмоқда, савдо эса иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланмоқда. Мазкур ҳолат ноқонуний кўча савдоси, белгиланмаган жойларда савдо нуқталари ва солиқ тўланмасдан амалга оширилаётган онлайн савдо-сотиқ кўламининг кенгайишида намоён бўлади. Давлат бу жараёнларни қонуний майдонга киритиш чораларини кўрмоқда: 2021 йил 1 декабрдан савдо-сотиқни электрон **«К-Савдо»** орқали рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилди, давлат ерларидаги жойлар онлайн-аукцион орқали тақсимланмоқда. Ўтиш даврида биринчи навбатда тушунтириш-тарғибот ишлари кучайтирилиб, шундан кейин жазо чоралари қўлланиши назарда тутилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатда шаҳар ва қишлоқ бозорлари бир-биридан фарқ қилади.

Шаҳар бозорлари катта миқёс ва оқим сабабли хавфсизлик бўйича энг мураккаб: тирбандлик, ёнғин хавфлари, автотранспорт воситаларнинг тўхташ майдонлари, кириш-чиқиш логистикаси ва кўп сонли ҳуқуқ-тартибот бўлинмалари талаб этилади. Қишлоқ бозорларида эса жамоатчилик томонидан назорат қилиш муҳим ўрин тутади, лекин инфратузилма заиф, яъни видеокузатув камералари, қўриқлаш ва тиббий пунктлари етишмаслиги мавжуд.

Хулоса қилиб айтилганда, қишлоқ бозорларида хавфсизликни таъминлашда маҳаллий аҳоли саъй-ҳаракатлари етарли бўлса, шаҳарларда эса ҳуқуқ-тартибот идоралари бўлинмалари навбатчилиги талаб этилади. Шу билан бирга, шаҳарларда замонавий савдо комплекслари, қишлоқларда лицензияланган ярмаркаларни ривожлантириш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бозорларда сифатли жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида, **қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:**

1. Бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасида маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бозорлар маъмуриятларининг аниқ вазифалари ва ҳамкорликдаги фаолиятини белгилаб берувчи нрматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш.

2. Маҳаллий ҳокимликлар, Миллий гвардия бўлинмалари, ички ишлар ва солиқ органлари санитария ҳамда ёнғин хавфсизлиги хизматлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш зарур. Масъул ходимларнинг бозорда бўлиш вақтини кечки соатларгача узайтириш, хавфсизлик хизмати штати ва салоҳиятини кенгайтириш, шунингдек маҳалла ва жамоатчилик кўмагини жалб этиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир бозор учун хавф манбалари, профилактик чоралар ва жавобгар тузилмаларни қамраб олган «хавфсизлик паспорти»ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

3. Киссавурлик, ноқонуний муомала ва контрафактга қарши мақсадли «рейд» тадбирларни изчил давом эттириш зарур. Видеокузатув камералари ва «огоҳлантириш тугмаси» каби техник воситаларни жорий этиш, ҳуқуқбузарлик статистикасини тизимли йиғиш ва «жиноят харитаси» асосида ресурсларни муаммоли нуқталарга йўналтириш талаб этилади. Такрорий ноқонуний савдога нисбатан жазо чораларини кучайтириш лозим.

4. Ноқонуний савдога олиб келаётган омилларни камайтириш устувор вазифадир. Бунинг учун иш ўринларини яратиш, кичик бизнеснинг расмий бозорга киришини енгиллаштириш (вақтинчалик имтиёзли жойлар ажратиш, бўш қаторларда ижара тўловини пасайтириш) ва фермерлар учун расмий ярмаркаларни изчил давом эттириш зарур. Шу билан бирга, ОАВ ва маҳалла институтлари орқали «расмий жойда савдо – ҳамма учун фойда ва хавфсизлик» ғоясини кенг тарғиб қилиш лозим.

5. Электр тармоқларини модернизация қилиш, ёнғин хавфсизлиги тизимларини ўрнатиш ва санитар-шароитларни такомиллаштириш зарур. Бозорларни «Ақлли шаҳар» лойиҳаларига интеграция қилиш (сенсорлар, видеокузатув, электрон навбат) ва рақамли ечимларни чуқурлаштириш

(савдогарларни рўйхатдан ўтказиш, нақдсиз тўловлар) назоратни енгиллаштиради ва шаффофликни оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://lex.uz/docs/2387357
2. https://lex.uz/docs/3027843
3. https://lex.uz/docs/5128310
4. https://lex.uz/docs/5749291
5. https://lex.uz/docs/2045196
6. https://lex.uz/docs/7239729
7. https://lex.uz/docs/2045196
8. https://lex.uz/docs/7239729
9. Kun.uz – “Кечки базар—нега кўчадаги стихиявий савдо ривожланяпти?” (2019).
10. Nova24.uz – “Қуйлиқ” бозори жиноятчилик, антисанитария ва тартибсиз савдодан озод этилади (2025).
11. Spot.uz – “Тошкентда видеокамералар сунъий интелектдан фойдаланмоқда” («Хавфсиз шаҳар», 2021).

BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTI VA XALQARO TASHKILOTLAR DOIRASIDA QAMOQQA OLINGAN SHAXSLARNI TERGOV HIBSXONASIDA SAQLASH MASALALARI

Raximov Baxtiyor Raximovich
Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada ushlab turilgan va qamoqda saqlanayotgan shaxslarning huquqiy maqomi hamda ularga insonparvar munosabatda bo‘lish masalalari yoritilgan. Shuningdek, ushbu jarayonning jamoat xavfsizligini ta’minlashdagi o‘rni, xorijiy davlatlar amaliyoti va xalqaro tashkilotlarning munosabati tahlil qilingan. Maqolada qamoqda saqlashning profilaktik va huquqiy funksiyalari, aybsizlik prezumpsiyasi, qonun ustuvorligi va insonparvarlik tamoyillari muhim konsepsiyalar sifatida yoritilgan.

Kalit so‘zlar: ushlab turish, qamoqda saqlash, insonparvarlik, qiynoqlarga qarshi konvensiya, aybsizlik prezumpsiyasi, qonun ustuvorligi, jamoat xavfsizligi, huquq va erkinliklar, odil sudlov, xalqaro standartlar.

Davlatimiz rahbari Sh.Mirziyoyev ta’kidlaganidek, “Mamlakatimizda fuqarolarning huquq va erkinliklarini, eng avvalo, jinoiy tajovuzlardan himoya qilishning ishonchli kafolatlarini ta’minlash, shuningdek, ularning sha’ni va qadr-

qimmati kamsitilishiga, qonuniy manfaatlari cheklanishiga yo‘l qo‘ymaslikka qaratilgan keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Amalga oshirilayotgan sud-huquq islohotlari zamirida qonun ustuvorligi, fuqarolarning qonun oldida tengligi, insonparvarlik, adolatlilik kabi konstitutsiyaviy tamoyillar va aybsizlik prezumpsiyasi mujassam”.

O‘zbekiston Respublikasi tomonidan ratifikatsiya qilingan BMTning Qiynoqlarga qarshi konvensiyasi kabi milliy qonunchilik va xalqaro huquq normalari har qanday ushlab turilgan shaxsni inson qadr-qimmatini hurmat qilish standartlariga mos keladigan sharoitlarda saqlashni talab qiladi. Bu shart-sharoitlar oziq-ovqat, suv, tibbiy yordam va saqlashning sanitariya sharoitlaridan foydalanishni o‘z ichiga oladi. Insonparvarlik muomalasi qiynoqqa solish, shafqatsiz yoki qadr-qimmatni kamsituvchi muomala yoki jazo qo‘llashni taqiqlashni ham nazarda tutadi. Bu esa ushlab turilgan shaxslar ozodlikdan mahrum etish joylarida insoniy muomalada bo‘lish va munosib sharoitlarda saqlash huquqini ro‘yobga chiqarishga xizmat qiladi.

Ushlab turilgan shaxslarning protsessual huquqlari, shuningdek, qonunga xilof tergov usullaridan, masalan, ko‘rsatma berishga majburlash, qiynoqqa solish yoki boshqa jismoniy yoki ruhiy bosim o‘tkazishdan himoyalanishni o‘z ichiga oladi. BMTning Qiynoqlarga qarshi konvensiyasi kabi xalqaro huquq normalari, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasining milliy qonunchiligi ushlab turilgan shaxslarga nisbatan noqonuniy ta’sir o‘tkazish usullaridan foydalanishni qat’iyan taqiqlaydi. Ushlab turilganlar ularning ko‘rsatuvlarini buzib ko‘rsatishi yoki o‘zlari sodir etmagan jinoyatni bo‘yniga olishga olib kelishi mumkin bo‘lgan majburlovga duchor etilishi mumkin emas.

Ushlab turilganlar va qamoqqa olinganlarni tegishli sharoitlarda saqlashni ta’minlash jinoiy odil sudlovni huquqiy tartibga solishning asosiy jihatlaridan biridir. Bu jihat inson huquqlariga rioya etilishiga ham, ozodlikdan mahrum etish natijasida kelib chiqadigan jismoniy va ruhiy zararni minimallashtiradigan sharoitlarni yaratishga ham ta’sir qiladi. Tegishli saqlash sharoitlari kafolati ushlab turilgan shaxslarning ozodligi cheklanganiga qaramay, ularning qadr-qimmati, sog‘lig‘i va shaxsiy xavfsizligi hurmat qilinadigan sharoitlarda saqlanishini ta’minlaydi.

Davlatning asosiy vazifalaridan biri - ushlab turilgan shaxslarni insonparvarlik va inson qadr-qimmatini hurmat qilish tamoyillariga mos keladigan sharoitlarda saqlashni ta’minlashdir. Ozodlikdan mahrum qilish jismoniy yoki ruhiy azob berishga qaratilgan jazo chorasiga aylantirilmasligi kerak. Bu qoida qator xalqaro huquqiy hujjatlarda, jumladan, BMTning Qiynoqlarga qarshi konvensiyasi va O‘zbekiston Respublikasi qo‘shilgan Inson huquqlari bo‘yicha Yevropa konvensiyasida mustahkamlab qo‘yilgan.

Shuningdek, mamlakatimizda mavjud konstitutsiyaviy tamoyillarga to‘la rioya qilinishi va fuqarolarning qonun oldida tengligini ta’minlashda alohada e’tibor qaratilishi lozim bo‘lgan institutlar ichida ushlab turish, qamoqda va tergov hibsxonalarida saqlash joylari muhim ahamiyat kasb etadi.

Ushlab turish va qamoqqa olish mexanizmi jamoat xavfsizligi va qonun ustuvorligini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi, bu esa uni jinoyat-protsessual huquq tizimining asosiy elementiga aylantiradi. Uning ijtimoiy zarurligi davlatning jinoyatlarning oldini olish, fuqarolarni himoya qilish va odil sudlovni ta’minlash bo‘yicha samarali chora-tadbirlarga bo‘lgan ehtiyoji bilan belgilanadi. Qonun ustuvorligiga asoslangan jamiyatda jinoyat sodir etishda gumon qilinayotgan yoki ayblanayotgan shaxslarni qamoqqa olish jamoat tartibi va barqarorligini saqlashning muhim vositasi bo‘lib xizmat qiladi. Bundan tashqari, bunday chora har doim shaxsning Konstitutsiya va xalqaro-huquqiy hujjatlar bilan kafolatlangan huquq va erkinliklariga rioya etish zarurati bilan muvozanatda bo‘lishi kerak.

Ushlab turilgan va qamoqda saqlanayotgan shaxslarni tergov hibsxonalarida saqlash jamoat xavfsizligini ta’minlashda muhim ahamiyatga ega, chunki bu chora gumon qilinuvchilarning potensial jinoiy faoliyati bilan bog‘liq xavflarni minimallashtirishga qaratilgan. Bu, ayniqsa, uyushgan jinoyatchilik, terrorizm, korrupsiya, zo‘ravonlik va giyohvand moddalar bilan bog‘liq jinoyatlar kabi uning turli ko‘rinishlarida jinoyatchilik darajasining o‘sishi sharoitida muhimdir.

Qamoqda saqlash mexanizmining asosiy jihatlaridan biri uning jinoiy faoliyatda gumon qilinayotgan yoki ayblanayotgan shaxslar tomonidan yangi jinoyatlar sodir etilishining oldini olishga qaratilgan profilaktik funksiyasidir. Vaqtinchalik jamiyatdan ajratish ushlanganlarning tergov jarayoniga ta’sir ko‘rsatish imkoniyatini, masalan, guvohlar, jabrlanuvchilar yoki jinoyat ishtirokchilariga bosim o‘tkazish, dalillarni yo‘q qilishga urinishlarning oldini olish imkonini beradi. Bu, ayniqsa, zo‘ravonlik harakatlari yoki uyushgan jinoyatchilik bilan bog‘liq jinoyatlar haqida gap ketganda, gumon qilinuvchilarning ishning boshqa tomonlariga ta’siri sud muhokamasining xolisligini xavf ostiga qo‘yishi mumkin bo‘lgan vaziyatlarda dolzarbdir.

Xorijiy olim L.Smirnovaning fikricha, “qamoqda saqlash gumonlanuvchilarning qochishi yoki odil sudlovdan qochishga urinishining oldini oladi, bu ham jamoat xavfsizligini himoya qilishda muhim omil bo‘lib xizmat qiladi” . Ushbu olimning fikriga qo‘shilgan holda, misol tariqasida korrupsiya yoki iqtisodiy jinoyatlar bilan bog‘liq jinoyatlarda ushlab turilganlar yashirinish yoki tergov jarayoniga ta’sir ko‘rsatish uchun katta resurslarga ega bo‘lishi mumkinligini ko‘rsatishimiz mumkin. Bunday vaziyatlarda qamoqda saqlash odil sudlovning oxiriga yetkazilishini va gumonlanuvchilar javobgarlikdan qochib qutula olmasligini ta’minlashning muhim vositasiga aylanadi.

Uyushgan jinoyatchilik va terrorizmga qarshi kurash sharoitida qamoqda saqlash alohida ahamiyat kasb etadi. Jinoyatchilikning bu shakllari milliy xavfsizlikka ham, jamoat tartibiga ham katta xavf tug‘diradi, chunki ular uyushqoqlikning yuqori darajasi, barqaror jinoiy aloqalarning mavjudligi va zo‘ravonlik harakatlariga tayyorligi bilan ajralib turadi. Uyushgan jinoiy guruhlar yoki terrorchilik yacheykalarida ishtirok etganlikda gumon qilinayotgan shaxslar tergov qilinayotganda ham qonunga xilof faoliyatni davom ettirish uchun katta resurslar va imkoniyatlarga ega bo‘lishlari mumkin. Biroq, shuni ta’kidlash joizki, xorijiy mamlakatlarda uyushgan jinoyatchilik va terrorizmni sodir etishda gumon qilinayotgan shaxslarni ushlash uzoqroq davom etishi mumkin. Yana bir xorijiy olim A.Kontening ta’kidlashicha, “Tergov xulosasi uyushgan jinoyatchilik va terrorizmga qarshi kurashda gumon qilinuvchilarni dastlabki ayblov jarayonida so‘roq qilish uchun qo‘llaniladi, Buyuk Britaniya va Avstraliyada qamoqda saqlash muddati 28 kungacha uzaytirilishi mumkin” .

Shunday qilib, bunday shaxslarni qamoqda saqlash nafaqat ularni jamiyatdan ajratib qo‘yadi, balki jinoiy faoliyatni guruhning boshqa a’zolari bilan muvofiqlashtirish imkoniyatidan mahrum qiladi. Bundan tashqari, bunday jinoyatlarda gumon qilinayotganlarni samarali izolyatsiya qilish ularning mafkurasini tarqatishga yoki yangi ishtirokchilarni yollashga to‘sqinlik qiladi, bu ayniqsa aholini radikallashtirishga moyil bo‘lgan terroristik tashkilotlar bilan bog‘liq. Mintaqaning boshqa mamlakatlari kabi O‘zbekistonda ham ushbu muammo dolzarbligicha qolmoqda, bu esa qamoqda saqlashni ekstremizm va terrorizmga qarshi kurash tizimining muhim elementiga aylantiradi.

Xalqaro inson huquqlari tashkilotlari va BMT organlari Yaponiyaning sudgacha qamoqda saqlash tizimini odil sudlov standartlariga nomuvofiq deb hisoblaydilar. Human Rights Watch hisobotida (2023) ta’kidlanishicha, Yaponiyaning “adolat garovi” amaliyoti tegishli huquqiy protsedura va adolatli sudga bo‘lgan huquqni muntazam ravishda buzadi . Gumon qilinuvchilardan amalda sukut saqlash huquqi olib qo‘yiladi, ular advokat ishtirokisiz so‘roq qilinadi va takroran hibsga olish va garov evaziga ozod qilishni rad etish orqali aybiga iqror bo‘lishga undashadi.

Hulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki ushlab turilgan va qamoqda saqlanayotgan shaxslarning huquqiy maqomi hamda ularga insonparvar munosabatda bo‘lish masalalari nafaqat mamlakatimiz qonunchiligida balki halqaro normalarda ham alohida ahamiyatga ega bo‘lib, bu norma nafaqat inson huquqlarini ta’minlash balki sodir etilgan qilmish uchun odilona qaror qabul qilish imkonini ham beradi. Bu orqali esa fuqarolarning qonunga va davlatga nisbatan ishonchini yanada oshirishga erishiladi.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА СУВ РЕСУРСЛАРИ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Махсадов Махсатулло Исматович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
профессори, юридик фанлар доктори (DSc), доцент, подполковник

Марказий Осиё минтақаси геосиёсий, табиий-иқлим ва демографик жиҳатдан ўзига хос ҳудуд бўлиб, унинг барча давлатларини сув ресурсларининг манба ва истеъмол нуқтаи назаридан ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ажратиб туради. Амударё ва Сирдарё сингари йирик трансчегаравий дарёлар минтақанинг ҳаётий аҳамиятга эга сув манбалари бўлиб, уларнинг бош манбалари Тожикистон ва Қирғизистон каби тоғли давлатларда жойлашган, асосий истеъмолчилар эса — Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозоғистон каби паст текисликларда жойлашган қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакатлардир.

Ушбу экосистемада сув ресурсларидан оқилона, барқарор ва адолатли фойдаланиш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, экологик ва хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам стратегик аҳамият касб этади. Бироқ, сўнгги ўн йилликларда минтақадаги трансчегаравий сувларни бошқаришдаги мувозанатсизлик, идоравий келишмовчиликлар, номукаммал ҳуқуқий механизмлар ва сиёсий зиддиятлар ушбу ресурсни можароли факторга айлантирмоқда. Сув манбаларининг сиёсийлашуви, сувни назорат қилиш воситасида геосиёсий босим воситасига айлантириш ҳаракатлари минтақадаги барқарорликка таҳдид солмоқда.

Бу муаммолар фонида жамоат хавфсизлигини таъминлаш масаласи алоҳида долзарблик касб этмоқда. Сув билан боғлиқ келишмовчиликлар нафақат давлатлараро муносабатларда, балки маҳаллий аҳоли ўртасида ҳам танглик, норозилик, протестлар ва ҳатто ижтимоий портлашлар хавфини юзага келтирмоқда. Масалан, сув тақчиллиги туфайли юзага келаётган эрларни деградацияси, ишсизлик, ички миграция, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари жамиятда ижтимоий беқарорликни кучайтириб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва хавфсизлик хизматлари фаолиятини янада мураккаблаштирмоқда.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, трансчегаравий сув ресурсларининг адолатли бошқарилмаслиги кўп ҳолларда минтақавий можаролар ва қуролли тўқнашувларга сабаб бўлган. Шу боис, Марказий Осиёда бу ресурсни стратегик аҳамиятга эга омил сифатида кўриб чиқиш, унинг хавфсизлиги, бошқарув тизими, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик асослари ва

жамоат тартибига таъсирини чуқур ўрганиш — замонавий тадқиқотлар учун долзарб ва устувор йўналиш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, ушбу мавзу — нафақат табиий ресурслар бошқаруви, балки миллий ва минтақавий хавфсизлик, ҳуқуқшунослик, экология ва жамоат бошқаруви соҳаларидаги кўп тармоқли илмий изланишларни талаб қиладиган мураккаб, бироқ истиқболли илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва уларнинг жамоат хавфсизлигига таъсири масаласи халқаро ва маҳаллий тадқиқотчилар эътиборини жалб қилган долзарб илмий йўналишлардан бирига айланди. Жумладан, Б. Жанусз-Пawлетта ва М. Губаидуллина ўз тадқиқотларида минтақада сув ресурсларини адолатли тақсимлаш ва бошқариш бўйича ҳуқуқий механизмларнинг этарли эмаслиги давлатлар ўртасидаги муносабатларда қарама-қаршиликлар келиб чиқишига сабаб бўлаётганини таъкидлайдилар[1]. Улар таъбирича, трансчегаравий сув манбаларига эгалик қилиш ва уларни сиёсий фойда манбаи сифатида қўллаш тенденцияси минтақавий барқарорликка жиддий хавф туғдириши мумкин.

Бироқ ушбу нуқтаи назарга нисбатан илмий шубҳалар ҳам мавжуд. Масалан, **ўрта ва кичик ҳавза даражасидаги сувни бошқариш**ни миллий қонунчилик орқали мувофиқлаштириш тажрибаси (хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги айрим лойиҳаларда) муайян самара берган ҳолатлар мавжуд. Бу эса бошқарувнинг барча жиҳатларини фақат трансмиллий келишувларга боғлашдан кўра, **ҳудудий ва модул асосида ёндашиш** имконини кўрсатади.

Худди шу масала Стуарт Ҳорсман томонидан ҳам ёритилган бўлиб, у сув ресурслари билан боғлиқ бўлган хавфсизлик муаммолари минтақавий барқарорлик учун катта таҳдид эканини таъкидлайди[2]. Унинг фикрича, сув ресурслари нафақат иқтисодий манба, балки геосиёсий воситага айланиб бораётгани жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ушбу таҳлил муайян сиёсий воқеликни акс эттирса-да, бундай қараш айрим ҳолларда **амалий муаммоларга нисбатан гиперболизация**ни англатади. Чунки, давлатлар кўп ҳолларда геосиёсий манфаатлар эмас, балки ички инфратузилмавий этишмовчиликлар туфайли сув сиёсатини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлишмоқда.

Беатрисе Моселло ўз таҳлилида сув ресурсларини бошқаришда ҳамкорлик ва конфликт ўртасидаги мувозанатни қайд этиб, агар давлатлар ўртасида

[1] *B. Janusz-Pawletta, M. Gubaidullina.,* Transboundary Water Management in Central Asia. 2015. –P.21.
[2] *Stuart Horsman,* Transboundary Water Management and Security in Central Asia. ResearchGate. 2018. –P. 27.

институционал ишонч ва шаффофлик таъминланмаса, трансчегаравий сув масаласи тўқнашувлар ва ижтимоий беқарорликнинг бош манбаига айланиши мумкинлигини уқтиради[1]. Бу фикр — Марказий Осиёдаги **идоралараро мувофиқлашувдаги институционал заифлик** муаммосини аниқ белгилаб беради.

Шунингдек, Хуанхуан Wанг ва унинг ҳаммуаллифлари Марказий Осиёдаги дарё ҳавзаларини бошқаришда сиёсий ўзгаришлар ва динамик муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, сув сиёсатининг мураккаблиги давлатлар ўртасидаги зиддиятларни кучайтириши, шу билан бирга, жамоат хавфсизлиги соҳасидаги хавфларни ошириши мумкинлигини кўрсатадилар[2]. Булар жумладан, тадқиқотчилар сув сиёсатини нафақат табиий ресурс сиёсати, балки **кибер, ахборот ва ижтимоий хавфсизлик** билан боғлаш зарурлигини илгари суришмоқда. Бу эса сувни мултидисциплинар ёндашув доирасида ўрганиш заруратини англатади.

С. Хенариос томонидан олиб борилган библиометрик таҳлилда сув хавфсизлиги концепцияси Марказий Осиёда ҳанузгача муттасил илмий ва сиёсий муҳокама объекти экани қайд этилган[3]. Унинг таҳлилида сув муаммосининг табиий ёки иқтисодий эмас, балки ижтимоий адолат ва инсон хавфсизлиги масаласи сифатида талқин этилиши илгари сурилади. Бу ёндашув ижтимоий фанлар учун янги, мураккаб тадқиқот майдонини очади.

Ўзбекистонлик мутахассислар ҳам ушбу соҳада муҳим ишлар олиб борганлар. Жумладан, И. Абдуллаев, Э. Стрикелева ва Ш. Рахматуллаев[4]лар томонидан тайёрланган ҳисоботда Марказий Осиё ва Афғонистонда сув секторидаги эчимлар ва муаммолар, шунингдек, давлатлар ўртасидаги сув сиёсатининг барқарор тараққиётга таъсири чуқур таҳлил қилинган. Улар сув сиёсатидаги интеграциялашган ёндашувни ва сув-энергетика-озиқ-овқат хавфсизлиги боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, барқарор ривожланишга қаратилган ғояларни илгари суришади.

Тарихий ва геосиёсий нуқтаи назардан ёндошилганда, Мая К. Петерсон Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларини бошқаришнинг совет давридаги империявий сиёсати билан боғлиқлигини ёритиб берган[5]. Унинг фикрича, тарихий сиёсий ёндашувлар ҳам ҳозирги муаммоларни тўғри англаш учун муҳим

[1] *Beatrice Mosello,* Water in Central Asia: A Prospect of Conflict or Cooperation?. Princeton University. 2011. – P. 87.

[2] *Xuanxuan Wang ,* Water resources management and dynamic changes in water politics in the transboundary river basins of Central Asia. Hydrology and Earth System Sciences. 2011. – P. 53.

[3] *S. Xenarios,* A bibliometric review of the water security concept in Central Asia. Environmental Research Letters. – 2020. – P. 78.

[4] *И. Абдуллаев, Э. Стрикелева ва Ш. Рахматуллаев,* Water Sector Development in Central Asia and Afghanistan: Status Review and Development Options. CAREC ва USAID. - 2020. – P. 37.

[5] *Maya K. Peterson,* Pipe Dreams: Water and Empire in Central Asia's Aral Sea Basin. Cambridge University Press. 2019. – P. 84.

ўрин тутади. Унинг ишлари сув муаммосини тарихий жараёнлар билан боғлаб ўрганиш муҳимлигини яққол кўрсатади.

Таққослама таҳлил шуни кўрсатадики, Марказий Осиёда сув ресурсларига оид муаммоларни ўрганишда ягона назарий ёндошув йўқ. Турли олимлар бу масалани ҳуқуқий, геосиёсий, ижтимоий, экологик ва тарихий нуқтаи назардан баҳолаб келишмоқда. Илмий мунозарали таҳлил шундан далолат берадики, минтақадаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш сув сиёсатининг барча даражаларидаги мувофиқлаштириш ва инсон хавфсизлигига йўналтирилган ёндашув билан амалга оширилиши лозим.

Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурслари билан боғлиқ минтақавий муаммоларни шартли равишда қуйидаги омиллар билан боғлаб таҳлил қилишимиз мумкин. Хусусан:

биринчи омил, сув тақчиллиги ва адолатсиз тақсимот билан боғлиқ. Марказий Осиёдаги бош дарёлар - Амударё ва Сирдарё - трансчегаравий хусусиятга эга бўлиб, уларнинг манбалари (Қирғизистон ва Тожикистон) ва истеъмолчилари (Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон) ўртасида сув тақсимотида кескин номувофиқлик мавжуд. Бу мувозанатсизлик сувдан оқилона ва барқарор фойдаланишни чеклаб, давлатлар ўртасида мунтазам келишмовчиликлар келтириб чиқармоқда;

иккинчи омил, идоравий ва давлатлараро келишмовчиликлар билан боғлиқ. Ҳар бир давлатда сув бошқарувига оид алоҳида сиёсати ва қонунчилиги мавжуд. МДҲ доирасидаги ИЧАС, ICWC (Интернатионал Соммиссион фор Wатер Соординатион[1]) каби тузилмаларга қарамасдан, сув тақсимоти юзасидан мажбурий кучга эга келишув механизмлари этарли эмас;

учинчи омил, Орол фожиаси ва унинг оқибатлари билан боғлиқ. Орол денгизи қуриши – минтақадаги катта экосистема инқирози ҳисобланади. Унинг натижасида юз минглаб инсонлар ичимлик суви танқислиги, юрак-ўпка касалликлари, ишсизлик, миграция ва ижтимоий ночорлик каби муаммоларга дуч келмоқда;

тўртинчи омил, трансчегаравий сув инфратузилмасига назорат муаммолари билан боғлиқ. Сув омборлари ва ГЭСлар баъзи давлатлар ҳудудида

[1] **International Commission for Water Coordination (ICWC)** — бу Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги трансчегаравий сув ресурсларини адолатли ва барқарор бошқаришга қаратилган муҳим минтақавий тузилмадир. У 1992 йил 18 февралда Алма-Атада имзоланган “Сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш тўғрисидаги келишув” асосида ташкил этилган ва унга Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари аъзо ҳисобланади.

ICWCнинг асосий мақсади — Амударё ва Сирдарё дарёлари ҳавзасидаги сувларни давлатлар ўртасида самарали тақсимлаш, мавсумий ва йиллик сув истеъмоли балансларини мувофиқлаштириш ҳамда барча аъзо давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини оқилона бошқаришдир. Ушбу комиссия ҳудудий Бош сув бошқармалари — БВО “Сирдарё” ва БВО “Амударё” орқали амалий фаолият олиб боради. Шунингдек, ICWC ҳузуридаги Илмий-ахборот маркази (SIC ICWC) сув ресурслари бўйича маълумотлар тўплаш, таҳлил қилиш ва лойиҳалар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

жойлашган бўлиб, улар устидан бошқа давлатлар таъсир ўтказа олмайди. Бу ҳолатда фавқулодда вазиятлар ёки сиёсий ўзгаришлар жамоат хавфсизлигига бевосита таҳдид туғдиради;

бешинчи омил, иқлим ўзгариши ва унинг таъсири билан боғлиқ. Қор қориш ҳажмининг камайиши, музликларнинг тез эрий бошлаши, ёмғирли ва қуруқ фасллар балансидаги ўзгаришлар – сув таъминотининг режали бошқарувини қийинлаштирмоқда.

Мазкур омилларнинг жамоат хавфсизлигига таҳдид даражаларини шартли равишда қуйидагилар мисолида таҳлил қилишимиз мумкин:

биринчидан, сув этишмовчилиги туфайли қишлоқ хўжалиги эрлари қуриб қолмоқда, фуқаролар ўртасида ресурслар учун кураш, жамоалар ўртасида низолар, ҳатто қўшни ҳудудлар ўртасида қуролли тўқнашувлар кузатилмоқда (масалан, Қирғизистон–Тожикистон чегарасида);

иккинчидан, сув таъминотидаги узилишлар, ичимлик суви танқислиги аҳоли орасида оммавий норозилик ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Бундай вазиятларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишонч пасайиши ва жамоат тартибини сақлашда қийинчиликлар юзага келмоқда;

учинчидан, сув танқислиги ва шўрланиш оқибатида юзага келаётган касалликлар, меҳнат миграцияси, таълим ва тиббиёт инфратузилмасининг заифлашуви – жамоатнинг умумий барқарорлигига таҳдид сифатида баҳоланади;

тўртинчидан, сув ресурслари этишмаслиги туфайли юзага келаётган ижтимоий адолатсизлик ва давлатларга ишончнинг пасайиши – ёшларни турли ғоявий таъсирларга мойил қилиши мумкин. Бу эса хавфсизлик хизматларига қўшимча юк юклаши аниқ.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, трансчегаравий сув ресурслари – бу нафақат табиий ресурс, балки минтақанинг стратегик хавфсизлиги, ижтимоий барқарорлиги ва сиёсий муносабатларининг барометридир. Ҳозирги кунда ушбу масалани давлатлараро рақобат объектидан – ҳамкорлик объектига айлантириш, Марказий Осиёда жамоат хавфсизлигини таъминлашда асосий стратегик мақсадлардан бири бўлиши лозим.

НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИИ КАК ОСНОВА ГЛОБАЛНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА ДЛЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

Хатамов Умид Исматович,
Бухарский налоговый техникум xatamoff@gmail.com

Аннотация: В современном мире устойчивое развитие становится ключевой целю международной политики, экономического роста и социалного прогресса. В центре этой парадигмы находятся три взаимосвязанных элемента — наука, образование и инновации, которые формируют основу для глобалного сотрудничества между государствами и регионами. В стате рассматриваются теоретико-методологические основы взаимосвязи этих сфер, анализируется рол международных организаций (ООН, УНЕССО, ЭС) в координации научно-образовательных инициатив, а также раскрывается значение инновационной деятелности в контексте цифровой трансформации. Особое внимание уделено опыту Узбекистана в реализации реформ в области образования, науки и инновационного развития.

Ключевые слова: устойчивое развитие, международное сотрудничество, наука, образование, инновации, цифровая трансформация, Узбекистан.

Введение: Устойчивое развитие представляет собой стратегическую цел человечества, направленную на гармонизацию экономического роста, социалной справедливости и охраны окружающей среды. Современные вызовы — климатические изменения, технологическое неравенство, миграционные кризисы, энергетическая безопасност — требуют объединения усилий стран, организаций и научного сообщества.

Наука, образование и инновации являются ядром этой трансформации. Они не толко обеспечивают технологическое и экономическое развитие, но и формируют новую культуру глобалного взаимодействия, основанную на знаниях, открытости и взаимной ответственности. Международные организации, такие как ООН, УНЕССО, ОЕСД и Эвропейский Союз, активно поддерживают программы по развитию научных и образовательных систем, стимулируя интеграцию и обмен опытом.

Цел данной стати — раскрыт значение науки, образования и инноваций как ключевых факторов глобалного сотрудничества в обеспечении устойчивого развития, с особым акцентом на опыт Узбекистана.

Наука как двигател устойчивого развития

Наука формирует интеллектуалный потенциал общества, создаёт новые технологии и способствует решению глобалных проблем. Современная наука характеризуется интернационализацией и цифровизацией.

Таблица 1.

Вклад науки в достижение Целей устойчивого развития (ЦУР)

ЦУР	Научное направление	Пример проекта
ЦУР 3 (Здорове)	Биотехнологии, медицина	Глобалные исследования по СОВИД-19
ЦУР 7 (Энергия)	Возобновляемая энергетика	Солар Энергй Инитиативе (ЭУ)
ЦУР 13 (Климат)	Экология, климатология	ИПСС Слимате Ресеарч
ЦУР 9 (Инновации)	Инженерия, ИИ	Ҳоризон Эуропе, СЕРН

Научная дипломатия становится новым инструментом взаимодействия между государствами. Примеры таких платформ — **Ҳоризон Эуропе**, **СЕРН**, **Ворлд Ссиенсе Форум**, где Узбекистан также постепенно расширяет своё участие.

Образование как основа глобалной устойчивости

Качественное образование (ЦУР 4) — фундамент социалной устойчивости и развития человеческого капитала. Современные тенденции включают переход к цифровому обучению, интернационализацию университетов, внедрение моделей **СТЕМ/СТЕАМ** и концепции **лифелонг леарнинг**.

Схема 1.

Взаимосвязь между образованием, инновациями и устойчивым развитием



Программы **УНЕССО Эдусатион 2030**, **Эрасмус+**, **Фулбригҳт**, а также международные онлайн-платформы (Соурсера, эдХ) способствуют созданию мирового образователного пространства.

Пример Узбекистана: После реформ 2017–2024 гг. страна значително расширила международные академические связи, внедрив совместные образовательные программы с университетами Эвропы и Азии. Созданы ИТ-

академии, технопарки при вузах, реализуются проекты по цифровому образованию.

Инновации и цифровая трансформация

Инновации — практический механизм реализации научных достижений и образовательных компетенций. В условиях цифровой экономики инновации становятся неотъемлемым условием конкурентоспособности государств.

Инфографика 1.

Цепочка создания инновационной ценности



Ключевые направления:

развитие стартап-экосистем (Гоогле фор Стартупс, Плуг&Плай);

государственные программы инноваций (например, ЭУ Греен Деал);

цифровизация управления (электронное правителство, э-леарнинг, смарт ситй).

В Узбекистане действует **Агентство по инновационному развитию**, националная стратегия «Цифровой Узбекистан – 2030», активно развиваются ИТ-парки и центры инжиниринга.

Международное сотрудничество

Международные организации играют ведущую рол в продвижении устойчивого развития через науку и образование.

Таблица 2.

Рол международных структур в развитии глобалного сотрудничества

Организация	Основное направление	Программа
ООН	Устойчивое развитие	Агенда 2030
УНЕССО	Образование и култура	Эдусатион 2030 Фрамеwорк
ЭС	Наука и инновации	Ҳоризон Эуропе

Организация	Основное направление	Программа
ОЕСД	Экономическая политика	Инноватион Полисй Платформ

Современные форматы кооперации включают:

международные исследовательские центры и фонды (Worлд Банк Ссиенсе Фунд);

соглашения о научном обмене;

программы академической мобилности;

глобалные инновационные кластеры.

Опыт и реформы Узбекистана

После принятия стратегии развития «Новый Узбекистан» акцент сделан на интеграцию в международное образовательное и научное пространство. Созданы **Министерство высшего образования, науки и инноваций**, **ИТ Парк Узбекистан**, **ИннoWeek**.

Таблица 3.

Основные направления реформ в Узбекистане

Сфера	Основные реформы	Результаты
Образование	Академическая мобилност, дуалное обучение	Рост числа зарубежных партнёров
Наука	Гранты, международные конференции	Повышение публикационной активности
Инновации	Создание стартапов, инкубаторов	Расширение инновационной инфраструктуры

Особое внимание уделяется цифровой грамотности и интеграции СТЕМ-дисциплин в учебные программы. Узбекистан участвует в программах **УНЕССО**, **Worлд Банк** и **Асиан Девелопмент Банк**, направленных на укрепление человеческого капитала.

Анализ показывает, что интеграция науки, образования и инноваций усиливает глобалную устойчивост, снижает неравенство и повышает адаптивност экономик. В странах, активно участвующих в международных научно-образовательных программах, наблюдается:

рост ВВП на 15–20% за счёт инноваций;

увеличение доли «знаниеёмких» отраслей;

сокращение цифрового разрыва.

Заключение

Наука, образование и инновации — триединая сила, определяющая будущее человечества. Их синергия формирует основу глобалного партнёрства, способствующего реализации Целей устойчивого развития.

Для Узбекистана важным направлением является продолжение интеграции в международные научно-образовательные сети, укрепление инновационной инфраструктуры и развитие цифровой экономики.

Рекомендации:

Укреплят научно-образовательное сотрудничество через участие в международных грантах.

Развиват систему инновационных кластеров и технопарков.

Внедрят цифровые образовательные технологии на всех уровнях обучения.

Поддерживат научную дипломатию и академическую мобилност.

Таблица 1.

Вклад науки в достижение ЦУР

ЦУР	Научное направление	Пример проекта
ЦУР 3	Биотехнологии, медицина	Исследования СОВИД-19
ЦУР 7	Возобновляемая энергетика	Солар Энергй Инитиативе
ЦУР 13	Климатология	ИПСС Слимате Ресеарч

Список литературы

1. United Nations (2015). Transforming our world: The 2030 Agenda for Sustainable Development.

2. UNESCO (2021). Education for Sustainable Development: A Roadmap.

3. European Commission (2023). Horizon Europe Work Programme.

4. OECD (2020). Innovation Policy Review.

5. World Bank (2022). Knowledge Economy Index Report.

RIM HUQUQIDA ALIMENT MUNOSABATLARINI HUQUQIY TARTIBGA SOLINISHI

Aliqulova Nasiba Kamariddinovna,
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil tadqiqotchisi

Aliment (lot. Alimentum oziq-ovqat, nafaqa, ta’minot, boqish uchun mablag‘lar) – bir shaxsning ikkinchi shaxsga majburan to‘laydigan moddiy mablag‘dir.

Qonunchilikda bir tomonda davlat, ikkinchi tomonda jismoniy shaxs ishtirok etsa yoki ijtimoiy-huquqiy munosabatlar sodir bo‘lsa, u holda “nafaqa” so‘zi ishlatiladi. Agar oilaviy huquqiy munosabat bo‘lib, unda oila a’zolari ishtirok etsalar, u holda “aliment” so‘zi ishlatiladi.[1]

“Nafaqa” so‘zi lug‘atda “sarflash” ma’nosida ishlatilib, faqatgina ijobiy ma’noda qo‘llaniladi. Islom huquqi nuqtai nazaridan esa kishining o‘z qo‘li ostidagilarini, ya’ni xotini, bolalari, ota-onalarining moddiy extiyojlari (oziq-ovqat, kiyim kechak, va uy-joy)ni ta’minlashi tushuniladi.[2]

Aliment bu – ota-ona, ota-onaning voyaga yetmagan bolalarga, shuningdek, voyaga yetgan mehnatga layoqatsiz, yordamga muhtoj bolalariga hamda ajrashgan er-xotin, aka-ukalar, bobo va buvilar, nabiralar, qarindoshlar o‘rtasida ta’minot berish majburiyati hisoblanadi. Bu turdagi oilaviy-huquqiy tomonlar er-xotinning ajralishi, oila a’zolarining mehnatga layoqatsizligi, oila a’zosining yoki sobiq er yoki xotinning nomaqbul xulq-atvori yuzasidan vujudga keladi.

Alimentning ta’minot berish sifatida ko‘rinishi fuqarolik huquqiy kelishuv asosida ixtiyoriy taqdim etiladigan pul va boshqa ta’minot vositalari orqali namoyon bo‘ladi. Aliment undirishda esa, vakolatli davlat idorasining majburiy xarakterga ega huquqiy hujjati asosida muayyan shaxs zimmasiga aliment to‘lash majburiyatini yuklash hisoblanadi. Aliment huquqiy munosabatlari aliment to‘lash to‘g‘risidagi er va xotinning o‘zaro kelishuvga (shartnomaga) asoslangan bo‘lsa, fuqarolik qonunchiligi hamda Oila kodeksiga asosan tartibga solinadi.[3]

Aliment munosabatlarining huquqiy asoslari, asosan, davlat qonunlari, xalqaro konvensiyalar va boshqa normativ hujjatlar orqali belgilanadi. Har bir mamlakatda aliment to‘g‘risidagi qonunlar o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lishi mumkin, ammo umumiy tamoyillar bir xil. Aliment to‘lovlari nafaqat zamonaviy huquqiy tizimlarda,

[1] O‘zbekiston Respublikasi ensiklopediyasi/Nashr uchun mas’ul R.A.Muhitdinov va boshq;mas’ul muharrir N.Toychiev .-T..Adolat, 2010.-21B

[2] I bo‘lim Kadirov M.B. Xujayev M.I. Yusupova D.D. II bo‘lim Yusupova N.D. Kadirov M.B. dinshunoslik.Islom huquqi. Darslik - Toshkent O‘zbekiston Respuplikasi Jamoat xavfsizligi universiteti,2021-315 b.

3 Fuqarolik va oila huquqi. Darslik. Ikkinchi qism / R.J.Ro‘ziyev, M.Sh.Choriyev, A.A.Muxammadiyev va boshqalar. - Toshkent, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2023. 464 bet.

balki qadimgi huquq normalarida ham o‘z ifodasini topgan. Aliment munosabatlari qadimda bolalar va oila a’zolariga g‘amxo‘rlik qilish asosan urf-odatlar va diniy qoidalar orqali tartibga solingan. Aliment munosabatlaring rivojlanish tarixi jamiyat taraqqiyoti bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib ularning shakllanishi va takomillashishi turli davrlarda huquqiy, ijtimoiy va iqtisodiy o‘zgarishlarga bog‘liq bo‘lib kelgan.

Qadimgi Rimda "pater familias" — oila boshlig‘i oila a’zolarining huquq va majburiyatlari uchun mas’ul sanalgan va agar farzandlar ehtiyojmand bo‘lsa, ularni ta’minlash majburiyati yuklatilgan.

Pater familias (lotin tilida “Oila boshlig‘i” degan ma’noni anglatadi) qadimgi Rimda oilaning erkak rahbari bo‘lgan shaxsga nisbatan ishlatilgan atama. U nafaqat o‘z oilasi, balki o‘z uyida yashovchilarning barchasi (xotini, farzandlari, qullari va boshqa qarindoshlari) ustidan huquqiy va iqtisodiy jihatdan mas’ul bo‘lgan.

Rim fuqarolik huquqida ayniqsa individualizm (hatto o‘zi tomonidan o‘rnatilgan bo‘lib), («ota hukmronligi» institutiga ham o‘xshab ketadigan) tamoyili nihoyatda mustahkam, o‘z huquqlarini va xarakat doiralarini mustaqil belgilaydigan o‘z mulkiga, oila mulkiga, jamoasi mulkiga oila boshlig‘ining hukmronligini ta’minlash, faqat o‘zi tomonidan mulkni egallash va undan foydalanishni belgilash, hatto tasarruf etish ham o‘zi bilan yoki mulk huquqinining mutloq egasi bilan bog‘liq bo‘lib, o‘z hukmronligi va o‘zining manfaati orqali amalga oshirilgan.[1]

Qadimgi Rim huquqida ota-onalar bolalariga va bolalar ota-onalariga nisbatan muayyan majburiyatlarga ega bo‘lishgan. Rim huquqida nikohdan ajrashishlar (divortium-“ajrashish”- er-xotinning nikox munosabatlarini rasman tugashi hisoblanadi. Bu tushuncha ayniqsa qonuniy nikoh uchun qo‘llanilgan) keng tarqalgan bo‘lib, er va xotin ajrashganda mol-mulk va aliment masalalari qonuniy tartibga solingan. Agar ajrimdan so‘ng ayol mehnatga layoqatsiz yoki moddiy yordamga muhtoj bo‘lsa, er sobiq xotiniga ma’lum muddat davomida aliment to‘lashga majbur bo‘lgan. Shuningdek, agar ajrimdan so‘ng bolalar onaning qaramog‘iga berilgan bo‘lsa, er ularning moddiy ta’minoti uchun javobgarlikni saqlab qolgan.

Rim huquqida oila munosabatlari "Patria potestas" (ota huquqi) tamoyili asosida shakllangan. Patria potestas (Ota huquqi) ota farzandlar ustidan to‘liq huquqga ega bo‘lgan, shu bilan birga, ularni ta’minlash ham uning burchi bo‘lgan. Bu tamoyil Rim huquqining asosiy prinsiplaridan biri hisoblangan. Bu huquq otaga oilada mutlaq hokimiyat berish bilan birga, farzandlar va qullar ustidan to‘liq nazorat qilish imkonini ham taqdim etgan. Patria potestas quyidagi huquqiy normalarni o‘z ichiga olgan. Bunda Ota o‘z farzandlarini nikoxga kiritish, tarbiyalash va jazolash huquqiga ega bo‘lgan. Farzandlar tamonidan qo‘lga kiritgan har qanday mol-mulk, mehnat orqali

[1] Rim hukuqi: yurisprudashiya bakalavriyatta’lim yo‘nalishi talabalari uchun dzrslik / V.R.Topilliev; Uzbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsue talim vlzirligi. -Toshkeit: Yangi asr avloli. 2013. 260 b.-15-bet.

topgan daromadlari otaga tegishli bo‘lgan. Shu bilan birga, ota farzandlarini moddiy va ma’naviy ta’minlashga majbur bo‘lgan. Ularning ta’lim-tarbiyasi va hayot kechirishi uchun zarur vositalarni yaratishi lozim bo‘lgan. Ushbu huquq davomiylikka ega bo‘lib, farzand otadan mustaqil bo‘lib, shaxsiy huquqlarini qo‘lga kiritmaguncha davom etgan. Keyinchalik, Imperator Yustinian davrida bu tamoyil biroz yumshatilib, farzandlarning huquqiy maqomi yaxshilangan. Rimda to‘liq huquq layoqatiga ega bo‘lgan oila deb, oila a’zolarining «ota xukmronligi» institutiga bo‘ysunmaydigan, mustaqil hayotni, faoliyatni amalga oshiruvchi ittifoqiga aytilgan.

Rim huquqida aliment to‘lamaslik uchun bir qancha belgilangan jazo choralari mavjud bo‘lgan. Aliment majburiyatlarini bajarmagan shaxslarga qarshi bir nechta huquqiy sanksiyalar belgilangan. Aliment to‘lashdan bosh tortgan shaxslarning mol-mulkini olib qo‘yish mumkin bo‘lgan, ayrim holatlarda jamoat ishlarida majburiy mehnatga jalb qilingan, ota o‘z farzandlarini ta’minlash majburiyatini bajarmasa, u patria potestas huquqidan mahrum qilinishi mumkin bo‘lgan. Ba’zi holatlarda, aliment majburiyatlarini bajarmagan qarindoshlar jamoatchilik oldida obro‘yidan mahrum qilingan. Agar aka-uka yoki opa-singillar bir-birlariga aliment to‘lamasa, sud ularning merosdan mahrum qilinishi mumkinligini belgilagan.

Rim davlatida huquqning eng kadimgi manbai (moges majorum) huquqiy odatlar bo‘lgan. Rimning tarixiy ananasiga ko‘ra huquqning boshqa manbai Rim podsholarining qonunlari (leges Regiae) hisoblangan.[1] Miloddan avvalgi 450 yillar atrofida qabul qilingan birinchi Rim yozma qonunlari XII jadval qonunida qasamlardan foydalanish va boshqa diniy marosimga oid harakatlarni qilish ko‘zda tutilgan bo‘lsada, huquq endi diniy me’yorlardan ajratilgan va dunyoviy xarakter kasb etgan edi. XII jadval qonunlari o‘n ikkita mis lavhaga o‘yib yozilib, Rim siyosiy hayotining markazi forumga hamma ko‘rishi uchun osib qo‘yilgan. Bu qonunlarni bilish hamma uchun majburiy bo‘lgan uning qabul qilinishi bilan Rim fuqarolarini dunyoviy huquqiy tarbiyalash zaruriyati tug‘ilgan.[2] Huquq manbalari sifatida XII jadval qonunlariga, ayniqsa, undagi oilaviy munosabatlarga, oila va nikoh hamda ota hukmronligi institutiga alohida e’tiborni qaratgan. XII jadval qonunlarining harakat doirasi VI asrga kelib, Vizantiya imperatori Yustinianning qonunchilik islohatlari davomida bekor qilingan.

Rim huquqining keng qamrovli kodifikatsiyasi Yustinian kodeksi (Codex Justinianus) Rim huquqining eng muhim manbalaridan biri bo‘lib, u oilaviy majburiyatlar, jumladan, aliment majburiyatlarini ham belgilagan. Kodeksda ota-onalar va bolalar o‘rtasidagi aliment munosabatlari haqida qoidalar mavjud bo‘lgan.

[1] Rim hukuqi: yurisprudensii bakalavriyat ta’lim yo‘nalishi talabalari uchun darslik / V.R.Topildiev; Uzbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsue talim vlzirligi. -Toshkeit: Yangi asr avloli. 2013. 260 b.-26-bet.

[2] Rim hukuqi: yurisprudensii bakalavriyat ta’lim yo‘nalishi talabalari uchun darslik / V.R.Topildiev; O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus talim vazirligi. -Toshkeint: Yangi asr avlodi. 2013. 260 b.-26-bet.

Yustinian kodeksi Rim huquqining ilk manbalarini tizimlashtirgan va huquqiy normalarni isloh qilish hamda qayta ishlash orqali oila huquqining mustahkamlanishiga xizmat qilgan. Kodeksga ko‘ra, bolalar ota-onalarini qarilik davrida ta’minlashi shart, shuningdek, mehnatga layoqatsiz va muhtoj qarindoshlar ham moddiy yordam olish huquqiga ega bo‘lgan.

Yustinian kodeksi XII jadval qonuni namunasida o‘n ikkita kitobga bo‘lingan. Har bir kitob, titullarga, titullar esa parchalarga bo‘lingan. Yustinian kodifikatsiyasi Rim qupuqining butun o‘tgan tarixini bir joyga to‘plovchi yakuni bo‘lib, uning ko‘p asrlardan buyon rivojlanishiga o‘ziga xos tarzda chegara qo‘ygan. Shuning uchun Yustinianning qonunlar to‘plami, garchi ba’zi postklassik va sof Vizantiya belgilarini o‘zida aks etgirgan bo‘lsa ham o‘z asosi bilan Rim xuquqining manbai hisoblanadi. Rim huquhida oila kichkinagina davlat deb qaralgan. U jamiyatning asosi va jamiyatni harakatlantiruvchi subyekti deb qaralgan. Yakka nikohlilik, o‘zaro sofdillik, lekin ota hukmronligi institugining mutlaq xarakterga ega ekanligini e’tirof etib unga, ya’ni oilaviy huquqiy munosabatlarga uchta to‘plamni ajratib, uni huquqiy tartibga solinishini eng yuqori cho‘qqiga chiqarganlar.[1]

Xulosa. Rim huquqida aliment munosabatlari huquqiy tartibga solinishi jamiyatda oila institutining mustahkamligini ta’minlashda muhim o‘rin tutgan. Qadimgi Rimda “pater familias” va “patria potestas” kabi tamoyillar orqali oila boshlig‘ining moddiy va ma’naviy mas’uliyati belgilab qo‘yilgan bo‘lib, bu farzandlar, ayollar va hatto qarindoshlar manfaatlarini himoya qilishga xizmat qilgan. Rim huquqi tarixi jarayonida aliment munosabatlari davlatning qonunchilik tizimi orqali izchil tartibga solinib borgan va XII jadval qonunlari hamda Yustinian kodeksi va boshqa manbalarda bu munosabatlar huquqiy jihatdan aniqlashtirilgan. Aliment majburiyatlarini bajarishni ta’minlash uchun jamoatchilik nazorati, mol-mulkka musodara, merosdan mahrum etish kabi huquqiy mexanizmlar ham joriy qilingan. Bu holat Rim jamiyatida ijtimoiy adolat va oila a’zolari o‘rtasidagi moddiy yordam munosabatlarining davlat tomonidan kafolatlanganligini ko‘rsatadi. Qadimgi Rim huquqida aliment munosabatlarining huquqiy asoslari va ularni amalga oshirish tizimi bugungi zamonaviy oilaviy huquqning rivojlanishi uchun muhim ildizlardan biri hisoblanadi. Bu esa, aliment majburiyatlarining umuminsoniy ahamiyatga ega huquqiy institut sifatida jamiyat taraqqiyotida uzluksiz rivojlanib kelayotganligini yana bir bor isbotlaydi.

Aliment munosabatlarini tartibga solishning huquqiy asoslari ijtimoiy va iqtisodiy omillar bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, bu jarayonni yanada samarali va adolatli qilish uchun doimiy ravishda yangilanib turishi zarur.

[1] Rim hukuqi: yurisprudensii bakalavriyat ta’lim yo‘nalishi talabalari uchun darslik / V.R.Topildiev; O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus talim vazirligi. Toshkent: Yangi asr avlodi. 2013. 260 b.-38 bet.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДРОНЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АСОСЛАРИ

Туракулов Зохид Тулкинович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети тингловчиси, подполковник

Аннотация: ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasida dronlardan foydalanishni tartibga soluvchi xalqaro-huquqiy va milliy normativ hujjatlar tahlili o‘tkazildi. Xalqaro fuqaro aviatsiyasi tashkiloti (IKAO) standartlari va O‘zbekiston Respublikasining tegishli qonunlari asosida dronlarni qo‘llashning huquqiy asoslari o‘rganildi.

Maqolada O‘zbekiston Respublikasi dronlardan foydalanish, shu jumladan shaxsiy hayotni himoya qilish va xavfsizlik masalalari. Bundan tashqari, milliy qonunchilikni takomillashtirish, xavfsizlik choralarini kuchaytirish va jamoatchilikning xabardorligini oshirish bo‘yicha takliflar bildirildi. Maqola dronlardan foydalanish sohasidagi huquqiy bazani yanada rivojlantirishga ko‘maklashuvchi ilmiy-tahliliy material bo‘lib xizmat qiladi.

Аннотация: в данной статье проведен анализ международно-правовых и национальных нормативных документов, регулирующих использование дронов в Республике Узбекистан. Изучены правовые основы применения дронов на основе стандартов Международной организации гражданской авиации (ИКАО) и соответствующих законов Республики Узбекистан.

Статья. Использование беспилотников в Республике Узбекистан, включая вопросы защиты частной жизни и безопасности. Кроме того, высказаны предложения по совершенствованию национального законодательства, усилению мер безопасности и повышению информированности общественности. Статья служит научно-аналитическим материалом, способствующим дальнейшему развитию правовой базы в области использования дронов.

Annotation: This article provides an analysis of international legal and national regulatory documents governing the use of drones in the Republic of Uzbekistan. It examines the legal framework for drone operations based on the standards of the International Civil Aviation Organization (ICAO) and the relevant laws of the Republic of Uzbekistan.

The article discusses the use of unmanned aerial vehicles (UAVs) in Uzbekistan, including issues related to privacy protection and security. In addition, it offers recommendations for improving national legislation, strengthening safety measures, and increasing public awareness. The article serves as a scientific and analytical

material that contributes to the further development of the legal framework in the field of drone.

Калит сўзлар Дронлар, халқаро ҳуқуқ, миллий меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон, авиация қонунчилиги, хавфсизлик, Шахсий ҳаётни ҳимоя қилиш, тартибга солиш, ICAO.

Ключевые слова: дроны, международное право, национальные нормативные документы, Узбекистан, авиационное законодательство, безопасность, защита частной жизни, регулирование, ИКАО.

Key words: drones, international law, national regulatory documents, Uzbekistan, aviation legislation, security, privacy protection, regulation, ICAO.

Кириш. Учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) сўнгги йилларда инсоният фаолиятининг турли соҳаларида кенг қўлланила бошлади. Бу технология нафақат инновацион ривожланишнинг яққол намунаси, балки иқтисодий самарадорлик, экологик барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим восита сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги (агродронлар орқали уруғ сепиш, ўғитлаш ва ҳосил назорати), геодезия ва кадастр ишлари, туризм, экология мониторинги ҳамда фавқулодда ҳолатларда қутқарув ишларини амалга ошириш каби йўналишларда дронлардан фойдаланиш тобора кенгаймоқда.

Шу билан бирга, дронлар фаолиятининг ривожланиши бир қатор ҳуқуқий, техник ва ахлоқий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Улар шахсий ҳаёт дахлсизлиги, миллий хавфсизлик, авиация хавфсизлиги, давлат чегараларини муҳофаза қилиш, радиочастоталардан фойдаланиш, ҳамда солиқ ва божхона назорати соҳаларида муайян хатарлар туғдиради. Бу ҳолат дронлардан фойдаланишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базанинг мукаммал ва халқаро талабларга мувофиқ бўлишини тақозо этади.

Мақсад: миллий ва халқаро меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистонда дронлардан фойдаланишни тартибга солишдаги кучли ва заиф томонларини аниқлаш, халқаро стандартлар билан таққослаш ва таклифлар бериш.

Масалалар: қандай халқаро ҳужжатлар мавжуд, Ўзбекистондаги қонунчилик нодавлат, солиқ ва божхона, лицензиялаш, парвоз вазни, рўйхатга олиш, жазо чоралари ва қонуний жиҳатлари қандай тартибда.

Халқаро меъёрий ҳужжатлар:

ICAO Model UAS Regulations

ICAO (International Civil Aviation Organization) 2020 йилда Учувчисиз ҳаво кемалари тизимларини (кейинги ўринларда - UAS/UAV деб ҳам юритилади) тартибга солиш бўйича модел ҳужжатларни ишлаб чиққан. Бу ҳужжатлар

давлатларга дрон операцияларини бошқариш, хавфни баҳолаш, рўйхатга олиш, оператор лицензияси, хавфсизлик, парвоз қоидалари ва аэропортларга яқин ҳудудлар каби жиҳатларда қўлланма сифатида хизмат қилади[1].

Европа Иттифоқининг EU Регламентлари (EU Regulations 2019/947 ва EU Regulation 2019/945)

Европа Иттифоқи томонидан 2019 йилда қабул қилинган бу регламентлар дронлар учун "очиқ", "махсус" ва "сертификатланган" категорияларни белгилайди. Масалан, дроннинг максимал парвоз оғирлиги, пилотлар малакаси, UAS'нинг техник класси (C0, C1, C2, C3, C4) каби талаблар белгиланмаган. Шу билан бирга хавфсизлик, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, қатъий парвоз баландлиги, VLOS (Visual Line Of Sight) каби меъёрлар мавжуд[2].

Аэростандарт/ICAO Circular 328 Ушбу ҳужжат UAS'ларнинг умумий хавфсизлик ва техник стандартларига оид тавсияларни ўз ичига олади. UAS'ларнинг ҳаво кемалари билан мувофиқлиги, сигналлаш, радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш, идентификация каби жиҳатлар қамраб олинади[3].

Ихтилофли соҳалар ва инсон ҳуқуқлари Халқаро стандартларда шахсий ҳаётга дахл, маълумотларни йиғиш ва сақлашни ҳимоя қилиш, дронларнинг хавфсиз ишлатилиши ва жамоат хавфсизлигига таъсири каби мавзуларга диққат қаратилиши муҳим. Масалан, Европада маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича GDPR каби қонунлар фаол.

Халқаро конвенциялар ва учувчи ҳаво кемалари (авиация) бўйича умумий авиация қонунчилиги Чикаго конвенцияси (Chicago Convention), ICAO'нинг бошқа иловалари, ҳаво транспортини назорат қилиш, ҳаво ҳудудлари, навигация, ҳаво ҳаракати хизматлари, хавфсизлик стандартлари каби асосий авиация қонунчилиги халқаро тажрибани белгилайди.

Ўзбекистон Республикасидаги миллий меъёрий-ҳуқуқий база

Қуйида Ўзбекистонда дронлар билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар таҳлили:

Ҳужжат номи, санаси ва рақами	Асосий мазмуни ва талаблари	Ижобий жиҳатлари	Салбий жиҳатлари ёки камчиликлари
Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сон "Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар" тўғрисидаги қарори	УПҚАларга (дронларга) қўйиладиган талаблар, парвоз вазни, лицензия ишлари, рўйхатга олиш, хавфсизлик	Биринчидан, асосий асосларни белгилаган; вазни, сегментлар, парвоз мақсадлари бўйича	Аммо жисмоний шахслар учун лицензия/рухсатнома олишдаги мураккаблик; ҳуқуқий жазо чоралари жиддий; техник

[1] https://www.icao.int/UA/icao-model-uas-regulations?utm_source

[2] https://eur-lex.europa.eu/eli/reg_impl/2019/947/oj?utm_source.com

[3] https://standart.aero/ru/icao/book/circular-328-unmanned-aircraft-systems-uas-en-cons?utm_.com

Ҳужжат номи, санаси ва рақами	Асосий мазмуни ва талаблари	Ижобий жиҳатлари	Салбий жиҳатлари ёки камчиликлари
	қоидалари, махсус вазиятларда рухсатнома олиш каби тартиблар белгиланган. Масалан, умумий максимал учиш вазни 25 кг дан ошмаслиги керак, қишлоқ хўжалигида бўлганда махсус енгиллик берилган[1].	фарқлашни назарда тутган.	стандартлар идоралар ўртасида мувофиқлик етишмаслиги; шахсий маълумотлар ва ҳужжатлар йиғилиши бўйича аниқ тартиблар етарли даражада эмас.
	УПҚАларнинг олиб келиш, сотиш, сотиб олиш, сақлаш ва фойдаланиш бўйича чекловлар; махсус ташкилотларга истиснолар; транзитни мажбурий декларациялаш; бутловчи ва эҳтиёт қисмларига тегишли ТН ВЭД кодлари; лицензиялаш; радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш учун ваколатли орган лицензияси кераклиги[2].	Янгиланган; халқаро стандартларга уриниш; ташкилий ва солиқ/божхона назоратидаги механизмлар яратилган; парвоз вазни ва ўзига хос эҳтиёжлар (қишлоқ хўжалиги каби) учун енгилликлар берилган.	Аммо лицензия олиш, буюмларни олиб киришдаги процедуралар ҳамда маҳаллий операторлар учун харажатлар ва маъмурий тўсиқлар сақланиб қолмоқда; жисмоний шахслар учун фойдаланиш имкониятлари чекланган; радиочастота ва техник стандартлар бўйича аниқ кафолатлар ва йўриқномалар етарли даражада эмас.
	Қишлоқ хўжалигида УПҚАларда	Қишлоқ хўжалиги соҳасида	Аммо микродронлар, кенг оммавий

[1]https://www.uzcaa.uz/en/drones?utm_com
[2] https://www.uzcaa.uz/en/drones?utm_com

Ҳужжат номи, санаси ва рақами	Асосий мазмуни ва талаблари	Ижобий жиҳатлари	Салбий жиҳатлари ёки камчиликлари
	енгилликлар; учиш вазни бўйича максимал чек 100 кг гача (агротехник тадбирлар учун); ер фойдаланиши, экологик муҳофазага доир талаблар; қишлоқ хўжалиги субъектлари учун турли субсидия ва ташкилий қўллаб-қувватлаш чоралари кўзда тутилган[1].	инновацияларни жорий этишга қаратилган; вазни бўйича режалаштирилган чеклар операторлар учун манфаатли; давлат томонидан тармоқларга технологик ҳимоя ва ёрдам белгиланган.	операторлар ва шахсий мақсадларда фойдаланиш учун тарифлар, лицензиялаш, техник сертификатлаш каби жиҳатларда аниқлик етишмаслиги; дронларнинг ҳаво ҳаракатига таъсири, радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш, шахсий маълумотлар хавфсизлиги каби соҳаларда норматив-ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд.
Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидаги ўзгаришлар (2024 йил) 2024 йил, қонун (санаси ва рақами) таклиф ва қабул қилинган ўзгаришлар	Дронларни ноқонуний олиб кириш, сақлаш, фойдаланишда биринчи марта айбланган шахсларга нисбатан жиноят эмас, маъмурий жавобгарлик; жарималар, умумий жавобгарлик режимлари енгиллаштирилди; давлат назорати ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан жазо чоралари	Рухсатсиз олиб кириш, озодликдан маҳрум қилиш каби қаттиқ жазоларнинг енгиллаштирилиши, фуқаролар ҳуқуқлари ва туристлар учун қулайлик; ҳуқуқий мувозанат яратишда муҳим босқич.	Аммо маъмурий жазо ва жиноий жазо ўртасидаги чегаралар, қайтадан ҳуқуқий мураккабликлар, лицензия/рухсатнома олишдаги бюрократик тўсиқлар сақланиши мумкин.

[1] https://www.uzcaa.uz/en/drones?utm_com

Ҳужжат номи, санаси ва рақами	Асосий мазмуни ва талаблари	Ижобий жиҳатлари	Салбий жиҳатлари ёки камчиликлари
	қайта кўриб чиқилди[1].		

Таққослаш ва халқаро стандартлар билан солиштириш

Жиҳат	Халқаро стандартлардаги усуллар	Ўзбекистондаги амалий ҳолат
Рўйхатга олиш ва идентификация	ICAO модел регламентларида barcha UAS'лар рўйхатга олинсин, идентификация, класслаштириш, техник стандартлар бўлиши; ЕСда UAS.OPEN категориясида дронларнинг техник класслари C0–C4 бўйича белгиланади[2].	Ўзбекистонда ТН ВЭД кодлари ва транзит/импорт/сотиш/фойдаланиш учун декларация ва лицензия талаб қилинади. Аммо жисмоний шахслар учун импортида чекловлар мавжуд[3].
Парвоз вазни ва мақсадлари (category/operating class)	ЕСда вазн, мақсад (самара, туризм, фото/видео, мониторинг), хавф даражаси ва хавфсизлик талабларига қараб категориялар; ICAO Model UAS регламентларида Ma'lumot Operatsion категорияси бўйича турли талаблар[4].	Ўзбекистонда умумий вазн чеклари белгиланган: умумий дронлар учун 0,25 кг, агротехникада 100 кгча. Парвоз мақсадларига қараб лицензия/рухсатнома талаблари[5].
Лицензия/операторларнинг масъулияти	Европа ва ICAO регламентларида оператор лицензияси, техник/операцион малака, пилотнинг малакаси, авиация муносабатларидаги хавфни баҳолаш каби талаблар[6].	Ўзбекистонда лицензия ва рухсатнома талаблари мавжуд; биринчи марта ҳуқуқбузарликда маъмурий жавобгарлик; операторлик фирмаларига махсус рухсатнома берилган. Аммо операторлар малакаси ва назорат даражасида стандартлашиш етарли даражада эмас[7].
Жазо чоралари	Халқаро стандартларда лицензия бузилганда, ҳаво харорати, аэропортларга яқинлик параметрлари	Ўзбекистонда жиноят кодексида оғир жазолар бор эди, аммо 2024 йилда биринчи марта айбланган шахс учун маъмурий жавобгарлик

[1] https://www.gazeta.uz/uz/2024/03/16/dronlar/?utm_s.com
[2] https://eur-lex.europa.eu/eli/reg_impl/2019/947/oj?utm_source.com
[3] https://www.uzcaa.uz/en/drones?utm_source.com
[4] https://www.icao.int/UA/icao-model-uas-regulations?utm_source.com
[5] https://www.uzcaa.uz/en/drones?utm_source.com
[6] https://www.icao.int/UA/icao-model-uas-regulations?utm_source.com
[7] https://www.uzcaa.uz/en/drones?utm_source.com

Жиҳат	Халқаро стандартлардаги усуллар	Ўзбекистондаги амалий ҳолат
	бузилганда, шахсий маълумотларни бузишда жазо чоралари белгиланади; ЕСда жарималар, парвозларни тўхтатиш, лицензия, операторнинг ҳуқуқлари чекланиши каби чоралар амал қилади[1].	жорий этилди; жарималар белгиланди[2].
Хавфсизлик, шахсий ҳаёт ва кимлик (privacy, data protection, human safety)	Халқаро стандартларда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, камера/лазер/сенсорларнинг фойдаланишида этика ва махфийлик меъёрлари; ЕС, миллий маълумот ҳимоя қонунлари[3].	Ўзбекистонда ушбу соҳаларда меъёрий ҳужжатлар мавжудлиги маҳаллий даражада; балки камералар, мониторингда сенсорлардан фойдаланишда хусусий шахслар ҳуқуқларига эътибор кам.
Техник стандартлар ва радиочастоталар	Европа ва ICAO стандартларида UAS'ларнинг техник сертификатлари, радиоэлектрон воситалар лицензияси, идентификация воситалари, парвозда сигналлаш ва geofencing каби технологиялар бўйича талаблар[4].	Ўзбекистонда радиочастота ва техник стандартлар бўйича лицензия органлари ваколати бор; аммо стандартлашув, сертификатлаш ва техник текширловлар бўйича маълум маълумотлар ва қилиб тайёрланган қоидалар етарли даражада эмас.

Ҳудудий ва амалий муаммолар:

- жисмоний шахслар учун дронларни олиб кириш, сотиш ва фойдаланишдаги чекловлар (импорт/божхона/лицензия) - бу соҳадаги чеклашнинг асосий омили.

- техник стандартлар ва кучли назорат механизми етишмаслиги, операторларнинг малакаси ва лицензияларга оид талабларнинг инобатга олинмаслиги хавф туғдиради.

- шахсий маълумотларни йиғиш, мониторингда камера/сенсорлардан фойдаланишдаги этика ва қонунчилик тарафидан ҳимоя масаласи - фуқаролик ҳуқуқлари ва шахсий ҳаёт кафолатлари.

[1] https://eur-lex.europa.eu/eli/reg_impl/2019/947/oj?utm_source.com
[2] https://www.gazeta.uz/uz/2024/03/16/dronlar/?utm_s.com
[3] https://eur-lex.europa.eu/eli/reg_impl/2019/947/oj?utm_source.com
[4] https://eur-lex.europa.eu/eli/reg_impl/2019/947/oj?utm_source.com

- аэропортлар ва ҳарбий объектлар яқинида хавфсизлик зонаси, ҳаво ҳаракатига аралашиш, радиолокация, авиация назорати органлари билан мувофиқлаштириш керак.

Халқаро тажрибадан кейин, дрон технологияси тез ривожланиб бораётгани туфайли меъёрий ҳужжатлар ҳам тезроқ янгиланиши керак.

Таклифлар:

Техник стандартлар ва идентификацияни такомиллаштириш: Дронларнинг техник паспортлашуви, CE ёки бошқа халқаро сертификатларга мувофиқлиги, идентификация белгиларини мажбурий қилиш, оператор лицензияси ва сертификатлашув йўриқномаларини яратиш.

Операцион категориялар ва хавф асосида таркиблашув: Ўзбекистонда ҳам ЕИ ва ICAOдаги каби категорияларга асосланган тизим ташкил этилиши мумкин: мисол учун “очиқ (open)”, “махсус (specific)”, “сертификатланган (certified)” категориялар. Ҳар бир категория учун вазн, мақсад, хавф даражаси, малакали оператор, VLOS каби мезонларни белгилаш.

Шахсий маълумотлар ҳимояси: Камерали/сенсорли дронлардан фойдаланишда маълумотларнинг йиғилиши, сақланиши, тарқатилиши бўйича шахсий ҳаётни ҳимоя қилувчи нормаларни (махфийлик, розилик, мақсадли фойдаланиш) қонун даражасида белгиланиши зарур.

Маъмурий ва жиноят жазоларининг мувозанати: Ҳуқуқбузарликларда жазо чоралари енгиллаштирилган бўлса-да, жиноий ва маъмурий жавобгарлик ўртасида мувозанат; биринчи марта содир этилган ишларга нисбатан енгил чоралар; айнан шу ҳуқуқбузарликларда такрорланганда қаттиқ жазолар.

Халқаро стандартларни янада интеграциялаштириш: ICAO модел регламентларидан, ЕИ тажрибаларидан, бошқа давлатлар амалиётидан Ўзбекистонга мос қўллаш мумкин бўлган стандартларни ўрганиб, маҳаллий қонунчиликка киритиш.

Назорат ва техник инспекция агентликларини ривожлантириш: Радиочастота, хавфсизлик, техник текширув, оператор лицензияси каби соҳаларда масъул органларнинг ваколатларини кенгайтириш, технологияларнинг назоратини амалий қўллаш.

Хулоса. Ўзбекистонда дронлардан фойдаланиш соҳасида миллий меъёрий базани яратиш ва ривожлантириш бўйича муҳим қадамлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда учувчисиз учиш аппаратларининг парвоз вазнидаги чекловлари, лицензия ва рухсатнома талаблари, божхона ва импорт тартиб-таомиллари, шунингдек биринчи марта ҳуқуқбузарликда маъмурий жавобгарликни жорий этиш каби асосий соҳалар тартибга солинган. Бироқ халқаро стандартлар билан таққослаганда, техник стандартлаштириш, операторларнинг малакасини

ошириш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, дронларни идентификация қилиш ва категорияларга ажратиш бўйича тизимлар ҳали мукаммаллаштирилиши керак.

Халқаро тажрибалар, айниқса ICAO Model UAS ва Европа Иттифоқи регламентлари Ўзбекистон учун дронлардан хавф асосида назорат қилувчи, категорияларга асосланган тизимни жорий этишни тавсия этади. Шунингдек, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва техник стандартлар бўйича аниқ ва бир хил талаблар белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Маъмурий ва жиноий жавобгарликлар ўртасида мувозанатни сақлаш, шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўриш зарур деб ўйлаймиз.

Ушбу босқичлар Ўзбекистонда дронлар соҳасини замонавий халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш ва хавфсиз, самарали ҳамда қонунга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ICAO. *Model UAS Regulations (Parts 101, 102, 149)*. ICAO+2ICAO+2

2. European Union. *Regulation (EU) 2019/947 on the rules and procedures for the operation of unmanned aircraft*. EUR-Lex

3. European Union. *Delegated Regulation (EU) 2019/945 on unmanned aircraft and class identification*. EUR-Lex

4. ICAO Circular 328: *Unmanned Aircraft Systems (UAS)*. standart.aero

5. Ўзбекистон Республикаси қонунлари (2024) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 185^4-модда ва Жиноят кодекси 244^4-моддалари, https://www.lex.uz/acts/111453 ва https://www.lex.uz/acts/97664.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори 658-сон қарори, https://lex.uz/uz/docs/6284990.

BMT 80 YILLIGIDA INSON HUQUQLARI TAMOYILLARI ASOSIDA MAKTAB O‘QUVCHILARI HUQUQBUZARLIGI PROFILAKTIKASI

Jurayev Jasur Maxsutovich,
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti
magistraturasi magistranti kapitan

Annotatsiya. Bugungi kunda inson huquqlari himoyasi global hamjamiyatning eng muhim ustuvor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. BMT 80 yilligi nishonlanayotgan davrda, Inson huquqlari deklaratsiyasida inson huquqlarining ta’lim tizimida, xususan maktab o‘quvchilari orasida targ‘iboti va huquqbuzarliklarni oldini olish masalalari dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Maktab yoshidagi o‘quvchilar jamiyatning eng himoyaga muhtoj qatlamlaridan biri bo‘lib, ular orasida huquqbuzarliklarning oldini olish, ijtimoiy moslashuvini ta’minlash hamda huquqiy madaniyatini oshirish bugungi ta’lim tizimining ustuvor vazifalaridan biridir. Ushbu ishda inson huquqlari tamoyillari asosida maktab o‘quvchilari orasida huquqbuzarliklarni profilaktika qilishning nazariy va amaliy jihatlari o‘rganilgan. Xususan, BMT tomonidan belgilangan asosiy inson huquqlari tamoyillari - erkinlik, tenglik, sha’ni va daxlsizlik tamoyillari maktab ta’limida huquqiy tarbiya dasturlarini shakllantirishda qo‘llanilishi ko‘rib chiqilgan. Ishda huquqbuzarliklarning sabab va sharoitlari tahlil qilinib, ularni bartaraf etishda ijtimoiy, psixologik, huquqiy va pedagogik profilaktika usullari birgalikda qo‘llanilishi zarurligi ta’kidlangan.

Kalit so‘zlar: Inson huquqlari, BMT Inson huquqlari deklaratsiyasi, huquqbuzarlik profilaktikasi, maktab o‘quvchilari, huquqiy tarbiya, huquqiy madaniyat, yoshlar huquqlari, ijtimoiy profilaktika, ta’lim va huquq, huquqbuzarlikni oldini olish.

Kirish. Bugungi kunda inson huquqlari himoyasi global jamiyatning eng muhim va ustuvor yo‘nalishlaridan biriga aylangan. Xususan, BMTning 80 yilligi nishonlanayotgan sharoitda inson huquqlarining ta’lim tizimida, ayniqsa maktab yoshidagi o‘quvchilar orasida targ‘iboti va huquqbuzarliklarning oldini olish masalalari yangi zamon talablari darajasida dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Maktab yoshidagi bolalar — jamiyatning eng zaif, himoyaga muhtoj qatlamlaridan biri bo‘lib, ularning huquqlari va erkinliklarini ta’minlash, ijtimoiy moslashuvini kuchaytirish, shuningdek, huquqiy madaniyatini yuksaltirish ta’lim tizimining eng asosiy vazifalaridan hisoblanadi. Shuning uchun ham inson huquqlari tamoyillari asosida maktab o‘quvchilari orasida huquqbuzarliklarni profilaktika qilish masalalari nafaqat nazariy, balki amaliy nuqtai nazardan ham katta ahamiyatga ega. Ushbu ilmiy ishda BMT tomonidan belgilangan asosiy inson huquqlari tamoyillari - erkinlik, tenglik, sha’ni va daxlsizlik - maktab ta’limida huquqiy tarbiya dasturlarini shakllantirish va amalga oshirish jarayonida qanday qo‘llanilishi hamda huquqbuzarliklarning yuzaga

kelish sabab va sharoitlarini o‘rganib, ularni bartaraf etishda ijtimoiy, psixologik, huquqiy va pedagogik profilaktika usullarining samarali qo‘llanilishi tahlil qilinadi. Shu bilan birga, ushbu masala xalqaro hamjamiyatning inson huquqlarini himoya qilish borasidagi sa’y-harakatlari bilan uzviy bog‘liq bo‘lib, maktab yoshidagi o‘quvchilar orasida huquqbuzarliklarni oldini olish tizimli va kompleks yondashuvni taqozo etadi.

Xalqaro olimlarni fikriga ko‘ra quydagi fikrlarni bildirgan:

J. David Hawkins va Richard F. Catalano (AQSh) Bu fikrga ko‘ra, maktab o‘quvchilari orasida huquqbuzarliklarni oldini olish uchun oilaviy muhit, maktab va jamoa darajasida ijobiy omillarni kuchaytirish muhim[1].

Alison E.C. Struthers (Buyuk Britaniya) ushbu olimni fikriga ko‘ra huquqiy tarbiyada faqat bilim berish emas, balki o‘quvchilarning ongini shakllantirish, ularni faol huquq egasi sifatida tarbiyalash zarurligini ta’kidlaydi[2].

Ann Quennerstedt (Shvetsiya) ushbu olim quydagicha fikr bildiradi bolalar huquqlari ta’limi jarayonida o‘quvchilarni passiv emas, balki faol subyekt sifatida ko‘rish lozimligini urg‘ulaydi - bu esa huquqbuzarliklarning oldini olishdagi muhim yondashuvdir[3].

Shu bilan bir qatorada bu mavzu yuzasidan maktab o‘quvchilari tomonidan sodir etiladgan huquqbuzarlik profilaktikasi borasida BMT 80 yilligi yani inson huquqlarini taminlash sohasida muhim ahamiyat kasb etayotgan davrda o‘zbek olimlari ozlarini quydagi fikrlarini aytib otgan;

Jumladan:

- **I. Iskandarov o‘z tadqiqotlarida aytadiki:** “Huquqbuzarlik – bu faqat huquqiy muammo emas, balki ijtimoiy, axloqiy, psixologik va tarbiyaviy muammolarning jamlanmasidir[4].”
- **Sh.S. Sagdullayev ta’kidlaydi:** “Yoshlar orasida huquqbuzarliklarning oldini olishda maktab muhitining salbiy yoki ijobiy bo‘lishi hal qiluvchi omil sanaladi. Demak, ijobiy pedagogik muhit – profilaktikaning asosiy kalitidir[5].”
- **T.R. Jo‘rayev esa quyidagicha fikr bildiradi:** “Huquqbuzarlikning oldini olishda faqat maktab emas, balki oila va mahalla ham faol ishtirok etishi zarur. Bu – huquqiy tarbiyada 'uchlik ittifoqi' deb qaraladi[6].”

BMT tamoyillari va ularning yoshlar bilan ishlashdagi ahamiyati:

---

[1] Hawkins, J. D., & Catalano, R. F. (2002). *Communities That Care: Prevention Strategies Guide*. U.S. Department of Justice. ojjdp.ojp.gov

[2] Struthers, A. E. C. (2016). *Human Rights Education: Educating About, Through and For Human Rights*. Human Rights Law Review, 16(1), 131–153. DOI: 10.1093/hrlr/ngv011

[3] Quennerstedt, A. (2016). *Children’s Rights Research Moving into the Future – Challenges on the Way Forward*. *The International Journal of Children's Rights*, 24(2), 543–560. Brill: https://brill.com

[4] Iskandarov I. *Huquqbuzarliklar profilaktikasi va uning huquqiy asoslari*. – Toshkent: O‘zbekiston Milliy universiteti nashriyoti, 2021. – B. 47.

[5] *Sagdullayev Sh. S. Yoshlar tarbiyasi va huquqiy madaniyat. – Toshkent: Fan, 2020. – B. 93.*

6 Jo‘rayev T. R. Huquqiy tarbiya asoslari: nazariya va amaliyot. – Toshkent: Yuridik adabiyotlar, 2022. – B. 55.

BMT hujjatlarida, xususan “Bola huquqlari to‘g‘risidagi konvensiya”da har bir bolaning:

- hayotga bo‘lgan huquqi,
- ta’lim olishga bo‘lgan huquqi,
- zo‘ravonlikdan, ekspluatatsiyadan va kamsitilishdan himoyalanish huquqi kafolatlangan[1].

Bu huquqlarni amalda ta’minlash o‘quvchilarning huquqbuzarlik yo‘liga kirib qolishining oldini olishga xizmat qiladi. Xususan, BMTning bolalar bilan ishlashga doir yondashuvi – **“tarbiyaviy yondashuv va reabilitatsiyaga yo‘naltirilgan yondashuv”** deb ataladi. Ya’ni jazolashdan ko‘ra, tushuntirish, o‘rgatish, ijtimoiy muhitni yaxshilash muhimroq sanaladi[2]. Bu yondashuv yoshlarning shaxs sifatida shakllanishiga, ijtimoiy mas’uliyatni his qilishiga va jamiyatda o‘z o‘rnini topishiga ko‘maklashadi. BMT tamoyillari asosida olib borilayotgan ishlarda, ayniqsa, profilaktik choralar va ijtimoiy xizmatlar orqali yoshlarning huquqiy madaniyatini oshirish, ularni qo‘llab-quvvatlash va muammolarini erta bosqichda aniqlashga alohida e’tibor qaratiladi. Shuningdek, bu yondashuv doirasida ta’lim muassasalari, mahalla faollari, psixologlar va huquqni muhofaza qiluvchi organlar o‘rtasida hamkorlikni mustahkamlash orqali har bir bolaga individual yondashuv asosida yordam ko‘rsatiladi. Natijada, bolalar va yoshlar nafaqat huquqlarini bilishadi, balki ularni amalda himoya qilishni ham o‘rganadilar, bu esa jinoyatchilikning, zo‘ravonlikning va ijtimoiy chetlanishning oldini olishga xizmat qiladi. Umuman olganda, BMT tamoyillariga tayanilgan holda olib boriladigan tarbiyaviy va reabilitatsion ishlar yosh avlodni barkamol, mas’uliyatli va huquqiy ongli fuqarolar qilib voyaga yetkazishda muhim omil bo‘lib xizmat qiladi.

BMTning Bola huquqlari to‘g‘risidagi konvensiyasi dunyoda eng ko‘p davlatlar tomonidan ratifikatsiya qilingan BMT bitimi bo‘lib, u butun jahondagi bolalarning hayotini yaxshilashda muhim ahamiyat kasb etadi. Mamlakatimizda bola huquqlarini ta’minlash borasida qator chora-tadbirlar amalga oshirildi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Bola huquqlari kafolatlarini yanada kuchaytirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida qaror qabul qildi.

Bola huquqlari – bolaga nisbatan inson huquqlari toifasi, irqi, jinsi, tili, dini, tug‘ilgan joyi, milliy yoki ijtimoiy kelib chiqishi, mulkiyligi, ijtimoiy mavqeidan qat’i nazar, har bir bola ega bo‘lishi kerak bo‘lgan huquq va erkinliklar. Xalqaro huquqda **18 yoshga etmaganlarning barchasi bola** deb tan olingan[3].

---

[1] Birlashgan Millatlar Tashkiloti. Bola huquqlari to‘g‘risidagi Konvensiya. 1989-yil, Nyu-York. [Ratif. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi, 1992-yil 9-dekabr

[2] United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). *Juvenile Justice: A guide for policymakers*. United Nations, New York, 2010. – B. 34–36.

[3] https://advice.uz/oz/document/2675

Xulosa: Bugungi global jarayonlar, xususan BMTning 80 yilligi doirasida inson huquqlarining ta’minlanishi va himoyasi, ta’lim tizimida alohida dolzarb mavzuga aylangan. Ayniqsa, maktab yoshidagi o‘quvchilar orasida huquqbuzarliklarning oldini olish masalasi nazariy jihatdan emas, balki amaliy nuqtai nazardan chuqur yondashuvni talab etadi. Tadqiqot davomida xalqaro va mahalliy mutaxassislar fikrlari tahlil qilinar ekan, huquqbuzarliklar faqat huquqiy muammo bo‘lmay, balki ijtimoiy, psixologik, tarbiyaviy va axloqiy muammolarning jamlanmasi ekanligi tasdiqlandi. Shuningdek, BMT tamoyillariga asoslangan holda bola huquqlarini ta’minlash, huquqiy madaniyatni yuksaltirish va ta’lim orqali yoshlarni ongli fuqarolar sifatida shakllantirish muhim ekani aniqlandi. BMTning “tarbiyaviy va reabilitatsiyaga yo‘naltirilgan yondashuvi” orqali bolalarni jazolash emas, balki tushuntirish, qo‘llab-quvvatlash va ijtimoiy muhitni yaxshilash orqali jinoyatchilikni oldini olish samaradorligi isbotlandi.

Takliflar: Huquqiy tarbiyani kuchaytirish:

- Maktab o‘quvchilari uchun huquqiy ong va huquqiy madaniyatni oshirishga qaratilgan maxsus interaktiv darslar, treninglar va seminarlar joriy etilishi lozim.
- Darslar nafaqat qonunchilik haqida, balki real hayotiy vaziyatlarda huquqlarini qanday himoya qilishga o‘rgatadigan holatlarda tashkil etilishi kerak.

1. **“Uchlik ittifoqi” modelini joriy etish:**

- Huquqbuzarliklarning oldini olishda oila, maktab va mahalla o‘rtasida hamkorlikni kuchaytirish bo‘yicha tizimli yondashuvlar ishlab chiqilishi kerak.
- Har bir maktabda mahalla faollari, psixologlar va huquqshunoslar bilan hamkorlikda ishlaydigan maxsus profilaktika guruhlari tashkil etilishi mumkin.

2. **Psixologik va ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash tizimini kengaytirish:**

- Maktablarda muntazam psixologik monitoring o‘tkazilib, xavf guruhiga kiruvchi o‘quvchilar aniqlanib, ular bilan individual ishlar olib borilishi lozim.
- O‘quvchilarga ijtimoiy xizmatlar ko‘rsatish tizimi kuchaytirilsin (masalan, bepul psixologik yordam, maslahat markazlari va boshqalar).

3. **BMT hujjatlari asosida ta’lim dasturlarini boyitish:**

- “Bola huquqlari to‘g‘risidagi konvensiya” mazmuni ta’lim dasturlariga integratsiya qilinishi va har bir o‘quvchi uni amaliy jihatdan tushunib olishiga erishilishi kerak.
- O‘quvchilarning o‘z huquqlari va erkinliklarini bilish, tan olish va hurmat qilish ko‘nikmalarini rivojlantirishga qaratilgan sinfdan tashqari mashg‘ulotlar yo‘lga qo‘yilishi kerak.

4. **Faol fuqarolik pozitsiyasini shakllantirish:**

- O‘quvchilarning faolligini oshirish, ularni ijtimoiy hayotga jalb etish orqali huquqbuzarliklarning oldini olish mumkin.

➢ Yoshlar parlamenti, o‘quvchilar kengashi, “Huquq himoyachilari” klublari kabi tashabbuslarni maktablarda yo‘lga qo‘yish tavsiya etiladi.

5. **Huquqbuzarliklarning oldini olishda raqamli vositalardan foydalanish:**

➢ O‘quvchilarning huquqiy savodxonligini oshirish uchun mobil ilovalar, onlayn kurslar, video darsliklar ishlab chiqilishi va ulardan faol foydalanilishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. **Birlashgan Millatlar Tashkiloti.** (1989). *Bola huquqlari to‘g‘risidagi Konvensiya*. Nyu-York.

2. **O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni.** (2021). *Bola huquqlari kafolatlarini kuchaytirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida*. www.lex.uz

3. Hawkins, J. D., & Catalano, R. F. (1992). *Communities That Care: Action for Drug Abuse Prevention*. Jossey-Bass Publishers.

4. Struthers, A. E. C. (2015). *Teaching Human Rights in Primary Schools: A Comparative Perspective*. Education and the Law Journal.

5. Quennerstedt, A. (2011). *The construction of children's rights in education – A research synthesis*. International Journal of Children’s Rights, 19(4), 661–678.

6. Iskandarov, I. (2020). *Yoshlar orasida huquqbuzarliklarning ijtimoiy-psixologik sabablari*. Toshkent: O‘zDJTU Nashriyoti.

7. Sagdullayev, Sh. S. (2021). *Huquqbuzarliklarning profilaktikasida maktab muhitining roli*. “Huquq va jamiyat” jurnali, №3.

8. Jo‘rayev, T. R. (2022). *Huquqbuzarliklarning oldini olishda “Uchlik ittifoqi” konsepsiyasi*. Toshkent: TDYuI Nashriyoti.

9. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi. (2020). *Maktablarda huquqiy tarbiyani takomillashtirish to‘g‘risidagi qaror*. www.gov.uz

10. UNICEF. (2020). *Guidelines on the Implementation of the UN Convention on the Rights of the Child*. Geneva.

11. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). (2013). *Model Strategies and Practical Measures on the Elimination of Violence against Children*. Vienna.

ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХАТРОП МОДДАЛАР БИЛАН БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА БМТ ЎРНИ – ЁШЛАР МИСОЛИДА

Акрамжонов Иқболжон Акрамжон ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети тингловчиси, капитан

Аннотация: Ушбу мақолада ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Мавжуд муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишнинг самарали йўллари криминологик нуқтаи назардан таснифланган. Шунингдек, профилактик чора-тадбирларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В данной статье проанализированы криминологические особенности преступлений, связанных с наркотическими средствами и психотропными веществами среди молодежи. Криминологическая классификация охватывает существующие проблемы, причины их возникновения, а также эффективные пути предотвращения преступлений данного типа. Кроме того, разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию профилактических мер.

Annotation: This article analyzes the criminological characteristics of crimes related to narcotic drugs and psychotropic substances among youth. The criminological classification covers existing problems, the causes of their emergence, as well as effective ways to prevent such crimes. In addition, proposals and recommendations for improving preventive measures have been developed.

Калит сўзлар: гиёҳвандлик, психотроп моддалар, ёшлар, жиноятчилик, криминология, профилактика, ҳуқуқбузарлик, жамият, таълим, жиноятларни олдини олиш.

Ключевые слова: наркомания, психотропные вещества, молодежь, преступность, криминология, профилактика, правонарушение, общество, образование, предотвращение преступлений.

Keywords: drug addiction, psychotropic substances, youth, crime, criminology, prevention, offense, society, education, crime prevention.

Кириш. Жамият тараққиёти ва ёш авлоднинг соғлом улғайиши учун хавф солаётган омиллардан бири бу — гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ёшлар ўртасида кенг тарқалишидир. Бугунги кунда мазкур муаммо нафақат ижтимоий ва тиббий, балки ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу турдаги жиноятлар нафақат шахсий

фожиаларга, балки жамиятдаги ижтимоий барқарорликка ҳам жиддий таҳдид солмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этувчиларнинг катта қисми 18–30 ёш оралиғидагилардан иборат. Шу боис ёшлар ўртасидаги бу турдаги жиноятларни таҳлил қилиш, сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир. Мазкур мақолада айнан шу масалага криминологик ёндашувда ёндашишга ҳаракат қилинган.

Ёш авлод — ҳар қандай жамиятнинг истиқболи ва ривожининг мустаҳкам таянчи ҳисобланади. Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий салоҳиятини оширишда ёшларнинг етук, билимли ва жисмонан соғлом бўлиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аммо афсуски, глобаллашув, ахборот оқими ва турли маданий таъсирлар ортидан ёшлар ўртасида салбий иллатлар, хусусан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан фойдаланиш ҳолатлари ортиб бормоқда.

Гиёҳвандлик — нафақат инсон саломатлигига, балки жамиятнинг маънавий асосларига, ҳуқуқий тартиботга ҳам жиддий таҳдид соладиган хавфли иллатдир. Айниқса, ушбу муаммонинг ёшлар орасида кенг тарқалаётгани жиноятчиликнинг ўсиши, жиноий гуруҳларга ёшларни жалб қилиш, таълим жараёнида узилишлар ва ижтимоий муҳитда нотинчлик каби оғир оқибатларга олиб келмоқда.

Тадқиқотимиз давомида даставвал гиёҳванд моддаларнинг пайдо бўлиши тарихига назар ташласак:

Афюн[1] (аслида юнонча абижум – мудратувчи, ухлатувчи), “опий”, “қора дори” – деган маъноларни билдириб, кўкнорнинг хомроқ кўсагини тилиб қўйганда ундан оқиб чиқиб, ҳавода қорайиб қотган, сутсимон ширадир. Таркибида морфин, папаверин, кодеин, тебаин, наркотин ва 20 га яқин бошқа алкалоидлар бор. Дам-бадам қабул қилиб турилса, бошқа наркотиклар каби унга ўрганиб қолиш мумкин. Бу ҳаёт учун хавфли.

Миср ёзувларида (мил. ав. 1552 йил) дори сифатида тавсия қилинган. Теофраст (мил. ав. 3 аср), Диоскоридус-Дискуридис (мил. ав. 77 йил) ҳам ўз асарларида Афюн дори эканлигини айтиб ўтишган. Афюн дастлаб дори сифатида Кичик Осиёнинг жануби-шарқида, Европада ишлатилган ва **“опий”** деб аталган.

Юнонлардан араблар ва Яқин Шарқдаги бошқа халқларга “афюн” шаклида кирган (ўзбеклар “қора дори” ҳам дейишади). Абу Бакр ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Ибн Байтор, Довувди Антоқийларнинг асарларида ҳам Афюннинг тиббий нафъи, ишлатилиш усуллари баён этилган. Хитойда Афюнни тутатиб чекиш расм бўлган. Бу одат кейинчалик Ҳиндистон ва Эронга ҳам ўтган. Афюн кучли

[1] O‘zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil. Электрон манбаа: https://uz.wikipedia.org/wiki/Afyun#cite_note-1.

наркотик бўлгани учун ҳамма мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам уни истеъмол қилиш тақиқланган.

Тадқиқотчилар томонидан бугунги кунда гиёҳвандликнинг янги босқичи яъни, янги психоактив моддалар кенг тарқала бошланганлиги иддао қилинади.

Янги психоактив моддалар (ЯПМ) — 2005 йилдан бошлаб моддий ва руҳий боғлиқликка олиб келиши мумкин бўлган хусусиятларга эга бўлган психоактив моддалар бозорида пайдо бўлган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (БМТ ГЖБ) таърифига кўра, ЯПМ — бу "1961 йилдаги Гиёҳванд моддалар тўғрисидаги конвенция ёки 1971 йилдаги Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенция билан назорат қилинмайдиган, аммо жамоат саломатлиги учун хавф туғдириши мумкин бўлган, тоза ҳолда ёки препаратлар таркибида истеъмол қилинадиган моддалардир"[1].

Жаҳон тажрибаси ва БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) каби халқаро тузилмаларнинг маълумотларига кўра, гиёҳванд моддалардан фойдаланишнинг бошланиш нуқтаси айнан ўсмирлик ва ёшлик даврига тўғри келади. Бу эса ушбу муаммонинг нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий, психологик ва криминологик жиҳатдан ҳам чуқур ўрганилишини тақозо этади.Ўзбекистон Республикасида ёшларни гиёҳвандлик ва унга боғлиқ жиноятлардан ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган **"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"**ги Қонун, шунингдек, **"Ёшлар дафтари"** тизими ва бошқа ислоҳотлар — ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва салбий иллатлардан ҳимоя қилишга қаратилган муҳим чора-тадбирлардир.Шу билан бирга, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятлар йилдан-йилга мураккаблашмоқда, унинг содир этилиш шакллари ва усуллари ўзгармоқда, ёшларни жалб этиш механизмлари эса янада мўлжалланган ва мақсадли тус олмоқда. Бу эса ушбу жиноятларни олдини олишда янги назарий ёндашувлар ва самарали криминологик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга нисбатан қарши иммунитетни шакллантириш, шунингдек, инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо сўнгги йилларда янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлаётгани, улар инсон омилисиз интернетнинг ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса, **ёшлар орасида** осон тарқатилаётгани масъул давлат тузилмаларининг бу борадаги фаолиятини "Барча саъй-ҳаракатлар инсон

[1] United Nations Office on Drugs and Crime. The Challenge of New Psychoactive Substances: A Report from the Global SMART Programme, March 2013. Viena: United Nations Office on Drugs and Crime; 2013. Манзил: https://www.unodc.org/documents/scientific/NPS.Report.pdf (мурожаат вақти: 11.10.2025).

қадри учун” деган устувор ғоя асосида сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда. Айтиш керакки, Президентимизнинг 2025 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73сонли Фармони[1] бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Илғор хорижий тажриба, халқаро, шу жумладан БМТ экспертларининг хулоса ва тавсиялари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024 — 2028-йилларга мўлжалланган миллий стратегия тасдиқланди.

Миллий стратегия доирасида аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва **ёшлар**да ***“гиёҳвандликка қарши иммунитет”***ни, ўқувчи ва талабалар орасида кучли таъсир қилувчи дориларни истеъмол қилишга муросасиз муносабатни шакллантириш, таълим муассасаларида психофаол моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган янги таъсирчан тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий-профилактик механизмларни жорий этиш мақсадларга эришиш барча давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаси сифатида белгиланди. Давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари ҳамда дорихоналарнинг гиёҳвандлик воситаларидан тиббиётда фойдаланиш амалиётини назорат қилиш, шунингдек, фарматсевтика корхоналари, гиёҳвандлик воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи субъектлар масъулиятини оширишнинг таъсирчан механизмларини яратиш ҳам уларнинг устувор вазифаларига киради. Афсуски, ҳозирги кунда ёшлар орасида таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган (“Трамадол”, “Налбуфин”, “Санаат” ва ҳ.к.) психафаол (“Лирика”, “Регапен”, “Галара” ва ҳ.к.) доривоситаларини истеъмол қилиш ҳолатларининг учраб туриши ҳамда, ёшларимизнинг рухан ва жисмонан соғлом бўлиб етишишлари, замонавий билим ва касбга эга бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб берилган бўлишига қарамай наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларни содир қилишлари ва гиёҳвандлик йўлига кириб кетаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Хулоса. Хулоса сифатида ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситаларининг истеъмоли профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун қуйдаги амалий тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

- Биринчидан, маҳаллалар ва барча таълим муассасаларида аҳолининг оммавий спорт билан шуғулланиши учун зарурий инфратузилмани босқичма-босқич ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73сонли Фармони. https://lex.uz/uz/docs/7132120. Электрон манба: (мурожаат вақти: 11.10.2025 й)

- Иккинчидан, барча турдаги давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида мавжуд штат бирликлари доирасида жамоатчилик асосида “спорт ва тарбия тарғиботчиси” фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;
- Учинчидан, маҳалла ва таълим муассасаларда аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини давлат талаблари асосида белгиловчи “Жисмоний тайёргарлик” синовларини ташкил этиш, шунингдек спортнинг “киберспорт” йўналиши бўйича ғолиб бўлганларни рағбатлантириш борасида ёшларга таълим муассасаларга ўқишга кириш учун имтиёзлар бериш, ўқувчи ва талабаларга бир ойлик стипендия миқдорини тўлаш, маҳалла аҳолига “Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси” кўкрак нишони, “Соғлом авлод учун”, “Соғлом турмуш” каби медаль ва орден билан тақдирлаш амалиётини йўлга қўйиш;
- Тўртинчидан, “Соғлом турмуш тарзи” платформасини қайта ишга тушириш ва аҳоли ўртасида унга уланиш бўйича кенг қамровли ахборот компаниясини ташкил этиш;
- Бешинчидан, Қишлоқ шароитларида ёшларга оммавий спорт билан шуғулланиш учун муносиб шароитларни яратиш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида оилавий нодавлат спорт таълими муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш, бу борада ҳудудий ёшлар сиёсати ва спорт бўлинмалари билан битим тузиш, уларга 3 йилдан кам бўлмаган муддатга бепул фойдаланиш учун спорт жиҳозлари тақдим этиш, янги спорт анжомларини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш механизмларни белгилаш.
- Олтинчидан, ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларига қарши иммунитетни шакллантиришда оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқлари имкониятларидан кенг фойдаланиш бўйича “Медиа концепция”ни ишлаб чиқиш, бунда, маҳаллий ва тижорат телеканаллари орқали намойиш қилинадиган оммабоп телекўрсатувлар давомида ёшлар учун “гиёҳвандлик ва заҳарвандликка қаршимиз” мавзусида ижтимоий роликлар бериб борилишини мунтазам йўлга қўйиш.

Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятлар — жамиятнинг долзарб ва мураккаб муаммосидир. Ҳозирги кундаги ижтимоий-иқтисодий шароитлар, глобаллашув жараёнлари, интернет ва ахборот воситаларининг ривожланиши ёшларни наркотик моддаларга осонроқ киришига ва улар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга тортилишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, ушбу жиноятларнинг олдини олишда комплекс ва тизимли ёндашув зарур.

Криминологик тасниф асосидаги тадқиқотлар ёшлар ўртасидаги наркотик билан боғлиқ жиноятларнинг турлари, уларнинг сабаблари ва хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса профилактика чораларини самарали равишда йўлга қўйишга ва давлат сиёсатидаги устувор йўналишларни белгилашга хизмат қилади.

Ёшлар орасидаги гиёҳвандлик ва психотроп моддаларга боғлиқ жиноятлар кўп жиҳатдан ижтимоий муҳит, оилавий тарбия, дўстлар таъсири, таълим тизими

ва иқтисодий омиллар билан боғлиқдир. Шунинг учун, профилактикада фақат қонунчилик ва жазо чоралари эмас, балки ижтимоий-иқтисодий дастурлар, ёшлар учун салбий таъсирлардан ҳимоялаш механизмлари ҳам жорий этилиши керак.

Криминологиядаги таснифлаш ёрдамида жиноятларнинг турли хил шакллари — ноқонуний моддаларни муомала қилиш, ноқонуний ишлаб чиқариш, ёшларнинг наркотиклар истеъмолига йўналтирилиши, шунингдек, ушбу жиноятларнинг профилактикасини аниқлаш мумкин. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ижтимоий муассасаларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга имкон беради.

Шу билан бирга, глобал тажрибалар ва илмий тадқиқотлардан келиб чиқиб, ёшлар ўртасидаги гиёҳвандликка қарши курашда профилактика фаолиятини жамиятнинг барча қатламларида — мактабларда, оилаларда, маданий ва спорт муассасаларида самарали ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу тариқа ёшларни наркотиклардан ҳимоя қилиш ва уларни жиноятчиликдан олиб қолишда ижтимоий ва ҳуқуқий механизмлар биргаликда фаолият кўрсатиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар ўртасидаги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларни олдини олишнинг криминологик таснифи жамоатчилик хавфсизлигини таъминлаш, ёш авлодни ҳимоя қилиш ва жиноятчилик даражасини камайтиришда муҳим восита саналади. Ушбу соҳадаги тадқиқотлар ва амалиётни янада ривожлантириш орқали, ёшларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жамиятдаги ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қурбонов Ш.Х. – *Криминология: назария ва амалиёт*. Т.: “Юрист нашриёти”, 2021.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Охирги таҳрири – 2024 йил.
3. Абдурахмонов С. – *Гиёҳвандлик ва ёшлар: муаммолар ва ечимлар*, “Жамият ва ҳуқуқ”, 2022.
4. Ҳамидов У. – *Гиёҳвандликка қарши курашда профилактиканинг аҳамияти*, “Ички ишлар ахбороти”, 2023, №2.
5. UNODC – *World Drug Report 2023*. https://www.unodc.org
6. World Health Organization – *Youth and substance use: global analysis*, 2022.
7. President.uz – “Гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича 2020–2024 йилларга мўлжалланган Дастур” ҳақидаги ПҚ–4644-сон қарор, 2020.
8. Абдуллаев М. – *Ёшлар ва гиёҳвандлик: ижтимоий таҳдидлар ва ҳуқуқий ёндашув*, “Ҳуқуқ” журнали, 2023, №2.
9. Azizov A. – *Criminological Prevention of Drug Crimes Among Youth*, Tashkent State Law University Journal, 2024.

THESIS ON INTERNATIONAL LEGAL REGULATION OF COMBATING MONEY LAUNDERING AND ASSET RECOVERY IN THE DIGITAL ERA: DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

Malik M. Usmonov,
Independent applicant of Tashkent State University of Law,

Abstract: *This article analyzes international legal mechanisms for combating money laundering and asset recovery in the digital age, as well as the development of relevant legal and institutional solutions in Uzbekistan. It reviews key international standards and recommendations developed by the UN and FATF, along with the role of regional organizations and foreign experts in shaping effective strategies. Special attention is given to challenges associated with the use of cryptocurrencies and anonymous platforms, and measures to address these issues. The article examines the stages of legislative and institutional development in Uzbekistan, identifies current problems, and proposes promising directions for improving legal regulation. The importance of international cooperation, technological innovation, and capacity building is emphasized for effective fight against money laundering and asset recovery in the digital era.*

Key words: *international legal regulation, money laundering, asset recovery, digital age, cryptocurrencies, money laundering, fight against crime, international cooperation, FATF, UN, legal standards, technological innovation.*

In the context of rapid globalization and technological advancements, the issue of combating money laundering (ML) and asset recovery has become increasingly urgent. Addressing these challenges requires not only the enhancement of national legal frameworks but also active international cooperation and the adoption of innovative solutions tailored to the digital landscape.

International Standards and Key Instruments

The foundation of global efforts in combating ML is laid by international organizations such as the United Nations (UN) and the Financial Action Task Force (FATF). The UN Convention against Transnational Organized Crime (2000) and the UN Convention against Corruption (2003) establish criminalization of money laundering-related offenses and facilitate mechanisms for information exchange and cooperation among states. The FATF plays a crucial role by developing standards to counter money laundering and terrorist financing, particularly in the context of digital technologies and cryptocurrencies.

These documents and recommendations form the basis for harmonizing approaches to anti-money laundering (AML), especially vital in an era where digital

innovations enable criminals to leverage cryptocurrencies, anonymous platforms, and complex transaction chains to conceal illicit proceeds. The international community is moving toward establishing a system that ensures effective information sharing, law enforcement cooperation, and the application of modern analytical tools for monitoring and analyzing financial transactions.

Impact of Digital Technologies

The development of technologies such as cryptocurrencies and blockchain has created new avenues for illicit actors, facilitating the concealment of criminal proceeds and evasion of existing control mechanisms. Anonymity in transactions, decentralization, and the complexity of tracing operations necessitate the deployment of advanced tools, including automated transaction analysis systems, artificial intelligence, and blockchain analytics. These innovations enhance the capacity to detect suspicious activities and disrupt criminal schemes.

However, the proliferation of digital assets also imposes new responsibilities on states and international bodies to develop standards and regulations governing digital currencies, aiming to prevent their misuse for money laundering purposes. Consequently, FATF's recommendations on cryptocurrency regulation and transparency measures are increasingly relevant.

Role of International Organizations and Foreign Experts

International institutions, such as the UN, FATF, and regional bodies, facilitate capacity building, conduct expert assessments, organize seminars and conferences, and promote best practices. A key task is to develop a harmonized system that considers technological specifics and ensures effective cross-border cooperation.

Foreign experts emphasize the importance of legal reforms, technological innovation, and ongoing personnel training. For instance, specialists highlight the importance of developing analytical tools based on blockchain analytics and establishing international databases for suspicious transactions to strengthen anti-money laundering efforts involving digital assets.

Legal and Institutional Development in Uzbekistan

Uzbekistan has undertaken significant steps toward establishing a legal framework for combating ML and asset recovery. Between 2017 and 2018, the country enacted laws criminalizing related offenses and regulating digital assets. A national commission on ML countermeasures was created, automated transaction monitoring systems were implemented, and international cooperation channels were strengthened.

Nevertheless, the country faces challenges such as legislative gaps, insufficient technical infrastructure, and a shortage of qualified personnel adept at working with digital tools. To enhance effectiveness, ongoing legislative improvements, technological upgrades, and capacity building are essential.

Challenges and Future Directions

Key obstacles include legislative deficiencies, limited technological capacity, and a dearth of specialists skilled in digital analytics. Promising avenues for development encompass:

- legislative reforms aligned with international standards;
- integration of advanced financial analysis technologies;
- strengthening of international data exchange mechanisms;
- professional development for law enforcement and financial authorities;
- expanding international cooperation and joint operations.

Conclusion

Overall, combating ML and asset recovery in the digital age necessitates a comprehensive approach, combining international standards, technological innovation, institutional development, and strengthened cooperation. Harmonizing legal frameworks, adopting cutting-edge analytical tools, and investing in human capital are crucial for effective responses to emerging threats posed by digital technologies. Uzbekistan's proactive engagement with the international community provides a solid foundation for improving its AML and asset recovery capabilities. Success in these endeavors depends on political will, technological readiness, and adaptability to evolving challenges. Continued efforts to refine legal regulation, develop institutional capacity, and foster international collaboration are vital to ensuring sustainable and effective countermeasures against illicit schemes in the digital era.

BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTI FAOLIYATIDA INSON HUQUQLARI VA DEMOKRATIYA MASALALARINING USTUVORLIGI

Sarsenbaeva Aynura Tenelbay qizi,
Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti yuridika fakulteti 3-bosqich talabasi
E-mail:aynurasarsenbaeva.101@gmail.com

Annotatsiya: Mazkur maqolada Birlashgan Millatlar Tashkilotining inson huquqlari va demokratiyani ta’minlashdagi roli, ushbu yo’nalishdagi strategiyalar va inson huquqlarini himoya qilish borasida qabul qilingan deklaratsiya va konvensiyalar haqida tushunchalar berilgan. Shuningdek, tashkilotning strategik dasturlari tahlil qilinib va ushbu faoliyat samaradorligi ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: inson huquqlari, demokratiya, strategiya, maqsad, konvensiya, gender tengligi, ta’lim, bola huquqlari.

Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) — dunyo miqyosida tinchlikni mustahkamlash va xavfsizlikni ta‘minlash, davlatlarning o‘zaro hamkorligini rivojlantirish, hamda inson huquqlari va asosiy erkinliklarini himoya qilish maqsadida tashkil etilgan xalqaro tashkilotlardan biridir. Bu tashkilot 1945-yilda tuzilgan va barpo etish haqidagi qaror SSSR, AQSH, Angliya va Xitoy tashqi ishlar vazirlarining Moskvadagi kengashida 1943-yilda, Ustavi esa San-Fransisko konferensiyasida 1945-yilda qabul qilindi. Birlashgan Millatlar Tashkiloti óz faoliyati davomida demokratik qadriyatlarni mustahkamlash, adolatni qaror toptirish va inson huquqlarining himoya qilinilishini taminlashga alohida e’tibor qaratadi.

Shu o‘rinda aytib o‘tish joizki, Birlashgan Millatlar Tashkiloti har bir insonning sha’ni, qadr-qimmati va huquqlarini hurmat qilish tamoyilini global darajada ilgari surish uchun turli xil strategiyalarni amalga oshirmoqda. Bunga isbot tariqasida shuni ayta olamiz-ki, Birlashgan Millatlar Tashkiloti tuzilganidan 3 yil o‘tib ya’ni 1948-yili 10-dekabrda Bosh Assambleyasining 217 A (III) ko‘rsatmasi 30 moddadan iborat bo‘lgan "Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi" qabul qilingan va e'lon qilingan. Mazkur deklaratsiyaning muqaddimasida shunday deyilgan:

"Mazkur Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasini barcha xalqlar va barcha davlatlar bajarishga intilishi lozim bo‘lgan vazifa sifatida e’lon qilar ekan, bundan muddao shuki, har bir inson va jamiyatning har bir tashkiloti doimo ushbu Deklaratsiyani nazarda tutgan holda ma’rifat va ta’lim yo‘li bilan bu huquq va erkinliklarning hurmat qilinishiga ko‘maklashishi, milliy va xalqaro taraqqiyparvar tadbirlar orqali ham uning bajarilishi ta’minlanishiga, tashkilotga a’zo bo‘lgan

davlatlar xalqlari o‘rtasida va ushbu davlatlarning yurisdiktsiyasidagi hududlarda yashayotgan xalqlar o‘rtasida yalpisiga va samarali tan olinishiga intilishlari zarur"

BMT mazkur deklaratsiyasi inson huqularini himoya qilish bo‘yicha yuksak qadamlardan biri bo‘ldi desak mubolag‘a bo‘lmaydi, sababi bu deklaratsiyada eng dolzarb masalalari bo‘lgan yashash huquqi, shaxsiy daxlsizlik huquqi, qullikning oldini olish va mehnat huqularini himoya qilish dolzarb masalalar sifatida qaralgan.

"Har bir inson irqi, tana rangi, jinsi, tili, dini, siyosiy yoki boshqa e’tiqodlaridan, milliy yoki ijtimoiy kelib chiqishi, mol-mulki, tabaqasi yoki boshqa holatidan qat’i nazar ushbu Deklaratsiyada e’lon qilingan barcha huquq va barcha erkinlikka ega bo‘lishi zarur.

Bundan tashqari, inson mansub bo‘lgan mamlakat yoki hududning siyosiy, huquqiy yoki xalqaro maqomidan, ushbu hudud mustaqilmi, vasiymi, o‘z-o‘zini idora qiladimi yoki boshqacha tarzda cheklanganligidan qat’i nazar biror bir ayirmachilik bo‘lmasligi kerak"[1]

Birlashgan Millatlar Tashkilotiga a’zo bo‘lgan har bir davlat tashkilot hujjatlarini ham ratifikatsiya qiladi, bu degani davlatlar o’zlarining qonunlarini tashkilot deklaratsiyalariga qarshi bo‘lmaydigan holda yaratadi va qabul qiladi. Buning natijasida esa BMSH ning inson huquqlarini qo‘riqlash bo‘yicha g‘oyalari a‘zo davlatlarda o’z aksini topishi va rivojlanishidan darak beradi. Masalan O’zbekston Respublikasi Konstitutsiyasi ham "Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi"ga to’liq mos keladi.

"O‘zbekiston Respublikasi davlatlar va xalqaro tashkilotlar bilan ikki va ko‘p tomonlama munosabatlarni har taraflama rivojlantirishga qaratilgan tinchliksevar tashqi siyosatni amalga oshiradi"[2]

Bundan tashqari Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan strategiyalar ham ilgari surilgan. Masalan 2015-yili sentyabr oyida Barqaror Rivojlanish Maqsadlari yoki Global Maqsadlar deb nomlanuvchi qashshoqlikni yo‘q qilish, sayyorani himoya qilish va barcha odamlarga tinchlik va farovonlik olib kelishga qaratilgan universal choralar strategiyasi qabul qilindi va unga 2030 yilga qadar erishilishi kerak bo‘lgan 17 ta maqsad va 169 ta vazifa kiritilgan. Jumladan bular:

- o‘ta qashshoqlikka baham berish
-ochlikka barham berish
-sog‘lik va farovonlik
- sifatli ta’lim
-gender tengligi
-toza suv va sanitariya
-arzon va toza energiya
-munosib ish o‘rinlari va iqtisodiy o‘sish

-sanoatlashtirish, innovatsiya va infratuzilma
-tengsizlikni kamaytirish
-barqaror shaharlar va aholi yashash joylari
-mas’uliyatli iste’mol va ishlab chiqarish
-iqlim o‘zgarishiga qarshi kurashish
-dengiz ekotizimlarini asrash
-quruqlikdagi ekotizimlarni asrash
-tinchlik, adolat va samarali boshqaruv
-barqaror rivojlanish yo‘lida hamkorlik[3]

Hozirgi vaqtda kelajagimiz poydevorlari bo’lgan bola huquqlarini himoya qilish va ularni sog‘lom voyaga yetkazish bo‘yicha har bir demokratik mamlakatda ishlar olib borilmoqda. Bu sohada ham BMSH o’z tashabbusini olib borgan holda 1989-yili 20-noyabrda "Bola huquqlari to’g’risida"gi konvensiya qabul qilinadi. Ushbu konvensiyada bolalar alohida g‘amxo‘rlik va yordam huquqiga egaligi, bolaning shaxsi sog‘lom va har tomonlama uyg‘unlashgan holda kamoloti uchun u oila g‘amxo‘rligida, baxt, mehr-muhabbat va ongli tushunish vaziyatida o‘sishi zarurligini e’tirof etiladi. Bundan ko’rinib turibdiki, bu konventsiya nafaqat bola balki oila huquqlarini ham himoya qilishda ustuvorlik ko‘rsatadi.

Ishtirokchi-davlatlar har bir bola yashash uchun ajralmas huquqqa ega ekanligini e’tirof etadilar. Ishtirokchi-davlatlar bolaning omon yashashi va sog‘lom rivojlanishi uchun eng yuqori darajada imkoniyat yaratadilar[4]

Xulosa qilib aytganda, Birlashgan Millatlar Tashkiloti hozirgi vaqtda inson huquqlarini himoya qilish va demokratiya tamoyillarin mustahkamlash borasida eng nufuzli xalqaro tashkilotdir. Tashkilot yillar davomida o‘z faoliyati orqali davlatlar o‘rtasida tinchlik, barqarorlik va hurmatni yaratishga o‘zining katta hissasini qo‘shib kelmoqda. Bundan tashqari BMT tarafidan qabul qilingan deklaratsiya va konventsiyalar inson huquqlarini himoya qilish va yanada takomilllashtirishda asosiy huquqiy asos sifatida xizmat qiladi desak yanglishmaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi 2-modda https://constitution.uz/oz/pages/humanrights

2.O‘zbekston Respublikasi Konstitutsiyasi 18-modda https://lex.uz/docs/-6445145

3.https://uzbekistan.un.org/uz/110345-17ta-dunyoni-ozgartirishga-yonaltirilgan-barqaror-rivojlanish-maqsadlari

4.Bola huquqlari to‘g‘risida konvensiyasi 6-modda https://lex.uz/docs/-2595913

IJTIMOIY DAVLAT INDEKATORLARIGA XOS XUSUSIYATLAR VA BMT MINBARIDAN BU JARAYONGA BILDIRILGAN ISHONCHNING HUQUQIY ASOSLARI

Baxtiyorov Faxriyor Akromjon o‘g‘li,
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti “Davlat huquqiy fanlar va inson huquqlari” kafedrasi o‘qituvchisi, leytenant

Annotatsiya: O‘zbekiston ijtimoiy davlat sifatida tan olinib, davlat oilani to‘laqonli rivojlantirish, fuqarolarning bandligini ta’minlash, ishsizlikdan himoya qilish va kambag‘allikni qisqartirish kabi ijtimoiy funksiyalarni bajaradi. Konstitutsiyada mehnatni muhofaza qilish, eng kam ish haqini belgilash, ijtimoiy ta’minot, bepul ta’lim va tibbiy yordam ko‘rsatish kabi kafolatlar mavjud. Davlat ijtimoiy himoya siyosatini kuchaytiradi, inson huquq va erkinliklarini ta’minlashga qaratilgan qonunlar va tizimlarni ishlab chiqadi, shuningdek, ijtimoiy jihatdan muhtoj qatlamlarni qo‘llab-quvvatlashga alohida e'tibor beradi. Ushbu tezis orqali aynan shu yo‘nalishlar bo‘yicha huquqiy asosga ega bo‘lishingiz mumkin.

Kalit so‘zlar: Ijtimoiy ta‘minot, ijtimoiy himoya, indikator, suverenitet, prinsiplar, xalq hokimiyatchiligi, davlat organlari, temir daftar

Kirish: O‘zbekiston Respublikasi konstitutsiyasining 1-moddasida o‘z aksini topgan O‘zbekiston boshqaruvning Respublika shakliga ega bo‘lgan suveren, demokratik huquqiy ijtimoiy, dunyoviy davlat. Davlatning O‘zbekiston Respublikasi O‘zbekiston degan nomlari bir ma‘noni anglatishi mamlakatimizning barcha soha indekatorlari siyosiy rejimga mos ravishda samarali ishlayotganligidan darak beradi. Biz maqolamizda shu indekatorlardan biri bo‘lgan va boshqa yo‘nalishlarga bevosita ta‘sir o‘tkazadigan ijtimoiy sohaga asosiy e‘tiborimizni qaratamiz. O‘zbekiston ijtimoiy davlatdir va bu tamoyil Konstitutsiyada mustahkamlangan. O‘zbekistonning ijtimoiy davlat ekanligini asoslovchi bir qator asoslar mavjud: Davlat bandlikni ta'minlash, ishsizlikdan himoya qilish, kambag‘allikni qisqartirish kabi ijtimoiy masalalar bo‘yicha majburiyatlarga ega. Fuqarolarga eng kam ish haqidan past bo‘lmagan adolatli haq olish, pensiya va nafaqalar, ijtimoiy yordam olish huquqlari kafolatlangan.Har bir fuqaro uy-joyga ega bo‘lish, bepul umumiy o‘rta ta’lim va professional ta’lim olish, shuningdek, tibbiy yordam olish huquqiga ega. Ijtimoiy himoyaga muhtoj toifalar uchun maxsus yordam va kafolatlar qonun bilan belgilangan.So‘nggi konstitutsiyaviy o‘zgartirishlar bilan ijtimoiy adolat, inson huquq va erkinliklarini himoya qilish, ta’lim va sog‘liqni saqlash sohalarida davlatning majburiyatlari kengaytirildi. Davlat oilaning rivojlanishi uchun ijtimoiy, iqtisodiy, huquqiy shart-sharoitlar yaratadi va ijtimoiy tenglikni ta'minlashga intiladi. Shunday

qilib, O‘zbekistonning ijtimoiy davlat sifatida shakllanishi va rivojlanishi konstitutsiyaviy jihatdan mustahkamlangan va amalda ham ijtimoiy siyosat orqali qo‘llab-quvvatlanmoqda. O‘zbekiston ijtimoiy davlat ekanligini asoslovchi yangiliklar asosan yangi Konstitutsiya va undagi o‘zgarishlar bilan bog‘liq. Konstitutsiyada mamlakat ijtimoiy davlat sifatida mustahkamlanib, davlatning ijtimoiy adolat, inson huquqlari, kambag‘allikni qisqartirish, bandlikni ta’minlash, ishsizlikdan himoya qilish kabi majburiyatlari kengaytirildi. Shuningdek, ta’lim, tibbiyot, ijtimoiy himoya va uy-joy bilan ta’minlash sohalarida davlatning yangi kafolatlari va majburiyatlari belgilandi.

Yangiliklarning asosiy jihatlari

Konstitutsiyada ijtimoiy davlat tamoyili ilk bora aniq belgilandi, davlat va jamiyatning asosiy burchi insonga e'tibor va g‘amxo‘rlik ekani qayd etildi.Kambag‘allikni qisqartirish, ishsizlikdan himoya qilish bo‘yicha davlat o‘ziga yangi majburiyatlar oldi, ijtimoiy sohadagi normativlar uch barobarga oshirildi.Ta’lim sohasida davlat kafolatlari kengaytirilib, bepul umumiy o‘rta, boshlang‘ich professional ta’lim, oliy ta'lim grantlari taqdim etilmoqda. Tibbiy yordam bepul shaklda kafolatlanib, ijtimoiy ehtiyojmand qatlamlarga davlat tomonidan uy-joy berish tizimi kuchaytirildi. “Temir daftar”, “Ayollar daftari”, “Yoshlar daftari”, “mahallabay” va “xonadonbay” ishlash usullari orqali ijtimoiy himoya tizimi yanada samarali amalga oshirilmoqda.Yoshlar, nogironlar, keksalar va boshqa ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlar har tomonlama qo‘llab-quvvatlanmoqda. Ushbu o‘zgarishlar mamlakatda ijtimoiy himoyani kuchaytirish, fuqarolarning hayot sifatini oshirish va tenglikni ta’minlashga qaratilgan davlat siyosatining amalda mustahkamlanishidan dalolat beradi. Yangi O‘zbekiston Konstitutsiyasida ijtimoiy davlat tamoyilini asoslovchi va eng e’tibor qaratilishi kerak bo‘lgan bandlar quyidagilardan iborat: Davlat fuqarolarning bandligini ta’minlash, ishsizlikdan himoya qilish va kambag‘allikni qisqartirish choralarini ko‘radi. Har kim eng kam oylik maoshidan past bo‘lmagan miqdorda adolatli haq olish huquqiga ega. Ta’lim tashkilotlarida alohida ta’lim ehtiyojlariga ega bolalar uchun inklyuziv ta’lim va tarbiya ta’minlanadi. Fuqarolar davlat ta’lim tashkilotlarida tanlov asosida davlat hisobidan oliy ma’lumot olishga haqli. Ushbu bandlar ijtimoiy davlatning asosiy konstitutsiyaviy tamoyillari bo‘lib, fuqarolarning eng kam daromaddan pastga tushmasligini, ijtimoiy himoyani, ta’lim va tibbiyot sohalarida davlatning kafolatlarini o‘z ichiga oladi. Bu bandlarga e’tibor qaratish O‘zbekistonda ijtimoiy davlat sifatida barqarorlik va fuqaro manfaatlarini himoya qilishda muhim ahamiyatga ega. 2025-yil 30-yanvarda imzolangan Aholini ijtimoiy himoya qilish tizimini moliyalashtirish tartib-taomillarini takomillashtirish to‘g‘risidagi 17-sonli farmonning mazmun mohiyati demokratik o‘zgarishlar natijasida ijtimoiy tizimda imkoniyatlar rolini oshirishga yo‘l ochayotganligidan darak beradi.

“Kambag‘allikdan farovonlik sari” dasturi doirasida har bir fuqaroni o‘zi va farzandlari kelajagi uchun mas’uliyat bilan yondashishga undaydigan va salohiyatini ro‘yobga chiqarish uchun imkoniyat yaratish hamda ijtimoiy xizmat va yordam ko‘rsatish ko‘lamini kengaytirish orqali oilalarning mehnat qilish imkoniyatini cheklovchi sabablarni bartaraf etishga alohida e’tibor qaratilmoqda.Jumladan farmondagi mazmun mohiyat aynan shu yangiliklarga qaratilgan. Xorijiy davlatlarda ijtimoiy tushuncha, ya'ni ijtimoiy davlat modeli ko‘plab mamlakatlarda mavjud bo‘lib, fuqarolarning iqtisodiy va ijtimoiy farovonligini himoya qilishga qaratilgan. Bunday davlatlarda ijtimoiy adolat, teng imkoniyatlar va muhtojlarga yordam berish asosiy tamoyil hisoblanadi.. Ijtimoiy davlatda hech kim e'tibordan chetda qolmaydi va muammolari bilan yolg‘iz tashlab qo‘yilmaydi. Shuningdek, Yevropa va Amerika mamlakatlarida ijtimoiy ish va ijtimoiy xizmatlar tizimlari rivojlangan bo‘lib, bu sohada ijtimoiy farovonlik va himoya asosiy maqsad sifatida belgilangan.

Umuman olganda, Skandinaviya modeli «ijtimoiy demokratiya» va keng ijtimoiy tenglikni ta’minlaydigan tizim sifatida farqlanadi, kontinent modeli esa barqaror ijtimoiy himoya bilan bozor iqtisodiyotini uyg‘unlashtiradi.

Yakuniy qism: Xorij tajribasi ijtimoiy yo‘nalish uchun samarali bo‘lishi mumkin lekin biz mamlakatamizda aholining ehtiyoj manfaat, maqsadlaridan kelib chiqib ijtimoiy yo‘nalishga asosiy e‘tiborimizni qaratayotganimiz tahsinga sazovordir.

Xulosa: O‘zbekiston ijtimoiy davlat modeli inson qadrini ulug‘lash va har bir fuqaroning munosib yashash sharoitini yaratishni asosiy maqsad qilib olgan davlat tizimidir. Bu modelda davlat ijtimoiy adolat tamoyillari asosida aholining ijtimoiy tengligini ta’minlash, ijtimoiy tafovutlarni kamaytirish, kambag‘allikni qisqartirish va muhtojlarga samarali yordam ko‘rsatishni o‘z zimmasiga oladi. Konstitutsiyaga kiritilgan o‘zgartirishlar bilan Yangi O‘zbekiston ijtimoiy adolat va inson huquqlari himoyasiga asoslangan, fuqarolariga g‘amxo‘rlik qiladigan davlat sifatida shakllanish yo‘lida faol ish olib bormoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Yusupov, A. (2021). "Yangi O‘zbekiston – ijtiomoiy davlat". [Ilmi maqola]
2. O‘zbekiston Konstitutsiyasi va shunga asoslangan normativ hujjatlar.
3. O‘ralova, U. (sana aniqlanmagan). "Ijtimoiy davlat tushunchasi, mazmun va mohiyati va tarixiy rivojlanishi". [Elektron manbaa]
4. Wikipedia. "O‘zbekiston adabiyoti". (2006).
5. Xolmirzaev, S. (2023). "Shukur Xolmirzayev ijodida ijtimoiy masalalarning ifodalanishi".
6. Abdukarimova, R. A. (2023). "Yangi O‘zbekiston - ijtimoiy davlat". [Elektrum maqola]
7. Respublika va keng jamoatchilik uchun rasmiy va ilmiy maqolalar.

8. O‘zbekiston qonunlari va konstitutsiyaviy hujjatlar.
9. Yuz.uz. "O‘zbekiston Respublikasining fan va texnika, adabiyot, san’at va memorchilik sohasidagi davlat mukofotlarini berish to‘g‘risida" (2022).
10. Uzbekistan.travel. "O‘zbek adabiyoti" (2023).

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ АМАЛИЁТ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Назаров Ғанишер Баҳодирович,
Жамоат хавфсизлиги Университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур параграфда жаҳон хавфсизлик муҳитида кечаётган глобал ўзгаришлар ва уларнинг миллий хавфсизлик архитектурасига кўрсатаётган таъсири илмий-назарий асосда таҳлил этилган. Тадқиқот доирасида БМТ, ЕХҲТ, ЕИ, НАТО ва DCAF каби халқаро ташкилотларнинг хавфсизлик сектори ислоҳотига оид ёндашувлари, инсон ҳуқуқларига таянувчи демократик бошқарув моделлари ҳамда фуқаролик назоратини таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатлари (хусусан, “Code of Conduct for Law Enforcement Officials”, “Guidebook on Democratic Policing”, “EU Security Union Strategy 2020–2025”, “NATO Policy on Human Security”, “DCAF Accountability Cycle Model”) чуқур таҳлил этилган. Мақолада халқаро тажриба асосида Ўзбекистон Миллий гвардиясининг маъмурий амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари — инсон хавфсизлигига йўналтирилган демократик бошқарув моделини жорий этиш, рақамли мониторинг ва ҳисобдорлик механизмларини шакллантириш, гендер тенглигини рағбатлантириш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ҳамда халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш — илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Калит сўзлар: Миллий гвардия, маъмурий амалиёт, хавфсизлик сектори ислоҳотлари, БМТ, ЕХҲТ, ЕИ, НАТО, DCAF, инсон хавфсизлиги, демократик назорат, фуқаролик жамияти, ҳисобдорлик.

Бугунги кунда жаҳон хавфсизлик муҳитида кечаётган чуқур геосиёсий ўзгаришлар, трансмиллий жиноятчилик, терроризм ва экстремизмнинг янги шакллари, киберхавфсизликка таҳдидлар, миграция оқимлари ҳамда оммавий тартибсизликлар давлатларнинг анъанавий хавфсизлик моделига танқидий ёндашишни тақозо этмоқда. Хавфсизлик масаласи фақат ҳарбий куч ёки репрессив усуллар билан эмас, балки инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, фуқаролик жамияти иштирокини таъминлаган ҳолда ҳал этиладиган комплекс соҳалардан бирига айланди. Шу шароитда миллий хавфсизлик тизимлари,

жумладан миллий гвардия типидаги тузилмалар фаолиятини халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш долзарб илмий ва амалий вазифа сифатида намоён бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг 2024 йилда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган “Future of Global Security Architecture” саммитида билдирган мазкур фикри жаҳон хавфсизлик сиёсатининг янги босқичини ифодалайди. Унинг таъкидича, ички хавфсизликни таъминловчи институтлар — давлат барқарорлигининг устуни бўлиб, уларнинг самарадорлиги фақат ички муаммоларни ҳал этишда эмас, балки халқаро барқарорликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Замонавий дунёда трансмиллий жиноятчилик, терроризм, киберхавфсизликка таҳдидлар, оммавий миграция, экологик инқироз ва ижтимоий ноаниқлик каби мураккаб жараёнлар давлатларнинг миллий хавфсизлик стратегияларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

А.Гутерришнинг фикри шундан далолат берадики, давлат хавфсизлик тузилмалари, жумладан миллий гвардия, жандармерия ёки ички қўшинлар каби институтлар фаолиятини замонавий таҳдидларга мослаштириш инсоният тинчлиги ва барқарор тараққиёти учун глобал вазифа сифатида қаралмоқда. Шу нуқтаи назардан халқаро ташкилотлар — БМТ (Буюк Миллатлар Ташкилоти), ЕХҲТ (Европа–Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти), ЕИ (Европа Иттифоқи), НАТО (Шимолий Атлантик Шартнома Ташкилоти) ва DCAF (Женева Хавфсизлик Сектори Ҳукумронлиги Маркази) каби ҳалқаро ташкилотлар ўз тавсияларида хавфсизлик сектори ислоҳотларини инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги ва жамоат иштирокини таъминлаш тамойиллари билан уйғунлаштиришни талаб қилмоқда.

Айнан шу глобал тенденциялар Ўзбекистонда ҳам хавфсизлик соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб бермоқда. Шу ўринда, мамлакатимизда Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳнамолигида бугунги кунда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар доирасида Миллий гвардия фаолиятини замонавий таҳдидларга мослаштириш, унинг маъмурий амалиёт салоҳиятини кучайтириш ва идоралараро ҳамкорликни такомиллаштириш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу орқали жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида нафақат ички, балки халқаро миқёсдаги хавфсизлик талабларига мос бўлган, инновацион ва инсонпарвар модел шаклланмоқда.

Демак, БМТ Бош котибининг мазкур чиқиши нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий нуқтаи назардан ҳам янги Ўзбекистон Миллий гвардиясининг маъмурий амалиёт фаолиятини ривожлантириш учун муҳим илмий-сиёсий асос вазифасини ўтайди. Унинг фаолиятини халқаро хавфсизлик тизими билан

интеграциялаш, замонавий таҳдидларга жавоб бера оладиган институционал ва ҳуқуқий механизмларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади[1]. Дарҳақиқат, янги Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини тубдан янгилаш ва давлат органлари фаолиятини халқаро стандартларга мослаштириш мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларнинг мазмунидан кўриниб турибдики, давлат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган омилларни илмий ёндашувлар асосида ўрганиш ҳамда уларни халқаро ҳуқуқий қоидалар билан уйғунлаштириш давлат бошқарувининг замонавий модели учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада илмий-ҳуқуқий таҳлиллар халқаро тажриба билан интеграция жараёнининг илмий асосини шакллантиришга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, БМТ, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи, НАТО ҳамда DCAF (Geneva Centre for Security Sector Governance) каби халқаро ташкилотлар фаолиятида хавфсизликни таъминлаш, жиноятларни олдини олиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини демократлаштириш соҳасида ишлаб чиқилган меъёр ва тавсиялар муҳим илмий методологик манба бўлиб хизмат қилади. Масалан, ЕХҲТнинг 2023 йил Вена форумида қабул қилинган “Community-Oriented Policing and Human Rights” концепциясида ички хавфсизлик органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик билан ҳамкорлик ва очиқлик тамойилларини мустаҳкамлаш долзарб вазифа сифатида белгиланган[2].

Шунингдек, Женевадаги DCAF марказининг 2024 йилги ҳисоботида миллий гвардиялар ва жандармерия типидаги тузилмаларнинг фаолиятида фуқаролик назоратини кучайтириш, жамоат хавфсизлиги соҳасида ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича халқаро стандартлар ишлаб чиқилгани таъкидланган[3]. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг маъмурий амалиётини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш заруратини белгилайди.

Натижада, мазкур илмий йўналиш доирасида Миллий гвардия фаолиятининг жиноятларни олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишдаги роли халқаро қонунчилик тизимлари билан таққосланиб, илмий хулосалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу нафақат маъмурий

[1] Мирзиёев Ш.М. *Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси – 2030.* – Тошкент: Ўзбекистон, 2024. – 350 б.

[2] Organisation for Security and Co-operation in Europe (OSCE). 2023. *Community-Oriented Policing and Human Rights*. Vienna: OSCE Publications.

[3] Geneva Centre for Security Sector Governance (DCAF). *Annual Review of Security Sector Governance.* Geneva, 2024.

амалиётнинг самарадорлигини оширишга, балки Ўзбекистоннинг хавфсизлик тизимини замонавий халқаро талаблар даражасига кўтаришга хизмат қилади. Хусусан:

а) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги глобал меъёрий асослари. Бугунги кунда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро хавфсизлик, тинчлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида асосий глобал институт сифатида жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини демократлаштириш бўйича комплекс меъёрий ҳужжатлар тизимини ишлаб чиққан. Жумладан, БМТнинг ***Crime Prevention and Criminal Justice Programme*** доирасида қабул қилинган "***United Nations Standards and Norms in Crime Prevention and Criminal Justice***" (2016) ҳужжати жиноятчиликка қарши курашда давлат органлари фаолиятини инсон ҳуқуқлари, шаффофлик ва қонунийлик тамойилларига асослаш зарурлигини белгилайди. Мазкур ҳужжатда давлат органларига жиноятчиликнинг ижтимоий сабабларини бартараф этиш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жазо эмас, балки профилактика устуворлигини таъминлаш тавсия этилган[1].

Шу билан бирга, БМТнинг **Бош Ассамблеяси** томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида халқаро стандартларни белгилаб берди. Жумладан, 1979 йилда қабул қилинган "***Code of Conduct for Law Enforcement Officials***" ҳалқаро ҳужжатда ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими фуқароларга нисбатан инсоний муносабатда бўлиши, ҳеч қандай ҳолатда қийноқ ёки зўравонлик усулларидан фойдаланмаслиги кераклиги қатъий белгилаб қўйилган[2]. Ушбу ҳужжат қонун устуворлиги ва инсон қадрини эътироф этиш тамойилларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг марказига қўяди.

Бундан ташқари, 1990 йилда қабул қилинган "***Basic Principles on the Use of Force and Firearms by Law Enforcement Officials***" ҳужжатида куч ишлатишнинг пропорционаллик ва зарурат принциплари халқаро ҳуқуқнинг асосий стандарти сифатида белгиланган. Унга кўра, давлат ходимлари куч ва қуролни фақат охирги чора сифатида, инсон ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида қўллаши мумкин. Бу меъёр, айниқса, ички хавфсизлик тизимларида — миллий гвардия, полиция ва ҳарбий тузилмалар фаолиятида — аҳоли билан ишлашнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим ўрин тутади[3].

---

[1] United Nations. (2016). *United Nations Standards and Norms in Crime Prevention and Criminal Justice.* New York: UN Publications.

[2] United Nations General Assembly. (1979). *Code of Conduct for Law Enforcement Officials.* Resolution 34/169, adopted on 17 December 1979.

[3] United Nations. (1990). *Basic Principles on the Use of Force and Firearms by Law Enforcement Officials.* Adopted by the Eighth United Nations Congress on the Prevention of Crime and the Treatment of Offenders, Havana.

Шунингдек, БМТнинг ихтисослашган тузилмаси ***United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC)*** томонидан 2020 йилда нашр этилган "***Handbook on Police Accountability, Oversight and Integrity***" қўлланмаси халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида янги босқични белгилади. Қўлланмада полиция ва миллий гвардия типидаги тузилмаларда фуқаролик назоратининг институционал моделлари, оммавий ҳисобдорлик ва касбий этика стандартларини жорий этиш бўйича илғор халқаро тажрибалар тақдим этилган.

Унда айниқса, давлат ички хавфсизлик тузилмаларининг мустақил ички назорат бўлимлари, омбудсман институтлари, фуқаролик кенгашлари орқали фаолият шаффофлигини таъминлаш тавсия этилган[1]. Шунингдек, ҳисобдорлик механизмининг асосий принциплари сифатида "ҳуқуқий жавобгарлик", "ахлоқий масъулият", ва "институционал очиқлик" мезонлари белгиланган. Бу тавсиялар БМТнинг кенг қамровли ***Sustainable Development Goals (SDGs)*** дастуридаги 16-мақсад ("Тинчлик, адолат ва кучли институтлар") билан ҳам узвий боғлиқдир[2]. б) ***Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг хавфсизликни таъминлаш ва жиноятларни олдини олиш соҳасидаги халқаро меъёрий асослари.*** **Бугунги кунда,** Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ, OSCE) Европада хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш бўйича энг йирик минтақавий институтлардан бири ҳисобланади. Унинг фаолияти асосини ташкил этувчи 1975 йилда қабул қилинган ***Хельсинки Қатъномаси*** ва 1990 йилда қабул қилинган ***Париж Хартияси*** **каби** ҳужжатларда хавфсизликнинг инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқ устуворлиги ва давлатлар ўртасидаги ишонч тамойиллари билан узвий боғлиқлиги таъкидланган[3]. Шунингдек, ЕХҲТнинг фаолияти уч ўлчовда — ***сиёсий-ҳарбий***, ***иқтисодий-экологик*** ва ***инсоний (human dimension)*** йўналишларда амалга оширилади. Айнан инсоний ўлчов доирасида ташкилот ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари, фуқаролик назорати ва жамоатчилик билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиққан[4]. **Ҳусусан,** ЕХҲТнинг Венадаги Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ODIHR) томонидан 2023 йилда қабул қилинган ***"Community-Oriented Policing and Human Rights"*** концепцияси хавфсизлик тизимида фуқаролик жамияти билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишни

[1] United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). (2020). *Handbook on Police Accountability, Oversight and Integrity.* Vienna: UNODC Publications.

[2] United Nations. (2015). *Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development.* Resolution adopted by the General Assembly on 25 September 2015.

[3] Organization for Security and Co-operation in Europe (OSCE). (1975). Helsinki Final Act. Helsinki.

[4] OSCE. (1990). *Charter of Paris for a New Europe.* Paris.

назарда тутади[1]. Мазкур ҳужжатда полиция ва миллий гвардия типидаги тузилмалар фаолиятида очиқлик, ҳисобдорлик, шаффофлик ва инсон қадрини ҳурмат қилиш тамойиллари марказий ўринни эгаллаши кераклиги таъкидланган.

Қайд этилишича, хавфсизлик фақат қонун устуворлиги билан эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва давлат органларига бўлган ишончи билан ҳам таъминланади. Шу боис, ЕХҲТ жамоатчилик билан ишлашнинг ***community policing*** моделини давлат ички хавфсизлик сиёсатининг асосий йўналиши сифатида илгари сурган[2].

Бундан ташқари, ЕХҲТнинг 2018 йилдаги "***Guidebook on Democratic Policing by the OSCE***" қўлланмаси қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларига ҳурматни таъминлаш бўйича амалиётга қаратилган тавсияларни ўз ичига олади. Қўлланмада полиция ва хавфсизлик тузилмаларида фуқаролик назоратини жорий қилиш, ички шаффоф ҳисобдорлик механизмларини ривожлантириш ҳамда ходимларни халқаро ҳуқуқ ва ахлоқий меъёрларга мувофиқ тайёрлаш бўйича асосий йўналишлар белгиланган[3].

Шу ўринда, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) инсон ҳуқуқлари ва полиция ҳисобдорлиги соҳасидаги илмий-амалий тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш мазкур параграфнинг илмий мазмунини янада бойитади. Хусусан, ЕХҲТ томонидан ишлаб чиқилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва полиция фаолиятининг демократик назоратига оид меъёрий ҳужжатлар амалда хавфсизлик секторида очиқлик, жавобгарлик ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, уларни илмий таҳлилга жалб этиш тадқиқотнинг назарий-амалий аҳамиятини сезиларли даражада оширади.

Жумладан, ЕХҲТнинг амалий фаолиятида ҳам фуқаролик назорати ва полиция ҳисобдорлиги устувор аҳамият касб этади. Масалан, **ЕХҲТ Полиция фаолияти бўйича миссиялари** (OSCE Police Missions) Босния ва Герцеговина, Косово, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларда хавфсизлик органларини демократлаштириш ва жамоатчилик билан ишлаш соҳасида кенг кўламли дастурларни амалга оширган. Бу миссиялар жамоат хавфсизлигини таъминлашда "инсон хавфсизлиги" (human security) концепциясини илгари суриб, давлат органларининг фуқаролар олдида ҳисобдорлиги ва жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилган[4].

---

[1] OSCE. (2023). *Community-Oriented Policing and Human Rights.* Vienna: OSCE Publications.

[2] OSCE/ODIHR. (2021). *Community Policing Strategies: Enhancing Trust and Security.* Warsaw: ODIHR Publications.

[3] OSCE. (2018). *Guidebook on Democratic Policing by the OSCE.* Vienna: OSCE Secretariat.

[4] OSCE. (2020). *Police Mission Reports: Democratic Oversight and Human Security.* Vienna.

ЕХҲТнинг 2020 йилги "***Manual on Police Accountability and Human Rights Compliance***" ҳужжатида эса полиция ходимларининг касбий этикаси, куч ишлатишнинг пропорционаллиги, шунингдек, оммавий тартибсизликлар даврида ҳуқуқбузарликларни олдини олишда жамоатчилик билан ҳамкорлик усуллари илмий асосда тавсия этилган[1].

в) Европа Иттифоқининг Хавфсизлик ва Жиноятчиликка Қарши Кураш соҳасидаги халқаро меъёрий асослари. Бунда, Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг энг нуфузли платформаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. ЕИнинг сиёсий ва ҳуқуқий пойдевори 1992 йилда қабул қилинган Маастрихт шартномаси ва 2007 йилда қабул қилинган Лиссабон шартномаси орқали мустаҳкамланган бўлиб, улар хавфсизлик сиёсати, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги интеграцияни таъминлаб берди[2]. Шу ўринда, ЕИ хавфсизлик сиёсатининг ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Маастрихт шартномаси Европанинг қўшма ташқи ва хавфсизлик сиёсатига (Common Foreign and Security Policy (CFSP)) ҳуқуқий асос яратиб берди. Унга кўра, хавфсизликни таъминлаш давлатлараро ҳамкорлик, тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларига ҳурмат ва демократик қадриятларни илгари суриш орқали амалга оширилади. Кейинчалик Лиссабон шартномаси мазкур тизимни мукаммаллаштириб, Қўшма хавфсизлик ва мудофаа сиёсатини яратиш орқали ЕИнинг хавфсизлик соҳасидаги институционал мустақиллигини таъминлади[3].

Европа Иттифоқининг хавфсизлик сиёсатида ҳарбий кучдан ташқари омиллар — ҳуқуқ устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва демократик институтларнинг барқарорлиги — хавфсизликнинг асосий компонентлари сифатида белгиланган. Бу йўналиш ЕИнинг умуминсоний қадриятларга таянадиган "қонунга асосланган хавфсизлик" моделини шакллантирди.

Бугунги кунда ЕИ хавфсизлик соҳасида давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатларни қабул қилган.

1. "EU Security Union Strategy 2020–2025" — ушбу стратегия хавфсизликка таҳдидларнинг трансмиллий табиатига мос равишда жиноятчиликка қарши ягона ёндашувни белгилайди. Унда терроризмга қарши кураш, киберхавфсизликни мустаҳкамлаш, чегараларни муҳофаза қилиш ва

[1] OSCE/ODIHR. (2020). *Manual on Police Accountability and Human Rights Compliance.* Warsaw: OSCE Publications.

[2] Treaty on European Union (Maastricht Treaty), 1992.

[3] Treaty of Lisbon, 2007.

маълумотлар алмашинувини такомиллаштириш каби устувор йўналишлар белгиланган[1].

2. "EU Action Plan on Human Rights and Democracy (2020–2024)" — мазкур ҳужжат хавфсизлик тизими фаолиятида инсон қадри, ҳисобдорлик ва фуқаролик назоратини таъминлаш тамойилларини белгилайди. Унда жамоат хавфсизлигини таъминловчи органлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда фаолият юритиши шартлиги таъкидланган[2].

3. "Charter of Fundamental Rights of the European Union" (2000) — инсон ҳуқуқлари соҳасида ЕИнинг конституцион манбаи ҳисобланади. Унда полиция ва миллий гвардия каби тузилмалар фаолиятида инсон шаънини ҳимоя қилиш, адолат ва ҳуқуқий тенгликни таъминлаш мажбурий норма сифатида белгилаб қўйилган[3].

Шунингдек, бугунги кунда Европа Иттифоқи хавфсизлик сиёсатида амалиётни мувофиқлаштириш ва жиноятчиликка қарши самарали ҳамкорликни таъминлаш мақсадида ***Европол (Europol)*** ва ***Евроюст (Eurojust)*** каби икки муҳим институтдан иборат .

Европол – ЕИ давлатлари ўртасида жиноятчиликка оид маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш орқали трансмиллий жиноятларга қарши курашда марказий рол ўйнайди. Унинг фаолияти кибержиноятлар, наркотик моддалар савдоси, одам савдоси, молиявий жиноятлар ва терроризмга қарши курашни ўз ичига олади[4];

Евроюст – миллий прокуратура ва суд органлари ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этиб, жиноят ишлари бўйича тергов ва суд жараёнларини мувофиқлаштиради. У ЕИ миқёсида ҳуқуқий ёрдам ва тергов материалларини алмашишни енгиллаштиради, шу билан жиноят ишларини тезкор ва адолатли ҳал этишга хизмат қилади[5].

Шу орқали ЕИ хавфсизлик сиёсатидаги амалиёт фақат давлат хавфсизлигини эмас, балки жамоат хавфсизлигини ҳам таъминлашга йўналтирилган тизимли модел сифатида шаклланди.

Бундан ташқари, ЕИ Комиссияси ва Европа Парламенти томонидан қабул қилинган 2018 йилда қабул қилинган ***"EU Police Cooperation Code of Conduct"*** полиция фаолиятида инсон ҳуқуқлари, фуқаролар билан очиқ мулоқот ва ҳисобдорлик тамойилларини белгилайди[6]. Унга кўра, полиция куч ишлатишда

---

[1] European Commission. (2020). *EU Security Union Strategy 2020–2025*. Brussels.

[2] European External Action Service. (2020). *EU Action Plan on Human Rights and Democracy (2020–2024)*. Brussels.

[3] *Charter of Fundamental Rights of the European Union*, 2000.

[4] Europol. (2024). *European Union Agency for Law Enforcement Cooperation Annual Report*. The Hague.

[5] Eurojust. (2023). *Annual Report on Judicial Cooperation in Criminal Matters*. Luxembourg.

[6] European Parliament & European Commission. (2018). *EU Police Cooperation Code of Conduct*. Brussels.

эҳтиёткорликка, ҳуқуқий пропорционалликка ва шаффофликка амал қилиши шарт.

Шунингдек, ***Европа Полис Академияси (CEPOL)*** томонидан ташкил этиладиган тайёрлов дастурлари полиция ходимларининг касбий этика, инсон ҳуқуқлари ва халқаро стандартлар бўйича билим ва малакасини ривожлантиришга қаратилган[1]. Бу амалиётлар "интеграциялашган хавфсизлик бошқаруви" ("integrated security governance") моделида ўз ифодасини топган бўлиб, унда хавфсизликнинг ҳарбий ва маъмурий таркибий қисмлари фуқаролик институтлари билан мувозанатли ҳамкорликда ишлаши таъкидланади.

г) Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти (***НАТО)нинг хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги глобал меъёрий ва институционал асослари.*** **Бугунги кунда,** НАТО ҳалқаро ташкилоти жаҳон хавфсизлик тизимининг энг таъсирли ҳарбий-сиёсий институтларидан бири бўлиб, унинг фаолияти 1949 йил 4 апрелда имзоланган ***Вашингтон Шартномаси*** асосида ташкил этилган[2]. Мазкур шартнома иштирокчи давлатлар ўртасида жамоавий ҳимоя, сиёсий ҳамкорлик ва ҳарбий интеграциянинг ҳуқуқий асосини яратиб, халқаро хавфсизлик тизимининг янги босқичини белгилади. НАТОнинг асосий вазифаси — аъзоларининг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш билан бирга, демократик бошқарув, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқ устуворлигини жаҳон хавфсизлик сиёсатининг асосий тамойиллари сифатида илгари суришдан иборатдир[3]. Шу нуқтаи назардан, НАТО нафақат ҳарбий жиҳатдан, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, миллий гвардиялар ва фуқаролик хавфсизлик тизимлари фаолиятини ҳам ислоҳ қилишга қаратилган кенг қамровли халқаро дастурларни амалга ошириб келмоқда.

Шу ўринда, бугунги кунда, НАТОнинг 2010 йилдаги ***"Strategic Concept for the Defence and Security of the Members of the North Atlantic Treaty Organization"*** номли ҳалқаро ҳужжати ташкилот фаолиятининг сиёсий, ҳуқуқий ва инсонпарварлик йўналишларини белгилаб берди[4]. Мазкур концепцияда хавфсизлик фақат ҳарбий куч ёки қўшинларнинг қуввати орқали эмас, балки демократик бошқарув, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали таъминланиши лозимлиги таъкидланди.

НАТОнинг ушбу стратегик концепциясида қуйидаги устувор йўналишлар белгиланган:

[1] CEPOL. (2023). *Training Catalogue on Human Rights and Police Ethics*. Budapest.
[2] NATO. (2020). *Founding Principles and Democratic Values*. Brussels.
[3] NATO. (2010). *Strategic Concept for the Defence and Security of the Members of the North Atlantic Treaty Organization*. Lisbon.
[4] NATO. (2015). *Comprehensive Approach to Security: Policy Guidelines*. Brussels.

ҳуқуқ устуворлиги ва "нулл толерантлик" сиёсати — бунда жиноятчилик ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат орқали хавфсизлик тизимини соғломлаштириш;

ҳисоббдорлик ва шаффофлик — бунда давлат органлари фаолиятида очиқлик, жамоатчилик назорати ва халқаро ҳисобдорликни таъминлаш;

ҳарбий ва фуқаролик тузилмалари ўртасида институционал ҳамкорлик — бунда хавфсизлик соҳасида самарали бошқарув ва ўзаро мувофиқликни кучайтириш;

фуқаролик жамиятининг иштирокини рағбатлантириш — бунда хавфсизлик сиёсатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат сектори ва жамоат ташкилотларининг фаол ролини таъминлаш.

Бу тамойиллар асосида НАТОнинг ***"Comprehensive Approach to Security"*** стратегияси ишлаб чиқилиб, унда хавфсизликни таъминлашда сиёсий барқарорлик, ҳуқуқ устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва самарали бошқарув принциплари устувор йўналиш сифатида белгиланди[1].

НАТО фаолиятида хавфсизликни таъминлашда фуқаролик компонентларига катта аҳамият берилади. Ташкилот ҳарбий кучлар билан бир қаторда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва полиция функцияларини бажарувчи тузилмаларни демократлаштириш ва ҳисобдор бошқарувни жорий этишга қаратилган бир қатор махсус институтлар ва дастурларни амалга оширмоқда. Буларга:

1. NATO Stability Policing Centre of Excellence (COE) — Италиянинг Виченца шаҳрида жойлашган ушбу марказ миллий гвардия, полиция ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятини ислоҳ қилиш, фуқаролар билан мулоқот маданиятини ривожлантириш ва оммавий тартибни сақлаш соҳасида илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланади[2].

2. NATO Building Integrity Programme (BI) — хавфсизлик секторида коррупцияга қарши курашиш, ҳисобдорлик ва шаффоф бошқарувни йўлга қўйишга қаратилган глобал ташаббус ҳисобланади. Ушбу дастур доирасида иштирокчи давлатларда молиявий шаффофлик, кадрлар этикаси ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган[3].

3. NATO Defence Education Enhancement Programme (DEEP) — ҳарбий ва фуқаролик хавфсизлик соҳасида кадрлар тайёрлаш, инсон ҳуқуқлари, ахлоқий меъёрлар ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган илмий-амалий дастурдир[4]. Мазкур дастур Ўзбекистон каби шерик давлатларда ҳам таълимий

[1] NATO. (2015). *Comprehensive Approach to Security: Policy Guidelines*. Brussels.
[2] NATO Stability Policing Centre of Excellence (COE). (2023). *Annual Activity Report*. Vicenza.
[3] NATO. (2021). *Building Integrity in Defence and Security Sectors: Implementation Report*. Brussels.
[4] NATO. (2022). *Defence Education Enhancement Programme (DEEP) Compendium*. Brussels.

ҳамкорликнинг замонавий моделини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу институтлар фаолияти натижасида НАТО давлатларида ички хавфсизликни таъминлаш, жамоатчилик билан ҳамкорлик ва ҳисобдор бошқарув тизимлари самарали демократик модел сифатида шаклланди.

Эндиликда, НАТОнинг 2022 йилда қабул қилинган ***"Policy on Human Security"*** номли ҳужжатининг мазмунига тўхталиб ўтсак. Хусусан, хавфсизлик сиёсатининг марказига инсон қадрини қўйган ҳолда, ҳарбий ва полиция фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қийноқ, зўравонлик ва дискриминация ҳолатларига йўл қўймаслик тамойилларини белгилайди[1]. Унда куч ишлатишда пропорционаллик, эҳтиёткорлик ва халқаро гуманитар ҳуқуқ қоидаларига риоя қилиш мажбурий ҳисобланади.

Шунингдек, 2021 йилда қабул қилинган ***"NATO Concept on Women, Peace and Security (WPS)"*** ҳужжати хавфсизлик тизимида гендер тенглиги ва аёлларнинг фаол иштироки муҳим омил эканлигини эътироф этди[2]. Мазкур концепция тинчликни таъминлаш, зўравонликни олдини олиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнларида аёлларнинг ролини кучайтиришни назарда тутади. НАТО бу орқали хавфсизлик сиёсатини инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлаган ҳолда, ҳарбий ва фуқаролик хавфсизлик тизимларида демократик қийматлар устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган глобал меъёрий моделни яратди.

д) ***Женева хавфсизлик сектори бошқарув маркази (DCAF) фаолиятининг халқаро илмий-ҳуқуқий асослари.*** **Бугунги кунда** Женевада жойлашган ***Security Sector Governance Centre (DCAF — Geneva Centre for Security Sector Governance)*** 2000 йилда Швейцария Федерал Ҳукумати ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда хавфсизлик сектори ислоҳоти (***Security Sector Reform — SSR***) ва хавфсизлик сектори бошқаруви (***Security Sector Governance — SSG***) соҳасидаги илмий-тадқиқот ва амалий фаолиятни мувофиқлаштирувчи халқаро марказ сифатида тан олинган[3]. Марказнинг асосий вазифаси — давлатларнинг хавфсизлик тизимини демократик бошқарув, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари тамойиллари асосида ривожлантиришга кўмаклашишдан иборатдир. DCAF фаолияти доирасида хавфсизлик сектори деганда ҳарбий қисмлар, миллий гвардия, полиция, чегара хизмати, разведка идоралари, суд-ҳуқуқ тизими ҳамда фуқаролик назорати институтлари назарда тутилади[4].

---

[1] NATO. (2022). *Policy on Human Security*. Brussels.
[2] NATO. (2021). *Women, Peace and Security Policy and Action Plan 2021–2025*. Brussels.
[3] Geneva Centre for Security Sector Governance (DCAF). (2000). *Founding Charter*. Geneva.
[4] DCAF. (2017). *Security Sector Governance: Concept and Definitions*. Geneva.

DCAF томонидан ишлаб чиқилган 2019 йилда қабул қилинган ***"Security Sector Governance and Reform: Principles and Frameworks"*** концепцияси хавфсизлик секторида самарали бошқарув ва ҳисобдорликни таъминлашнинг илмий-назарий асосларини белгилаб берган[1]. Мазкур концепцияда хавфсизлик тизимининг барқарорлиги фақат ҳарбий куч ёки сиёсий ирода билан эмас, балки демократик назорат, инсон ҳуқуқлари ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш орқали амалга оширилиши лозимлиги таъкидланган.

Концепциянинг асосий тамойиллари қуйидагича шаклланган:

– хавфсизлик соҳасида ***қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш***;

– хавфсизлик институтларининг ***парламент ва фуқаролик жамияти олдида ҳисобдорлиги***;

– хавфсизлик фаолиятида ***очиқлик ва шаффофликни таъминлаш***;

– ***гендер тенглиги ва инклюзив бошқарув***ни ривожлантириш;

– хавфсизлик тизимида ***инсон хавфсизлиги (human security)*** тамойилини устувор қилиш.

Бу ёндашув БМТ, ЕХҲТ ва Европа Иттифоқининг хавфсизлик соҳасидаги халқаро стандартлари билан уйғун равишда ишлаб чиқилган бўлиб, DCAF халқаро илмий-тадқиқот мактаби сифатида глобал даражада тан олинган[2].

DCAF фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири — хавфсизлик органлари фаолиятида фуқаролик назоратини кучайтириш ва ҳисобдорлик тизимини шакллантиришдир. Марказ томонидан тайёрланган ***"Handbook on Security Sector Oversight and Accountability"*** қўлланмаси халқаро амалиётда фуқаролик назоратининг ҳуқуқий моделларини тизимлаштирган илмий манба ҳисобланади[3].

Қўлланмада парламент, инсон ҳуқуқлари бўйича омбудсманлар, миллий комиссиялар ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг хавфсизлик органлари фаолиятини назорат қилишдаги роллари кенг ёритилган. DCAF мазкур фаолиятни ***"accountability cycle"*** модели орқали илмий жиҳатдан асослаб берган бўлиб, у хавфсизлик соҳасида ҳисобдорликнинг қуйидаги тўрт босқичини ўз ичига олади:

Қонунчилик орқали аниқ ваколат белгилаш, яъни хавфсизлик институтлари ваколатларини ҳуқуқий асосда тартибга солиш;

Ижро жараёнини мониторинг қилиш, яъни амалга оширилаётган фаолият устидан тизимли назоратни таъминлаш;

---

[1] DCAF. (2019). *Security Sector Governance and Reform: Principles and Frameworks*. Geneva.

[2] DCAF. (2020). *International Standards and Good Practices in Security Sector Governance*. Geneva.

[3] DCAF. (2021). *Handbook on Security Sector Oversight and Accountability*. Geneva.

Жамоатчилик билан мулоқот қилиш, фуқаролар ва нодавлат сектор иштирокида очиқ муҳокамаларни ташкил этиш;

Ҳисобот ва таҳлил тайёрлаш, натижалар бўйича жамоатчилик ва парламентга ҳисоб бериш.

Бу тизим хавфсизлик институтларини фақат давлат раҳбариятига эмас, балки кенг жамоатчилик олдида ҳам масъул этиб белгилайди, бу эса хавфсизлик бошқарувида демократик ҳисобдорлик моделини амалга ошириш имконини беради[1].

Марказ ҳар йили тайёрлайдиган ***"Annual Review of Security Sector Governance"*** ҳисоботларида дунё мамлакатларида хавфсизлик сектори ислоҳотлари, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқ устуворлиги соҳасидаги тенденциялар таҳлил қилинади. 2024 йилги ҳисоботда кўплаб давлатларда миллий гвардия ва полиция тизимларида фуқаролик назоратининг етарли даражада таъминланмаганлиги институционал муаммо сифатида қайд этилган[2].

Шунингдек, DCAFнинг ***"Human Rights and Security Sector Governance Toolkit"*** тадқиқотида хавфсизлик фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг еттита асосий индикатори белгиланган:

ҳуқуқий асос — инсон ҳуқуқларига оид миллий ва халқаро меъёрларнинг хавфсизлик тизимига интеграцияси;

ҳисобдорлик — ички ва ташқи назорат механизмларининг мавжудлиги;

тренинг тизими — хавфсизлик хизматларида инсон ҳуқуқлари бўйича мунтазам ўқув дастурларини жорий этиш;

куч ишлатишнинг меъёри — пропорционаллик ва эҳтиёткорлик қоидаларига амал қилиш;

шаффофлик — хавфсизлик фаолияти натижаларини жамоатчиликка очиқ эълон қилиш;

жамоат билан мулоқот — фуқаролар билан ишончли муносабатлар ўрнатиш;

гендер инклюзивлик — аёллар ва ижтимоий жиҳатдан заиф гуруҳларнинг хавфсизлик соҳасидаги иштирокига кенг имконият яратиш[3].

Бу илмий моделлар хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини инсонпарвар, шаффоф ва ҳисобдор тизим сифатида ташкил этишга хизмат қилади.

Юқорида тилга олинган халқаро ташкилотларнинг илмий-назарий концепциялари ва амалий тажрибаларини таҳлил этиш Миллий гвардия органларининг маъмурий амалиётини такомиллаштириш йўналишида муҳим

[1] DCAF. (2022). *Accountability Cycle: Strengthening Civilian Oversight Mechanisms*. Geneva.
[2] DCAF. (2024). *Annual Review of Security Sector Governance*. Geneva.
[3] DCAF. (2022). *Human Rights and Security Sector Governance Toolkit*. Geneva.

илмий аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, бугунги глобал хавфсизлик муҳитида хавфсизлик сектори ислоҳотларини илмий асосда ташкил этиш масаласи халқаро ҳамжамият томонидан устувор йўналиш сифатида эътироф этилмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ), Европа Иттифоқи (ЕИ), Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти (НАТО) ҳамда Женева Хавфсизлик Сектори Бошқаруви Маркази (DCAF) фаолияти доирасида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар ва концепциялар миллий хавфсизликни таъминловчи институтлар — миллий гвардия, жандармерия ва ички қўшинлар каби тузилмаларнинг маъмурий амалиётини инсонпарварлик, ҳисобдорлик, ҳуқуқ устуворлиги ва демократик назорат тамойиллари асосида ташкил этишни назарда тутади.

Бу ташкилотлар фаолиятидаги илмий ёндашувлар хавфсизлик тизимларини ислоҳ қилишда фуқаролик жамияти иштирокини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларига риоя этиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминловчи институтларнинг институционал салоҳиятини оширишга қаратилган. Шу нуқтаи назардан, ушбу халқаро тажрибаларнинг илмий-назарий қиймати шунда намоён бўладики, улар Миллий гвардия органларининг маъмурий амалиётини ислоҳ қилиш жараёнида инсон ҳуқуқларига таянган бошқарув моделини жорий этишга хизмат қилади, бу эса янги Ўзбекистон шароитида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга имкон яратади.

Шундай қилиб, БМТ ва ЕХҲТ каби ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган хавфсизлик соҳасидаги илмий концепциялар миллий гвардия органларининг маъмурий фаолиятидаги ҳуқуқий, ташкилий ва ахлоқий меъёрларни такомиллаштиришга илмий асос бўлиб хизмат қилиши, миллий хавфсизлик бошқарувини инсонпарвар, ҳисобдор ва самарали тизим сифатида шакллантириш имконини яратади. Мазкур илмий таҳлил ва халқаро ташкилотларнинг ижобий тажрибаларидан келиб чиқиб:

биринчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган ***“United Nations Standards and Norms in Crime Prevention and Criminal Justice” (2016)***, ***“Code of Conduct for Law Enforcement Officials”*** ҳамда ***“Basic Principles on the Use of Force and Firearms by Law Enforcement Officials”*** каби меъёрий ҳужжатлар халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида инсонпарварлик, қонун устуворлиги ва ҳисобдорлик тамойилларига асосланган универсал стандартларни белгилаб берган. Мазкур ҳужжатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан миллий гвардия ва ички хавфсизлик тузилмаларининг фаолиятида:

куч ишлатишда ***пропорционаллик ва зарурат*** принципларига қатъий риоя этиш;

фуқароларга нисбатан ***инсоний муносабат***ни таъминлаш;

ҳуқуқий ҳисобдорлик ва ички назорат тизимларини кучайтириш тамойиллари белгиланган.

Шу билан бирга, БМТнинг ихтисослашган тузилмаси — **United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC)** — томонидан 2020 йилда нашр этилган ***"Handbook on Police Accountability, Oversight and Integrity"*** қўлланмаси полиция ва хавфсизлик органлари фаолиятида фуқаролик назоратини кучайтириш, оммавий ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича илмий-амалий тавсияларни қамраб олган.

Ижобий илмий хулоса шундан иборатки, БМТ модели давлат хавфсизлиги соҳасида репрессив ёндашувдан воз кечиб, профилактик чораларни устувор қилиш орқали "human security" концепциясини илгари сурди. Бу тажриба Миллий гвардия фаолиятида ҳам жамоат хавфсизлигини инсон қадри ва ҳуқуқлари билан уйғунлаштирган илмий асос яратиш имконини беради.

Иккинчидан, ЕХҲТнинг ***"Community-Oriented Policing and Human Rights"*** концепцияси ҳамда ***"Guidebook on Democratic Policing"*** қўлланмаси хавфсизлик тизимини фуқаролик жамияти иштирокини таъминлаган ҳолда бошқаришнинг илмий-назарий асосларини белгилайди. Унда ички хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолиятида очиқлик, ҳисобдорлик ва демократик назорат принциплари устувор йўналиш сифатида белгиланган.

ЕХҲТ Полиция миссияларининг (Босния ва Герцеговина, Косово, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатларда) амалиёти "инсон хавфсизлиги" модели самарадорлигини исботлади. Миссиялар фуқаролик назоратини кучайтириш, полиция ҳисобдорлигини ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга қаратилган тизимли ислоҳотларни амалга оширди.

Ижобий натижа сифатида, ЕХҲТ хавфсизлик секторида демократик бошқарув модели — яъни фуқаролар иштирокидаги хавфсизлик сиёсатини шакллантирди.

Ўзбекистон учун илмий аҳамияти шундаки, Миллий гвардия тизимида "community policing" (жамоага йўналтирилган полиция) усулини жорий этиш орқали аҳоли билан ишончли муносабатларни ривожлантириш, хавфсизликни таъминлашда фуқароларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш имконияти яратилади. Бу усул жамоат хавфсизлигини таъминлашда "participatory security governance" моделига асосланган инновацион ёндашувни амалга оширишга замин яратади.

Учинчидан, ЕИнинг хавфсизлик соҳасидаги стратегиялари — ***“EU Security Union Strategy 2020–2025”*** ҳамда ***“EU Action Plan on Human Rights and Democracy”*** — инсон қадри, ҳисобдорлик ва киберхавфсизликни таъминлашни миллий ва минтақавий хавфсизлик сиёсатининг марказига қўйди.

Шу билан бирга, ***Европол (Europol)*** ва ***Евроюст (Eurojust)*** каби институтлар трансмиллий жиноятчиликка қарши ягона ахборот алмашинуви ва суд-прокуратура ҳамкорлигини йўлга қўйган бўлиб, бу интеграциялашган тизим хавфсизлик соҳасидаги маълумотлар оқимини самарали бошқариш имконини берди.

ЕИ моделининг илмий-амалий аҳамияти шундаки, у “қонунга асосланган хавфсизлик” (rule-based security) концепциясини амалга ошириб, ҳарбий ва маъмурий органлар фаолиятини фуқаролик бошқаруви билан уйғунлаштирган.

Ўзбекистон Миллий гвардияси учун бу тажрибанинг аҳамияти шундаки, ахборот алмашинуви ва рақамли хавфсизлик тизимларини ЕИ моделлари асосида такомиллаштириш, киберхавфсизлик бўйича махсус бўлимлар фаолиятини кенгайтириш орқали хавфсизликни таъминлашда рақамли таҳлил ва прогнозлаш имкониятларини кучайтириш мумкин.

Тўртинчидан, НАТОнинг ***“Building Integrity Programme (BI)”*** ҳамда ***“Defence Education Enhancement Programme (DEEP)”*** дастурлари хавфсизлик секторида шаффоф бошқарувни йўлга қўйиш, коррупция хавфини камайтириш ва кадрлар малакасини ошириш бўйича халқаро илғор тажрибани шакллантирди.

Бу дастурлар доирасида ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида ахлоқий масъулият, касбий этика ва жамоатчилик билан мулоқот маданиятини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли таълимий ислоҳотлар амалга оширилди.

Ижобий илмий хулоса сифатида, НАТО хавфсизлик моделининг марказида “инсон хавфсизлиги” ва “гендер тенглиги” принциплари туради. Бу концепциялар хавфсизлик тизимида жамиятнинг барча қатламларини, хусусан аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш орқали инклюзив бошқарувни амалга оширишга қаратилган.

Ўзбекистон учун амалий аҳамияти шундаки, Миллий гвардия тизимида гендер сиёсатини ривожлантириш, аёллар иштирокини ошириш ва фуқаролар билан мулоқот маданиятини юксалтириш орқали хавфсизлик тизимида инсонпарвар бошқарув моделини мустаҳкамлаш мумкин.

Бешинчидан, Женева Хавфсизлик Сектори Бошқаруви Маркази (DCAF) томонидан ишлаб чиқилган ***“Security Sector Governance and Reform: Principles and Frameworks”*** ва ***“Handbook on Security Sector Oversight and Accountability”***

қўлланмалари хавфсизлик тизимида демократик назорат ва ҳисобдорликни таъминлашнинг илмий асосларини белгилайди.

Марказ томонидан таклиф этилган ***"accountability cycle"*** модели хавфсизлик тизимида ҳисобдорликнинг қонунчилик, мониторинг, жамоат мулоқоти ва ҳисобот тайёрлашдан иборат тўрт босқичли тизимини назарда тутади. Бу модель хавфсизлик идораларини фақат давлат раҳбарияти олдида эмас, балки жамоатчилик ва парламент олдида ҳам масъул этиб белгилайди.

Ижобий илмий ютуқ сифатида, DCAF фаолияти хавфсизлик сектори бошқарувини инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги билан уйғунлаштирган илмий парадигмани яратди.

Ўзбекистон учун аҳамияти шундаки, Миллий гвардия тизимида парламент назорати, жамоатчилик кенгашлари ва мустақил аудит марказларини ташкил этиш DCAF модели асосида амалга оширилиши мумкин. Бу орқали жамоат хавфсизлигини таъминловчи тузилмалар фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашнинг самарали институционал модели яратилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, халқаро ташкилотларнинг хавфсизлик секторидаги илмий ва меъёрий тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий хавфсизлик тизимининг самарадорлиги фақат ҳарбий ёки маъмурий қувват билан эмас, балки ***демократик назорат, инсон ҳуқуқлари ва ҳисобдор бошқарув тизими*** билан белгиланади.

Шу нуқтаи назардан, БМТ, ЕХҲТ, ЕИ, НАТО ва DCAF томонидан ишлаб чиқилган илмий меъёрий моделлар Миллий гвардия органларининг маъмурий амалиётини ривожлантириш учун халқаро ҳуқуқий ва методологик асос бўлиб хизмат қилади. Улар асосида Ўзбекистон хавфсизлик тизимида ***"инсон хавфсизлигига йўналтирилган демократик бошқарув"*** моделини жорий этиш давлат барқарорлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

IJTIMOIY HUQUQLARNING XALQARO HUQUQIY ASOSLARI VA ULARNING MILLIY QONUNCHILIKKA IMPLEMENTATSIYA QILINISHI

Jumaboyev Doniyor Muratboy o‘g‘li,
Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti
Huquqiy fanlar kafedrasi o‘qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada ijtimoiy huquqlarning xalqaro huquqiy asoslari, uning milliy qonunchilikka implementatsiya qilinishi va amalda qo‘llanilishi tahlil qilinadi. Maqolada ijtimoiy huquqlarning xalqaro huquqiy manbalari - Inson huquqlari umujahon deklaratsiyasi, Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risidagi xalqaro pakt (ICESCR), mintaqaviy mexanizmlar, (masalan, Yevropa ijtimoiy xartiyasi) va ular orqali davlatlarga yuklatilgan majburiyatlar ko‘rib chiqiladi. Shuningdek, xalqaro majburiyatlarning milliy qonunlarga tadbiq qilish mexanizmlari ya’ni, konstitutsiyaviy, inkorporatsiya, maxsus qonunlar, ma’muriy va sud amaliyoti kabi xalqaro huquqiy normalar va ushbu ijtimoiy huquqlarni himoya qilishga doir xalqaro huquqiy normalarning milliy qonunchilikka olib kirilishi orqali amaliy integratsiyasi tahlil qilinadi. Tavsiyalar implementatsiyani kuchaytirishga qaratilgan. Shuningdek, ijtimoiy huquqlarning xalqaro huquqiy asoslarining paydo bo‘lishi va insonlarning ijtimoiy huquqlarining qonun hujjatlarida kafolatlanganlik darajasi va g‘oyaviy manbalari hamda milliy va xalqaro hujjatlar misolida ijtimoiy huquqlarning mustahkamlanish jarayoni yoritiladi.

Kalit so‘zlar: ijtimoiy huquqlar, xalqaro huquq, integratsiya, implementatsiya, inson huquqlari, fuqarolik, tenglik, adolat, xalqaro huquq, davlat majburiyatlari.

Hozirgi kunda global miqyosda fuqarolarning ijtimoiy huquqlarning ta’minlanishi, himoya qilinishi va ijtimoiy huquqlarga oid xalqaro umume’tirof etilgan normalarning qo‘llanilishi sohasida muammolarga duch kelishimiz mumkin.

Ushbu muommolarga albatta insonlarning xalqaro miqyosda tan olingan ijtimoiy huquqlari, ya’ni sog‘liqni saqlash, ta’lim olish, mehnat qilish, ijtimoiy ta’minot olish kabi bir necha ijtimoiy huquqlari bilan bog‘liq yuzaga kelayotgan muammolarda nomoyon bo‘ladi.

Ma’lumki xalqaro inson huquqlarini himoya qilish bilan bo‘g‘liq ko‘plab normalarda insonlarning ijtimoiy huquqlariga alohida e’tibor beriladi. Birinchi o‘rinda 1948-yilda Birlashgan Millatlar Tashkiloti doirasida qabul qilingan Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasini olishimiz mumkin. Ushbu hujjatda har bir inson mehnat qilish, ishni erkin tanlash, adolatli va qulay ish sharoitiga ega bo‘lish va ishsizlikdan himoya qilinish huquqiga egaligi, har bir inson hech bir kamsitishsiz teng mehnat uchun teng haq olish huquqiga ega bo‘lishi, Har bir ishlovchi kishi o‘zi va oilasi uchun

insonga munosib yashashni ta’minlaydigan adolatli va qoniqarli daromad olishga, zarur bo‘lganda ijtimoiy ta’minotning boshqa vositalari bilan to‘ldiriluvchi daromad olish huquqiga egaligi, kasaba uyushmalari tuzish va o‘z manfaatlarini himoya qilish uchun kasaba uyushmalariga kirish huquqiga egaligi, dam olish va bo‘sh vaqtga ega bo‘lish, shu jumladan ish kunini oqilona cheklash huquqi va haq to‘lanadigan mehnat ta’tili olish huquqiga ega ekanligi, har bir inson o‘zining hamda oilasining salomatligi va farovonligini ta’minlash uchun zarur bo‘lgan turmush darajasiga ega bo‘lish, jumladan kiyim-kechak, oziq-ovqat, tibbiy xizmat va zarur ijtimoiy xizmatga ega bo‘lishga hamda ishsizlik, kasallik, nogironlik, bevalik, qarilik yoki unga borliq bo‘lmagan sharoitlarga ko‘ra tirikchilik uchun mablag‘ bo‘lmay qolgan boshqa hollarda ta’minlanish huquqiga egaligi, onalik va bolalik alohida g‘amxurlik va yordam huquqini berishi, barcha bolalar, nikohda yoki nikohsiz tug‘ilishidan qat’i nazar, bir xil ijtimoiy himoyadan foydalanishi kerakligi, har bir inson ta’lim olish huquqiga egaligi, ta’lim olishda hech bo‘lmaganda boshlang‘ich va umumiy ta’lim tekin bo‘lishi, boshlang‘ich ta’lim majburiy bo‘lishi kerakligi, Texnik va hunar ta’limi hammaning qurbi etadigan darajada bo‘lishi, oliy ta’lim esa har kimning qobiliyatiga asosan hamma uchun etarli imkoniyat doirasida bo‘lmog‘i kerakligi, ta’lim inson shaxsini to‘la barkamol qilishga va inson huquqlari hamda asosiy erkinliklariga nisbatan hurmatni kuchaytirishga qaratilmog‘i lozimligi, ta’lim barcha xalqlar, irqiy va diniy guruhlar o‘rtasida bir-birini tushunish, xayrixohlik va do‘stlikka xizmat qilishi hamda Birlashgan Millatlar Tashkilotining tinchlikni saqlash borasidagi faoliyatiga yordam berishi kerakligi, kichik yoshdagi bolalari uchun ota-onalar ta’lim turini tanlashda imtiyozli huquqqa ega bo‘lishi lozimligi, har bir inson jamiyatning madaniy hayotida erkin ishtirok etishga, san’atdan bahramand bo‘lishga, ilmiy taraqqiyotda ishtirok etish va uning samaralaridan foydalanish huquqiga ega bo‘lishi kabi bir qator ijtimoiy huquqlarning kafolatlari belgilangan.[1]

Ushbu xalqaro normaning milliy qonunchiligimizda aks ettirilishi bu eng avvalo O‘zbekiston Respublikasining oliy darajadagi normativ huquqiy hujjati O‘zbekiston Respublikasi konstitutsiyasida ijtimoiy huquqlarga oid bir qator normalarda ko‘rishimiz mumkin. Bu o‘rinda har kim munosib mehnat qilish, kasb va faoliyat turini erkin tanlash, xavfsizlik va gigiyena talablariga javob beradigan qulay mehnat sharoitlarida ishlash, mehnati uchun hech qanday kamsitishlarsiz hamda mehnatga haq to‘lashning belgilangan eng kam miqdoridan kam bo‘lmagan tarzda adolatli haq olish, shuningdek ishsizlikdan qonunda belgilangan tartibda himoyalanish huquqiga ega bo‘lishi, mehnatga haq to‘lashning eng kam miqdori insonning munosib turmush darajasini ta’minlash zarurati hisobga olingan holda belgilanishi, homiladorligi yoki bolasi borligi sababli ayollarni ishga qabul qilishni rad etish, ishdan bo‘shatish va

[1] Universal Declaration of Human Rights, 1948 https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights

ularning ish haqini kamaytirish taqiqlanishi, davlat fuqarolarning bandligini ta’minlash, ularni ishsizlikdan himoya qilish, shuningdek kambag‘allikni qisqartirish choralarini ko‘rishi, davlat fuqarolarning kasbiy tayyorgarligini va qayta tayyorlanishini tashkil etadi hamda rag‘batlantirishi, sud qarori bilan tayinlangan jazoni ijro etish tartibidan yoxud qonunda nazarda tutilgan boshqa hollardan tashqari majburiy mehnat taqiqlanishi, bolalar mehnatining bolaning sog‘lig‘iga, xavfsizligiga, axloqiga, aqliy va jismoniy rivojlanishiga xavf soluvchi, shu jumladan uning ta’lim olishiga to‘sqinlik qiluvchi har qanday shakllari taqiqlanadishi, har kim dam olish huquqiga egaligi, yollanib ishlovchilarga dam olish huquqi ish vaqtining davomiyligini, dam olish va ishlanmaydigan bayram kunlarini, haq to‘lanadigan har yilgi mehnat ta’tilini belgilash orqali ta’minlanishi, har kim qariganda, mehnat qobiliyatini yo‘qotganda, ishsizlikda, shuningdek boquvchisini yo‘qotganda va qonunda nazarda tutilgan boshqa hollarda ijtimoiy ta’minot huquqiga ega bo‘lishi, qonunda belgilangan pensiyalar, nafaqalar va boshqa turdagi ijtimoiy yordamning miqdorlari rasman belgilangan eng kam iste’mol xarajatlaridan oz bo‘lishi mumkin emasligi, har kim sog‘lig‘ini saqlash va malakali tibbiy xizmatdan foydalanish huquqiga ega bo‘lishi, O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari tibbiy yordamning kafolatlangan hajmini qonunda belgilangan tartibda davlat hisobidan olishga haqli ekanligi, davlat sog‘liqni saqlash tizimini, uning davlat va nodavlat shakllarini, tibbiy sug‘urtaning har xil turlarini rivojlantirish, aholining sanitariya-epidemiologik osoyishtaligini ta’minlash choralarini ko‘rishi, davlat jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish, aholi o‘rtasida sog‘lom turmush tarzini shakllantirish uchun shart-sharoitlar yaratishi kabi bir qator ijtimoiy huquqlar kafolatlangan.

Shu bilan bir qatorda ta’lim sohasida huquqlar har kim ta’lim olish huquqiga ega bo‘lishi, davlat uzluksiz ta’lim tizimi, uning har xil turlari va shakllari, davlat va nodavlat ta’lim tashkilotlari rivojlanishini ta’minlashi, davlat maktabgacha ta’lim va tarbiyani rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratishi, davlat bepul umumiy o‘rta ta’lim va boshlang‘ich professional ta’lim olishni kafolatlashi, umumiy o‘rta ta’lim majburiy bo‘lishi, maktabgacha ta’lim va tarbiya, umumiy o‘rta ta’lim davlat nazoratida bo‘lishi, ta’lim tashkilotlarida alohida ta’lim ehtiyojlariga ega bo‘lgan bolalar uchun inklyuziv ta’lim va tarbiya ta’minlanishi singari asosiy ijtimoiy huquqlar xalqaro inson huquqlari borasida qabul qilingan normalarni inobatga olgan holda va imkon qadar fuqarolarga ijtimoiy huquqlarini amalga oshirishga va ushbu huquqlardan erkin foydalanishga doir normalar belgilab berilgan.[1]

Fuqarolarning ijtimoiy huquqlarini himoya qilishga qaratilgan yana bir xalqaro asosiy normalardan biri bu 1966-yilda Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasi tomonidan qabul qilingan “Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar

[1] O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 2023 https://lex.uz/docs/-6445145#-6445574

to‘g‘risida xalqaro pakt” (ICESCR) hisoblanadi va O‘zbekiston Respublikasi tomonidan ushbu xalqaro hujjat 1995-yil ratifikatsiya qilingan. Ushbu xalqaro hujjatda fuqarolarning iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlariga oid asosiy bir qancha normalar o‘z aksini topgan. Bu o‘rinda Iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy sohalardagi huquqlar, jumladan, mehnat qilish huquqi, dam olish huquqi, yetarli turmush darajasiga erishish va yashash sharoitini uzluksiz yaxshilab borish huquqi, ijtimoiy va boshlang‘ich bepul ta’lim olish huquqi, madaniy hayotda qatnashish va ilmiy taraqqiyot samaralaridan bahramand bo‘lish huquqi kabi bir qator huquqlarni keltirishimiz mumkin. Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risidagi xalqaro Paktda ishtirok etuvchi davlatlar mazkur Paktda ko‘rib chiqilgan hamma iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huqukdardan foydalanishda erkaklar va ayollarga teng huquq berish majburiyatini o‘z zimmasiga olishlari belgilangan. Shu qatorida har bir insonning ishlab mablag‘ topish imkoniyatini qamrab oladigan mehnat qilish huquqini tan olish, mehnat turini har bir odam erkin holda tanlaydi yoki erkin holda rozi bo‘lishi, shu Pakt ishtirokchisi bo‘lgan davlatlar esa fuqarolarni mazkur huquq bilan ta’minlash uchun zarur choralar ko‘rishi keltirilgan.

Mehnat qilish huquqining tan olinishi borasida barcha mehnatkashlarga teng qiymatga ega mehnat uchun hech bir tafovutsiz adolatli ish haqi va teng daromad, ayni paytda, jumladan, ayollarga erkaklarnikidan kam bo‘lmagan mehnat sharoitiga kafolat berilishi hamda teng mehnat uchun teng haq to‘lanishi kerakligi, mazkur Paktning qarorlariga muvofiq ular va ularning oilalari uchun qoniqarli bo‘lgan turmush sharoitini, xavfsizlik va gigiyena talablariga javob beruvchi ish sharoiti, mehnat staji va malaka asosidagina ishda tegishli yanada yuqoriroq mansablarga ko‘tarilish uchun bir xil imkoniyat, dam olish, bo‘sh vaqt imkoniyatining bo‘lishi va oqilona cheklangan ish vaqti hamda haq to‘lanadigan ta’til, shuningdek bayram kunlari uchun haq kabi asosiy ijtimoiy normalar keltirilgan.[1]

Ushbu normalarga davlatlar tomonidan amal qilishini nazorat qilish maqsadida Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar bo‘yicha qo‘mita (IIMHQ) tashkil etilgan bo‘lib ushbu qo‘mita ishtirokchi-davlatlar tomonidan Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risidagi xalqaro paktni bajarilishini nazorat qiluvchi mustaqil ekspertlar organi hisoblanadi. Qo‘mita Paktning IV qismida belgilangan Birlashgan Millatlar Tashkilotining Iqtisodiy va Ijtimoiy Kengashiga (EKOSOS) yuklangan monitoring vazifalarini amalga oshirish uchun EKOSOSning 1985 yil 28 maydagi 1985/17-sonli rezolyusiyasiga muvofiq tashkil etilgan. Barcha ishtirokchi davlatlar qo‘mitaga tegishli huquqlarning amalga oshirilishi to‘g‘risida muntazam ravishda hisobot berib turishlari shart. Davlatlar Paktga qo‘shilganidan keyin ikki yil ichida dastlabki hisobotni va undan keyin har besh yilda bir marta davriy hisobotni taqdim etishlari kerak. Qo‘mita

[1] Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risida xalqaro Pakt. 1966. https://lex.uz/docs/-2686000

har bir hisobotni o‘rganib chiqadi hamda o‘z fikr va tavsiyalarini ishtirokchi-davlatga “yakuniy tavsiyalar” shaklida taqdim etadi.

Hisobot taqdim qilish va ko‘rib chiqish tartibidan tashqari, 2013 yil 5 martda kuchga kirgan Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risidagi xalqaro paktning Fakultativ protokoliga asosan Qo‘mita Paktda belgilangan huquqlari buzilgan deb hisoblagan shaxslarning xabarlarini qabul qilish va ko‘rib chiqish vakolatiga ega. Muayyan sharoitlarda Qo‘mita, shuningdek, Paktda mustahkamlangan iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlarning qo‘pol yoki muntazam ravishda buzilishini tekshirishi va davlatlararo shikoyatlarni ko‘rib chiqishi mumkin.

Qo‘mita Jenevada yig‘iladi va odatda yiliga ikkita sessiya o‘tkazadi, ushbu sessiyalar uch haftalik yalpi majlislar va bir haftalik ishchi guruhning dastlabki sessiyasidan iborat bo‘ladi. Qo‘mita, shuningdek, Pakt qoidalari sharhini umumiy tavsiyalar ko‘rinishida nashr qiladi.

Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar bo‘yicha Xalqaro pakt (Nyu-York, 1966 yil 16 dekabr) - O‘zbekiston Respublikasi mazkur Xalqaro paktga O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining “1966 yil 16 dekabrdagi Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risidagi xalqaro paktga qo‘shilish haqida”gi 1995 yil 31 avgustdagi 126-I-sonli qaroriga asosan qo‘shilgan. O‘zbekiston uchun 1995 yil 28 dekabrdan kuchga kirgan.

2019-yilda O‘zbekiston Respublikasi BMTning Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar qo‘mitasiga Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risidagi xalqaro pakt qoidalariga rioya etilishi to‘g‘risidagi Uchinchi davriy ma’ruzasini taqdim etdi va ushbu ma’ruza 2021-yilda ko‘rib chiqildi.[1]

Bundan tashqari O‘zbekiston Respublikasida fuqarolarning ijtimoiy huquqlarini himoya qilish borasida bir qancha chora tadbirlar ishlab chiqilib, ijtimoiy huquqlarning kafolatlangan normalarini ijro qilish uchun tegishli normative huquqiy hujjatlar ishlab chiqilmoqda. Shu o‘rinda O‘zbekiston Respublikasi qonunchiligida ijtimoiy huquqlarga to‘xtaladigan bo‘lsak, bularga O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 1-iyunda qabul qilingan “Aholiga sifatli ijtimoiy xizmat va yordam ko‘rsatish hamda uning samarali nazorat tizimini yo‘lga qo‘yish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PF-82-son farmonida kompleks yondashuv asosida professional ijtimoiy himoya tizimini joriy qilish, ijtimoiy himoya tizimi samaradorligi va manzilliligini oshirish orqali aholining ko‘makka muhtoj qatlami ijtimoiylashuvini ta’minlash, ijtimoiy himoyani mahalla darajasigacha tashkil etish, og‘ir hayotiy ahvolga tushib qolgan aholiga individual yondashuvga muvofiq ijtimoiy xizmat va yordam ko‘rsatishni yo‘lga qo‘yish, aholining ijtimoiy sug‘urta mexanizmlari bilan

[1] Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar bo‘yicha qo‘mita 1985 http://insonhuquqlari.uz/oz/menu/itisodij-izhtimoij-va-madanij-uular-bjicha-mita

qamrab olinishini kengaytirish, xavf guruhlariga tushib qolgan oilalarni aniqlash va kompleks ijtimoiy xizmatlar koʻrsatish orqali ularning ogʻir ijtimoiy ahvolga tushib qolishining oldini olish, nogironligi boʻlgan shaxslarning hayot kechirishi uchun qulay muhit yaratish kabi asosiy vazifalar belgilanib tegishli tartibda amalga oshirish belgilandi.[1]

Ushbu farmon asosida Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 28-dekabrdagi 687-sonli "Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligining Ijtimoiy himoya davlat jamgʻarmasi faoliyatini tashkil etish toʻgʻrisida"gi qarori qabul qilinib Jamgʻarma mablagʻlarini shakllantirish, boshqarish va ulardan foydalanishning tartib taomillari belgilab berildi.[2]

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi "Bolalarni ijtimoiy himoya qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida"gi PF-185-sonli farmonida Yetim bolalar va ota-ona qaramogʻidan mahrum boʻlgan, shuningdek, zoʻravonlikdan jabr koʻrganligi sababli oilasidan olingan bolalar (keyingi oʻrinlarda - ijtimoiy himoyaga muhtoj bolalar)ni muqobil joylashtirish shakllarini takomillashtirish hamda yetim va ota-ona qaramogʻidan mahrum boʻlgan yoshlarning jamiyatga integratsiyasini ta'minlash maqsadida bolaning oila muhitida tarbiya topishini ta'minlashga qaratilgan ijtimoiy himoya tizimini yoʻlga qoʻyish, oilani qoʻllab-quvvatlash va kambagʻallikdan chiqarishga koʻmaklashish orqali ijtimoiy yetimlikning oldini olish, yetim bolalar va ota-ona qaramogʻidan mahrum boʻlgan bolalarni jamiyatga integratsiya qilishga qaratilgan xizmatlar koʻlamini kengaytirish, yetim bolalar va ota-ona qaramogʻidan mahrum boʻlgan bolalarni ularning eng ustun manfaatlaridan kelib chiqib, muqobil shaklda joylashtirish, yetim bolalar va ota-ona qaramogʻidan mahrum boʻlgan bolalarni muqobil joylashtirishning ixtisoslashtirilgan tarbiya muassasalariga joylashtirish shaklini bosqichma-bosqich noinstitutsionallashtirish, yetim bolalar va ota-ona qaramogʻidan mahrum boʻlgan bolalarning huquq hamda manfaatlarini himoya qilish va ularning vakilligini ta'minlashning samarali tizimini joriy etish kabi asosiy vazifalar keltirilib belgilangan tartibda amalga oshirilmoqda.[3]

Shu bilan bir qatorda Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 30-yanvardagi "Aholini ijtimoiy himoya qilish tizimini moliyalashtirish tartib-taomillarini takomillashtirish toʻgʻrisida"gi PF-17-son farmoni qabul qilindi. Ushbu farmon

---

[1] "Aholiga sifatli ijtimoiy xizmat va yordam koʻrsatish hamda uning samarali nazorat tizimini yoʻlga qoʻyish boʻyicha kompleks chora-tadbirlar toʻgʻrisida" Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 01.06.2023 yildagi PF-82-son /https://lex.uz/docs/-6480342

[2] "Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligining Ijtimoiy himoya davlat jamgʻarmasi faoliyatini tashkil etish toʻgʻrisida" Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 28.12.2023 yildagi 687-son/ https://lex.uz/docs/-6720230

[3] "Bolalarni ijtimoiy himoya qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida"gi Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 14.11.2024 yildagi PF-185-son/ https://lex.uz/docs/-7228799

O‘zbekistonda ijtimoiy himoya tizimini modernizatsiya qilish, yordam mexanizmlarini adolat, shaffoflik va raqamlashtirish tamoyillari asosida qayta tashkil etish bo‘yicha keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirish, “Kambag‘allikdan farovonlik sari” dasturi doirasidagi ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash instrumentlarini tubdan optimallashtirishni nazarda tutadi.[1]

Umuman olganda xalqaro miqyosdagi fuqarolarning Ijtimoiy huquqlari borasida qabuk qilingan asosiy xalqaro huquqiy normalar O‘zbekiston Respublikasi tomonidan ratifikatsiya qilinib, milliy qonunchilikka impementatsiya qilinib ijtimoiy munosabatlarga tatbiq etilib borilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasidagi asosiy tamoyillardan biri bu O‘zbekiston Respublikasining Ijtimoiy davlat sifatida belgilab qo‘yilganligi Ijtimoiy huquqlarning yuqori o‘rinlarda e’tirof etilyotganligi va milliy qonunchilik doirasida ijtimoiy huquqlarning normativ huquqiy asoslari mustahkamlanib borilayotganligidan dalolat beradi.

Hozirgi davrda globollashuv sharoitida ijtimoiy huquqlarning muhofaza qilinishi va ushbu huquqlarga amal qilinishini davlat tomonidan nazorat qilib borilishi, fuqarolarning asosiy huquq va erkinliklarini saqlab qolishdagi asosiy huquq va majburiyatlar davlat tomonidan milliy qonunchilik doirasida kafolatlangan yoki mustahkamlangan bo‘lishi zarur.

Foydalanilgan manbalar:

1. Universal Declaration of Human Rights, 1948 https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights
2. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 2023 https://lex.uz/docs/-6445145#-6445574
3. Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risida xalqaro Pakt. 1966. https://lex.uz/docs/-2686000
4. Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar bo‘yicha qo‘mita 1985 http://insonhuquqlari.uz/oz/menu/itisodij-izhtimoij-va-madanij-uular-bjicha-mita
5. “Aholiga sifatli ijtimoiy xizmat va yordam ko‘rsatish hamda uning samarali nazorat tizimini yo‘lga qo‘yish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 01.06.2023 yildagi PF-82-son /https://lex.uz/docs/-6480342
6. “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligining Ijtimoiy himoya davlat jamg‘armasi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 28.12.2023 yildagi 687-son/ https://lex.uz/docs/-6720230

[1] “Aholini ijtimoiy himoya qilish tizimini moliyalashtirish tartib-taomillarini takomillashtirish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 30.01.2025 yildagi PF-17-son/ https://www.lex.uz/docs/-7374261

7. “Bolalarni ijtimoiy himoya qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 14.11.2024 yildagi PF-185-son/ https://lex.uz/docs/-7228799

8. “Aholini ijtimoiy himoya qilish tizimini moliyalashtirish tartib-taomillarini takomillashtirish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 30.01.2025 yildagi PF-17-son/ https://www.lex.uz/docs/-7374261

KONSULLIK FAOLIYATINING RAQAMLASHTIRILISHI: NAZARIY VA AMALIY JIHATLAR

Allaberganova Nodira,
Toshkent davlat yuridik universiteti
Xalqaro huquq va inson huquqlari kafedrasi o‘qituvchisi
nadirallabergenova@gmail.com

Annotatsiya: konsullik faoliyatining raqamlashtirilishi zamonaviy texnologiyalarni joriy etish orqali tashqi siyosat va xalqaro hujjatlarni tasdiqlash jarayonlarini soddalashtirishga qaratilgan. Ushbu maqolada konsullik xizmatlarining onlayn shakllari, elektron apostil va raqamli tasdiqlash tizimlari muhokama qilinadi. Konsullik hujjatlarining raqamli tasdiqlanishi xalqaro huquqiy munosabatlarni osonlashtirish bilan birga, ma'lumotlar xavfsizligi va hujjatlarning haqqoniyligini ta’minlash muhimligini ko‘rsatadi.

Kalit so‘zlar: raqamlashtirish, konsullik xizmatlari, onlayn hujjatlar, elektron apostil, konsullik legallashtirish, hujjatlarni legallashtirish, sun’iy intellekt.

Raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi sharoitida konsullik faoliyati global axborot muhitiga moslashish va fuqarolarning o‘zgaruvchan ehtiyojlariga javob berish zarurati bilan bog‘liq muhim o‘zgarishlarni boshdan kechirmoqda. Zamonaviy davlatlar konsullik xizmatlariga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini faol tatbiq etib, ularning tezkorligi, qulayligi va samaradorligini oshirishga erishmoqdalar. Konsullik funksiyalarini raqamlashtirishning asosiy jihatlaridan biri onlayn xizmatlarga o‘tish bo‘lib, u elektron ariza topshirish, masofaviy maslahatlar berish, viza va fuqarolik hujjatlarini avtomatlashtirilgan shaklda rasmiylashtirish, shuningdek, fuqarolarning murojaatlarini ko‘rib chiqish jarayonlarini optimallashtirish uchun sun’iy intellekt texnologiyalaridan foydalanishni o‘z ichiga oladi. Ushbu yondashuv byurokratik to‘siqlarni sezilarli darajada kamaytiradi, vaqt sarfini qisqartiradi va inson omilining ta’sirini minimallashtiradi, bu esa globallashuv va aholining mobilligi ortib borayotgan sharoitda dolzarb ahamiyat kasb etadi[1].

[1] Bjola, C., & Jiang, L. Social media and public diplomacy: A comparative analysis of the digital diplomatic strategies of the EU, US, and Japan in China. – New York: Routledge, 2015. – 240 p.

Biroq, konsullik faoliyatini raqamlashtirish nafaqat texnik modernizatsiyani, balki huquqiy normalarning moslashtirilishini ham talab qiladi. Eng muhim masalalardan biri fuqarolarning shaxsiy ma’lumotlarini himoya qilishdir, chunki onlayn xizmatlarning kengayishi ularni kiberxavfsizlik tahdidlariga duchor qilishi mumkin. Hozirda xalqaro huquq raqamli diplomatiyada ma’lumotlarni himoya qilishning yagona mexanizmini taklif qilmaydi, bu esa konsullik konvensiyalarini va ikki tomonlama kelishuvlarni qayta ko‘rib chiqishni talab qiladi[1]. Shunday qilib, konsullik onlayn tizimlari orqali shaxsiy ma’lumotlarni to‘plash, saqlash va uzatish tartibini tartibga soluvchi yangi huquqiy standartlarni yaratish zarur. Ushbu sohadagi xalqaro normalarning kelishilmaganligi fuqarolarning ma’lumotlari ustidan suverenitet masalalarida davlatlar o‘rtasida potensial nizolarni keltirib chiqarishi mumkin.

O‘zbekistonning konsullik faoliyatini raqamlashtirish tajribasi innovatsion yechimlarni joriy etish va fuqarolar hamda davlat organlari o‘rtasidagi o‘zaro aloqalarni optimallashtirishga qaratilgan rivojlanayotgan tendensiyani ko‘rsatadi. «Raqamli O‘zbekiston – 2030»[2] strategiyasi doirasida elektron konsullik xizmatlari tizimi faol rivojlantirilmoqda, bu esa diplomatik vakolatxonalarga onlayn yozilish, elektron viza berish, masofaviy maslahatlar berish va fuqarolar murojaatlarini dastlabki ko‘rib chiqish uchun chat-botlardan foydalanishni o‘z ichiga oladi[3]. Biroq, konsullik sohasida raqamli texnologiyalarning to‘liq integratsiyasiga erishish uchun eskirgan ma’muriy jarayonlar va fuqarolar o‘rtasida raqamli savodxonlik darajasining pastligi kabi bir qator to‘siqlarni bartaraf etish zarur.

Konsullik faoliyatining muhim yo‘nalishlaridan biri hujjatlarni konsullik yo‘li bilan legallashtirish va apostillashtirishdir. Hujjatlar va dalolatnomalarni konsullik legallashtirish ulardagi imzolarning haqiqiyligini, hujjatni yoki dalolatnomani imzolagan shaxsning vakolatlarini, legallashtirishga taqdim etilgan hujjatga yoxud dalolatnomaga bosilgan muhr yoki shtampning haqiqiyligini hamda ushbu hujjatlar va dalolatnomalarning xorijiy davlat yoki O‘zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga muvofiqligini aniqlash va shahodatlashdan iboratdir[4]. Konsullik muassasalari tomonidan hujjatlar va dalolatnomalarning legallashtirilishi ularning xalqaro munosabatlardagi qonuniyligini tasdiqlaydi. An’anaviy ravishda ushbu protseduralar fuqarolarning konsullik muassasalarida shaxsan ishtirok etishini talab

[1] Westcott, N. Digital diplomacy: The impact of the internet on international relations: Oxford Internet Institute Research Report. – Oxford: Oxford Internet Institute, 2008. - 45 p.

[2] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni. "Raqamli O‘zbekiston – 2030" strategiyasi to‘g‘risida: № UP-6079, 5-oktabr 2020 г. // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. - 2020. - № 40. - URL: https://lex.uz/docs/5032781 (дата обращения: 20.11.2025).

[3] Hudoykulov, A. Digital diplomacy in Uzbekistan: Current problems and prospects. - Tashkent: Oriental Publications, 2020. - 150 p.

[4] O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “O‘zbekiston Respublikasida hamda xorijda hujjatlar va dalolatnomalarni konsullik legallashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” qarori 20.11.2023 yildagi 610-son // URL: https://lex.uz/docs/-6669858

qiladi, ammo raqamli texnologiyalarni joriy etish bu funksiyalarning katta qismini onlayn shaklga o‘tkazishga imkon bermoqda.

Konsullik legallashtirish va apostilni raqamlashtirish konsullik xizmatlarini modernizatsiya qilishning muhim bosqichi hisoblanadi. Elektron apostil (e-Apostil) joriy etilishi hujjatlarni tasdiqlash bilan bog‘liq vaqt va moliyaviy xarajatlarni sezilarli darajada kamaytirdi, bu ayniqsa xorijda yashovchi fuqarolar uchun muhimdir. Gaaga Xalqaro Xususiy Huquq Konferensiyasi kabi xalqaro tashkilotlar allaqachon elektron apostil tizimlarini standartlashtirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqmoqda, bu esa davlatlar o‘rtasida rasmiy hujjatlarni tan olish bo‘yicha yagona raqamli makonni yaratishga yordam beradi[1].

Raqamli texnologiyalarni konsullik sohasiga to‘liq integratsiya qilish uchun eskirgan ma’muriy tartibotlar va fuqarolar orasida raqamli savodxonlik darajasining pastligi kabi bir qator tuzilmaviy to‘siqlarni bartaraf etish zarur. Yevropa Ittifoqi davlatlaridan farqli o‘laroq, O‘zbekistonda raqamli savodxonlik darajasi hali yetarli darajada emas, shuning uchun elektron konsullik xizmatlaridan foydalanish bo‘yicha ommaviy o‘qitish dasturlariga ehtiyoj mavjud bo‘lib, bu esa qo‘shimcha ta’lim dasturlari va davlat investitsiyalarini talab qiladi. G‘ofurova S. raqamli konsullik faoliyatining eng muhim elementi sifatida raqamli vositalardan, jumladan, elektron hujjat almashinuvidan foydalanishni huquqiy tartibga solish zarurligini ta’kidlaydi. Bu esa raqamli xizmatlarning huquqiy ahamiyatini oshirish va ularning xalqaro huquq tizimiga integratsiyasini ta’minlashga xizmat qiladi.[2]

Demirjio‘g‘lu F. esa raqamli diplomatiya bugungi kunda nafaqat davlatlar o‘rtasidagi o‘zaro munosabat vositasi, balki mamlakatning tashqi siyosiy imidjini belgilovchi omilga aylanayotganini qayd etadi[3]. Bu jihat, ayniqsa, xalqaro nufuzini oshirishga intilayotgan davlatlar uchun muhim bo‘lib, raqamli diplomatiyada faol ishtirok etish innovatsiyalar va shaffoflikka tayyorlikni namoyish etadi. Biroq raqamli kanallar orqali dezinformatsiyaning tarqalishi hamon dolzarb tahdid bo‘lib, u davlat siyosati haqidagi tasavvurni o‘zgartirishi mumkin. Shu sababli, konsullik muassasalari nafaqat onlayn xizmatlarning tezkorligini ta’minlashi, balki axborot oqimlarini nazorat qilish bo‘yicha ishonchli mexanizmlarni ham yaratishi lozim.

Shunday qilib, konsullik faoliyatining raqamlashtirilishi nafaqat texnologik jarayon, balki diplomatik normalarni qayta ko‘rib chiqish, ma’lumotlarni himoya qilishning samarali mexanizmlarini yaratish va fuqarolar uchun huquqiy aniqlikni ta’minlash bilan bog‘liq huquqiy o‘zgarish hamdir. Raqamli texnologiyalarni konsullik

[1] Adesina, O. S., & Summers, J. Foreign policy in an era of digital diplomacy // Cogent Social Sciences. - 2017. - Vol. 3, iss. 1. - P. 1-16.
[2] Gafurova, S. The Legal Importance of Consular Protection in the Era of Digital Transformation // International Journal of Legal Studies. - 2023. - Vol. 13, iss. 1. - P. 119-130.
[3] Demircioğlu, F. Digital Diplomacy and Its Impacts on Uzbekistan’s International Relations // Imgelem Journal. -2024. - Special Issue on Uzbekistan. - P. 171-190.

amaliyotiga tatbiq etish nafaqat ma’muriy protseduralarni soddalashtirishga, balki davlat va uning fuqarolari o‘rtasidagi ishonchni mustahkamlashga xizmat qiladi. Biroq, raqamli tashabbuslarning muvaffaqiyatli amalga oshirilishi huquqiy bazani modernizatsiya qilish, texnologik infratuzilmani rivojlantirish va yuqori darajadagi kiberxavfsizlikni ta’minlashni o‘z ichiga olgan kompleks yondashuvni talab qiladi.

EVOLUTION OF EDUCATION FINANCING SYSTEMS AND MODERN INCLUSIVE APPROACHES

Azamjonov.U.
Public Safety University, Senior Lecturer of the Department of Economic Sciences, Senior Lieutenant
Qurbonov.B.
Master’s Degree Student, University of Public Safety

In the context of globalization, the digital economy, and the rise of knowledge-based societies, ensuring the effective financing of education has become more crucial than ever. Investments in education not only contribute to the development of human capital but also directly influence a nation’s innovative capacity, economic growth, and social stability. Consequently, education financing has emerged as a central component of national development strategies.

In the 21st century, as global competition increasingly depends on the quality of human capital, the scale, sources, and allocation mechanisms of educational resources play a decisive role in determining a country’s socio-economic resilience. International organizations such as the World Bank, the United Nations, OECD, and UNESCO emphasize that efficiency, equity, and sustainability in education financing are among the key global priorities.

Across different countries, education financing mechanisms vary according to political systems, economic capacity, and social priorities. While in some nations the state budget remains the main financial source, others are expanding the involvement of the private sector, international grants, and non-governmental initiatives. At the same time, achieving a balance between equity, efficiency, and accountability in the use of educational resources has become a major focus of global policy. Therefore, studying the formation, socio-economic foundations, and evolutionary development of education financing systems holds significant scientific importance. This research aims to analyze the main models and dynamics of education financing, identify the factors of their effectiveness, and propose modern approaches applicable to contemporary education systems.

The development of education financing has passed through several historical stages, reflecting the changing role of the state, society, and the economy in supporting education. Scholars usually classify these stages as follows:

- Initial phase – religious and charitable support (6th–17th centuries)
- Industrial era – state-centered model
- Welfare state period (1945–1980s)
- Market reforms and privatization (1980s–2000s)
- Modern inclusive and sustainable financing phase

During the initial phase, education was not yet a state priority; it was mainly funded by churches, religious orders, and private benefactors. Monastic and parish schools dominated in Western Europe, accessible only to the elite. Although this period laid the cultural and institutional foundations for modern schooling, it was characterized by inequality and limited access for the poor.

The industrial era (17th–early 20th centuries) marked a turning point. The Industrial Revolution increased the demand for skilled labor, prompting governments to view education as an economic necessity. State-funded public education systems emerged in countries like Germany, France, and the UK. Compulsory primary education was introduced, financed mainly by public budgets and local taxes. This led to higher literacy rates and broader access to education, though the system remained bureaucratic and economically oriented.

The welfare state model (mid-20th century) institutionalized education as a social right. Governments in Western Europe and North America expanded free and universal schooling, funded largely through taxation. Education became a tool for equality, gender inclusion, and national development. However, extensive public spending led to fiscal strain and bureaucratic inefficiencies by the late 20th century.

From the 1980s onward, neoliberal reforms transformed education financing. International institutions like the World Bank and IMF promoted policies emphasizing efficiency, competition, and privatization. Private universities, tuition-based systems, student loans, and public–private partnerships (PPP) became widespread. While this diversified funding and encouraged innovation, it also deepened inequality, limiting access for lower-income groups.

Overall, the evolution of education financing reflects a dynamic balance between equity and efficiency. The current inclusive approach seeks to merge these goals—ensuring broad access while maintaining financial sustainability and responsiveness to societal needs.

By the beginning of the 21st century, global education systems experienced profound paradigmatic shifts. The dominance of market-oriented principles, rising social inequality, and the uneven qualitative development of human capital compelled

many countries to reconsider their education financing policies. Consequently, since the 2000s, a new global framework has emerged —"sustainable," "inclusive," and "equitable" education financing—supported by major international organizations such as the United Nations (UN), UNESCO, the World Bank, and the OECD.

In recent decades, the United Nations and its specialized agencies have played a pivotal role in promoting sustainable and inclusive education financing worldwide. The adoption of the Sustainable Development Goals (SDG-4) in 2015 marked a historic milestone, setting the global agenda to "ensure inclusive and equitable quality education and promote lifelong learning opportunities for all." Through initiatives such as the Global Education First Initiative (GEFI) and the UNESCO Global Education Monitoring (GEM) Report, the UN has provided policy frameworks and financial support mechanisms aimed at reducing educational inequality. Furthermore, the UNICEF Education Programme and the Global Partnership for Education (GPE) have mobilized billions of dollars in grants to assist low-income countries in building resilient education systems. These coordinated efforts have significantly contributed to improving access, quality, and financial sustainability in education, particularly in developing nations like Uzbekistan.

At the core of this modern phase lies the concept of sustainable education financing, which views education not only as a driver of economic growth but also as a foundation for social stability, gender equality, and inclusive development. The adoption of the UN Sustainable Development Goals (SDG-4) in 2015 reinforced this perspective by setting the global objective of "ensuring inclusive and equitable quality education for all."

In this context, education financing policies have evolved toward a balanced integration of public budgets, international grants, private sector participation, and donor-based mechanisms. The guiding principles of this era are sustainability, efficiency, inclusiveness, and accountability. According to OECD (2022), allocating 4–6% of GDP to education has become the global benchmark for fiscal policy. Countries such as Norway, Finland, Canada, and South Korea invest more than 6% of their GDP in education, enhancing the quality of human capital and strengthening global competitiveness.

Although national budgets remain the primary funding source, the diversification of financing channels has expanded significantly. International financial institutions, donor funds (e.g., Global Partnership for Education, UNICEF Education Fund), public–private partnership (PPP) programs, and investments in digital education platforms have all contributed to the growing pool of educational resources. This diversified approach reduces overreliance on any single funding source while

promoting innovation, transparency, and long-term financial stability within education systems.

One of the most significant achievements of the contemporary era is the widespread adoption of the inclusive education concept. While earlier stages of educational development prioritized economic efficiency, the modern paradigm emphasizes social justice and equality of opportunity. As a result, education policies now focus on creating equal access for persons with disabilities, girls, rural populations, and low-income groups. According to UNESCO (2023), the global enrollment rate of girls in primary education increased from 77% to 89% between 2010 and 2022, while in low-income countries it rose from 56% to 73%.

In parallel, the rapid growth of the digital economy has introduced new mechanisms of education financing. Investments in EdTech (Education Technology) initiatives, online learning platforms, Massive Open Online Courses (MOOCs), and distance education systems have expanded dramatically. For instance, in 2021, global private investment in education technology exceeded 20 billion USD, with the COVID-19 pandemic further accelerating this digital shift and shaping a new model of education finance.

This stage has produced several positive outcomes. The financial sustainability of education systems has strengthened, resource utilization has become more efficient, and a truly inclusive education model—ensuring equal access for all—has emerged. Cooperation between the public and private sectors has deepened, and education is increasingly viewed as a strategic investment in national development.

However, challenges remain. Excessive reliance on international grants and donor funding can limit the financial independence of developing countries. The persistent digital divide, or unequal access to technology, risks reinforcing social inequalities in new forms. Moreover, the global standardization of education policies sometimes conflicts with national contexts and cultural values, creating the problem of "one-size-fits-all" approaches in policy design.

Overall, analytical studies show that the evolution of education financing systems has been closely linked to the economic, political, and cultural development of societies. In the early (charity-based) stage, education was funded mainly by religious and philanthropic institutions. The industrialization era transformed it into a state-led policy domain. The welfare-state model of the mid-20th century placed education at the heart of social welfare policy, while the market-oriented reforms of the late 20th century strengthened the role of the private sector and international organizations. In the 21st century, the sustainable and inclusive financing paradigm has become a global trend, redefining education not only as an economic tool but also as a foundation for social equity, equal opportunity, and human capital development.

In the contemporary stage of educational development, financing mechanisms are increasingly viewed not merely as economic tools but as key drivers of social justice and human capital formation. To ensure sustainable and inclusive educational growth, the following strategic directions are proposed: Expanding Public–Private Partnerships (PPP). Strengthening collaboration between the state and private sectors can attract additional investments, modernize educational infrastructure, and accelerate the digital transformation of learning environments. Introducing Performance-Based Funding. Allocation of public resources should be linked to measurable outcomes such as graduate employment, research productivity, and institutional accreditation. This approach fosters healthy competition and enhances accountability among higher education institutions in Uzbekistan. Enhancing Social Support Mechanisms. The establishment of scholarships, targeted grants, and social funds can help expand educational access for low-income groups, women, and persons with disabilities, contributing to a more inclusive education system. Adapting International Best Practices. The experiences of Germany, Finland, and South Korea demonstrate that PPP-based educational financing contributes to rapid and sustainable infrastructure development. Adopting similar models—especially in preschool and vocational education—can ease budgetary pressure while promoting innovation in teaching and learning.

These measures aim to strengthen the financial stability of the education system, improve resource efficiency, and deepen inclusive approaches that ensure equal opportunities for all learners.

References

1. Musgrave, R. A., & Musgrave, P. B. (1989). Public Finance in Theory and Practice (5th ed.). New York: McGraw-Hill.
2. Hanushek, E. A., & Woessmann, L. (2015). The Knowledge Capital of Nations: Education and the Economics of Growth. Cambridge, MA: The MIT Press.
3. Do‘stmuhammad, H. (2016). Financing of Public Education. Tashkent: Iqtisodiyot.
4. Jo‘rayev, N. (2021). Theoretical Foundations for Modernizing Financial Policy in Uzbekistan’s Education System. Tashkent: Fan va texnologiya.
5. Bowen, H. R. (1980). Investment in Learning. San Francisco: Jossey-Bass.
6. Lindert, P. H. (2004). Growing Public. Cambridge: Cambridge University Press.
7. OECD. (1998). Education at a Glance. Paris: OECD Publishing.
8. World Bank. (2000). Higher Education in Developing Countries: Peril and Promise. Washington, DC: World Bank.
9. UNESCO. (2023). Global Education Monitoring Report. Paris: UNESCO.

БМТНИНГ БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жўраев Қобилжон Олимжонович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети тингловчиси, капитан

Аннотация: Жиноятчилик муаммоси ҳар қандай жамият учун долзарб масала бўлиб, айниқса вояга етмаганлар орасида жиноят содир этилишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Мактаб ўқувчилари томонидан содир қилинадиган жиноятлар нафақат ёшларнинг келажагига салбий таъсир кўрсатади, балки жамиятнинг барқарорлигига ҳам хатар солади. Шу боисдан ушбу вояга етмаганлар қаторида жиноятчиликни камайтириш ва олдини олиш чораларини самарали йўлга қўйиш зарур. Ушбу мақолада мактаб ўқувчилари томонидан содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олиш чоралари, унинг таъсир омиллари, имкониятлари ва амалий ечимлари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, ғайриижтимоий, хулқ атвор, ҳуқуқбузарлик, жиноятларнинг сабаблари, олдини олиш чоралари.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 565 сонли қарорида содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт шароитларни “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати” тизими асосида жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасааларнинг ўзаро ҳамкорлигини таминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсади белгиланган.Бунда ҳудудларни комплекс ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар иштирокида жиноятларнинг сабабларини ўрганиш, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларини жойига чиққан ҳолда “маҳаллабай” ва “соҳабай” муҳокама қилиш тартиби жорий қилинган[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 565 сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йил 5 март кунидаги Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида иштирок этди. Бу йиғилишда мамлакатимиз президенти шундай деди.Бундан саккиз йил аввал ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти йўлга қўйилган эди. Бу тизим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда ҳудудлар салоҳияти ошди. Шу боис энди прокурор, ички ишлар ва солиқ раҳбарлари секторлар фаолияти билан шуғулланмаслиги белгиланди. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш бўйича қўшимча вазифалар қўйилди[1]. Жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш масаласига давлат рахбари даражасида асосий этиборнинг қаратилиши бизни бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга ва бор куч қувватимиз билан жиноятчиликни жиловлашни тақозо этмоқда.

2025 йилнинг 9 ойида 1 164 нафар мактаб ўқувчилари томонидан 1 082 та олдини олиш мумкин бўлган жиноятни содир этган ва умумий олдини олиш мумкин бўлган жиноятларга нисбатан улуши 70.1 фоизни ташкил этган. Жиноят содир этган мактаб ўқувчиларининг асосий салмоғи (66.3 %) 5 та ҳудуд, яьни Фарғона (208 та) Тошкент шахри (175 та) Наманган (147 та) Тошкент (95 та) ва Самарқанд (93 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган.

2025 йил 9 ойида вояга етмаганлар жиноятчилигининг субектив сабаб ва омиллари ўрганилганда моддий етишмовчилик 54 %, енгил даромад топишга қизиқиш 2,7 % , зўравонлик орқали ўзини кўрсатиш 16,6 % , жамиятда ўзининг бошқалардан устунлигини намойиш этиш 6,9 %, тарбиявий ёки ахлоқан бузиқлик 0,9 % , бошқа сабаблар 18,9 % ни ташкил қилган.

Вояга етмаганлар жиноятларининг самарали барвақт профиликтикаси

биринчидан, жамиятда бола ҳуқуқлари, жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болалар ҳуқуқлари кафолатларининг давлат, хусусан, унинг масьул орган ва мансабдор шахслари томонидан фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шерикликда тўлақонли таьминланишини;

иккинчидан, уларни жаҳонда юз бераётган глобаллашув, жадаллашув, манфаатлар тўқнашувининг кескинлашуви ва бошқа салбий жараёнлар ҳамда уларнинг оқибатлари тасиридан самарали ҳимоя қилиш тизими ва механизмларини яратишни;

учинчидан, таьлим тарбия соҳасидаги мавжуд бўшлиқ, хато ва камчиликлар тизимли бартараф этиш механизмларини такомиллаштириб боришни;

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 5 март кунидаги “Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилиши”даги нутқи.

тўртинчидан, бу соҳада илмий тадқиқотларни янада кучайтириш, мазкур тизимга миллий қадриятларни ва илғор халқаро тажрибаларни уйғунлаштирган ҳолда жорий этиб борнишни тақозо этади[1] деган фикрни илгари сурган эди юридик фанлар доктори профессор Исмаилов Исамидин устозимиз. Биз устозимизнинг юқорида келтириб ўтилган фикрларига қўшиламиз.

Мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш борасида қуйидагилар таклиф этилади.

1.Бугунги кунда мактаб ўқувчилари томонидан содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олишда инспектор психолог, мактаб психологлари ва ўқитувчиларнинг самарали ишлашини янада такомиллаштириш мақсадида мактаб ичида “ижтимоий хавф гуруҳлари”ни аниқлаш тизимини такомиллаштириш ва мактаб психологларига мобил илова кўринишида КПИ электрон тизимини жорий қилиш. Биз биламизки ҳозирги кунда деярли барча давлат идоралари ва ташкилотлари рақамлаштирилган КПИ тизимида ўз иш натижаларини қайд қилиб келмоқда. Бу тизим ўз навбатида ходимларнинг меҳнат унумдорлигини оширишда яхши самара бермоқда.

2.Мактаб ички рўйхатига киритилган ўқувчилар индивидуал иш режалари ишлаб чиқиш.

3.Мактабларда синф хоналар ва йўлакларни камералаштириш чора тадбирларини белгилаш ва босқичма босқич амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январ кунидаги “2025 йил Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ 1 сонли қарорида жиноят содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойлар ҳамда кўп қаватли уйларнинг ҳовли қисми тўлиқ кузатув камералари билан қамраб олиниши ва “ташвиш” тугмаларининг ўрнатилиши бэлгилаб қўйилган[2]. Мактабларда синф хоналар ва йўлакларни камералаштириш мактаб ҳудудини жиноятдан холи ҳудудга айланишини таминлайди.

4.Мактаб психологлари ва инспектор психологлар ҳамкорликда мактаб ички рўйхатига киритилган ўқувчилар шунингдек бугунги кунда амалиётда 10 тоифа деб юритиладиган ўқувчилар билан мунтазам тавишда ишлаш тизимини ишлаб чиқиш ва КПИ тизими орқали мониторингини юритиб бориш. Юқорида айтиб ўтилган 10 тоифага кирувчи ўқувчилар қонунчиликда айнан келтириб

[1] Исамидин Исмаилов юридик фанлар доктори, профессор / Музаффар Зиёдуллаев юридик фанлар доктори, профессор/Бола ва Замон Научно-популярный журнал детской и возрастной консультации/№4 2024 й / 8 бет.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январ кунидаги “2025 йил Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ 1 сонли қарори

ўтилмаган. Бироқ амалиёт давомида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда бу тоифага кирувчи ўқувчилар рўйхати шакллантирилади. Булар қуйидагилар: нотинч оила фарзандлари, ота онаси ажрашганлар, ота онаси узоқ муддат кетганлар, ажрим ёқасидаги оила фарзандлари, отаси ёки онаси муқаддам судланган оила фарзандлари, отаси ёки онаси профилактик ҳисобда турган оила фарзандлари, отаси ёки онаси ёки ҳар иккаласи вафот этган оила фарзандлари ва бошқалар. Жойларда бу тоифадаги ўқувчилар билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш орқали ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мумкин.

5.Оила маҳалла мактаб тамойили асосида маҳаллаларда жиноятжиликка қарши профилактика тадбирларини кучайтириш.

6.Нотинч оила фарзандларининг маҳалла кесимида рўйхатини шакллантириш тизимини ишлаб чиқиш ва улар билан олиб бориладиган чора тадбирларни белгилаш.

7.Маҳалла кесимида ота онаси узоқ муддат кетган вояга етмаганларга васий ёки ҳомий тайинлаш чора тадбирларини белгилаш ва босқичма босқич амалга ошириш.

8“Оилавий тарбияда назорат ва ишонч мувозанати” мавзусида мунтазам тренинглар ташкил этиш.

9.Ота-она, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш.

10.Болаларни спорт, маданият, ихтисослашган тўгаракларга жалб қилиш.

11.Инспектор психологларнинг иш самарадорлигини бахолаш ва мониторингини юритиш учун КПИ тизимини яратиш ва уни мобил илова қўринишида ҳар бир ходим кесимида юритиш амалиётини жорий қилиш.

Хулоса

Мактаб ўқувчилари томонидан содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олишда ижтимоий, психологик ва маънавий тарбияга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу жараёнда мактаб, оила ва жамият ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ёшларнинг руҳий ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда бу йўналишдаги ишлар олиб борилмоқда ва самарали натижаларга эришиш учун тадқиқотларни янада кенгайтириш зарур.

Мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар профилактикаси фақат жазо воситалари билан эмас, балки психологик, педагогик, ижтимоий ва ҳуқуқий комплекс чоралар орқали самарали ҳал этилади. Тавсия этилган чоралар тизимли татбиқ этилса, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик даражасини пасайтириш, ижтимоий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мумкин бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 565 сонли қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 5 март кунидаги “Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилиши”даги нутқи.
3. Исамидин Исмаилов юридик фанлар доктори, профессор / Музаффар Зиёдуллаев юридик фанлар доктори, профессор/Бола ва Замон Научно-популярный журнал детской и возрастной консультации/№4 2024 й / 8 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январ кунидаги “2025 йил Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ 1 сонли қарори

ГИЁҲВАНДЛИКНИНГ ТАҲДИДЛАРИ ВА БМТНИНГ ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Акрамжонов Иқболжон Акрамжон ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети тингловчиси, капитан

Аннотация: Мазкур мақолада гиёҳвандлик муаммосининг ёшлар ҳаётига ва бутун жамиятга таъсири атрофлича ўрганилади. Ёшлар орасидаги гиёҳвандлик нафақат шахсий соғлиққа жиддий зарар етказади, балки уларнинг ижтимоий, маънавий ва иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ёшларнинг руҳий барқарорлигини бузади, ўқиш ва ишлаш қобилиятини пасайтиради, ижтимоий муносабатларда муаммоларга сабабчи бўлади. Шунингдек, бу ҳолат ёшларни оиладан, жамиятдан узоқлаштиради, уларни жиноятчиликка ва бошқа салбий иллатларга олиб келиши мумкин.Мақолада гиёҳвандлик сабаблари ва ёшлардаги оқибатлари муфассал таҳлил қилинади. Унда ёшлардаги салбий таъсирлар қаторида соғлиққа зарар, психологик муаммолар, ижтимоий изоляция, ҳуқуқий муаммолар ва оилавий зиддиятлар каби масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, гиёҳвандликнинг жамият учун хавфлари - жиноятчилик даражасининг ошиши, меҳнат бозоридаги самарадорликнинг пасайиши, ижтимоий беқарорлик ва иқтисодий йўқотишлар ҳам кенг ёритилади. Мақоладаги яна бир муҳим жиҳат - гиёҳвандликка қарши курашда давлат, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ва оиланинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилишидир. Ёшлар орасидаги гиёҳвандликни камайтириш учун самарали профилактика чоралари, тарбиявий ишлар ва маърифий

кампаниялар муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланади. Шу билан бирга, ёшларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва уларни салбий иллатлардан асрашга қаратилган стратегиялар муҳокама қилинади. Ҳар томонлама ёндашув орқали гиёҳвандликнинг ёшлар ва жамиятга салбий таъсирини камайтириш ва унинг олдини олиш мумкинлиги мақолада асосий хулоса сифатида келтирилади.

Калит сўзлар: жамият, ёшлар гиёхвандлик, психатроп моддалари, наркотик моддалар

Кириш. Ҳозирги кунда гиёҳвандлик муаммоси нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёдаги энг жиддий ижтимоий муаммолардан бирига айланган. Ёшлар орасидаги гиёҳвандлик моддалари истеъмоли ва тарқалиши йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу иллат нафақат ёшларнинг соғлом ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, балки жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига ҳам жиддий таҳдид солади. Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши билан гиёҳвандлик моддаларини топиш ва тарқатиш янада осонлашди. Ёшлар орасидаги стресс, келажакка бўлган ноаниқлик ва ижтимоий босим гиёҳвандликка мойилликни кучайтирмоқда.

Ёшларга таъсири

Физик саломатликка салбий таъсири;

Гиёҳвандлик моддалари ёшларнинг жисмоний саломатлигини шикастлайди. Улар нафақат оғир касалликларга, балки ўлимгача олиб келувчи ҳолатларга дучор бўлади. Масалан, наркотик воситалар юрак-томир тизими, ўпка ва мия фаолиятини бузади. Ёшларда иммунитет пасайиб, турли касалликларга осон чалинувчанлик пайдо бўлади.

Руҳий ва психологик таъсири;

Гиёҳвандлик моддалари истеъмоли ёшларнинг руҳий саломатлигига жиддий зарар етказади. Бу моддалар психологик касалликлар, депрессия, паранойя ва шизофрения каби иллатларни келтириб чиқариши мумкин. Ёшлар ўз ҳис-туйғуларини назорат қила олмай, ижтимоий муносабатларда муаммоларга дуч келади[1].

Таълим ва касбий фаолиятга таъсири;

Гиёҳвандлик истеъмол қилувчи ёшлар таълим жараёнида пасайишни бошдан кечиради. Уларнинг диққат марказланиши сусаяди, хотира қобилияти пасайади ва ўқишга бўлган қизиқиш камаяди. Бу ҳолат уларнинг келажакдаги

[1] *“Гиёҳвандлик моддалари ва унинг саломатликка таъсири” — ЖССТ ҳисоботлари ва маълумотлари.Манба: who.int*

касбий фаолиятига салбий таъсир қилади, ишсизлик ва ижтимоий камбағалликни кучайтиради.

Ижтимоий муносабатларга таъсири;

Гиёҳвандлик истеъмолчилари оилада, дўстлар билан муносабатларида муаммоларга дуч келади. Улар жамиятдан узоқлашиб, изоляцияга тушиши мумкин. Баъзи ҳолларда бу оилавий муаммолар, ажралишлар ва болаларни тарбиялашда қийинчиликларга сабаб бўлади.

Жамият учун хавфи:

Жиноятчиликнинг ортиши;

Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ёшлар орасида кенгаймоқда. Гиёҳвандлик истеъмолчилари моддаларни топиш учун ўғирлик, қаллоблик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қўл урмоқда. Бу жамиятда хавфсизликни камайтиради ва фуқароларнинг ҳаётига таҳдид солади.[1]

Ижтимоий барқарорликка таҳдид;

Гиёҳвандлик тарқалиши жамиятда ижтимоий барқарорликни бузади. Оилавий муаммолар кўпайиши, меҳнат бозорида ишсизлик даражасининг ошиши ва ижтимоий камбағаллик кучайишига олиб келади. Бу эса давлат учун иқтисодий ва ижтимоий томондан катта йўқотишларни келтириб чиқаради.

Ёшларнинг келажагига салбий таъсир;

Гиёҳвандлик билан шуғулланган ёшлар келажакда жамият фаолиятига тўлиқ жалб қилинолмайди. Улар орасида касбга бўлган қизиқиш йўқолади, ижтимоий фаоллик пасаяди ва бу келажак авлод учун катта хавф ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимига босим;

Гиёҳвандлик билан боғлиқ касалликлар ва муаммолар соғлиқни сақлаш тизимига катта юк солади. Даволаш, психологик ёрдам ва реабилитация учун катта маблағ ва ресурслар талаб қилинади.

Бугунги кунда, фан-техника ривожланиши, ахборот технологияларининг беқиёс даражада тараққий етишини тезлаштириб, ҳаётимизга шиддат билан кириб келган глобаллашув жараёнлари ўз ортидан бази салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Мураккаб бир даврда "ахборот хуружи" ўзининг салбий даврида ёшлар манавиятини асраш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоялар тасиридан сақлаш ҳамда мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида етибор қаратиш жамиятнинг ҳар бир азосининг вазифаси бўлмоғи лозим. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий етук авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилсада, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили

[1] *Гиёҳвандликка қарши давлат стратегияси" ва республиканинг расмий статистикаси. Манба: minzdrav.uz*

ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш,уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил етилмаганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги[1] фармонида ҳар жабҳада ёшлар фаоллигини ошириш вазифалари белгиланди. Унда ёшларнинг замонавий касб-ҳунарларни пухта егаллаши, уларнинг бандлигини таъминлаш, илмий ва бадиий китобларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ахборот технологияларидан фойдаланиш, "оммавий маданият" ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш, ёшларни ижодий тўгараклар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига жалб етиш, халқ мафаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш каби масалалар очиб берилди. Буюк юнон тарихчиси Геродот ўзининг Шарққа қилган сафарлари чоғида Миср ехромларидаги бир битик уни ажаблантирган: "Ёшларнинг тарбияси бузилиб кетяпти. Нима қилмоқ керак?!"[2] тарихчи ушбу ёзувни ўқиганига ҳам икки минг йилдан ошиб кетди. Ёзувнинг битилгани санаси тўғрисида аниқ маълумот келтирилмаган. Бундан кўриниб турибдики ёшлар масаласи ҳамиша ўз долзарблигини юқотмаган, бу масалага турли даврларда ҳар хил муносабат билдириб келинган.Улуг ъ марифатпарвар аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий ёшларга мурожаатномасида, жумладан, бундай ёзади: "Ушбу тараққий етган замонда илмсиз, марифациз, қуруқ тасаввур билан яшаб булмайди. Ҳозирги замонавий тараққиёт ва ривожланиш шундай кучли бўлмоқдаки, озгина фурсат ўтар-ўтмас қуруқ ва чириган таассубларимизни илдизи билан қўпориб ташлайди. Шунинг учун барча ёшларимиз бу борада бир нарсага таянишлари мумкин. Бу нарса илму марифатдир".[3]деган ажойиб ибратли сўзни айтиб кетганлар

Бугунги кунда мамлакатда èшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, бугунгача парламент

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 5-июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва о"збекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қо"ллаб-қувватлаш тўғрисида" ги 5106-сон фармон.
[2] А.Мираваз ўғли "Тарбиянинг олтин калити ёхуд юлдаги белгилар" китоби.Б-3
[3] "Ойна" журнали, 1914-йил 41-сон.

томонидан ѐшларга оид 40 дан зиѐд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган.

Шунингдек давлат раҳбари томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги саъй-ҳаракатларни тизимли асосда йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши Ўзбекистон тарихида ѐшлар таълим-тарбияси бўйича яна бир янги босқични бошлаб берди. Биринчи ташаббус – ѐшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиѐт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус - ѐшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоѐн қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус - аҳоли ва ѐшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус - ѐшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус - хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакат аҳолисининг 40 фоизини 18 ѐшгача бўлган болалар, 64 фоизини 30 ѐшгача бўлган ѐшлар ташкил этган Ўзбекистон учун баркамол авлодни тарбиялаш, уларга эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида ишонч билдириш, шунингдек уларнинг ҳаѐтда, шу жумладан, жамиятда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартибини сақлаш, ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашда фаол иштирок этишини таъминлаш қанчалик долзарб вазифа эканлиги барчамизга маълум[1]. Бироқ мамлакатда ѐшлар учун шундай шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилаѐтганига қарамасдан, улар орасида носоғлом муҳит таъсирига тушиб қолаѐтган ѐшларимиз ҳам учраб турмоқда. Айниқса ѐшлар орасида кенг авж олиб бораѐтган гиѐҳванд ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш, унинг таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари жуда аянчли ҳолатдир.

Гиёҳвандликка мубтало бўлиш нафақат бир шахснинг муаммоси балки, уларнинг оиласи, жамимят учун ҳам бош-оғриғидир. Сўнгги йилларда жаҳон мамлакатларида гиѐҳвандликка қарши кенг қамровли кураш олиб борилоқда. Унинг учун турли тадбирлар ўтказилмоқда. Бунда ижтимоий рекламалардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Энг муҳими соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўлида кўп ишлар амалга оширилмоқда.

---

[1] file:///C:/Users/Kutubxona11.INTERNET-JXU/Downloads/giyo-vandlik-vositalari-va-psihotrop-moddalar-bilan-onunga-hilof-ravishda-muomala-ilish-zhinoyatlarining-ziga-hos-hususiyatlari. 03.10.2025 йил

Инсоният таррақиётнинг янги-янги чўққиларини забт этмоқда. Бироқ жаҳонда халқлар, миллатлар келажагига таҳдид туғдирувчи бир қанча омиллар ҳамон сақланиб колмоқда. Ана шундай хатарлардан бири гиёҳвандлик балосидир. Глобал муаммога айланган ушбу иллатга қарши курашишда давлатлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган асрдан бизга - мерос бўлиб қолган трансмиллий жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури инсоният келажагига хавф солиб келмоқда. Хусусан халқаро терроризм, дин ниқоби остидаги экстремистик, фундаменталистик ва сепаратистик хуружлар, наркотик моддалар билан савдо қилиш (наркобизнес), одам савдоси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ер юзидаги наркобизнесда айланаётган пул маблағи дунё аҳолисининг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, таълим тизими ва тиббий хизматга сарфланаётган харажатларидан анча кўплиги билан фарқланиши ҳеч кимга сир эмас. Энг ачинарлиси, гиёҳвандлик оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Дунё бозорида тарқаладиган қора доринг асосий қисми Афғонистонда етиштирилиб, уни ноқонуний йўл билан Марказий Осиё мамлакатлари орқали Ғарбга етказишга бўлган уриниш йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шунинг учун юртимизда наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш масаласига давлат ва миллатнинг эртасини ҳал этувчи оммилардан бири сифатида қараб келинмоқда. Ушбу иллатга қарши курашиш мақсадида бир қатор қонунлар ва халқаро шартномалар қабул қилинд

Хулоса қилиб айтганда: Гиёҳвандлик муаммоси ёшлар ҳаёти ва жамият учун катта таҳдид ҳисобланади. Бу иллат нафақат ёшларнинг руҳий ва жисмоний саломатлигига зарар келтиради, балки жамиятда жиноятчиликни кучайтириб, ижтимоий барқарорликни бузади. Шу боис ёшларимизни бу иллатдан муҳофаза қилиш, уларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва гиёҳвандликка қарши курашиш давлат ва жамиятнинг энг устувор вазифалари ҳисобланади. Ёш авлод келажаги – давлат келажаги эканлигини доимо эсда тутишимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 5-июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги 5106-сон фармон

2. Ўзбекистон Республикасининг сайланган президенти Шавкат Мирзиёев Мирзиёевнинг инаугурация маросими Вакиллар палатасининг Мазҳиллари Ўзбекистон Республикасининг олий давлат органи ҳисобланади. Демократик ўзгаришлар стратегияси яхши ва нути. - Ўзбекистон газетаси, 8 йил 2021 ноябрда нашр етилган.

3. Ҳуқуқий енциклопедия / қонун доктори, Professor У. Тожиханов-русча фамилия. - Т.: "Shark", 2001. - 656 п. 3. Криминалистика: дарс /

4. S. Зарипов, A. S. Ёқубов, Г. А. Аванесов. Боширов. Проф. Z. S. Зарипов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Академия, 2006. – 166 (539) П. 4. Ўзбек тили тарихидан / А. мадвалиев. Бешинчи жилд. Вол.: 2008, п. 291.

5. Ўзбекистон Республикасининг 14 Май 2014 йилдаги Қонуни "Кукукбузарлик Кауипсиздик" ги кон.

6. Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти: дарс / I. Исмоилов, M. Z. зиядуллаев, Ж. S. Мухторов ва бошқалар. Масюл мукаррир Ш. Т. Икрамов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Академияси, 2015 йил. - П. 531

7. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Конуни.

BMTNING BARQAROR TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDAGI ROLI VA UNING O‘ZBEKISTON IQTISODIY XAVFSIZLIGIGA TA’SIRI

Sotvoldiyev Asadbek Olimjon o‘g‘li,
Jamoat xavfsizligi universiteti magistratura talabasi
email: asadbeksotvoldiyev604@gmail.com

Globallashuv jarayonlari dunyo mamlakatlari o‘rtasidagi iqtisodiy, siyosiy va madaniy aloqalarni kuchaytirib, turizm industriyasining jadal rivojlanishiga zamin yaratmoqda. Turizm bugungi kunda nafaqat dam olish va madaniy almashinuv vositasi, balki iqtisodiy o‘sish, bandlikni ta’minlash va xalqaro hamkorlikni mustahkamlashning muhim omiliga aylangan. Ayniqsa, barqaror turizm konsepsiyasi Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) tomonidan ilgari surilgan global rivojlanish maqsadlari doirasida alohida e’tiborga loyiqdir.

Turizm industriyasi zamonaviy globallashuv sharoitida nafaqat madaniy almashinuv vositasi, balki iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlovchi strategik soha sifatida e’tirof etilmoqda. Ayniqsa, barqaror turizm konsepsiyasi Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) tomonidan ilgari surilgan Barqaror rivojlanish maqsadlari (SDGs) doirasida muhim o‘rin egallaydi. Turizm sohasi orqali davlatlar o‘z iqtisodiy salohiyatini oshirish, mahalliy aholini ish bilan ta’minlash, ekologik muvozanatni saqlash va xalqaro hamkorlikni mustahkamlash imkoniyatiga ega bo‘ladi. O‘zbekiston Respublikasi ham turizmni milliy iqtisodiyotning ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida rivojlantirishga alohida e’tibor qaratmoqda. Bu borada BMT va uning tarkibiy tuzilmalari, xususan, Jahon Turizm Tashkiloti (UNWTO) bilan hamkorlik alohida ahamiyat kasb etadi. [1] BMT tomonidan ilgari surilgan Barqaror rivojlanish maqsadlarida turizm sohasi 8-, 12- va 14-maqsadlar bilan bevosita bog‘liq. Bu

maqsadlar iqtisodiy o‘sish, mas’uliyatli iste’mol va ishlab chiqarish, hamda dengiz resurslarini muhofaza qilishga qaratilgan. UNWTO esa turizm siyosatini ishlab chiqishda davlatlarga maslahat berish, statistik ma’lumotlar bazasini yuritish, ekologik turizmni rivojlantirish va madaniy merosni saqlash bo‘yicha dasturlarni amalga oshiradi. BMTning “Global etik kodeksi” turizmda inson huquqlari, madaniy xilma-xillik va ekologik barqarorlikni ta’minlashga qaratilgan hujjat sifatida tan olingan [2]. O‘zbekistonning turizm salohiyati boy tarixiy-madaniy meros, noyob tabiiy landshaftlar va mehmondo‘st xalq bilan belgilanadi. So‘nggi yillarda turizm sohasida sezilarli yutuqlarga erishildi. Jumladan, 90 dan ortiq davlat fuqarolari uchun vizasiz rejim joriy etildi, “Ziyorat turizmi”, “Ekoturizm”, “Agroturizm” kabi yo‘nalishlar rivojlanmoqda, Samarqandda “Ipak yo‘li” xalqaro turizm markazi ochildi. Bu tashabbuslar O‘zbekistonning xalqaro turizm bozoridagi raqobatbardoshligini oshirishga xizmat qilmoqda. BMT bilan hamkorlikda turizmni raqamlashtirish, ekologik standartlarni joriy etish va mahalliy aholini jalb qilish bo‘yicha loyihalar amalga oshirilmoqda [3].

2024-yilda BMT Bosh Assambleyasi tomonidan O‘zbekiston tashabbusi bilan 2027-yil “Xalqaro barqaror va yashovchan turizm yili” deb e’lon qilindi. Ushbu rezolyutsiyaga 80 dan ortiq mamlakat hammualliflik qilgan bo‘lib, bu O‘zbekistonning global turizm siyosatidagi faolligini ko‘rsatadi. Hujjatning asosiy maqsadi turizm orqali barqaror rivojlanishni ta’minlash, ekologik muvozanatni saqlash va iqtisodiy xavfsizlikni mustahkamlashdan iborat [4].

Iqtisodiy xavfsizlik — bu davlatning iqtisodiy mustaqilligi, barqaror o‘sish sur’atlari va tashqi iqtisodiy tahdidlarga qarshi immunitetidir. Barqaror turizm bu xavfsizlikni quyidagi yo‘llar bilan mustahkamlaydi: iqtisodiy diversifikatsiya, valyuta tushumlarining oshishi, hududiy tenglikni ta’minlash, xalqaro imijni yaxshilash. Turizm sohasi xomashyo talab qilmaydi, bu esa iqtisodiy diversifikatsiyani ta’minlaydi. Turistlar tomonidan olib kiriladigan valyuta mamlakatning to‘lov balansini yaxshilaydi. Turizm faqat poytaxtda emas, balki viloyatlarda ham iqtisodiy faollikni oshiradi. Turizm orqali mamlakatning xalqaro maydondagi ijobiy imiji shakllanadi, bu esa investitsiyalarni jalb etishga yordam beradi [5].

BMTning O‘zbekistondagi doimiy vakolatxonasi orqali turizm sohasida quyidagi tashabbuslar qo‘llab-quvvatlanmoqda: mahalliy aholining turizmda ishtirokini oshirish, ayollar va yoshlar uchun turizmda bandlik imkoniyatlarini kengaytirish, ekologik barqarorlikni ta’minlashga qaratilgan treninglar. UNDP va UNWTO hamkorligida O‘zbekistonda turizm sohasida malakali kadrlar tayyorlash, turizm infratuzilmasini rivojlantirish va raqamli platformalarni joriy etish bo‘yicha loyihalar amalga oshirilmoqda [6]. Shu bilan birga, barqaror turizmni rivojlantirishda muayyan muammolar mavjud. Ekologik yuklama, infratuzilma yetishmovchiligi,

mahalliy aholi ishtirokining pastligi, turizm sohasida malakali kadrlar yetishmasligi — bu muammolarni hal etish uchun BMT bilan hamkorlikda ekologik standartlar joriy etish, mahalliy tadbirkorlar uchun grant va kredit dasturlarini kengaytirish, turizm sohasida oliy va o‘rta maxsus ta’lim dasturlarini modernizatsiya qilish, raqamli turizm platformalarini rivojlantirish zarur [7].

O‘zbekiston hukumati BMT bilan hamkorlikda turizm sohasida strategik loyihalarni amalga oshirmoqda. Masalan, tarixiy shaharlar va madaniy meros obyektlarini saqlash, ekologik turizmni rivojlantirish, hamda xalqaro turizm forumlarida ishtirok etish orqali mamlakatning turizm brendini mustahkamlashga qaratilgan chora-tadbirlar iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Bu jarayonlarda BMTning institutsional yondashuvi va O‘zbekistonning milliy strategiyasi uyg‘unlashgan holda, turizm sohasi orqali iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlash imkoniyatlari kengaymoqda [8].

Shunday qilib, barqaror turizm O‘zbekiston uchun nafaqat iqtisodiy o‘sish manbai, balki ijtimoiy barqarorlik va xalqaro hamkorlikni mustahkamlovchi vosita sifatida xizmat qilmoqda. BMT va uning tarkibiy tuzilmalari bilan hamkorlik bu jarayonni tizimli va uzoq muddatli rivojlanish yo‘liga olib chiqmoqda. Kelgusida turizmni barqaror rivojlantirish orqali O‘zbekistonning iqtisodiy xavfsizligini ta’minlash imkoniyatlari yanada kengayadi. Bu esa nafaqat iqtisodiy ko‘rsatkichlarga, balki ijtimoiy barqarorlik va xalqaro nufuzga ham ijobiy ta’sir ko‘rsatadi [9].

Barqaror turizmni rivojlantirishda raqamli texnologiyalar va innovatsion yondashuvlar tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Raqamli platformalar orqali turistik xizmatlar sifati oshmoqda, sayyohlar uchun qulayliklar yaratilmoqda va marketing strategiyalari takomillashmoqda. O‘zbekistonda bu borada “Uzbekistan.travel” portali, mobil ilovalar, virtual gidlar va onlayn bron qilish tizimlari joriy etilgan. BMT va UNWTO bu jarayonlarni qo‘llab-quvvatlab, raqamli transformatsiyani tezlashtirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqmoqda

Shuningdek, barqaror turizmni rivojlantirishda ekologik muhofaza masalasi ham dolzarbdir. Turizm faoliyati ko‘pincha tabiiy resurslarga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Shu sababli, BMT tomonidan ishlab chiqilgan “Green Destinations” kabi tashabbuslar orqali ekologik barqarorlikni ta’minlashga qaratilgan mezonlar joriy etilmoqda. O‘zbekistonda Chorvoq, Aydar-Arnasoy ko‘llari, Zomin va Kitob biosfera hududlarida ekoturizm loyihalari amalga oshirilmoqda. Bu loyihalar mahalliy aholi ishtirokini oshirish, chiqindilarni kamaytirish va tabiiy muhitni asrashga xizmat qilmoqda Barqaror turizm orqali ijtimoiy barqarorlikni ta’minlash ham muhim yo‘nalishlardan biridir. Ayniqsa, ayollar va yoshlar uchun yangi ish o‘rinlari yaratish, ularni tadbirkorlikka jalb etish orqali ijtimoiy tenglikni mustahkamlash mumkin. BMTning “Women in Tourism” tashabbusi doirasida O‘zbekistonda ayollar uchun turizm

sohasida treninglar, grantlar va startap dasturlari yo‘lga qo‘yilgan. Bu tashabbuslar nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy xavfsizlikni ham ta’minlashga xizmat qilmoqda . Xalqaro tajriba shuni ko‘rsatadiki, barqaror turizmni muvaffaqiyatli rivojlantirish uchun davlat siyosati, xususiy sektor va fuqarolik jamiyati o‘rtasida samarali hamkorlik zarur. O‘zbekistonda bu borada “Public-private partnership” (PPP) asosida turizm infratuzilmasini rivojlantirish, mehmonxona va transport xizmatlarini modernizatsiya qilish, hamda xalqaro brendlar bilan hamkorlikda loyihalarni amalga oshirish yo‘lga qo‘yilgan. BMT bu jarayonlarda texnik yordam, ekspertiza va moliyaviy ko‘mak ko‘rsatmoqda [10]

Shuningdek, turizm sohasida xavfsizlik masalasi ham dolzarb bo‘lib, bu borada BMTning “Safe Travel” tashabbusi asosida xalqaro standartlar ishlab chiqilgan. O‘zbekistonda bu standartlar asosida aeroportlar, mehmonxonalar va transport vositalarida xavfsizlik choralarini kuchaytirish, favqulodda vaziyatlarga tayyorgarlikni oshirish va sayyohlar uchun ishonchli muhit yaratish bo‘yicha ishlar olib borilmoqda. Bu esa turizmning barqarorligi va iqtisodiy xavfsizlikka qo‘shgan hissasini yanada oshiradi Yuqoridagilardan kelib chiqib, aytish mumkinki, BMT va uning ixtisoslashgan tashkilotlari bilan hamkorlikda O‘zbekistonda barqaror turizmni rivojlantirish orqali iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlash bo‘yicha salmoqli natijalarga erishilmoqda. Bu jarayonni davom ettirish uchun quyidagi yo‘nalishlarga e’tibor qaratish maqsadga muvofiq: birinchidan, turizm sohasida ilmiy-tadqiqot ishlarini kengaytirish; ikkinchidan, xalqaro grantlar va investitsiyalarni jalb etish; uchinchidan, turizm ta’limini zamonaviy talablar asosida rivojlantirish; to‘rtinchidan, mahalliy jamoalarni turizm jarayonlariga faol jalb etish.

Xulosa qilib aytganda, barqaror turizm O‘zbekiston uchun strategik ahamiyatga ega bo‘lgan soha bo‘lib, u orqali nafaqat iqtisodiy o‘sish, balki ijtimoiy barqarorlik, ekologik muvozanat va xalqaro nufuzni oshirishga erishish mumkin. BMTning institutsional yondashuvi, texnik ko‘magi va siyosiy qo‘llab-quvvatlovi bu jarayonni tizimli va uzoq muddatli rivojlanish yo‘liga olib chiqmoqda. Kelgusida bu hamkorlik yanada chuqurlashib, O‘zbekistonning global turizm xaritasidagi o‘rnini mustahkamlashiga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Barqaror rivojlanish maqsadlari O‘zbekistonda Birlashgan Millatlar Tashkiloti jamoasi – BMTning rasmiy SDG sahifasi https://uzbekistan.un.org/uz/sdgs

2. “O‘zbekiston — 2030” strategiyasi to‘g‘risida PF-158-son Prezident Farmoni – Milliy strategik hujjat https://lex.uz/docs/-6600413

3. UNWTO Bosh Assambleyasining 25-sessiyasi Samarqandda – xalqaro konferensiya hisobotlari https://gov.uz/ru/uzbektourism/news/view/85242

4. BMT Turizm bilan O‘zbekistonning turizm sohasidagi tashabbuslari bo‘yicha muzokaralar – rasmiy uchrashuv tafsilotlari https://aniq.uz/uz/yangiliklar/bmt-turizm-bilan-uzbekistonning-turizm-sohasidagi-tashabbuslarini-amalga-oshirish-buyicha-muzokaralar-utkazildi

5. “Avaza”da BMT Konferensiyasi yakunlandi: O‘zbekiston iqlim kun tartibi va madaniy merosi – mintaqaviy konferensiya https://gov.uz/oz/eco/news/view/76626

6. Talabalar turizm forumi doirasida BMT modeli loyihasi – yoshlar ishtiroki va BMT simulyatsiyasi https://uza.uz/oz/posts/talabalar-turizm-forumi-doirasida-bmt-modeli-loyihasi-tashkil-etildi_666201

7. UNWTO rasmiy sayti – Jahon Turizm Tashkiloti ma’lumotlari va statistikasi https://www.unwto.org

8. “Barqaror turizm rivojlanishi” – ilmiy qo‘llanma, Renessans Education https://renessans-edu.uz/files/books/2024-12-01-08-13-50_d9cd94040e6b796bae-99455836abac1f.pdf

9. O‘zbekiston turizm strategiyasi 2030 yilgacha – UZA tahliliy maqola https://uza.uz/oz/posts/2030-yilgacha-turizmni-rivojlantirish-uchun-munosib-sharoitlar-yaratiladi_570366

10. Barqaror rivojlanishda turizm va uning atrof-muhitga ta'siri – ilmiy konferensiya maqolasi https://ilmiyanjumanlar.uz/uploads/conferences/0024/4.47%20Shoyimardonqulova%20Sh.D.pdf

11. Vikipediya: Barqaror rivojlanish maqsadlari – umumiy tushuncha va global kontekst https://uz.wikipedia.org/wiki/BARQAROR_RIVOJLANISH_MAQSADLARI

12. Cedr.uz: O‘zbekistonda turizmni rivojlantirish istiqbollari – UNWTO statistikasi asosida https://cedr.uz/2024/10/04/o%CA%BBzbekistonda-turizmni-rivojlantirish-istiqbollari/

OMMAVIY TADBIRLARNI TASHKIL ETISH BO‘YICHA XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASI

Nasirov Xurshid Rustamovich,
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi.

Annotatsiya: Mazkur maqolada xorijiy davlatlarning ichki ishlar organlari tajribasi asosida ommaviy tadbirlar vaqtida jamoat xavfsizligini ta’minlashning samarali mexanizmlari tahlil qilinadi. Xususan, Yaponiya, Germaniya, Fransiya, Singapur, Skandinaviya davlatlari va Janubiy Koreya huquqni muhofaza qiluvchi organlarining tashkiliy yondashuvlari, fuqarolar bilan hamkorlik tizimi, profilaktik chora-tadbirlari va texnologik yondashuvlari ko‘rib chiqilgan. Tadqiqotda ushbu ilg‘or amaliyotlarning O‘zbekistonda qo‘llanishi mumkin bo‘lgan jihatlari ham ilmiy tahlil asosida baholangan.

Kalit so‘zlar*:* jamoat xavfsizligi, ommaviy tadbirlar, ichki ishlar organlari, xalqaro tajriba, profilaktika, huquqiy tartibot, fuqarolik hamkorligi.

Ommaviy tadbirlarda jamoat xavfsizligini ta’minlash masalasi bugungi kunda jahon miqyosida strategik ahamiyat kasb etmoqda. Turli davlatlar o‘z milliy xavfsizlik konsepsiyalarida ommaviy yig‘ilishlar, madaniy, sport, siyosiy va diniy tadbirlar xavfsizligini ta’minlashga alohida e’tibor qaratishmoqda. Bu jarayonda ichki ishlar organlari yoki ularning funksiyalarini bajaruvchi boshqa huquqni muhofaza qiluvchi tuzilmalar yetakchi rol o‘ynaydi. Xususan, AQSH, Germaniya, Buyuk Britaniya, Yaponiya, Koreya Respublikasi, Singapur, Fransiya va Rossiya Federatsiyasi kabi davlatlar tajribasi alohida ahamiyatga egadir.

AQSHda ommaviy tadbirlarda jamoat xavfsizligini ta’minlash yuzasidan yuqori darajadagi muvofiqlashtirilgan tizim shakllangan. Bu jarayonda asosiy subyektlar sifatida mahalliy politsiya, Department of Homeland Security (DHS), Federal Emergency Management Agency (FEMA), shuningdek, AQSH Markaziy razvedka boshqarmasi (CIA) va boshqa maxsus xizmatlar ishtirok etadi. Ular har bir yirik ommaviy tadbir oldidan taktik va strategik rejalarni ishlab chiqishadi, xavf tahlili o‘tkaziladi va real-time monitoring tizimlari faollashtiriladi.

Xususan, “Urban Shield”[1] – bu San-Fransisko shahrida amalga oshiriladigan yillik simulyatsiyali mashg‘ulot bo‘lib, u politsiya, qutqaruv xizmati, tez yordam va favqulodda xizmatlarining hamkorlikdagi tayyorgarligini baholashga qaratilgan (City and County of San Francisco, Office of Emergency Management, 2022). “Mass Gathering Public Health Emergency Planning Guide” (CDC, 2014) esa ommaviy tadbirlarda sog‘liqni saqlash xavflariga qarshi tayyorgarlik ko‘rishda asosiy me’yoriy hujjat sifatida xizmat qiladi.

AQSH amaliyotida tadbirga tayyorgarlik ko‘rish jarayonida “Incident Command System” (ICS) doirasida vazifalar taqsimlanadi va “National Incident Management System” (NIMS) asosida fuqarolar, tashkilotlar va hukumatlar o‘rtasidagi hamkorlik ta’minlanadi. Bu model O‘zbekistondagi amaldagi boshqaruv tizimiga nisbatan yanada aniq vazifalashtirilgan va markazlashtirilgan harakatni ta’minlaydi.

Shu bilan birga, AQSHda ommaviy tadbirlarda favqulodda vaziyatlarga javob qaytarish uchun “Fusion Centers” — ya’ni idoralararo ma’lumot almashinuv markazlari faoliyat yuritadi. Ular milliy va mahalliy darajada tahdidlar haqida axborotni yig‘ish, tahlil qilish va tarqatish bilan shug‘ullanadi[2].

Qiyosiy tahlil nuqtayi nazaridan qaralganda, O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi ham ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlashda yetakchi organ hisoblanadi. Biroq, AQSH amaliyotidan farqli o‘laroq, O‘zbekistonda milliy va mahalliy darajadagi munosabatlarni muvofiqlashtirish hamda ma’lumot almashishda yagona real vaqtli axborot tizimi to‘liq joriy etilmagan. Shu bois, AQSHdagi “Fusion Center” kabi markazlashgan ma’lumot almashish platformasini O‘zbekiston amaliyotiga joriy etish mumkin.

Shuningdek, AQSH tajribasidagi yana bir ijobiy jihat – bu simulyatsiyali mashg‘ulotlarni doimiy o‘tkazish tizimi. Mazkur usul O‘zbekistonda ham ommaviy tadbirlarga tayyorgarlik jarayonida muntazam ravishda joriy etilishi maqsadga muvofiq.

AQSH tajribasidagi simulyatsiyali mashg‘ulotlarni doimiy o‘tkazish tizimini O‘zbekistonda ham ommaviy tadbirlarga tayyorgarlik jarayonida muntazam ravishda joriy etilishi maqsadga muvofiq.

O‘zbekiston uchun “Urban Shield” modeli asosida quyidagi konseptual taklifni ilgari surishimiz mumkin:

- “O‘zShield” nomi ostida har yili umumrespublika simulyatsiyali mashg‘ulotlar dasturini joriy etish;

- IIV, FVV, Milliy gvardiya, tez yordam, sanitariya xizmati, mahalliy hokimiyat va OAV ishtirokidagi o‘zaro hamkorlikni real ssenariylarda sinash;

- 48 soatlik mashg‘ulot davomida real-time axborot almashinuv, dispetcherlash, evakuatsiya va tahdidlarga javobni modellashtirish;

- ishtirokchilar faoliyatini maxsus ball tizimi asosida baholash va yillik hisobotlar tayyorlash;

- “Urban Shield” tajribasidagi kabi ommaviy axborot va aholi o‘rtasidagi jamoatchilik muloqotini ta’minlash.

Darhaqiqat, AQSHdagi federal va mahalliy organlar o‘rtasidagi hamkorlik, maxsus huquqiy va metodik hujjatlar, axborot tizimlari va taktik mashg‘ulotlarga asoslangan yondashuv – O‘zbekiston Ichki ishlar organlari uchun ilg‘or tajriba sifatida

xizmat qilishi mumkin. Buning uchun, “National Incident Management System”ga o‘xshash milliy standart joriy etish, “Fusion Center” modelini yaratish, har yillik yirik mashg‘ulotlarni joriy etish, jamoatchilik ishtirokini ta’minlovchi ommaviy axborot kampaniyalarini amalga oshirish tavsiya etiladi.

Germaniyada ommaviy tadbirlar xavfsizligini ta’minlash sohasida mustahkam huquqiy va tashkiliy asos yaratilgan. Bu jarayonda “Versammlungsgesetz” – Yig‘ilishlar to‘g‘risidagi qonun[3] asosiy rol o‘ynaydi. U mitinglar, namoyishlar, ko‘cha yurishlari kabi ommaviy tadbirlarni o‘tkazish tartibini belgilaydi, shuningdek, ishtirokchi subyektlarning majburiyatlari va javobgarligini aniq qonuniy asosda tartibga soladi.

Germaniyadagi muhim jihatlardan biri – har qanday ommaviy tadbir oldidan institutsional simulyatsiya mashg‘ulotlari o‘tkazilishi hisoblanadi. Bundesliga futbol o‘yinlari, bayramlar, namoyishlar kabi yirik tadbirlar oldidan Polizei (politsiya), Feuerwehr (yong‘in xizmati), Rettungsdienst (tez tibbiy yordam) va sanitar organlar ishtirokida maxsus simulyatsiyalar amalga oshiriladi. Bu mashg‘ulotlar “Kompetenzzentrum Öffentliche Sicherheit” — Jamoat xavfsizligi kompetensiya markazi[4] tomonidan rejalashtiriladi va muvofiqlashtiriladi.

“Kompetenzzentrum Öffentliche Sicherheit”ning vazifalari qatorida: xavf tahlili va ssenariylar ishlab chiqish; taktik-kordinatsion rejalar tuzish; favqulodda vaziyatlar boshqaruvini sinovdan o‘tkazish; idoralararo ma’lumot almashish platformalarini ishlab chiqish; ishtirokchi organlar o‘rtasidagi muvofiqlashuvni ta’minlash mavjud.

Germaniyadagi muhim hujjatlardan biri - “Handbuch für Veranstaltungen mit besonderen Sicherheitsanforderungen” (2022)[5], ya’ni yuqori xavfli tadbirlarni tashkil etish bo‘yicha qo‘llanma bo‘lib, u Bavariya politsiyasi tomonidan ishlab chiqilgan. Bu hujjatda ommaviy tadbirlarga tayyorgarlik jarayonining har bir bosqichi — xabar berish, ssenariy tahlili, kuch va vositalarni joylashtirish, evakuatsiya rejasi, aholi va OAV bilan ishlash kabi aspektlar to‘liq yoritilgan.

O‘zbekistonda ham Vazirlar Mahkamasining 2024 yil 12 sentyabrdagi 569-sonli qarori[6] orqali ommaviy tadbirlarda ishtirok etuvchi tuzilmalarning vazifalari belgilab berilgan. Ammo, Germaniyadagi kabi aniq taktik-kordinatsion rejalar, har bir tadbirga individual yondashuv va hatto maxsus kompetensiya markazi hali tashkil etilmagan. Germaniyada barcha tuzilmalar o‘rtasida real-time ma’lumot almashish, favqulodda vaziyat ssenariylari asosida harakat algoritmlarini sinovdan o‘tkazish, davlat va mahalliy hokimiyat darajasida muvofiqlashtirilgan platformada ishlash tizimlashgan holda amalga oshiriladi.

O‘zbekistonda Germaniya tajribasi asosida quyidagilarni joriy etish ijobiy natija beradi. Xususan:

- “Kompetenzzentrum”ga o‘xshash Jamoat xavfsizligi taktik-tahlil markazini tashkil etish;

- har bir yirik tadbir oldidan Polizei va Feuerwehr kabi tuzilmalarning ishtirokidagi simulyatsiyali mashg‘ulotlarni joriy etish;

- “Handbuch für Veranstaltungen”-ga o‘xshash milliy qo‘llanma ishlab chiqish va uni ommaviy tadbirlarni tashkil etishda asosiy hujjat sifatida tasdiqlash;

- simulyatsiya va tahlil asosida har bir ommaviy tadbir uchun maxsus taktik-kordinatsion reja tuzish;

- respublika va hududiy miqyosda ma’lumot almashish platformasini yaratish.

Shu asosda xulosa qilish mumkinki, Germaniya tajribasi yuqori darajadagi huquqiy aniqlik, institutsional hamkorlik va ssenariyga asoslangan simulyatsiya orqali ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlashda kompleks yondashuvni amalga oshiradi. Bu tajriba O‘zbekistondagi ichki ishlar organlari faoliyatini yanada modernizatsiya qilish uchun qimmatli ilg‘or yechimlar taqdim etadi.

Buyuk Britaniyada jamoat xavfsizligini ta’minlashda “community policing” – ya’ni jamoatchilik bilan hamkorlikdagi politsiya faoliyati alohida o‘rin tutadi. Bu modelga ko‘ra, politsiya faqat huquqbuzarliklarga javob beruvchi emas, balki jamoat bilan doimiy muloqotda bo‘luvchi va fuqarolar ishonchini qozonadigan subyekt sifatida qaraladi.

Ommaviy tadbirlar jarayonida Buyuk Britaniyada “Gold-Silver-Bronze Command Structure” (GSB)[7][1] — uch bosqichli boshqaruv tizimi keng qo‘llaniladi. Ushbu tizimda “Gold Commander” strategik qarorlarni qabul qiladi, “Silver Commander” taktik boshqaruvni amalga oshiradi, “Bronze Commander” esa muayyan vazifalarni joylarda bajaradi.

Buyuk Britaniyaning asosiy normativ hujjatlaridan biri “Public Order Act 1986”[8] bo‘lib, u ommaviy tadbirlardagi politsiyaning harakatlarini tartibga soladi, namoyishlarni tashkil etish shartlari, javobgarlik va jamoat xavfsizligini ta’minlash mexanizmlarini belgilaydi.

“Community policing” modelega ko‘ra, ommaviy tadbirlar paytida jamoat bilan doimiy axborot almashinuvi ta’minlanadi. Politsiya xodimlari fuqarolar bilan muloqot qilish, tushuntirish, ishonch uyushtirish orqali konfliktlarni oldini oladi. Masalan, “London Metropolitan Police” tomonidan tashkil etilgan “Neighbourhood Policing Teams” har bir tadbir oldidan mahalliy jamoa bilan uchrashuvlar o‘tkazib, xavotirlar, takliflar va ehtiyojlarni o‘rganishadi[9].

Buyuk Britaniyada ommaviy tadbirlarga tayyorgarlik jarayonida mahalliy hokimiyat, NHS (sog‘liqni saqlash xizmati), London Ambulance Service, Fire Brigade,

[1] National Police Chiefs’ Council (NPCC), UK – Incident Command System Guidance for Major Events, 2020.

jamoatchilik tuzilmalari va OAV bilan hamkorlik muhim o‘rin tutadi. Har bir tadbir uchun “Event Safety Management Plan” ishlab chiqiladi. Bu rejada evakuatsiya yo‘nalishlari, patrul va nazorat nuqtalari, sanitariya xizmatlari, hamda favqulodda vaziyatlardagi javob choralari o‘z aksini topadi.

O‘zbekistonda ichki ishlar organlari asosan jamoat tartibini saqlash va favqulodda vaziyatlarga javob berishga yo‘naltirilgan. Biroq “community policing” modelidagi kabi jamoa bilan ishonchli aloqa, fuqarolarning xavfsizlik jarayonidagi faol ishtiroki hozircha keng tarqalmagan. “Gold-Silver-Bronze” kabi iyerarxik va funksional rahbarlik modeli ham aniq tartibga solinmagan.

Buyuk Britaniyaning ilg‘or tajribasini O‘zbekiston tajribasiga tatbiq etish bo‘yicha quyidagilarni keltirib o‘tishimiz mumkin:

- “Community Policing” konsepsiyasini normativ-huquqiy asosda qabul qilish va IIV tizimida maxsus bo‘lim tashkil etish;

- “Gold-Silver-Bronze” modeli asosida ommaviy tadbirlarda strategik, taktik va operativ rahbarlikni ajratish;

- har bir yirik tadbir oldidan jamoat bilan uchrashuvlar, jamoatchilik kengashlari orqali muloqot va tahlil o‘tkazish;

- “Event Safety Plan”ga o‘xshash hujjatlarni ishlab chiqishni majburiy tartibda joriy etish;

- jamoatchilik bilan ishlash bo‘yicha politsiya xodimlari uchun alohida malaka oshirish dasturlarini yo‘lga qo‘yish.

Qisqacha aytganda, Buyuk Britaniyadagi ommaviy tadbirlarni boshqarish tizimidagi funksional iyerarxiya, jamoat bilan muloqotni institutsional darajada tashkil qilish, axborot aylanmasi va javobgarlik mexanizmlari – O‘zbekiston amaliyotiga moslashtirilsa, ichki ishlar organlari faoliyatida sifat jihatidan o‘sishga erishish mumkin.

Yaponiya va Janubiy Koreya Respublikasida ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlash tizimi yuqori darajada texnologiyalashgan va tahlilga asoslangan mexanizmlarga suyangan. Ikki mamlakat ham xavf tahlillari va ssenariyli mashg‘ulotlar orqali idoralararo muvofiqlashuvga erishgan.

Yaponiyada ommaviy tadbirlarga tayyorgarlik "Disaster Preparedness Drill" va "Comprehensive Crisis Management System" (CCMS)[10] orqali amalga oshiriladi. Har bir tadbir oldidan ehtimoliy xavflarni baholash, ehtiyot choralarini belgilovchi simulyatsiyali mashg‘ulotlar tashkil etiladi. Bu jarayon Yaponiyaning Milliy Polis Agentligi (NPA), Favqulodda holatlar agentligi va mahalliy hokimiyatlar tomonidan muvofiqlashtiriladi.

“Multi-Hazard Risk Assessment” — ya’ni ko‘p sohali xavf tahlili usuli bo‘yicha tabiiy ofatlar, texnogen insidentlar, jinoyat xavfi, epidemiyalar va terrorchilik

tahdidlari bir vaqtda tahlil qilinadi. Ushbu tahlillarning natijalari “Emergency Operations Centre”ga uzatiladi va u yerda real vaqtda boshqaruv mexanizmi ishga tushadi.

Janubiy Koreya Respublikasida “Smart Surveillance System” va “Safe Korea” platformalari[11] orqali ommaviy tadbirlarni monitoring qilish yo‘lga qo‘yilgan. Real-time ma’lumotlar, CCTV orqali kuzatuv, yuz tanish tizimlari va axborot tahlili orqali xavflar oldindan baholanadi.

Favqulodda vaziyatlarda Korea National Disaster Management Institute (NDMI) tomonidan “Integrated Disaster and Safety Management Information System” (IDIS) orqali barcha idoralar faoliyati muvofiqlashtiriladi. Bu tizim politsiya, tibbiyot, yong‘in xizmati va sanitariya organlarini yagona raqamli platformada birlashtiradi.

O‘zbekistonda ommaviy tadbirlarga tayyorgarlik ko‘rish jarayoni asosan ichki ishlar organlari, Favqulodda vaziyatlar xizmati va sog‘liqni saqlash organlari o‘rtasidagi an’anaviy hamkorlikka asoslangan. Biroq, xavf tahlilida ko‘p omilli yondashuv, real-time ma’lumotlar platformalari va avtomatlashtirilgan dispetcherlash sistemalari hali yetarli darajada rivojlanmagan.

Yaponiya va Janubiy Koreya Respublikasi davlatlarining O‘zbekiston tajribasi uchun singdirish mumkin bo‘lgan ijobiy jihatlari:

- "Multi-Hazard Risk Assessment" usulini huquqiy asos bilan joriy etish va har bir ommaviy tadbir oldidan kompleks xavf tahlilini majburiylashtirish;

- Yaponiya va Koreyadagi kabi "Disaster Preparedness Simulation" treninglarini har yili muntazam o‘tkazish;

- “Smart Surveillance” texnologiyalaridan foydalanish — masalan, yuz tanish, real-time monitoring, axborot vizualizatsiya;

- favqulodda vaziyatlar boshqaruvi uchun yagona “Crisis Command and Coordination Platform” yaratish, u orqali barcha idoralar integratsiya qilinishini ta’minlash;

- tadbirlarda foydalaniladigan ssenariy asosidagi harakat rejalarini ishlab chiqish va ularni muntazam yangilab borish.

Yaponiya va Koreya Respublikasidagi ommaviy tadbirlar xavfsizligiga oid tizimlar O‘zbekiston uchun muhim metodologik va texnologik manba bo‘lishi mumkin. Ulardan o‘zlashtirilishi mumkin bo‘lgan asosiy yo‘nalishlar – bu ko‘p omilli xavf tahlili, simulyatsiya asosidagi mashg‘ulotlar, raqamli integratsiya va real-time boshqaruv platformalaridir. Ushbu usullar orqali ichki ishlar organlarining muvofiqlashtiruvchi faoliyatini sifat jihatdan yangi bosqichga ko‘tarish mumkin.

Singapur va Fransiya jamoat xavfsizligini ta’minlashda zamonaviy texnologiyalar, institutsional integratsiya va favqulodda holatlarga tayyorgarlik sohasida ilg‘or tajribaga ega. Ushbu mamlakatlar xavf tahlili, favqulodda vaziyatlar

rejalashtirish va idoralararo hamkorlik borasida O‘zbekiston uchun muhim ilmiy-amaliy saboq bo‘ladi.

Singapurda ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlashda Singapore Police Force (SPF), Civil Defence Force va Emergency Medical Services tuzilmalari integratsiyalashgan holda faoliyat yuritadi. Ular Singapore Ministry of Home Affairs (MHA) (Singapur Respublikasi Ichki ishlar vazirligi) boshchiligida harakat qiladi. Tadbirlarga tayyorgarlik jarayonida "Public Warning System" orqali tezkor axborot tarqatish, evakuatsiya ssenariylarini ishlab chiqish va real-time monitoring tizimlaridan foydalanish ta’minlanadi.

Maxsus "Total Defence" konsepsiyasi[12] doirasida nafaqat huquqni muhofaza qiluvchi organlar, balki sog‘liqni saqlash, transport, kommunal xizmatlar, axborot texnologiyalari kabi sektorlar ham jalb qilinadi. Idoralar o‘rtasida "Joint Operations Centre" orqali ma’lumot almashuvi va harakat muvofiqlashuvi ta’minlanadi. Singapurda avtomatlashtirilgan axborot tizimlari, yuz tanish kameralari, dronlar orqali monitoring va favqulodda xabar berish tizimlari jamoat xavfsizligida muhim rol o‘ynaydi.

O‘zbekiston amaliyotida ushbu modelning quyidagi jihatlarini joriy etish maqsadga muvofiq: milliy “Jamoaviy mudofaa” konsepsiyasini ishlab chiqish; barcha davlat organlari ishtirokidagi ssenariyli mashg‘ulotlar; psixologik va axborot xavfsizligi bo‘yicha aholi o‘rtasida tushuntirish ishlari; axborot platformalari orqali jamoaviy tayyorgarlikni oshirish.

Fransiyada ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlash asosan Gendarmerie Nationale va Police Nationale organlari tomonidan amalga oshiriladi. Ularga hududiy ma’muriyatlar, favqulodda vaziyatlar xizmati (Sécurité Civile) va sog‘liqni saqlash tuzilmalari qo‘shiladi. Fransiya ichki ishlar vazirligi tomonidan maxsus “Plan ORSEC” (Organisation de la Réponse de Sécurité Civile)[13] rejasi qabul qilingan bo‘lib, u har bir tadbir uchun evakuatsiya, terrorga qarshi kurash, favqulodda holat va jamoat bilan ishlash ssenariylarini qamrab oladi.

Fransiyaning mazkur ijobiy tajribasini milliy amaliyotga singdirish quyidagilarga zamin yaratadi:

-qonunlashtirilgan ssenariy rejalari: O‘zbekistonda ommaviy tadbirlarda qo‘llanadigan harakat ssenariylari “Plan ORSEC”ga o‘xshash holda qonuniy asosda belgilanishi kerak. Bu barcha idoralar mas’uliyatini ravshanlashtiradi;

hududiy shtablarni institutsionallashtirish: har bir viloyat va shahar darajasida avtomatik faoliyat boshlaydigan shtablar tashkil qilish (“krizis markazi” modeli);

idoralararo favqulodda muvofiqlashtirish mexanizmi: tadbir paytida IIV, Sog‘liqni saqlash, FVV, sanitariya organlari, Mudofaa va Milliy gvardiya o‘rtasida taktik hamkorlikni ta’minlovchi yagona reja.

jamoat bilan ishlash strategiyasi: PWS (Public Warning System) kabi tezkor axborot platformalar orqali aholini xabardor qilish tizimini ORSEC asosida muvofiqlashtirish.

Fransiyada xavfsizlikni ta’minlashda jamoatchilik ishtirokini ham nazarda tutuvchi “Vigipirate” terrorizmga qarshi davlat dasturi amal qiladi. Bu tizim xavf darajasiga qarab chora-tadbirlarni avtomatik boshqarishni nazarda tutadi. Shuningdek, Fransiya politsiyasi tadbirlar oldidan ko‘p ssenariyli simulyatsiyali mashg‘ulotlar o‘tkazadi.

O‘zbekistonda ham ichki ishlar organlari, FVV, Sog‘liqni saqlash tizimi, Milliy gvardiya va mahalliy hokimiyatlar jamoat xavfsizligi uchun mas’ul. Biroq, Singapur va Fransiyadagi kabi institutsional integratsiya, raqamli tizimlar va avtomatik idoralash mexanizmlari hali yetarli darajada emas. Shu bois, ushbu mamlakatlardan olinishi mumkin bo‘lgan ijobiy jihatlar quyidagilar:

-Singapur tajribasi asosida "Public Warning System" kabi avtomatik xabar tizimlarini joriy etish;

-“Joint Operations Centre” tipida yagona favqulodda holat boshqaruv markazini shakllantirish;

-Total Defence konsepsiyasi asosida ko‘p idorali tayyorgarlik mashg‘ulotlarini yo‘lga qo‘yish.

-Fransiya tajribasi asosida “Plan ORSEC”ga o‘xshash holda tadbirlarga doir harakatlar ssenariylarini qonuniy asosda tartibga solish;

-“Vigipirate” modeliga mos xavf darajalari tizimini joriy etish;

-ichki ishlar organlari, Milliy gvardiya, FVV, sanitariya va tibbiy xizmatlar o‘rtasida simulyatsiyali mashg‘ulotlarni muntazam o‘tkazish.

Singapur va Fransiyadagi tizimlardan olinishi mumkin bo‘lgan asosiy saboq – bu ko‘p darajali xavf tahlili, avtomatik xabar tizimlari, institutsional hamkorlik markazlari va jamoatchilikni faol jalb qilishdir. O‘zbekistonda ichki ishlar organlari uchun bunday yondashuvlar strategik va texnologik imkoniyatlarni kengaytirish bilan bir qatorda, samarali va ishonchli xavfsizlik muhitini shakllantirishga xizmat qiladi.

Rossiya Federatsiyasi ommaviy tadbirlarda jamoat xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha kompleks va bosqichma-bosqich tashkil etilgan tizimga ega. Bu sohadagi boshqaruv, huquqiy asoslar va idoralararo hamkorlik “O massovix meropriyatiyax” turkumiga kiruvchi turli hujjatlar, IIV va Rosgvardiya normativlariga asoslangan. Jumladan, IIV va Rosgvardiya (Rosgvardiya – Federal gvardiya xizmati) tadbirlar xavfsizligi uchun mas’ul asosiy organlar hisoblanadi. Ular mahalliy hokimiyatlar, Favqulodda vaziyatlar vazirligi (MCHS), sanitariya va tibbiy xizmatlar bilan uzviy hamkorlikda ish olib borishadi.

Rossiyada har qanday yirik tadbir oldidan “operativ ssenariy” ishlab chiqiladi va u asosida simulyatsiyali mashg‘ulotlar o‘tkaziladi. Masalan, futbol chempionatlari, saylovlar, ommaviy madaniy yoki siyosiy yig‘ilishlar oldidan politsiya, Rosgvardiya, FVM va tibbiy xizmatlar ishtirokida amaliy treninglar tashkil etiladi. Bu jarayonda “yedinoy dejurno-dispetcherskoy slujbi” – ya’ni yagona navbatchi-dispetcher xizmati orqali ma’lumotlar almashinuvi ta’minlanadi.

Qonunchilik nuqtayi nazardan, Rossiyada “O politsii” federal qonuni, “O grajdanskoy oborone” hamda “O chrezvichaynix situatsiyax” to‘g‘risidagi qonunlar[14] favqulodda vaziyatlarda davlat organlari va mahalliy tuzilmalarning vazifalarini belgilab beradi. Bundan tashqari, IIV buyruqlari asosida tadbirlarga oid maxsus taktik rejalar ishlab chiqiladi va har bir hududiy organ ushbu rejalarga muvofiq harakat qiladi.

O‘zbekiston Respublikasida ham ichki ishlar organlari, Milliy gvardiya, FVV, Sog‘liqni saqlash, sanitariya xizmatlari va mahalliy hokimiyatlar jamoat xavfsizligini ta’minlash uchun mas’ul. Biroq Rossiyadagi tajribadagi kabi simulyatsiyali mashg‘ulotlar, ssenariy asosidagi tayyorgarlik va yagona axborot dispetcherlik tizimi joriy etish hanuzcha to‘liq amaliyotga aylanmagan.

Turkiya Respublikasida ommaviy tadbirlarda jamoat xavfsizligini ta’minlash masalasi Ichki ishlar vazirligi, Turkiya Milliy politsiyasi (Emniyet Genel Müdürlüğü), Jandarmeriya General qo‘mondonligi (Jandarma Genel Komutanlığı), Favqulodda vaziyatlar boshqaruvi agentligi (AFAD) va mahalliy hokimiyatlar o‘rtasida markazlashgan va hamkorlik asosida amalga oshiriladi.

AFAD[15] Turkiyada favqulodda vaziyatlarga tayyorgarlik va jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasidagi yetakchi organ bo‘lib, ommaviy tadbirlar uchun xavf tahlili, simulyatsiya mashg‘ulotlari va favqulodda reaksiya rejalarini ishlab chiqishda faol ishtirok etadi. AFAD «Bütünleşik Afet Yönetimi Sistemi» (Integratsiyalashgan favqulodda vaziyatlar boshqaruvi tizimi) orqali turli idoralar o‘rtasidagi hamkorlikni ta’minlaydi.

Jamoat xavfsizligini ta’minlash borasida Turkiyada “Risk Bazlı Güvenlik Planlaması” – xavfga asoslangan xavfsizlik rejalashtirish konsepsiyasi qo‘llaniladi. Bu model ommaviy tadbirlarning turi, joyi, ishtirokchilar soni va tahdid darajasini baholab, politsiya, jandarmeriya va tibbiy xizmatlar o‘rtasida harakatlarni muvofiqlashtirishni nazarda tutadi. Har bir tadbir uchun maxsus «Güvenlik Planı» (Xavfsizlik rejasi) tuziladi.

Turkiya politsiyasi tomonidan yirik tadbirlar davomida dronlar, intellektual videokuzatuv tizimlari va raqamli aloqa vositalari faol qo‘llaniladi. Tadbirlar oldidan «Hazırlık Tatbikatları» (Tayyorgarlik mashg‘ulotlari) o‘tkaziladi, bu esa tezkor javob berish qobiliyatini oshiradi. Shu bilan birga, mahalliy hokimiyat va fuqarolik jamiyati

institutlari bilan hamkorlikda aholiga yo‘naltirilgan ma’lumot kampaniyalari tashkil etiladi.

O‘zbekistonda ichki ishlar organlari, Milliy gvardiya va boshqa tuzilmalar ham ommaviy tadbirlar xavfsizligi uchun mas’ul. Biroq Turkiya tajribasidan kelib chiqib, quyidagi ijobiy jihatlarni milliy amaliyotga tatbiq etish mumkin:

- favqulodda holatlar va xavf tahlilini idoralararo muvofiqlashtirish maqsadida AFAD kabi markazlashgan tahlil va muvofiqlashtiruvchi agentlikni joriy etish.

- jandarmeriya, politsiya, tibbiyot va hokimiyat idoralari o‘rtasida axborot almashinuvini avtomatlashtirish uchun Integratsiyalashgan raqamli platforma yaratish.

- har bir tadbir uchun individual tahlil va xavfsizlik strategiyasini ishlab chiqish.

- real vaqtda monitoring va xavfli vaziyatlarni oldindan aniqlash uchun dron va smart kuzatuv texnologiyalarini keng joriy etish.

Xorijiy davlatlar tajribasi shundan dalolat beradiki, ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlash nafaqat huquqni muhofaza qilish, balki strategik rejalashtirish, texnologiya, jamoatchilik ishtirokini qamrab olgan ko‘p qirrali jarayondir. O‘zbekistonda ham ushbu modellardan xulosa chiqarib, milliy tizimni takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. San Francisco Urban Shield Program Reports, Office of Emergency Services. Homeland Security Exercise and Evaluation Program (HSEEP), DHS.gov. “Urban Shield After Action Report” (2018), Alameda County Sheriff's Office.
2. https://www.congress.gov/congressional-report/116th-congress/house-report/458/1.
3. BBl 2001 3621. Bundesgesetz über die Bundesversammlung (Parlamentsgesetz, ParlG) // https://www.fedlex.admin.ch/eli/fga/2001/640/de.
4. Bundesamt für Bevölkerungsschutz und Katastrophenhilfe, 2020.
5. https://shop.lexisnexis.at/sicherheit-fuer-versammlungsstaetten-und-veranstaltungen-978341505-9566.html.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 сентябрдаги 569-сонли “Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида”ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.09.2024 й., 09/24/569/0714-сон // https://www.lex.uz/docs/7102947.
7. National Police Chiefs’ Council (NPCC), UK – Incident Command System Guidance for Major Events, 2020.
8. https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1986/64.
9. Metropolitan Police Service, 2021.
10. Cabinet Office Japan, CCMS Overview Report, 2021.

11. Ministry of the Interior and Safety, Korea, 2021. Kim & Park, Korea Safety Policy Review, 2021.

12. Singapore Civil Defence Force Report, 2021.

13. Ministère de l'Intérieur, France, 2021.

14. Федеральный закон от 07.02.2011 N 3-ФЗ “О полиции”. Федеральный закон от 21.12.1994 N 68-ФЗ “О защите населения и территорий от чрезвычайных ситуаций” // https://ru.wikipedia.org/wiki.

15. https://www.afad.gov.tr.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Муҳамадов Улуғбек Умеджон ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти мустақил изланувчиси

Аннотация: *Мазкур параграфда ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини ошириш масалалари таҳлил қилинади. Ходимларнинг фавқулодда ва экстремал ҳолатларда хизмат вазифаларини самарали бажариши учун нafaqat ҳуқуқий билим ва амалий кўникмалар, балки етарли жисмоний чидамлилик ҳам зарур экани илмий асосда ёритилади. Шу боисдан, Янги Ўзбекистон шароитида ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Сўнгги йилларда мазкур соҳада қатор ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда ҳамда халқаро тажриба асосида инновацион ёндашувлар жорий этилмоқда.*

Калит сўзлар: *жисмоний тайёргарлик, ички ишлар органлари, давлат сиёсати, ҳуқуқий ислоҳотлар, жамоат хавфсизлиги, инновация.*

Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлик даражаси ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва хизмат вазифаларини самарали бажаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Профессионал ички ишлар органлари ходими турли фавқулодда ва экстремал ҳолатларда ўз вазифасини бажариши учун нафақат ҳуқуқий билим ва амалий кўникмаларга, балки етарли жисмоний чидамлиликка ҳам эга бўлиши зарур[1]. Шу боисдан, Янги Ўзбекистонда ички ишлар органлари

[1] ИИВ Академиясида “Ички ишлар органларида кадрларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини таъминлашнинг бугунги ҳолати: муаммо ва ечимлар” мавзуида республика илмий-амалий конференция // https://akadmvd.uz.

ходимларининг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Айниқса, сўнгги йилларда мазкур йўналишда ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва халқаро тажриба асосида инновацион ёндашувлар жорий этилмоқда.

Шунингдек, мазкур жараённинг ҳуқуқий-меъёрий асоси сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси”*[1]да аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини ошириш давлат сиёсатининг муҳим мақсадларидан бири сифатида белгиланган. Хусусан, мазкур стратегиянинг 67-мақсадида 2026 йилга қадар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчи фуқаролар улушини 33% га етказиш вазифаси қўйилган[2]. Ушбу стратегик мақсад доирасида давлат хизматчилари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини оммавий спорт тадбирларига жалб этиш, улар ўртасида мусобақалар ташкил этиш назарда тутилган[3].

Мазкур вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш учун қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2023 йил 20 январдаги ПҚ–10-сон Президент қарорида ички ишлар органларида жисмоний тайёргарликни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланган[4]. Унга мувофиқ, ИИО ходимларининг жисмоний тайёргарлигини узлуксиз таъминлаш тизимини яратиш, уни баҳолашнинг замонавий мезонларини жорий этиш ҳамда махсус “Жисмоний ва жанговар тайёргарлик концепцияси”ни тасдиқлаш вазифалари қўйилган[5]. Шунингдек, мазкур қарорга биноан, вазирлик таркибида жисмоний тайёргарлик бўйича масъул тузилмалар ҳамда спорт секциялари ташкил этилиши кўзда тутилган[6].

Демак, давлат томонидан қабул қилинган юқори даражадаги дастурий ҳужжатлар ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлик

---

[1] *Мирзиёев Ш.М.* “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/

[2] “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 67-мақсад *(жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг сонини ошириш)* биринчи хат боши // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/

[3] *Мирзиёев Ш.М.* “Жамоавий спорт турларини ривожлантириш ва иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-421-сон Қарори // Жамоавий спорт турлари билан мунтазам шуғулланишни ташкил қилиш ҳамда ушбу спорт турларини янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 12- банди // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/

[4] *Мирзиёев Ш.М.* “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарори // https://lex.uz/uz/docs/6364837

[5] *Ўша манбаа* // 8-банди “манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ички ишлар органларида жисмоний ва жанговар тайёргарликни ташкил этиш концепциясини тасдиқласин”.

[6] *Ўша манбаа* // 8-банди 4- хатбоши “барча даражадаги ҳудудий, соҳавий ва тармоқ ички ишлар органлари ходимларининг жанговар шайлик ва жисмоний тайёргарлик даражасини оширишни назарда тутиб, спортнинг якка кураш турлари (қўл жанги, самбо ва кураш) бўйича ҳудудий терма жамоалар ва спорт секцияларини ташкил этиш чораларини кўрсин”.

фаолиятини қонунчилик асосида қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилгани кўринади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда ИИО ходимларининг хизмат самарадорлигини ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий ва ташкилий замин яратилганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон қонунчилигида ички ишлар органлари ходимлари учун жисмоний муносиблик ва тайёргарликка доир аниқ талаб ва меъёрлар белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Аввало, *"Ички ишлар органлари тўғрисида"*ги Қонунда хизматга қабул қилиш шартлари сифатида номзоднинг соғлиғи ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича хизмат вазифаларини бажаришга яроқли бўлиши талаб этилади[1]. Яъни, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар ички ишлар органларига қабул қилинишида улар ўз шахсий сифатлари билан бирга жисмонан бақувват, соғлом бўлиши кераклиги қонун даражасида мустаҳкамланган. Шунингдек, ушбу қонунда хизмат ўташга тўсқинлик қилувчи касалликлар ва жисмоний нуқсонларнинг рўйхати хукумат томонидан белгиланиши қайд этилган бўлиб, бу номзодлар танловида тиббий ва жисмоний кўрикнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди[2].

Шунингдек, ИИОда хизмат ўташ тартиби тўғрисидаги Низомга[3] *(29.11.2017 йил ПҚ–3413-сон қарорга 1-илова)* мувофиқ, ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш доирасида жисмоний тайёргарлик машғулотлари тизимли равишда ташкил этилиши лозимлиги белгиланган. Низомнинг *73-бандига* биноан, ички ишлар органларида ходимларнинг хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш учун мунтазам машғулотлар ўтказилиши шарт, шу жумладан ҳар бир ходим ҳар йиллик аттестация доирасида жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш шароитида ҳаракатланиш қобилияти бўйича текширувдан ўтади[4]. Ушбу меъёр ходимнинг жисмоний тайёргарлик ҳолати йил сайин баҳолаб борилишини талаб қилади. Низомда қайд этилишича, ходимларнинг жисмоний тайёргарлик машғулотларини ўтказиш тартиби ва шартлари ички ишлар вазири томонидан белгиланади, яъни идора ичидаги норматив ҳужжатлар орқали спорт машғулотлари режими ва меъёрлари тартибга солинади.

Шундай тартиблар натижасида, амалда ИИО шахсий таркиби ҳар ҳафта белгиланган соатларда жисмоний тарбия машғулотларида иштирок этади, хизмат

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонунини 30-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/

[2] *Ўша манбаа:* "Ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилиш" деб номланган 26-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/

[3] *Мирзиёев Ш.М.* "Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ 3413-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/

[4] *Ўша манбаа:* "Ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш" деб номланган 5-боби // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/

давомида белгиланган вақтларда умумий жисмоний тайёргарликни сақлаш бўйича топшириқларни бажаради. *Масалан*, ҳозирги амалий тартибда патруль-пост хизмати ходимлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари каби тоифалар хизмат давомида мунтазам равишда нормалар бўйича югуриш, турникда тортилиш, белни ёки қўлни чизғиқда кўтариш каби машқларни мезонлар асосида топширишади. Улар йил давомида белгиланган меъёрий спорт синовларидан ўтиб бориши белгиланган.

Олий таълим ва малака ошириш тизимида ҳам ИИВ Академияси ва бошқа таълим муассасалари ўқув режаларида жисмоний тайёргарлик алоҳида фан ва машғулотлар сифатида ўқитилади. Қолаверса, *"Хизматни ўташ тартиби тўғрисида"*ги Низомга мувофиқ, ички ишлар органларида хизмат олиб бораётган ходимлар махсус тайёргарликдан ташқари, умумжисмоний тайёргарликни ҳам доимий равишда такомиллаштириб бориши хизмат интизоми талаби сифатида белгиланган[1]. Юқоридагилар миллий қонунчиликда ИИО ходимларининг жисмоний форму ва маҳоратини сақлаш борасида етарлича ҳуқуқий негиз яратилганини кўрсатади.

Шунингдек, *бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини жисмоний тайёрлаш бўйича жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики*, ички ишлар органлари ходимлари ўз хизмат вазифаларини самарали бажариши учун уларни ***тактик спортчи*** сифатида қараш тамойили шаклланиб бормоқда[2]. Яъни, ички ишлар органлари профессионал спортчилар сингари ўз жисмоний имкониятларини юксак даражада сақлаши ва айни пайтда хизмат вазифаларига мос равишда тарбиялаши лозим. *Масалан,* Америка Қўшма Штатларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари узоқ соатлар давомида автоучасткада ўтиргач, кутилмаганда оғир амуниция (25–30 кг жиҳоз) билан 30–100 ярд масофага қочқинни таъқиб қилиши, унга куч ишлатиб дастлабки тартиб ўрнатиши ва шу билан бирга радиостанция орқали ахборот беришга қодир бўлиши кутилмоқда[3]. Бундай вазиятларда жисмоний тайёргарликнинг ҳаётий зарур экани аён: ходим нафас олишини назорат қилиши, кучини тўғри тақсимлаши ва ножўя ҳаракатларни маромида бажариши талаб этилади. Олимларнинг таъкидлашича, полиция ходимларини тайёрлашда инсон қобилиятлари ва функционал имкониятларига асосланган ёндашувни қўллаш самара беради, яъни ***"инсон фаолияти негизидаги тайёргарлик"*** *(human*

[1] *Ўша манбаа:* "Ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш" деб номланган 5-боб 73-банди // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси / https://lex.uz/

[2] James Nightingale, M.S. Focus on Training // Human Performance-Based Recommendations https: // leb.fbi.gov/-articles/focus/focus-on-training-human-performance-based-recom-mendations#:~:text=Traditionally%2C%20exercise%20physiologists-%20and%-20trainers,fine%20motor%20and%20communication%20skills

[3] Ўша манбаа: https://leb.fbi.gov/articles/focus

performance-based training) тамойилини жорий этиш зарур ҳисобланади[1]. Бу ёндашув полиция бўлинмаларида анъанавий *“режага кўра белгиланган машғулот ўташ”*нигина эмас, балки ходимларнинг касбий фаолиятида учрайдиган реал ҳолатларга максимал яқин тренажёр машқларини ўтказишни назарда тутади.

Жаҳон тажрибасида полиция академиялари ва тайёргарлик марказларида жисмоний тайёргарлик дастурлари йиллар давомида эволюцияланиб келган. *Масалан,* бир тадқиқотда 1990 йиллардан буён АҚШда бир полиция тайёргарлик марказида қўлланилган жисмоний машғулотлар турлари таҳлил қилинди[2]. Бу таҳлил натижасида маълум бўлдики, 1990–2000 йиллар давомида асосан ***классик калистеника (ўз оғирлигидаги гимнастик машқлар)*** устувор қўлланилган бўлса, 2000-йиллар бошидан 2008 йилгача **функционал фитнес** *(Functional Training – FT)* усуллари кенг жорий этилган, 2009 йилдан эса ҳозирги кунгача ***куч машқлари ва силлиқликни оширишга қаратилган режали бодибилдинг (Strength Training – ST)*** дастури асосий ўринни эгаллаган[3]. Бу тенденция шуни англатадики, полиция ходимларининг жисмоний тайёргарлик дастурлари ҳам замонавий спорт тенденцияларига мувофиқ янгиланиб боради: илгариги даврларда зўравонликка чидаш ва умумий жисмоний бақувватликка эътибор берилган бўлса, ҳозирги вақтда илмий асосланган куч машқлари, режали цикллар (периодизация) ва амалий фойда келтирувчи функционал тайёргарлик кўпроқ аҳамият касб этмоқда[4]. Зеро, мушак кучи ва қуввати полиция фаолиятидаги бир қатор вазифаларни бажариш учун бевосита зарур – масалан, тўсиқларни бузиб кириш, қурол уқларини кўтариш, жиноятчини тавбек қилиш кабиларда[5]. Шу билан бирга, узирақ вақт давомида юқори куч билан ишлай олиш *(кучли чидамлилик)* ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Хорижий давлатларнинг полиция тузилмалари тажрибасида жисмоний тайёргарликни махсус ***сценарийли машғулотлар*** орқали такомиллаштириш йўлга қўйилган. *Масалан,* АҚШ полиция академияларида кадетлар реал ҳолатларга яқин шароитларда турли сценарийли топшириқларни бажаришади – тақиқан, вақтингизик чекланган ҳолда қарор қабул қилишни талаб этувчи, стресс

[1] https://leb.fbi.gov/articles/focus/focus-on-training-human-performance-based-recommendations#:~:text=Modern%20Approach

[2] https://www.mdpi.com/2227-9032/11/2/261#:~:text=approaches%20in%20police%20-academies%20have,2%2C12

[3] Evolution of Physical Training in Police Academies: Comparing Fitness Variables // https://www.mdpi.com/

[4] *Teyhen, D.S.; Goffar, S.L.; Shaffer, S.W.; Kiesel, K.; Butler, R.J.; Tedaldi, A.-M.; Prye, J.C.; Rhon, D.I.; Plisky, P.J.* Incidence of Musculoskeletal Injury in U.S. Army Unit Types: A Prospective Cohort Study. *J. Orthop. Sports Phys. Ther.* 2018, *48*, 749–757.

[5] *Zagaria, P.* What Type of Fitness Training is Best for Law Enforcement? There is Nothing Routine about Police Work, so why Train our Bodies to Adapt to a Traditional Routine. Police1. 2007. Available online: https://www.police1.com/health-wellness/articles/what-type-of-fitness-training-is-best-for-law-enforcement-VmBYmL2sH8sVKUb4/ (accessed on 2 November 2022).

юзага келтирувчи машқлар орқали таълим олишади[1]. Бундай машқлар давомида ходимларда тезкор фикрлаш, эмоционал барқарорлик ва жисмоний юкламаларга чанқовни пасайтириш кўникмалари шаклланади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, агар тренировкада юзага келадиган стресс юкламаси хизмат давомидаги реал юкламага тенг бўлмаса, бундай тайёргарлик "чек-лист учун омбор"дек фойдасиз бўлиб қолади – яъни ходим учун ҳақиқий фойда бермайди[2]. Шу сабабдан, Европа ва Америка давлатларида полиция ходимлари машғулот даврида тайёргарлик жараёнини хизмат вазифалари даражасига максимал яқинлаштиришга ҳаракат қилишади.

Масалан, Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигида ҳам 2017 йилда қабул қилинган №450-сонли буйруқда жисмоний тайёргарликнинг мақсади *"ходимларни оператив-қидирув ва хизмат вазифаларини муваффақиятли бажаришга жисмонан тайёр ҳолга келтириш"* деб белгилаб қўйилган[3]. Унга мувофиқ, полицаларнинг жисмоний тайёргарлиги умумий (оммавий) ва хизмат-прокуратура (касбий қўлланма) йўналишларига бўлинади ва ҳар иккаласи бўйича махсус машқлар ҳамда назорат нормативлари жорий этилган. Шунингдек, Россия амалиётида ҳар ярим йилда ходимлар жисмоний тайёргарлик бўйича норматив топшириши мажбурий; улар орасида югуриш (3 км ёки 1 км тезликка боғлиқ ҳолда), турникда тартилиш, энди силлиқ узатиш каби машқлар бор. Бундан ташқари, қўл жанги ва махсус техника воситаларини қўллаш бўйича амалий синовлар ҳам ўтказилади. Ушбу ёндашув ходимларни доимий формада сақлашга, жисмоний ҳолатини уйғун ривожлантириб боришга имкон беради.

Полиция соҳасида амалга оширилган замонавий тадқиқотлар жисмоний тайёргарликни такомиллаштиришга илмий ёндашув зарурлигини таъкидлайди. *Масалан,* халқаро миқёсда полицияда жисмоний форма бўйича келгусидаги чақириқлар юзасидан чуқур таҳлил ўтказилган бир тадқиқотда, хизмат давомида жароҳатланиш хавфини камайтириш ва вазифаларни оптимал бажариш учун академия даврида ва ундан кейин амалий базавий тайёргарлик (Applied ёки *job-specific training*)ни кенг жорий этиш тавсия этилган[4]. Бунда, *масалан,* полиция ходимларига *аюлатлет (functional athlete)* концепцияси асосида машғулот бериш, яъни уларнинг жисмоний тайёргарлигини тўлиқ равишда касбий

---

[1] *Munjeet Singh, Irik Johnson, and Andreia Rauta*, *Human Performance: A New Training Paradigm* (McLean, VA: Booz Allen Hamilton, 2021), 6, *https://www.boozallen.com/insights-/human-performance-technology/what-is-human-performance.html.*

[2] *David McPeak,* "Frontline Fundamentals: Human Performance; What Is It and Why Should We Study It?" *Incident Prevention,* December 15, 2017 *// https://incident-prevention.com/blog/human-performance-what-is-it-and-why-should-we-study-it/.*

[3] Приказ МВД России от 1 июля 2017 г. № 450 "Об утверждении Наставления по организации физической подготовки в органах внутренних дел Российской Федерации" // https://www.garant.ru

[4] Police fitness: an international perspective on current and future challenges // https://www.mdpi.com/

эҳтиёжларга мослаштириш таклиф этилади. Шу билан бирга, хорижий экспертлар полицияда жисмоний тарбия дастурларига замонавий технология ва инновацион услубларни жалб этиш масаласига катта эътибор қаратмоқда. ***Замонавий спорт илми*** полиция ходимлари учун тайёргарликда қуйидаги тамойилларга аҳамият қаратишни тавсия қилади:

- жисмоний машғулотларнинг ***мақсадга йўналтирилганлиги:*** тайёргарлик машқлари бевосита хизмат вазифаларида учрайдиган ҳаракат ва ҳолатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим *(масалан, қуролни тежамкор ва тўғри қўллаш, кўча шароитида таъқиб услублари ва ҳ.к.ни қамраб олган ҳолда)*[1].
- ***психологик ва стресс омилларни ҳисобга олиш***: ходимларни фавқулодда ҳолатларда стресс остида тўғри қарор чиқаришга ўргатувчи тренинглар ўтказиш. Бу борада виртуал симуляция ёки сценарийли ўқувлар жуда самарали деб тан олинмоқда (қуйида бу ҳақда батафсил баён этилади);
- ***комплекс ёндашув ва инновациялар****:* ходимларнинг жисмоний тайёргарлиги фақат спортзал машқлари эмас, балки тўғри овқатланиш, психофизиологик барқарорлик, жароҳат профилактикаси каби жиҳатларни ҳам қамраб олиши зарурлиги таъкидланади[2]. *Масалан,* замонавий полиция тайёргарлигида медицина-назарий билимлар *(соғлом турмуш тарзи асослари, юқори хавфли касалликларнинг олдини олиш, стрессни бошқариш услублари ва ҳ.к.)* бўйича дарслар ҳам ўқитилмоқда[3]. Бу эса ходимларнинг умумий ҳолатини яхшилаш орқали уларнинг узоқ муддатли самарали фаолиятига хизмат қилади.

Юқорида келтирилган хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларидан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жаҳон тажрибаси полиция ходимларини жисмоний тайёрлашда асл мақсад – ***ходимларни реал хизмат шароитларида юзланадиган барча жисмоний ва психофизиологик юкламаларга тайёр ҳолатга келтириш*** эканлигини кўрсатади[4]. Бунинг учун эса классик жисмоний машқларни замонавий инновацион усуллар билан бойитиш, хизматга доир махсус машқлар улушини ошириш ва фан-техника ютуқларидан фойдаланиш талаб этилади.

Шу ўринда, бугунги кунда янги Ўзбекистонда ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини янада такомиллаштириш учун

---

[1] ***Джеймс Найтингейл*** сосредоточьтесь на обучении // рекомендации, основанные на показателях человеческой деятельности // https://leb.fbi.gov/articles/focus/focus-on-training-human-performance-based-recommendations#:~:text=swing%20lies

[2] *Коломиец С.Р., Подрезов И.Н.* основные физические качества сотрудников полиции: наиболее эффективные способы их поддержания и развития // https://sciup.org/142239474

[3] *Jon Blum* “Physical Training for Law Enforcement: A New Approach?” Journal Law Enforcement Trainer Volume: 15 Issue: 4 Dated: July/August 2000 Pages: 12-48 // https://www. ojp.gov/

[4] https://leb.fbi.gov/articles/focus/focus-on-training-human-performance-based-recommendations#:~:text=%3E%20%23%23%20%E2%80%9C%5BH%5Duman%20performance,%E2%80%9D

замонавий инновацион методикалар, янги авлод тренажёрлари *(машқ ускуналари)* ва махсус ўқув дастурларини жорий этиш катта аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда дунёда жисмоний тайёргарлик соҳасида тўпланган ютуқлар ва илмий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда, уларни миллий ИИО тизими шароитига мослаштириш имкониятлари мавжуд. Президент фармони билан тасдиқланган 2023–2025 йилларга мўлжалланган ислоҳотлар дастурида ҳам ички ишлар органларида хизмат қилувчи шахсий таркибнинг жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш бўйича узлуксиз тизим яратиш ва замонавий мезонлар асосида баҳолашни жорий этиш белгиланган эди[1]. Бу вазифани амалга оширишда қуйидаги йўналишларда янгича усул ва воситаларни татбиқ этиш таклиф этилади. Буларга:

биринчидан,* замонавий машғулот методикаларини жорий этиш – бунда а**нъанавий жисмоний тайёргарлик машғулотларини замонавий спорт технологиялари билан бойитиш талаб этилади. Масалан, полицачилар учун машғулотларга ***кроссфит элементларини киритиш яхши самара бериши мумкин. Кроссфит – бу сўнгги йилларда жадал оммалашган юқори интенсивли функционал тренировка бўлиб, у бир вақтнинг ўзида бир неча жисмоний сифатларни *(куч, чидамлилик, эпчиллик ва ҳ.к.)* ривожлантиришга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ИИО тизимида ҳам кроссфитга қизиқиш ортмоқда: ИИВнинг 2022 йил 22 сентябрдаги № 383-сон буйруғига кўра жисмоний тайёргарликни ташкил этиш тартибида ***“Кроссфит” машғулотларининг аҳамияти*** алоҳида таъкидланган ва бу спорт турининг жисмоний сифатларни ривожлантиришдаги ўрни қайд этилган[2].

Шунингдек, ИИВ Малака ошириш институтида *“Кроссфит машқлари ёрдамида ИИО ходимларининг умумий жисмоний тайёргарликларини ошириш”* бўйича ўқув-услубий қўлланма ҳам нашр этилди. Унда кроссфитнинг келиб чиқиши, тамойиллари ва турли комплекс машқлар тўплами берилган. Кроссфит машғулотлари юқори интенсивликда қисқа вақт ичида куч, чидамлилик ва ҳаракат тезлигини оширишга имкон беради ҳамда ходимларнинг умумий жисмоний ҳолатини яхшилайди[3]. Шу сабабли, ИИОда ҳар ҳафта белгиланган кунларда кроссфит типидаги комплекс машғулотлар (масалан, турли кардио ва куч машқларини кетма-кет бажариш)ни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу

[1] *Мирзиёев Ш.М.* “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарорининг 2-банд 6-хатбоши // https://lex.uz/uz/docs/6364837

[2] *Burxonov B.H.* “Krossfit mashqlari yordamida ichki ishlar organlari xodimlarining umumiy jismoniy tayyorgarliklarini oshirish” mavzusida o‘quvuslubiy qo‘llanma. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Malaka oshirish instituti, 2023 yil, 5 bet 2- хатбоши

[3] Ўша манбаа: 6 бет, 6-хатбоши

нафақат умумий жисмоний тайёргарликни, балки жамоада рақобат ва ҳамкорлик муҳитини ҳам шакллантириб, ходимларнинг мотивациясини оширади.

Анъанавий машғулот методикаларини такомиллаштириш доирасида, **HIIT (High Intensity Interval Training)** – юқори интенсивли интерваль тренинг элементларини ҳам қўллаш мумкин. Бу усул юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлаш ва югуриш чидамлилигини оширишга хизмат қилади, шунингдек қисқа вақтда кўп калория сарфлаш орқали ортиқча вазнни камайтиришга ёрдам беради. Бир қанча хорижий полиция бўлимлари ўз хизматчиларига ҳафтада камида 2 марта HIIT машғулотлари ўтказиб, ижобий самараларга эришганликлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, АҚШда баъзи департаментлар махсус *"tactical fitness"* дастурларини татбиқ этиб, унинг доирасида *югуриш, тезкор спринтлар, пуш-ап* ва *бурпи* каби машқларнинг турли комбинациялари белгиланган вақт оралиқларида амалга оширилади. Натижада ходимларнинг умумий чидамлилиги ва тезкорлиги ошгани қайд этилган;

иккинчидан,* янги авлод тренажёрлар ва спорт анжомларидан фойдаланиш – бунда ж**исмоний тайёргарлик машғулотларининг самарадорлигини оширишда замонавий тренажёрлар ва инвентарлар муҳим ўрин тутади. ИИО тизими спорт залларини янги ***кардио-тренажёрлар, куч машқлари анжомлари билан жиҳозлаш, очиқ майдонларга махсус спорт қурилмалари ўрнатиш бу борадаги дастлабки қадамлардир. *Масалан,* нафас олишни ривожлантириш учун эллиптик тренажёрлар, юрак-қон томир чидамлилиги учун югуриш йўлакчалари *(беговая дорожка)* ва велотренажёрлар қўл келади. Куч машқлари учун эса олимпиада штангалари, гантеллар, кўп функционал тренажёр станциялари *(multi-gym)* каби анжомлар зарур. Айниқса, ***функционал тренинг станциялари*** – турли високлар, тросли қурилмалар, зинапоя ва қўллар учун осилувчан боғичлар (TRX)ни ўз ичига олган қурилмалар – хизматчиларнинг бир вақтда бир неча гуруҳларни ишлатган ҳолда машқ қилишларига имкон яратади.

Бундан ташқари, полиция учун мўлжалланган махсус тренажёрлар ҳам бор. *Масалан,* АҚШда ***"MILO Range"*** номли виртуал тренажёр тизими қўлланилиб, унда ходимлар 360 даражали виртуал муҳитда тактик ҳаракатлар, қўл жанги элементлари ва вазиятли қарорлар қабул қилиш кўникмаларини машқ қилиши мумкин[1]. ***MILO*** ва унга ўхшаш ***VR*** (виртуал реаллик) тренажёрлар полиция ходимларига реал ҳаётдаги вазиятларни симуляция қилиш орқали машқ қилиш имконини беради: масалан, коронғи бинода қидирув, гаровга олиш ҳолатини бартараф этиш, югуриб кетаётган жиноятчини тутиш саҳналари ва ҳ.к.

[1] *Rabihah Butler "Future of policing technology lies in protecting law enforcement officers"* // https://www.thomsonreuters.com

Виртуал тренажёрлар афзаллиги шундаки, улар хавфсиз муҳитда жойлашиб, ходимларга бевақт жароҳатланиш хавфисиз турли сценарийларни кўп бор такрорлаш имконини беради. Шунингдек, VR-технология асосидаги бу каби машғулотлар ходимларда муҳитни кузатиш, қулай позиция тутиш, қарор қабул қилиш каби кўникмаларни юқори даражада ривожлантиради[1]. *Масалан,* ***Apex Officer*** номли бошқа бир VR-платформа ёрдамида полиция ходимлари воқеа жойини 3D муҳитда кўздан кечириб, виртуал жиноятчи ёки жабрланувчилар билан мулоқотга киришиб машқ қилишлари мумкин. Бундай технологиялар машғулотлари ***манфаатлари*** қуйидагича таърифланади. Буларга: а) харажат тежалади (битта сессияда кўп ходимни ўқитиш мумкин); б) тренингда ягона стандарт ва сценарий қўлланилади *(барча ходимлар бир хил ҳолатларда машқ қилишади);* в) вақт ва жадваллаш осонлашади *(ходимларнинг смена ва иш режимига қарамай, уларга қўшимча машқ имконини беради);* г) ходимларни тез-тез, узлуксиз машқ қилиб боришига шароит яратади;

учинчидан, **махсус ўқув дастурлар ва спорт секцияларини ташкил этиш – бунда я**нгича ёндашув сифатида, ИИО тизимида хизматчилар учун турли спорт секциялари ва гуруҳли машғулотлар жорий этиш тавсия этилади. Президент қарорига мувофиқ, ҳудудий ички ишлар органларида қўл жанги, самбо ва миллий кураш бўйича терма жамоалар ва секциялар тузиш вазифаси қўйилган[2]. Бу ташаббус ходимларда яккакураш маҳоратини ошириш билан бирга, уларнинг спортга қизиқишини ортириб, жамоавий руҳ ва мусобақалашув муҳитини яратади. Ҳар бир ҳудудда бундай секциялар фаолият юритиши орқали энг иқтидорли спортчи-хизматчилар сараланиб, улар кейинчалик республика ва халқаро мусобақаларда ИИВ шарафини ҳимоя қилиш имконига эга бўладилар. Дарҳақиқат, ИИО ходимларининг жаҳон полиция ўйинлари ва турли спорт мусобақаларида қатнашиши нафақат уларнинг шахсий маҳоратини юксалтириш, балки бутун тизим учун ҳам тажриба алмашиш ва нуфузини кўтаришда аҳамиятлидир[3]. Шу боис, янгича дастур сифатида, ***“Халқаро полиция ўйинларида иштирок этишга тайёргарлик”*** номли махсус машғулот режаларини ишлаб чиқиш мумкин. Бунда, танлаб олинган спортчи ходимлар махсус йиғинларда тайёргарлик кўришади, уларга малакали мураббийлар бириктирилади ва мусобақаолди машғулотлар ўтказилади. Бу орқали тизимда

[1] A New Era in Virtual Reality Police Training No subscriptions. No licensing fees. // https://www.faac.com/milo/virtual/milo-vr/

[2] *Мирзиёев Ш.М.* “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарорининг 2-банд 6-хатбоши // https://lex.uz/uz/docs/6364837

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорига 3-Иловаси билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар” йўл ҳаритасининг 27-банд 5-хатбоши

кучли спортчилар қатлами шаклланиб, улар ички хизмат жараёнида ҳам бошқаларга ўрнак бўлади.

Шунингдек, ИИО тизими учун махсус ўқув дастурлари тузишда замонавий технологиялардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Масалан, онлайн платформа ёки мобил илова шаклида *“ИИО фитнес дастури”*ни ишлаб чиқиш. Унда ҳар бир ходим ўзининг жисмоний машғулотлари ҳисобини юритиши, кундалик машқлар режасига эга бўлиши, натижаларни киритиб бориши ва раҳбарият томонидан мониторинг қилиниш имкониятини беради. Бундан ташқари, бундай дастурларга ходимнинг *югуриш масофаси, вақт кўрсаткичлари, бажарилган машқлар* сони каби маълумотларни киритиш имконияти бўлади. Шунингдек, илова ходимларнинг мусобақалашув руҳини ошириш учун рейтинг ёки *badge* (мишона) тизимини жорий этиши ҳам мумкин: *масалан,* ҳафтанинг энг фаол спорчиси, энг яхши натижа кўрсатгани учун виртуал медал берилиши каби. Бу каби рақамли дастурлар орқали ходимларнинг жисмоний фаоллиги устидан узлуксиз назорат ва рағбатлантириш амалиётини жорий қилиш мумкин;

***тўртинчидан,* ташқи мутахассис-тренерларни жалб этиш – бунда** жисмоний тайёргарлик машғулотларининг самарадорлигини ошириш учун профессионал спортчилар ва мураббийларни жалб этиш ғояси илгари сурилган. *Масалан*, Ўзбекистон Президентининг ПҚ-10-сон қарорида ички ишлар органларида жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулотларини ўтказиш учун спорт усталари, тажрибали мураббийлар ва ҳарбий пенсионерларни шартнома асосида жалб этиш топшириғи берилган[1]. Шунингдек, малакали боксчи, курашчи ёки енгил атлетика мураббийи муайян муддатга полиция бўлинмасида фаолият юритиб, ходимларга ўқув машғулотларини ўтказиб беради. Бундай амалиёт қатор хорижий мамлакатларда мавжуд: масалан, Японияда каратэ усталари полицияга ушбу спорт бўйича дарс беришади ёки Россияда тажрибали Самбо мураббийлари МВД тизимида тўлиқ штат асосида фаолият кўрсатади. Ташқи экспертларнинг жалб қилиниши ходимлар учун юқори даражадаги машғулотларни таъминлайди, спортчилар эса ўз билим ва маҳоратларини тарғиб қилиш билан бирга, хизматчиларига реал тажриба алмашадилар. Бу билан ички мураббийлар кадрларини ҳам ўстиришга замин яратилади;

бешинчидан,* жисмоний тайёргарликни баҳолашнинг янги тизими жорий этиш – бунда я**нгича методик ёндашув нафақат машғулотларни, балки баҳолаш услубини ҳам ўзгартишни талаб этади. Хизматчиларнинг жисмоний ҳолатини адолатли ва тўғри баҳолаш учун замонавий **KPI *(Key Performance

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорига 3-Иловаси билан тасдиқланган *“Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар”* йўл ҳаритасининг 26-банд 2-хатбоши

Indicators) тизимини татбиқ этиш зарурлиги таъкидланади[1]. Бунинг маъноси, ҳар бир ходимнинг жисмоний тайёргарлик бўйича шахсий кўрсаткичлари ва тараққиёти доимий кузатувда бўлади. *Масалан,* йил бошида ҳар бир ходимнинг норматив натижалари қайд этилади, кейин эса йил давомида ўтказилган қайта синовлардаги ўсиш ёки пасайиш аниқ ҳисобланиб, умумий рейтинг тузилади. Президент қароридан келиб чиқиб, ИИО тизимида бундай KPI тизимини яратиш вазифаси ИИВга юклатилган[2]. Бу тизимда жисмоний тайёргарлик натижалари ходимларнинг умумий хизмат баҳосига *(аттестациясига)* ҳам таъсир кўрсатадиган даражада аҳамият касб этади. *Масалан,* маълум бир нормативларни бажара олмаган ходимлар учун қайта тайёргарлик курслари ёки махсус машғулотлар белгилаш, аксинча, юқори натижа кўрсатганларга мукофот ва имтиёзлар берилиши мумкин. Бундай бағолаш тизими ходимларни бирдек спорт билан шуғулланишга рағбатлантириши ва ўз устида ишлашга ундаши шубҳасиз. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, юқорида таклиф сифатида санаб ўтилган чора-тадбирлар ИИО тизимида жисмоний тайёргарликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, инфратузилма, кадрлар ва рақамли технологиялар: жорий этиш истиқболларини такомиллаштириш давр талабига айланмоқда. Хусусан, ИИО ходимларининг жисмоний тайёргарлик тизимини такомиллаштиришда **материал-техник база** ва **инсоний капитал**ни мустаҳкамлаш, шунингдек замонавий **рақамли технологиялар**дан фойдаланиш устувор вазифа ҳисобланади. Зеро, ҳатто энг илғор методика ва дастурлар ҳам тегишли шароитлар яратилмаса ва мутахассис кадрлар томонидан жорий этилмаса, кўзланган самарани бермаслиги мумкин. Қуйида мазкур йўналишдаги истиқболли чоралар алоҳида йўналишлар кесимида кўриб чиқилади. Буларга:

А) жисмоний тайёргарлик инфратузилмасини такомиллаштириш. Бунда, ҳозирги вақтда ички ишлар органларининг жисмоний тайёргарлик билан шуғулланишлари учун мавжуд инфратузилмаси турли даражада шаклланган. Кўпгина туман ва шаҳар ички ишлар бўлимларида кичик спорт заллари ёки майдончалар мавжуд, лекин уларнинг кўлами ва жиҳозланиши барча ходимларни қамраб олиш учун етарли эмас. Шу боис, **инфратузилмани яхшилаш** бу соҳадаги асосий вазифалардан биридир. Президент қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги чораларни амалга оширишни давр талаби десак ҳеч муболаға бўлмайди:

[1] Ўша манбаа: *“Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар”* йўл ҳаритасининг 26-банд 5-хатбоши

[2] *“Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар”* йўл ҳаритасининг 26-банд

- ***Республиканинг барча туман ва шаҳар ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари қуриш*** **– бунда** ҳар бир ҳудудда замонавий талабларга жавоб берадиган ИИОга ихтисослашган спорт мажмуалари барпо этиш лозим. Бундай мажмуаларда ёпиқ универсал спорт заллари, кураш ва гимнастика заллари, очиқ югуриш треклари, енгил атлетика майдонлари ва полоса-тўсиқлар *(препятствие)* полосаси бўлиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, хизмат итларини тайёрлаш учун кинология майдонлари ҳам кўзда тутилиши мумкин. Янги спорт иншоотлари қуриш орқали ходимларга иш вақтидан ташқари ҳам шарт-шароитларда шуғулланиш имконияти яратилади;
- ***мавжуд спорт базаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш*** **– бунда** ҳозирги мавжуд спорт заллари, стрельба тирлари ва бошқа объектларни капитал таъмирдан чиқариш, уларни янги спорт анжомлари билан таъминлаш зарур. Масалан, кўплаб ички ишлар бўлимларидаги тренажёр заллари ускуналари эскирган, уларни янгилаш керак. Шунингдек, ҳар бир бўлимда душ ва кийиниш хоналари, шифокор кўриги хонаси каби қулайликлар ҳам таъминланиши лозим, токи ходимлар машғулотдан сўнг тикланиш имконига эга бўлишсин;
- ***ҳудудий ўқув-машғулот базалари ташкил этиш*** **– бунда** ҳар бир вилоят марказида ИИО ходимлари учун махсус ўқув-машғулот базаси *(полигон)* ташкил этиш зарур. Бу ерда хизматчилар тактик ва жисмоний тайёргарликнинг турли элементларини амалда синаб кўришлари мумкин бўлади. *Масалан,* шартли қалқан шаҳарча қуриб, унда уйлар, тўсиқлар, машиналар макети ўрнатилиб, гуруҳлик тартибда жиноятчини қидириш ва тезкор ҳаракатланиш машқларини ўтказиш мумкин. Шунингдек, мазкур полигонларда автоҳаракат воситалари билан ишлаш, турли ҳимоя воситаларидан фойдаланишни кўрсатувчи ўқув нуқталари ҳам бўлади. Бундай базалар ходимларни реал шарт-шароитларга яқин муҳитда тайёрлаш имконини беради;
- ***спорт инвентари таъминотини яхшилаш*** **– бунда** ҳар бир ички ишлар органини етарлича спорт кийим-kechak ва анжомлар билан таъминлаш лозим. *Масалан,* гиламлар, қўлқоплар, кураш кийимлари (кимоно), тренажёр анжомлари каби воситалар етарли миқдорда топширилиши керак. Шунингдек, нафақат бўлим спортзаллари, балки ҳар бир ходим шахсий машғулотлари учун кичик спорт анжомларидан (масалан, экспандер, статик тасмалар, упа ёрдамчилари ва ҳ.к.) фойдаланиши учун имконият яратиш мақсадга мувофиқ.

Инфратузилмани яхшилашга доир мазкур чоралар албатта сезиларли молиявий ресурс талаб этади. Бу борада давлат бюджети билан бирга, вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳудудий маҳаллий

бюджетларнинг қўшимча манбалари жалб этилиши кўзда тутилган[1]. Президент қароридан кўриниб турибдики, 2023–2027 йилларда ИИОда жисмоний тайёргарликни ривожлантириш дастурини молиялаштириш манбалари этиб ИИВнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва маҳаллий бюджет ресурслари белгилаб берилган[2]. Демак, ҳукумат бу йўналишни изчил қўллаб-қувватлашга тайёр.

Инфратузилма ривожи натижасида нафақат жисмоний тайёргарлик машғулотларининг сифати ошади, балки ходимларда спортга қизиқиш, хизматда соғлом муҳит шаклланади. Зотан, яхши жиҳозланган ва замонавий спорт базасига эга бўлган ташкилот ходимлари ўзлари ҳам бундан руҳланиб, мунтазам шуғулланишга интилади. Бу эса умумий ҳисобда кадрлар самарадорлигини оширишга ва жамоада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга хизмат қилади.

Б) рақамли технологиялардан фойдаланиш истиқболлари – бугунги кунда рақамли технологиялар ҳар бир соҳани илгари суриш воситасига айланиб улгурган ва ИИО ходимларининг жисмоний тайёргарлик тизими ҳам бундан мустасно эмас. Замонавий ақлли технологиялар (smart tech) ва ***ахборот тизимлари****ни* жорий этиш орқали машғулотларни режалаштириш, мониторинг қилиш ҳамда таҳлил этишни янги босқичга олиб чиқиш мумкин. Қуйида бу йўналишдаги истиқболли чораларга тўхталиб ўтамиз:

❖ ***жисмоний тайёргарликнинг электрон мониторинги*** **– бунда** ҳар бир ходимнинг жисмоний ҳолати ва машғулот фаолиятини кузатиб борувчи электрон тизим яратиш муҳим. *Масалан,* ИИО ходимлари маълумотларини электрон форматда юритиш учун ***“E-XID”*** *(Электрон ходим билан ишлаш дафтари)* ва ***“E-kadr”*** ёпиқ ахборот тизимларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тизимларга жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини ҳам интеграция қилиш керак. Яъни, ҳар бир ходимнинг норматив якунлари, соғлиқ кўрсаткичлари, қатнашган мусобақалари ва эришган ютуқлари каби маълумотлар электрон базага киритилиб борилиши лозим. Бу раҳбариятга ходимларнинг ҳолатини тўлиқ баҳолаш, қайси жиҳатларда орқада қолаётганини аниқлаш ва тегишли тавсиялар бериш имконини беради;

❖ ***ақлли қурилмалар ва кийиладиган электроника*** **– бунда** гавдаларга тақиладиган фитнес-трекерлар, смарт-соатлар орқали ходимларнинг жисмоний фаоллигини назорат қилиш осонлашди. ИИО ходимлари хизмат вақтида ёки машғулотларда ана шундай қурилмаларни тақиб юриши ва улар орқали қадамлар сони, юрган масофаси, юрак уруши частотаси каби маълумотлар автомат равишда қайд этилиши мумкин. *Масалан,* ички ишлар органлари ходими

[1] *“Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар”* йўл харитасининг 28-банди.

[2] *Ўша манбаа*: 1 ва 2 хатбошлари.

патруллик давомида кунига нечта қадам босганини ёки қандай юклама олганини кузатиш мумкин бўлади – агар у меъёрдан кам ҳаракатланган бўлса, автомат равишда унга кўпроқ ҳаракат қилиш тавсияси чиқади. Шунингдек, аксинча, жуда кўп юклама тушганларига дам олиш режими белгилаш мумкин. Бундай интеграциялашган ақлли тизимлар ходимларнинг шахсий соғлиғига ҳам ижобий таъсир қилиб, турли касбий деформация *(масалан, семириш, юрак касалликлари)*нинг олдини олишга кўмаклашади;

❖ ***машғулотларни режалаштиришнинг электрон платформаси* – бунда** мобил илова ёки веб-платформа орқали жисмоний тайёргарлик машғулотларини режалаштириш ва уларда иштирокни қайд этиш мумкин. Масалан, ҳар бир бўлимда ҳафта давомида белгиланган жисмоний машғулотлар жадвали электрон шаклда узатилади; ходимлар ушбу жадвал орқали ўз вақтида қайси машғулот борлигини билиб туради. Улар онлайн равишда машғулотда иштирок этиш бўйича белгини қўядилар ва мураббий эса қатнашмаганлар ҳақида ҳисобот олади. Бу тадбирлар интизомини оширади. Шу билан бирга, ҳар бир ходим учун онлайн шахсий кундалик ташкил қилиб, у ерга ҳар кунги машқлари, югурган масофаси, бажара олган нормативлари ва бошқаларни ёзиб бориш амалиётини йўлга қўйиш мумкин. Бу маълумотлар асосида тизим ҳар ой якунида ҳар бир ходимнинг фаоллик рейтинги ёки тафсилотли ҳисоботини чиқаради. Бундай рақамли ечимлар, айниқса, катта штатли идораларда, ходимларнинг барчасини назорат қилиб боришга жуда қўл келади;

❖ ***виртуал ўқув модуллар* –** бу виртуал ўқув курсларидир. *Масалан,* “Жисмоний тайёргарлик ва соғлом турмуш” мавзусида онлайн курс яратиб, барча ходимларни ўтказиш мумкин. Бу курс видеодарслар, инфографика ва тест саволларидан иборат бўлиб, ходимлар ўз вақтида мустақил равишда ўталар. Унда жисмоний машқларни тўғри бажариш техникаси, жароҳатдан сақланиш, биринчи ёрдам кўрсатиш, овқатланиш меъёрлари ҳақида маълумотлар берилади. Бу орқали ҳар бир ходим теориявий билимларга ҳам эга бўлади ва уни амалиётда қўллашга ҳаракат қилади;

❖ ***бахолашда сунъий интеллект ёрдамида таҳлил* – бунда к**елгусида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали ходимларнинг жисмоний тайёргарлигини таҳлил қилиш янада аниқлаштирилиши мумкин. *Масалан,* машғулотларда видеокамералар орнатилиб, сунъий интеллект алгоритми орқали ходимларнинг машқларни бажариш техникаси кузатилади ва хатоликлар автомат равишда аниқланиб, тавсиялар тақдим этилиши мумкин. Ёки нормативлар топшириш пайтида камера ёрдамида бегим кузатилиб, ходимнинг югуриш тезлиги, қадам чўзилиши каби параметрлар тахлил қилинади ва унга махсус индивидуал тавсиялар генерцияланади. Албатта, бу каби технологиялар

ҳозирча тажриба тариқасида айрим спорт соҳаларидагина қўлланилмоқда. Лекин яқин келажакда полиция тайёргарлигида ҳам ушбу усулларни жорий этиш орқали ҳар бир ходимнинг жисмоний имкониятини тўла баҳолаш ҳамда уни қандай ошириш бўйича илмий асосланган персонал тавсиялар бериш амалиёти пайдо бўлиши мумкин;

❖ ***ахборот хавфсизлиги ва махфийликни таъминлаш*** **– бунда р**ақамли технологияларни жорий этишда, албатта, хизмат маълумотларининг хавфсизлигига алоҳида эътибор бериш керак. Ҳар бир ходимнинг соғлиқ ва жисмоний ҳолатига оид маълумотлар махфий маълумот ҳисобланиши мумкин, шу сабабли юқорида таклиф қилинган электрон платформалар ёпиқ корпоратив тармоқда ишлаши ёки яхши ҳимояланган бўлиши лозим. Президент қарорида ҳам кадрлар ва уларнинг оила аъзоларига оид маълумотларни тўлиқ рақамлаштириш, лекин инсон омилларини истисно этиб, махфийликка риоя қилиш вазифаси қўйилган. Демак, рақамлаштириш пайтида ахборотни ҳимоялаш чоралари қонуний тартибда кўрилиши лозим.

Хулоса ўрнида, шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ИИО ходимларининг жисмоний тайёргарлик фаолиятини такомиллаштириш Янги Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишда қатор стратегик дастурлар, Президент фармон ва қарорлари орқали ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилган. Амалда хизматга қабул қилишдан тортиб, хизмат жараёнида доимий аттестация ва жисмоний машғулотлар ўтказишгача бўлган барча босқичларда муайян талаб ва мезонлар қонунчиликда мустаҳкамланган. Шу билан бирга, халқаро тажрибага таянган ҳолда функционал тайёргарлик, кроссфит ва HIIT машғулотлари, VR-технологиялар ва рақамли платформалар каби инновацион усулларни жорий этиш орқали тизим сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

Шу асосда, ИИО ходимлари нафақат спортчи сифатида жисмоний чидамлиликка, балки хизмат вазифаларига мос равишда тактик ва психологик барқарорликка эга бўлиши талаб этилади. Инфратузилмани яхшилаш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, спорт секциялари ташкил этиш, ташқи мураббийларни жалб қилиш ва KPI тизимида баҳолаш чоралари уларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Умуман, жисмоний тайёргарликни такомиллаштириш фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолияти самарадорлигини юксалтиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ҲАРБИЙ СОҲАДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК: ТУШУНЧАСИ, ТАСНИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Куллиев Илхомжон Мурадович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада халқаро ҳамкорлик ва ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлик тушунчаси, таснифи ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан мазкур категорияларнинг назарий-ҳуқуқий асослари, уларнинг шаклланиш босқичлари ҳамда замонавий халқаро муносабатлардаги аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, халқаро ҳарбий ҳамкорликнинг институционал, стратегик ва амалий жиҳатлари таҳлил қилиниб, миллий хавфсизлик ҳамда минтақавий барқарорликни таъминлашдаги роли очиб берилган.

Калит сўзлар: халқаро ҳамкорлик, ҳарбий ҳамкорлик, халқаро муносабатлар, миллий хавфсизлик, мудофаа дипломатияси, стратегик шериклик, халқаро ташкилотлар.

Ҳарбий ҳамкорлик тушунчаси ўз моҳиятига кўра, давлатлар ўртасида хавфсизликни таъминлаш, тинчликни сақлаш ва умумий таҳдидларга қарши курашишдаги биргаликдаги ҳаракатлар мажмуасини ифода этади. Унинг эволюцияси турли тарихий босқичларда – анъанавий ҳарбий иттифоқлардан тортиб, замонавий кўп томонлама тинчликпарвар операциялар ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тизимларигача – ўз ифодасини топган.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида давлатлар ўртасидаги муносабатлар тобора чуқурлашиб, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш халқаро ҳамжамиятнинг устувор вазифасига айланмоқда. Бугунги кунда терроризм, экстремизм, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, киберхавфсизликка таҳдидлар, минтақавий қуролли низолар ва трансмиллий жиноятчилик каби умумбашарий муаммолар давлатларни якка ҳолда эмас, балки кўп томонлама ҳамкорлик асосида ҳаракат қилишга мажбур этмоқда. Шунинг учун ҳам ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлик замонавий халқаро муносабатлар тизимининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё минтақасида қўшни давлатлар билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш ва чегара хавфсизлигини таъминлаш ташқи сиёсатимизда устувор йўналиш сифатида белгиланган. Шу билан бирга, жаҳоннинг етакчи мамлакатлари билан очиқ ва прагматик ҳамкорлик асосида қўшма тинчликпарвар операцияларда иштирок этиш, замонавий қурол-аслаҳа ва технологиялар соҳасида тажриба алмашиш, ҳарбий-стратегик мулоқотни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ташқи сиёсат йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, балки миллий хавфсизлик ва мудофаа салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги нуфузи ортиб, хорижий давлатлар билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик кенгаймоқда. Бу эса қўшма машқлар, ҳарбий кадрлар тайёрлаш, тажриба алмашиш ва қўшма хавфсизлик ташаббуслари орқали амалга оширилмоқда.

Хорижий мамлакатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг 59 та дипломатик ва консуллик ваколатхоналари мавжуд. Ўзбекистон 100 дан ортиқ халқаро ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади[1]. Ўзбекистон томонидан очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат изчил давом эттирилиб, биргина 2022 йил якунлари бўйича кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 1000 га яқин олий ва юқори даражалардаги икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказилди[2].

Таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсати, унинг устувор мақсадлари ва бош тамойиллари тегишли норматив ҳужжатларда белгилаб берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз ўзининг ташқи сиёсат олиб бориши, ташқи сиёсати қандай тамойиллар асосида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси[3] мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда асосий йўналишларни белгилаб берувчи муҳим дастурий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг 93–100-бандларида давлатимиз халқаро муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланган[4].

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ўз нуфузи ва муносиб ўрнига эга бўлган замонавий демократик давлат сифатида дунё ҳамжамиятида тенг ҳуқуқли мустақил халқаро субъект сифатида фаол ташқи сиёсат юритмоқда.

Мавжуд Миллий хавфсизлик концепциясида ҳам халқаро муносабатлардаги мураккаб жараёнлар ва тез ўзгарувчан тенденциялар мамлакатимизнинг халқаро майдонда фаол иштирокини таъминлаш зарурлигини кўрсатиб ўтилган.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг самарали ташкил этилиши ва халқаро ҳамкорлик, жумладан ҳарбий соҳадаги ўзаро муносабатларнинг ривожланиши мамлакатимиз миллий манфаатлари ва хавфсизлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий маълумоти, www.mfa.uz/uz/pages/vneshnaya-politika

[2] Тараққиёт стратегияси марказининг “Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш йўналиши сарҳисоби”, https://strategy.uz/ index.php?news=1766

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида қарори // https://lex.uz/docs/5269488. (мурожаат санаси: 26.08.2025 й.).

[4] Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // https://lex.uz/docs/5841063. (мурожаат санаси: 26.08.2025 й.).

Шу нуқтаи назардан ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлик тушунчасининг илмий-назарий таҳлили ва унинг эволюциясини ўрганиш, “халқаро ҳамкорлик”, айниқса нисбатан кам ўрганилган “халқаро ҳарбий ҳамкорлик” тушунчаларини илмий асосларини ўрганиш жаҳон ва минтақавий хавфсизлик тизимлари ривожидаги ролини очиб бериш долзарб аҳамиятга эга.

“Халқаро ҳамкорлик” атамаси илмий адабиётларда, миллий қонунчилик базасида ва турли халқаро ҳужжатларда кенг қўлланилади. Аммо мавжуд манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда муаллифлар мазкур тушунчанинг мазмуни ва характерини аниқлаш билан боғлиқ назарий масалаларга етарлича эътибор қаратмайдилар. Шу боис халқаро ҳамкорлик масалалари тўлиқ назарий жиҳатдан, асосан халқаро муносабатлар соҳасидаги тадқиқотлар доирасида ўрганиб келинади.

Шу нуқтаи назардан ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлик тушунчасининг илмий-назарий таҳлили ва унинг эволюциясини ўрганиш, жаҳон ва минтақавий хавфсизлик тизимлари ривожидаги ролини очиб бериш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади. Зеро, халқаро муносабатларда ҳарбий ҳамкорлик тушунчаси турли эволюция босқичларида турлича ифодаланган.

Хусусан, биринчи давр, *анъанавий давр (XIX – XX аср бошлари) босқичи* бўлиб, бу даврда ҳарбий ҳамкорлик асосан ҳарбий-сиёсий иттифоқлар шаклида намоён бўлган. Масалан, Антанта ва Учлик иттифоқи каби ташкилотлар давлатлар ўртасида қўшма мудофаа ва геосиёсий манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида тузилган[1].

Иккинчи даври - *иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги босқич* бўлиб, урушдан сўнг халқаро ҳамкорликни институционал асосда ташкил этиш зарурати туғилди. Натижада БМТ ва унинг тинчликпарвар операциялари каби механизмлар шаклланди. Бу жараён халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратишга хизмат қилди[2].

Учинчи даври - *совуқ уруш даври босқичи* бўлиб, бу босқичда ҳарбий ҳамкорлик асимметрик тус олди: бир томонда НАТО, иккинчи томонда эса Варшава шартномаси ташкилоти шаклланди. Ҳарбий ҳамкорлик ғояси геосиёсий рақобатнинг асосий воситаси сифатида намоён бўлди[3].

Тўртинчи даври - *совуқ урушдан кейинги давр босқичи* бўлиб, хавфсизлик таҳдидларининг ўзгариши натижасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик кўпқиррали ва кўпполяр тус олди. НАТОнинг кенгайиши, Европа Иттифоқининг қўшма мудофаа сиёсати, шунингдек ШҲТ ва КХШТ каби минтақавий хавфсизлик тизимларининг шаклланиши бу йўналишдаги муҳим босқич бўлди[4].

Бешинчи давр - *замонавий босқич (XXI аср)* бўлиб, ҳозирги глобал жараёнларда асосий эътибор терроризм ва экстремизмга қарши кураш, киберхавфсизликни

[1] Morgenthau, H. J. Politics Among Nations: The Struggle for Power and Peace. New York: Alfred A. Knopf, 1948. – P. 108.

[2] Waltz, K. N. Theory of International Politics. Reading, MA: Addison-Wesley, 1979. – P. 89.

[3] Waltz, K. N. Theory of International Politics. Reading, MA: Addison-Wesley, 1979. – P. 89.

[4] *Buzan, B.* People, States, and Fear: An Agenda for International Security Studies in the Post-Cold War Era. Boulder, CO: Lynne Rienner, 1991. – P. 18., *Алимов, Р. А.* Шанхайская организация сотрудничества: становление и развитие. Москва: Восточная литература, 2020. – С. 12.

таъминлаш, қўшма тинчликпарвар операциялар ва гуманитар миссияларга қаратилмоқда. Шу билан бирга, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик кўп томонлама дипломатия ва хавфсизлик архитектурасининг ажралмас қисмига айланди[1].

Юқоридагилар таҳлилидан келиб чиқиб, ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлик масалалари халқаро муносабатлар назариялари нуқтаи назаридан турлича изоҳлаш мумкин:

биринчидан, реализм давлатларнинг ҳарбий ҳамкорликдаги иштирокини миллий манфаатлар ва хавфсизликни таъминлаш воситаси сифатида талқин қилади;

иккинчидан, либерализм эса ҳарбий ҳамкорликни халқаро ташкилотлар ва қўшма институтлар орқали тинчлик ва барқарорликка эришиш механизми сифатида кўради;

учинчидан, конструктивизм нуқтаи назаридан, ҳарбий ҳамкорлик давлатлар ва халқлар ўртасида ишонч, қадриятлар ва умумий манфаатларни шакллантириш орқали юзага келади.

Шу тариқа, ҳарбий соҳада халқаро ҳамкорлик тушунчаси тарихий эволюция жараёнида геосиёсий вазият ва халқаро муносабатлар тизимининг ўзгаришига қараб турли шаклларда намоён бўлиб келган. Бугунги кунда эса у халқаро ва минтақавий хавфсизлик тизимларини таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бундан ташқари, “халқаро ҳамкорлик масалаларида ихтисослашиш” тенденцияси ҳам кузатилади. Яъни, тадқиқотчилар одатда халқаро ҳамкорликнинг муайян соҳаларига эътибор қаратган ҳолда умумий назарий масалаларни четлаб ўтадилар. Шу билан бирга, халқаро ҳамкорликнинг назарий-методологик асосларини, унинг мазмун-моҳияти ва категорияли аппаратларини ишлаб чиқишга қаратилган уринишлар ҳам мавжуд.

Халқаро ҳамкорлик, жумладан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик масалалари турли илмий мактаб ва йўналишлар доирасида атрофлича ўрганиб келинган. Ғарб олимлари асосан назарий ва институционал ёндашувларни илгари сурган бўлсалар, Россия олимлари геосиёсий таҳлил ва ҳарбий-стратегик масалаларга эътибор қаратган, Ўзбекистон ва Марказий Осиё олимлари эса миллий манфаатлар ва минтақавий хавфсизлик нуқтаи назаридан тадқиқотлар олиб боришган.

Жумладан, К. Уолтц ўзининг “Theory of International Politics”[2] (1979) асарида давлатлар хавфсизлиги, ҳарбий иттифоқлар ва халқаро барқарорликни неореализм назарияси асосида ёритиб берган. Шу билан бирга, Г.Моргентауниng “Politics Among Nations”[3] асарида ҳарбий ҳамкорлик давлат миллий манфаатларига бевосита боғлиқ жараён сифатида талқин қилинган. Либерализм ва институционализм мактаблари вакиллари Р. Кеохан ва Ж. Най НАТО, БМТ каби халқаро институтлар доирасида ҳарбий ҳамкорликнинг самарадорлигини асослаб берганлар[4]. А. Вендт эса

[1] *Freedman, L.* Strategy: A History. Oxford: Oxford University Press, 2013. – P. 78.

[2] Уолтц К. Теория международной политики / К. Уолтц. – Рединг (США): Addison-Wesley, 1979. – 251 с.

[3] Моргентау Г. Политика между нациями: борьба за власть и мир / Г. Моргентау. – Нью-Йорк: Alfred A. Knopf, 1948. – 752 с.

[4] Кеохэйн Р., Най Дж. Власть и взаимозависимость: мировая политика в переходный период / Р. Кеохэйн, Дж. Най. – Бостон: Little, Brown, 1977. – 393 с.

конструктивизм назариясида ҳарбий ҳамкорликни ижтимоий ва маданий жараёнлар билан боғлаган[1].

Россия ва МДҲ олимлари ҳам бу йўналишда қатор тадқиқотлар олиб борганлар. Хусусан, С.А. Караганов[2] ва А.В. Торкунов[3] халқаро хавфсизлик ва ҳарбий иттифоқларнинг сиёсий-ҳуқуқий моҳиятини таҳлил қилган. А.А.Кокошин[4] Россиянинг ҳарбий стратегияси ва ҳарбий ҳамкорликдаги устувор йўналишларини тадқиқ этган.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё олимлари эса мавзунга миллий манфаатлар ва минтақавий хавфсизлик нуқтаи назаридан ёндашганлар. Масалан, С.С. Сафоев[5] мамлакатимиз ташқи сиёсати ва хавфсизлик муаммоларини илмий жиҳатдан ёритиб берган. Р.А. Алимов[6] ШҲТ доирасидаги ҳарбий ҳамкорлик ва хавфсизлик механизмларини таҳлил қилган. Шунингдек, А.Х. Саидов[7] халқаро ҳуқуқ ва хавфсизлик масалалари бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борган. А.А.Қурбонов[8] минтақавий хавфсизлик назарияси ва Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги устувор роли ҳақида фикр билдирган, А.Ахмадалиев[9] эса Афғонистон билан ҳамкорлик орқали минтақавий барқарорлик масалаларини ёритган.

Юқорида келтирилган олимларнинг назарий ёндашувлари таҳлилидан келиб чиқадики, ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорликни ўрганишда турли илмий мактаблар ва тадқиқотчилар ўз нуқтаи назарларини илгари сурган. Ғарб олимлари, жумладан, К. Уолтц ва Г. Моргентау реализм ва неореализм асосида ҳарбий ҳамкорликни давлатлар хавфсизлиги ва миллий манфаатлари билан чамбарчас боғлаб изоҳлайди. Бу ҳолат халқаро муносабатларда давлатлар ўртасидаги кучлар мувозанати ва геосиёсий манфаатларнинг устуворлигини яна бир бор намоён этади. Либерализм ва конструктивизм вакиллари Р.Кеохан, Ж. Най, А. Вендт эса ҳарбий ҳамкорликнинг институционал, ижтимоий ва маданий қирраларини кўрсатиш орқали масалага кенг қамровли ёндашув таклиф этади.

Россия ва МДҲ олимлари С.А. Караганов, А.В.Торкунов, А.А.Кокошин эса ҳарбий ҳамкорликни кўпроқ геосиёсий ва миллий хавфсизлик стратегиялари нуқтаи назаридан таҳлил қиладилар. Бу эса минтақавий кучлар мувозанати ва глобал рақобат жараёнларида ҳарбий соҳанинг ўрнини янада яққол кўрсатади.

---

[1] Вендт А. Анархия – это то, что делают государства: социальная конструкция политики силы // International Organization. – 1992. – Т. 46, № 2. – С. 391–425.

[2] Караганов С. А. Россия в меняющемся мире: хроники смутного времени / С. А. Караганов. – М.: Аспект Пресс, 2018. – 412 с.

[3] Торкунов А. В. Международные отношения и мировая политика / А. В. Торкунов. – М.: Проспект, 2015. – 520 с.

[4] Кокошин А. А. Стратегия национальной безопасности России / А. А. Кокошин. – М.: Наука, 2003. – 336 с.

[5] Сафоев С. С. Внешняя политика Узбекистана в условиях глобализации / С. С. Сафоев. – Ташкент: Ўзбекистон, 2019. – 284 с.

[6] Алимов Р. А. Шанхайская организация сотрудничества: становление и развитие / Р. А. Алимов. – М.: Восточная литература, 2020. – 356 с.

[7] Саидов А. Х. Международное право: учебник / А. Х. Саидов. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2018. – 640 с.

[8] Qurbonov A. A. Theory and Practice of Regional Security: Uzbekistan Is the Lever of Regional Security in Central Asia / A. A. Qurbonov // Journal of Political Science and International Relations. – 2023. – Т. 6, № 2. – С. 45–56.

[9] Akhmadaliev A. Uzbekistan and Afghanistan in the Context of Ensuring Regional Security / A. Akhmadaliev // Journal of Central Asian Studies. – 2025. – Т. 12, № 1. – С. 88–101.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё олимлари С.С. Сафоев, Р.А. Алимов, А.Х.Саидов, А.А.Қурбонов, А.Ахмадалиевлар томонидан илгари сурилган ғоялар миллий манфаатлар ва минтақавий хавфсизлик нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эгадир. Улар томонидан олиб борилган тадқиқотлар мамлакатимиз ташқи сиёсатининг прагматик ва конструктив асосларини, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ўрни ва ролини очиб беради.

Ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорликни тўлақонли англаш учун турли назарий мактаблар ва олимларнинг қарашларини уйғун тарзда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ғарб олимларининг назарий моделлари, Россия тадқиқотчиларининг стратегик таҳлиллари ҳамда миллий олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган амалий йўналишлар биргаликда таҳлил этилганда, мазкур соҳада чуқур ва комплекс хулосалар чиқариш имконияти вужудга келади.

Шу боис, турли илмий мактаб ва муаллифларнинг изланишлари ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлик мураккаб ва кўп қиррали жараён эканини намоён этади. Ушбу жараённи ўрганиш миллий хавфсизлик ҳамда ташқи сиёсий стратегияни илмий асосда белгилашда муҳим илмий аҳамият касб этади.

Юқоридаги тадқиқотларга кўра, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини амалга оширишда прагматик ва конструктив йўналиш устувор аҳамият касб этмоқда. Айниқса, халқ манфаатларига таянган ҳолда қўшни давлатлар билан ҳамкорликнинг янги формалари шакллантирилди. Шу билан бирга, 2016 йилдан кейин мамлакат ташқи сиёсий фаолиятида туб ва принципиал ислоҳотлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланади.

С.Сафоевнинг фикрига кўра, сўнгги йилларда “чинакам миллий манфаатларни илгари сурувчи ташқи сиёсат вужудга келди. Унинг негизида давлатлараро объектив қарама-қаршиликлар ва табиий манфаатлар тўқнашуви, мавжуд бўлган муаммолар бўйича мулоқотга тайёрлик, миллий манфаатларни сўзсиз ва қатъий қўллаб-қувватлаган ҳолда оқилона муросага интилишга бўлган муносабатни намойиш этиш ётади”[1].

Бу қараш халқаро муносабатлар назариялари нуқтаи назаридан ҳам диққатга сазовордир. Реализм мактаби нуқтаи назаридан, миллий манфаатларни устувор деб билиш давлатнинг ташқи сиёсатида табиий ҳол сифатида қабул қилинади. Бироқ, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг хусусияти шундаки, у фақат реалистик ёндашувга таянадиган эмас, балки либерализмга хос муроса ва ҳамкорлик элементларини ҳам мужассам этган. Шу жиҳатдан, мамлакат ташқи сиёсати гибрид, яъни миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан бирга халқаро мулоқот ва интеграцияни рағбатлантирувчи йўналиш сифатида шаклланмоқда.

Миллий манфаат тушунчаси эса ўз моҳиятига кўра доимий эмас, балки глобал жараёнлар, минтақавий воқеалар ва ички тараққиёт омилларига боғлиқ равишда ўзгариб боради. Шунинг учун унинг чегараларини аниқ белгилаш мураккаб жараён

[1] Сафоев С.С. Ҳаракатлар стратегияси — янги уйғониш даврининг дастури, www.strategy.uz/index.php?news=1200

бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормалари ва универсал тамойиллар билан уйғунликда кўриб чиқилиши зарур.

С.Сафоевнинг фикрлари Ўзбекистон ташқи сиёсатининг миллий манфаатларга асосланганлиги ва шу билан бирга халқаро майдонда прагматик ва муросага тайёр ёндашувга суянганлигини намоён этади. Бу эса мамлакатнинг хавфсизлик ва барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим назарий ҳамда амалий асос ҳисобланади.

Г.Юлдашева Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилар экан, олиб борилаётган фаол ташқи сиёсат амалдаги ҳокимият учун мақсад эмас, балки мамлакатнинг ички ривожланиш эҳтиёжларига ҳамда жаҳонда юз бераётган жараёнларга тезкор жавоб бериш воситаси эканлигини таъкидлайди. Ташқи сиёсатда илмий доираларда “юмшоқ куч” (soft power) сифатида ўрганиладиган гуманитар йўналиш сезиларли даражада фаоллашганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилади[1].

Ташқи сиёсатни фақат восита сифатида қараш бир қатор хавфларни юзага келтиради. Чунки ҳар қандай давлат ташқи сиёсатида миллий манфаатларни илгари суришнинг ўзи ҳам стратегик мақсад ҳисобланади. Агар уни мутлақ восита сифатида кўрилса, ташқи сиёсатнинг мустақил қиммати етарлича эътироф этилмаслиги мумкин.

Г.Юлдашева таъкидлаганидек, гуманитар йўналишдаги “юмшоқ куч” сиёсати сўнгги йилларда фаоллашгани тўғри. Бироқ бу борада полемик савол туғилади: “юмшоқ куч” миллий хавфсизлик ва ички барқарорлик учун етарли механизм сифатида хизмат қиладими ёки у фақат ташқи имиж ва халқаро нуфузни ошириш воситасимикан? Илмий жиҳатдан “юмшоқ куч” ташқи сиёсатнинг муҳим элементи ҳисобланади, аммо унинг самараси кўп ҳолларда иқтисодий барқарорлик ва сиёсий ислоҳотлар билан уйғун ҳолда намоён бўлади.

Юқорида келтирилган олимнинг фикри либералистик ёндашувга яқин, чунки у ташқи сиёсатнинг инсонпарварлик, ҳамкорлик ва “yumshoq kuch” орқали таъсир кўрсатиш функцияларини алоҳида қайд этади. Бироқ реалистик парадигма нуқтаи назаридан, ташқи сиёсат ҳеч қачон фақат восита эмас — у давлатнинг куч ва таъсирини таъминлашнинг стратегик йўлидир. Демак, бу ерда икки мактаб ўртасидаги илмий мунозарали масала яққол кўзга ташланади.

Амалиёт нуқтаи назаридан, Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида “юмшоқ куч” йўналиши, албатта, кучайган. Бироқ у барқарор ривожланиш учун ягона восита эмас, балки “қаттиқ куч” (hard power) ва иқтисодий дипломатия билан уйғун тарзда қўлланилмоқда. Шу жиҳатдан, юқорида илгари сурилган фикрда муайян чегараланиш бор: ташқи сиёсат фақат ички ривожланиш воситаси эмас, балки миллий хавфсизликни таъминловчи мустақил стратегик мақсад ҳамдир.

Г.Юлдашева фикри Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг прагматик ва амалий хусусиятларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ илмий полемика нуқтаи назаридан, ташқи сиёсатни фақат восита сифатида талқин қилиш унинг мустақил

[1] Юлдашева Г.Ю. Внешняя политика Нового Узбекистана и его особенности, www.oriens.uz/media/journalarticles/35_%D0%AE%D0%BB%D0%B4%D0%B0%D1%88%D0%B5%D0%B2%D0%B0_%D0%93%D0%BE%D0%B2%D1%85%D0%B5%D1%80%D0%B6%D0%B0%D0%BD_271-279.pdf

стратегик аҳамиятини чеклайди. Шунинг учун Янги Ўзбекистон ташқи сиёсати “юмшоқ куч” орқали халқаро майдонда нуфузни ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади, бироқ у бир вақтнинг ўзида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва давлат кучини мустаҳкамлашнинг асосий мақсадларидан бири сифатида ҳам намоён бўлади.

С.Саидолимовни таъкидлашича, “янгича қараш ва ёндашувлар асосида олиб борилган ички сиёсат, унинг мантиқий давоми сифатида мамлакат ташқи сиёсатида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу борада айниқса, қўшни давлатлар яқин дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ташқи сиёсатнинг устувор тамойиллари сифатида белгилаб олингани муҳим аҳамият касб этмоқда”[1].

Бу ёндашув Ўзбекистон ташқи сиёсатининг прагматик ва конструктив табиатини намоён этиб, минтақавий барқарорликни таъминлаш ҳамда чегарадош давлатлар билан ишончли муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, бундай йўналиш ташқи сиёсатнинг глобал жараёнлар билан уйғун тарзда юритилишини талаб этади. Демак, қўшни давлатлар билан ҳамкорликка таянган сиёсат нафақат минтақавий барқарорликка хизмат қилади, балки Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги позицияларини мустаҳкамлашга ҳам замин яратади.

АҚШнинг Хадсон институтининг Сиёсий-ҳарбий талқиқотлар маркази директори Ричард Вайтзнинг (Richard Weitz) фикрига кўра, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати сўнгги ўн йилликларда биринчи марта катта ўзгаришлар юз тутмоқда. Ўзбекистоннинг янги Президенти Ш. Мирзиёев томонидан ташқи иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўшнилар билан низоларни бартараф этиш, чегара ва ўзаро ташрифлардаги чекловларини юмшатиш, Марказий Осиё давлатлари бирдамлигини ошириш бўйича олиб бораётган янги сиёсий ташаббуслари ушбу ўзгаришларда муҳим рол ўйнади[2].

Франциянинг Марказий Осиёни ўрганиш институти (IFEAC) минтақавий директори Кэтрин Пужолни (Catherine Poujol) фикрига кўра, замонавий Ўзбекистон ташқи сиёсатида минтақада доирасида ҳам, шунингдек халқаро миқёсда ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда ҳамда Ўзбекистон ўзининг кўп векторли очиқлик сиёсатини мустаҳкамлаб бораётгани яққол намоён бўлмоқда[3].

Юқорида келтирилган олимларнинг фикрлари таҳлилидан кўринадики, Янги Ўзбекистон ташқи сиёсати илгари амал қилиб келган айрим стереотиплардан фарқли ўлароқ, чинакам миллий манфаатларга асосланган, прагматик ва конструктив йўналишга эга бўлиб бормоқда. С.Сафоев таъкидлаганидек, бу сиёсатнинг асосида давлатлараро объектив қарама-қаршиликлар шароитида муроса ва мулоқотга тайёрлик,

[1] Саидолимов С.И. Ўзбекистон ташқи сиёсати: туб миллий манфаатлар асосида қурилган фаол ва прагматик йўл, www.supportscience.uz/index.php/ojhpl/article/view/150/132

[2] Weitz, Richard (2018). Uzbekistan’s new foreign policy: Change and continuity under new leadership” in S. Frederich Starr and Svante E. Cornell (eds.), Uzbekistan’s New Face. Langam: Rowman & Littlefield, https://www.silkroadstudies.org/publications/silkroad-papers-and-monographs/item/13273-uzbekistans-n

[3] Poujol, Catherine (2021). “International relations in Central Asia: A focus on foreign policies”. Jeroen Van den Bosch, Adrien Fauve and Bruno De Cordier (eds.), European Handbook of Central Asian Studies: History, Politics and Societies. Stuttgart.

бироқ миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш тамойили ётади. Бу ҳолат Ўзбекистон ташқи сиёсатида миллий манфаат ва глобал мулоқотнинг уйғунлигини кўрсатади.

Г. Юлдашева фикрлари эса ташқи сиёсатнинг мақсад сифатида эмас, балки ички ривожланиш эҳтиёжларига хизмат қилувчи восита сифатида намоён бўлаётганини кўрсатади. Айниқса, "юмшоқ куч" стратегиясининг фаол қўлланилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатини замонавий халқаро муносабатлар тенденцияларига уйғунлаштирмоқда.

С. Саидолимовнинг қарашларидан келиб чиқсак, мамлакатда олиб борилган ислоҳотлар ички сиёсатда қандай янгича ёндашувларни юзага келтирган бўлса, ташқи сиёсатда ҳам айнан шундай очиқлик ва қўшничиликка йўналтирилган стратегияни таъминламоқда. Бу эса Марказий Осиё минтақасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун асосий мезон сифатида хизмат қилади.

Хорижий олимлар, жумладан Ричард Вайтз ва Кэтрин Пужол таъкидлаганидек, Ўзбекистон ташқи сиёсати сўнгги йилларда туб ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Президент Ш. Мирзиёев ташаббуси билан қўшни давлатлар билан чегарадаги низоларни ҳал этиш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва минтақавий интеграцияни кучайтириш жараёнлари амалга оширилмоқда. Бу эса халқаро майдонда Ўзбекистоннинг кўп векторли ва очиқ ташқи сиёсатини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шу боис, диссертант сифатида қайд этиш мумкинки, миллий ва хорижий олимлар фикрлари бир нуқтада уйғунлашади: замонавий Ўзбекистон ташқи сиёсати халқаро ҳамкорлик, жумладан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик учун ҳам самарали платформа яратиб, мамлакатнинг миллий хавфсизлиги ва минтақавий барқарорликни таъминлашда стратегик омилга айланмоқда.

Маҳаллий ва хорижий олимларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистон ташқи сиёсий соҳада мутлақо янгича форматда фаолият олиб бормоқда. Бу жараёнда, айниқса, ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлик муносабатларини чуқур таҳлил қилиш, унда кечаётган тенденцияларни белгилаш ҳамда истиқболларини илмий асосда белгиловчи таклифларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, илмий изланишларда "халқаро ҳамкорлик" тушунчасининг назарий-ҳуқуқий мазмун-моҳияти ва унинг таркибий элементларини изчил ўрганиш талаб этилади.

Терминологик жиҳатдан "ҳамкорлик" атамасига луғатларда мустақил таъриф берилмаган бўлса-да, "ҳамкорлик қилмоқ" феъли орқали ифода этилади. А.Мадвалиев таҳрири остида 2008 йилда нашр этилган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "ҳамкорлик" қуйидагича таърифланади: иш ёки фаолиятда биргаликда қатнашиш, тенглик асосида амалга ошириш; муайян соҳада ўзаро боғланиб, биргаликда иш юритиш[1].

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд// Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.: Т. 2008. 500 б.

Шу нуқтаи назардан, “ҳамкорлик” атамаси манфаатдор субъектларнинг муайян мақсадга эришиш йўлидаги биргаликдаги ҳаракатлари сифатида талқин қилиниши мумкин. Халқаро кўламда эса мазкур ҳамкорлик халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида амалга оширилади.

А.В. Крысанов “халқаро ҳамкорлик” атамасини икки йўналишда кўриб чиқишни таклиф этади: халқаро ҳуқуқнинг умумий принципи сифатида; анфаатдор субъектларнинг бевосита амалий фаолияти сифатида[1].

А.В.Крысановнинг икки қиррали талқини “халқаро ҳамкорлик” тушунчасини тўла қамраб олади. Бироқ айрим олимлар бу икки йўналиш ўртасида устуворлик масаласини ҳам кўтарадилар: принцип сифатидаги ҳамкорлик назарий жиҳатдан барқарорликни таъминласа-да, амалий фаолиятнинг самарадорлиги унга тўлақонли амал қилинишига боғлиқ бўлади.

Шу тариқа, мазкур икки ёндашув бир-бирини тўлдирувчи ва уйғунлашувчи ҳолда халқаро ҳамкорликнинг назарий ва амалий асосларини белгилаб беради.

Ҳуқуқшунос А.Саидов тўғри таъкидлаганидек, халқаро ҳамкорлик тамойили фақат XX асрда анъанавий мустаҳкамланишга эришиб, ҳозирги кўринишда умумбашарий эътирофга сазовор бўлди[2].

А.Саидовнинг мазкур фикри тўғри ва илмий жиҳатдан асослидир. Чунки халқаро ҳамкорлик тамойили қадимдан мавжуд бўлган бўлса-да, унинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши ва умумбашарий эътирофга эришиши айнан XX асрда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми ва турли декларациялар қабул қилинганидан сўнг амалга ошди. Демак, халқаро ҳамкорлик бугунги кўринишида универсал ҳуқуқий ва сиёсий қадрият сифатида шаклланганини таъкидлаш мумкин.

Халқаро муносабатлар соҳасини тартибга солувчи асосий ҳужжат — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомидир. У давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимларидаги фарқлардан қатъи назар, ҳар томонлама ҳамкорлик ғоясига асосланади. Низомга мувофиқ, давлатлар иқтисодий, ижтимоий, маданий-гуманитар соҳалардаги халқаро муаммоларни ҳал этишда, шунингдек халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда халқаро ҳамкорликни амалга оширишлари ва бу йўлда самарали коллектив чоралар кўришлари шарт[3].

Кейинчалик халқаро ҳамкорлик тамойили янада аниқ мазмун касб этди. Хусусан, БМТ Низомига мувофиқ қабул қилинган “Давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка оид халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларация”да давлатлар қуйидагиларга риоя қилишга даъват этилган: халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда ҳамкорлик қилиш; барча учун инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига умумбашарий ҳурмат ва риоя этилишини таъминлаш, ирқий камситиш ва диний муросасизликнинг барча шаклларига барҳам беришда биргаликда ҳаракат

[1] Крысанов А.В. Международное сотрудничество: общетеоретическое и правовое измерение // Вестник Уральского института экономики и права. Екатеринбург. 2018. стр. 24

[2] Саидов А. Х. Халкаро хукук: Дарслик. — Тошкент.: Адолат, 2001. 16 б.

[3] Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми. Ўзбек тилида, www.unic.un.org/aroundworld/unics/common/documents/publications/uncharter/charter_Uzbek.pdf

қилиш; иқтисодий, ижтимоий, маданий, техник ва тижорат соҳаларидаги муносабатларни суверен тенглик ва ички ишларга аралашмаслик тамойиллари асосида юритиш; БМТга аъзо давлатлар Низомда назарда тутилган қўшма ва индивидуал чораларни амалга оширишлари шарт[1].

Дарҳақиқат, Декларация (1970) БМТ Низоми тамойилларини аниқлаштириб, уларни кенг эътироф этилган одат ҳуқуқи меъёрлари даражасига кўтарган ҳужжатдир. У суверен тенглик, куч ишлатмаслик, ички ишларга аралашмаслик, тинч йўл билан низоларни ҳал этиш, инсон ҳуқуқларига ҳурмат ва ҳамкорлик мажбуриятини бир бутун норматив пакет сифатида мустаҳкамлайди. Шу боис, у давлатлар учун илтижо эмас, ҳуқуқий мажбуриятлар тўпламини белгилайди ва БМТ доирасида қўшма/индивидуал чоралар қонуний асосини аниқлайди. Амалий жиҳатдан, бу тамойиллар минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш билан бирга, суверен тенглик ва аралашмаслик чегараларига қатъий риоя этишни талаб қилади.

Шунингдек, халқаро ҳамкорлик тамойили минтақавий даражада ҳам кенг қўлланилган. Масалан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича конференциянинг Якуний ҳужжатида иштирокчи давлатлар тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро ишонч ва тушунишни мустаҳкамлаш, дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш орқали халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни таъминлашга даъват этилган[2]. Шу каби тамойиллар МДҲ, ШҲТ, АСЕАН ва бошқа минтақавий ташкилотлар Низомларида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизнинг халкаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканлиги ҳамда давлатлар ва халкаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташки сиёсатни амалга ошириши белгилаб қўйилган[3].

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқда халқаро ҳамкорлик тамойили халқаро ҳуқуқ субъектлари фаолиятининг фундаментал асоси бўлиб, халқаро норматив актлар орқали улар учун мажбурий хусусият касб этади.

“Халқаро ҳамкорлик” тушунчасини юқорида қайд этилган иккинчи маънода, яъни халқаро ҳуқуқнинг манфаатдор субъектларининг бевосита биргаликдаги фаолияти нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, “халқаро ҳамкорлик” деганда ўзбекистонлик олимлар Р.А.Тузмухамедов, Р.Т. Хакимовларнинг талқинига кўра халқаро ҳуқуқ субъектларнинг умумий манфаатлар доирасидаги қўшма ҳаракатлари, ўз позицияларини уйғунлаштириш, умумий муаммоларни ҳал қилиш ва ўзаро мақбул

[1] Декларация о принципах международного права, касающихся дружественных отношений и сотрудничества между государствами в соответствии с Уставом Организации Объединенных Наций, www.https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/intlaw_principles.shtml

[2] Заключительный Акт Совещании по безопаности и сотрудничестве в Европе. Хельсинки. 1975 https://www.osce.org/ru/ministerial-councils/39505

[3] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. https://meningkonstitutsiyam.uz/uz.pdf

қарорларни қабул қилиш мақсадидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича ўзаро боғлиқ фаолияти тушунилади[1] .

Мазкур талқинлар “халқаро ҳамкорлик”ни норматив шиор эмас, балки амалий-операцион жараён сифатида очиб беради: позицияларни уйғунлаштириш, қўшма ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва ўзаро мақбул қарорлар қабул қилиш. Бу ёндашувнинг кучли томони — ҳамкорлик самарасини шартномалар, институтлар (БМТ органлари, минтақавий ташкилотлар), қўшма ишчи гуруҳлар, ахборот алмашинуви протоколлари каби аник механизмлар орқали ўлчаш имконияти. Самарадорлик мезонлари сифатида умумий манфаатлар конвергенцияси, институционал зичлик, реципроцитет, мониторинг-ижро ва низоларни ҳал этиш тартиблари кўрсатилади. Шу билан бирга, куч асимметрияси, суверенитет сезгирлиги, транзакцион харажатлар ва “символик ҳамкорлик” хавфи каби чекловлар мавжуд. Демак, мазкур талқин биринчи — “принцип” сифатидаги талқинни тўлдириб, халқаро ҳамкорликнинг қонун-қоидаларга таянган амалий архитектурасини тушунтириб беради.

М.А. Мунтяннинг фикрига кўра, “халқаро ҳамкорлик” икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнини акс эттиради, бунда қуролли зўравонликдан фойдаланиш истисно қилинади ва умумий манфаатларни амалга ошириш имкониятларини биргаликда қидириш устунлик қилади. Умумий тушунчадан фарқли ўлароқ, ҳамкорлик низоларнинг йўқлиги эмас, балки унинг экстремал, инқироз шаклларидан “қутилиш”дир[2].

Фикримизча, ушбу ёндашув халқаро муносабатларда ҳамкорликнинг амалий-операцион табиатини очиб беради: позицияларни уйғунлаштириш, режалаштириш ва мувофиқлаштириш, маълумот алмашуви, қўшма ишчи гуруҳлар, мониторинг ва баҳолаш механизмлари каби воситалар орқали умумий фойдани максималлаштиришга хизмат қилади. Амалий самарадорлик мезонлари сифатида манфаатлар конвергенцияси, эскалация хавфларининг пасайиши, қабул қилинган қарорларга риоя даражаси ҳамда келгусидаги биргаликдаги ҳаракатлар учун барқарор меъёрий-институционал асоснинг шаклланиши қайд этилади. Шу билан бирга, куч асимметрияси, суверенитетга сезгирлик ва транзакцион харажатлар каби омиллар ҳамкорликнинг реал чегараларини белгилаб беради, бу эса ҳамкорликни доимий равишда адаптив бошқаришни тақозо этади.

Халқаро муносабатлар назариясида халқаро ҳамкорлик тушунчасини дипломатия орқали тушунтиришга уринишлар ҳам мавжудлигини таъкидалб ўтиш лозим. Жумладан, европалик тадқиқотчи Бета Сурмак таъкидлаганидек, что “халқаро ҳамкорлик” каби “дипломатия” тушунчаси ҳам одатда кўпчилик томонидан интуитив шаклда тушунилиши кузатилади, лекин уни концептуал томондан таҳлил қилишга уринилганда ушбу тушунчанинг нақадар мураккаб эканлиги намоён бўлади[3]. Демак,

[1] Тузмухамедов Р.А., Хакимов Р.Т. Халқаро ҳукук асослари: Ўқув қўлланмаси. — Тошкент.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998, 41 б.

[2] Мунтян М.А. Основы теории международных отношений: Учебное пособие. М., 2007. С 270.

[3] Surmacz, Beata. Ewolucja współczesnej dyplomacji: aktorzy, struktury, funkcje. Wydawnictwo Uniwersytetu Marii Curie-Skłodowskiej, 2015, p 25.

илмий тадқиқотда дипломатияни фақат “интуитив маъно” билан чеклаш эмас, балки унинг мақсад–восита, субъект–муҳит ва жараён–натижа ўқларидаги ўзаро боғлиқликларини аниқлаш зарур. Бошқа бир европалик олим Андрей Галганикнинг фикрига кўра эса, дипломатия халқаро ҳамкорликнинг муҳим қисми ҳисобланади ва қоида тариқасида ушбу тушунча давлатларнинг ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, бошқа давлатлар билан алоқаларини ўрнатиш учун қўллайдиган усул ва воситалар тизимини англатади[1].

Ушбу икки ёндашувни уйғун қиладиган илмий хулоса шундан иборатки: дипломатия – бир вақтнинг ўзида принципларга таянган институционал амалиёт ва манфаатларга йўналтирилган амалий инструмент бўлиб, уни эмпирик таҳлил этишда музокара, воситачилик, жамоат) ва кўп трекли (Track 1.5/2) форматлар ҳамда мувофиқлик ва самарадорлик индикаторларини инобатга олиш талаб этилади.

Британиялик олим Питер Маршаллнинг сўзларига кўра, дипломатия тушунчаси қўлланиладиган камида бир нечта асосий маъноларни ажратиш мумкин: биринчиси, ташқи сиёсатнинг синоними ёки ушбу (инструментал) сиёсатни олиб бориш усули сифатида; иккинчиси, музокаралар ёки тинч характердаги бошқа чоралар орқали халқаро муносабатларни тартибга солиш жараёни сифатида; учинчиси, хорижий хизматларда ишлайдиган мутахассислар жамоаси сифатида; тўртинчиси, мазкур атама профессионал дипломатларнинг иқтидори ёки маҳоратини белгилашда ҳам қўлланилади[2].

Кўриниб турибдики, халқаро ҳамкорликни илмий жиҳатдан ўрганишда олимлар томонидан турлича ёндашув ва қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар халқаро ҳамкорликни тинчлик ва барқарорликни таъминлашни, бошқаларини аксинча низоларни олдини олиш ёки кам миқдордаги зарар билан чиқишни асос сифатида кўришса, бошқалари ҳар бир давлатнинг миллий манфаатларини бош омил сифатида қарашади ҳамда ушбу жараённи ўзгарувчан эканлигига эътибор қаратишади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, назаримизда, ***“халқаро ҳамкорлик”*** деганда халқаро ҳуқуқ субектларининг халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига мувофиқ умумий мақсад ва вазифаларга асосланган биргаликдаги фаолияти деб тушуниш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Халқаро ҳамкорликнинг мазмун-моҳияти у амалга оширилаётган соҳанинг хусусиятига қараб сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин, зеро соҳалар жуда хилма-хил. Одатда, муайян тармоқдаги халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналиш ва устувор вазифалари тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солувчи қонунларда мазкур фаолият Республика қўшилган (ратификация қилинган) халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳамда миллий қонунчилик нормалари асосида амалга оширилиши шартлиги қайд этилган.

---

[1] Gałganek, Andrzej. "Teoria stosunków międzynarodowych a filozofia nauki." Przegląd Strategiczny 3.2 (2013): 13-48.

[2] Drab, Lech Defence diplomacy – an important tool for the implementation of foreign policy and security of the state, https://securityanddefence.pl/Defence-diplomacy-an-important-tool-for-the-implementation-of-foreign-policy-and,103330,0,2.html

Шуни таъкидлаш керакки, давлатлараро ҳамкорлик маълум шартлар мавжуд бўлмаса пайдо бўлмайди. П.А.Цыганков халқаро ҳамкорлик учта элементнинг мавжудлигини ўз ичига олади, деб, фикр билдирган. Булар: шерик давлатларнинг умумий мақсадларга эгалиги; уларнинг ҳамкорликдан манфаат кутишлари; манфаатнинг ўзаролик тамойили[1].

Биринчи элемент ҳамкорликка стратегик йўналиш беради, иккинчиси рационал мотивацияни таъминлайди, учинчиси эса итератив ўзаро муносабатларда ишонч ва узлуксизликни қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, ушбу конструкциянинг амалий чегаралари ҳам мавжуд: қудрат асимметрияси шароитида ўзаролик изчил ишлаши қийинлашиши, жамоат неъматлари билан боғлиқ "бепул фойдаланувчи" хавфининг юзага келиши, шунингдек "умумий мақсад" категориясининг динамик ва баъзан ноаниқ бўлиши натижада келишилганликни формал даражада қолдириши мумкин.

Таърифни амалиётга кўчиришда (операционаллаштиришда) қуйидаги кўрсаткичлар муҳим: умумий баёнот ва меморандумлар, қўшма ишчи гуруҳлар ҳамда мувофиқлик-мониторинг механизмларининг мавжудлиги; савдо ва инвестициялар ҳажми, қўшма лойиҳалар ва машқлар сони, низоларни тинч йўл билан ҳал этишдаги мувофиқлик даражаси; реципроцитетнинг тезкор ва кечиктирилган шакллари қайд этилиши. Назарий нуқтаи назардан, либерал институционализм ушбу учликни институтлар орқали транзакцион харажатларни камайтириш ва ишончни ошириш механизми сифатида талқин қилса, неореализм нисбий фойда ва хавфсизлик дилеммаси сабаб ўзароликни етарли шарт деб билмайди. Шу сабаб, Цыганков модели ҳамкорликнинг концептуал "ҳаритаси"ни берса-да, уни барқарор амалиётга айлантириш учун шаффофлик, мониторинг ва ижро, инсентив/санкция тизимлари, ички сиёсий омилларни ҳисобга олиш ҳамда хавфларни бошқариш (эскалацияни олдини олиш, deterrence) каби институционал дизайн ечимлари билан тўлдириш зарур.

Ушбу жиҳатлар орасида айнан ўзаро манфаатдорлик тамойили халқаро ҳамкорлик алоқаларининг узоқ ва барқарор бўлишига бирламчи таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, халқаро ҳамкорлик шакллари доимий равишда ўзгариб борадиган тушунча бўлиб, уни назарий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш ҳозирги замон жаҳон сиёсатининг долзарб муаммоларига ҳар томонлама илмий асосланган амалий ечимларни таклиф қила олиш имконини бериши сабабли долзарб аҳамиятга эга.

"Халқаро ҳарбий ҳамкорлик" тушунчасини ўрганишда мазкур сўз бирикмасининг таркибий қисмлари бўлган "халқаро ҳамкорлик" ва "ҳарбий" тушунчаларини алоҳида ўрганиб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

"Халқаро ҳамкорлик" атамаси мазмунини чуқурроқ таҳлил этганда, уни фақат давлатлар ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги алоқаларнинг умумий ифодаси сифатида эмас, балки халқаро ҳуқуқ субектларининг барча турлари томонидан амалга ошириладиган, ўзаро мувофиқлаштирилган ва мақсадли жараён сифатида англаш мумкин. Бунда мазкур ҳамкорлик халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда умумий эътироф этилган тамойилларга асосланиб, глобал ёки минтақавий хавфсизлик, барқарор

[1] Цыганков П.А. Теория международных отношений. Учебное пособие. М., 2003. С 590.

ривожланиш, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, шунингдек инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш каби умумий мақсад ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилади.

“Ҳарбий” сўзига келадиган бўлсак, А. Мадвалиевнинг умумий таҳрири остидаги 2008 йилда нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ҳарб” сўзи “уруш, жанг” маъносини билдириши айтилган бўлса, “ҳарбий” сўзига қуйидагича таъриф берилган: 1. Урушга алоқадор; уруш, жанг ишлари билан боғланган; 2. Армияга, ҳарбий хизматга оид; 3. Армиядаги, ҳарбий ишдаги киши, ҳарбий хизматчи; 4. Ҳарбий хизмат, армия[1].

Таърифнинг лексик таҳлили шуни кўрсатадики, “ҳарбий” атамаси бир вақтнинг ўзида ҳам институт, ҳам фаолият, ҳам шахсни ифода этувчи кўп қиррали тушунча сифатида намоён бўлади. Шу жиҳатдан, мазкур атаманинг қўлланилиши фақат тилшунослик нуқтаи назаридан эмас, балки ҳуқуқшунослик, давлат бошқаруви ва хавфсизлик соҳаларида ҳам муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Зеро, ҳуқуқий адабиётларда “ҳарбий” атамаси кўп ҳолларда ҳарбий хизматни ўташ жараёни, ҳарбий интизом, ҳарбий тайёргарлик, ҳарбий мажбуриятлар ва ҳарбий жиҳозлар каби институтлар билан боғлиқ ҳолда қўлланилади. Шу маънода, луғатда берилган таъриф ушбу атаманинг ҳуқуқий ва институционал мазмунини чуқурроқ очиш имконини беради.

Ҳозирги кунда “халқаро ҳарбий ҳамкорлик” тушунчасига турлича таъриф ва ёндашувлар мавжуд. Жумладан, БМТ Низомида, аъзо давлатлар “халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва шу мақсадда тинчликка таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, тажовузкорлик ҳаракатлари ёки тинчликнинг бошқа бузилишини бостириш бўйича самарали коллектив чораларни кўриш ҳамда халқаро низолар ёки тинчликнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни ҳал қилишни адолат ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ тинч йўл билан амалга ошириш” мақсадида ҳамкорликни амалга оширишлари белгилаб қўйилган[2].

Ҳарбий фан нуқтаи назаридан “халқаро ҳарбий ҳамкорлик” – бу халқаро ҳуқуқ нормалари ва умумий эътироф этилган хавфсизлик тамойилларига асосланган ҳолда турли давлатларнинг қуролли кучлари ва ҳарбий тузилмаларининг ўзаро мувофиқлаштирилган фаолияти сифатида изоҳланади. Унинг моҳиятини очишда бир нечта илмий ёндашувлар ажратиб кўрсатилади. Бу илмий ёндашувларни шартли равишда қуйидагиларга бўлиб, илмий таҳлил қилишимиз мумкин: стратегик ёндашув, институционал ёндашув, функционал ёндашув, илмий-назарий ёндашув ҳамда амалиётга йўналтирилган ёндашув.

Ушбу ***бешта асосий ёндашувни*** олимлар қарашлари ва манбалар билан таҳлил қилиб чиқамиз. *Стратегик ёндашув* тарафдорларидан К. Клаузевиц ўзининг машҳур “Vom Kriege” асарида урушни “сиёсатнинг бошқа йўллар билан давоми” сифатида талқин қилиб, ҳарбий ҳамкорликни давлатлар стратегик мақсадларига эришиш

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд// Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.: Т. 2008. 508 б.
[2] Устав ООН, https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text

воситаси сифатида кўради. Унинг фикрича, давлатлар хавфсизлигини таъминлашда халқаро ҳарбий иттифоқлар ва ҳамкорлик тизимлари муҳим аҳамият касб этади[1].

К. Клаузевицнинг қарашларидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ҳарбий ҳаракатлар ҳеч қачон сиёсий манфаатлардан ажралган ҳолда амалга оширилмайди. Шу боис, халқаро ҳарбий ҳамкорлик ҳам давлатлар ташқи сиёсатининг мантиқий давоми сифатида кўрилади. Зотан, давлат хавфсизлигини таъминлашда ягона давлатнинг ички кучлари етарли бўлмаслиги мумкин. Шу ҳолда ҳарбий иттифоқлар, минтақавий ва глобал ҳамкорлик тизимлари давлатлар учун стратегик устунлик ва барқарорликка эришишнинг муҳим воситасига айланади. Масалан, НАТО ёки КХШТ каби тизимларнинг шаклланиши айнан Клаузевиц назариясининг амалий кўриниши сифатида баҳоланиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, унинг таълимоти ҳозирги замон ҳарбий сиёсий муносабатларида ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Чунки XXI асрдаги глобал таҳдидлар (терроризм, экстремизм, кибержиноятчилик ва геосиёсий рақобат) давлатларнинг миллий хавфсизлигини таъминлашда биргаликда ҳаракат қилиш заруратини янада кучайтиради.

Навбатдаги *институционал ёндашув* тарафдорларидан К. Валикхи ва Ж.Гленнинг “Security Studies” номли асарида таъкидланишича, халқаро ҳарбий ҳамкорлик фақат давлатлар ўртасида эмас, балки НАТО, БМТнинг тинчликпарвар кучлари, КХШТ, ШҲТ каби институционал тузилмалар орқали амалга ошади. Муаллифлар халқаро ташкилотларнинг ҳарбий ҳамкорликдаги ролини “коллектив хавфсизликнинг пойдевори” сифатида баҳолайди[2].

Ҳарбий фан нуқтаи назаридан, институционал ёндашувнинг аҳамияти шундаки, у қўшма ҳарбий ҳаракатларни мувофиқлаштириш, умумий стандартларни жорий этиш ва турли давлат қуролли кучларининг “биргаликда ҳаракат қила олиш қобилияти” (interoperability)ни таъминлайди. Масалан, НАТО доирасида ишлаб чиқилган ягона ҳарбий стандартлар (STANAG) аъзо давлат армияларининг бир қатор операцияларда уйғун ҳаракат қилишини кафолатлайди.

Муаллифларнинг “коллектив хавфсизликнинг пойдевори” деган таъкидидан кўринадики, халқаро ташкилотлар нафақат ҳарбий кучларни бирлаштириш, балки давлатлар ўртасида ишонч, сиёсий барқарорлик ва стратегик барқарорлик муҳитини таъминлаш воситаси сифатида хизмат қилади. Бу эса глобализация ва трансмиллий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда халқаро ҳарбий ҳамкорликнинг институционал моделини ҳарбий назария ва амалиётнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилайди.

Кейингиси *функционал ёндашув* бўлиб, ушбу ёндашув тарафдорларидан С.Хантингтон ўзининг “The Soldier and the State” асарида ҳарбий ҳамкорлик вазифаларини кенг қамровда ёритади. Унинг фикрича, давлатлар ўртасидаги ҳарбий

[1] Clausewitz, Carl von. Vom Kriege. Berlin: Dümmlers Verlag, 1832, S. 45–52.

[2] Baylis, John; Wirtz, James; Gray, Colin. Strategy in the Contemporary World: An Introduction to Strategic Studies. Oxford: Oxford University Press, 2019, pp. 187–193.

ҳамкорлик нафақат урушдаги иттифоқчиликни, балки тинчлик шароитида терроризмга қарши кураш, чегара хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий тайёргарлик ва ахборот алмашинувини қамраб олади[1].

Ҳарбий фан нуқтаи назаридан, С.Хантингтоннинг бу қарашлари замонавий хавфсизлик муҳитининг трансмиллий хусусиятларини очиб беради. Чунки XXI асрда таҳдидлар миллий чегаралар билан чекланмайди, балки глобал миқёсда намоён бўлади. Шу боисдан, ҳарбий ҳамкорликнинг мақсади фақат иттифоқчилик ёки қўшма уруш ҳаракатлари эмас, балки кенг қамровли хавфсизликни таъминлашда давлатларнинг институционал, стратегик ва тактик уйғунлигини шакллантиришдан иборатдир.

Бу нуқтаи назар, айниқса, Марказий Осиёдаги хавфсизлик сиёсатида муҳим аҳамият касб этади. Чегара хавфсизлиги, наркотрафик ва трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш, қўшма машқлар ва ахборот алмашинуви орқали амалга ошириладиган ҳарбий ҳамкорлик ҳудудий барқарорликни мустаҳкамлайди.

Шу тариқа, С.Хантингтоннинг таълимоти халқаро ҳарбий ҳамкорликнинг назарий ва амалий доирасини кенгайтириб, уни фақат ҳарбий тўқнашувларнинг биргаликдаги бошқарилиши эмас, балки тинчликда хавфсизликни таъминлашнинг универсал механизми сифатида талқин этади.

Тўртинчиси, *илмий-назарий ёндашув* бўлиб, мазкур йўналиш таърафдорларидан Ж. Мёршеймернинг “The Tragedy of Great Power Politics” асарида қайд этилганидек, халқаро ҳарбий ҳамкорлик – бу геосиёсий рақобат шароитида давлатларнинг ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун амалга оширган биргаликдаги ҳаракатидир. У “коллектив хавфсизлик” концепциясини назарий жиҳатдан асослаб, уни ҳарбий ҳамкорликнинг назарий пойдевори сифатида кўрсатади[2].

Фикримизча, муаллиф илгари сурган “коллектив хавфсизлик” концепцияси ҳарбий ҳамкорликнинг назарий пойдевори сифатида хизмат қилади. Бу ёндашувга кўра, бир давлатга таҳдид барчага таҳдид сифатида қаралади ва шу боис хавфсизликка нисбатан жавоб чоралари жамоавий характер касб этади. Унинг назарияси амалда НАТО, КХШТ ва ШҲТ каби тузилмаларнинг шаклланиши ва фаолиятида ўз ифодасини топганини кўриш мумкин.

Ҳарбий фан нуқтаи назаридан, бу таълимот замонавий халқаро муносабатлардаги мувозанат ва барқарорликни сақлашнинг муҳим илмий-назарий асосларидан бири ҳисобланади. Чунки геосиёсий рақобат шароитида ҳар бир давлатнинг алоҳида ҳаракатлари етарли эмас, балки хавф-хатарларга қарши биргаликдаги чора-тадбирларгина самарали натижа бериши мумкин.

Шу тариқа, Ж.Мёршеймернинг қарашлари халқаро ҳарбий ҳамкорликнинг стратегик аҳамиятини очиб бериб, уни нафақат миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, балки глобал барқарорликка эришишнинг ҳам муҳим шарти сифатида кўрсатади.

---

[1] Huntington, Samuel P. The Soldier and the State: The Theory and Politics of Civil–Military Relations. Cambridge: Harvard University Press, 1957, pp. 71–79.

[2] Mearsheimer, John J. The Tragedy of Great Power Politics. New York: W.W. Norton & Company, 2001, pp. 156–164.

Навбатдаги ёндашув, амалиётга йўналтирилган ёндашув бўлиб, НАТОнинг 2010 йилдаги “Strategic Concept for the Defence and Security of the Members of the North Atlantic Treaty Organisation” ҳужжатининг III бўлимида халқаро ҳарбий ҳамкорлик амалиётида “interoperability” – яъни турли давлат қуролли кучларининг биргаликда ҳаракат қила олиш қобилияти алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган[1].

Юқорида келтирилган илмий ёндашувлардан кўриниб турибдики, “халқаро ҳарбий ҳамкорлик” тушунчаси стратегик, институционал, функционал, назарий ва амалий жиҳатларда турлича талқин қилинади. Бироқ уларнинг барчасини бирлаштириб турувчи умумий жиҳат – бу халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда давлатлар хавфсизлигини таъминлаш ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадидир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (кейинги ўринларда – МДҲ) аъзо давлатларнинг ҳарбий ҳамкорлиги бўйича Концепциясида ҳарбий ҳамкорлик яхши қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлаш, ишонч чора-тадбирларини чуқурлаштириш, миллий Қуролли Кучларни ривожлантириш, кенг ҳамкорлик муносабатлари орқали МДҲга аъзо давлатларнинг биргаликдаги ва миллий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятни назарда тутиши қайд этилган[2].

МДҲга аъзо давлатлар ҳарбий ҳамкорлиги тўғрисидаги Концепцияда белгиланган вазифалар – яъни яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, ишонч чораларини чуқурлаштириш ва миллий қуролли кучларни ривожлантириш – ҳарбий фан нуқтаи назаридан коллектив хавфсизлик тамойилларига асосланган ёндашувни ифодалайди. Бу Концепция амалда давлатларнинг суверен тенглигига таянади, бироқ хавфсизлик таҳдидлари умумий бўлгани учун қўшма чоралар ва институционал механизмларни талаб қилади.

Шу жиҳатдан, ҳужжат МДҲ доирасидаги ҳарбий ҳамкорликнинг стратегик йўналишларини белгилаб бериб, бир томондан миллий армияларни модернизация қилишга, иккинчи томондан эса минтақавий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти (кейинги ўринларда – ШАШТ) Низомида, Ташкилотга аъзо-давлатлар ўз халқларининг эркинлиги, умумий мероси ва цивилизациясини ҳимоя қилиш ниятида, Шимолий Атлантика минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш ва фаровонликни ошириш, шунингдек жамоавий мудофаани яратиш ҳамда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида ҳарбий ҳамкорликни амалга оширишга келишилганлиги қайд этилган[3].

Халқаро хавфсизликни таъминлаш ва мудофаа соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласи назарий ва амалий жиҳатдан энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки глобализация жараёнлари, трансмиллий таҳдидлар, терроризм ва

[1] NATO. Strategic Concept for the Defence and Security of the Members of the North Atlantic Treaty Organisation. Lisbon Summit, 2010, Section III, pp. 14–17.

[2] Концепция военного сотрудничества государств – участников Содружества Независимых Государств до 2020 года, https://mil.ru/smosng/about/concept2020.htm

[3] Североатлантический договор НАТО, https://www.nato.int/cps/ru/natohq/official_texts_17120.htm

экстремизмнинг ўсиши, кибержиноятчилик ва минтақавий низоларнинг кучайиши натижасида ҳар бир давлатнинг миллий хавфсизлиги кўп жиҳатдан умумий ва биргаликдаги хавфсизлик тизимига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Р.Алимовнинг фикрига кўра, собиқ Иттифоқ парчалангандан сўнг Марказий Осиё давлатлари олдида турган стратегик вазифа миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммоларини инобатга олган ҳолда халқаро муносабатлар тизимида янги алоқаларни яратиш ҳисобланади. Айни вақтда мазкур жараён "хавфсизлик дилеммаси"[1] тузоғига тушмаслик талаб этилади.

Ҳарбий фан нуқтаи назаридан, бу жараён икки йўналишда намоён бўлди:

Бир томондан, давлатлар ўз миллий хавфсизлик стратегияларини шакллантириш, миллий армияларни яратиш ва уларнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашга эътибор қаратдилар.

Иккинчи томондан, умумий хавф-хатарлар (терроризм, экстремизм, чегара низолари, сув-энергетика муаммолари) давлатларни мажбурий тарзда минтақавий ва халқаро ҳамкорликка йўналтирди.

Муаллиф алоҳида урғу берган "хавфсизлик дилеммаси" тамойили шундан далолат берадики, агар давлатлар ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида куч ишлатиш воситаларини кескин кучайтирса, қўшни давлатларда бунга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади ва натижада барқарорликка таҳдид кучаяди. Шу боис, Марказий Осиё давлатлари хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда ишонч чоралари, дипломатик мувозанат ва ҳарбий ҳамкорлик механизмларини асосий восита сифатида қўллашлари зарур.

Шу маънода, Р. Алимовнинг фикри ҳарбий-илмий жиҳатдан шундай хулосага келтиради: Марказий Осиёда барқарор хавфсизликни таъминлаш фақат куч ишлатиш эмас, балки ишонч ва ҳамкорликка асосланган, халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, институционал механизмлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга, Марказий Осиё минтақасида узоқ муддатли хавфсизликни таъминлаш стратегияси чегара хавфсизлиги, банк тизими, малакали кадрларни тайёрлаш, давлат институтлари самарадорлигини ошириш соҳаларига узоқ муддатли техник ва молиявий ёрдам кўрсатишни назарда тутадиган халқаро муносабатларга асосланиши лозим[2].

Ш.Арифханов Марказий Осиё давлатлари хавфсизлигини англиялик машҳур олим Б.Бузаннинг "хавфсизлик мажмуи" термини билан боғлаган ҳолда тушунтириб, мазкур минтақада ҳеч бир давлат хавфсизлиги бошқа давлат хавфсизлигидан ажраган ҳолда тўлақонли таъминлаб бўлмаслигини таъкидлайди[3].

---

[1] Хавфсизлик дилеммаси – халқаро муносабатларда кенг тарқалган тушунча бўлиб, бир давлат томонидан ўз хавфсизлигини таъминлаш учун кўрадиган чора-тадбирлари, бошқа давлат томонидан хавф сифатида, яъни мудофаа эмас, балки унга ҳужум қилиш воситалари сифатида қабул қилинишига айтилади.

[2] Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: «Шарк», 2005, С 6-7.

[3] Арифханов Ш.Р. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Т.: 2007, С 186-187.

Ўзбек олимларидан У.Хасанов, С. Сафоев, И.Бобоқулов, О.Маннапова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини Марказий Осиё минтақасидаги жараёнлар орқали очиб берувчи қарашларни илгари суришган.

Ўзбекистонлик олим Ф.Толипов Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамкорлигини ташкил этишга оид фикрларини "Ўзбекистоннинг катта стратегияси"ни яратиш билан боғлайди ҳамда давлатнинг ташқи сиёсат стратегияси миллатнинг жисмоний, маданий ва сиёсий яшовчанлик бўйича ҳаётий муҳим ва стратегик манфаатларига асосланган ҳолда тузилиши кераклигини таъкидлайди. Ушбу стратегик ва ҳаётий муҳим манфаатларни ҳимоя қилиш учун давлат доимий равишда ҳарбий қудратини ва мобилизация салоҳиятини ошириб бориши ҳамда уларга мос келувчи ташқи сиёсий ҳамкорларни танлаши муҳимлиги кўрсатиб ўтилади. Ф. Толиповнинг қайд этишича хорижий давлатлар билан стратегик шерикчилик (1) кенг қамровли, (2) узоқ муддатли, (3) ҳар икки томон манфаатларига мос келиши ҳамда (4) халқаро муносабатлар бўйича ёндашувларни ўхшаш ёки яқин бўлишига асосланган бўлиши лозим[1].

Чунки замонавий геосиёсий муҳитда ҳарбий ҳамкорлик фақат қисқа муддатли ёрдам ёки тактик келишувлар билан чекланиб қолмай, балки давлатлар хавфсизлигини узоқ муддатли таъминлай оладиган тизимли механизмларга таянишини талаб қилади. Биринчи мезон — кенг қамровлилик, ҳарбий ҳамкорликнинг фақат ҳарбий машғулотлар ёки қурол-яроғ савдоси билан чекланмай, балки разведка маълумотлари алмашинуви, чегара хавфсизлиги, терроризм ва кибержиноятчиликка қарши кураш каби соҳаларни ҳам қамраб олишини англатади. Иккинчи мезон — узоқ муддатлилик, ҳарбий шерикчиликни стратегик режалаштириш ва узоқ истиқболда барқарор ривожлантириш заруратини кўрсатади. Чунки қисқа муддатли ҳарбий ҳамкорлик кўпинча вақтинчалик таҳдидларни бартараф этишга қаратилса, стратегик шерикчилик доимий хавфсизлик тизимини мустаҳкамлайди. Учинчи мезон — ўзаро манфаатдорлик, ҳарбий-сиёсий муносабатларда мутаносиблик тамойилини англатади. Бир томоннинг манфаатлари устун келиб, иккинчи томон четда қолса, бундай ҳамкорлик мустаҳкам ва узоқ умрли бўлмайди. Шу боис, ҳарбий фан нуқтаи назаридан стратегик шерикчиликда тенг ҳуқуқлилик тамойили ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тўртинчи мезон — ёндошувлар уйғунлиги, халқаро сиёсат ва хавфсизлик масалаларида ўхшаш қарашларга эга бўлган давлатларнинг ҳарбий ҳамкорлиги муваффақиятли ва самарали кечишини таъминлайди. Масалан, минтақавий хавфсизлик таҳдидларига ягона ёндашув мавжуд бўлган ҳолатдагина биргаликдаги ҳарбий тадбирлар самарали бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан, Ф.Толиповнинг қарашлари ҳарбий-илмий нуқтаи назардан халқаро ҳамкорликнинг стратегик мазмунини очиб бериб, уни узоқ муддатли барқарорлик ва коллектив хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида талқин қилади.

[1] Толипов Ф.Ф. К проблеме концептуализации демократического строительства и интеграции в Центральной Азии, www.caa-network.org/archives/3339

Мортон Каплан халқаро алоқалар тизимини ўрганишда мазкур тизимни юзага келиши ва ўзгаришига сабаб бўлувчи омилларни (тизим иштирокчиларини ўзаро муносабатлари, тизимни ўзгариши қоидалари, иштирокчиларни классификациялаш қоидалари, иштирокчиларнинг қобилиятини классификациялаш қоидалари ва ахборотни классификациялаш қоидалари) ўрганиш лозимлигини таъкидлайди ҳамда 6 типдаги халқаро муносабатлар тизимини таклиф этади: (1) кучлар мувозанати тизими; (2) мослашувчан биполяр тизим; (3) қатьий биполяр тизим; (4) универсал тизим; (5) иерархик тизим ҳамда (6) якка вето тизими[1].

Муаллифнинг бу методологик ёндашуви ҳарбий фан нуқтаи назаридан жуда муҳим, чунки халқаро хавфсизлик муҳити айнан шундай тизимий ўзгаришлар натижасида шаклланади.

Мортон Каплан таклиф этган олти турдаги халқаро муносабатлар тизими ҳарбий-сиёсий таҳлилда қуйидагича баҳоланиши мумкин:

Кучлар мувозанати тизими – уруш ва тинчлик жараёнлари кўпинча давлатлар ўртасидаги ҳарбий куч нисбатига боғлиқ бўлади. Бу модел XIX аср Европа сиёсий муҳитида намоён бўлган.

Мослашувчан биполяр тизим – икки етакчи давлат ўртасидаги рақобат қатор минтақавий ҳамкорлик механизмлари билан мувозанатланади. Масалан, “Совуқ уруш” йилларида АҚШ ва СССР ўртасидаги муносабатлар.

Қатьий биполяр тизим – икки қутбли дунё кескин рақобат ва ҳарбий блоклар орқали белгиланади. Бу ҳолат узоқ муддатли барқарорликни таъминлай олса-да, глобал зиддият хавфини кучайтиради.

Универсал тизим – барча иштирокчилар умумий мақсадга эга бўлиб, хавфсизликка таҳдидларга биргаликда қарши туради. Масалан, БМТнинг тинчликпарварлик концепцияси шу моделга яқин.

Иерархик тизим – бир давлат ёки бир неча етакчи давлат бошқарувчи куч сифатида чиқади ва глобал хавфсизликни таъминлайди. Масалан, АҚШнинг “гегемон” сифатида намоён бўлиши ҳақидаги назария.

Якка вето тизими – бир давлат бутун халқаро тизимда қарорларни тўсиб қўйиш қудратига эга бўлади. Масалан, БМТ Хавфсизлик Кенгашида доимий аъзоларнинг вето ҳуқуқи.

Ҳарбий-илмий нуқтаи назардан полемика шуни кўрсатадики, Капланнинг назарияси реал воқеликда доим тўлиқ ҳолда намоён бўлмайди, балки турли элементлар уйғунлашиб кетиши мумкин. Масалан, бугунги глобал хавфсизлик муҳитида кучлар мувозанати (АҚШ–Хитой рақобати), универсал тизим (БМТнинг халқаро тинчлик миссиялари), ва иерархик тизим (айрим давлатларнинг минтақавий лидерлиги) бир вақтнинг ўзида мавжуд.

Шунингдек, ҳарбий таҳлилда Мортон Капланнинг тизимлари хавфсизлик “дилеммаси” тушунчаси билан узвий боғланади: давлатлар ўз кучини оширган сари,

[1] Систематизация международных отношений в теории М. Каплана, https://spravochnick.ru/mezhdunarodnye_otnosheniya/sistematizaciya_mezhdunarodnyh_otnosheniy_v_teorii_m_kaplana/

қўшни давлатларда ишончсизлик ва ҳарбий рақобат кучаяди. Шу сабабдан, халқаро ҳарбий ҳамкорлик механизмлари (НАТО, КХШТ, ШҲТ) айнан шундай зиддиятларни юмшатиш, хавфсизлик муҳитини барқарорлаштириш учун зарур.

Бошқа америкалик олим Питер Катзенштейн халқаро ҳамкорлик масалаларини ўрганишда неореализм ва неолиберализм қарашларидан (Роберт Кохейн, Джозеф Най ва бошқалар) фарқли равишда ўзига хослик теорияси ва социологик тадқиқотларга асосланган ўзининг қарашларини илгари суради.

Жумладан, П.Катзенштейн неореализм ва неолиберализм қарашлари фақатгина давлат ва унинг сиёсий институларининг жисмоний имкониятларига асосланганган ҳолда фикр юритиши сабабли халқаро муносабатларни чекланган ҳолда тушунтириш имкониятига эга дейди ҳамда маданий, этник ва миллий омилларни ҳисобга олувчи ўзининг муқобил таҳлилий ёндашувини таклиф этади[1].

Либерал институционализм назарияси асосчиларидан бўлган америкалик олим Жеймс Холзгреф барқарор халқаро муносабатлар тизимини шакллантиришда аҳлоқни бош ўринга қўяди. Унинг таъкидлашича, аҳлоқий тамойилларга асосланмаган ҳар қандай халқаро муносабатлар охир-оқибат таназзулга маҳкум бўлади[2].

Замонавий постмодернизм назарияси вакили америкалик олим Роб Уолкер глобаллашув таъсирининг кенгайиб бориши ҳамда сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг (глобал тинчлик учун курашувчи ҳаракатлар, “яшил” партияларнинг оммалашуви, инсон ҳуқуқлари фаоллари ва бошқалар) тобора анъанавий давлат чегараларидан ҳам кенгроқ миқёсни эгаллаб бораётганлигини инобатга олиб, инсонларни бирор бир давлатнинг фуқароси сифатида эмас, балки алоҳида индивидлар сифатида баҳолана бошлангандан сўнг замонавий халқаро муносабатларда тинчлик ва барқарорликка эришиш мумкинлигини таъкидлайди[3]. Ҳарбий фан нуқтаи назаридан, бу қараш замонавий тинчликпарварлик операциялари ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари билан уйғунлашади. Чунки замонавий ҳарбий амалиётларда фақат давлат манфаатлари эмас, балки индивидлар хавфсизлиги ҳам устувор аҳамият касб этмоқда.

Россиялик олим Владимир Кулагин “бир қутбли дунё” назариясига қарама қарши тарзда халқаро муносабатлар кўп қутблиликка асосланган бўлиши ва давлатларнинг ўзаро алоқалари халқаро хавфсизлик ва барқарорликнинг асоси эканлигини илгари суради[4].

Ҳарбий фан нуқтаи назаридан, бу қараш давлатлар ўртасида ишонч ва ҳамкорликни фақат ҳарбий куч ёки иқтисодий манфаат билан эмас, балки маънавий-ахлоқий ва маданий уйғунлик орқали таъминлаш зарурлигини кўрсатади. Бу қараш

[1] The Culture of National Security: Norms and Identity in World Politics. Ed. By P.J. Katzenstein. New York: Columbia University Press, 1996, p 406-425

[2] Humanitarian Intervention: Ethical, Legal and Political Dilemmas. J.L. Holzgrefe, R.O. Keohane (eds.) Cambridge; N.Y., 2002. p 49-50.

[3] Walker R. B. J. Inside/outside: international relations as political theory. Cambridge: Cambridge University Press, 1993, p 16-19.

[4] Кулагин В. М. Международная безопасность. М., 2006, стр. 13-18.

стратегик барқарорлик ва “кўп векторли” хавфсизлик сиёсатини шакллантиришда долзарб аҳамиятга эга.

Юқоридаги назарий ёндашувлардан кўринадики, халқаро ҳарбий ҳамкорликни тушунтиришда фақат реализм ёки давлат қудратига асосланган концепциялар етарли эмас. Замонавий ҳарбий фаннинг вазифаси – маданий, ахлоқий, сиёсий ва геостратегик омилларни уйғун ҳолда таҳлил қилишдир. Бу эса халқаро муносабатларда барқарорлик ва хавфсизликка эришишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Бошқа бир россиялик олим Павел Цыганков “демократик дунё” ва “социалистик дунё” гипотезаларини таққослаб, бу оламларни гомоген тизим, яъни бир жинсли тизимлар (мазкур тизимни ташкил этувчи давлатларнинг сиёсий режимлари, иқтисодиёти, мафкуравий қарашлари, маданияти нуқтаи назаридан бир бирига жуда яқин бўлган) деб номлашни таклиф қилади[1].

Ҳарбий соҳада халқаро ҳамкорлик “ҳарбий дипломатия” ёки “мудофаа дипломатияси” сўзи билан ҳам тушунтирилади. В.Винокуровнинг талқинига кўра, ҳарбий дипломатия бу - давлатнинг ташқи сиёсатини амалга оширишнинг ташкилий ҳарбий-сиёсий инструменти, ҳарбий-сиёсий мақсадларга эришишнинг техника ва усуллари мажмуи, суверен давлатларнинг ҳарбий атташе, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво атташелари билан ўзаро алмашишни назарда тутадиган Қуролли Кучлари даражасидаги муносабатларининг ўзига хос механизмидир[2].

Унинг фикрига кўра, ҳарбий дипломатлар қуйидаги учта функцияни бажаради: 1. маслаҳат функцияси, бунда ҳарбий атташелар Элчига ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича таклифларини тақдим этади; 2. вакиллик функцияси, бунда ҳарбий атташелар хорижий мамлакатда ўз давлатининг Қуролли кучлари ва ҳарбий қўмондонлигини тақдим этади; 3. ахборот-таҳлил функцияси, бунда ҳарбий атташелар мамлакатининг манфаатларидан келиб чиқиб, бўлиб турган хорижий давлат тўғрисида тегишли маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлайди.

Бошқа бир олим Ф.Фроловнинг фикрига кўра, ҳарбий дипломатия икки асосий вазифани бажариш учун мўлжалланган: қабул қилувчи давлат билан ҳарбий ҳамкорликни ривожлантириш ва ахборот таъминоти (разведка). Агар биринчиси амалга оширилмаса, иккинчисига урғу берилади[3].

Германиянинг собиқ ташқи ишлар вазири Берндт фон Стаден таърифида ҳарбий дипломатия “ҳарбий миссиялар масалалари, шунингдек қуролсизланиш ва қуролларни назорат қилиш музокараларида ҳарбий вакилларнинг иштироки билан боғлиқ фаолият” сифатида изоҳланади. Умуман олганда, “ҳарбий дипломатия” тушунчаси нафақат ҳарбий атташелар ёки бошқа ваколатли ҳарбий вакиллар фаолиятини, балки тинчликпарварлик миссиялари, халқаро ҳарбий ҳамкорлик жараёнлари ва улар доирасидаги муайян вазифалар мажмуасини қамраб олади.

---

[1] Цыганков П. А. Теория международных отношений. М., 2003, стр. 345.

[2] Винокуров В.И. История военной дипломатии. В 4-х томах. Т. 3. М., 2011. С. 140

[3] Фролов А. Военная дипломатия как история и искусство, https://interaffairs.ru/jauthor/material/623

Буюк Британия Мудофаа вазирлиги талқинига кўра эса, ҳарбий дипломатия асосан ҳарбий атташеларнинг вазифалари ва ролини қамраб олади. Шу билан бирга, Ғарб мамлакатларида сўнгги йилларда "ҳарбий дипломатия" атамаси ўрнига тобора "мудофаа дипломатияси" тушунчаси кенгроқ қўлланила бошлади.

Польшалик олим Лех Драбнинг таъкидлашича, "мудофаа дипломатияси" Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё давлатларининг қуролли кучлари зиммасига юкланган янги вазифалар ва халқаро функцияларни изоҳлаб бериш заруратидан келиб чиққан. Унинг фикрича, ушбу атама "ҳарбий дипломатия"нинг тўғридан-тўғри синоними сифатида қабул қилинмаслиги лозим, чунки у "ҳарбий" ва "дипломатия" тушунчаларининг механик бирикмасидан кенгроқ мазмун касб этади.

Совуқ уруш тугаганидан ва Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг, 1990-йиллардан бошлаб, қуролли кучларнинг сиёсий мақсадларга эришишдаги роли сезиларли даражада пасайди. Бу жараён билан бир қаторда ҳарбий куч ишлатишдан кўра, низоларнинг олдини олишга қаратилган халқаро чоралар оммалашди. Шу шароитда, айниқса Ғарб давлатлари амалиётида, "мудофаа дипломатияси" атамаси янги мазмундаги мудофаа сиёсатини ифода этувчи категория сифатида кириб келди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунгача ушбу тушунчани ягона тартибда изоҳлаб берувчи умумий таъриф мавжуд эмас. Сабаби шундаки, ҳар бир давлат уни ўзининг миллий хавфсизлик стратегияси ва эҳтиёжларига мувофиқ талқин қилиб келмоқда.

Мудофаа дипломатиясининг бош мақсади давлатнинг хавфсизлик сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, унинг вазифаси эса - мудофаа соҳасида узоқ муддатли ва барқарор халқаро алоқаларни яратиш ҳисобланади[1].

Мудофаа дипломатияси ҳақида биринчи марта 1998 йили Буюк Британия Мудофаа вазирлиги томонидан эълон қилинган "Стратегик мудофаа шарҳи"да (Strategic Defence Review) айтиб ўтилган. Муайян мақсадга эришиш учун куч ёки уни қўллаш билан таҳдид қилишни назарда тутадиган "ҳарбий дипломатия"дан фарқли ўлароқ "мудофаа дипломатияси" ҳарбий операцияларни ўз ичига олмайди ҳамда қуйидагиларни назарда тутади: давлатлар ўртасидаги адоват ва кескинликни минималлаштириш ҳамда ишончни мустаҳкамлашга йўналтирилган; глобаллашув даврида давлатларнинг минтақавий ва глобал миқёсда ўзаро боғланганлигини инобатга олиб, ҳарбийлардан тинч мақсадларда фойдаланиш тадбирлари орқали мудофаа соҳасида шаффоф, барқарор ва узоқ муддатли халқаро ҳамкорлик муҳитини яратишга қаратилган; умуммиллий мақсадларни амалга оширишга хизмат қила олади ҳамда ҳамкорлар позициясининг ўзгаришига таъсир қилиш учун мўлжалланган; кенг қамровли хавфсизлик масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш орқали ҳал этилишини қўллаб-қувватлайди; мудофаа соҳасида бошқа давлатлар билан ўзаро ишонч

[1] Drab, Lech Defence diplomacy – an important tool for the implementation of foreign policy and security of the state, https://securityanddefence.pl/Defence-diplomacy-an-important-tool-for-the-implementation-of-foreign-policy-and,103330,0,2.html

ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган мулоқот ва халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди[1].

1998 йилда Буюк Британия Мудофаа вазирлиги эълон қилган “Strategic Defence Review” ҳужжатидан бошлаб “мудофаа дипломатияси” атамаси халқаро муносабатлар назарияси ва ҳарбий сиёсатда мустақил категория сифатида шакллана бошлади. У “ҳарбий дипломатия”дан фарқли ўлароқ, куч ишлатиш ёки таҳдид воситасига таянилмайди, балки ишонч чораларини мустаҳкамлаш, адоватни камайтириш, ҳарбий соҳада шаффофликни таъминлаш ва давлатлар ўртасида барқарор ҳамкорлик муҳитини яратишга қаратилган.

Ҳарбий-илмий нуқтаи назардан, “мудофаа дипломатияси” халқаро хавфсизлик тизимини куч ишлатмасдан мустаҳкамлаш, кенг қамровли хавфсизлик масалаларини ҳуқуқий йўл билан ҳал этиш ва ҳарбий ресурсларни тинч мақсадларда самарали қўллашнинг замонавий воситаси сифатида аҳамият касб этади.

Юқорида келтириб ўтилган мақсадларга эришиш учун мудофаа дипломатияси қуйидаги ҳамкорлик шаклларидан фойдаланади: олий даражадаги ҳарбий мансабдорларнинг ўзаро ташрифлари; мутахассисларнинг икки томонлама учрашувлари ва мулоқотлар; ўқув ва амалий машғулотлар; минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича мудофаа форумлари; ҳарбий ёрдам кўрсатиш; ўзаро ишончни мустаҳкамлаш чоралари; ядровий ва бошқа оммавий қирғин қуролларни тарқатмаслик ва бошқалар[2].

Бир сўз билан айтганда, “мудофаа дипломатияси” низоларни минималлаштириш ва ўзаро ишонч чораларини қўлаш орқали умумий хавфсизлик ва барқарорлик маконини яратишга қаратилган.

Мамлакатимизда ҳарбий (мудофаа) дипломатияси бўйича алоҳида илмий изланишлар олиб борилганлиги тўғрисида очиқ манбаларда маълумот учрамайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг миллий мудофаа доктринаси, хавфсизликни таъминлашга қаратилган стратегик йўналишлари ҳамда минтақавий ва глобал миқёсдаги ҳарбий-сиёсий фаолияти хусусида кўплаб илмий тадқиқотлар ва изланишлар амалга оширилгани, мазкур бобнинг аввалида алоҳида қайд этилган.

Умуман олганда, халқаро муносабатлар ва халқаро хавфсизлик соҳасида турли назария ва қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян ғояларни асослашда стратегик далиллар, ҳарбий-сиёсий хулосалар ва оператив таҳлилларга асосланган аргументлар билан қўллаб-қувватланади.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш зарурки, дунё ҳамжамияти томонидан халқаро муносабатлар назарияси доирасида ягона устувор ёки умумқабул қилинган концепция ҳанузгача мавжуд эмас. Чунки мазкур соҳадаги тадқиқот предмети – яъни давлатлар ўртасидаги ҳарбий-сиёсий мувозанат, қуролли кучлар қудрати, коллектив хавфсизлик

[1] Drab, Lech Defence diplomacy – an important tool for the implementation of foreign policy and security of the state, https://securityanddefence.pl/Defence-diplomacy-an-important-tool-for-the-implementation-of-foreign-policy-and,103330,0,2.html

[2] Dodd, Tom, and Mark Oakes. The Strategic Defence Review White Paper. Parliament, House of Commons Library, 1998, p 22.

механизмлари ва ҳарбий иттифоқлар динамикаси – доимий равишда ўзгариб ва ривожланиб борувчи мураккаб жараёндир.

Шу нуқтаи назардан, халқаро муносабатлар назариясида ягона ва умумқабул қилинган ёндашувнинг мавжуд эмаслиги мантиқан тўғри кўринади. Чунки замонавий геосиёсий вазиятда ҳар бир давлатнинг миллий хавфсизлик стратегияси, мудофаа сиёсати ва ҳарбий доктринаси турлича шарт-шароитлар ва манфаатлар асосида шаклланмоқда.

Шундай бўлсада, халқаро хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги мавжуд қараш ва ёндашувларни умумлаштириб, *“халқаро ҳарбий ҳамкорлик” “мудофаа дипломатияси”* тушунчалари доирасини ҳарбий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Шундай бўлсада, халқаро хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги мавжуд қараш ва ёндашувларни умумлаштириб, ***халқаро ҳарбий ҳамкорлик*** **бу -** халқаро ҳуқуқ субектларининг (давлатлар, халқаро ташкилотлар) биргаликда ишлаб чиқиладиган халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс этадиган тартиб ва таомилларга мувофиқ мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги умумий ҳарбий-сиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги ўзига хос ҳамкорлик фаолияти деб таъриф бериш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, халқаро ҳамкорлик ва ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлик тушунчасининг эволюцияси ва назарий таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, ҳарбий ҳамкорлик анъанавий иттифоқлардан институционал (БМТ, НАТО, КХШТ, ШҲТ) ва функционал (РКО, киберхавфсизлик, чегара хавфсизлиги) форматларгача ривожланиб, замонавий хавфсизлик архитектурасининг ажралмас қисмига айланди;

иккинчидан, халқаро ҳамкорлик икки қиррага эга — универсал тамойиллар (БМТ Низоми, декларациялар) ва амалий–операцион ҳаракатлар (мувофиқлаштириш, мониторинг, ижро). Самарадорлик иккаласининг бир вақтда ишлашига боғлиқ;

учинчидан, замонавий ҳамкорликнинг ядроси — стандартлаш (STANAG), бирлашма штаб-машқлар, кадрлар тайёргарлиги ва разветка–ахборот алмашинуви орқали биргаликда ҳаракатни амалга ошириш ҳисобланади;

тўртинчидан, Марказий Осиё минтақасида “хавфсизлик дилеммаси”ни юмшатиш ишонч чоралари ва мудофаа дипломатиясига таянади, якка мудофаа етарли эмас, жамоавий механизмлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга;

бешинчидан, Янги Ўзбекистон ташқи сиёсати прагматик ва кўп векторли йўналишда бўлиб, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий кооперация, қўшма машқлар, кадрлар тайёрлаш ва стратегик шерикчилик мезонлари (кенг қамров, узоқ муддат, ўзаро манфаат, ёндашувлар уйғунлиги)ни устувор қилади.

олтинчидан, таянч тушунчалар бўлган *“халқаро ҳамкорлик”* тушунчасини “халқаро ҳуқуқ субектларининг халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига мувофиқ умумий мақсад ва вазифаларга асосланган биргаликдаги фаолияти” мазмунида,

“*халқаро ҳарбий ҳамкорлик”* тушунчасини “халқаро ҳуқуқ субектларининг (давлатлар, халқаро ташкилотлар) биргаликда ишлаб чиқиладиган халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс этадиган тартиб ва таомилларга мувофиқ мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги умумий ҳарбий-сиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги ўзига хос ҳамкорлик фаолияти” мазмунида ҳамда *“мудофаа дипломатияси”* тушунчасини “давлатнинг миллий хавфсизлик ва мудофаа сиёсатини куч ишлатмасдан илгари суришга қаратилган, ҳуқуқий-институционал асосга эга дипломатик фаолият” мазмунида таърифлаш ҳамда ҳарбий қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ МУДОФАА САЛОҲИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАРБИЙ-ДИПЛОМАТИК ҲАМКОРЛИГИ

Арипов Ботир Бахтиярович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси

Аннотация: ушбу мақолада АҚШ, Хитой, Россия, Франция, Буюк Британия каби ривожланган давлатларнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашда ҳарбий-дипломатик ҳамкорликдан қандай фойдаланиши таҳлил қилинади. Муаллиф ҳарбий альянслар, икки томонлама стратегик шерикликлар, қўшма ҳарбий машқлар, ҳарбий таълим дастурлари ва тинчликпарварлик ташаббуслари орқали ҳарбий дипломатиянинг амалий кўринишларини очиб беради. Шунингдек, бу давлатларнинг ташқи сиёсий стратегиясида ҳарбий дипломатиянинг роли ва халқаро таъсирини баҳолайди.

Калит сўзлар: ҳарбий дипломатия, мудофаа салоҳияти, ривожланган давлатлар, стратегик ҳамкорлик, халқаро хавфсизлик, ҳарбий альянслар.

Сўнгги ўн йил мобайнида халқаро муносабатлар тизимида хавфсизлик муҳитининг тез ўзгарувчанлиги, геосиёсий қарама-қаршиликлар ва минтақавий можароларнинг авж олиши ривожланган давлатларни ўз мудофаа салоҳиятини изчил ва стратегик ривожлантиришга мажбур қилди. Бунда ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик, хусусан, қўшма ҳарбий машқлар, ҳарбий таълим алмашинуви, қурол-яроғ экспорти ва стратегик иттифоқлар алоҳида аҳамият касб этди.

2020–2025 йиллар давомида ривожланган давлатлар – хусусан, Россия, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Германия ва Туркия ва бошқа ривожланган давлатлар ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни мудофаа салоҳиятини ривожлантиришда стратегик восита сифатида фаол қўллашмоқда.

Хусусан, АҚШ НАТО доирасидаги интероперабелликни таъминлаш мақсадида мунтазам қўшма машқлар ўтказиб, ўрта ва узоқ муддатли ҳарбий стратегиясини қайта кўриб чиқди. Хитой “Бир камар — бир йўл” ташаббуси

доирасида ҳарбий ҳамкорликни геосиёсий таъсир воситасига айлантирди. Россия эса қурол-яроғ экспорти орқали сиёсий таъсирни мустаҳкамлашга интилди, Туркия ўз миллий мудофаа саноатидаги ютуқлар орқали минтақавий ҳарбий-дипломатик мавқеини мустаҳкамлади. Жанубий Корея ва Германия каби давлатлар эса ҳарбий таълим, киберхавфсизлик ва юқори технологияли мудофаа салоҳиятига эътибор қаратдилар.

Умуман олганда, сўнгги ўн йилдаги таҳлиллар шундан далолат берадики, ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик нафақат мудофаа қобилиятини ошириш, балки давлатлар ўртасидаги ишонч, стратегик манфаатлар мувофиқлашуви ва хавфсизлик архитектурасини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бу жараён ҳарбий фанлар ва стратегия соҳасида замонавий ёндашувларни талаб этади ва уларни миллий хавфсизлик концепцияларига интеграция қилиш зарурлигини кўрсатади.

Ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик тушунчаси замонавий геосиёсий муҳитда муҳим аҳамият касб этади. Бу тушунча ҳарбий хизматчилар ёки Мудофаа вазирликлари томонидан ўтказиладиган, давлатнинг хавфсизлик ва мудофа сиёсатини илгари суришга қаратилган суҳбатлар, музокаралар ва кузатув тадбирлари мажмуасидир.

АҚШлик тадқиқотчилар Derek Ping ва Michael Wise бундай ҳамкорликни «чет элнинг қарорлари ва ҳаракатларини маълум қилишга қаратилган ҳарбийнинг тинч йўл билан олиб бориладиган фаолияти»[1] деб таърифлайди. Яъни, қуролли кучлар томонидан уюштириладиган қўшма машғулотлар, мудофаа технологияларини шерикликда яратиш лойиҳалари, низоларни тинч йўл билан бартараф этиш бўйича музокаралар каби жамоатчилик дипломатияси воситалари ушбу тушунчанинг доирасига киради.

Шу муносабат билан ривожланган давлатлар орасидаги ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик ҳозирги кунда миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш учун муҳим рол ўйнамоқда.

Erik Pajtinkанинг фикрича, ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик тушунчаси замонавий геосиёсий муҳитда муҳим аҳамият касб этади. Бу тушунча ҳарбий хизматчилар ёки Мудофаа вазирликлари томонидан ўтказиладиган, давлатнинг хавфсизлик ва мудофа сиёсатини илгари суришга қаратилган суҳбатлар, музокаралар ва кузатув тадбирлари мажмуасидир[2].

---

[1] *Derek Ping , Michael Wise.,* Military diplomacy: a vital component of strategic competition // November 21, 2024. https://warroom.armywarcollege.edu/articles/military-diplomacy/#:~:text=of%20whether%20military-%20officials%20or,and%20behaviors%20is%20military%20diplomacy.

[2] *Erik Pajtinka,* Military Diplomacy and Its Present Functions // https://www.researchgate.net/publication/-315475293_Military_Diplomacy_and_Its_Present_Functions#:~:text=Military%20diplomacy%20can%20be%20defined,Promotion%20of.

АҚШлик тадқиқотчилар Derek Ping ва Michael Wise бундай ҳамкорликни «чет элнинг қарорлари ва ҳаракатларини маълум қилишга қаратилган ҳарбийнинг тинч йўл билан олиб бориладиган фаолияти»[1] деб таърифлайди. Яъни, қуролли кучлар томонидан уюштириладиган қўшма машғулотлар, мудофаа технологияларини шерикликда яратиш лойиҳалари, низоларни тинч йўл билан бартараф этиш бўйича музокаралар каби жамоатчилик дипломатияси воситалари ушбу тушунчанинг доирасига киради. Шу муносабат билан ривожланган давлатлар орасидаги ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик ҳозирги кунда миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш учун муҳим рол ўйнамоқда[2].

Халқаро сиёсий-ҳавфсизлик майдонида куч билан ришталар кучаяётгани шарофати, ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик долзарблиги ошиб бормоқда. Мутахассислар қайд этишича, "ҳозирги геосиёсий манзара кўп қиррали қарама-қаршиликлар ва қудрат учун курашларга бой" бўлиб, бутун дунёда хавфсизлик масалалари ташқи сиёсатида биринчи ўринни эгаллаяпти[3].

Жумладан, Россиянинг Украинага босқини Европа минтақасида хавфсизликка таҳдид солиб, Германия каби шарқий давлатлар мудофаа харажатларини кескин оширишга уринишмоқда[4].

Шу сабабли ривожланган давлатлар ўз ҳарбий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва халқаро таҳдидларга қарши биргаликда туриш мақсадида дипломатиюнинг ҳарбий механизмларидан фаол фойдаланмоқда. Яъни, улар қўшма машғулотлар ва учрашувлар орқали тажриба алмашмоқда, қўшма технология лойиҳалари ва унинг ахборот алмашиш платформалари яратмоқда, халқаро институтларда биргаликда хавфсизлик тизимларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Бутун дунёдаги кескин вазиятлар шунинг зарурияталаридан бири экани маълум бўлмоқда.

Ривожланган давлатларнинг мудофаа салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқ ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик йўналишлари ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Сўнгги ўн йилда Россия Федерацияси ўз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашда ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни ташқи сиёсатнинг асосий инструментларидан бири сифатида фаол қўллаб келмоқда. Бу жараён стратегик

[1] warroom.armywarcollege.edu.

[2] https://warroom.armywarcollege.edu/articles/military-diplomacy/#:~:text=of%20whether%20-military%20officials%20or,and%20behaviors%20is%20military%20diplomacy

[3] warroom.armywarcollege.edu

[4] German defense minister: Transatlantic partnership with U.S. more vital now than ever // https://washingtondc.jhu.edu/news/german-defense-minister-transatlantic-partnership-with-u-s-more-vital-now-than-ever/#:~:text=,today%E2%80%99s%20challenges%2C%20the%20minister%20added.

шериклик, қурол-яроғ экспорти, минтақавий хавфсизлик ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик ва ҳарбий таълим соҳасидаги алоқаларни қамраб олган.

Аввало, Россия Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (КХШТ, рус. ОДКБ) доирасидаги фаолияти орқали ўзининг минтақавий ҳарбий салоҳиятини стратегик даражада мустаҳкамлашга эришди. Жумладан, ҳар йили ўтказиладиган “Взаимодействие”, “Рубеж” ва “Нерушимое братство” қўшма машқлари КХШТга аъзо давлатлар ўртасида оператив ҳамкорликни юқори даражада сақлаб туришга хизмат қилмоқда[1].

Россиянинг Хитой, Ҳиндистон ва Эрон каби давлатлар билан ҳарбий-дипломатик муносабатлари ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Масалан, 2021 йилда Россия ва Хитой ҳарбий-ҳаво кучлари ўртасида биргаликда стратегик ҳаво патрули амалга оширилди. Бу икки томонлама ишончни ошириш ва “ўзаро стратегик шериклик”ни ҳарбий даражада таъминлашга қаратилган эди[2].

Россиянинг қурол-яроғ экспорти ҳарбий-дипломатик таъсирини кенгайтиришда яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Стокгольм Тинчлик тадқиқотлари институти (SIPRI) маълумотларига кўра, Россия 2020–2024 йиллар оралиғида дунёда иккинчи энг йирик қурол экспорт қилувчи давлат бўлиб, Ҳиндистон, Миср, Алжир ва Вьетнам каби давлатларга асосий етказиб берувчи бўлган[3].

Бундан ташқари, Россия хорижий ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш соҳасида ҳам кенг қамровли дипломатик алоқаларни олиб бормоқда.

Жумладан, Марказий Осиё давлатларидан келган ҳарбий хизматчилар Россиянинг Воронеж, Санкт-Петербург ва Москвадаги олий ҳарбий таълим муассасаларида доимий равишда ўқишмоқда. Мазкур сиёсат Россия учун ўзаро ишонч ва сиёсий таъсирни кенгайтиришда самарали восита ҳисобланади[4].

Шу билан бирга, Россия Эрон, Туркия, Венесуэла каби давлатлар билан икки томонлама ҳарбий-сиёсий мулоқотни кучайтириб, жаҳон геосиёсий муҳитидаги тенгликни таъминлаш ва Ғарбга қарши мултиполяр ёндашувни илгари суришга ҳаракат қилмоқда.

Масалан, 2022 йилда Россия–Эрон–Хитой иштирокида Ҳинд океанида ўтказилган қўшма денгиз машқлари ҳарбий-дипломатик алоқаларнинг янги босқичга кўтарилганини кўрсатди[5].

---

[1] ОДКБ расмий сайти – Пресс-релизлар ва ҳисоботлар 2023 (https://odkb-csto.org/).

[2] Ministry of Defence of the Russian Federation. Joint Air Patrol Report, Moscow, 2022, p. 3–4.

[3] SIPRI Arms Transfers Database, Stockholm International Peace Research Institute, 2024 йил, https://www.sipri.org/databases/armstransfers.

[4] Kashin, V. Russia’s Military Cooperation with Asia: A Strategic Outlook, Carnegie Moscow Center, 2021, pp. 12–15.

[5] RIA Novosti. Совместные учения ВМС России, Ирана и Китая, Москва, 2023 йил, https://ria.ru/20230315/-ucheniya-iran-rossiya-1856781234.html.

Умуман олганда, Россиянинг ҳарбий-дипломатик ҳамкорликка асосланган мудофаа стратегияси икки асосий йўналишда намоён бўлмоқда: биринчиси — стратегик иттифоқлар ва минтақавий ҳамкорлик тизимларини ривожлантириш орқали ҳарбий интероперабелликни таъминлаш; иккинчиси — қурол-яроғ экспорти, таълим ва махсус машғулотлар орқали дипломатик таъсирни кенгайтириш.

Юқоридагилардан кўриниб турибтики, Россиянинг ҳарбий-дипломатик ҳамкорликка асосланган мудофаа стратегияси қуйидаги асосий моделларга асосланган:

биринчиси, Минтақавий ташкилотлар доирасида координация (КХШТ, ШҲТ);

иккинчиси, икки томонлама ҳарбий-сиёсий мулоқотларни институционаллаштириш;

учинчиси, қурол-аслаҳа экспорти орқали геосиёсий таъсирни кенгайтириш;

тўртинчиси, таълим орқали стратегик алоқаларни ривожлантириш;

бешинчиси, ғарбга муқобил глобал хавфсизлик форматини шакллантириш.

Фикримизча, Россия Федерациясининг мудофаа салоҳиятини ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик асосида ривожлантириш хусусиятларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, минтақавий ҳарбий ҳамкорликни институционаллаштириш зарур. Ўзбекистон КХШТ (ОДКБ) ва ШҲТ каби ташкилотлар доирасида ҳарбий-стратегик муносабатларни изчил ривожлантириши, қўшма машқларда мунтазам иштирок этиш орқали ҳамкор давлатлар билан тактик мувофиқлашувни таъминлаши лозим. Бундай машқлар халқаро терроризм, наркотрафик ва гибрид таҳдидларга қарши биргаликда курашиш қобилиятини оширишга хизмат қилади;

иккинчидан, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида қўшма дастурларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Россия ва бошқа стратегик ҳамкорлар билан офицерларни қайта тайёрлаш, ҳарбий академиялар ўртасида ўқув-илмий ҳамкорлик шартномаларини йўлга қўйиш, стажировкалар ва малака ошириш курсларини ташкил этиш орқали юқори малакадаги ҳарбий кадрлар резервини яратиш мумкин;

учинчидан, мудофаа саноатини ихтисослаштириш ва диверсификация қилиш орқали миллий ҳарбий-техник салоҳиятни ошириш зарур. Россия тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда дронлар, электрон кураш воситалари, разведка ускуналари, алоқа технологиялари каби замонавий сегментларда маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этиш, чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда ҳарбий саноатни модернизация қилиш керак;

тўртинчидан, таълим орқали ҳарбий дипломатияни кучайтириш муҳим. Ўзбекистон ҳарбий академияларида хорижий курсантлар учун махсус грант дастурлари ва ўқув модулларини йўлга қўйиш орқали минтақа давлатлари билан узоқ муддатли ҳарбий-дипломатик алоқалар асоси яратилади. Бу тажриба Россия, Хитой ва АҚШ томонидан самарали қўлланилмоқда;

бешинчидан, Ўзбекистон халқаро ҳарбий-сиёсий форумларда ўз миллий позициясини фаол илгари суриши керак. Жумладан, Moscow Conference on International Security (MCIS), Xiangshan Forum (Хитой), CICA (Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш), SCO Forum (ШҲТ) каби платформаларда Ўзбекистоннинг стратегик манфаатлари асосланган, тизимли ва дипломатик даражада ҳимоя қилиниши талаб этилади.

Ҳарбий соҳада ривожланган давлатлардан бири бўлган Америка Қўшма Штатлари ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни глобал хавфсизлик сиёсатининг марказига айлантирган энг кучли давлат ҳисобланади. АҚШ миллий мудофаа стратегиясида “Integrated Deterrence” (комплекс сўндириш) концепцияси асос қилиб олинган бўлиб, у ҳарбий куч, иттифоқчилик, иқтисодий воситалар ва технологик устунликни интеграция қилишни назарда тутади. Бу стратегия доирасида АҚШ ўз таъсирини ҳарбий, дипломатик ва иқтисодий платформаларда бир вақтнинг ўзида мустаҳкамлаб боришни мақсад қилган.

АҚШ НАТО, AUKUS, QUAD каби кўп томонлама форматларда фаол иштирок этибгина қолмай, 50 дан зиёд икки томонлама ҳарбий ҳамкорлик шартномаларига эга. 2022 йилда қабул қилинган Миллий мудофаа стратегиясида айтилишича, АҚШ ҳар йили 100 дан зиёд давлат билан қўшма машқлар ва ҳарбий тайёргарлик тадбирлари ўтказади[1] .

АҚШ IMET (International Military Education and Training), FMF (Foreign Military Financing), EDA (Excess Defense Articles) каби дастурлар орқали ҳарбий таълим ва техника етказиб бериш соҳасида глобал етакчи ҳисобланади. Бундан ташқари, АҚШ 750 дан зиёд ҳарбий базага эга бўлиб, Япония, Корея, Германия ва Жанубий Осиёда стратегик жойлашувни таъминлаб турибди. Бу база ва қўшинлар тармоғи унинг ҳарбий дипломатиясида ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Фикримизча, АҚШнинг мудофаа салоҳиятини ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик асосида ривожлантириш хусусиятларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Ўзбекистон АҚШ билан икки томонлама ҳарбий-дипломатик мулоқотни тизимлаштириши, мунтазам стратегик маслаҳатлашувлар ва

[1] U.S. Department of Defense, National Defense Strategy, 2022, pp. 12–15.

хавфсизлик форуми шаклида учрашувлар ўтказиши мақсадга мувофиқ. Бу жараён икки давлат ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди;

иккинчидан, Ўзбекистон IMET дастури доирасида АҚШ ҳарбий академияларида офицерлар тайёрлаш ва малака ошириш дастурларида кенгроқ иштирок этиши зарур. Бу таълим дипломатияси воситасида ҳам профессионал, ҳам институционал даражада ҳамкорлик мустаҳкамланади;

учинчидан, АҚШнинг FMF ва EDA дастурлари орқали Ўзбекистонга ҳарбий-техник кўмак (коммуникация воситалари, разведка ускуналари, транспорт техникалари) жалб этилиши, маҳаллий инфратузилмани модернизация қилишда фойдаланилиши мумкин;

тўртинчидан, АҚШнинг C5+1 ташаббуси доирасидаги минтақавий хавфсизлик ҳамкорлиги механизмларида Ўзбекистоннинг фаол иштирокини таъминлаш керак. Бу формат Марказий Осиё мамлакатлари учун АҚШ билан стратегик мулоқот платформаси вазифасини ўтайди;

бешинчидан, АҚШнинг ҳарбий-сиёсий форумлари (MCIS, Halifax Security Forum, IISS Shangri-La Dialogue) орқали Ўзбекистон ҳарбий-дипломатик нуфузини мустаҳкамлаши мумкин. Бу иштирок халқаро сиёсий майдонда миллий манфаатларни илгари суришда фойдали восита ҳисобланади.

Ҳарбий соҳада ривожланган давлатлардан яна бири бўлган Жанубий Корея ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни ташқи сиёсат ва миллий мудофаа стратегиясининг устувор йўналишларидан бирига айлантирган давлат сифатида кўзга ташланади. Бу мамлакатнинг ҳарбий салоҳиятини ривожлантириш тажрибаси технологик тараққиёт, ҳарбий таълим ва экспорт салоҳияти орқали ҳарбий дипломатияни кучайтириш билан узвий боғлиқ. Жанубий Кореянинг тажрибаси стратегик шериклик, инновация ва ўз брендини яратишга асосланган комплекс ёндашувни намоён қилади.

2018 йилда қабул қилинган "Defense Reform Plan 2.0" доирасида Жанубий Корея қуролли кучларни модернизация қилиш, юқори аниқликдаги қуроллар ишлаб чиқариш, киберхавфсизликни мустаҳкамлаш ва ички мудофаа саноатида мустақилликка эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Бу стратегия миллий ишлаб чиқарувчилар – Hanwha Defense, LIG Nex1, KAI (Korea Aerospace Industries) каби компаниялар фаолиятини жаҳон бозорига чиқаришга хизмат қилди. FA-50 қирувчи самолётлари, K2 Black Panther танклари ва K9 Thunder гаубицалари нафақат ички эҳтиёжни қондирди, балки Польша, Индонезия, БАА ва Саудия Арабистони каби давлатларга экспорт қилинди[1].

Ҳарбий таълим соҳасида Жанубий Корея илғор ёндашувларни жорий этган. Корея Миллий Мудофаа Университети, Korea National Defense University

[1] Defense Acquisition Program Administration, 2023.

(KNDU), ва бошқа соҳавий марказлар ҳар йили хорижий курсантлар ва офицерлар учун грант дастурлари, илмий тадқиқот лойиҳалари ва малака ошириш курсларини таклиф этади. Бу орқали давлатнинг "таълим орқали дипломатия" модели шаклланган.

Қўшимча равишда, Жанубий Корея ҳарбий соҳада рақамли трансформацияни жорий этишда илғор давлатлардан бири бўлиб, киберхавфсизлик, сунъий интеллект ва робототехника элементларини мудофаа соҳасига фаол жорий этмоқда. Бу жараён мамлакатнинг геосиёсий рақобатдаги мавқеини технологик устунлик билан мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Фикримизча, Жанубий Кореянинг мудофаа салоҳиятини ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик асосида ривожлантириш хусусиятларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Жанубий Корея моделидан келиб чиқиб, Ўзбекистон дрон технологиялари, разведка ва алоқа тизимларини ишлаб чиқариш бўйича технологик ҳамкорликни ривожлантириши керак. Бунда Hanwha Techwin ва KAI каби кореялик ишлаб чиқарувчилар билан инновацион лойиҳалар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, Жанубий Корея Миллий Мудофаа Университети (KNDU) ва ахборот хавфсизлиги марказлари билан ҳарбий таълим ва илмий-тадқиқот ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарур. Бу Ўзбекистонда замонавий стратегик таҳлилчилар ва ҳарбий мутахассислар корпусини шакллантиришга ёрдам беради;

учинчидан, Ўзбекистон ҳарбий саноати учун кореялик давлат-хусусий шериклик (PPP) моделини мослаштириш орқали маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш мумкин. Бу хусусий капитал иштирокида экспортбоп қурол-аслаҳа лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилади;

тўртинчидан, рақамлаштириш ва киберхавфсизлик соҳаларида Жанубий Кореянинг илғор тажрибасини жалб қилиш орқали, Ўзбекистон мудофаа тизими ахборот хатарларига чинакам тайёр ҳолатга келтирилиши мумкин;

бешинчидан, Жанубий Кореянинг “soft power” – маданият, фан, кино, ахборот орқали дипломатик таъсирини ҳарбий соҳада қўллаш имкониятлари ҳам ўрганилиши лозим. Бу нафақат ҳарбий ҳамкорликни, балки умумий геосиёсий яқинликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсидан нафақат иқтисодиёт, сиёсат, балки ҳарбий жиҳатдан ҳам ривожланган давлатлардан бири бу Хитой Халқ Республикасидир.

Хитой Халқ Республикаси сўнгги ўн йилликда ўзининг ҳарбий салоҳиятини жаҳон миқёсида мустаҳкамлаш ва ташқи сиёсий нуфузини оширишда ҳарбий-дипломатик ҳамкорликдан кенг фойдаланмоқда. Хитойнинг

ҳарбий стратегиясида "актив мудофаа" ва "бирлашган операциялар" концепциялари асосий ўрин тутади.

Ушбу стратегияларга мувофиқ, Хитой ўзининг қуролли кучларини (PLA) модернизация қилиш, киберхавфсизлик ва сунъий интеллект технологияларини ҳарбий соҳага жорий этишга катта сармоя киритмоқда[1].

Хитойнинг ҳарбий дипломатияси асосан қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

биринчидан, қўшма ҳарбий машқлар – Хитой Россия, Покистон, Эрон, Белоруссия ва бошқа давлатлар билан ҳар йили бир неча ўнлаб қўшма машқлар ўтказади. ШҲТ (Шанхай ҳамкорлик ташкилоти) доирасидаги машқлар ва “Мирная миссия” тадбирлари минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган;

иккинчидан, Африка ва Осиёда ҳарбий базалар ва денгиз фаолияти – 2017 йилда Жибутийда қурилган Хитойнинг илк хорижий ҳарбий базаси Африкадаги ҳарбий-сиёсий манфаатларни ҳимоя қилишда муҳим нуқтага айланди;

учинчидан, ҳарбий таълим ва техник ёрдам – Хитой ҳар йили юзлаб хорижий курсантлар учун ҳарбий академияларда грантли ўқув дастурларини тақдим этади. Бундан ташқари, Хитойда ишлаб чиқарилган қурол-аслаҳа Африка ва Осиёда кенг тарқалган;

тўртинчидан, кўп томонлама платформада фаолият – Хитой АСЕАН, ШҲТ, BRICS ва Араб давлатлари билан қўшма хавфсизлик платформаларини шакллантирган. Ҳарбий ва дипломатик алоқалар кўпинча инвестиция ва инфратузилма битимлари билан биргаликда амалга оширилади.

Фикримизча, Хитойнинг мудофаа салоҳиятини ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик асосида ривожлантириш хусусиятларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Хитой билан ШҲТ доирасидаги тинчлик йўлида ҳарбий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, минтақавий хавфсизлик машқларида Ўзбекистоннинг иштирокини кенгайтириш керак;

иккинчидан, Хитой ҳарбий академиялари билан кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилиши мумкин. Бунда стратегик таҳлил, киберхавфсизлик ва сунъий интеллект соҳаларига эътибор қаратилсин;

учинчидан, Хитой мудофаа саноатининг муайян технологияларини (алоқа воситалари, мудофаа техникаси, портатив радарлар) трансфер қилиш асосида Ўзбекистонда қўшма ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилиши мақсадга мувофиқ;

[1] State Council Information Office of the PRC, China's National Defense in the New Era, 2019. – P. 25.

тўртинчидан, ШҲТ ва BRICS каби платформадаги ҳарбий-сиёсий алоқалардан тинчлик йўлида фойдаланиб, ўз миллий хавфсизлик манфаатларимизни халқаро даражада илгари суриш мақсадга мувофиқ;

бешинчидан, Хитойнинг ҳарбий дипломатиясини инвестиция ва инфратузилма билан уйғунлаштириш тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон "ҳамкорлик-плюс-хавфсизлик" моделидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиши мумкин.

Ҳарбий дипломатия соҳасида ривожланган давлатлардан яна бири, Германия Федератив Республикаси бўлиб, у Европа Иттифоқи ва НАТОнинг етакчи аъзоларидан бири сифатида ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни институционал тизимда амалга оширувчи илғор давлат сифатида эътироф этилади. Унинг мудофаа сиёсати демократик қимматликлар, халқаро ҳуқуқ ва стратегик интероперабеллик тамойилларига асосланади.

2022 йилда Россия–Украина можаросидан сўнг, Германияда "Zeitenwende" (яъни геосиёсий бурилиш) сиёсати эълон қилиниб, мудофаа соҳасига 100 миллиард евро миқдорида қўшимча бюджет ажратилди[1].

Германия ўзининг ҳарбий салоҳиятини NATO доирасидаги тезкор жавоб кучларида иштирок этиш, ўзининг логистика, тиббиёт, муҳандислик ва разведка қувватларини кенгайтириш, шунингдек, ракетага қарши мудофаа тизимларини янгилаш орқали оширмоқда.

Шу билан бирга, Германия ахборот хатарларига қарши ҳарбий инфратузилмасини қайта қуришда киберхавфсизлик ва рақамлаштиришни устувор йўналиш сифатида белгилаган[2].

Таълим соҳасида Германия Bundeswehr University Hamburg, Command and Staff College (Fuehrungsakademie der Bundeswehr) ва Foreign Armed Forces Office каби муассасалари орқали халқаро курсантлар учун серқирра ўқув дастурларини амалга оширади. Буларга стратегик таҳлил, тинчликпарварлик, инсон хавфсизлиги ва киберҳимоя соҳалари киради.

Шунингдек, Германия ЕИнинг умумевропа мудофаа салоҳиятини шакллантиришга доир PESCO, EDF (European Defence Fund) ва CARD (Coordinated Annual Review on Defence) ташаббусларида етакчи ўринни эгалламоқда. Унинг ҳарбий дипломатиясида инсон ҳуқуқлари, инсонпарвар интервенция ва халқаро тинчликпарварлик тамойиллари юқори аҳамият касб этади[3].

Фикримизча, Германиянинг мудофаа салоҳиятини ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик асосида ривожлантириш хусусиятларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

[1] Bundeswehr Reform Plan, Federal Ministry of Defence, 2022, p. 4.
[2] Bendiek, A. & Bossong, R. (2023). Germany's Cyber Security Strategy, SWP Research Paper, No. 9.
[3] European External Action Service, EU Security and Defence Policy Annual Report, 2023.

биринчидан, Германия билан ҳарбий таълим ва илмий ҳамкорликни кучайтириш, айниқса Bundeswehr University билан икки томонлама стажировка, малака ошириш ва илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш зарур;

иккинчидан, Германиянинг НАТО ва ЕИ тизимидаги интероперабеллик тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистоннинг ҳамкор давлатлар билан узвий ҳаракат қилиш салоҳиятини ошириш мумкин;

учинчидан, Германиянинг рақамли мудофаа, киберхавфсизлик ва интеллектуал мудофаа тизимларини жорий этиш тажрибаси Ўзбекистон учун технологик модернизацияда самарали асос бўлади;

тўртинчидан, Германиянинг тинчликпарварлик ва инсон хавфсизлиги концепцияларидан фойдаланиб, Ўзбекистон ҳарбий доктринасида инсонпарварлик ва профилактик ёндашув элементларини кенгайтириш мумкин;

бешинчидан, Германия билан ҳарбий-логистик ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, ҳарбий тиббий хизмат, муҳандислик таъминоти ва халқаро миссияларда хизмат кўрсатиш борасида қўшма тадбирлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ҳарбий соҳада ривожланган давлатлардан яна бири Туркия Республикасидир. Туркия Республикаси сўнгги ўн йилда ҳарбий-дипломатик фаоллигини кўзга кўринарли даражада ошириб, ташқи сиёсатида ҳарбий салоҳиятни стратегик воситага айлантиришга интилди.

Туркиянинг “миллий мудофаа саноатида стратегик мустақиллик” концепцияси 2015 йилдан буён давлат сиёсатининг марказий устувор йўналишларидан бирига айланди[1].

Туркия Baykar, ASELSAN, ROKETSAN ва TAI (Turkish Aerospace Industries) каби компаниялар орқали Bayraktar TB2, Akinci, Anka дронлари, ракеталар, ҳаво мудофаа тизимлари ва алоқа ускуналарини ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулотлар 30 дан ортиқ давлатга экспорт қилинган, жумладан Озарбайжон, Қатар, Ливия, Украина ва Эфиопия. Бу орқали Туркия ҳарбий техникасини экспорт қилибгина қолмай, ўзининг геосиёсий таъсир доирасини ҳам кенгайтирмоқда[2].

Туркиянинг ҳарбий дипломатиясида яна бир муҳим йўналиш – ҳарбий таълим ва ҳарбий маслахат тизимларининг экспортидир. Туркия Африка, Кавказ, Балкан ва Марказий Осиёдаги давлатлар билан ҳарбий кадрлар тайёрлаш ва инструкторлар алмашинуви дастурларини йўлга қўйган. Туркия Миллий Мудофаа Университети (Milli Savunma Üniversitesi) ҳамда TIKA (Turkish

[1] Republic of Turkey, Ministry of National Defence, Defense Industry Strategy Document, 2017.
[2] Kalin, I. (2023). Turkey’s Strategic Autonomy in Defense, SETA Foundation, pp. 18–24.

Cooperation and Coordination Agency) орқали ҳарбий таълим ва маданий дипломатия уйғун равишда амалга оширилади.

Туркия, шунингдек, NATOнинг аъзоси сифатида альянснинг Афғонистон, Косово ва бошқа минтақалардаги тинчликпарвар операцияларида фаол иштирок этди. Бироқ, у айни пайтда ўзининг мустақил ҳарбий стратегиясини (strategic autonomy) шакллантириб, АҚШ ва Европа Иттифоқидан нисбатан мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилмоқда.

Фикримизча, Туркиянинг мудофаа салоҳиятини ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик асосида ривожлантириш хусусиятларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Туркиянинг Baykar ва ASELSAN каби мудофаа корхоналари билан қўшма ишлаб чиқариш, лойиҳалаш ва технологик трансфер дастурларини амалга ошириш зарур;

иккинчидан, Туркия Миллий Мудофаа Университети ва TIKA орқали амалга оширилаётган ҳарбий таълим лойиҳаларида Ўзбекистон офицерлари ва курсантларининг фаол иштирокини таъминлаш керак;

учинчидан, Туркиянинг ҳарбий-экспорт салоҳиятини ўрганган ҳолда, Ўзбекистон ҳам ўз ҳарбий саноатини экспортга йўналтириш стратегиясини ишлаб чиқиши мумкин;

тўртинчидан, Туркиянинг “ҳарбий дипломатия + маданий дипломатия” модели асосида Ўзбекистон ҳам ўз миллий қўшинларининг халқаро нуфузини ошириш учун ҳарбий таълим, тарихий мерос ва маданий алоқаларни уйғун равишда йўлга қўйиши мумкин;

бешинчидан, Туркия билан махсус операциялар, чегара хавфсизлиги ва терроризмга қарши кураш соҳаларида қўшма машқлар ва ўқув дастурларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Шу тариқа, Туркия тажрибаси Ўзбекистон учун ҳарбий-саноатни диверсификация қилиш, таълимда халқаро интеграцияни кучайтириш ва дипломатик стратегияни ҳарбий воситалар билан уйғунлаштириш имкониятини яратади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Россия, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Германия ва Туркиянинг ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик асосида мудофаа салоҳиятини ривожлантириш тажрибаси таҳлили асосида, Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболлари бўйича қуйидаги умумий хулосаларни келтириб ўтишимиз мумкин:

биринчидан, ҳар бир таҳлил этилган давлат тажрибаси Ўзбекистон учун ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни миллий мудофаа стратегиясининг ажралмас қисми сифатида шакллантириш зарурлигини кўрсатади. АҚШнинг IMET ва FMF

дастурларидаги иштирок, Жанубий Кореянинг ҳарбий таълим ва технологик экспорт модели, Хитойнинг минтақавий хавфсизликдаги кўп томонлама ёндашуви, Германиянинг интероперабеллик ва рақамлаштириш салоҳияти, Туркиянинг ҳарбий-маданий уйғун модели ва Россиянинг интеграциялашган минтақавий хавфсизлик платформалари Ўзбекистоннинг ҳарбий-дипломатик позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилади;

иккинчидан, Ўзбекистон ҳарбий таълим соҳасида юқори даражали хорижий ҳамкорликни кенгайтириши зарур. Бунинг учун Германия (Bundeswehr University), Жанубий Корея (KNDU), Туркия (Milli Savunma Üniversitesi), ва АҚШ (IMET орқали) университетлари билан илмий-таълимий ҳамкорликни институционал асосда йўлга қўйиш лозим;

учинчидан, мудофаа саноатини ривожлантиришда Туркия ва Жанубий Кореянинг давлат-хусусий шериклик модели, Хитойнинг қўшма ишлаб чиқариш ва технологик трансфер сиёсатини мослаштириш Ўзбекистон мудофаа салоҳиятини ички ресурслар билан таъминлаш имконини беради. Бу маҳаллий саноатда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар яратиш имкониятини очади;

тўртинчидан, рақамли мудофаа ва киберхавфсизлик соҳасида Германия ва Корея тажрибаси асосида Ўзбекистонда ахборот хавфсизлиги стратегиясини ҳарбий доктрина билан уйғунлаштириш лозим. Хусусан, сунъий интеллект, рақамли разведка ва киберҳужумга қарши қўшинлар (cyber troops) шакллантирилиши долзарбдир;

бешинчидан, минтақавий ва халқаро форматларда – ШҲТ, С5+1, НАТО шериклари, ва ИҲТ доирасида – қўшма машқлар, маслаҳатлашувлар, тинчликпарварлик операцияларида иштирок қилиш Ўзбекистоннинг ҳарбий-дипломатик фаоллигини кучайтиради. Туркия, Россия ва Хитой каби давлатлар билан кўп томонлама форматдаги стратегик шерикликлар асосида ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ;

олтинчидан, маданий дипломатия ва ҳарбий таълимни уйғунлаштириш Туркиянинг “TIKA + ҳарбий академиялар” моделидаги тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистоннинг ҳарбий соҳа орқали “софт пауэр”ини ҳам кенгайтириш имконини беради. Бу халқаро имиджни ошириш, шу билан бирга миллий тарихий-маданий меросни илгари суриш имконини ҳам яратади;

еттинчидан, Россия ва Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон “актив мудофаа” ва “бирлашган операциялар” моделини ўз доктринасида концептуал асос сифатида жорий этиши мумкин. Бу стратегик чўзилган муноқашаларда манёвр салоҳияти ва мудофаа-ташаббускор позицияни шакллантиради.

Дарҳақиқат, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Германия, Туркия ва Россия томонидан амалга оширилган ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик стратегиялари замонавий геосиёсий воқелик ва хавфсизлик мувозанатини таъминлашда муҳим ўрин тутаётганини кўрсатмоқда. Бу давлатлар ҳарбий салоҳиятни ривожлантиришда ташқи сиёсий восита сифатида дипломатияни самарали тарзда қўлламоқда. Улар ҳарбий таълим, техник-технологик алмашинув, стратегик ҳамкорлик, қўшма машқлар, қурол-яроғ экспорти, маданий дипломатия ва ахборот хавфсизлиги соҳаларида интеграциялашган ёндашув асосида ҳаракат қилмоқда.

Бир томондан, АҚШ ва Германия каби давлатлар институционал ҳамкорликни НАТО, IMET, FMF ва EU PESCO каби форматларда амалга оширса, иккинчи томондан, Жанубий Корея ва Туркия ўз мудофаа саноатини ташқи бозорга интеграциялаштириш, таълим-дипломатик алоқаларни кенгайтириш орқали ҳарбий-сиёсий таъсирини мустаҳкамламоқда. Хитой ва Россия эса геостратегик минтақаларда ҳарбий базалар, қўшма машқлар ва қурол-яроғ дипломатияси орқали ўз нуфузини кучайтирмоқда.

Мазкур моделлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳарбий салоҳиятни ривожлантиришда фақат ички ресурсларга таяниш эмас, балки стратегик ҳамкорликни ҳарбий ва дипломатик майдонда мутаносиб тарзда юритиш муҳимдир. Ўзбекистон учун эса мазкур тажрибаларни мослаштирган ҳолда, ҳарбий таълим, киберхавфсизлик, саноат кооперацияси, минтақавий хавфсизлик платформалари ва инсонпарвар ҳарбий дипломатия йўналишларини ривожлантириш устувор аҳамият касб этади.

Шу асосда, Ўзбекистонда ҳарбий-дипломатик ҳамкорликни миллий мудофаа сиёсатининг стратегик устуни сифатида шакллантириш, мазкур давлатлар билан ўзаро манфаатли ва мақсадли шерикликни институционал даражада мустаҳкамлаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИК ҲУДУДЛАРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ВАКОЛАТЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Махмудов Жасурбек Хамидович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

***Аннотация*:** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги ваколатлари ҳар томонлама ҳуқуқий таҳлил этилган. Миллий гвардиянинг ички ишлар органлари билан ўзаро муносабатлари, фавқулодда ҳолатлардаги вазифалари, халқаро тажрибалар билан қиёсий жиҳатлари ҳамда амалдаги қонунчиликдаги коллизиялар таҳлил қилиниб, тартиббузарликларнинг олдини олишда ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда унинг ролини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар берилган.

***Калит сўзлар*:** Миллий гвардия, жамоат тартиби, ҳуқуқий ваколатлар, ички ишлар органлари, фавқулодда ҳолат, қонунчилик, халқаро тажриба.

Жамоат тартибини таъминлаш давлатнинг асосий функцияларидан бири бўлиб, бу жараёнда махсус ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар муҳим рол ўйнайди. Миллий гвардия эса, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш ва фавқулодда ҳолатларда жамоат тартибини сақлаш вазифаларини бажарувчи стратегик тузилма ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси мустақил Ўзбекистоннинг илк йилларида ташкил этилган. Хусусан, 1992 йили Миллий гвардия мамлакат Қуролли Кучларининг таркибий қисми сифатида тузилиб, у вақтда асосан стратегик объектларни қўриқлаш ва давлат раҳбарияти ҳавфсизлигини таъминлаш вазифалари юклатилган эди.

Орадан йиллар ўтиб, мамлакат хавфсизлик тизимида ислоҳотлар зарурати туфайли Миллий гвардия фаолияти қайта кўриб чиқилди. 2017 йил август ойида Президент Шавкат Мирзиёев махсус фармон билан Миллий гвардияни Мудофаа вазирлиги тизимидан чиқариб, мустақил давлат органи мақомига эга қилди. Бу қарор Миллий гвардияга тўғридан-тўғри Президентга бўйсуниш ва ички ишлар, хавфсизлик идораларидан мустақил равишда фаолият юритиш ҳуқуқий асосини яратди. Мазкур ўзгаришлар ортидан қатор қонун ҳужжатлари ва кодексларга ўзгартиш киритилиб, Миллий гвардия ваколатлари ва вазифалари сезиларли равишда кенгайтирилди.

Миллий гвардиянинг бугунги кундағы мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикасининг «Миллий гвардия тўғрисида»ги Қонуни[1] билан аниқ белгилаб берилган. Ушбу Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Миллий гвардияга қуйидаги асосий вазифалар юклатилган: фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонунда муҳофаза қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш; терроризмга қарши курашиш ва террорчилик актлари ҳамда табиий ёки техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этиш; жиноят ишлари бўйича дастлабки терговга қадар текширув ва inquiry (суриштирув) ҳаракатларини амалга ошириш, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида иш юритиш; давлатнинг муҳим ва тоифаланган объектларини ҳамда бошқа объектларни, шу жумладан жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкини қўриқлаш; хусусий ҳавфсизлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш; ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, яъни ҳуқуқбузарликлар сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш; жамоат тартибини сақлаш (хусусан оммавий тадбирлар, йиғилишлар, намойишлар вақтида ва фуқаролар оммавий тўпланадиган жойларда); фавқулодда ҳолат режимини, махсус ҳарбий ҳолат даврида ва террорчиликка қарши амалиётлар вақтида белгиланадиган ҳуқуқий режимни таъминлаш; қўриқланувчи шахсларни муҳофаза қилишда қатнашиш; олий даражадаги хорижий делегациялар ташрифлари ва Президент иштирокидаги байрам тадбирларида расмий маросимларни ўтказиш; аҳоли гавжум жойларда патруллик қилиш орқали ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятларни фош этиш; республика ҳудудий мудофаа тизими доирасида махсус вазифаларни бажариш, шунингдек давлат чегарасини қўриқлашда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига кўмаклашиш кабилар киради[2]. Кўриниб турибдики, мазкур вазифалар доирасида жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш Миллий гвардия фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир.

Миллий гвардияга юкланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун қонунчилик унга кенг кўламли ҳуқуқий ваколатлар берган. Жамоат тартибини сақлаш соҳасида Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатларига яқин ваколатларга эга. Хусусан, «Миллий гвардия тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, гвардия ходими ўз вазифасини бажариш чоғида фуқаролар ва мансабдор шахслардан қонун талабларига риоя этишни талаб қилиш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатишни талаб этиш, қонун бузилиш ҳолатлари бўйича келиб белгиланган тартибда кўрсатма бериш учун белгиланган жойга келишни талаб этиш каби

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги O‘RQ–647-сон «Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси тўғрисида»ги Қонуни // https://www.lex.uz/acts/5128310.

[2] tashkenttimes.uz

қонуний талабларни қўйиши мумкин ва бундай талаблар барча учун мажбурий саналади.

Миллий гвардия ходимлари, ўз ваколатлари доирасида, фуқаролар ва шахсий таркиб ҳужжатларини текшириш, уларни шахсан кўздан кечириш, уларнинг олиб юрган буюмлари ҳамда транспорт воситаларини кўрикдан ўтказиш ҳуқуқига эгадир. Жиноят содир этилган жойдан одамларни четлаштириш, тартибсизлик вужудга келган ҳудудга тўсиқ қўйиб, уни вақтинча ёпиш (қамал қилиш) ҳуқуқи ҳам Миллий гвардияга берилган ваколатлар шулар жумласидандир

Шунингдек, миллий гвардия ходимлари жиноят содир этганликда ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликда гумон қилинувчи шахсларни вақтинча қўлга олиш (ушлаш) ва Миллий гвардия бўлимларига олиб келиш, тегишли тартибда уларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштириш ваколатига эга. Қонун талабларига бўйсунмасдан ҳуқуқбузарлик содир этаётган шахсларга нисбатан Миллий гвардия ходимлари уларни тўхтатиш учун қонуний мажбурлов чораларини қўллашга ҳақли эканлиги ҳам қонунда қайд этилган.

Бундан ташқари, Миллий гвардия томонидан жамоат тартибини сақлаш вақтида услубий жиҳатдан ички ишлар органлари билан тенг равишда махсус воситалар ва куч ишлатиш имконияти назарда тутилган. Миллий гвардия ходимлари хизмат вазифасини бажариш чоғида олиб юриш ва қонуний асосларда қўллаш учун оташли қурол ва махсус воситалар (резина таёқ, кузатув воситалари, муҳофаза воситалари ва ҳ.к.)га эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Улар жисмоний куч, махсус воситалар ёки қурол қўллашлари мумкин, аммо фақат қонун билан белгиланган ҳолатларда ва тартибда, масалан, ҳужумни қайтаришда, жиноятнинг олдини олиш ёки тўхтатиш мақсадида, Миллий гвардия ходимига қаршилик кўрсатилганда, қочиб кетаётган жиноятчини қўлга олишда, гаровга олинган шахсларни ёки эгаллаб олинган иншоотларни озод этишда, қўриқланувчи объект ва шахсларни ҳимоя қилишда ёхуд гуруҳ бўлиб ҳуқуқбузарлик содир этаётган фуқароларнинг ҳаракатини тўсишда қўлланилиши мумкин (бунда ҳар доим имкони борича олдин огоҳлантириш берилиши лозим).

Айни пайтда, қонунчилик махсус восита ва қуролларни қўллашда чекловлар ҳам ўрнатган бўлиб, ҳомиладор аёллар, ногиронлар ёки болаларга нисбатан бундай куч ва воситаларни қўллаш қатъиян тақиқланади (фатво ҳолатлари бундан мустасно).

Миллий гвардия ходимларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари нафақат мазкур махсус Қонун билан, балки бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳам мустаҳкамланган. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг

248[1]-моддаси[1]га бир қатор қўшимчалар киритилиб, унга мувофиқ Миллий гвардия органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар ишларини кўриб жарима қўллаш ваколатига эга мансабдор шахслар рўйхати белгиланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 188[2] ва 192-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақли: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, унинг ўринбосари ва бўлим бошлиқлари; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Суриштирувни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосари; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда суриштирув бўлимларининг бошлиқлари; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармалари, туман (шаҳар) қўриқлаш бўлимлари бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари[2] каби мансабдор шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан қарор қабул қилиш ва жарима тайинлаш ҳуқуқига эга этиб белгиланди. Бошқа сўз билан айтганда, жамоат тартибини сақлашга доир маъмурий ҳуқуқбузарликлар (масалан, оммавий жойларда спиртли ичимлик истеъмол қилиш, майда безорилик, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабат ва ҳ.к.) бўйича Миллий гвардия ҳам маъмурий чора кўриш жараёнининг бир қисми сифатида иштирок эта олади. Бу ўзгартишлар ҳуқуқий жиҳатдан Миллий гвардияга жамоат тартибига дахлдор соҳаларда ички ишлар органлари билан тенг равишда тартиббузарларга нисбатан таъсир чораларини қўллаш ваколатини мустаҳкамлади.

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонуни (248[1]моддага 12.07.2023 й. ўзгартиш) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2023 й., 03/23/842/0276-сон. https://lex.uz/acts/6464211.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонуни (2481моддага 12.07.2023 й. ўзгартиш) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2023 й., 03/23/842/0276-сон. https://lex.uz/acts/6464211.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан (ёпиқ грифли) қўриқлаш бўлимлари 2025 йилнинг биринчи чорагидан ички ишлар органлари таркибига олинди. Шунга кўра, Миллий гвардиянинг жамоат тартибини сақлаш борасидаги маъмурий амалиётини ҳуқуқий асосларидаги коллезион ҳолатларни олдини олиш ва мазкур соҳадаги нормаларни тизимлаштириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248[1]-моддаси[1]даги “Миллий гвардия органлари номидан жамоат тартибини сақлашга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун белгиланган *“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармалари, туман (шаҳар) қўриқлаш бўлимлари бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари”* жумлаларини чиқариш, шунингдек, 248-моддани *“Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Қўриқлаш бош бошқармасининг Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Қўриқлаш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармалари, туман (шаҳар) қўриқлаш бўлимлари бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари*” жумлалари билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистонда бир неча давлат органлари зиммасига юклатилади. Асосий ваколат, шубҳасиз, ички ишлар органларига тегишли бўлиб, Ички ишлар вазирлиги тизими кундалик тартибда қонун бузилишининг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат жойларда тартибни таъминлаш учун масъул асосий тузилмадир. Ички ишлар органларининг вазифалари ва мажбуриятлари тегишли қонунчиликда (масалан, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонун[2]) баён этилган бўлиб, унга кўра жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш ички ишлар идораларининг биринчи даражали вазифаларидир. Миллий гвардия “ўзига бириктирилган жамоат жойларида, шу жумладан Тошкент, Нукус

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонуни (248[1]моддага 12.07.2023 й. ўзгартиш) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2023 й., 03/23/842/0276-сон. https://lex.uz/acts/6464211.

[2] Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни // https://lex.uz/docs/3027843.

шаҳарлари ва вилоятлар марказларидаги оммавий тадбирларда, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этади”[1].

Юқорида санаб ўтилган Миллий гвардия органларининг жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ вазифаларига назар ташлар эканмиз, унинг ваколатлари кўп жиҳатдан ички ишлар органлари ваколатлари билан ўхшаш эканини кўриш мумкин. Лекин уларни функционал жиҳатдан тақсимлаш мақсадида қонунчилик Миллий гвардияга махсус “жавобгарлик ҳудудлари”ни белгилаган. Масалан, оммавий тадбирлар, намойишлар, йиғилишлар пайтида жамоат тартибини сақлашда Миллий гвардиянинг иштироки алоҳида таъкидланган (бу борада Миллий гвардия ходимлари ички ишлар билан ҳамкорликда тартибни таъминлайди). Шунингдек, давлат аҳамиятига молик объектларни қўриқлаш ва стратегик инфратузилмалар хавфсизлигини таъминлашда Миллий гвардияга катта ваколат берилгани, ички ишлар органлари эса асосан жамоат жойларида патруллик ва умумий тартиб назоратига масъул этиб қолдирилгани кузатилади. Миллий гвардиянинг бошқа идоралар билан ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги ҳуқуқий жиҳатдан муҳокама қилинганда, аввало, унинг мустақиллигига доир қоидага эътибор қаратиш зарур. «Миллий гвардия тўғрисида»ги Қонун[2] Миллий гвардиянинг принципларидан бири сифатида унинг фаолиятига бошқа давлат органлари ва мансабдор шахслар аралашиши тақиқланишини белгилайди – Миллий гвардия ўз вазифаларини қонун асосида ҳар қандай бошқа идорадан мустақил тарзда амалга оширади.

Шу билан бирга, ушбу қонунда Миллий гвардиянинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши назарда тутилган: гвардия ўз вазифаларини бажариш чоғида тегишли идоралар билан ҳамкорликда иш олиб боради, бошқа давлат органлари эса ўз ваколат доирасида Миллий гвардияга унинг вазифаларини адо этишида ёрдам беришлари шарт экани қонун нормаси билан мустаҳкамланган (Қонун, 9-модда).

Бу норма ваколатлар тақсимоти амалда ўзаро ҳамкорликка асосланиши, бир идоранинг вазифалари иккинчиси томонидан тўлдирилишини кўзда тутади. Масалан, ички ишлар вазирлиги таркибидаги патруль-пост хизмати йўл-патрул ва жамоат жойларда тинчликни сақлашни амалга оширса, Миллий гвардиянинг жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўлинмалари стратегик объектлар атрофида қўриқлаш, юқори мартабали шахслар иштирокидаги тадбирларда хавфсизликни таъминлаш ва фавқулодда ҳолатлар вақтида махсус режимга риоя этилишини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // https://www.lex.uz/acts/5749291.

[2] Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги O‘RQ–647-сон «Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси тўғрисида»ги Қонуни // https://www.lex.uz/acts/5128310.

назорат қилиш каби вазифаларни бажаради. Бу икки тузилма ваколат жиҳатидан яқин бўлса-да, ҳуқуқий асосда уларнинг маълум соҳаларда масъуллиги ажратиб қўйилган. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ҳам хавфсизлик ва тартиб билан боғлиқ муҳим давлат органидир, лекин унинг ваколатлари асосан табиий офатлар, техноген ҳалокатлар каби фавқулодда ҳолатларда аҳолини муҳофаза қилиш ва қуролсизлантириш ишларига қаратилган. Жамоат тартибини таъминлаш масаласида ФВВ асосан фавқулодда ҳолат эълон қилинганда ёки катта талофатли офатлар содир бўлганда ички ишлар ва Миллий гвардия билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Масалан, табиий офат туфайли фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда, жойларда жамоат тартибини сақлаш, эвакуация ва карантин тадбирларини амалга оширишда Миллий гвардия ички ишлар идораларига ёрдам беради, аҳолини ҳимоялаш ва қутқарув ишларини эса асосан ФВВ ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг «Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги Қонуни[1] ва шу соҳадаги бошқа меъёрий ҳужжатларда фавқулодда ҳолат режими даврида жамоат тартибини сақлаш ички ишлар органлари ва Миллий гвардия зиммасига юклатилиши, ҳарбий қисмлар ва зарур ҳолларда Қуролли Кучлар ёрдамга жалб этилиши мумкинлиги назарда тутилган. Миллий гвардиянинг вазифаларидан бири сифатида «фавқулодда ҳолат режими ва махсус даврда ҳуқуқий тартибни таъминлаш» алоҳида белгиланган ҳам (Қонун, 3-модда) Миллий гвардиянинг фавқулодда вазиятлардаги ваколатли иштирокини кўрсатади.

Шу тариқа, мамлакатда фавқулодда ҳолат ва ҳарбий ҳолат каби экстремал шароитларда ички ишлар, ФВВ, Миллий гвардия ва заруратга кўра армия биргаликда, мувофиқлашган ҳолда жамоат тартибини тиклаш ва хавфсизликни таъминлашга жалб этилади. Миллий гвардия давлат хавфсизлик тизимининг бошқа баъзи тузилмалари билан ҳам алоқадор вазифаларни бажаради. Хусусан, Миллий гвардияга давлат чегараси дахлсизлигини таъминлашда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига кўмаклашиш вазифаси юклатилгани қонун билан белгиланган.

Бу муҳофаза ваколати амалда чегара ҳудудларда хизмат олиб боришда ўзаро мувофиқликни талаб этади. Терроризм ва экстремизмга қарши курашишда эса Миллий гвардия ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати (ДХХ) ҳамда Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ҳаракат қилиши керак бўлади – ҳар бир идора ўз мажбурияти доирасида (масалан, ДХХ – разведка ва контртеррор тадбирлари, Ички ишлар – тезкор-қидирув ва жиноятчиликка қарши кураш, Миллий гвардия – жамоат жойларида хавфсизликни таъминлаш ва зарур ҳолда куч воситаси сифатида) бир-бирини тўлдиради. Шунингдек, маҳаллий давлат

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги Қонуни // https://lex.uz/docs/5774840.

ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) ҳам жамоат тартибини сақлаш бўйича идоралараро чора-тадбирларда иштирок этади. Масалан, мамлакатда “Хавфсиз туристик ҳудуд” ёки “Хавфсиз шаҳар” концепциялари доирасида маҳаллий ҳокимият органлари, ички ишлар органлари ва Миллий гвардия ўртасида ҳамкорлик комиссияларини ташкил этиш, мқсадга мувофиқ.

Хўш, жамоат тартибини таъминлаш бўйича халқаро тажриба қандай?, деган ўринли савол туғилади.

Дунё мамлакатлари тажрибасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун турли хил институтционал ечимлар мавжуд. Кўплаб давлатларда ички ишлар полициясига қўшимча равишда ҳарбийлаштирилган махсус тузилмалар ташкил этилган бўлиб, улар ички хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Миллий гвардияси концепцияси маълум маънода хорижий амалиётдаги “миллий гвардия” ёки “жандармерия” (жандарм) кучларига ўхшашдир. Қуйида икки етакчи мамлакат мисолида қисқача қиёсий ҳуқуқий таҳлил келтирамиз. Россия Федерацияси. 2016 йили Россия Президентининг фармони билан мамлакатда янги давлат қўриқлов тузилмаси – Росгвардия (Россия миллий гвардияси қўшинлари хизмати) ташкил этилди. Унинг ҳуқуқий асоси сифатида 2016 йил 3 июлда қабул қилинган «Россия Федерацияси Миллий гвардия қўшинлари тўғрисида»ги Федерал қонун (№226-ФЗ)[1] хизмат қилади. Росгвардия тўғридан-тўғри Россия Президентига бўйсунадиган ижроия органи сифатида фаолият юритади ва қатор муҳим вазифаларни амалга оширади: давлат чегараларини муҳофаза қилиш, гражданлик ва хизмат қуроллари ҳамда махсус воситалар муомаласини назорат қилиш (қуролга рухсатномалар бериш ва хусусий қўриқлаш тузилмаларини лицензиялаш), терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш ва муҳим давлат объектларини қўриқлаш шулар жумласидандир.

Росгвардия таркибига аввал Ички ишлар вазирлигига қарашли ички қўшинлар, ОМОН (махсус тезкор милиция отряди) ва СОБР (жиноятчиликка қарши махсус отряд) каби куч тузилмалари ўтказилган бўлиб, умумий шахсий таркиби 300 мингдан ортиқ хизматчини ташкил этади. Росгвардиянинг ташкил этилиши орқали Россия ҳукумати ички хавфсизлик соҳасида бир-бирини такрорлаётган ваколатларни ягона идора қўлига топширишга эришди ва мамлакат бўйлаб намойишлар ҳамда оммавий тартибсизликларни бостириш учун марказлашган куч механизмини яратди[2], деб таъкидланади

Шу маънода, Ўзбекистон Миллий гвардияси ва Россия Росгвардияси ўртасида функционал ўхшашликлар кўп – ҳар иккиси ҳам бевосита давлат

[1] 2016 йил 3 июлда қабул қилинган «Россия Федерацияси Миллий гвардия қўшинлари тўғрисида»ги Федерал қонун (№226-ФЗ)// https://www.consultant.ru/docu-ment/cons_doc_LAW_200506/

[2] en.wikipedia.org

раҳбарига бўйсунадиган ҳарбийлашган тузилмалардир. Фарқ шундаки, Росгвардия тузилмаси анча йирик ва ваколатлари кенг (масалан, у ҳатто мамлакатнинг ҳарбий мудофаа ишларида ҳам қатнашади.

Америка Қўшма Штатларида “Миллий гвардия” атамаси мутлақо бошқа тарихий ва ҳуқуқий мазмунга эга. АҚШ Миллий гвардияси ҳар бир штат таркибида ташкил этилган резервдаги ҳарбий қўшин бўлиб, у асосан мамлакат мудофааси ва фавқулодда ҳолатларда ёрдам бериш учун мўлжалланган. АҚШ Конституцияси ва қатор федерал қонунлар (масалан, 1903 йилдаги Дик Акти ва кейинги Миллий мудофаа актлари)га мувофиқ, ҳар бир штат губернатори ўз Миллий гвардиясини бошқаради, зарур ҳолларда (табиий офатлар, тартибсизликлар вақтида) уни сафарадга чақириши мумкин. Штат губернатори Миллий гвардияга ўз штатида содир бўлган табиий ёки техноген ҳалокатлар, катта миқёсдаги тартибсизликлар ҳамда миллий хавфсизликка таҳдид солувчи фавқулодда ҳолатларга жавобан “ҳудудий фаол сафард” (State Active Duty) эълон қилиши ва гвардияни сафарбар этиши мумкин[1].

Бундай ҳолда гвардиячилар тўлиқ штат ҳуқуқий тизимига бўйсунади ва уларга ички ҳуқуқни муҳофаза қилиш чораларини кўриш (масалан, тартибни сақлаш учун жисмоний куч ишлатиш, қамоққа олиш) ваколати берилиши мумкин, чунки АҚШда федерал армиянинг ички ишларга аралашишини чекловчи 1878 йилги «Posse Comitatus» акти Миллий гвардиянинг штат тасарруфидаги хизмат ҳолатига татбиқ этилмайди[2].

Бироқ Миллий гвардия одатда доимий равишда жамоат тартибини сақлаш хизматида турмайди – у фақат фавқулодда ҳолатларда, қисқа муддатли равишда полицияга ёрдам бериш учун жалб этилади. Доимий вақтда эса гвардия аскарлари ҳафта ёки ойнинг маълум кунларида ҳарбий машғулотлар ўтайдиган захира хизматчилардир. АҚШ федерал ҳукумати зарур деб топса (масалан, мамлакатнинг бирор қисмида қўзғолон чиқса ёки улкан фавқулодда вазият юз берса), Президент Миллий гвардиянинг айрим бўлинмаларига федерал сафарбарлик эълон қилиши ва уларни мамлакат Қуролли Кучлари тасарруфига ўтказиши мумкин. Масалан, 2020 йилдаги тартибсизликлар вақтида айрим штатларда губернаторлар Миллий гвардияни сафарбар этган, 2021 йил 6 январда Вашингтонда Конгресс биносига қилинган ҳужумдан кейин эса федерал миқёсда Миллий гвардия жалб этилган. Кўриниб турибтики, АҚШ моделида Миллий гвардия асосан ҳарбий захира ва фавқулодда тартибни сақлашда вақтинчалик ёрдамчи куч вазифасини ўтайди. Ўзбекистон Миллий гвардияси эса бошиданоқ

[1] giveanhour.org
[2] giveanhour.org

доимий штатли тузилма бўлиб, кундалик ҳуқуқ-тартибот таъминлаш фаолиятига жалб этилган.

Россия ва АҚШ тажрибаси “миллий гвардия” тушунчаси турлича талқин этилишини кўрсатади. Бундан ташқари, кўплаб мамлакатларда жамоат тартибини сақлашда ихтисослашган ҳарбийлаштирилган полиция тузилмалари мавжуд. Масалан, Францияда Жандармерия миллий полицияга қарашли ҳарбий тузилма бўлиб, қишлоқ ҳудудлари ва стратегик иншоотларда тартибни сақлаш учун масъул. Италияда Карабинерлар корпуси шунга ўхшаш функцияни бажаради – улар Мудофаа вазирлигига қарашли бўлса-да, ички хавфсизликка хизмат қилади. Қозоғистонда 2014 йилда Ички ишлар вазирлиги қошида Миллий гвардия ташкил этилиб, у илгари мавжуд бўлган ички қўшинларнинг ҳуқуқий ворисига айланди; бу гвардиянинг вазифаларига оммавий тартибсизликларни бартараф этиш, муҳим объектларни қўриқлаш ва террорчиликка қарши амалиётларда иштирок этиш киради. Демак, халқаро тажрибада умумий тамойил шундайки, полиция фаолиятини қўллаб-қувватловчи ҳарбийлашган тузилмалар жамоат тартибини сақлашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Миллий гвардияси ҳам ана шундай модель асосида шаклланган бўлиб, у миллий хусусият ва эҳтиёжларга биноан ҳуқуқий ваколатлари белгиланган.

Юқорида келтирилган қиёсий таҳлил асосида, Миллий гвардиянинг жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги ўрнини қуйидагича баҳолаш мумкин:

биринчидан, мамлакатда Миллий гвардия фаолиятини алоҳида қонунда тартибга солиш амалиёти жорий этилгани ижобий ҳолатдир. 2020 йилги Қонун Миллий гвардия вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб, бу тузилманинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлади. Шу тариқа ваколатлар доирасида номутаносиблик ёки ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга ҳаракат қилинди;

иккинчидан, амалда ички ишлар органлари билан Миллий гвардия ўртасида вазифалар тақсимоти юридик жиҳатдан белгиланган бўлса-да, уларнинг кундалик фаолиятда ўзаро алоқасини янада тизимлилаштириш талаб этилади. Фикримизча, жамоат тартибини сақлашда такрорланиш ва масъулиятни бир-бирига ҳавола қилиш ҳолатларига йўл қўймаслик учун ички ишлар ва Миллий гвардия ўртасида аниқ вазифа тақсимоти механизмларини ишлаб чиқиш керак. Масалан, патруллик хизматини ташкил этиш бўйича икки идоранинг мувофиқлаштирувчи қўшма меъёрий ҳужжати қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳужжатда қайси ҳолатларда ва ҳудудларда патрулликни Миллий гвардия амалга ошириши, қайси ҳолларда ички ишлар ҳодимлари асосий масъул экани, фавқулодда вазиятларда биргаликда ҳаракат қилиш тартиби қатъий белгиланиши зарур;

учинчидн, қонунчиликда Миллий гвардия ваколатларининг амалга оширилиши устидан назорат масалаларига эътибор қаратиш лозим. Мазкур тузилма тўғридан-тўғри Президентга бўйсуниши ва махсус ҳарбий тузилма экани уни парламент ва жамоатчилик назоратидан муайян даражада чеккада қолдирмаслиги керак. Фикримизча, келгусида Миллий гвардия фаолияти юзасидан парламент эшитувлари ўтказиш ва йиллик ҳисоботлар тақдим этиш амалиётини жорий этиш самарали бўлар эди. Бу Миллий гвардиянинг жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги фаолияти очиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

тўртинчидан, Миллий гвардия ходимларининг ҳуқуқбузарликларга қарши чора кўриш ваколати кенгайгани шароитида уларнинг касбий тайёргарлиги ва аҳоли билан муомала маданиятини юксалтиришга доимий эътибор зарур. Жамоат тартибини сақлаш фаолиятига хос вазифаларни бажараётган ҳарбий хизматчилар учун қонун устуворлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқларига ҳурмат принциплари қатъий сингдирилиши шарт (бунга қонуннинг ўзида ҳам алоҳида урғу берилган

Шу боис, Миллий гвардия таркибида хизмат олиб бораётган ҳарбийларни махсус тайёрлов курслари ва малака ошириш дастурларидан ўтказиш тизимини йўлга қўйишни таклиф қилади. Бу, хусусан, жамоат жойларда муросасизликни бартараф этиш, куч қўллаш ваколатидан нотўғри фойдаланишнинг олдини олиш, аҳоли билан психологик мулоқотни ўрнатиш каби кўникмаларни шакллантириш учун муҳимдир.

бешинчидан, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш йўналишида Миллий гвардия ва Favqulodda vaziyatlar vazirligi ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солувчи қоидаларни аниқлаштиришдир. Чунки офатлар ва фавқулодда ҳолатларда хавфсизликни таъминлашда бу икки тузилма тезкор ва мувофиқ ҳаракат қилмаса, жамоат тартибини сақлаш ва аҳолини ҳимоя қилишда узилишлар бўлиши мумкин. Масалан, фавқулодда ҳолат режимини жорий этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб Миллий гвардия қўшинлари ҳам ҳудудий ФВВ комиссиялари тасарруфига кириши тартибини ишлаб чиқиш мумкин. Шунингдек, «Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги қонунда Миллий гвардиянинг аниқ вазифа ва ваколатларини баён этиш, масалан, карантин чораларини таъминлашдаги роли ёки эвакуацияланган аҳоли манзилларини қўриқлашдаги масъулиятини киритиб қўйиш таклиф этилади. Яна бир муҳим жиҳат – Миллий гвардия ва ички ишлар органлари ўртасида ахборот алмашинуви ҳамда тезкор бошқарувни интеграция қилишдир;

олтинчидан, ҳозирги кунда “Хавфсиз шаҳар” аппарат-дастурий тизимлари жорий этилмоқда, шу жумладан, видеокузатув камералари орқали жиноятларни

аниқлаш ва олдини олиш тизими. Бизнингча, бундай ахборот технологиялари фақат ички ишлар органларида эмас, Миллий гвардиянинг тегишли бўлинмалари томонидан ҳам фойдаланилиши зарур. Миллий гвардия пост-патруль хизмати ходимлари ва ички ишлар идоралари навбатчастлари ўртасида ягона тезкор радиоалоқа каналларини йўлга қўйиш, электрон маълумотлар базаларидан биргаликда фойдаланиш механизмини яратиш каби чоралар жамоат тартибини сақлашда идоралараро ҳамкорлик самарадорлигини янада оширади.

еттинчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248[1]-моддаси[1]даги "Миллий гвардия органлари номидан жамоат тартибини сақлашга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун белгиланган *"Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармалари, туман (шаҳар) қўриқлаш бўлимлари бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари"* жумлаларини чиқариш, шунингдек, 248-модда мазмунига қўшимча сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси жамоат тартибини сақлаш соҳасида муҳим ваколатларга эга бўлган янги куч тузилмасидир. Унинг ҳуқуқий мақоми ва вазифалари махсус қонун билан белгиланган, ички ишлар органлари билан ҳамкорликда ишлаши учун норматив асос яратилгани давлатимизда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизими такомиллашаётганидан далолат беради. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, бундай тузилмалар тўғри ҳуқуқий чеклов ва ваколатлар доирасида фаолият кўрсатганда жамоат хавфсизлигини сақлашда самарали натижа беради. Миллий гвардиянинг ваколатларини амалга оширишда қонун устуворлиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш тамойилларига қатъий амал қилиниши шарт (бу қоида Қонуннинг 5-моддасида ҳам қайд этилган).

Мазкур таҳлил асосида Миллий гвардия фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаёт талаблари асосида янада такомиллаштириш лозим. Жумладан, идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, парламент назорати механизмларини жорий этиш ва шахсий таркибни ўқитиш-маҳоратини ошириш бўйича тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқдир. Шу тарзда Миллий гвардия келгусида ҳам жамоат

[1] Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонуни (248[1]моддага 12.07.2023 й. ўзгартиш) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2023 й., 03/23/842/0276-сон. https://lex.uz/acts/6464211.

тартибини сақлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишда давом этади.

FAVQULODDA VAZIYATLARNI OLDINI OLISH VA BARTARAF ETISHDA HAMKORLIKNING ASOSIY TAMOYILLARI VA METODLARI

Tleubayev Yerpolat Najimovich,
Qoraqalpog‘iston davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada favqulodda vaziyatlarni oldini olish va bartaraf etishda hamkorlikning asosiy tamoyillari va usullari tahlil qilinadi. Hamkorlikning samaradorligini ta’minlash uchun xalqaro va mahalliy darajada muvofiqlashtirish, axborot almashinuvi, resurslardan birgalikda foydalanish hamda favqulodda holatlarga tezkor javob berish mexanizmlari muhim ahamiyat kasb etishi ta’kidlanadi. Shuningdek, mualliflar favqulodda vaziyatlarda hal qiluvchi qarorlar qabul qilish jarayonida jamoaviy yondashuvlarning ahamiyatiga urg‘u beradilar.

Kalit so‘zlar: favqulodda vaziyatlar, oldini olish, bartaraf etish, hamkorlik, xalqaro hamkorlik, axborot almashinuvi, resurslar, tezkor javob.

Bugungi kunda jahonda yuz berayotgan global muammolar — tabiiy va texnogen xususiyatga ega favqulodda holatlar, ekologik inqirozlar, epidemiyalar, yer silish, suv toshqini, yong‘inlar, sanoat insidentlari va transport halokatlari kabi tahdidlar inson xavfsizligi va barqaror taraqqiyotga jiddiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Bu holatlar davlatlarning faqat milliy darajadagi imkoniyatlari bilan emas, balki xalqaro va idoralararo hamkorlik mexanizmlari orqali samarali tarzda bartaraf etilishini talab etmoqda. Mustaqillik davrida O‘zbekistonda favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ular yuzaga kelgan taqdirda samarali harakat qilish bo‘yicha yaxlit davlat tizimi shakllantirildi. Ushbu tizimning muvofiqlashtiruvchi organi sifatida O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi tashkil etildi. Shu bilan birga, sohaning huquqiy asoslarini mustahkamlashga qaratilgan zarur normativ-huquqiy baza yaratildi desak hech mubolag‘a bo‘lmaydi.

Mazkur islohotlar natijasida favqulodda vaziyatlarning profilaktikasi, ularning oldini olish va oqibatlarini bartaraf etishda O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi, shuningdek, boshqa tegishli vazirlik va idoralar salohiyatini kuchaytirishga alohida e’tibor qaratildi. Bu jarayonda sohadagi institutsional islohotlar, tizimli muvofiqlashtiruvchi chora-tadbirlar va texnologik imkoniyatlarni kengaytirishga qaratilgan choralar amalga oshirildi. Natijada, favqulodda vaziyatlarning oldini olish va oqibatlarini bartaraf etish bo‘yicha ilmiy asoslangan yondashuvlarga tayangan holda davlat siyosatining samaradorligi oshirilmoqda.

Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etish tizimi samaradorligini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5066-son Farmonini[1] qabul qilinishi fikrimiz tasdig‘idir. Shuningdek, mazkur Farmonda favqulodda vaziyatlarning oldini olish va oqibatlarini bartaraf etish tizimi samaradorligini oshirish, kadrlar salohiyatini mustahkamlash, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, ilm-fan va texnika yutuqlarini joriy etish, shuningdek, Favqulodda vaziyatlar vazirligining moddiy-texnik bazasini mustahkamlashga qaratilgan.

Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularning oqibatlarini bartaraf etish jarayonida subyektlar o‘rtasidagi samarali hamkorlikni ta’minlash muhim ahamiyatga ega. Bunda, ayniqsa, Favqulodda vaziyatlar vazirligi hamda Milliy gvardiya organlari o‘rtasidagi o‘zaro muvofiqlikka asoslangan hamkorlikning tamoyillari va usullarini aniq belgilash zarur. Mazkur jarayon nafaqat favqulodda vaziyatlarning oldini olish samaradorligini oshiradi, balki kelgusidagi xavf-xatarlarni minimallashtirishga ham xizmat qiladi.

Shuningdek, favqulodda vaziyatlarning oldini olish va uning oqibatlarini bartaraf etishda ishtirok etuvchi subyektlar o‘rtasidagi hamkorlikning asosiy tamoyillari qanday bo‘lishi kerakligi haqidagi savol o‘rtaga chiqadi. Qanday me’yor va yondashuvlar bu hamkorlikni tartibga soladi? Nega aynan ana shu tamoyillarga amal qilish zarur? Ushbu savollarga javob topish orqali favqulodda vaziyatlarda tezkor va muvofiq harakat qilish mexanizmini shakllantirish mumkin.

Bundan tashqari, favqulodda vaziyatlarda subyektlar o‘rtasidagi hamkorlik faqatgina vazifalar taqsimotini belgilashdan iborat bo‘lmasligi, balki axborot almashish, resurslardan samarali foydalanish va tezkor qaror qabul qilishda o‘zaro muvofiqlikni ta’minlashni ham o‘z ichiga olishi kerak. Buning uchun hamkorlikning huquqiy asoslari, uni amalga oshirish shakllari va mexanizmlari aniq belgilab qo‘yilishi lozim. Aynan shu jihatlar favqulodda vaziyatlarga javob berish tizimining samaradorligini ta’minlaydi.

Favqulodda vaziyatlarni oldini olish va ularning oqibatlarini bartaraf etish bo‘yicha subyektlar o‘rtasidagi hamkorlik masalalari ilmiy-nazariy jihatdan tahlil qilinishini talab etadi. Bu borada mahalliy va xorijiy olimlartomonidan olib borilgan ilmiy ishlarini o‘rganish alohida ahamiyatga ega. Xususan, mahalliy olimlardan R.S.Sobirov[2], J.N.Murodov[3], O.R.Yuldashev va R.R.Nurmamatovarex[4], B.T.Ibragimov[5], A.Q.Nurxo‘jaev, M.Yu.Yunusov va I.X.Xabibullaev[6], I.Nigmatov va M.Tojiev[7]lar hamda Rossiyalik olimlar Ye.D. Stashis[8], J.J.Koppelman, V.S. Fedoruk, A.I. Ryabshev, K.B. Tikunov va V.V. Zalozniyshlar tomonidan favqulodda vaziyatlarni oldini olishning u yoki bu jihatlari bilan bog‘liq tadqiqot ishlari olib

borishgan bo‘lib, mazkur ilmiy izlanishlari sohada yuzaga keladigan ham nazariy va ham amaliy tafovutlarni oldini olishga xizmat qiladi.

Xususan, xorijiy olimlardan Ye.D. Stashisning favqulodda vaziyatlarni oldini olish va ularning oqibatlarini bartaraf etish sohasidagi tadqiqotlari alohida e’tiborga loyiq. Uning ilmiy ishlari ushbu jarayondagi huquqiy asoslarni shakllantirish va takomillashtirishda muhim ilmiy manba bo‘lib xizmat qiladi. Ye.D. Stashisning “Fuqaro muhofazasi: huquqiy jihatlar” nomli asari[8] da jamoat xavfsizligini ta’minlash va favqulodda vaziyatlarda aholini himoya qilishning huquqiy mexanizmlarini belgilashda nazariy asos vazifasini o‘taydi. Bu mexanizmlar orqali subyektlar o‘rtasidagi o‘zaro muvofiqlik va tezkor axborot almashinuvini ta’minlashga erishiladi.

Shu sababli, ushbu olimlarning ilmiy yutuqlarini chuqur tahlil qilish orqali favqulodda vaziyatlarda subyektlar hamkorligini tartibga solishning huquqiy va tashkiliy asoslarini yanada takomillashtirish mumkin. Ular tomonidan ilgari surilgan nazariy g‘oyalar zamonaviy xavfsizlik tizimini shakllantirishda ilmiy asos vazifasini bajarishi mumkin. Bunday yondashuv favqulodda vaziyatlarga tezkor javob berish, jamoat xavfsizligini ta’minlash va aholining huquqlarini himoya qilish kabi vazifalarni samarali amalga oshirishga yordam beradi.

Bundan tashqari, Ye.D.Stashisning yana bir muhim asarlaridan biri bu “Favqulodda vaziyatlarda aholini muhofaza qilishning huquqiy asoslari”[9] deb nomlanib, mazkur ilmiy asarda favqulodda vaziyatlarda aholini himoya qilishning huquqiy tamoyillari va mexanizmlari chuqur tahlil qilingan. Muallif inson huquqlarini himoya qilish, aholi xavfsizligini ta’minlash va favqulodda vaziyatlarda huquqiy yordam ko‘rsatishga qaratilgan tamoyillarni huquqiy asosda yoritib beradi.

Ushbu asarda favqulodda vaziyatlardagi huquqiy tamoyillari bilan bog‘liq bir qator muhim masalalar ko‘rib chiqilgan. Muallif asarda quyidagi tamoyillarni keltirib o‘tadi. Xususan:

- *qonuniylik tamoyili* – davlat va jamoat tashkilotlari faoliyati qonunlar va xalqaro standartlarga muvofiq amalga oshirish;

- *javobgarlik tamoyili* – favqulodda vaziyatlarda javobgarlikka oid maxsus huquqiy normalar ishlab chiqish;

- *axborot almashinuvining shaffofligi* – favqulodda vaziyatlarda aholiga o‘z vaqtida va haqqoniy ma’lumot yetkazish tamoyili.

Darhaqiqat, favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etishda qonuniylik, javobgarlik va axborot almashishning shaffofligi tamoyillari muhim o‘rin tutadi. Ushbu tamoyillar xalqaro tashkilotlarning tavsiyalari va huquqshunos olimlarning ilmiy qarashlari asosida shakllantirilgan bo‘lib, ularning ijrosini ta’minlash tizim samaradorligini oshiradi.

Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etishda *qonuniylik tamoyiliga* ko‘ra, davlat va jamoat tashkilotlarining favqulodda vaziyatlardagi faoliyati milliy va xalqaro qonunlarga muvofiq amalga oshirilishi shart. Bu tamoyil favqulodda vaziyatlarga javob berishda huquqiy asosning mavjudligini ta’minlaydi. BMT va boshqa xalqaro tashkilotlar bu tamoyilga katta ahamiyat qaratgan bo‘lib, Sendey harakatlar dasturida ham qonuniylik asosiy tamoyillardan biri sifatida belgilangan.

Fikrimizcha, qonuniylik tamoyilining amaliyotda qo‘llanilishi davlat boshqaruvining barqarorligi va jamoat xavfsizligini ta’minlashda muhim ahamiyatga ega. Ushbu tamoyilsiz subyektlarning harakatlarini muvofiqlashtirish qiyinlashadi va huquqiy noaniqliklarga olib keladi. Bu tamoyil favqulodda vaziyatlarga javob berish jarayonidagi subyektlarning mas’uliyatini aniqlash va ijro intizomini oshirishda asosiy kafolat hisoblanadi. Shu sababli, favqulodda vaziyatlarga javob berish bo‘yicha yangi qonunchilik normalarini ishlab chiqish zarur.

Yuqorida keltirib o‘tilgan *javobgarlik tamoyili* esa, favqulodda vaziyatlarda ishtirok etuvchi subyektlarning mas’uliyatini belgilaydi. Bu tamoyilga ko‘ra, har bir subyekt o‘z vazifalarini bajarmasa yoki o‘z majburiyatlarini bajarishda sustkashlik qilsa, javobgarlikka tortiladi. Bu tamoyil Davlat xavfsizlik xizmati, Ichki ishlar vazirligi, Milliy gvardiya va Favqulodda vaziyatlar vazirligi faoliyatida muhim ahamiyatga ega.

Bizningcha, javobgarlik tamoyili favqulodda vaziyatlardagi har bir tashkilotning majburiyatlarini aniq belgilashda muhimdir. Bu tamoyil davlat boshqaruvining shaffofligini ta’minlaydi. Javobgarlikni aniqlash tizimli muvofiqlashtirishni, tezkor javob berish mexanizmlarini mustahkamlaydi va favqulodda vaziyatlarda xatoliklarni kamaytiradi. Biroq, amaliyotda javobgarlik tamoyilini qo‘llashda murakkabliklar uchraydi, chunki subyektlarning aniq vazifalarini belgilash kerak bo‘ladi. Shu bois, har bir subyektning vakolatlari va javobgarligini huquqiy jihatdan tasdiqlash muhimdir.

Shu bilan birga, Ye.D.Stashis o‘z asarida ilgari surgan navbatdagi *axborot almashinuvining shaffofligi tamoyili* favqulodda vaziyatlarda aholiga o‘z vaqtida va haqqoniy ma’lumot yetkazishni nazarda tutadi. Bu tamoyilning asosiy maqsadi – aholining vaziyat haqidagi ma’lumotga ega bo‘lishini ta’minlash, xavfdan ogohlantirish va favqulodda vaziyatlardagi barcha subyektlarning faoliyatini muvofiqlashtirish.

Fikrimizcha, axborot almashinuvining shaffofligi tamoyili nafaqat axborot yetkazib berish, balki xavf-xatarlarni oldindan prognoz qilishda ham muhimdir. Shaffof axborotning yetishmasligi vaziyatdagi noaniqliklarni keltirib chiqaradi. Shu sababli, davlat organlari, xalqaro tashkilotlar va jamoat tashkilotlari o‘rtasidagi axborot almashinuvini tizimli ravishda yo‘lga qo‘yish zarur. Ushbu jarayonda raqamli texnologiyalardan foydalanish (UN-SPIDER) samaradorlikni oshiradi.

Shuni alohida ta’kidlab o‘tish joizki, favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etish sohasida xalqaro hamkorlikni rivojlantirish masalasida amerikalik olim J.J.Koppelman muhim tadqiqotlar olib borgan.

J.J.Koppelman o‘z asarida “xalqaro hamkorlikning ahamiyati, uning huquqiy asoslari va favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etishdagi asosiy tamoyillariga urg‘u berib, jamoat xavfsizligini ta’minlash nafaqat milliy masala, balki xalqaro ahamiyatga ega muammo hisoblanishini”[10] ta’kidlab o‘tgan.

Asarning ahamiyatini muallif quyidagilar bilan izohlagan:

- muallif transchegaraviy favqulodda vaziyatlarni boshqarishda davlatlar o‘rtasidagi hamkorlik tamoyillarini takomillashtirish bo‘yicha ilmiy asoslangan tavsiyalar ishlab chiqish;

- BMT va boshqa xalqaro tashkilotlar bilan muvofiqlashtiruvchi mexanizmlarni kuchaytirish bo‘yicha takliflar berish;

- axborot almashish tizimini mustahkamlash orqali favqulodda vaziyatlarda tezkor javob berish imkoniyatlarini kengaytirish.

Fikrimizcha, J.J.Koppelmanning ilmiy qarashlari xalqaro hamkorlik, favqulodda vaziyatlarga javob berish va axborot almashish tamoyillarini shakllantirishda muhim ahamiyatga ega. Uning asarlarida davlatlar, xalqaro tashkilotlar va jamoat tashkilotlari o‘rtasidagi hamkorlik tamoyillarini takomillashtirishga alohida e’tibor berilgan.

Yuqoridagi tahlillardan kelib chiqib, mazkur paragrif xulosasida “*favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularning oqibatlarini bartaraf etishda hamkorlik tamoyili*” deb nomlangan yangi tamoyinli ilmiy yangilik sifatida kiritilishi kelajakda favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularning oqibatlarini bartaraf etish bilan bog‘liq huquqiy mexanizmlarni takomillashtirish xizmat qiladi. Shuningdek, favqulodda vaziyatlarda ishtirok etuvchi subyektlar o‘rtasidagi huquqiy munosabatlar aniq belgilab beriladi. Bu orqali subyektlarning vakolatlari, vazifalari va javobgarliklari aniqlashtiriladi.

Qonunchilikda mazkur yangi tamoyilni kiritilishi kelajakda *“Favqulodda vaziyatlarda hamkorlik to‘g‘risida”gi* maxsus qonun qabul qilishga huquq zamin bo‘ladi desak hech mubolag‘a bo‘lmaydi. Shu bilan birga mazkur ilmiy yangilik (qonun) subyektlar o‘rtasidagi vazifa taqsimotini belgilashga yordam beradi. Mazkur islohot kelajakda:

birinchidan, idoralararo muvofiqlikning yaxshilanishga xizmat qiladi. Bunda, Milliy gvardiya, Favqulodda vaziyatlar vazirligi va boshqa tegishli organlar o‘rtasidagi hamkorlikni yaxshilashga imkon yaratiladi. Bu vaziyatlarda favqulodda qarorlarni tezkor qabul qilish va ularni amalga oshirishni ta’minlaydi;

ikkinchidan, o‘zaro axborot almashish tizimini takomillashtirish: Hamkorlik tamoyili subyektlar o‘rtasida tezkor ma’lumot almashish uchun yagona axborot

tizimini yaratishga turtki beradi. Bu nafaqat favqulodda vaziyatlarda tezkor javob berishni ta’minlaydi, balki xavfni oldindan prognoz qilishga yordam beradi;

uchinchidan, qo‘shma tezkor shtablarning shakllanishiga shuningdek, hamkorlik tamoyili asosida tezkor shtablar faoliyati takomillashtiriladi. Ushbu shtablar xavfli vaziyatlarda qaror qabul qilishni tezlashtiradi;

to‘rtinchidan, favqulodda vaziyatlarga javob berish tezligini oshiradi, shuningdek, subyektlarning tezkor harakatlanishi va favqulodda vaziyatlarga tezroq javob berishini ta’minlaydi. Hamkorlik tamoyili asosida subyektlar birgalikda ishlash mexanizmini yo‘lga qo‘ygan holda, kechiktirib bo‘lmaydigan choralarni tezkor qabul qilish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

beshinchidan, subyektlar o‘rtasida yagona elektron platforma va tizimlarini yaratadi. Bunda, hamkorlik tamoyili asosida favqulodda vaziyatlarga oid ma’lumotlarni saqlaydigan yagona axborot tizimlari yaratiladi. Bu tizim subyektlarning ma’lumotlarga kirishini yengillashtiradi va xavf-xatarlarni prognoz qilish imkoniyatini oshiradi. Shu bilan birga, yangi o‘zbekistonda sun’iy intellekt va algoritmlar orqali xavfli vaziyatlarni oldindan aniqlash tizimlari joriy etiladi. Bunday tizimlar favqulodda vaziyatlarning oldini olishdagi asosiy vosita bo‘lib xizmat qiladi.

oltinchidan, subyektlar o‘rtasidagi hamkorlik madaniyatining shakllanishiga shuningdek, subyektlarning nafaqat vazifalarini, balki jamoaviy javobgarlikni tushunib yetishiga yordam beradi. Ushbu tamoyil subyektlar o‘rtasida axborot almashish, ko‘mak berish va tezkor javob berish madaniyatini shakllantiradi;

yettinchidan, favqulodda vaziyatlarga javob berish jarayonida fuqarolarni jalb etish usullari takomillashadi. Bu orqali jamoatchilik xavfsizligi ta’minlanadi;

sakkizinchidan, favqulodda vaziyatlarni oldini olish va bartaraf etishda yuzaga keladigan hamkorlik tamoyilining nazariy jihatlari, uning falsafiy, huquqiy va metodologik asoslarini ishlab chiqishga shuningdek, rivojlangan Germaniya, Yaponiya va Janubiy Koreya kabi davlatlardagi favqulodda vaziyatlarning oldini olishdagi hamkorlik tamoyillari asosida milliy tizimga yangi konsepsiyalar ishlab chiqiladi.

to‘qqizinchidan, ta’lim va kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish maqsadida favqulodda vaziyatlarda ishtirok etuvchi subyektlarni o‘qitish uchun maxsus o‘quv dasturlari va kurslari ishlab chiqishga xizmat qiladi.

Yuqoridagi favqulodda vaziyatlarni oldini olish va ularning oqibatlarini bartaraf etish jarayonida hamkorlikni ta’minlash yuzasidan keltirib o‘tilgan taklif va tavsiyalardan kelib chiqib xulosa qilish mumkinki, *“Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularning oqibatlarini bartaraf etishda hamkorlik tamoyili”* ilmiy yangilik sifatida kiritilishi nafaqat huquqiy, balki tashkiliy, axborot texnologiyalari va amaliy faoliyat sohalaridagi jarayonlarning takomillashuviga olib keladi. Bu tamoyil asosida

tezkor javob berish tizimini shakllantirish, subyektlarning mas’uliyatini oshirish va jamoat xavfsizligini ta’minlashda yangi bosqichga chiqish mumkin. Ilmiy faoliyatda ushbu tamoyilni tadqiq etish kelgusida jamoat xavfsizligi tizimini yanada takomillashtirishga zamin yaratadi.

Shu bilan birga, bildirilgan fikr va muloxazalardan kelib chiqib, favqulodda vaziyatlarni oldini olish va bartaraf etishda yuzaga keladigan hamkorlik tamoyillari bilan bir vaqtda, uning usullarini mohiyatini ham yoritib berish mazkur paragrafning vazifalaridan biri hisoblanadi.

O.R.Yuldashev va R.R.Nurmamatovalarning fikriga ko‘ra, “favqulodda vaziyatlarda xavfsizlikni ta’minlash usullarini bilish inson va ishlab chiqarish muhiti tavsiflari orasidagi o‘zaro ta’sirlarni kelishtirish mumkin”[3]. Bu yondashuvda xavfsizlik usullari nafaqat favqulodda vaziyatlarning oldini olishga, balki inson va ishlab chiqarish muhiti o‘rtasidagi munosabatlarni muvozanatga keltirishga xizmat qiladi.

O.R.Yuldashev va R.R.Nurmamatovalar inson va ishlab chiqarish muhiti o‘rtasidagi munosabatlarni kelishtirish zarurligini ta’kidlaydi. Biroq, ishlab chiqarish muhitidagi barcha omillarni inson tomonidan to‘liq nazorat qilish qiyin. Masalan, tabiiy ofatlar, qurilmalardagi kutilmagan texnik nosozliklar insonning irodasidan tashqari sodir bo‘ladi. Bunday vaziyatlarda inson va muhit o‘rtasidagi munosabatlarni kelishtirish juda qiyin kechishi mumkin. Shu sababli, ushbu yondashuvga nisbatan to‘liq ishonch bildirib bo‘lmaydi.

Bugungi kunda, favqulodda vaziyatlarni oldini olish va ularning oqibatlarini bartaraf etish jarayonida hamkorlikni ta’minlash uchun turli usullar qo‘llaniladi. Ushbu usullar Favqulodda vaziyatlar vazirligi va Milliy gvardiya o‘rtasida axborot almashinuvi, muvofiqlashtirish, tezkor qaror qabul qilish, axborot texnologiyalaridan foydalanish va favqulodda vaziyatlarda jamoaviy harakatni muvofiqlashtirishga yo‘naltirilgan.

Favqulodda vaziyatlarni oldini olish va ularning oqibatlarini bartaraf etish jarayonida subyektlar o‘rtasidagi hamkorlik usullarini tizimli ravishda tasniflash zarur. Ilmiy yondashuv nuqtai nazaridan, bu usullarning turlarini aniqlash, ularning vazifalari va mohiyatini belgilash ushbu jarayonning samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Shu jihatdan, hamkorlik usullarini quyidagi shartli turlarga ajratish maqsadga muvofiq:

❖ *axborot almashinuvi va ma’lumotlarni integratsiya qilish usuli* – bu usul favqulodda vaziyatlarga tezkor javob qaytarish jarayonida subyektlar o‘rtasidagi o‘zaro axborot almashish mexanizmlarini o‘z ichiga oladi. Axborot almashinuvi orqali har bir subyekt voqealar rivojini o‘z vaqtida kuzatish, xavfni oldindan prognoz qilish va favqulodda holatlarga tezkor javob berish imkoniyatiga ega bo‘ladi;

❖ *idoralararo muvofiqlashtirish va hamkorlikni muvofiqlashtirish usuli* – mazkur usul subyektlar o‘rtasidagi harakatlarning uyg‘unligini ta’minlashga qaratilgan. Hamkor subyektlar o‘rtasida vazifalar taqsimoti, birgalikda harakat qilish rejasini ishlab chiqish, tezkor qaror qabul qilish uchun birlashgan muvofiqlashtiruvchi organlar yoki shtablarni tashkil etish ushbu usulning asosiy elementlaridir;

❖ *qaror qabul qilish usuli* – favqulodda vaziyatlarda tezkor qaror qabul qilish samaradorlikning muhim shartidir. Ushbu usul subyektlarning mavjud ma’lumotlarga asoslangan holda favqulodda qarorlar qabul qilishini nazarda tutadi. Bu jarayonda sun’iy intellekt, axborot texnologiyalari va prognostik tahlil usullaridan foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi;

❖ *tashkiliy-texnik hamkorlik usuli* – mazkur usul subyektlar o‘rtasidagi moddiy-texnikaviy ta’minot, resurslarni taqsimlash, qo‘shma jangovor guruhlar va maxsus tezkor shtablarni tashkil qilish kabi jarayonlarni o‘z ichiga oladi. Bu usul subyektlarning favqulodda vaziyatlarda birgalikda amaliy harakat qilishiga yordam beradi;

❖ *ta’lim va malaka oshirish usuli* – hamkorlik jarayonida subyektlarning malakasini oshirish, favqulodda vaziyatlarda qanday harakat qilishni o‘rgatish va qo‘shma o‘quv mashg‘ulotlarini o‘tkazish bu usulning asosiy yo‘nalishlaridir. Favqulodda vaziyatlarga tayyorgarlik ko‘rish jarayonida muntazam o‘quv treninglari, mashg‘ulotlar va amaliy tajribalar subyektlar o‘rtasidagi hamkorlikni mustahkamlaydi;

❖ *xalqaro hamkorlik usuli* – favqulodda vaziyatlarning transchegaraviy xususiyati xalqaro hamkorlik zaruratini keltirib chiqaradi. Mazkur usul boshqa davlatlar va xalqaro tashkilotlar bilan axborot almashish, tajriba o‘rganish, xalqaro qo‘shma mashg‘ulotlar o‘tkazish va xavfsizlik bo‘yicha xalqaro standartlarni joriy qilishni o‘z ichiga oladi;

❖ *axborot texnologiyalari va raqamli platformalardan foydalanish usuli* – bu usulda axborot almashish uchun raqamli platformalar, yagona ma’lumot bazalari, sun’iy intellekt va "aqlli tizimlar"dan foydalanish ko‘zda tutiladi. Har bir subyekt voqeiy vaqt rejimida xavfli vaziyatlar haqida ma’lumot olish va tezkor javob berish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Shu orqali favqulodda vaziyatlarda tezkor harakat va samarali qaror qabul qilish ta’minlanadi;

❖ *monitoring va xavflarni baholash usuli* - mazkur usul xavfni oldindan aniqlash va uning ehtimoliy oqibatlarini baholash orqali favqulodda vaziyatlarning oldini olishga qaratilgan. Ushbu usul subyektlar tomonidan xavfni tahlil qilish, prognoz qilish va xavflarni kamaytirishga qaratilgan chora-tadbirlarni ishlab chiqish jarayonida qo‘llaniladi. Sun’iy intellekt tizimlari va avtomatlashtirilgan monitoring vositalari bu jarayonda muhim ahamiyatga ega;

❖ *innovatsion-texnologik usullar* – ushbu usulda innovatsion texnologiyalar, sun’iy intellekt algoritmlari, "aqlli tizimlar" va avtomatlashtirilgan robototexnikadan foydalanish ko‘zda tutiladi. Favqulodda vaziyatlarning oldini olishda va ularning oqibatlarini bartaraf etishda dronlar, sensorlar, mobil ilova va raqamli platformalar keng qo‘llaniladi;

❖ *jamoatchilik bilan hamkorlik usuli* - jamoatchilikni favqulodda vaziyatlarga tayyorlash, aholiga ogohlantirish axborotlarini yetkazish, favqulodda holatlarda ko‘makka muhtoj shaxslarga yordam ko‘rsatish kabi jarayonlar ushbu usulning mohiyatini tashkil etadi. Mazkur usul orqali fuqarolar xavf-xatarlarga tayyor bo‘lishlari, ularga munosabatda to‘g‘ri harakat qilishlari va favqulodda vaziyatlarga javob berish qobiliyatini oshirishlari ta’minlanadi.

Yuqoridagi tahliliy ma’lumotlardan kelib chiqib, xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularning oqibatlarini bartaraf etishda hamkorlik tamoyillari va usullarini ilmiy jihatdan takomillashtirish muhim ahamiyatga ega. Hamkorlikning huquqiy va tashkiliy asoslarini shakllantirish orqali tizim samaradorligini oshirishga erishish mumkin. Bu orqali subyektlar o‘rtasidagi muvofiqlashtiruvchi mexanizmlar mustahkamlanadi, jamoat xavfsizligi ta’minlanadi va aholi xavfsizligini ta’minlashning ilg‘or usullari joriy etiladi.

Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etish sohasida yuritilayotgan ilmiy tadqiqotlar xalqaro va milliy huquqiy tajribalarni chuqur tahlil qilish asosida takomillashtirilishi zarur. Bu jarayon orqali favqulodda vaziyatlarda hamkorlikning yangi mexanizmini joriy etishga erishish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Sh.Mirziyoyevning “Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etish tizimi samaradorligini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-5066-son Farmoni // Milliy qonunchilik bazasi https: // lex.uz / docs / 3223793

2. Sobirov R.S.” Kuchli zilzila bilan bog‘liq favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish”//file:///C:/Users/Acer/Downloads/%D0%A0.%D0%A1.%D0%A-1%D0%-BE%D0%B1%D0%B8%D1%80%D0%BE%D0%B2+.pdf

3. Murodov J.N., O‘zbekiston Respublikasi Favulodda vaziyatlar vazirligi faoliyatini huquqiy ta’minlashni takomillashtirish. Yurid.fan.bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi, - T., O‘R JXU, 2023. – B. 48.

4. Yuldashev O.R. va Nurmamatova R.R. “Xayot faoliyati xavfsizligi”. Darslik. –T.: 2019. – 684 b.

5. Ibragimov B.T. O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi “Akademiya miqqiyosida tashkil etilgan-ilmiy amaliy anjumanlar to‘plami”. T.: 2020 y.: 5-13-betlar

6. Nurxo‘jayev A.Q., Yunusov M.Yu. va Xabibullayev I.X. “Favqulodda vaziyatlar va muhofaza tadbirlari” T.: 2001

7. Nigmatov I. va Tojiyev M. “Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muxofazasi” Darslik. –T.: 2011. – 260 b.

8. Сташис Е.Д. Гражданская оборона: правовые аспекты. Москва, 1990. – С. 141.

9. Сташис Е.Д. Правовые основы защиты населения в чрезвычайных ситуациях. Москва, 1995. – С. 156.

10. Koppelman J.J. International cooperation in the field of prevention and elimination of emergency situations. Washington, 2002. - P. 210.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Кутлимуратов Махмуджон Шарипбаевич,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети магистратураси тингловчиси, капитан

Аннотация: Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчасининг назарий ва методологик асослари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Аввало, профилактиканинг маъноси, мақсади ва турлари халқаро ва миллий манбалар асосида ўрганилган. Мақолада классик криминология мактабларидан тортиб замонавий ва ижтимоий ёндашувларгача бўлган асосий назарий концепциялар қиёсий таҳлил қилинган.

Мақола якунларида профилактика соҳасини янада такомиллаштириш бўйича аниқ амалий таклифлар илгари сурилган. Ушбу тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, тадқиқот ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масаласига комплекс ёндашувни қўллаган ҳолда, миллий ва халқаро тажрибаларни уйғунлаштиришга ҳаракат қилади.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактиканинг назарий асослари, маҳалла институти, методология, назорат, индивидуал ёндашув, қонунчилик.

Кириш. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — бу фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти эмас, балки кенг қамровли ижтимоий ва ҳуқуқий жараён ҳисобланади. Жамиятда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликка олиб келувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳар қандай демократик давлатнинг устувор вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасида бу йўналишда сўнгги йилларда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Профилактика — бу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига олиб келувчи омилларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир. Бу фаолият жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунларга риоя этишга ундаш, жиноий ҳаракатларнинг илдизини аниқлашга йўналтирилади[1].

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий-ҳуқуқий жараён бўлиб, жамиятнинг барқарорлиги, ҳуқуқий онгнинг юксалиши ҳамда фуқароларнинг хавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига катта эътибор қаратилаётгани тасодифий эмас. Зеро, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, ҳатто энг кичик қоидабузарлик ҳам кенг кўламдаги жиноятчиликка олиб борувчи омиллардан бири сифатида қаралади.

Ҳар қандай демократик жамиятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш муҳим устувор вазифалардан биридир. Чунки ҳуқуқбузарликлар нафақат қонун бузилиши, балки жамиятда тартибнинг бузилиши, инсон хавфсизлигига таҳдид, иқтисодий барқарорлик ва маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишини камайтириш, фуқаролар ўртасида ҳуқуқий маданият ва онгни шакллантириш ҳамда профилактика фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Мамлакатимизнинг ривожланиш жараёнида, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўтган қисқа даврда мамлактаимизда барча соҳаларда кўзга кўринарли ислоҳотлар амалга оширилди, булар ҳар бир соҳада, жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Даставвал “ҳуқуқбузарлик” ва “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчаларига изоҳ бериб ўтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида ҳуқуқбузарлик - содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)[2] деб таъриф берилган.

[1] Алиев Ш. Совершенствование профилактики правонарушений — требование времени. Социальные и гуманитарные науки в Узбекистане, 2022.

[2] Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. 3-м. Электрон манба: https:// https://lex.uz/docs/2387357. (мурожаат вақти 03.10.2025)

Демак, “ҳуқуқбузарлик” — амалдаги қонунчилик меъёрларига зид равишда содир этиладиган, жамиятга, шахсга, давлатга ёки жамоатчилик манфаатларига зарар етказувчи ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларини ўз ичига олади.

Шу ўринда ҳуқуқбузарлкилар профилактикаси тушунчасига алоҳида тўхталадиган бўлсак, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими[1] бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига олиб келадиган омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ва келгусида ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуидир.

Фикримизча, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти аввало, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни йўқ қилиш ҳамда фуқароларни ҳуқуқбузарлик содир этишдан сақлашга хизмат қилади.

«Словари и энциклопедии на Академике»[2] (https://dic.academic.ru) сайтида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, «профилактика» тушунчаси грекча «prophylaktikos» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилига айнан таржима қилинганда «сақлаш, эҳтиёт қилиш» (предохранительный) маъносини беради. «Профилактика» тушунчасига «олдини олиш, эҳтиёт чораси(ни) кўриш, олдиндан бартараф қилиш» (предотвращение), «хабардор қилиб қўйиш, огоҳлантириш, олдини олиш» (предупреждение), «сақлаш, эҳтиёт қилиш» (предохранение) сўзлари синоним сўзлар ҳисобланади.

Фикримизча, профилактика бу ҳар қандай соҳада вужудга келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг “олдини олиш” маъносини англатади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда жиноят ва бошқа ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг содир этилишини барвақт аниқлаш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Ушбу жараённинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Фуқароларда ҳуқуқий онгни шакллантириш;

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. 3-м. Электрон манба: https:// https://lex.uz/docs/2387357. (мурожаат вақти 03.10.2025)
[2] Словари и энциклопедии на Академике. https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc3p/246202

- Ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;
- Қонун устуворлигини таъминлаш;
- Жиноятга мойил тоифалар билан ишлашни самарали ташкил қилиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига оид ислоҳотлар асосан қонунчилик ва давлат органларининг ишини такомиллаштириш, жамоатчилик ва фуқароларни профилактика жараёнларига жалб қилиш, профилактика фаолиятининг мониторингини таъминлашга қаратилган. Ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:

- **Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш**: Жамиятдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятлар хавфини камайтириш.
- **Профилактика фаолиятини самарали ташкил қилиш**: Давлат органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш.
- **Қонунчиликни мукаммаллаштириш**: Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни ислоҳ қилиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликни олдини олиш жамиятдаги ҳуқуқий тартибни сақлашга қаратилган муҳим фаолиятдир. Қонунларнинг самарали ишлаши, ҳуқуқий механизимларнинг такомиллаштирилиши, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим омиллардир.

Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси — жамиятдаги ҳуқуқий тартибни сақлаш ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бу фаолият нафақат қонунчиликни мустаҳкамлаш, балки жамиятдаги маънавий ва ижтимоий муҳитни яхшилаш, ёшлар ва аҳолини ҳуқуқий саводхонликка ўргатиш, жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали механизмларини яратишга қаратилган. Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, агар даврий мониторинг, жамоатчилик ва давлат органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик билан амалга оширилса, ўзининг максимал самарасини беради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ушбу соҳадаги ислоҳотлар аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, жиноятчиликни камайтириш ва жамиятда хавфсиз муҳитни яратиш учун янги механизмлар ишлаб чиқилган. Маҳалла тизимининг роли ва жамоатчилик ташкилотларининг фаолияти, шунингдек, ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чоралар, мамлакатдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига катта ёрдам беради.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш – бу фақат жазо бериш эмас, балки жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш, муаммоларни барвақт аниқлаш орқали барқарорликка эришишдир.

Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аммо тизимдаги самарадорликни ошириш учун норматив-ҳуқуқий база, кадр салоҳияти, идоралараро ҳамкорлик ва жамоатчилик иштирокини кучайтириш зарур.

Жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш — давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарали ташкил этилмаса, жиноятчилик ва бошқа турдаги ҳуқуққа зид ҳаракатлар ортиши мумкин. Шу боис, профилактика тушунчасининг назарий-методологик асосларини чуқур таҳлил қилиш ҳуқуқий сиёсат самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг методологик асослари бир неча муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Илмий ва назарий асослар;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг концепцияси ижтимоий фалсафа, ҳуқуқшунослик, криминология ва психологик фанлар асосида қурилади. Ушбу фанлар ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини, уларнинг ижтимоий оқибатларини ва олдини олиш усулларини тадқиқ этади[1]. Шунингдек, қуйидаги назариялар орқали ҳам ҳуқуқбузарликлар профичлактикасининг методологик асосларини тадқиқ қилади:

Криминология назарияси — ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий сабабларини ва уларнинг профилактикаси усулларини тадқиқ этади[2].

Ижтимоий назариялар — жамиятнинг ҳуқуқий тартибини сақлаш учун ижтимоий муносабатларни ва уларнинг профилактикага таъсирини ўрганади[3].

Психология фанлари — ҳуқуқбузарликларнинг индивидуал омилларини ва профилактика усулларини таҳлил қилади[4].

2. Тарихий-ҳуқуқий ёндашув;

Ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг тарихий тажрибаси, жумладан, қонуний чоралар ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари таҳлили профилактика методларини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди[5].

3. Интегратив (комплекс) ёндашув;

[1] Мирзаев, Ш. Ҳуқуқ тарихи ва жамият. – Тошкент, 2018. – Б. 33.
[2] Бекназаров, И. Криминология асослари. – Тошкент, “Фан”, 2018. – Б. 72.
[3] Иванов, П. Социальные теории преступности и профилактики. – Москва, 2017. – С. 34.
[4] Сидоров, В. Психология профилактики правонарушений. – Санкт-Петербург, 2019. – С. 50.
[5] Абдуллаев, М. Криминология асослари. – Тошкент. «Юридик», 2020. – Б. 42.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва психологик омилларни ўзида жамлайдиган комплекс ёндашувни талаб этади. Бу эса тизимли таҳлил ва кўп соҳали ҳамкорликни талаб қилади[1].

4. Превентив ёндашув;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий методологик тамойили бу – олдини олиш. Бу ҳуқуқбузарлик содир бўлишидан олдин унинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўришдир[2].

Ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш масаласи инсоният тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг методологик асослари ҳам тарих давомида ривожланиб келган. Тарихий методологик жараён ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш усуллари, концепциялари ва назарий ёндашувларнинг эволюциясини ўрганишга қаратилган.

Ҳуқуқ ва жамоат тартибини сақлаш инсониятнинг илк жамиятларида ҳам муҳим вазифа бўлган. Мисол учун, қадимги давлатларда жиноятлар учун жазолар муқаррар бўлиб, уларнинг мақсади ҳуқуқбузарликларни олдини олиш эди. Бундай жазо тизимлари асосан қўпол ва ўта қатъий бўлиб, ҳуқуқбузарлик содир бўлмаслиги учун қўрқитиш функциясини бажарган[3].

Антик даврда (Греция ва Рим давлатларида) ҳуқуқ ва унинг бузилишига нисбатан ёндашувлар ривожланган. Бу даврда жиноятчилик профилактикасида жамоат тартибини сақлаш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий адолат ғоялари муҳим аҳамият касб этган[4]. Шу пайтда ҳуқуқий нормаларнинг моҳияти ва жавобгарликка тортиш механизмлари назарий жиҳатдан ривожлантирилган.

Ўрта асрларда Европа давлатларида ҳуқуқий тизимлар феодал тизим таъсирида шаклланган. Профилактика асосан ижтимоий ва диний институтлар орқали амалга оширилган. Масалан, инквизиция органлари ва диний жазолар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим восита бўлган[5].

Ўрта асрларда Ўрта Осиёда асосий ҳуқуқий манба сифатида **Қуръон**, **Суннат** ва **Фиқҳ илми** қарор топган. Улар шариатнинг асосини ташкил этиб, жиноятчиликни олдини олишда қатъий йўриқномаларни белгилаган[6].

- **Қуръон ва Суннат** — ижтимоий тартиб ва адолатни таъминлашга қаратилган қоидаларни ўз ичига олади.
- **Фиқҳ китоблари** — ҳуқуқий масалалар бўйича тафсилотлар ва амалиёт қоидаларини белгилайди, жиноятларга қарши чоралар ва жазо турларини аниқлаб берди.

---

[1] Каримов, И. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси назарияси. – Тошкент, 2021. – Б. 58.
[2] Петров, А. Превентив ёндашув ва ҳуқуқбузарликлар. – Москва: Юрид. изд., 2017. – Б. 27.
[3] Мирзаев, Ф.Ҳ. Ҳуқуқ тарихи ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. — Тошкент, 2015. — Б. 12-15.
[4] Назаров, А.Б. Антик давр ҳуқуқ тизими ва жиноятчилик профилактикаси. — Тошкент, 2017. — Б. 30-35.
[5] Султонов, М.А. Ўрта асрларда ҳуқуқ ва жамоат тартиби. — Самарқанд, 2018. — Б. 45-50.
[6] Мирзаев, Ф.Ҳ. Ислом ҳуқуқий манбалари ва уларнинг тарихи. — Тошкент, 2017. — Б. 35-40.

Бу манбалар жамиятда ҳуқуқий онгни шакллантиришда, жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳамда жазонинг қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлашда муҳим бўлган.

Ўрта асрлар Ўзбекистон (Марказий Осиё) тарихида жуда муҳим давр бўлиб, бу пайтда жамиятда ҳуқуқий тартибни сақлаш ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизими мустаҳкамланди. Ушбу даврда ҳуқуқий-ижтимоий институтлар ривожланиши, диний ва маданий анъаналарнинг таъсири билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш усуллари ва механизмлари бир томонлама такомиллаштирилди.

Ўрта асрларда Марказий Осиёда, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом ҳуқуқи — **шариат** тизими кенг қўлланилган. Шариатнинг қоидалари асосида жамиятда ҳуқуқбузарликларга қарши қатъий чоралар кўрилиши, жамоат тартиби сақланиши таъминланган. Шариат ҳуқуқий нормалари нафақат жиноятларга, балки ижтимоий ва иқтисодий муносабатларга ҳам таъсир этган.

Шариат тизимида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишнинг асосий воситалари — диний таълим, жамоатчилик назорати, жиноят учун жазоларнинг қатъийлиги ва суд тизимининг самарали фаолияти бўлган[1]. Бу тизим жамиятда ҳуқуқий онг ва масъулиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этган.

Ўрта асрлардаги Ўзбекистон ҳудудидаги Қўқон, Хоразм ва Бухоро давлатларида суд-ҳуқуқ тизими ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлган. Судларда қонунчиликка асосан шариат ва анъанавий қонунлар асосида қарорлар қабул қилинган. Бу тизимда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун қатъий жазо ва жамоатчиликнинг ҳуқуқий тарбиясига алоҳида эътибор берилган[2].

XV асрда Бухоро амири томонидан чиқарилган фармонларда шаҳарда тартибни сақлаш учун махсус жамоалар — «шўрта»[3] (айрим манбаларда “шурта”)ларнинг фаолияти тартибга солинган. Улар қонунбузарликларни тезда аниқлаб, жазо бериш билан бирга, жамоатчилик тартибини сақлашда профилактика вазифасини бажарган[4].

Қўқон хонилигида ер-мулк муносабатларига оид қонунларда мулкни ўғирлаш, фосилалик қилиш каби ҳуқуқбузарликларга нисбатан қатъий жазо белгиланган. Бу қонунлар ер эгалари ва умуман жамоатчилик манфаатини ҳимоя

---

[1] Абдуллаев, М.Ҳ. Ўрта асрларда Марказий Осиёда ҳуқуқ ва жамоат тартиби. Тошкент, 2016. Б. 50-55.

[2] Тўраев, Н.Қ. Қўқон ва Хоразм давлатларининг ҳуқуқ тизими. — Самарқанд, 2018. — Б. 70-75.

[3] Ўрта асрлар тарихида Ислом дини тарқалган ўлкаларда **“ҳожиб”, “жилвоз” ва “шурта”** каби қўриқчилар қози ҳузурига келган даъвогарлар интизомини сақлаб турувчи ходимлар ҳисобланган. Булар, асосан, қози ҳузурига кириш, унинг олдида ўтириш каби ҳолатларда даъвогарлар томонидан тартибга риоя қилинишини таъминлаганлар. Шу билан бирга, маҳкамадан ташқарида қози юклаган вазифаларни бажарганлар. “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобидан. https://sudyalaroliykengashi.uz/uz/publications/ozi-ul-uzzot-andaj-lavozim-blgan-noibul-ozi-ch. (Мурожаат вақти 03.10.2025 й)

[4] Тўраев, Н.Қ. Бухоро амирлиги тарихи ва ҳуқуқ тизими. — Самарқанд, 2018. — Б. 82-85.

қилиш учун хизмат қилган ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни камайтиришга хизмат қилган[1].

Ўрта асрлардаги маҳаллий жамоаларда анъанавий одатий ҳуқуқ қоидалари асосида жамоатчилик ўз-ўзини тартибга солишга уринишган. Масалан, оилавий муаммолар ёки кўча маҳаллий низолари маҳалла раиси ёки қари-қийомлар томонидан ҳал қилиниб, катта суд жараёнларига бормасдан ҳал қилиниши жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларни камайтиришга ёрдам берган[2].

Ўрта асрлардаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишнинг методологик асослари қуйидаги жиҳатлар билан изоҳланади:

- **Ҳуқуқий анъаналар ва шариат қоидаларига асосланган тизимли ёндашув** — ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда диний-ҳуқуқий қоидалар асос қилинади.
- **Жамоатчилик назоратининг роли** — қишлоқ ва шаҳар жамоатлари ҳуқуқбузарликларга қарши биргаликда ҳаракат қилган.
- **Таълим ва тарбиянинг профилактикадаги ўрни** — мактаблар ва медресаларда ҳуқуқий билимлар ва ахлоқий қадриятлар берилиши.
- **Жазо тизими** — жазоларнинг қатъийлиги ва уларнинг жамоатчилик олдида ошкора бажарилиши ҳуқуқбузарликлар даражасини камайтиришга хизмат қилган.

Ушбу методологик тамойиллар шу даврдаги ҳуқуқий назариялар ва амалиётнинг уйғунлашуви сифатида намоён бўлган[3].

Ўрта асрлардаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишда ижтимоий ва иқтисодий омиллар ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Масалан, қашшоқлик, жамиятдаги нотенгликлар, ташқи таҳдидлар ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари сифатида қаралган ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилган[4].

Ҳозирги кун ҳуқуқшунослари ва тарихчилари ушбу даврдаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизимини ҳуқуқий методологиянинг муҳим қисми деб баҳолашади. Бу тизим ўзининг умуминсоний тамойиллари ва маҳаллий хусусиятлари билан ажралиб туради[5].

Ўрта Осиёда ўрта асрларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси методологияси — диний, ижтимоий ва ҳуқуқий элементларнинг уйғунлиги бўлиб, бу тизимда таълим, тарбия, жамоатчилик назорати ва жазо мувозанатда

[1] Абдуллаев, М.Ҳ. Қўқон хонилигида қонунчилик ва жамоат тартиби. — Тошкент, 2017. — Б. 45-50.
[2] Назаров, А.Б. Маҳалла институти ва анъанавий ҳуқуқ. — Тошкент, 2019. — Б. 60-65.
[3] Каримов, Ш.И. Ўрта асрларда ҳуқуқий методология. — Тошкент, 2020. — Б. 85-90.
[4] Султонов, М.А. Ижтимоий-иқтисодий омиллар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Тошкент, 2019. Б. 100-105.
[5] Назаров, А.Б. Ўрта аср ҳуқуқ тизими ва замонавий таҳлил. — Тошкент, 2021. Б. 110-115.

бўлган. Бугунги куннинг ҳуқуқшунослиги ушбу тарихий тажрибани замонавий профилактика концепцияларига интеграциялашга интилмоқда[1].

XVII-XVIII асрларда янги ҳуқуқий фикрлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси концепциялари пайдо бўлди. Жон Лок, Жон Стюарт Милл каби файласуфлар шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари билан бирга жавобгарлик ва профилактика масалаларига эътибор қаратишган. Бу даврда жазонинг инсон ҳуқуқларига мувофиқлиги ва профилактиканинг ижтимоий-иқтисодий асослари ҳақидаги ғоялар шаклланган[2].

XX асрда ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш назарияси ва амалиёти тез ривожланди. Психология, социология, педагогика фанлари профилактика методларини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади. Жиноятчиликнинг ижтимоий сабаблари, индивидуал психологик хусусиятлари ва профилактика усуллари илмий жиҳатдан ўрганилди[3]. Шу билан бирга, профилактикада ижтимоий ресурслардан самарали фойдаланиш ва профилактика дастурларини ишлаб чиқишни ўз ичига олган интегратив ёндашувлар пайдо бўлди.

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликларни профилактикасида рақамли технологиялар, маълумотларни таҳлил қилиш, жамоатчилик иштирокини ошириш каби янги усуллар қўлланилмоқда. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишда барча жамият институтларининг ҳамкорлиги ва интеграцияси муҳим бўлиб қолмоқда[4].

Хулоса. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш – бу фақат жазо бериш эмас, балки жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш, муаммоларни барвақт аниқлаш орқали барқарорликка эришишдир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жамиятда ҳуқуқий онгни ошириш, жиноятчиликни камайтиришда ҳал қилувчи ўрин тутади. Назариёт, методология ва амалиёт бирлашгандагина бу соҳада ҳақиқий ютуқларга эришиш мумкин. Ўзбекистон шароитида бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини ошириш учун профилактика сиёсатини илмий асослаш ва амалий моделларни синовдан ўтказиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т 2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” қонуни.

[1] Каримов, Ш.И. Ўрта асрлар ҳуқуқшунослиги ва замонавий методология. Тошкент, 2022. Б. 100-105.
[2] Каримов, Ш.И. Янги давр ҳуқуқий фикрлари. Тошкент, 2020. Б. 40-42.
[3] Рахимова, Н.Д. Жиноятчилик ва психологик профилактика. Тошкент, 2019.- Б. 60-65.
[4] Иброҳимов, Ж.Ҳ. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг замонавий усуллари. Тошкент, 2022.- Б. 75-80.

3. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» (2014 йил 14 сентябрь).
4. Алиев Ш. Совершенствование профилактики правонарушений — требование времени. Социальные и гуманитарные науки в Узбекистане, 2022.
5. Beccaria, C. (1764). On Crimes and Punishments.
6. Cornish, D., Clarke, R. (1986). The Reasoning Criminal: Rational Choice Perspectives on Offending.
7. Clarke, R.V. (1995). Situational Crime Prevention. Harrow and Heston.
8. Australian Institute of Criminology. (1997). Types of Crime Prevention.
9. Jalilov N. Индивидуальная профилактика преступлений: теория и практика. Inscience.uz, 2023.
10. Alimov S., Shaumarov A. Муаммолар профилактикасида ёшлар билан ишлаш. Социальные инновации, 2022.
11. Normativ baza – www.norma.uz
12. www.tsul.uz – Тошкент давлат юридик университети илмий-амалий таҳлиллари.

ЁШЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИДОРАЛАРАРО ВА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Арипов Акмал Хуснiддинович,
ИИВ Криминологик тадқиқотлар институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мазкур мақолада ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат ва жамият институцияларининг ҳамкорликка асосланган ёндашуви таҳлил қилинади. Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, маҳалла фаоллари, ёшлар ташкилотлари, нодавлат нотижорат тузилмалар ва пробация хизмати ўртасидаги идоралараро ва ижтимоий ҳамкорлик шакллари, уларнинг самарадорлиги ва қонуний асослари ўрганилади. Мақолада халқаро тажриба ва миллий амалиётни таҳлил қилган ҳолда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини институционал жиҳатдан кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилади. Шунингдек, ҳамкорлик механизмларини мувофиқлаштирувчи ягона тизимни шакллантириш зарурлиги илмий асосланади.

Калит сўзлар: ёшлар ҳуқуқбузарлиги, профилактика, идоралараро ҳамкорлик, ижтимоий институтлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла, таълим муассасалари, пробация, қонунчилик, жамият.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига юклатилган вазифа эмаслиги, балки бутун давлат ва жамият саъй-ҳаракатларини талаб этувчи соҳадир. Амалиёт шуни

кўрсатадики, ваколатли органлар фаолиятида идоралараро ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги профилактика самарадорлигига салбий таъсир этади. Шу боис Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқбузарликларининг профилактисига қаратилган чора-тадбирларда бир қанча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар вакиллари ўз ваколати доирасида ҳамжиҳатликда иш олиб боради.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун1да ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими белгиланган бўлиб, улар қуйидагилар ҳисобланади: ички ишлар органлари; прокуратура органлари; Давлат хавфсизлик хизмати органлари; Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари; Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги; адлия органлари; давлат божхона хизмати органлари; давлат солиқ хизмати органлари; меҳнат органлари; таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари; давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари2дир.

Мазкур тизим фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи эмас, балки ижтимоий ва таълимий йўналишдаги идораларни ҳам ўз ичига олгани билан муҳим. Бу органлар фаолиятида ёшларга тааллуқли ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича идоралараро ҳамкорлик асосий ўрин тутади.

Бироқ, амалий таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ушбу идоралар ўртасидаги ҳамкорлик ҳар доим ҳам тизимли ва функционал эмас. Масалан, Ёшлар ишлари агентлиги ва ички ишлар органлари ўртасида профилактик мулоқотлар ўтказишда маълум институционал боғлиқликлар мавжуд бўлса-да, таълим муассасалари билан ўзаро ахборот алмашинуви доимий эмас. Шунингдек, вояга етмаган ёшлар билан ишловчи соғлиқни сақлаш ва меҳнат органлари иштирокида комплекс ёндашув механизмлари ҳали тўлиқ йўлга қўйилмаган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда идоралараро ҳамкорлик масалалари бўйича бир қатор маҳаллий ва хорижий ҳуқуқшунос, криминолог ва социолог олимлар томонидан назарий қарашлар илгари сурилган. Уларнинг илмий қарашлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишда ташкилотлар ўртасидаги мувофиқлашган ҳаракатлар, маълумот алмашинуви ва институционал шерикликнинг муҳимлигини асослайди.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуни // https://www.lex.uz/acts/2387357.

[2] Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуни // https://www.lex.uz/acts/2387357.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда идоралараро ҳамкорлик институционал тизимнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлади. Мазкур соҳада жаҳон ҳамда маҳаллий ҳуқуқшунос олимлар томонидан илгари сурилган назарий қарашлар ушбу фаолиятнинг тизимли амалга оширилишини таъминлашда илмий ва амалий асос сифатида хизмат қилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда идоралараро ҳамкорликнинг самарадорлигини таъминлаш – мураккаб ва кўп қиррали вазифа бўлиб, бу йўналишдаги илмий қарашлар замонавий криминология, социология ва ҳуқуқшунослик фанлари кесишмасида шаклланмоқда. Жумладан, профессор И.Исмоилов ўз тадқиқотларида таъкидлаганидек, жиноятларнинг олдини олиш фаолиятида фақатгина ички ишлар органларининг ҳаракати етарли эмас, балки барча манфаатдор субъектлар – прокуратура, таълим муассасалари, маҳалла фаоллари, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ҳамкорликда иш олиб бориш зарур1. Унинг фикрича, фақат тизимли ҳамкорлик орқали жамиятда ҳуқуқий онгни ошириш ва ҳуқуқбузарликка мойил муҳитни заифлаштириш мумкин бўлади.

Бу қараш профилактика соҳасидаги замонавий тенденциялар билан уйғундир. Шуни таъкидлаш керакки, бу ёндашувни амалиётда тўлиқ жорий этиш бир қатор мураккабликларни келтириб чиқаради. Аввало, субъектлар ўртасидаги ваколатлар аниқ тақсимланмаган ҳолдаги ҳамкорлик бюрократик тўсиқларга ва масъулиятни бошқалар зиммасига юклашига олиб келиши мумкин. Шу боисдан, ёшлар ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси фаолиятида идоралараро ҳамкорлик муҳим бўлса-да, ички ишлар органлари марказий координатор сифатида ҳуқуқий жиҳатдан кучли позицияга эга бўлиши лозим. Профессор И.Исмоиловнинг фикри тўғри асосланган, уни амалга оширишда ҳуқуқий аниқлик ва ташкилий механизмларни такомиллаштириш билан мувозанат таъминланиши лозим.

Профессор М.Зиёдуллаев эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини ошириш учун идоралар ўртасида ягона координация механизмини яратиш зарурлигини асослайди. У “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ижроси доирасида ҳар бир идоранинг вазифалари аниқ белгиланиши, бир-бирини такрорламаслиги ва масъулият юклатилган ташкилотлар ўртасида тезкор маълумот алмашиш тизими йўлга қўйилиши кераклигини таъкидлайди2. Бу фикр профилактика фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш заруратига ишора қилади.

Профессор М.Зиёдуллаевнинг идоралар ўртасида ягона координация механизмини яратиш зарурлиги ҳақидаги фикри ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини самарали амалга оширишда тўлақонли асосланган назарий ва

[1] Исмоилов И. “Жиноятчилик профилактикасида жамоатчилик ва идоралараро ҳамкорлик”. – Тошкент, 2021. – Б. 33–36.

[2] Зиёдуллаев М. “Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда давлат органлари ҳамкорлиги”. // “Юристлар журнали”, 2022, №2. – Б. 15–19.

амалий ёндашувдир. Чунки бугунги кунда ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси соҳасидаги идоралар фаолияти аксар ҳолларда тарқоқ, ваколатлар такрорланган ва маълумот алмашиш жараёни сезиларли суст кечмоқда. Шу нуқтаи назардан, М.Зиёдуллаевнинг ҳар бир субъектнинг вазифасини аниқ белгилаш, такрорийликни бартараф этиш ва ахборот алмашиш тизимини шакллантириш ҳақидаги таклифи ҳуқуқий-ташкилий механизмларни мустаҳкамлашга қаратилган.

Фикримизча, амалиётда “ягона координация механизми”ни яратиш жараёнида қатор институционал ва техник тўсиқлар мавжуд, хусусан, айрим идоралар ўртасида рақобатчилик, ахборотни махфийлаштириш тенденцияси ва технологик ассиметрия (турлича ахборот платформалари) бу жараёнга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, юқорида келтириб ўтилган таклифни амалга оширишда қонуний асосларни қайта кўриб чиқиш, ахборот тизимларини интеграциялаш ва ёшлар ҳуқуқбузарликларига қарши курашувчи марказлашган орган (масалан, Ички ишлар вазирлиги қошидаги профилактика координация маркази) ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ф.Пахруддинов эса ҳуқуқбузарликларнинг индивидуал ва ижтимоий сабабларини бартараф этишда маҳаллий бошқарув органлари – айниқса маҳалла фаоллари ва оила институтининг ўрнига алоҳида эътибор қаратади. У ўз ишларида “ҳуқуқбузарлик профилактикаси фақат ҳуқуқий чоралар билан чекланиб қолмаслиги, балки таълим, психологик ёрдам, социал реабилитация, фуқаролик иштирокини қамраб олган миқёсда олиб борилиши лозим”, деб таъкидлайди1. Бу қараш комплекс ёндашувнинг мураккаб табиатини ифода этади.

Ушбу фикр, айниқса ёшлар ҳуқуқбузарликларини бартараф этиш нуқтаи назаридан долзарб аҳамиятга эга. Чунки ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар, кўп ҳолларда, ҳуқуқий билим етишмаслиги, шахсий ва ижтимоий муаммолар, тарбия ва таълимдаги бўшлиқлар, оиладаги назоратсизлик каби омиллардан келиб чиқади. Ф.Пахруддиновнинг таълим ва психологик ёрдамга урғу бериши профилактик фаолиятни жиноят содир этилишидан аввалги босқичда бошлаш зарурлигини таъкидлайди.

Фикримизча, ушбу ёндашувни амалга оширишдаги муҳим муаммо шундаки, ижтимоий институтлар – маҳалла, таълим муассасалари, ОАВ ва ННТлар – кўпинча мустақил ҳаракат қилишади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик механизми аниқ эмас. Масалан, маҳалла фаолларига ёш ҳуқуқбузарларни эрта аниқлаш ва профилактик чора кўриш учун ҳуқуқий асослар, ахборот ва ваколатлар етарлича берилмаган. Шу боис, Ф.Пахруддиновнинг назарий қараши амалда фақат самарали идоралараро ҳамкорлик тизими шароитида амалга ошиши мумкин.

[1] Пахруддинов Ф. “Криминологик таҳлил ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”. – Тошкент, 2020. – Б. 51–55.

Ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ички ишлар органлари, маҳалла, таълим муассасалари, ёшлар ишлари агентлиги, фуқаролик жамияти ва ота-оналар ўртасидаги узвий ҳамкорликни қонунчилик билан мустаҳкамлаш, ваколатларни белгилаш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш орқали Ф.Пахруддинов илгари сурган комплекс ёндашув амалий мазмун билан тўлдирилиши мумкин. Акс ҳолда, ижтимоий муассасаларнинг фаолияти изолятсияланган ҳолда қолиб, профилактиканинг манзилли ва барвақт таъсирчанлик хусусиятини сусайтиради.

Муаллифнинг таълим, психология ва фуқаролик иштирокини қамраб олган профилактика моделини ёшлар ҳуқуқбузарликларини бартараф этишда самарали йўл сифатида қабул қилиш мумкин. Бироқ бу модель фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ижтимоий институтлар ўртасидаги институционал ҳамкорлик тизими самарали йўлга қўйилган тақдирдагина тўла амалга ошиши мумкин. Демак, назарий ёндашув ва амалиёт ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаш мақсадида ҳуқуқий-норматив база, мутасадди идоралар ўртасида ваколатлар тақсимоти ва жавобгарлик механизмларини такомиллаштириш зарур.

А.Абдураҳмоновнинг фикрига кўра, “идоралараро ҳамкорлик – фақатгина мажбурий ҳисобот алмашинуви эмас, балки умумий стратегия, ресурслар, жавобгарлик ва таъсирни тақсимлаш тизими бўлиши лозим”1.

Ушбу назарияда баён этилган ҳамкорлик – жавобгарлик – таъсир – ресурслар тартибида амалга ошиши учун қонунан мажбурий бўлган институционал механизмлар, мувофиқлаштирувчи орган ва бюджетлаштирилган дастурлар зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, олимнинг фикри жуда илғор ва давлат бошқарувини рақамлаштириш, стратегиялаш ва фаол ҳамкорликка асослаш борасидаги замонавий тенденциялар билан уйғун. Фикримизча, буни фақат ташкилотлар хоҳишига боғлаб қўймасдан, қонун ҳужжатлари билан нормативлаштириш – унинг назарий асосларини мустаҳкамлайдиган ечим сифатида кўрилади.

Мазкур муаммога халқаро олимлар ҳам жиддий ёндашган. Масалан, Дэвид Гарланд ўзининг “The Culture of Control” асарида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида давлат ва жамоатчилик ўртасидаги шерикликни “ижтимоий назоратнинг қайта шаклланиш жараёни” сифатида тавсифлайди ва “полиция – жамият” ҳамкорлиги профилактиканинг пойдевори эканини таъкидлайди2. Шу билан бирга, Жак де Майяр ҳам ҳуқуқбузарликларга қарши курашда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги узвий алоқаларни “ҳуқуқий шериклик” деб

[1] Абдураҳмонов З.Ж. Жиноятчиликка қарши курашишнинг назарий-ҳуқуқий асослари. – Т.: “Юрист нашриёти”, 2020. – Б. 135.

[2] Garland D. The Culture of Control: Crime and Social Order in Contemporary Society. – Oxford: Oxford University Press, 2001. – P. 107.

таърифлайди, бу эса жиноятчиликка қарши самарали сиёсат юритишга олиб келади1.

Бу назарий ёндашувлар, хусусан ёшлар ҳуқуқбузарликларини олдини олиш масаласида катта аҳамиятга эга. Чунки ёшлар – бу ижтимоий таъсирга, муҳитга, жамоа муносабатига ва шахсий тан олиш эҳтиёжига ўта мойил тоифа ҳисобланади. Фақат ички ишлар органларининг якка профилактика чоралари – уларни ҳисобга олиш, суҳбат, таъқиб ёки жазо билан чекланса, бу ҳуқуқбузарликни эмас, балки унга қарши радикал қаршиликни кучайтириши мумкин.

Дэвид Гарланд ва Жак де Майярнинг "партнёрлик" назарияси бу ҳолатда ҳуқуқбузар ёшларни жамиятга қайта интеграция қилиш, ижтимоий реабилитация, ҳуқуқий тарбия ва жамоатчилик назоратини ташкил қилиш орқали, уларни “ишонч соҳасига” қайтариш зарурлигини асослаб беради. Бу жараёнда маҳалла, мактаб, оила, ёшлар агентлиги, психологик марказлар, ННТ ва оммавий ахборот воситалари – ижтимоий шериклар сифатида иштирок этиши зарур.

Агар бу шериклик давлат сиёсатининг бир қисми сифатида қонун билан мустаҳкамланмаса, профилактика фаолияти қайта “репрессив назорат”га айланиб қолади. Шунинг учун ёшлар ҳуқуқбузарликларига қарши курашда полиция, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи ва шерикликни қўллаб-қувватловчи марказий субъект сифатида ҳаракат қилиши, ижтимоий институтлар эса профилактиканинг “психо-социал” базасини таъминловчи омил сифатида қаралиши лозим.

Бу нуқтаи назарни амалий жиҳатдан таҳлил қилар эканмиз, бизнингча, ёшлар ҳуқуқбузарлигини профилактика қилишда ИИО ва мактаб ўртасидаги ҳамкорлик, ИИБ – маҳалла – психологик хизмат ўртасида ахборот алмашиш, менторлик дастурлари орқали ёшлар билан шахсий ишлаш, профилактика комиссиялари доирасида қўшма қарорлар қабул қилиш каби партнёрлик асосидаги механизмларни жорий этиш талаб этилади.

Муаллифларнинг назарий қарашлари ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини жазога асосланган назоратдан, ҳамкорликка асосланган ҳуқуқий шериклик моделига ўтказиш зарурлигини таъкидлайди. Бу эса амалда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ижтимоий институтлар ўртасида барқарор ва қонуний ҳамкорлик тизимини шакллантиришни талаб этади. Ўзбекистонда бу жараённи ҳуқуқий ва институционал асосда кучайтириш учун алоҳида қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

В.Н. Кудрявцев ва Г.Л. Григорьев эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қонунчиликдаги аниқлик ва идоралараро ваколатларни белгилашга урғу беришган. Улар профилактика механизмларининг самарадорлигини таъминлаш

[1] De Maillard J. Partnership Policing and Crime Prevention. – Crime Prevention Studies, Vol. 19, 2005. – P. 78.

учун давлат томонидан ягона марказлаштирилган дастурлар ва ҳар бир органнинг ўзаро ҳаракат алгоритмлари ишлаб чиқилиши лозимлигини таъкидлашади1.

Бу фикрни ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш контекстида таҳлил қилар эканмиз, албатта тўғри ва зарур деб баҳолаш мумкин. Зеро, бугунги кунда маҳалла, таълим муассасалари, ёшлар ишлари органлари ва ИИБ ўртасидаги ҳамкорлик амалий жиҳатдан кўпроқ ташаббускорлик ва маҳаллий шарт-шароитга боғлиқ ҳолда ташкил этилмоқда, унинг норматив асослари, масъулият ва жавобгарлик мезонлари аниқ эмас. Масалан, мактабда таҳдидли ёш билан ким ишлайди — мактаб маъмуриятими, маҳалла инспекторими, психологми, ёшлар етакчисими? Бу саволга аниқ ҳуқуқий жавоб йўқ.

Шу нуқтаи назардан юқоридаги олимлар ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасида ҳар бир органнинг мақомини аниқ белгилаш, бирлашган чора-тадбирлар дастурини жорий этиш ва уни амалга ошириш “алоҳида ҳаракат эмас, тизимли шериклик” эканини асослаб беради.

Фикримизча, бу ёндашувга қарши айрим танқидий нуқтаи назар ҳам мавжуд. Масалан, жамиятдаги муаммоларнинг хилма-хиллиги ва маҳаллий шароитларнинг ўзига хослиги, “марказлашган дастур”нинг бир хил тартибини ҳудудларда тўлиқ татбиқ этиш имконини чеклаб қўйиши мумкин. Ёшлар муаммолари Самарқанд ва Сурхондарёда ҳар хил, профилактика ҳам шу шароитга мослашиши керак. Демак, марказлашган дастур зарур, аммо у модел сифатида бўлиб, маҳаллий автоном қарор қабул қилиш имконини сақлаб қолиши керак.

Шу боис, В.Н. Кудрявцев ва Г.Л. Григорьевнинг “бирлашган алгоритм” ҳақидаги фикри ёшлар ҳуқуқбузарлигини бартараф этишда идоралараро ҳамкорликнинг давлат сиёсати даражасида муайян тизим орқали бошқарилиши кераклигини кўрсатади. Бу ҳамкорлик фақат ташаббус эмас, балки қонун билан юкланган вазифа сифатида фаолият кўрсатиши зарур.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги мазкур қарашлар, хусусан ёшлар масаласида, идоралараро ҳамкорликни тасодифий ва фаолликка асосланган эмас, балки қонунчилик билан аниқланган вазифа, ваколат ва жавобгарлик тарзида ташкил этиш лозимлигини англатади. Улар илгари сурган марказлашган дастур ва ҳаракат алгоритми ёшлар профилактикаси соҳасида ҳам мос равишда қабул қилиниши, маҳаллий шароитларга мослашувчан механизмлар билан бойитилиши зарур.

Фикримизча, ёшлар ҳуқуқбузарликларини олдини олишда идоралараро ҳамкорликни ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича ёшлар ҳуқуқбузарликларини олдини олиш ва ижтимоий реабилитацияси дастурини қабул қилиш, ҳудудий даражада профилактика бўйича идоралараро комиссияларни

[1] Кудрявцев В.Н., Григорьев Г.Л. “Профилактика правонарушений: Теоретические основы и организационные формы”. – Москва: Норма, 2019. – С. 137.

ташкил этиш, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга қўшимча “Идоралараро ҳамкорлик тартиби” номли 18^1-моддани киритиш мақсадга мувофиқ.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга мазкур норма киритилишининг ҳуқуқий асосларини қуйидагилар билан изоҳлашимиз мумкин:

биринчидан, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун (2014 йил, ЗРУ-371-сон)да ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятида иштирок этувчи субъектлар белгиланган бўлса-да, улар ўртасидаги идоралараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий тартиби аниқ баён этилмаган;

иккинчидан, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун (2016 йил, ЗРУ-406-сон) ёшлар ҳуқуқлари, имкониятлари ва давлат кафолатларини белгилаган, аммо идоралараро профилактика механизми ва масъулият тақсимоти бўйича аниқ тартиб мавжуд эмас;

учинчидан, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича миллий амалиётда ҳалигача тармоқлараро келишилмаганлик, маълумотлар алмашишда бюрократик тўсиқлар, жавобгарлик вакуумлари сақланиб келмоқда.

Ушбу норманинг киритилишига идоралар ўртасидаги вазифаларнинг такрорланиши, масалан, мактаб, маҳалла ва ИИБ ўртасида таҳдиддаги ёш билан ким ишлаши белгилаб берилмаганлиги, маълумот алмашишнинг самарасизлиги – таҳдидли ёшлар бўйича маълумот қоғозда юритилади, интеграциялашган база йўқлиги, функционал координация йўқлиги – ИИБ, прокуратура, таълим, ёшлар агентлиги, соғлиқни сақлаш органлари “алоҳида ҳаракат” қилишда давом этаётганлиги, ҳеч бир идора таҳдид гуруҳидаги ёшни назорат қилмаган тақдирда ҳуқуқий жавобгарлик белгиланмаганлиги каби муаммолар сабаб бўлмоқда.

Мазкур норма қабул қилиниши натижасида қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

биринчидан, профилактика фаолиятини марказлаштириш - ИИВ ҳузурида координация маркази ташкил этилади;

иккинчидан, ҳамкор субъектларнинг ваколати ва жавобгарлиги аниқланади, ҳар бир ташкилотга “ҳамкорлик вазифаси” қонуний тарзда юкланади;

учинчидан, маълумотлар ахборот тизими орқали реал вақтда алмашинади, “YoshProfi.uz” электрон платформаси асосида таҳдидли ёшларни мониторинг қилиш имконияти яратилади;

тўртинчидан, ҳар бир туманда профилактика комиссиялари фаолияти ҳуқуқий асосда йўлга қўйилади, ҳоким, ИИБ, прокуратура, таълим ва маҳалла вакиллари биргаликда манзилли қарорлар қабул қилади;

бешинчидан, фуқаролик жамияти институционал шерикка айланади, ННТ, психологик марказлар, ОАВ иштирокини таъминлаш орқали профилактикада комплекс ёндашув шаклланади.

Мазкур янги норманинг халқаро тенденцияларга мослигини Дэвид Гарланд (David Garland) “The Culture of Control” асарида таъкидлаганидек, замонавий жиноятчилик профилактикаси “полиция – жамият” шериклигига асосланиши, ЕХҲТ ва БМТнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича қўлланмаларида идоралараро мувофиқлаштирувчи органлар ва марказлашган электрон маълумот базалари бўлиши, Франция, Германия, Япония каби давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси идоралараро комиссиялар ва давлат-жамоат шериклик модели орқали амалга оширилиши мисолида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, бу жараёнда ички ишлар органлари, маҳалла институти, таълим муассасалари, ёшлар ишлари агентлиги, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этаётгани қонун ва қарорларда белгилаб қўйилган. Жумладан, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги1, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги2 ҳамда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги3 қонунлар бу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди.

2023–2024 йиллар давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ёшлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш мақсадида қуйидаги бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, ички ишлар органлари томонидан “Таҳдиддаги ёшлар” рўйхатини шакллантириш асосида 68 000 нафар ёш профилактик назоратга олинган4, таълим муассасалари билан ҳамкорликда 2023 йилда 136 200 нафар мактаб ва коллеж ўқувчилари орасида ҳуқуқий саводхонлик бўйича ўқув-семинарлар ўтказилган5, маҳалла фаоллари иштирокида ҳар бир ҳудудда “Ёшлар дафтари”га киритилган профилактикага муҳтож ёшлар билан индивидуал иш олиб бориш амалиёти кенгайтирилиб, биргина 2024 йил 1-ярим йиллигида 33 452 нафар ёшга иш билан таъминлаш, таълимга жалб қилиш ва реабилитация чоралари кўрилган6.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон; 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон. https://lex.uz/docs/2387357.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон; 21.09.2024 й., 03/24/963/0735-сон. https://lex.uz/docs/3026246.

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон; 14.08.2024 й., 03/24/943/0616-сон. https://lex.uz/uz/docs/1685726.

[4] Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2024 йил ҳисоботи // www.iiv.uz.

[5] Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ва “Ҳуқуқий ахборот” порталининг 2023 йилги ахбороти.

[6] Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2024 йил 1-чорак ҳисоботи // www.yoshlar.gov.uz.

Шунингдек, прокуратура органлари томонидан 2023 йилда 30 000 нафардан зиёд ёшлар билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, шулардан 3 200 нафари ҳақида маҳаллий Кенгашлар вакилларига махсус таҳлилий ахборотлар тақдим этилган1. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва маҳаллалар билан ҳамкорликда ўтказилган “Оилада ҳуқуқий тарбия” лойиҳаси доирасида 10 500 нафар ёшнинг ота-онаси билан учрашувлар ташкил этилган2.

Юқорида келтирилган 2023–2024 йилларга оид рақамли маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, ёшлар ҳуқуқбузарликларини олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ижтимоий институтлар ўртасидаги ҳамкорлик тизими аста-секин комплекс ва манзилли тарзда шаклланиб бормоқда.

Хусусан, ички ишлар органлари томонидан "Таҳдиддаги ёшлар" рўйхатини шакллантириш ва уларни профилактик назоратга олиш амалиёти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимнинг қонуний ва тизимли ёндашув асосида фаолият юритаётганини англатади. Шу билан бирга, таълим муассасалари билан ҳамкорликда 136 мингдан ортиқ ўқувчи билан олиб борилган ҳуқуқий саводхонлик семинарлари профилактиканинг фақат жазо эмас, балки тарбиявий ва маърифатий механизмларга таянаётганини кўрсатади.

Маҳалла фаоллари, ёшлар дафтари, прокуратура, хотин-қизлар қўмитаси ва фуқаролик жамияти институтларининг жараёндаги фаол иштироки эса ҳуқуқбузарликларнинг фақат индивидуал ёки қонунбузарлик нуқтаи назаридан эмас, балки ижтимоий, иқтисодий ва психологик омилларини ҳам бартараф этишга қаратилган кенг қамровли, идоралараро ва фуқаролар иштирокидаги профилактика моделини яратаётганини тасдиқлайди.

Бундай ҳамкорлик, профессор И.Исмоилов, М.Зиёдуллаев ва Ф.Пахруддинов сингари олимлар томонидан асосланганидек, ҳуқуқбузарликларнинг асл сабабларини бартараф этишдаги мултидисциплинар ёндашувнинг муваффақиятли намунасидир.

Шу билан бирга, бу борада идоралараро ҳаракатлар ўртасидаги масъулият тақсимоти, маълумот алмашинуви тизими, профилактиканинг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш механизмини қонуний ва институционал жиҳатдан янада такомиллаштириш зарурлиги ҳам сезилмоқда.

Шу билан бирга, қатор таҳлиллар ва соҳа мутахассислари фикрига кўра, ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасида идоралараро ҳамкорликда қуйидаги бир қатор муаммолар ҳам мавжуд:

[1] Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ахборот хизмати, ОАВ баёноти: “Ҳуқуқбузарликлар таҳлили – 2023” // www.prokuratura.uz.

[2] Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, “Оилада ҳуқуқий тарбия” лойиҳасининг 2023 йилги ҳисоботи // www.women.gov.uz.

биринчидан, вазифалар такрорланиши, хусусан, ИИБ, таълим муассасаси, маҳалла ва ёшлар агентлиги ўртасида вазифалар аниқ тақсимланмагани, масъулият “бир-бирига юклаш” ҳолатлари кўп учрайди;

иккинчидан, маълумот алмашишнинг самарасизлиги, яъни, таҳдид гуруҳидаги ёшлар тўғрисидаги маълумотлар умумий платформада эмас, қоғозбозлик асосида йўлланади;

учинчидан, институционал координациянинг йўқлиги, жумладан, идоралар ўртасида “бирлашган ҳолда ҳаракат” эмас, “алоҳида юриш” тамойили сақланиб қолмоқда;

тўртинчидан, жавобгарлик механизмларининг аниқ эмаслиги, хусусан, ҳеч бир ташкилот таҳдиддаги ёшни назорат қилмасликнинг ҳуқуқий жавобгарлигига эга эмас.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалда ёшлар ҳуқуқбузарликларини бартараф этиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ижтимоий институтлар ўртасидаги ҳамкорлик шаклан мавжуд, аммо мазмунан тизимлашмаган ва стратегик эмас. Ҳар бир идора ўз йўналишида ҳаракат қилмоқда, аммо ҳамкорлик механизми қонунан белгиланган мутаносиб стратегия, жавобгарлик ва ҳисобот тизимига асосланмаган.

Идоралараро ҳамкорлик фақат маълумот алмашиш эмас, балки умумий мақсад, стратегия ва натижа учун жавобгарликни тақсимлашни талаб этади. Ёшлар ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси – давлат ва жамиятнинг узвий ҳамкорлигини талаб этувчи кўп қиррали ижтимоий-ҳуқуқий жараён бўлиб, уни самарали ташкил этиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, маҳалла институтлари, фуқаролик жамияти ва ёшлар билан ишловчи ижтимоий тузилмалар ўртасида мустаҳкам институционал ҳамкорликни таъминлаш зарур.

Ўзбекистонда ювенал адолат тизимини жорий этиш ва амалий самарадорлигини таъминлаш учун амалдаги қонун ҳужжатлари – хусусан, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда “Пробация тўғрисида”ги Қонунга вояга етмаганларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи инсонпарвар, реабилитацион ва тарбиявий ёндашувни назарда тутувчи қатор нормаларни киритиш зарурати мавжуд.

Аввало, Жиноят кодексига янги, махсус “Вояга етмаганлар учун яраштириш институтини қўллаш” номли моддани киритиш мақсадга мувофиқ. Мазкур моддада жиноят содир этган вояга етмаган айбланувчи ва жабрдийда ўртасида ихтиёрий яраштириш амалга оширилганда, зарар қопланган ва пушаймонлик билдирилган ҳолларда ишни суд томонидан тугатиш имкониятини белгилаш таклиф этилмоқда. Бу амалиёт болани жазодан кўра маънавий тузатишга, ижтимоий мослашувга йўналтириш имконини беради.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 57-моддаси (Жазо турлари)га вояга етмаганларга нисбатан махсус альтернатив таъсир чоралари – пробация назорати, жамоат фойдасига ишлаш, психокоррекция курсларида иштирок этиш, таълим муассасаларига жалб қилиш каби инсонпарвар тартиблар қўшимча тарзда киритилиши лозим. Бундан ташқари, 84–90-моддаларда вояга етмаганларга жазо қўллашда сўнгги чора принципи устувор эканлиги, уларнинг ёши, психологик ҳолати ва тарбиявий эҳтиёжларини ҳисобга олувчи нормалар билан бойитиш зарур.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида эса вояга етмаганларга нисбатан маъмурий яраштириш механизмини жорий этиш, жумладан, кам оғир ҳуқуқбузарликлар ҳолатларида томонлар ярашса, иш суд томонидан тугатилиши мумкинлиги назарда тутилиши зарур. Шу билан бирга, 29-моддада маъмурий жазо турлари қаторига ёшларга хос таъсир чоралари – ахлоқий-маънавий курслар, психокоррекция дастурлари, ота-она кафолатидаги тарбиявий назорат шаклларини қўшиш таклифи долзарбдир. Иш юритиш жараёнида эса педагог ва психолог иштирокини мажбурий этиш боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий шарти сифатида белгиланиши керак.

“Пробация тўғрисида”ги Қонун эса ювенал адолат талабларига жавоб берадиган тарзда тубдан такомиллаштирилиши лозим. Аввало, унинг таркибига вояга етмаганларга нисбатан ювенал пробацияни амалга ошириш бўйича алоҳида боб киритилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур бобда болаларга мос пробация турлари, ижтимоий ҳамкорлик асосида қайта ижтимоийлашувни таъминлаш тартиблари, таълим муассасалари ва маҳаллий жамоалар билан идоралараро ҳамкорлик механизми белгиланиши зарур. Пробация инспекторларининг болалар психологияси бўйича тайёргарлиги шарт қилиб қўйилиши, улар фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати ва суд назорати тизими жорий этилиши лозим.

Юқоридаги нормаларни қонунчиликка киритиш орқали вояга етмаган шахсларни жазодан кўра тарбиялаш, қайта ижтимоийлаштириш, уларни жиноий муҳитдан узоқлаштириш ва ҳуқуқбузарликлар такрорланишини бартараф этиш имконини берувчи ювенал адолат тизимининг ҳуқуқий пойдевори яратилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур таклиф этилаётган ҳуқуқий ўзгартишлар халқаро ҳуқуқий стандартлар билан ҳам мутаносибдир. Жумладан, БМТнинг Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси (1989 й.)нинг 40-моддасида болаларга нисбатан жазолашда эмас, балки уларнинг шахсий ривожланиши ва ижтимоий қайта мослашувига эътибор қаратилиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Шунга ўхшаш ёндашувлар Пекин қоидалари (1985), Гавана қоидалари (1990), Венеция қоидалари (2007) каби халқаро ҳужжатларда ҳам акс этган. Масалан, Германия тажрибасида болаларга нисбатан “Restorative Justice” (яраштиришга асосланган адолат) концепцияси асосида суддан ташқари механизмлар (ўқув-машғулот марказлари, жамоат фаоллари орқали яраштириш, пробация психотерапияси) кенг қўлланилади. Франция ва Нидерландия давлатларида

пробация хизмати психологик реабилитация марказлари билан интеграция қилинган ҳолда фаолият юритади. Японияда эса вояга етмаган шахслар билан ишловчи судьялар фақат болаларга ихтисослашган бўлиб, педагог маслаҳатчилари ҳамкорлигида иш юритилади.

Ўзбекистонда эса Президент Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 30 июнь куниги нутқларидан бирида: “Бугунги кунда ёшлар онги ва қалби учун кураш кетмоқда. Биз уларни жазолашдан кўра тарбиялашни асосий тамойилга айлантиришимиз лозим.” – дея таъкидлаган эди.

Шу асосда, 2022–2026 йилларга мўлжалланган ёшлар сиёсати стратегияси, “Янги Ўзбекистон – болалар мамлакати” концепциясида ҳам ўсмирларга инсонпарвар ва тарбиявий ёндашув устуворлиги эътироф этилган.

Ювенал адолатга оид норматив базани шакллантиришда ҳуқуқшунос олимлар ҳам мазкур масаланинг ечимини инсон ҳуқуқлари марказида деб биладилар. Жумладан, профессор И.Исмоилов таъкидлаганидек: “Ўсмирга нисбатан адолат тизими уни жазолаш эмас, уни жамиятга қайта қўшиш, унинг ҳуқуқий ва ахлоқий онгини шакллантиришга хизмат қилиши лозим”1.

Ҳуқуқшунос М.Зиёдуллаев эса вояга етмаганлар ишлари бўйича судларда психолог маслаҳатчиси иштирокини мажбурий этиш ва яраштириш институтини юридик нормалар билан мустаҳкамлашни таклиф этган2.

Шу жиҳатдан, амалдаги Жиноят ва Маъмурий кодексларга тегишли қўшимчалар, “Пробация тўғрисида”ги Қонунни қайта таҳрирлаш ювенал адолат тизимини қонуний асосда мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу нафақат қонуннинг ижросини таъминлайди, балки ўсмирларни жамиятга қайта мослаштириш, такроран ҳуқуқбузарлик содир этишнинг олдини олиш, инсонпарвар жамият қуриш каби умуммиллий мақсадларга ҳам хизмат қилади.

Идоралараро ҳамкорликнинг самарали йўлга қўйилиши халқаро амалиётда ҳам ўз исботини топган. Жаҳон тажрибасида ёшлар жиноятчилигига қарши «бутун жамият бўлиб ёндашиш» (whole-of-society approach) тамойили кенг қўлланилади. Масалан, Буюк Британияда ҳар бир туман ва шаҳарда Ёшлар билан ишлаш гуруҳлари (Youth Offending Teams) фаолият юритади. Бу гуруҳлар маҳаллий ҳокимлик ҳузурида тузиладиган кўп идорали шериклик бўлиб, унинг таркибига полиция, пробация хизмати, таълим ва ижтимоий хизматлар ва соғлиқни сақлаш мутахассислари киради . Бундай YOT тузилмалари маҳалладаги ҳар бир ҳуқуқбузарликка мойил ёш билан алоҳида шуғулланиб, унга қарши тарбиявий, тиббий ва ҳуқуқий таъсир чораларини ишлаб чиқади. Айнан шу кўп тармоқли ёндашув туфайли сўнгги йилларда Англияда ёшлар орасида жиноятчилик сезиларли

[1] Исмоилов И. “Жиноятчилик ва унинг олдини олишнинг криминологик асослари”. – Т.: “Юриспруденция”, 2019. – Б. 188.

[2] Зиёдуллаев М. “Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигини бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмлари”. – Тошкент: Adolat нашриёти, 2021. – Б. 79.

даражада пасайгани, жиноят содир этиб биринчи марта қораланувчилар сони кескин камайгани қайд этилган.

Шу каби моделлар АҚШнинг айрим штатларида “Community Prevention Committees” номида, Канада, Германия ва Японияда ҳам турли номлар остида мавжуд бўлиб, уларнинг барчасига хос жиҳат – давлат, оила ва жамоат институтларининг ягона жамоа сифатида бир мақсадда иш олиб боришидир. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасида кенг ижтимоий ҳамкорлик тавсия этилади. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун Риёд йўриқномалари”да профилактика чоралари боланинг оиласи, маҳалласи ва таълим муассасалари билан узвий боғлиқ равишда ташкил этилиши лозимлиги таъкидланган. Шу ҳужжатда давлатлар ёшлар жиноятчиликка қарши курашда жамоатчиликка асосланган хизматлар ва ҳамжамият саъй-ҳаракатларига таяниш, тарбиявий ва реабилитацион чораларни жазо чораларидан афзал қўллаш каби тамойилларга амал қилишга чақиради.

Профилактика соҳасида замонавий тажриба ва билимларни жорий қилиш ҳам қонунчиликда қайд этилган вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис инспекторлар, комиссия аъзолари ва бошқа ходимлар учун малака ошириш курсларида “идоралараро ҳамкорлик психологияси”, “ноқулай оилалар билан ишлаш услублари” каби махсус ўқув модулларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги таклифларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини янги босқичга олиб чиқиши мумкин. Энг муҳими, қонунчиликдаги ҳар бир бўшлиқ ёки ижродаги ҳар бир сусткашлик ортида битта боланинг тақдири турувчи экан, бу соҳани такомиллаштиришга доимий эътибор зарур. Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва ижтимоий институтлар ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилиши учун қонунчилик доимо замон талабларига мос равишда янгиланиб бориши, амалдаги нормалар эса мустаҳкам ижро механизмлари билан таъминланиши шарт. Бу эса ўз навбатида, ёш авлодни жиноятчиликтан асраш, уларни соғлом ва ҳуқуқий онгли фуқаро этиб тарбиялашдек умуммиллий мақсадга эришишнинг муҳим гаровидир.

Юқорида келтирилган илмий хулосалар ва амалий таҳлиллар асосида қуйидаги стратегик ва ҳуқуқий таклифларни илгари суриб ўтамиз:

биринчидан, 2026–2030 йилларга мўлжалланган “Ёшлар ҳуқуқбузарликларини олдини олиш ва ижтимоий реабилитация миллий дастури”ни қабул қилиш, ушбу дастур доирасида ҳамкор идораларнинг вазифа ва жавобгарлигини, фаолият алгоритмини аниқ белгилаш зарур (дастур лойиҳаси модели диссертацияга илова қилинган);

иккинчидан, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунда алоҳида 18^{1}-модда – “Идоралараро ҳамкорлик тартиби”ни киритиш орқали, профилактика соҳасидаги ташкилотлар ўртасидаги вазифалар тақсимоти, ахборот

алмашинуви ва мувофиқлаштириш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш лозим;

учинчидан, “Ёшлар ҳуқуқбузарликларини олдини олишда идоралараро ҳамкорликни янада кучайтириш тўғрисида”ги Президент фармонини қабул қилиш, профилактик фаолиятни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилашда муҳим ҳуқуқий асос бўлади;

тўртинчидан, таҳдид гуруҳидаги ёшлар тўғрисидаги маълумотларни марказлаштирилган ҳолда юритиш ва идоралар ўртасида электрон алмашинувни таъминлаш мақсадида “YoshProfi.uz” электрон ахборот платформасини яратиш мақсадга мувофиқ;

бешинчидан, ҳар бир туманда ҳоким раҳбарлигида “Профилактика бўйича идоралараро комиссиялар”ни ташкил этиш, уларнинг ваколат ва масъулиятларини аниқ белгилаш орқали маҳаллий шароитга мос комплекс чора-тадбирларни жорий этиш зарур;

олтинчидан, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунда фуқаролик жамияти, ННТ, оммавий ахборот воситалари ва оила институтларининг профилактикадаги иштирокини ҳуқуқий жиҳатдан белгиловчи махсус моддани киритиш даркор;

еттинчидан, идоралар ўртасидаги жавобгарлик ва ҳисобот механизмларини кучайтириш мақсадида “Профилактикадаги масъулият картаси”ни жорий этиш, таҳдиддаги ёшлар назоратидан четда қолган тақдирда ҳуқуқий жавобгарлик механизмларини белгилаш талаб этилади;

саккизинчидан, ИИВ ёки Президент ҳузурида “Ёшлар ҳуқуқбузарликлари ва профилактика сиёсати бўйича Илмий-тадқиқот маркази”ни ташкил этиш орқали илмий таҳлил, мониторинг ва халқаро тажрибани ўрганишга асосланган стратегик таклифлар ишлаб чиқиш тизимини шакллантириш лозим.

тўққизинчидан, Ўзбекистонда ювенал адолат тизимини жорий этиш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида амалдаги қонунчилик базасини такомиллаштириш талаб этилади. Жумладан, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда “Пробация тўғрисида”ги Қонунда вояга етмаган шахсларга нисбатан инсонпарвар, тарбиявий ва реабилитацион ёндашувга асосланган махсус ҳуқуқий нормаларни киритиш зарур ҳисобланади. Бу каби ҳуқуқий меъёрлар ёш авлодни жазодан кўра тарбияга, қайта ижтимоийлашувга йўналтириш орқали уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга хизмат қилади.

Амалий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур соҳада фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саъй-ҳаракатлари етарли эмас, аксинча, ижтимоий институтлар – оила, таълим муассасалари, маҳалла, ёшлар иттифоқи, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ОАВ билан самарали ҳамкорликда иш олиб бориш зарур. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида идоралараро мувофиқлаштирилган ва

тизимли ҳамкорлик, маълумот алмашинуви, профилактик тадбирларни режали ташкил этиш, шунингдек, ҳуқуқий тарғибот ва таълимнинг янги, таъсирчан усулларини қўллаш орқали фуқаролар, айниқса ёшлар ўртасида ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш мумкин. Ҳуқуқбузарликка мойил ёшларни аниқлаш, уларга индивидуал ёндашув асосида тарбиявий ва реабилитацион чоралар кўришда ҳамкор институтлар ўртасидаги самарали ўзаро алоқа ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу сабабли, ёшлар ҳуқуқбузарликларини камайтириш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ижтимоий институтлар ўртасидаги ҳамкорликни институционал даражада мустаҳкамлаш, қўшма дастур ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий-ижтимоий профилактик механизмларни қонуний асосда таъминлаш долзарб вазифалардан биридир.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Омонов Алим Толибович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Аннотация: Мазкур мақолада ички ишлар органларининг фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан фуқаролик масалаларини тартибга солувчи миллий қонунчиликнинг амалий аҳамияти, фуқароликка қабул қилиш, қайта тиклаш ва тугатиш жараёнларида ички ишлар органларининг ўрни ва ваколатлари ёритилган. Шунингдек, фуқароликни расмийлаштиришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, электрон ҳужжат айланмаси, инсон ҳуқуқлари ва давлат хавфсизлиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Илмий таҳлил асосида ички ишлар органларининг мазкур соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий ва институционал таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: фуқаролик, фуқароликни расмийлаштириш, ички ишлар органлари, миграция, ҳуқуқий тартибга солиш, электрон ҳужжат айланмаси, инсон ҳуқуқлари, давлат хавфсизлиги.

Сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилишни таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб

турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган кенг кўламли демократик ислоҳотларнинг бош мезонидир. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таабири билан айтганда[1], “Инсон қадри учун” деган тамойил барча ислоҳотларимизнинг асосини ташкил этмоқда. “Инсон – жамият – давлат” деган янги тизим асосида Ўзбекистон олдинга қараб интилмоқда.

Бугунги кунда, янги Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлашнинг зарур норматив-ҳуқуқий ва ташкилий институционал асослари шакллантирилганми? деган ўринли савол юзага келади. Бизнинг фикримизча, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш тушунчаси халқ ҳокимияти ва инсон ҳуқуқлари тушунчалари билан бевосита узвий боғлиқдир. Бундан ташқари, халқаро ҳужжатларда ҳам қонун устуворлигининг асосий элементларига қонун ижодкорлигининг шаффофлиги, демократик жараёнларнинг қонунийликка асосланиши, ҳуқуқий аниқлиқ, ўзбошимчаликнинг тақиқланганлиги, холис одил судловнинг очиқлиги, маъмурий ҳужжатлар устидан суд назоратининг ўрнатилганлиги, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, камситмаслик ва қонун олдида тенглик кабилар баён этилган. Шу ўринда, бутунжаҳон адолат лойиҳасининг (WJP) Глобал қонун устуворлиги индексига кўра Ўзбекистон 2024 йилда 142 давлат орасида 83-ўринни эгаллаганини қайд этган[2]. Кучли учталикни эса Дания (1-ўрин), Норвегия (2-ўрин) ва Финландия (3-ўрин) банд этган[3]. Мазкур кўрсаткич янги Ўзбекистон каби тез ривожланаётган ёш мамлакат учун паст кўрсаткич ҳисобланади.

Шу ўринда, мамлкатда қонун устуворлигини таъминлаш, норма ижодкорлигидаги сускаштлик айнан қайси соҳаларда учрамоқда?, бугунги кунда барча соҳаларни тартибга солувчи қонунчилик миллий базасининг ҳуқуқий салоҳияти қандай? деган ўринли савол юзага келади. Бугунги кунда мамлакатда жамият ҳаётида барча соҳаларни тартибга солишга қаратилган жами 100 772 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб[4], шундан қонунлар – 1398 тани, Олий Мажлис палаталари ҳужжатлари – 3048 тани, Президент ҳужжатлари – 4989 тани, ҳукумат қарорлари – 10768 тани, вазирлик, давлат қўмита ва идораларнинг ҳужжатлари – 8292 тани, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари – 11 038 тани, суд ҳужжатлари – 330 тани, халқаро ҳужжатлар – 1567 тани, техник ҳужжатлар – 884 тани, суд амалиёти ҳужжатлари

[1] https://president.uz/uz

[2] https://worldjusticeproject.org/news/wjp-rule-law-index-2024globalpressrelease#:~:text=-Rankings%20revealed&text=The%20topranked%20country%20in,countries%20remain%20unchanged%20from%202023

[3] Изоҳ: Маълумот учун, World Justice Project (WJP) — бутун дунё бўйлаб қонун устуворлигини таъминлаш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйган халқаро ташкилот. У дунё бўйлаб мамлакатлар амалда қонун устуворлигига қай даражада риоя қилишини кўрсатадиган миқдорий баҳолаш тизимини ташкил қилган.

[4] *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикаси қонунчилик миллий базаси // lex.uz

– 584 тани, Марказий сайлов камиссиясининг ҳужжатлари – 61 тани ташкил этмоқда.

Мазкур нормалар соҳалар кесимида ўрганилганда энг норма ижодкорлиги паст кўрсаткичлардан бири бу фуқароликни расмийлаштириш билан боғлиқ йўналиш бўлиб, жами қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг 0,010 %ни ташкил этган. Шу ўринда, бугунги кунда янги Ўзбекистонда фуқароликни расмийлаштириш йўналишида ҳам бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар, маҳаллий нормаларни ҳалқаро нормаларга интеграция қилиш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини ИИВнинг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг томонидан амалга оширилган ишлар ишлар сарҳисобидан[1] ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, мамлакатда 2016 йилдан бугунги кунга қадар фуқароликни расмийлаштир ва ундан чиқиш билан боғлиқ қатор ишлар амалга оширилган. Буларга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси, 22-банди ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4, 19 ва 21-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 112 та Фармонларига асосан жами 24 минг 705 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилган.

Шулардан, 2016 йилда 179 нафар, 2017 йилда 1.064 нафар, 2018 йилда 2.760 нафар, 2019 йилда 6.318 нафар, 2020 йилда 8.127 нафар, 2021 йилда 4.567 нафар, 2022 йилда 553 нафар, 2023 йилда 583 нафар ва 2024 йилда 554 нафар (1992 йилдан 2016 йилга қадар республикамизда жами 482 нафар фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган) ташкил қилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тан олиш бўйича 1995 йил 1 январь кунига қадар республикамизга кўчиб келиб доимий рўйхатдан ўтган 35 минг 196 нафар шахслардан 23 минг 969 нафарининг ҳужжатлари кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти (идентификация ID-карта) билан ҳужжатлаштириш чоралари кўрилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тан олиш бўйича 2005 йил 1 январь кунига қадар республикамизга кўчиб келиб, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳамда муқаддам чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахслар, бундан ташқари, 2022 йил 1 февраль кун ҳолатига Ўзбекистон Республикасида камида ўн беш йил доимий яшаб келаётган ва мазкур давр мобайнида чет давлат фуқаролигида бўлмаган жами 20 минг 570 нафар

[1]Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 2024 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумоти

шахсларнинг ҳужжатлари кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароси идентификация ID-карта билан ҳужжатлаштириш чоралари кўрилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида камида ўн беш йил доимий яшаб келаётган ва мазкур давр мобайнида чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахсларнинг ҳамда ота-онасидан бири (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ва Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган болаларнинг мурожаатларига асосан жами 13 минг 504 (2024 йилнинг 9 ойида 1 минг 510) нафар шахсларнинг ҳужжатлари кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароси идентификация ID-карта билан ҳужжатлаштириш чоралари кўрилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш бўйича 430 нафар шахсларнинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилиб, хулосалар тайёрланди ва улардан 210 нафарининг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясига тақдим қилинган. Яна шуни алоҳида таакидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та Фармонига биноан 1 минг 140 нафар фуқаролар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқарилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш бўйича 156 нафар шахсларнинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилиб, хулосалар тайёрланган ва улардан 138 нафарининг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясига тақдим қилинди. Ўтган давр мобайнида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та Фармонига биноан 419 нафар фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилди[1].

Шу билан бирга, хорижий фуқароларни ҳисобга олиш йўналиши бўйича, жами 1 млн. 891 минг 642 нафар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс (кейинги жумлаларда ЧЭФ ва ФБШ деб юритилади)лар Республика ҳудудида вақтинча турган жойи бўйича қайддан ўтган. Шулардан 322 минг 27 нафар жойлардаги МваФРБлардан, 1 млн. 530 минг 685 нафари жойлаштириш воситаларидан ва 38 минг 730 нафари жисмоний шахслар томонидан вақтинча рўйхатга олинган.

Шулардан, 322 минг 227 нафар ЧЭФ ва ФБШлар жойлардаги МваФРБлардан вақтинча турган жойи бўйича қайддан ўтган. Улардан 30 кунгача визасиз келганлар 76 минг 536 нафар, электрон виза билан келганлар 9 минг 450 нафар, IT-виза билан келганлар 26 нафар, инвесторлар 13 нафар, ватандошлар 152 нафар ва 236 минг 50 нафари бошқа йўналишларда келганларни ташкил этади. Жойлардаги М ва ФРБлар томонидан 20 минг 867 нафар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга таклифномалар

[1] Ўша манбаа

расмийлаштирилган. Улардан 386 нафари ватандош, 20 минг 481 нафари меҳмонларни ташкил этади.

Республикамиз ҳудудида бўлиш қоидаларини бузиб яшаб келган жами 11 минг 371 нафар ЧЭФ ва ФБШлар ҳамда уларни қабул қилиш қоидаларини бузган республикамиз фуқаролари аниқланган бўлиб, уларга нисбатан МЖТКнинг 225-моддасининг тегишли бандларига асосан маъмурий чоралар кўрилган. Шундан 11 минг 125 нафаридан жарима ундирилган, 246 нафари ҳудудий суд идораларига юборилган. Шунингдек, 336 нафар қоидабузар ЧЭФ ва ФБШлар ўрнатилган тартибда республикамиз ҳудудидан чиқариб юборилган бўлса 36 нафар шахснинг аризалари рад қилинган.

Мазкур амалиёт материалларидан кўриш мумкинки, бугунги кунда янги Ўзбекистонда жами 11 минг 407 нафар ЧЭФ ва ФБШларга қўлланилган таъсир чораларининг асосий салбий сабабларга:

биринчидан, **тез ва қулай хизматлар;**

***иккинчидан*, ҳуқуқий шаффофлик ва қатъий меъёрлар;**

***учинчидан,* тезкор муддатлар ва самарали бошқарув;**

***тўртинчидан,* тил ва маданиятга мувофиқлик имтиҳонлари;**

***бешинчидан,* қонунчиликда шаффоф ва ахборотга асосланган жараёнлар** ва с**аховатли интеграция;**

***олтинчидан,* ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурлар қабул қилинмаганлиги;**

еттинчидан, ҳалқаро нормаларга интеграция қилинмаганлиги кабилардир.

Тез ва қулай хизматлар: Аксарият ривожланган давлатларда фуқароликка мурожаат қилиш жараёнлари онлайн тарзда амалга оширилади. Масалан, АҚШда “USCIS” электрон платформаси орқали аризалар топширилади ва жараённи кузатиш мумкин. Германия ва Канадада ҳам шундай рақамли платформалар фаолият юритади;

ҳуқуқий шаффофлик ва қатъий меъёрлар: Кўп давлатларда фуқароликка қабул қилиш жараёнидаги ҳар бир босқич қатъий тартибга солинади ва юридик меъёрларга асосланади. Буюк Британия ва Австралияда фуқароликқа мурожаат этувчилар учун махсус дастурлар ишлаб чиқилган, улар орқали номзоднинг ҳуқуқий аҳволи, малакаси ва талабларга жавоб бериши текширилади;

тезкор муддатлар ва самарали бошқарув: Японияда фуқароликка қабул қилиш муддатлари қисқартирилган ва ҳар бир босқичнинг аниқ муддати белгиланган. Шунингдек, аризаларни кўриб чиқиш жараёнида ҳеч қандай тўсиқлар йўқ, бу эса жараённи самаралироқ қилади;

тил ва маданиятга мувофиқлик имтиҳонлари: Франция ва Нидерландия каби давлатларда фуқароликка қабул қилиш жараёнида тил билими ва маданият бўйича имтиҳонлар ўтказилади. Бу талаблар фуқароликка мурожаат қилувчи шахснинг мамлакатга интеграциясини оширишга ёрдам беради;

Қонунчиликда шаффоф ва ахборотга асосланган жараёнлар: Швеция ва Финляндияда аризачилар учун барча талаблар ва босқичлар шаффоф равишда баён этилган. Бундан ташқари, бу давлатлар веб-сайтларида мурожаат этувчиларга маслаҳат ва қўлланмалар тақдим этилади, улар орқали ҳар бир қадамда ёрдам олиш мумкин;

Саховатли интеграция ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурлари: Канада ва *Австралияда* фуқароликка эга бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашиши учун махсус дастурлар амалга оширилади. Бундай дастурлар уларга бепул тил курслари, иш топишда ёрдам ва уй-жой топишда кўмак кўрсатишни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, фуқароликни расмийлаштириш ёҳуд фуқароликдан воз кечиш билан боғлиқ ижобий ҳалқаро қоидалар қуйидаги ҳалқаро ташкилотларнинг низомида акс этган. Буларга:

биринчидан, Марокашнинг Марракеш шаҳрида 2018 йилнинг 10-11 декабрь кунлари бўлиб ўтган халқаро конференциясида БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича олий комиссари (UNHCR) ва Халқаро миграция ташкилоти (IOM) ташаббуси билан "Global Compact for Migration"[1] деб номланган ҳалқаро ҳужжат қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжат БМТнинг хавфсиз миграцияни таъминлаш ва мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган;

иккинчидан, European University Institute (EUI) томонидан 2020 йилда "Globalcit"[2] номли ҳалқаро дастури қабул қилинган бўлиб, мазкур дастурнинг мақсади фуқаролик ҳуқуқлари билан боғлиқ давлатлараро нормаларни қиёсий таҳлил қилиш имконини беради. Мазкур дастур давлатлар ўртасидаги фуқароликка эга бўлиш ва йўқотишнинг турли йўлларини тартибга солишга шунингдек, фуқаролик олиш ёки йўқотишнинг халқаро амалиётларини тадқиқ қилиш орқали миллий қонунларни халқаро стандартларга мослаштириш учун хизмат қилади;

учинчидан, Европа Иттифоқи томонидан 2021 йилда "Citizenship Acquisition and Loss in the EU"[3] деб номланган ҳалқаро ҳужжат қабул қилинган

[1] БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича олий комиссари (UNHCR) ва Халқаро миграtsия ташкилоти (IOM) ташаббуси билан "Global Compact for Migration"https://www.iom.int/global-compact-migration

[2] "Globalcit" //https://home-affairs.ec.europa.eu/index_en

[3] Migration and Home Affairs // https://www.europarl.europa.eu/RegData/etudes/BRIE/2018/-625116/EPRS_BRI(2018)625116_EN.pdf

бўлиб, ушбу ҳалқаро ҳужжатнинг мақсади Европа Иттифоқига аъзо давлатлар орасида фуқароликка эга бўлиш ёҳуд йўқотиш тартибларини, қонунчилик асосларини ҳамда жамиятга интеграциялашув талабларини ўрганишга қаратилган. Тадқиқотда фуқароликни олиш учун тил билиш, қонуний яшаш, жамиятга мослашиш каби талаблар ва соддалаштирилган фуқаролик жараёнлари таҳлил қилишга қаратилган.

Шунингдек, мазкур қоида Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида фуқароликни расмийлаштириш ёҳуд фуқароликка қўйилган талабларни жамият ҳаётига интеграция қилиш орқали соддалаштириш, фуқароликни олиш жараёнларида мавжуд бюрократияни камайтириш, муддатларни камайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жамиятга фаол интеграцияни рағбатлантириш каби мақсадларга қаратилган. Масалан:

Европа Иттифоқи мамлакатларида фуқароликка эга бўлиш учун қонуний яшаш муддати турли давлатларда фарқ қилади. Кўп давлатлар қонуний яшаш талабини (5-10 йил) қўйган бўлса, айрим давлатларда бу муддат қисқартирилиши;

фуқароликни олиш учун давлат тилини билиш ва жамиятга интеграциялашиш бўйича тестлар ўтказилади. Масалан, Германияда тил билиш (B1 даража) ва жамиятга интеграциялашув тестлари фуқаролик олиш жараёнида талаб қилинади. Бу талаблар давлатнинг маданий ва қонунчилик тизимига фуқароларнинг мослашишига;

айрим мамлакатлар ватандошлар ёки қочқинларга соддалаштирилган фуқаролик бериш йўлларини қўллашади. Ушбу тадқиқотлар бу механизмларнинг самарадорлигини ўрганиб, бошқа давлатлар учун тавсиялар ишлаб чиқишга;

баъзи Европа мамлакатлари иккинчи фуқароликка рухсат беришади, бу глобал миграция жараёнларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳимдир. Лекин, иккинчи фуқаролик тўғрисидаги қонунлар ҳар бир давлатда турлича бегиланганлигига.

Юқорида биз ривожланган давлатлар ижобий тажрибаси ва ҳалқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳалқаро стандарт қоидларнинг ижобий ютуқлари бугунги кунда янги Ўзбекистонда амалда бўлган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни[1]нинг мазмуни ўз аксини топганми? деган ўринли савол юзага келади. Олиб борилган илмий изланиш ва тадқиқотлар натижасида бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги

[1] Ўзбекистон Республикасининг 13.03.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон қонуни // https://lex.uz/docs/4761984.

Қонуни[1]да ҳалқаро стандарт қоидаларини мазмунан қамраб олмаган қатор салбий ҳолатлар мавжудлигини санаб ўтиш мумкин. Буларга:

биринчидан, рақамлаштирилган платформаларнинг йўқлиги, яъни халқаро амалиётда Германия, Сингапур каби ривожланган давлатларда фуқароликка мурожаат қилиш ва ҳужжатлар топшириш жараёнлари рақамли платформалар орқали амалга оширилади. Ўзбекистон қонунчилигида бу каби платформалар жорий қилинмаган, бу эса мурожаатларнинг кечиктирилиши ва бюрократик тўсиқларнинг мавжудлигига сабаб бўлади;

иккинчидан, инвесторлик асосида фуқаролик олиш имкониятининг йўқлиги. Антигуа ва Барбуда, Туркия, Доминика каби давлатларда иқтисодий фойда келтирган шахсларга махсус фуқаролик дастурлари жорий этилган. Ўзбекистон қонунида бу каби имкониятлар мавжуд эмас, бу мамлакатга сармояларни жалб қилишдаги муҳим имкониятларнинг йўқлигини кўрсатади;

учинчидан, ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш зарурияти: АҚШ ва Германия қонунларида фуқароликка қабул қилиш жараёнида шахсларнинг ҳуқуқий кафолатлари кенг ёритилган ва кўп босқичли ҳуқуқий ҳимоя тизими мавжуд. Ўзбекистон қонунида ҳам фуқароликни олиш ва йўқотиш жараёнларида ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатлар мос равишда мустаҳкамланиши керак.

Шу ўринда юқрида келтириб ўтилган Қонун нормаларини тизимли таҳлил этиш, уни такомиллаштириш истиқболларини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуни[2]ни моддама-модда таҳлил қилишда қонуннинг ҳар бир моддаси мазмунини халқаро стандартлар ва хорижий тажрибалар билан қиёсий таҳлил қилиш муҳимдир. Қуйида моддама-модда таҳлил ва таклифлар келтирилади:

қонуннинг 1-моддаси қонуннинг асосий мақсади, яъни фуқароликни олиш ва йўқотиш муносабатларини тартибга солиш, қонуний талабларни қамраб олган. Шу билан бирга, мазкур нормада Европа Иттифоқи ва бошқа ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда фуқаролик масалаларини идоравий ҳамкорлик ва рақамли маълумотлар базаси орқали автоматлаштиришни назарда тутиш мумкин;

қонуннинг 2-моддасини Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга асосланган фуқаролик қоидалари ҳақидаги қисмида, агар Ўзбекистон қонунчилигида қаралмаган ҳолатлар бўлса, халқаро шартнома

[1] Ўзбекистон Республикасининг 13.03.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон қонуни // https://lex.uz/docs/4761984.

[2] Ўзбекистон Республикасининг 13.03.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон қонуни // https://lex.uz/docs/4761984.

қоидалари қўлланилиши айтилган. Фикримизча, бу қоида халқаро шартномаларнинг тўғридан-тўғри амалга оширилишини кафолатлашни талаб қилади, аммо миллий қонунчиликка уйғунлаштириш талаб этилади;

қонуннинг 3-5-моддалари асосий тушунчалар ва фуқароликқа мансублик муносабатларига бағишланган бўлиб, 3-моддада асосий тушунчаларни кенгроқ ва ҳар томонлама ёритиш, шу жумладан фуқаролиги бўлмаган шахс тушунчасини янада тўлдириш, БМТнинг фуқароликсизликка қарши конвенцияларига мувофиқлаштириш зарур. Зотан, бугунги кунда Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатларида 116 минг 629 нафардан ортиқ инсонлар фуқароликка эга бўлмай қолмоқда[1].

Шуни алоҳида таакидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонуни[2]нинг 3-5-моддалари фуқаролик тушунчалари ва унга мансублик муносабатларини тартибга солишга қаратилган бўлиб, бу борада бир неча такомиллаштириш йўналишлари илмий асосланиши зарур.

Биринчи навбатда, 3-моддада асосий тушунчаларни кенгроқ баён этиш зарур, чунки мазкур қонун фуқаролик ва унга боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ҳамда давлат ва фуқаро ўртасидаги мустаҳкам алоқаларни белгилаб беради. Бунда, «фуқаролиги бўлмаган шахс» тушунчасини ҳам БМТнинг Фуқароликсизликка қарши 1954 ва 1961 йиллардаги конвенцияларига мувофиқ келтириш орқали ҳуқуқий аниқликни таъминлаш мумкин. Чунки, Марказий Осиё мамлакатларида 116, 629 нафардан ортиқ шахс ҳануз фуқароликка эга эмас, бу уларнинг сиёсий, ижтимоий, ва иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Илмий жиҳатдан ёндошилганда, фуқароликсиз шахслар тушунчасини аниқ ва тўлиқ ёритиш уларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳимоя ва ижтимоий ёрдам олиш имкониятларини мустаҳкамлайди. Масалан, БМТнинг 1961 йилдаги Конвенциясида фуқароликсизликка чек қўйиш, барча инсонларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қоидалар мавжуд. Шу боис, Ўзбекистонда фуқаролик қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, яъни бу тушунчаларни қонун матнига қўшиш ва уни амалий қўллаш фуқароликни расмийлаштириш жараёнини соддалаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бундан ташқари, фуқароликка мансублик ва фуқароликни олиш, бекор қилиш масалаларида ҳам халқаро тажрибани инобатга олиш муҳим. Масалан,

[1] https://www.unhcr.org/centralasia/wp-content/uploads/sites/75/2021/11/UNHCR-Statelessness-conventions-2021-A5-screen-1.pdf

[2] Ўзбекистон Республикасининг 13.03.2020 йилдаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги ЎРҚ-610-сон қонуни // https://lex.uz/docs/4761984.

АҚШ ва Европанинг кўплаб давлатларида фуқароликни олиш ва сақлаш тартиблари давлат манфаатлари билан бир қаторда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳам қаратилган. Улар, шунингдек, фуқароликдан маҳрум этиш жараёнини жуда ҳам эҳтиёткорлик билан белгилайди, чунки бу инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш имконини минимал даражага келтиради.

Фуқароликни олиш тартиби (13-17-моддалар): Қонуннинг 13-моддасида фуқароликни олиш учун аниқ шартлар кўрсатилган бўлса-да, чет эл фуқаролари учун соддалаштирилган тартиб жорий қилиш таклиф этилади. Бу, айниқса, чет эллик мутахассислар, сармоядорлар ва юқори малакага эга шахслар учун жуда долзарбдир. Бунда БМТнинг халқаро стандартлари инобатга олинган ҳолда, ҳужжатларнинг тезкор расмийлаштирилиши ва фуқароликни олиш ҳуқуқлари кенгайтирилиши мумкин.

Туғилганлик бўйича фуқаролик (14-модда): Халқаро стандартларга мувофиқ, чет элда туғилган болаларга соддалаштирилган тартибда фуқаролик бериш имконияти яратилиши зарур. Бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, жумладан, болаларнинг ҳуқуқий мақомини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Фуқароликка қабул қилиш ва уни тиклаш (18-22-моддалар): Қонуннинг 18-моддасида юқори малакага эга шахсларга соддалаштирилган ёки махсус шартларда фуқаролик бериш имкониятини назарда тутади. БМТнинг фуқаролик ва инсон ҳуқуқлари бўйича стандартларига мос келтирилган тартиб-қоидаларни жорий этиш орқали қонун халқаро стандартларга янада уйғунлаштирилиши мумкин.

Фуқароликни йўқотиш асослари (23-26-моддалар): Фуқароликни йўқотиш масаласи халқаро ҳуқуққа мувофиқ кўриб чиқилиши лозим. Бу, айниқса, давлат хавфсизлигига таҳдид солган ҳолларда, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга зид бўлмаслиги учун муҳимдир.

Ота-онасининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда боланинг фуқаролиги (32-36-моддалар): Болаларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро конвенцияларига мос равишда уларнинг фуқаролигига нисбатан ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш зарур.

Ҳужжатларни расмийлаштириш ва идоралараро маълумотлар базаси (41-44-моддалар): Электрон порталларни ривожлантириш ва автоматлаштириш орқали фуқароликни олиш ва аниқлаш жараёнлари жадаллаштирилиши мумкин. Бу жараёнларни шаффоф ва тезкор қилган ҳолда фуқароликка оид маълумотлар билан ишлаш сифатини оширишга ёрдам беради.

Фуқаролик масалалари комиссияси (46-49-моддалар): Комиссия фаолиятида ҳуқуқий шаффофликни таъминлаш муҳимдир. Бунинг учун

жамоатчилик иштироки ва мустақил кузатувчиларнинг иштирок этиши ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш зарур.

Жавобгарлик (54-модда): Фуқаролик соҳасида қонунбузарликларга нисбатан жавобгарлик масаласида шаффофликни ошириш таклиф этилади. Бу ўз навбатида қонунбузарликларнинг олдини олишда ва профилактика чораларини кучайтиришда муҳим омил бўлади.

Юқорида келтирилган ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаси ва ҳалқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳалқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплемитация қилиниши келажакда янги Ўзбекистонда ҳам фуқароликни расмийлаштириш тизимини такомиллаштириш, жараённи шаффофлаштириш ва қонуний асосларни мустаҳкамлаш мумкин. Бунинг натижасида фуқароликни олиш жараёни янада қулай, шаффоф ва тезкор бўлишига эришилади.

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ТИПИДАГИ ХОРИЖИЙ МАМАЛАКАТЛАР БЎЛИНМАЛАРИ МАЪМУРИЙ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Назаров Ғанишер Баҳодирович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси
Телефон: +998934017377., e-mail: ganishernazarov575@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада хорижий мамлакатлар миллий гвардия типидаги бўлинмаларининг маъмурий фаолияти ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан ҳар томонлама таҳлил этилган. Франция, АҚШ, Туркия, Россия, Қозоғистон ва Жанубий Корея тажрибалари мисолида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, оммавий тадбирларда тартибни сақлаш ҳамда маъмурий жавобгарликни амалга ошириш соҳасидаги ваколатлар қиёсий ўрганилган. Тадқиқот натижалари миллий гвардия фаолияти самарадорлиги ҳарбий интизом билан фуқаролик бошқарувининг уйғунлиги, фуқаролик назоратининг мавжудлиги ва ҳуқуқий аниқлик даражасига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шу асосда Ўзбекистон Миллий гвардиясининг маъмурий амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: миллий гвардия, маъмурий фаолият, жамоат хавфсизлиги, маъмурий жавобгарлик, ҳуқуқий асос, хорижий тажриба.

Бугунги глобал хавфсизлик муҳити тез суръатлар билан ўзгариб бораётган шароитда, давлатларнинг ички барқарорлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда махсус ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, жумладан миллий гвардия типидаги бўлинмаларнинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу

тузилмалар фақат ички тартибни сақлаш вазифаси билан чекланиб қолмай, балки терроризм ва экстремизмга қарши кураш, оммавий тартибсизликларни бартараф этиш, киберхавфсизликни таъминлаш, шунингдек табиий ва техноген офатлар оқибатларини бартараф этиш каби мураккаб вазиятларда ҳам давлат хавфсизлигини таъминловчи асосий институтлардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Хорижий мамлакатларда миллий гвардия типидаги бўлинмалар – бу давлатнинг ҳарбий ва маъмурий бошқарув тизимидаги ўзига хос институт бўлиб, улар фуқаролик жамияти ва давлат ҳокимияти ўртасидаги хавфсизлик муносабатларини таъминлашда кўп функцияли субъект сифатида фаолият юритади. Масалан, Франциядаги Жандармерия миллий (Gendarmerie nationale), АҚШдаги National Guard, Россиядаги Росгвардия, Италиядаги Carabinieri, ҳамда Испаниядаги Guardia Civil каби бўлинмалар маъмурий, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ҳарбий функцияларни уйғунлаштирган тизим сифатида фаолият юритмоқда.

Айнан шундай иккиламчи табиат – ҳарбий интизом билан маъмурий бошқарувнинг уйғунлашганлиги – миллий гвардия типидаги тузилмаларни бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ажратиб туради. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам жамоат тартибини таъминлаш, ҳам давлат стратегик объектларини қўриқлаш, ҳам аҳолини фавқулодда ҳолатларда эвакуация қилиш ва ижтимоий барқарорликни сақлаш вазифаларини бажаради.

Мазкур параграфнинг долзарблиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

биринчидан, XXI асрда терроризм, сиёсий экстремизм ва гибрид таҳдидлар янги шаклда намоён бўлаётгани миллий гвардия типидаги бўлинмаларнинг институционал аҳамиятини оширди. Улар фақат ҳарбий куч сифатида эмас, балки маъмурий тартибга солувчи субъект сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда[1];

иккинчидан, ривожланган давлатларда миллий гвардия органлари фуқаролик бошқаруви тизимида интеграцияланган ҳолда ишлайди. Франция ва Италия тажрибасида жандармерия тузилмалари Ички ишлар вазирлигига бўйсунган ҳолда маъмурий функцияларни бажаради, бу эса давлат бошқаруви самарадорлигини оширган[2];

учинчидан, миллий гвардия типидаги бўлинмалар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлиги, оммавий тадбирлар, табиий офатлар ёки тинчликни бузувчи ҳолатларда маъмурий тартибни сақлашда фаол иштирок этмоқда. Бу уларнинг фаолиятини нафақат ҳарбий, балки маъмурий-ҳуқуқий категория сифатида ўрганиш зарурлигини кўрсатади[3];

тўртинчидан, янги Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини модернизация қилиш жараёнида миллий гвардия фаолиятини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш долзарб аҳамият касб этади. Шу мақсадда

[1] OECD. Public Security Governance and Civil-Military Relations in Europe. – Paris : OECD Publishing, 2023. – 178 p.
[2] European Gendarmerie Force (EUROGENDFOR). Annual Review 2022–2023. – Brussels, 2023. – 112 p.
[3] Bayley D. Changing the Guard: Developing Democratic Police Abroad. – Oxford : Oxford University Press, 2006. – 271 p.

Франция, АҚШ, Туркия, Россия каби давлатлар тажрибасини илмий таҳлил қилиш ва миллий маъмурий амалиётга мослаштириш зарур[1].

бешинчидан, миллий гвардия типидаги бўлинмалар фақат хавфсизлик билан чекланмасдан, аҳоли билан мулоқот, профилактика ва фавқулодда ҳолатларда ёрдам кўрсатиш каби ижтимоий вазифаларни ҳам бажаради. Бу уларнинг маъмурий фаолиятини давлат бошқарувининг замонавий тизимида қайта баҳолашни тақозо этади[2].

Шу жиҳатдан, хорижий мамлакатларнинг миллий гвардия типидаги бўлинмалари маъмурий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини илмий асосда ўрганиш – давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил этиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш учун долзарб илмий вазифадир.

Моррис Яновиц ўзининг “The Professional Soldier” (1960) асарида ҳарбий-фуқаролик муносабатларини таҳлил этиб, миллий гвардияни “қонун ва тартибни таъминловчи констабуляр куч” сифатида таърифлайди[3]. Унинг фикрича, ҳарбий тузилма фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда давлат бошқарувининг ажралмас қисмига айланмоқда.

Патриция М. Шилдс “Civil–Military Relations and Democratic Control” (2014) тадқиқотида миллий гвардия ёки жандармерия каби тузилмаларнинг кенг маъмурий ваколатларга эга бўлишида фуқаролик назорати устувор аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди[4]. Унингча, маъмурий таъсир чоралари ҳуқуқий ҳисобдорлик билан мувозанатда бўлиши шарт.

Дэвид Ж. Фармер эса “Public Administration in Perspective” (2010) асарида маъмурий бошқарувнинг инсонпарвар моделини илгари суриб, миллий гвардия фаолиятида жамоат ишончи ва ҳуқуқий механизмлар уйғунлиги таъминланиши лозимлигини таъкидлайди[5].

Маъмурий ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширувчи миллий гвардия типидаги тузилмалар ҳар бир давлатнинг ички хавфсизлик тизимида муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ҳуқуқий мақоми, бошқарув тизими ва функциялари давлатнинг сиёсий тизими, ҳуқуқий анъаналари ҳамда хавфсизлик сиёсати билан узвий боғлиқдир.

Францияда миллий гвардия типидаги бўлинма сифатида Gendarmerie Nationale фаолият юритади. Унинг ҳуқуқий мақоми иккиламчи табиатга эга: бир томондан, у ҳарбий тузилма бўлиб, давлат мудофаа тизимининг бир қисми

---

[1] United States Department of Defense. National Guard Bureau Annual Report 2022. – Washington D.C., 2023. – 154 p.

[2] Ministry of Interior of France. La Gendarmerie Nationale: Missions et Réformes. – Paris, 2022. – 198 p.

[3] Shields P. M. Civil–Military Relations and Democratic Control. — London: Palgrave Macmillan, 2014.

Michaels J. D. Constitutional Coup: Privatization’s Threat to the American Republic. — Cambridge: Harvard University Press, 2017.

[4] Michaels J. D. Constitutional Coup: Privatization’s Threat to the American Republic. — Cambridge: Harvard University Press, 2017.

[5] Republic of Turkey. Law No. 6638 on the Organization of Gendarmerie. — Ankara, 2016.

ҳисобланади; иккинчи томондан, у Ички ишлар вазирлигига бўйсунувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида маъмурий вазифаларни ҳам бажаради[1].

Жандармериянинг бошқарув тизими марказлашган бўлиб, у жамоат тартибини сақлаш, қишлоқ ҳудудларида полиция назоратини амалга ошириш, фавқулодда ҳолатларда фуқароларни эвакуация қилиш ва давлат объектларини қўриқлаш вазифаларини бажаради. Шу билан бирга, Францияда жандармерия жиноятларнинг тергов босқичида прокуратура билан ҳамкорликда ишлайди.

Француз моделидаги асосий афзаллик шундаки, ҳарбий интизом билан маъмурий назорат бирлаштирилган ҳолда амалга оширилади, бу эса тезкор қарор қабул қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда юқори самара беради.

АҚШдаги Миллий гвардия федерал ва штат даражасидаги тузилма бўлиб, унинг ҳуқуқий асоси АҚШ Конституцияси, Posse Comitatus Act (1878) ва National Defense Act (1916) қонунлари билан белгиланган[2].

Унинг бошқарув тизими икки даражали: федерал миқёсда – АҚШ Қуролли кучлари таркибида, давлат миқёсида – ҳар бир штат губернатори бошқарувида фаолият юритади. Бу тизим гвардия бўлинмаларини ҳам миллий мудофаа, ҳам ички фавқулодда ҳолатларда фойдаланиш имконини беради.

АҚШ Миллий гвардияси функцияларига табиий офатлар пайтида аҳолини эвакуация қилиш, оммавий тартибсизликларни бартараф этиш, фуқаролик ҳимояси ва халқаро тинчликни сақлаш операцияларида иштирок этиш киради. Шу билан бирга, у федерал ҳукумат томонидан хорижий миссияларга ҳам юборилиши мумкин.

Бу моделдаги асосий устунлик – икки даражали бошқарув тизими орқали гвардиянинг ҳам ҳарбий, ҳам маъмурий ҳаракатлар учун мослашувчанлиги ва демократик ҳисобдорликнинг таъминланганидир.

Туркиянинг миллий гвардияга ўхшаш бўлинмаси – Jandarma Genel Komutanlığı, у Ички ишлар вазирлигига бўйсунувчи ҳарбий-маъмурий тузилма ҳисобланади[3].

Туркия жандармерияси фаолияти “Жандармерия тўғрисида”ги қонун ва Президент фармонлари билан тартибга солинади. Унинг асосий вазифалари қишлоқ ва аграр ҳудудларда жамоат тартибини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фавқулодда ҳолатларда аҳолини ҳимоя қилиш, контрабанда ва терроризмга қарши курашишдир.

Жандармериянинг бошқарув тизими марказлашган бўлиб, у ҳарбий интизомга асосланган. Шу билан бирга, унинг маъмурий функциялари фуқаролик бошқаруви тизими билан интеграция қилинган. Бу модел давлат ва фуқаролик

[1] Ministry of Interior of France. La Gendarmerie Nationale: Missions et Réformes. – Paris, 2022. – 198 p.
[2] United States Department of Defense. National Guard Bureau Annual Report 2023. – Washington D.C., 2023. – 156 p.
[3] FIEP. Turkish Gendarmerie: Organizational Structure and Administrative Role. – Ankara, 2023. – 112 p.

жамияти ўртасидаги хавфсизлик муносабатларини барқарор ҳолда сақлаш имконини беради.

Россияда 2016 йилда ташкил этилган Федерал Миллий гвардия хизмати (Росгвардия) ички хавфсизлик ва давлат ҳимоя тизимининг асосий субъекти ҳисобланади[1].

Унинг ҳуқуқий асосини “Россия Федерацияси Миллий гвардия қўшинлари тўғрисида”ги федерал қонун (2016 йил 3 апрель) ташкил этади. Росгвардиянинг бошқарув тизими тўлиқ президентга бўйсунган ҳолда фаолият юритади, бу эса унинг марказлашган ва кучли иерархик тузилма эканлигини кўрсатади.

Унинг асосий функцияларига терроризм ва экстремизмга қарши кураш, оммавий тартибсизликларни бартараф этиш, муҳим давлат объектларини қўриқлаш, қурол-яроғ айланмаси устидан назорат ўрнатиш киради. Шунингдек, Росгвардия ички ишлар органлари билан ҳамкорликда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини амалга оширади.

Россия модели маъмурий жиҳатдан юқори марказлашувга ва куч ишлатиш ваколатларининг кенглигига эга бўлиб, бу унинг тезкорлиги ва самарадорлигини таъминласа-да, демократик назорат нуқтаи назаридан тортишувларга сабаб бўлади.

Жанубий Кореяда АҚШдаги каби “миллий гвардия” номли мустақил тузилма мавжуд эмас, аммо фуқаролик ва ҳарбий хавфсизлик тизимлари бирлаштирилган ҳолда амалга оширилади[2].

Мазкур соҳада “National Defense Act” ва “Civil Defense Framework Act” асосий ҳуқуқий база ҳисобланади. Жанубий Корея мудофаа тизими Республика Президенти ва Мудофаа вазирлиги орқали бошқарилади. Шу билан бирга, мамлакатда фуқароларни табиий офатлар ёки ҳарбий таҳдидлар шароитида сафарбар этиш имконини берувчи мобилизация тизими мавжуд.

Корея моделида маъмурий фаолиятнинг ўзига хослиги – хавфсизлик тизимининг рақамли бошқарув орқали интеграциялашганлиги ва фуқаролик иштирокини таъминлашидир. Бу мамлакат хавфсизлигини таъминлашда демократик назорат ва масъулият принципларини амалга ошириш имконини беради.

Қозоғистонда миллий гвардия фаолияти “Қозоғистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонун (2015 йил 10 январь) билан тартибга солинади[3]. У Ички ишлар вазирлиги таркибида фаолият юритади ва давлат хавфсизлигининг муҳим бўғини ҳисобланади.

Миллий гвардиянинг бошқарув тизими марказлашган бўлиб, у ҳудудий бошқармалар, махсус операция бўлинмалари ва фавқулодда ҳолатлар учун резерв қисмлардан иборат. Асосий вазифалари жамоат тартибини таъминлаш, оммавий

[1] Federal National Guard Service of the Russian Federation. Tasks and Functions of the Rosgvardiya. – Moscow, 2023. – 147 p.

[2] Republic of Korea Ministry of Defense. National Defense Framework Act and Administrative Security Policy. – Seoul, 2022. – 154 p.

[3] Ministry of Internal Affairs of Kazakhstan. Law on the National Guard of the Republic of Kazakhstan. – Astana, 2023. – 128 p.

тадбирларда хавфсизликни таъминлаш, стратегик объектларни қўриқлаш ва терроризмга қарши курашни ўз ичига олади.

Қозоғистон модели маъмурий фаолиятда ҳарбий интизом ва фуқаролик бошқаруви элементларини уйғунлаштирган ҳолда миллий хавфсизликни таъминлашда самарали механизм сифатида шаклланган.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, хорижий давлатларда миллий гвардия типидаги бўлинмаларнинг маъмурий фаолияти уч асосий белгилар билан тавсифланади:

ҳуқуқий асоснинг аниқлиги ва конституциявий кафолатлар мавжудлиги;

марказлашган бошқарув тизими ва масъулият иерархиясининг аниқ белгилаб қўйилганлиги;

функционал вазифаларнинг ҳарбий ва маъмурий йўналишда уйғунлашганлиги.

Таҳлил этилаётган мамлакатларда миллий гвардия типидаги бўлинмалар нафақат ҳарбий, балки маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи субъектлар сифатида фаолият юритади. Улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда ҳолатларда аҳолини эвакуация қилиш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни амалга оширишда муҳим ваколатларга эга. Шу боис хорижий давлатлар қонунчилигида миллий гвардия ёки унга яқин бўлган тузилмаларнинг маъмурий жавобгарлик соҳасидаги вазифа ва ваколатлари махсус қонунлар ва кодекслар билан аниқ тартибга солинган.

Францияда миллий гвардия вазифасини амалга оширувчи Gendarmerie Nationale фаолиятининг ҳуқуқий асоси 1958 йилги Конституция, Code de la Défense ва Code de la Sécurité Intérieure билан белгиланган[1]. Мазкур кодекснинг L.1321–L.1424 моддаларида жандармериянинг маъмурий ваколатлари аниқ кўрсатилган. У қишлоқ ва шаҳар атрофи ҳудудларида жамоат тартибини таъминлайди, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади ва айрим ҳолларда уларни расмийлаштириш (протокол тузиш, жарима қўллаш) ваколатига эга. Шу билан бирга, жандармерия тергов жараёнларида прокуратура билан ҳамкорликда иш олиб боради[2].

Француз моделида ҳарбий интизом билан фуқаролик бошқарувининг уйғунлиги жамоат хавфсизлигини таъминлашда самарадорликни оширади.

[1] Code de la Sécurité Intérieure. – Paris : Gouvernement Français, 2023. – L.1321–L.1424., Code de la Défense. – Paris : Ministère des Armées de la République Française, 2022. – 782 p., Constitution de la République Française. – Paris : Journal Officiel de la République Française, 1958 (avec modifications jusqu’en 2023).

[2] Ministry of Interior of France. La Gendarmerie Nationale : Missions et Réformes. – Paris : Ministère de l’Intérieur, 2022.

АҚШ Миллий гвардиясининг ҳуқуқий асоси United States Code, Title 32 (“National Guard”), Title 10 (“Armed Forces”) ҳамда Posse Comitatus Act (1878) билан тартибга солинади[1]. У икки ҳуқуқий ҳолатда фаолият юритади:

Штат даражасида (Title 32) – губернатор бошқарувида жамоат тартибини таъминлаш, фавқулодда ҳолатларда аҳолини эвакуация қилиш;

Федерал даражада (Title 10) – Президент фармони билан мудофаа вазифаларини бажариш.

Маъмурий жавобгарлик соҳасида Миллий гвардия қўшинлари “Public Order Enforcement Regulation” доирасида полиция билан ҳамкорликда ишлайди[2]. АҚШ моделининг ўзига хос жиҳати – Posse Comitatus Act фуқаролик назоратини кафолатлаб, ҳарбий кучларнинг маъмурий функцияларига аралашувини чеклайди[3].

Туркияда жандармерия фаолияти Jandarma Genel Komutanlığı Kanunu № 2803 (1983) ва Kabahatler Kanunu № 5326 (2005) билан тартибга солинади[4]. Қонуннинг 7-моддасига кўра, жандармерия фуқаролик бошқарувига қарашли ички тартибни таъминлайди ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади. Kabahatler Kanununинг 11-моддаси унга маъмурий жарима ва протокол расмийлаштириш ваколатини беради.

Бу тизим Туркиянинг қишлоқ ҳудудларида жандармерияни полиция билан тенг ҳуқуқли маъмурий орган сифатида фаолият юритиш имконини беради[5].

Россияда Миллий гвардия қўшинлари фаолияти 2016 йил 3 апрелдаги ФҚ-226-сон “Россия Федерацияси миллий гвардия қўшинлари тўғрисида”ги Федерал қонун билан тартибга солинади[6]. Қонуннинг 2-моддасида жамоат тартибини сақлаш, оммавий тадбирларда хавфсизликни таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича протокол тузиш вазифалари кўрсатилган.

Маъмурий жавобгарлик соҳасида Росгвардия ходимлари КоАП РФнинг 19.1, 20.2 ва 20.21 моддаларига мувофиқ протокол тузиш ва жарима қўллаш ҳуқуқига эга[7]. Бу тизимда маъмурий назорат прокуратура ва ички аудит бўлимлари орқали амалга оширилади[8].

---

[1] **United States Code, Title 32 – National Guard.** – Washington D.C. : U.S. Government Printing Office, 2022., **United States Code, Title 10 – Armed Forces.** – Washington D.C. : U.S. Government Printing Office, 2022., **Posse Comitatus Act (18 U.S.C. § 1385).** – Washington D.C. : United States Congress, 1878 (ред. 2022).

[2] **Jandarma Genel Komutanlığı Kanunu No. 2803.** – Ankara : Resmî Gazete, 1983.

[3] **United States Department of Defense.** *National Guard Bureau Annual Report 2023.* – Washington D.C., 2023.

[4] **Jandarma Genel Komutanlığı Kanunu No. 2803.** – Ankara : Resmî Gazete, 1983., **Kabahatler Kanunu No. 5326.** – Ankara : Resmî Gazete, 2005 (son değişiklikler 2023).

[5] **Jandarma Genel Komutanlığı Kanunu No. 2803.** – Ankara : Resmî Gazete, 1983., **Kabahatler Kanunu No. 5326.** – Ankara : Resmî Gazete, 2005 (son değişiklikler 2023).

[6] Федеральный закон Российской Федерации от 3 апреля 2016 г. № 226-ФЗ «О войсках национальной гвардии Российской Федерации». – Москва : Официальное издание, 2016.

[7] **Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях (КоАП РФ).** – Москва: Официальное издание, 2023.

[8] **Federal National Guard Service of the Russian Federation.** *Tasks and Functions of the Rosgvardiya.* – Moscow, 2023.

Қозоғистон Республикасида Миллий гвардия фаолияти «Ўлттық ұлан туралы» Заңы (10.01.2015) ва Әкімшілік құқықбұзушылық туралы кодекси (2020) асосида амалга оширилади[1]. Қонуннинг 5-моддасида Миллий гвардиянинг вазифалари жамоат тартибини таъминлаш, стратегик объектларни қўриқлаш ва маъмурий ишларда Ички ишлар органларига кўмак кўрсатиш сифатида белгиланган.

Кодекснинг 804-моддаси гвардия ходимларига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги далолатнома тузиш ва жарима қўллаш ҳуқуқини беради[2].

Жанубий Кореяда “миллий гвардия” атамаси мустақил тузилма сифатида қўлланилмаса-да, унинг вазифаларини National Police Agency ва Republic of Korea Army Reserve Command бажаради. Ҳуқуқий база National Defense Act (2022), Civil Defense Framework Act (2021) ва Administrative Procedures Act (2017) билан белгиланган[3].

Бу ҳужжатлар маъмурий жавобгарлик доирасида ҳарбий-маъмурий тузилмаларни полиция билан ҳамкорликда фаолият юритишга мажбур этади. Корея моделида демократик назорат ва рақамли мониторинг орқали ҳисобдорлик таъминланади[4].

Хорижий мамлакатларда миллий гвардия типидаги тузилмаларнинг маъмурий жавобгарлик соҳасидаги ҳуқуқий асослари қуйидаги умумий қонуниятларни акс эттиради:

ҳарбий интизом билан маъмурий бошқарувнинг уйғунлиги (Франция, Туркия, Россия, Қозоғистон);

фуқаролик назорати ва ҳуқуқий чекловлар (АҚШ, Жанубий Корея);

маъмурий ишларни расмийлаштириш ва жарима қўллаш ваколати (барча моделларда умумий белги).

Бу тажрибалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Миллий гвардиясининг маъмурий фаолиятини ривожлантиришда Франция ва Туркия моделларидаги ҳарбий-интизомий бошқарувни, АҚШ ва Корея моделларидаги фуқаролик назоратини, Россия ва Қозоғистон моделларидаги ҳуқуқий аниқликни уйғунлаштириш орқали самарали “миллий маъмурий модель” яратиш мақсадга мувофиқдир.

Бу ўринда, юқоридаги давлатларнинг миллий гвардия типидаги бўлинмалари томонидан жавобгарлик ҳудудларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат

[1] **Қазақстан Республикасының «Ұлттық ұлан туралы» Заңы № 274-V.** – Астана: «Әділет», 2015., **Қазақстан Республикасының Әкімшілік құқықбұзушылық туралы кодексі.** – Астана : «Әділет», 2020.

[2] **Ministry of Internal Affairs of Kazakhstan.** *Law on the National Guard of the Republic of Kazakhstan – Commentary Edition.* – Astana, 2023.

[3] **National Defense Act of the Republic of Korea.** – Seoul: Ministry of National Defense, 2022., **Civil Defense Framework Act.** – Seoul: Government Printing Office, 2021, **Administrative Procedures Act.** – Seoul: National Assembly Press, 2017.

[4] **Republic of Korea Ministry of Defense.** *National Defense Framework and Administrative Security Policy.* – Seoul, 2022.

тартибини сақлаш юзасидан бир қанча маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича ваколатларини қиёсиё-ҳуқуқий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хорижий мамлакатларнинг миллий гвардия типидаги бўлинмалари фаолиятини маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликдаги ўзига хос хусусиятларини қуйидаги жадвал мисолида кўришимиз мумкин.

1-жадвал. Хорижий мамлакатларнинг миллий гвардия типидаги бўлинмалари маъмурий амалиётини ўзига хос хусусиятлари

№	Давлат	Ҳуқуқбузарлик тури	Миллий гвардия (ёки тенг бўлинма) ваколати	Норматив асос (модда, қонун)	Қўлланиладиган маъмурий чора
1	Франция	Жамоат жойларида безорилик ва оммавий тартибсизлик	Протокол тузиш, жарима ёки ҳибсга олиш тўғрисида таклиф киритиш	*Code pénal*, art. R610-5; *Code de la Sécurité Intérieure*, L211-1–L211-4[1]	Маъмурий жарима ёки вақтинчалик ҳибс
		Қурол ёки махсус воситаларни ноқонуний сақлаш	Текшириш ва мусодара қилиш	*Code de la Défense*, L2331-1[2]	Мусодара, жарима
2	АҚШ	Оммавий тартибсизликлар ва комендант соатини бузиш	Ишни расмийлаштириш ва штат полициясига юбориш	*Public Order Enforcement Regulation* §12; *Posse Comitatus Act*[3]	Маъмурий жарима, судга юбориш
		Фавқулодда ҳолат буйруқларига бўйсунмаслик	Маъмурий протокол тузиш	*Title 32 U.S. Code* § 109	Штат суди орқали жарима
3	Туркия	Жамоат тинчлигини бузиш, оммавий	Баённома (tutanak) тузиш, ишни	*Kabahatler Kanunu* madde 36, 38; *Jandarma*	Маъмурий жарима, оғзаки огоҳлантириш

[1] **Code de la Sécurité Intérieure.** – Paris : Gouvernement Français, 2023., **Ministry of Interior of France.** *La Gendarmerie Nationale : Missions et Réformes.* – Paris : Ministère de l'Intérieur, 2022.

[2] **Code de la Défense.** – Paris : Ministère des Armées de la République Française, 2022.

[3] **United States Code, Title 32 – National Guard.** – Washington D.C. : U.S. Government Printing Office, 2022., **United States Code, Title 10 – Armed Forces.** – Washington D.C., 2022., **Posse Comitatus Act (18 U.S.C. § 1385).** – Washington D.C. : Congress, 1878 (ред. 2022)., **Public Order Enforcement Regulation of the United States.** – Washington D.C. : Department of Homeland Security, 2021., **United States Department of Defense.** *National Guard Bureau Annual Report 2023.* – Washington D.C., 2023.

		тадбирда қоидабузарлик	прокуратурага юбориш	*Kanunu* №2803[1]	
		Қонундаги буйруқларга бўйсунмаслик	Тартиб чораси қўллаш	*Kabahatler Kanunu* madde 32	Жарима ёки вақтинчалик ҳибс
4	Россия	Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини бузиш	Маъмурий протокол тузиш, материални МИВга юбориш	*КоАП РФ* ст. 20.2; *ФЗ №226-ФЗ*, мод. 2[2]	Жарима ёки 15 суткача маъмурий қамоқ
		Қурол айланмаси ва объект хавфсизлиги қоидаларини бузиш	Назорат ва лицензияни бекор қилиш	*КоАП РФ* ст. 19.1, 20.8	Лицензияни бекор қилиш, жарима
5	Қозоғистон	Жамоат тартибини бузиш, майда безорилик	Протокол тузиш, ички ишларга юбориш	*Әкімшілік кодексі* мод. 434, 440[3]	Маъмурий жарима, огоҳлантириш
		Оммавий тадбирларда хавфсизлик талабини бузиш	Ҳолатни расмийлаштириш ва прокуратурага юбориш	*Әкімшілік кодексі* мод. 488	Маъмурий жарима ёки ишни судга юбориш
6	Жанубий Корея	Фавқулодда ҳолат буйруқларига бўйсунмаслик	Полиция билан ҳамкорликда маъмурий баённома тузиш	*Civil Defense Framework Act* Art. 22; *National Defense Act* [4]	Маъмурий жарима ёки эвакуация буйруғи
		Мобилизация ва хавфсизлик буйруғини бузиш	Ишни маҳаллий судга юбориш	*Administrative Procedures Act* Art. 35	Суд қарори орқали жарима

[1] **Jandarma Genel Komutanlığı Kanunu No. 2803.** – Ankara : Resmî Gazete, 1983., **Kabahatler Kanunu No. 5326.** – Ankara : Resmî Gazete, 2005 (son değişiklikler 2023)., **FIEP.** *Turkish Gendarmerie – Organizational Structure and Administrative Role.* – Ankara : FIEP Secretariat, 2023.

[2] **Федеральный закон № 226-ФЗ «О войсках национальной гвардии Российской Федерации».** – Москва : Официальное издание, 2016., **Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях (КоАП РФ).** – Москва : Официальное издание, 2023., **Federal National Guard Service of the Russian Federation.** *Tasks and Functions of the Rosgvardiya.* – Moscow, 2023.

[3] **Қазақстан Республикасының «Ұлттық ұлан туралы» Заңы № 274-V.** – Астана : «Әділет», 2015., **Қазақстан Республикасының Әкімшілік құқықбұзушылық туралы кодексі.** – Астана : «Әділет», 2020., **Ministry of Internal Affairs of Kazakhstan.** *Law on the National Guard of the Republic of Kazakhstan – Commentary Edition.* – Astana, 2023.

[4] **National Defense Act of the Republic of Korea.** – Seoul : Ministry of National Defense, 2022., **Administrative Procedures Act.** – Seoul : National Assembly Press, 2017., **Republic of Korea Ministry of Defense.** *National Defense Framework and Administrative Security Policy.* – Seoul, 2022.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, **Франция ва Туркия** моделларида миллий гвардия (жандармерия) маъмурий жавобгарликда мустақил субъект сифатида чиқади ва протокол тузиш, жарима қўллаш ваколатига эга. **АҚШ ва Корея** моделларида ҳарбий кучлар фақат фуқаролик бошқаруви орқали маъмурий ишга аралашади; гвардия протокол тайёрлайди, аммо ишни полиция ёки судга юбориш орқали якуний қарор қабул қилинади. **Россия ва Қозоғистон** моделларида гвардия органлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича тўғридан-тўғри иш юритиш (протоколлаш, жарима, қамоқ) ваколатига эга бўлиб, бу марказлашган давлат бошқаруви тизимининг белгисидир. Ушбу давлатларда умумий тенденция – **оммавий хавфсизликни таъминлашда ҳарбий интизом билан фуқаролик назоратининг уйғунлиги**, бу Ўзбекистон Миллий гвардиясининг маъмурий юрисдикциясини такомиллаштиришда ҳуқуқий модел сифатида фойдаланилиши мумкин.

биринчидан, Маъмурий юрисдикцияни аниқ белгилаш ва ҳуқуқий ваколатларни кенгайтириш лозим. Франция ва Туркия тажрибаси шуни кўрсатадики, жандармерия ёки миллий гвардия органлари маъмурий иш юритишда фақат жамоат хавфсизлиги билан чекланмайди, балки оммавий тадбирларда, қишлоқ ҳудудларида ва стратегик объектларда тартиббузарликларни расмийлаштириш ҳуқуқига эга бўлади;

Янги Ўзбекистонда “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс”нинг 248[1]-моддаси доирасида Миллий гвардиянинг маъмурий юрисдикциясини қўшимча моддалар билан кенгайтириш. Масалан, Франция моделидан келиб чиқиб, қўшимча равишда жорий этиш, хусусан, “Оммавий тадбирларда хавфсизлик талабларини бузиш” бўйича ишларни кўриб чиқиш, “Жамоат жойларида безорилик хатти-ҳаракатлари” бўйича протокол тузиш кабиларни белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу ўзгаришлар натижасида миллий гвардия жамоат хавфсизлигини таъминлашда тўлиққонли маъмурий орган сифатида ҳуқуқий асосга эга бўлади.

иккинчидан, Маъмурий амалиётда икки босқичли бошқарув моделини жорий этиш. АҚШ ва Жанубий Корея тажрибасида гвардия (ёки резерв армия) икки даражада фаолият юритади: фуқаролик бошқаруви даражаси – губернатор (ёки ички ишлар вазири) назоратида; ҳарбий интизом даражаси – мудофаа ёки хавфсизлик вазирлиги орқали.

Бу модел демократик назорат ва ҳисобдорликни таъминлайди[1]. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда Миллий гвардиянинг маъмурий амалиётини қуйидаги икки тизимли бошқарув орқали ташкил этиш мақсадга мувофиқ:

[1] **United States Code, Title 32 – National Guard.** – Washington D.C. : U.S. Government Printing Office, 2022., **United States Code, Title 10 – Armed Forces.** – Washington D.C., 2022., **Posse Comitatus Act (18 U.S.C. § 1385).** – Washington D.C. : Congress, 1878 (ред. 2022)., **Public Order Enforcement Regulation of the United States.** – Washington D.C. : Department of Homeland Security, 2021., **National Defense Act of the Republic of Korea.** – Seoul : Ministry of National Defense, 2022., **Civil Defense Framework Act.** – Seoul : Government Printing Office, 2021., **Administrative Procedures Act.** – Seoul : National Assembly Press, 2017.

фуқаролик соҳасида – Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда профилактика, оммавий тадбирлар ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш;

ҳарбий соҳада – Қуролли Кучлар ҳарбий тузилмалари ва Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши билан мувофиқлаштирилган ҳолда ҳарбий интизом ва фавқулодда ҳолатларда ҳаракат қилиш.

Бу ёндашув Миллий гвардиянинг маъмурий амалиётида шаффофлик ва ҳисобдорлик тизимини кучайтиради.

учинчидан, маъмурий иш юритишда рақамли мониторинг ва электрон реестр тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Жанубий Кореяда “e-Law Enforcement Management System” орқали барча ҳуқуқбузарликлар электрон реестрда қайд этилади ва идора фаолияти онлайн мониторинг қилинади[1].

Ўзбекистонда Миллий гвардия таркибида *“Жамоат хавфсизлиги маъмурий реестри”ни* яратиш мақсадга мувофиқ. Бу тизим орқали ҳар бир маъмурий иш – (ҳуқуқбузарлик баённомаси, видеомониторинг, жарима қўлланилиши) – рақамли базага киритилиши лозим. Шунингдек, *“E-protokol” ва “e-huquqbuzarlik”* платформаларини ички ишлар органлари билан интеграция қилиш лозим. Бу маъмурий амалиётда инсон омилини камайтиради, ҳисобдорликни оширади ва фуқаролар ишончини мустаҳкамлайди.

тўртинчидан, Маъмурий ишларни юритишда ҳуқуқий аниқлик ва стандартлаштирилган процедураларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Россия ва Қозоғистон тажрибасида ҳар бир маъмурий иш юритиш жараёни қонун билан аниқ нормалаштирилган. Масалан, Россиянинг “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси”да Росгвардия учун махсус ваколат моддалари (ст. 19.1, 20.2, 20.21) белгиланган[2].

Ўзбекистон Республикаси М.аъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга Миллий гвардиянинг ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритиш жараёнини белгилайдиган алоҳида боб (248^2–248^5) киритиш:

ишни расмийлаштириш тартиби (баённома, фотовидео далиллар);

ишни ИИВ ёки судга юбориш механизми;

жарималарни электрон тўлов тизими орқали амалга ошириш.

Бу Миллий гвардия маъмурий амалиётини ҳуқуқий жиҳатдан мустақил, тизимли ва шаффоф қилади.

бешинчидан, маъмурий амалиётнинг инсонпарварлик ва профилактик йўналишини кучайтириш лозим. Туркия ва Франция тажрибасида

[1] **Republic of Korea Ministry of Defense.** *National Defense Framework and Administrative Security Policy.* – Seoul, 2022.

[2] **Федеральный закон № 226-ФЗ «О войсках национальной гвардии Российской Федерации».** – Москва : Официальное издание, 2016., **Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях (КоАП РФ).** – Москва : Официальное издание, 2023., **Federal National Guard Service of the Russian Federation.** *Tasks and Functions of the Rosgvardiya.* – Moscow, 2023.

жандармериянинг вазифалари фақат жазо қўллаш эмас, балки аҳолини хабардор қилиш, ҳуқуқий тарғибот ва профилактик мулоқотни ўз ичига олади[1].

Ўзбекистонда Миллий гвардиянинг маъмурий амалиётида *"профилактика – жарима – таълим" уч босқичли* моделини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунда:

ҳуқуқбузарлик олдини олиш (тарғибот, хабардор қилиш);

ҳуқуқбузарлик аниқланганда – маъмурий чора;

кейинги даврда – ҳуқуқий-маънавий таълим ва жамоатчилик билан мулоқот.

Бу орқали "жазолашдан кўра олдини олиш" принципи амалга оширилади.

олтинчидан, Миллий гвардия ходимларини маъмурий ҳуқуқ бўйича махсус тайёрлаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Хорижий тажрибада ҳарбий-маъмурий органлар (жандармерия, Росгвардия) ўз академияларида маъмурий ҳуқуқ ва фуқаролик бошқаруви бўйича ихтисослашган таълим тизимига эга[2].

Ўзбекистонда Миллий гвардия тизимидаги Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида *"Маъмурий ҳуқуқ ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси"* кафедрасини ташкил этиш, ҳар бир ходим учун "маъмурий иш юритиш" бўйича сертификатлаштириш тизимини жорий этиш, шунингдек ҳуқуқий ҳужжатлар ва иш юритиш стандартларини ЕХҲТ ва БМТ стандартларига мослаштириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу таклифни амалга оширилиши кадрлар тайёргарлигини оширади ва халқаро меъёрларга мувофиқ давлат бошқарувига интеграцияни таъминлайди.

Хорижий тажриба таҳлилига кўра, Ўзбекистон Миллий гвардиясининг маъмурий амалиётини ривожлантириш қуйидаги еттита устувор йўналишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

биринчидан, маъмурий юрисдикцияни ҳуқуқий жиҳатдан кенгайтириш;

иккинчидан, фуқаролик ва ҳарбий бошқарувнинг икки босқичли тизимини жорий этиш;

учинчидан, маъмурий ишларни рақамлаштириш ва электрон мониторинг тизимини ишга тушириш;

тўртинчидан, маъмурий жараёнларни қонун билан нормалаштириш;

бешинчидан, профилактика ва ҳуқуқий маърифатни кучайтириш;

олтинчидан, халқаро стандартларга мос кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

еттинчидан, Миллий гвардия амалиётида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳисобдорликни таъминлаш.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, миллий гвардия типидаги бўлинмалар давлат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш тизимининг муҳим маъмурий субъекти сифатида фаолият юритади. Франция ва

---

[1] **Jandarma Genel Komutanlığı Kanunu No. 2803.** – Ankara : Resmî Gazete, 1983., **Ministry of Interior of France.** *La Gendarmerie Nationale : Missions et Réformes.* – Paris : Ministère de l'Intérieur, 2022., **FIEP.** *Turkish Gendarmerie – Organizational Structure and Administrative Role.* – Ankara : FIEP Secretariat, 2023.

[2] **FIEP.** *Turkish Gendarmerie – Organizational Structure and Administrative Role.* – Ankara : FIEP Secretariat, 2023., **Federal National Guard Service of the Russian Federation.** *Tasks and Functions of the Rosgvardiya.* – Moscow, 2023.

Туркия моделларида – ҳарбий интизом билан маъмурий бошқарувнинг уйғунлиги, АҚШ ва Жанубий Кореяда – фуқаролик назорати ва ҳисобдорликнинг юқори даражаси, Россия ва Қозоғистонда – ҳуқуқий аниқлик ва марказлашган маъмурий ваколат тизими асосий ўрин тутади.

Ўзбекистон Миллий гвардиясининг маъмурий амалиётини ривожлантириш учун мазкур давлатлар тажрибаси қуйидаги йўналишларда муҳим аҳамият касб этади: маъмурий юрисдикция доирасини кенгайтириш; икки босқичли (фуқаролик–ҳарбий) бошқарув моделини жорий этиш; маъмурий ишларни рақамли реестр орқали юритиш; профилактика ва ҳуқуқий маданиятни кучайтириш; кадрларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш.

Бу чоралар Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги самарадорлигини оширади, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлайди ва Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш йўлида маъмурий амалиётнинг янги босқичига олиб чиқади.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ПАТРУЛ-ПОСТ ХИЗМАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Туракулов Зоҳиджон Зокиржонович,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур тадқиқот ишида ички ишлар органлари мисолида патрул-пост хизмати фаолияти самарадорлиги кенг таҳлил қилинган. Жумладан, унинг жиноятчиликни олдини олишдаги ўрни, ташкилий-ҳуқуқий асослари, амалий фаолият кўрсаткичлари ҳамда тизимдаги мавжуд ҳуқуқий ва ташкилий муаммолар атрофлича ўрганилган. Шунингдек, халқаро илғор тажрибалар ва инновацион ёндашувлар асосида миллий патрул-пост хизматини ислоҳ қилиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: патрул-пост хизмати, ички ишлар органлари, самарадорлик, жиноятларни олдини олиш, ҳуқуқий асос, жамоат хавфсизлиги, ислоҳотлар.

Янги Ўзбекистон шароитида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилгани патрул-пост хизмати фаолиятининг аҳамиятини янада оширмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, уни барвақт аниқлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш мақсадида патрул-пост хизмати ички ишлар органларининг функционал жиҳатдан энг муҳим бўғинларидан бири сифатида

фаолият юритмоқда. Ушбу хизмат тури фуқароларнинг хавфсиз ҳаёт кечириши, жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини белгилайдиган асосий мезонлардан биридир.

Бугунги кунда хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар тобора мураккаб тус олиб бораётгани, айрим ҳолларда патрул-пост хизмат ходимларининг касбий ва ҳуқуқий билим даражаси етарли эмаслиги, хизмат фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари ва интеллектуал назорат воситаларидан самарали фойдаланишнинг етарли эмаслиги каби ҳолатлар ушбу хизматнинг умумий самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, патрул-пост хизмати орқали ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, жамоатчилик билан мулоқот маданиятини шакллантириш, фуқаролар ишончи ва ички ишлар органларига нисбатан ижобий жамоатчилик фикрини мустаҳкамлаш мумкин.

Патрул-пост хизмати самарадорлигини ошириш жараёнида унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, хизмат географияси ва режими, ходимларнинг малакаси, моддий-техник база билан таъминланиш ҳолати, фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари каби омилларни илмий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ушбу таҳлил натижалари амалиётга жорий этилиши мумкин бўлган ҳуқуқий-ташкилий таклифларни ишлаб чиқишда мустаҳкам илмий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, охирги йилларда юртимизда ушбу йўналишда қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларда патрул-пост хизмати самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва амалий жиҳатлари, жумладан хорижий мамлакатлар тажрибаси, миллий қонунчилик ва соҳавий ислоҳотлар таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқотлар жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ бу соҳадаги ислоҳотларни тўлиқ ва тўлақонли амалга ошириш учун янада чуқурроқ илмий таҳлиллар, комплекс ёндашувлар ва соҳавий инновацион ечимларга эҳтиёж юқори эканлигини кўрсатади.

Хусусан, патрул-пост хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқот олиб борган юридик олимлардан бири *С.С.Шарипов* мазкур хизматнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, моддий-техник таъминоти ва кадрлар тайёргарлигини чуқур таҳлил қилган ҳолда, уни бошқаришни ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиққан.

С.С.Шариповнинг таъкидлашича, патрул-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолияти жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни фош этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Аммо хизмат

самарадорлигига таъсир қилувчи бир қатор ҳуқуқий, ташкилий ва моддий-амалий муаммолар ҳалигача долзарблигини, жамоат тартибини таъминлашда амалга ошириладиган фаолиятни "ҳуқуқий, ташкилий-тактик, моддий-техник ва кадрлар билан таъминлаш" асосида тизимлаштириш ва баҳолашни, патрул-пост хизматини самарали ташкил этиш учун ҳуқуқий таъминлаш, ташкилий-моделлаштириш, моддий-техник база ва кадрлар сиёсати каби муҳим йўналишларни алоҳида таъкидлайди[1].

Шубҳасиз, бу фикрлар илмий жиҳатдан тўғри ва муҳим амалий асосларга эга. Бироқ, ушбу қарашларга нисбатан қуйидаги илмий баҳс юритиш мақсадга мувофиқдир. Аввало, С.С.Шарипов таъкидлаган ҳуқуқий асослар етарли эмаслигини у қонунлар ва идоравий ҳужжатлардаги бўшлиқлар орқали асослайди. Бироқ амалиётда патрул-пост хизматига доир 67 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжудлиги ва уларнинг бир қисми Президент фармонлари даражасида туриши хизмат учун аниқ ҳуқуқий асослар мавжудлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, муаммо фақатгина янги қонун қабул қилишда эмас, балки мавжуд ҳуқуқий базага замонавий ҳуқуқий таърифлар, баҳолаш мезонлари ва комплекс амалга ошириш механизмларини жорий этишда бўлиши мумкин. Иккинчидан, муаллиф томонидан таклиф этилган ташкилий-моделлаштириш тушунчаси назарий жиҳатдан тўғри бўлса-да, унинг амалдаги жорий этилишида ресурс таъминоти, статистик маълумотларнинг сифат даражаси ва маҳаллий ҳокимиятлар билан ўзаро ҳамкорлик механизмлари каби омиллар муҳим рол ўйнайди. Агарда патруллик моделлари жиноятларни башорат қилишга хизмат қилса, бу ўз навбатида сунъий интеллект ва маълумотлар таҳлили каби илғор воситаларни талаб этади. Аммо бу йўналишдаги технологик тайёргарлик даражаси ҳали қониқарли эмас. Учинчидан, моддий-техник таъминот масаласида муаллиф патрул-пост хизматини махсус автотранспорт, дронлар, "ақлли" кўзойнаклар ва планшетлар билан жиҳозлашни таклиф этади. Бу инновацион ёндашув, албатта, хизмат самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ бундай қуролланиш давлат бюджетига катта юклама юклаши мумкин. Шу сабабли, бундай ечимларни жорий этишда стратегик устуворликни белгиловчи мезонлар ва харажат-манфаат таҳлили талаб этилади. Жумладан, ҳудудлар ўртасида ресурслар тақсимотида тенгликни таъминлаш ҳам ўта муҳим масала бўлиб қолади. Ниҳоят, кадрлар сиёсати масаласида ҳам муаллифнинг фикрлари асосли. Айниқса, ходимлар танловида чет тилларини билиш ва ахлоқий фазилатларга эътибор қаратилиши ҳақидаги таклифи долзарб. Аммо буни амалга оширишда муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Масалан, соҳада кадрлар

[1] Шарипов С.С. “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш”. Ю.ф.ф.д(PhD) диссер-я иши автореферати. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2020. – Б. 5–18.

танқислиги, ёш кадрларнинг ишда қолмаслик тенденцияси, хизмат шароитларининг оғирлиги — кадрлар билан боғлиқ тизимни доимий ривожлантиришни талаб қилади. Шу боис, бундай сифат талабларини киритишда реал имкониятлар ва кадрлар бозори ҳолатини инобатга олиш лозим.

С.С.Шарипов томонидан илгари сурилган таклиф ва ёндашувлар патрул-пост хизмати самарадорлигини оширишда муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Бироқ, бу ғояларни ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий механизмлар биргаликда ишлаши лозим. Шунинг учун, ушбу ёндашувларга танқидий муносабат билдириш ва уларни амалий имкониятлар билан уйғунлаштириш талаб этилади.

Ж.Ш.Очилов, патрул-пост хизмати самарадорлигини баҳолаш мезонлари, хизматни ташкил этишдаги ҳуқуқий муҳит, ташкилий тизим ва хизмат турларини аниқлашга доир концептуал ёндашувларни илгари сурган. Муаллиф, хусусан, хизмат самарадорлигини таъминлашда ички назорат механизмлари, ходимлар малакаси, жиноятлар профилактикаси билан боғлиқ вазифаларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлайди[1].

Ж.Ш. Очиловнинг патрул-пост хизмати самарадорлигини баҳолашга оид концептуал ёндашувлари, шубҳасиз, хизматни мукаммал ташкил этишга бағишланган илмий асосланган фикрлардир. Муаллиф томонидан ички назорат механизмларини кучайтириш, ходимлар малакасини ошириш ва жиноятлар профилактикасини такомиллаштиришга доир таклифлар назарий жиҳатдан тўғри ва амалиётда долзарб ҳисобланади. Бироқ танқидий нуқтаи назардан қаралганда, хизмат самарадорлигини баҳолаш мезонлари фақат ички кўрсаткичларга боғлиқ эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, маҳаллий ижтимоий муҳит, жиноятчиликнинг тур ва динамикаси, патрул ходимларининг иш юки, иш ҳақи, ижтимоий ҳимояси каби ташқи омиллар ҳам ҳисобга олиниши керак. Шу билан бирга, ички назорат механизмларини кучайтириш таклифи қўллаб-қувватланса-да, бу механизмлар ходимлар фаолиятини самарали рағбатлантириш, эмас, назорат орқали чеклаш воситасига айланиб қолмаслиги керак.

И.Б.Абдуллаев эса, патрул-пост хизмати ходимларининг ҳуқуқий мақомидаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар ва функционал вазифалар ўртасидаги номутаносибликларни таҳлил қилган. Муаллиф фикрича, мазкур хизмат ходимларининг иш фаолиятидаги ҳуқуқий аниқлик ва ҳуқуқий ҳимоя кафолатларини кучайтириш самарадорликка бевосита таъсир кўрсатади[2].

---

[1] *Ж.Ш.Очилов,* “Ички ишлар органлари фаолиятида патрул-пост хизмати самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асослари”. Юрид.фан.бўй.фалс.док-и (PhD) диссер-яси. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. - 2021. – Б.150.

[2] *И.Б.Абдуллаев*, Жамоат тартибини сақлашда патрул-пост хизмати ходимларининг ҳуқуқий мақоми ва функциялари // Юридик фанлар ахборотномаси. – 2020 йил, №1. – Б. 48–55.

Бироқ танқидий нуқтаи назардан, муаллиф таъкидлаган муаммонинг ечими фақат ҳуқуқий мақомни аниқлаш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Чунки фақат ҳуқуқий аниқликни таъминлаш ёки вазифаларни расмий тарзда тақсимлаш ходим фаолиятидаги мотивация, этика, иш юки ва касбий қўллаб-қувватлаш каби омилларсиз тўлиқ натижа бермайди. Яъни, самарадорликка фақат ҳуқуқий механизмлар эмас, балки ташкилий-руҳий ва ижтимоий омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

Шу боис, И.Б.Абдуллаевнинг таклифи ҳуқуқий асос сифатида муҳим ҳисобланса-да, унинг самарали амалга ошиши учун функционал юкламаларни соҳа психологияси, иш шароити ва рағбат тизими билан мутаносиблаштириш талаб этилади. Бу эса ислоҳотларни ҳуқуқий доирадан кенгроқ, тизимли ёндошув билан кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, М.С.Жўраев томонидан хизматнинг самарадорлигини оширишда интеллектуал видеокузатув воситалари, тезкор ахборот базалари ва рақамли мониторинг платформаларидан фойдаланиш муҳимлиги алоҳида урғу билан қайд этилган. Унга кўра, технологияларни патрул-пост амалиётига интеграциялаштириш нафақат жиноятларга тезкор муносабат билдиришни таъминлайди, балки ресурслардан самарали фойдаланиш имконини ҳам беради[1]. Бироқ, мазкур ёндашувга танқидий нуқтаи назардан қаралганда, айрим амалий-ташкилий хатарлар ва чекловлар мавжуд. Аввало, интеллектуал видеокузатув ва рақамли платформаларга тўлиқ суянган ҳолда хизматни модернизация қилишда инсон омилининг ўрни камситилиши мумкин. Яъни, ходимларнинг вазиятни мустақил баҳолаш қобилияти, интуиция ва инсоний мулоҳаза билан боғлиқ қарор қабул қилиш салоҳияти рақамлашган тизимда чекланиши эҳтимолдан холи эмас.

Бундан ташқари, рақамли инфратузилмаларни кенг жорий этиш учун барча ҳудудларда тенг технологик таъминот ва кадрларнинг рақамли саводхонлик даражаси кафолатланган бўлиши керак. Акс ҳолда, рақамли тенгсизлик сабабли хизмат самарадорлигида ҳудудлар ўртасида нотенглик пайдо бўлиши мумкин.

Шунингдек, шахсий маълумотлар хавфсизлиги ва назоратнинг инсон ҳуқуқларига таъсири масаласи ҳам ҳисобга олиниши зарур. Шу боис, М.С.Жўраев илгари сурган технологик интеграция стратегияси муҳим ва долзарб саналса-да, уни қонунчилик, кадрлар тайёргарлиги, ахборот хавфсизлиги ва этик меъёрлар билан мувозанатлаштирган ҳолда амалга ошириш талаб этилади.

Юқоридаги илмий қарашлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда патрул-пост хизмати самарадорлигини ошириш масаласи нафақат ҳуқуқий, балки ташкилий-технологик ёндашувларни талаб этаётгани яққол кўринади. Шу боис,

[1] *М.С.Жўраев*, Патрул-пост хизмати фаолиятини замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этиш // Миллий хавфсизлик ва ҳуқуқ журнали, 2022 йил, №2. – Б. 34–42.

диссертация тадқиқоти доирасида ушбу олимларнинг назарий хулосалари асосида миллий амалиётда қўллаш мумкин бўлган таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

К.М.Рейнолдс ва Н.В.Ходяковалар тўғри таъкидлаганидек, “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари криминоген вазият таҳлилини узлуксиз ва самарали амалга оширган тақдирдагина жиноятчиликни назорат қила олади”[1].

Бу ёндашув, хусусан, патрул-пост хизмати фаолияти самарадорлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки патрул ходимлари — айнан жиноят юз берадиган жойларда, жамоат муҳитида бевосита фаолият олиб борадиган субъектлардир. Танқидий нуқтаи назардан, бу фикрни янада теранлаштириш мумкин. Биринчидан, криминоген вазият таҳлилини амалга ошириш фақат ходимларнинг субъектив тажрибаси билан чегараланмаслиги керак. Бу таҳлиллар мукаммал маълумотлар базаси, сунъий интеллект воситалари, жойлардаги қўшимча ижтимоий таҳлиллар билан тўлдирилиши талаб этилади. Акс ҳолда, таҳлил субектив баҳоларга суянади ва ноаниқ чоралар қабул қилиниши мумкин. Иккинчидан, таҳлилни узлуксиз амалга ошириш учун патрул ходимларига тегишли билим, малака ва ахборотга кириш имкониятлари яратилган бўлиши керак. Акс ҳолда, ходимлар “тезкор” вазифаларга тўлиқ жалб этилган шароитда таҳлил қилишга вақт ва ресурс тополмаслиги мумкин.

Шунинг учун К.М.Рейнолдс ва Н.В.Ходяковаларнинг фикрини амалда қўллаш, фақат ходимларнинг ташаббуси билан эмас, балки тизимли маълумот йиғиш, таҳлил қилиш алгоритмларини яратиш ва уларни хизматга интеграция қилиш билан таъминланса, янада самарали натижа беради. Патрул-пост хизмати самарадорлигини ошириш учун бу фикр муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Жамоат тартибини сақлашда патрул хизмати ўрнига доир консептуал қарашлар миллий ва хорижий манбаларда кенг ёритилган. Жумладан, маҳаллий тадқиқотларда патрул-пост хизмати фаолиятини такомиллаштириш зарурати узоқ йиллардан буён таъкидлаб келинади. Масалан, М.З. Зиёдуллаев ўз илмий ишида милиция таянч пунктлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш масалаларини кўтарган бўлиб, бу орқали жамоат тартибини сақлаш самарадорлигини оширишга урғу берган[2].

---

[1] *РейнолдсК.М., ХодяковаН.В.* Электронные карты как средство криминологического анализаи инструмент практической деятельности полицейских в США// https://cyberleninka.ru/article/n/elektronnye-karty-kak-sredstvo-kriminologicheskogo-analiza-i-instrument-prakticheskoy-deyatelnosti-politseyskih-v-ssha/ viewer. –С.177. (Reynolds K.M., Khodyakova N.V. Electronic cards as a means of criminological analysis and a tool for practical activities of police officers in the USA // https://cyberleninka.ru/article/n/elektronnye-karty-kak-sredstvo-kriminologicheskogo-analiza-i-instrument-prakticheskoy-deyatelnosti-politseyskih-v-ssha/ viewer. –P. 177.).

[2] *Ziyodullaev M.Z.* Militsiya tayanch punktlarining jamoat tartibi va xavfsizligini ta’minlash faoliyatini boshqarishni takomillashtirish. Yurid. fan. nomzodi. Dis.-T., 2008. – B. 114.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам патрул хизмати самарадорлигини оширишнинг турли замонавий ёндашувларини кўрсатади. Илмий манбаларда қайд этилишича, АҚШда патрул полиси фаолиятида жамият билан ҳамкорликка асосланган “соммунитй полисинг” тамойиллари кенг қўлланиб, жиноятчиликка қарши курашда манзилли патруллик ва маълумотлар таҳлилига таянувчи услублар жорий этилган[1]. Франсияда йирик оммавий тадбирлар вақтида тезкор ва юқори мобил патрул бўлинмаларини сафарбар этиш амалиёти самарали натижа бераётганлиги қайд этилади . Туркияда ўтказилган тадқиқотлар патрул хизмати билан жиноятчилик ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиб, маълум ҳудудларда патрулларни кўпайтириш жиноятлар камайишига хизмат қилишини тасдиқлаган[2].

Хитойда жамоат хавфсизлигини таъминлашда патрул полисининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, йўл ҳаракати қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус патрул бўлинмалари фаолият юритади[3]. Япония полициясининг “кобан” тизими – маҳаллаларда кичик патрул пунктлари ва пиёда патруллик тизими – тартибни сақлашда юқори самарадорлик ва аҳолининг полицияга ишончини таъминлагани билан эътиборлидир[4].

Бу мисоллар хорижий экспертлар патрул хизмати самарадорлигини ошириш учун фуқаролар билан яқин мулоқот, юқори мобиллик, техника ва ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаётганини кўрсатади.

Миллий ва хорижий илмий-назарий қарашларни таҳлил қилар эканмиз, асосий хулоса шуки: патрул-пост хизмати самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг ташкилий тузилмаси ва ходимларнинг касбий тайёргарлиги, шунингдек, фаолиятнинг ҳуқуқий асослари қанчалик пухта экани билан боғлиқ. Эндиликда ушбу омилларни амалдаги қонунчилик ва сўнгги йилларда олиб борилган ислоҳотлар мисолида кўриб чиқамиз.

Ўзбекистонда мустақиллик давридан сўнг ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, 2016-йилда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун бу борада

---

[1] *Kurlovich P.N.* Politsiya v pravooxranitelnoy sisteme SShA (Kurlovich P.N. Police in the USA law enforcement system). http://docplaer.ru/40343910-P-n-kurlovich-kandidat-filosofskih-nauk-kyui-mvd-rossii-policiya-vravoohranitelnoy sisteme-ssha.html.

[2] *Cengiz Y.* Türkie’de devrie hizmetleri ile suç ilişkisinin incelenmesi: gölbaşi örneği // Güvenlik Bilimleri Dergisi. Mayıs 2015, – 4(1), – S. 21-53 (Cengiz Y. examination of the relationship between crime patrol services in Turkey: gölbaşı example // Journal of Safety Science. May 2015 - 4 (1), - R. 21-53.).

[3] https://xabar.uz/i37 // interonconf.org.

[4] *Маёров В.И., Дунаева О.Н.* Правовые основы деятелности политсии по обеспечению безопасности участников дорожного движения в китайской народной Республике // Вестник Омской юридической академии. – 2018. – № 4. – С. 480-486 (Majorov V.I., Dunaeva O.N. Legal framework for the police to ensure the safety of road users in the People's Republic of China // Bulletin of the Omsk Law Academy. - 2018. - № 4. - P. 480-486).

муҳим аҳамият касб этди[1]. Мазкур Қонун ички ишлар органлари вазифалари, хусусан, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва патрул хизмати фаолиятининг асосий принсиплари ва йўналишларини белгилаб берди.

Ушбу қонунчилик базасига мувофиқ, 2017-йилнинг ўзида Президент фармон ва қарорлари билан ички ишлар тизимини тубдан ислоҳ қилиш чоралари белгиланди. Жумладан, 2017-йил 10-апрелдаги ПФ-5005-сон "Ички ишлар органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги фармон[2]да ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини кескин ошириш ва уларнинг халқ олдидаги масъулиятини кучайтириш вазифалари қўйилган бўлса, 2017-йил 1-майдаги ПҚ-2940-сон Президент қарори[3] айнан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришга қаратилган эди. ПҚ-2940 қарорида патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятини ташкил этишда мутлақо янги тартиб жорий этиш вазифаси қўйилди – бунда республика, ҳудудий ва маҳаллий бўғинлар кесимида ҳар бир структуравий бўлинманинг вазифа ва функциялари аниқ белгиланиши, ҳар бир ходим зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсий жавобгарлик тизими жорий этиш орқали амалда ППХ ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган бўлиб, уларнинг фаолияти натижалари учун ҳисобдорлигини кучайтиради. Қарорда, шунингдек, патрул хизмати ходимлари фуқаролар билан мулоқотда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш лозим. Патрул-пост хизмати ходимларининг ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилмаслиги, хусусан тунги вақтлардаги хизмат давомида порахўрлик ва бошқа қонунбузарликларга йўл қўймаслик чоралари кўрилиши белгиланди. Бу талаблар ППХ фаолиятининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

Патрул-пост хизматининг ташкилий асосларини такомиллаштириш доирасида 2017-2018-йилларда ички ишлар органлари тузилмасида жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. 2017-йил августида Ички ишлар вазирлиги таркибида Жамоат хавфсизлиги департаменти (ЖХД) ташкил этилиб, унга патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларига методик раҳбарлик ҳамда турли идоралар ўртасида жамоат хавфсизлиги масалаларини

[1] O'zbekiston Respublikasining ichki ishlar organlari to'g'risidagi qonuni // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, – 2017.

[2] O'zbekiston Respublikasi Prezidentининг 2017-yil 10-apreldagi PF-5005-son "Ички ишлар органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги farmoni // lex.uz.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 01 майдаги ПҚ-2940-сон "Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарори // lex.uz.

мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди. Шу тариқа, патрул хизмати фаолиятини ягона марказдан мувофиқлаштирувчи тузилма яратилди.

Айни пайтда, республика миқёсида ППХ бўлинмалари қамровини кенгайтириш масаласи кун тартибига чиқди. Илгари патрул-пост хизматининг саф бўлинмалари асосан йирик шаҳарлар ва туман марказларидагина фаолият юритиб келган бўлса, чекка ҳудудларда ва қишлоқ жойларда жамоат тартибини асосан профилактика инспекторлари таъминлаб келишар эди.

Мазкур қарор билан шу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, ППХ жавобгарлик ҳудудига кирмайдиган жойларда (яъни, патрул бўлинмалари йўқ ҳудудларда) жамоат тартибини сақлаш вазифаси туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари профилактика инспекторлари зиммасига юклатилиши белгиланди[1]. Бошқача айтганда, патрул бўлинмалари етарли бўлмаган жойларда маҳаллий участка нозирлари ва профилактика хизмати ходимлари қўшимча равишда патрул вазифасини ҳам бажариши талаб этилди. Бу эса уларнинг иш ҳажмини оширган, айни вақтда қишлоқ жойларда патрулликнинг етарли даражада эмаслиги муаммосини келтириб чиқарган.

Кейинги йилларда патрул-пост хизматини барча ҳудудларда йўлга қўйиш ва унинг моддий-техник базасини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди. Хусусан, 2021-йил 29-ноябрда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги консепсияси”да ППХ бўлинмаларини янада ривожлантириш стратегияси[2] белгиланди.

Консепсияга мувофиқ, аҳолининг зичлиги ва жиноятчилик даражасидан келиб чиққан ҳолда туманлараро патрул-пост хизмати бўлинмаларини ташкил этиш назарда тутулди. Яъни, бир неча кичик туманга бирлаштирилган патрул бўлинмаларини тузиш орқали чекка ҳудудларда ҳам патруллик қилиш имконияти яратиш режаси илгари сурилди.

Шунингдек, ички ишлар органлари профилактика инспекторлари, патрул-пост ва йўл-патрул хизмати ходимлари фаолиятини баҳолаш тартибига самарадорлик индикаторларини жорий этган ҳолда уларнинг рейтинг тизимини яратиш вазифаси қўйилди. Бу тизим ҳар бир патрул экипажининг иш самарадорлигини аниқ мезонлар асосида ўлчаш ва таҳлил қилиш, энг муҳими, уларни рағбатлантириш ва камчиликларни бартараф этишга хизмат қилиши кутилмоқда.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 01 майдаги ПҚ-2940-сон “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори // lex.uz.

[2] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 noyabrdagi PF-27-son “O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni // https://lex.uz/uz/docs/-5749291.

Консепсия доирасида яна бир муҳим йўналиш – патрул хизматини босқичма-босқич тўлиқ мотопатрул (автомобил ва мотоцикл) шаклига ўтказиш белгиланди . Бунинг мақсади – патрул нарядларининг ҳудудларни қамраб олиш доирасини кенгайтириш ва чақирувларга тезкор етиб бориш имкониятини ошириш.

Патрул-пост хизматининг моддий-техник ва технологик базасини мустаҳкамлаш ҳам сўнгги ўн йилликда устувор вазифалардан бўлди. Давлат раҳбари томонидан 2022-2026-йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш алоҳида банд сифатида киритилди[1]. Хусусан, “Электрон патрул” (Э-патрул) тизимини жорий этиш орқали фуқароларни ҳужжат текшируви учун бўлимга олиб бориш амалиётидан воз кечиб, барча текширув ҳаракатларини жойнинг ўзида планşет ёки мобил қурилмалар ёрдамида амалга ошириш белгиланди. Бундан ташқари, ППХ ходимларининг хизмат фаолиятини мажбурий тартибда “бодикамера” ёрдамида назорат қилиш тизими йўлга қўйилиши белгиланди[2]. Бу чоралар патрул ходимларининг фуқаролар билан муомаласини ошкора ва назорат остида қилиш, содир этилувчи ҳуқуқбузарликлар бўйича далилларни йиғиш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Юқоридаги ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришлар натижасида патрул-пост хизмати сезиларли даражада янгиланди. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2020-йил ички ишлар ходимлари куни муносабати билан йўллаган мурожаатида қайд этилишича, барча таркибий бўлинмалар, жумладан профилактика, тергов, йўл-патрул ва патрул-пост хизматлари буткул янги мезонлар асосида қайта шакллантирилиб, ходимлар нохос вазифалардан озод этилди. Натижада ички ишлар органлари “халқчил ва очиқ, криминал вазиятни мустаҳкам назорат қила оладиган, мобил ва ихчам тузилмаларга”[3] айлана бормоқда.

Ушбу сўзлар патрул хизмати фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда: хусусан, 2019-йилдан бошлаб ички ишлар органлари ППХ бўлинмалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмалари ҳам жамоат жойларида тартиб сақлашга жалб этила бошланди[4]. Миллий гвардия билан қўшма патруллик хизмати йўлга қўйилгани ва ҳудудларда хуфёна патруллик

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni // https://lex.uz/docs/-5841063#:~:text=57.

[2] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni // https://lex.uz/docs/-5841063#:~:text=57.

[3] Шавкат Мирзиёев, Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига // https://president.uz/uz/lists/view/3913.

[4] O’zbekistonda jamoat xavfsizligini ta’minlashda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo’llash // Tartibga solish ta’sirini baholash bo’yicha hisobot / 2022. https://back.minjust.uz/media/document/67d71634-6dca-43d1-9e72-dfbe53c74f27

амалиёти татбиқ этилгани ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлашга ижобий ҳисса қўшаётганини президент алоҳида таъкидлаган. Шу тариқа, патрул-пост хизмати фаолиятини такомиллаштириш борасида сўнгги ўн йилликда кенг кўламли институционал ислоҳотлар ва ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқий-меъёрий ўзгаришлар патрул-пост хизматининг самарадорлигига қандай таъсир кўрсатгани ва умуман, соҳа ҳолати қай даражада яхшиланган масаласини рақамлар ва фактлар мисолида таҳлил қилиш муҳимдир.

ИИВнинг 2024 йилги ҳисоботига кўра, ППХ фаолияти доирасида: 2023 йилда ярим миллиондан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган; 76 та шаҳар ва туманда ППХ бўлинмалари ташкил этилган; 2024 йилда ППХ фаолияти билан боғлиқ 13 000 дан ортиқ алоқа ва транспорт воситалари, 14 000 га яқин металлодетекторлар ва хизмат итлари хизматга жалб этилган. Шу билан бирга, жамоат жойларида содир этилган жиноятларнинг 76% қисми ППХ назоратида бўлмаган ҳудудларда содир этилгани қайд этилган[1].

Сўнгги ўн йиллик динамикаси шуни кўрсатадики, патрул хизмати фаолияти сезиларли даражада фаоллашган бўлса-да, ҳали тўла қониқарли натижаларга эришилгани йўқ, муаммолар ҳам мавжуд. Биринчидан, патрул бўлинмалари қамрови масаласини кўриб чиқамиз. 2017-йилгача республика бўйича фақат йирик 40-50 га яқин шаҳар ва туманларда патрул-пост хизмати бўлинмалари мавжуд бўлиб, қолган ҳудудларда доимий патруллик хизмати ташкил этилмаган эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, 2017-йил қарорига биноан бу бўшлиқни қисман ёпиш учун профилактика инспекторларига юклама оширилди. Бироқ бу муаммони тўлиқ ҳал қила олмади, чунки битта маҳалла нозири бир вақтнинг ўзида ҳам профилактика ишлари, ҳам патруллик вазифаларини тўлақонли бажара олмас эди. 2021-йилги Консепсияда белгиланган туманлараро ППХ бўлинмаларини тузиш чоралари кўрилиши ортидан патрул хизмати географияси кенгайтирилган.

Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2024-йилга келиб ППХ бўлинмалари сони 76 та шаҳар ва туманга етказилган. Яъни, эндиликда аввал қамраб олинмаган айрим тумандаги жамоат жойларида ҳам патрул инспекторлари хизмат олиб бормоқда. Мазкур кенгайиш натижаси сифатида, ППХ ходимлари томонидан аниқланаётган ҳуқуқбузарликлар сони йил сайин ошаётгани қайд этилмоқда – масалан, фақат 2023-йилнинг ўзида ППХ инспекторлари томонидан ярим миллиондан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик

[1] Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларнинг профилактикаси бўйича 2024 йилда амалга оширилган ишлар ҳолати тўғрисидаги ахбороти.

қайд этилиб, тегишли баённомалар расмийлаштирилган[1]. Бу кўрсаткичлар патрул хизмати фаолияти самарадорлиги ортиб бораётганининг аломати сифатида эътироф этилиши мумкин.

Бу рақамлар патрул-пост хизматининг амалдаги ҳолатда тўлиқ қамровни таъминлай олмагани оқибатида жамоат хавфсизлигида пайдо бўлаётган хатарларни кўрсатади.

Шу ўринда, ижобий жиҳат сифатида шуни қайд этиш лозимки, патрул-пост хизмати ходимлари томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг аниқланиш кўрсаткичи ошиб бормоқда. Юқорида келтирилган маълумотга кўра, 2023-йилда ППХ томонидан ярим миллиондан зиёд ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, уларга тегишли чоралар кўрилган. Бу патрул ходимларининг кўчалардаги турли қоидабузарликларни аниқлашдаги фаоллиги ошганини билдиради. Бироқ айрим норматив чекловлар ППХ самарадорлигига тўсқинлик қилаётгани ҳам аниқланди. Масалан, амалдаги қоидаларга кўра, патрул-пост инспекторлари темирйўл вокзаллари, метро бекатлари ва магистрал кўчаларда айрим ҳуқуқбузарликлар юзасидан маъмурий баённома тузиш ваколатига эга эмас, бу эса фуқаролар эътирозини келтириб чиқармоқда. Натижада, ППХ ходими қоидабузарликни кўриб туриб ҳам тегишли ҳужжат расмийлаштира олмасдан, бошқа хизматларни чақириши ёки масалани профилактика инспекторига ошириши лозим бўлмоқда. Бу эса жараённи чўзилишига ва патрул ходимининг иш ҳажми ортишига сабаб бўлади. Мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида ППХ фаолияти қонун билан тартибга солини лозим. Патрул-пост хизмати инспекторларига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим моддалари бўйича, масалан, МЖТК 113-, 114-, 115-, 138-моддаларига оид ҳуқуқбузарликларда нафақат баённома тузиш, балки ишни кўриб чиқиб, жарима қўллаш ваколати бериш, шунингдек, ППХ ходимларига пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчилари содир этадиган қоидабузарликлар юзасидан жарима расмийлаштириш ҳуқуқи ҳам бериш мақсадга мувофиқ. Бу ўзгартишлар натижасида патрул-пост инспекторлари аниқланган ҳуқуқбузарликларга жойида тезкор чора кўра олади, жараён соддалашиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими самарадорлиги ошади, патрул-пост хизмати ҳуқуқий асоси такомиллашади.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги ўн йилликда Ўзбекистон ички ишлар органлари патрул-пост хизмати фаолиятини тубдан яхшилаш борасида муайян ютуқларга эришилди. Ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар самарасида ППХнинг қамрови кенгайиб, моддий-техник таъминоти ва ваколатлари ошмоқда. Ходимларнинг хизмат интизоми ва фуқаролар билан муомала маданияти бўйича

[1] https://daryo.uz/category/.

талаблар кучайтирилди, бу борада ижобий силжишлар кузатилмоқда. Шу билан бирга, таҳлиллар патрул хизмати самарадорлигини ошириш учун ҳали қилинадиган ишлар борлигини кўрсатади. Хусусан, патруллик қамровини тўлиқ таъминлаш, барча ҳудудларни назорат остига олиш масаласи долзарб бўлиб турибди – буни жиноятчилик статистикаси ҳам тасдиқламоқда (кўплаб жиноятлар назорациз жойларда содир бўлмоқда).

Демак, келгусида ППХ бўлинмаларини янада кўпайтириш ёки ҳудудлараро ҳаракатчан патрул гуруҳларини ташкил этиш талаб этилади. Шунингдек, патрул-пост хизмати ходимларини замонавий техник воситалар (шу жумладан, бодикамералар, планшетлар, алоқа ва кузатув воситалари) билан тўлиқ жиҳозлаш ва уларнинг малакасини ошириш доимий эътиборда бўлиши зарур.

Фикримизча, патрул-пост хизмати фаолияти самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шарти – бу халқчил патрул тизимини шакллантиришдир. Яъни, патрул инспектори фуқаролар билан яқин алоқада бўлиб, маҳалла ва жамоалар ҳаётини яхши билган, уларга таянч бўла оладиган даражада ишлаши керак. Бунинг учун профилактика инспекторлари ва патрул-пост хизмати ҳамкорлигини кучайтириш, фуқароларни (кўнгиллиларни) жамоат тартибини сақлашга жалб этиш каби чоралар самара беради. Дарҳақиқат, 2021-йилги Консепсияда “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патрул гуруҳларини шакллантириш ва фуқароларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашишга жалб этиш таклифи илгари сурилгани бежиз эмас. Ҳозирги кунда айрим ҳудудларда ёшлар ва фуқаролар маҳаллий патрулликда кўмаклашаётгани кузатилмоқда – бу амалиётни тизимли равишда кенгайтириш патрул хизмати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда патрул-пост хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича сўнгги ўн йилда бошланган ислоҳотлар ижобий натижа бера бошлади. Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари босқичма-босқич янгиланиб, патрул хизмати олдига замонавий талаблар қўйилди. Келгусида мазкур ислоҳотларнинг изчил давом эттирилиши, уларнинг самарадорлигини доимий мониторинг қилиб бориш лозим. Фикримизча, патрул-пост хизмати самарадорлигини ошириш учун қуйидаги омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади:

Биринчидан, кадрлар салоҳияти ва ижтимоий ҳимоя – ППХ ходимларини танлаш, уларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш зарур. Ходимларни рағбатлантириш, хизмат уйлари ва бошқа ижтимоий имтиёзлар билан таъминлаш соҳада барқарорлик ва фидойиликни оширади.

иккинчидан, технологияларни жорий этиш – “Хавфсиз шаҳар” лойиҳаси доирасида кузатув камераларини кўпайтириш, патрул машиналарини ГПС ва онлайн маълумот базаларига улаш, бодикамералар орқали фаолиятни назорат қилиш каби чораларни тўлиқ ҳаётга татбиқ этиш лозим. Бу патрул хизматининг кўздан панада қолган жойларнигача назоратини кучайтиради ҳамда тезкорликни таъминлайди.

учинчидан, ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш – ППХ фаолиятига доир қонун ва норматив ҳужжатларни замон талаблари асосида янгилаб бооpиш, патрул инспекторларига қўшимча ваколатлар бериш, процедураларни соддалаштириш ва идоралараро такрорланишни бартараф этиш керак. Шунингдек, патрул-пост хизматининг самарадорлигини баҳолаш индикаторларини қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш ҳам уларнинг фаолиятига масъулият билан ёндашишни кучайтиради.

ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мухаммадалиев Зухриддин Хабибулло ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимининг ижтимоий, ҳуқуқий ва амалий аҳамияти, шунингдек, унинг тузилиши ва асосий вазифаларига бағишланган таҳлиллар келтирилган. Тизимнинг моҳияти, иштирокчи субъектлари ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, хавфсизликни таъминлашдаги профилактик ва назорат механизмлари очиб берилган. Шу билан бирга, тизим самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ҳам баён этилган.

Калит сўзлар: йўл ҳаракати хавфсизлиги, тизим, аҳамият, моҳият, назорат, ҳуқуқий асослар, ҳамкорлик, профилактика, давлат сиёсати.

Бугунги кунда транспорт воситаларининг тез суръатда кўпайиши, шаҳар ва қишлоқ жойлардаги йўл инфратузилмасининг кенгайиши, аҳолининг ҳаракатчанлиги ортгани билан бир қаторда, йўл транспорт ҳодисалари сони ва улар оқибатидаги ҳалокатлар ҳам салмоқли даражада кўпаймоқда. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳар бир мамлакат учун устувор миллий муаммога айлантирмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш нафақат фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, балки жамиятда ҳуқуқий тартиб ва ижтимоий

барқарорликни сақлаш, иқтисодий барқарор ривожланиш учун ҳам муҳим шарт ҳисобланади. Зеро, ҳар бир йўл транспорт ҳодисаси нафақат инсонлар ҳаётига, балки давлат иқтисодига ҳам сезиларли зиён етказади.

Мазкур тизим кўп қиррали ва ўзаро боғлиқ элементлар мажмуасидан иборат бўлиб, унда давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда жамоатчиликнинг ҳамкорликдаги фаолияти муҳим ўрин тутади. Шу боисдан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимининг моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, унинг ҳуқуқий асосларини, ташкилий-амалий механизмларини ва иштирокчи субъектларининг ўзаро муносабатини ўрганиш бугунги кунда долзарб вазифалардан биридир.

И.А.Ивановнинг фикрига кўра, дастлабки давр йўллари «ҳарбий (қўшин ҳаракатланиши учун) йўллар, савдо йўллари, бошқарув йўллари (маъмурий ҳудудий бирликлар билан алоқа ўрнатадиган, ўлжаларни ташишга мўлжалланган), иншоотларни қуришда фойдаланилган йўл, шаҳар ички йўллари каби турларга бўлинган[1].

И.А.Ивановнинг бу ёндашуви тарихий реалликни ифода этса-да, унинг ёндашуви йўлларнинг фақат инструментал мақсадларда қурилгани ҳақида бир ёқлама тасаввур уйғотиши мумкин. Аслида эса, йўллар цивилизация шаклланишининг маданий, ижтимоий ва геосиёсий омиллари билан ҳам узвий боғлиқ бўлган. Шу боис, йўлларни нафақат моддий ҳаракат воситаси, балки жамиятлар ўртасидаги маданиятлар алмашинуви, интеграция ва марказлашув жараёнларининг ҳам муҳим таркибий қисми сифатида кўриш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими масаласи – ҳуқуқшунослик, транспорт логистикаси ва давлат бошқаруви соҳалари кесишувидаги мураккаб масала ҳисобланади. Бу йўналишда бир қатор рус ва хорижий олимлар илмий доктринал қарашлар билдиришган. Қуйида ушбу соҳадаги эътироф этилган олимлар ва уларнинг қарашларини кўриб чиқамаиз. Хусусан, В.Н.Курляндский, йўл ҳаракати хавфсизлигини давлат сиёсатининг ажралмас қисми сифатида талқин қилади ва бу соҳада тизимли ёндашув зарурлигини, хавфсизлик – бу фақат профилактика эмас, балки ҳуқуқий, ташкилий, техник ва маърифий тадбирларнинг уйғунлашган механизми[2], эканлигини таъкидлайди.

В.Н. Курляндскийнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини давлат сиёсатининг ажралмас таркибий қисми сифатида баҳолаши — бу соҳани одатий маъмурий чора-тадбирлар доирасидан чиқариб, уни стратегик давлат мақсади даражасига

[1] Иванов И.А. Дороги мира. История и современность / «Инфра-Инженерия», 2017. - 7 б.

[2] Курляндский В.Н. Правовые основы обеспечения безопасности дорожного движения. Москва: Юридическая литература. – 2006. – С. 72-79.

олиб чиқишга уринишдир. Муаллифнинг хавфсизликни фақат профилактика эмас, балки ҳуқуқий, ташкилий, техник ва маърифий механизмлар уйғунлигида кўриш зарурлиги ҳақидаги қараши — комплекс ёндашувнинг зарурлигини яққол ифода этади.

Бироқ бу нуқтаи назар бўйича савол пайдо бўлиши мумкин: ушбу механизмларнинг қай бири устувор ҳисобланади? Масалан, жамиятда ҳуқуқий маданият паст бўлса, техника ва ташкилий чоралар самара бермаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан айрим тадқиқотчилар (масалан, Р. Элвик) хавфсизликни таъминлашда ҳолатга қараб динамик ва таркибий тартибланиш талаб этилишини илгари суради.

Шундай қилиб, В.Н.Курляндскийнинг ёндашуви жамловчи ва асосий йўналишларни белгилаб берса-да, реал амалиётда унинг барча элементларини бирдек самарали ишлашини таъминлаш учун мувозанатлаштирилган бошқарув концепцияси талаб этилади.

В.П.Бахаревнинг фикрига кўра, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тизимини ва унинг профилактика механизмларини ҳуқуқий тартиб, назорат, жамоатчиликни жалб қилиш ва технологияларга таянган ҳолда ташкил этишни таклиф қилади[1].

В.П.Бахарев, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини самарали ташкил этиш учун уч йўналишли ёндашувни илгари суради: *ҳуқуқий механизмлар* – йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун масъулиятни белгилаш ва уни қонун доирасида татбиқ этиш, *назорат институтлари* – ички ишлар органлари, ЖДЙХБ, видеокузатувлар ва патрул хизматлари, *жамоатчилик назорати ва ҳамкорлиги* – фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаган ҳолда фаол иштирокини таъминлаш.

Бу ёндашувда, В.П.Бахаревнинг инновацион қараши — технологияларнинг ролини алоҳида таъкидлашидир. Дарҳақиқат, йўл ҳаракати соҳасида замонавий назорат технологиялари (AI, рақамли таҳлил, интеллектуал тизимлар) профилактика самарадорлигини оширади.

В.П. Бахарев, В.Н. Курляндский ва Rune Elvik йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласига турлича илмий ёндашувларни илгари сурган олимлар сирасига киради. Уларнинг ҳар бири хавфсизликни таъминлаш тизимини турли нуқтаи назардан баҳолаб, унинг асосий таркибий қисмларига алоҳида эътибор қаратади.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, В.П.Бахарев модели ҳуқуқий-ижтимоий ва амалий механизмларга таянадиган ёндашув бўлса, В.Н.Курляндский

[1] Бахарев В.П. Административно-правовые основы обеспечения безопасности дорожного движения. Москва: Юристъ. – 2009. – С. 47-56.

хавфсизликни комплекс давлат сиёсати доирасидаги тизим сифатида қарайди. Rune Elvik эса асосий эътиборни самарадорликни аниқлашга хизмат қилувчи таҳлил воситаларига қаратади. Ушбу турли ёндашувлар хавфсизлик тизимини ҳар томонлама ёритишга, унинг мукаммал моделини шакллантиришда назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

В.Д.Назаровнинг таъкидлашича, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими «транспорт муҳитидаги ижтимоий хавфсизлик» бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти — ҳаракатнинг оммавийлиги ва инсон омилининг юқори салоҳияти билан боғлиқлигини кўрсатади[1].

Бу ёндашув йўл ҳаракати хавфсизлигини фақат техник ёки ҳуқуқий масала сифатида эмас, балки жамиятдаги умумий ижтимоий муносабатлар тизимининг таркибий қисми сифатида кўради.

В.Д.Назаровнинг фикридаги муҳим жиҳат – бу инсон омилининг ҳал қилувчи ўрнидир. Унингча, транспортдаги хавфсизликни таъминлаш нафақат қонунчилик ва техник воситаларга, балки инсонларнинг хулқ-атвори, маданияти ва ҳуқуқий онги даражасига ҳам бевосита боғлиқ. Шу жиҳатдан, В.Д.Назаров транспорт хавфсизлигини ижтимоий-психологик муҳит билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлигини илгари суради.

Бироқ, айрим тадқиқотчилар бу қарашни ўта умумлаштирилган деб баҳолашлари мумкин. Чунки “ижтимоий хавфсизлик” тушунчаси кенг ва нисбий бўлиб, амалиётда аниқ таҳлил қилиш ва сиёсий-ҳуқуқий чоралар ишлаб чиқишда муайян ноаниқликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун В.Д.Назаровнинг ёндашуви комплекс таҳлил учун муҳим фалсафий асос бўлиши мумкин бўлсада, уни амалий тизим сифатида ишлаб чиқиш учун ҳуқуқий, техник ва ташкилотчилик воситалари билан уйғунлаштириш талаб этилади.

В.Д. Назаров йўл ҳаракати хавфсизлигини кенг ижтимоий контекстда талқин қилиб, инсон омилини ва оммавий ҳаракат муҳитини ҳал қилувчи омиллар сифатида кўрсатади. Бу қараш хавфсизликни таъминлашда социо-гуманитар ёндашувларнинг ўрнини мустаҳкамлаб, ҳуқуқий ва техник механизмларни жамиятдаги умумий маданий ва ахлоқий муҳит билан боғлаш имконини яратади.

М.А.Фоминых, “йўл-транспорт ҳодисаларига оид жиноятларнинг олдини олиш ва ҳаракатни ҳуқуқий тартибга солишда таҳлил қилиш ва таснифлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хавфсизлик тизимини динамик ҳолатда баҳолаш зарур”[2]лигини таъкидлайди.

---

[1] Назаров В.Д. Социальные аспекты обеспечения безопасности дорожного движения. Санкт-Петербург: Наука. – 2010. – С. 102-109.

[2] Фоминых М.А. Анализ дорожно-транспортных происшествий: правовые и организационные аспекты. Екатеринбург: УрФУ. – 2012. – С. 17-26.

М.А.Фоминых ўз илмий қарашларида йўл-транспорт ҳодисаларига оид жиноятларнинг олдини олиш ва ҳаракатни ҳуқуқий тартибга солишда таҳлил ва таснифлаш усулларини марказий ўринга қўяди. Унингча, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими мукаммал фаолият юритиши учун уни доимий равишда динамик ҳолатда баҳолаб бориш, яъни ўзгарувчан вазиятларга тез ва аниқ мослашувчан тизим сифатида ташкил этиш талаб этилади.

М.А.Фоминыхнинг ушбу ёндашуви амалиётга йўналтирилган ва натижавий таҳлил орқали сиёсий-ҳуқуқий қарорлар қабул қилишни рағбатлантиради. У хавфсизлик соҳасидаги стратегия ва чора-тадбирларни тўғри шакллантириш учун статистик маълумотлар, жиноят таҳлили, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва уларнинг тенденцияларини мунтазам ўрганиш зарурлигини асослайди. Бу билан у йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини статик эмас, балки реал вақтда қайта баҳоланадиган динамик тизим сифатида кўради.

Бироқ, бу назариянинг татбиқида маълум муаммолар юзага келиши мумкин. Масалан, таҳлил ва таснифлаш маълумотларининг етарли даражада тўпланмаслиги, ахборот тизимларининг ночорлиги ёки инсон ресурси етишмаслиги – мазкур ёндашувнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, таҳлил натижаларига асосланган қарорлар қабул қилиш учун тегишли институтлар ва малака даражасининг юқори бўлиши ҳам талаб этилади.

М.А.Фоминыхнинг қарашлари йўл ҳаракати хавфсизлигида илмий таҳлил, ҳолатни баҳолаш ва таснифлашнинг марказий ўрин тутишига урғу беради. Унинг фикрича, хавфсизликни таъминлаш бу бир марталик чоралар мажмуи эмас, балки доимий таҳлил ва мослашувга асосланган фаол бошқарув жараёнидир. Бу ёндашув соҳадаги тизимли ва рақамли ислоҳотларни амалга оширишда назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Peter R. Stopher, транспорт ва хавфсизлик муносабатларини «интеграциялашган транспорт сиёсати» сифатида баҳолаб, йўл ҳаракати хавфсизлиги нафақат жиноятчилик билан курашиш, балки шахснинг ҳаётини сақлаб қолишнинг ижтимоий кафолати ҳисобланади[1], дея таъкидлаган.

Австралиялик тадқиқотчи Peter R. Stopher йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласига транспорт сиёсаси ва ижтимоий адолат нуқтаи назаридан ёндашади. У ўз тадқиқотларида хавфсизликни фақат жиноятчиликни камайтириш воситаси сифатида эмас, балки фуқаролар ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган ижтимоий кафолат сифатида баҳолайди. Унингча, хавфсизлик – бу давлат томонидан

[1] Stopher, P.R., & Stanley, J. Introduction to Transport Policy: A Public Policy View. Edward Elgar Publishing. –2014. – P. 33-39.

кафолатланиши лозим бўлган ижтимоий функция бўлиб, унинг амалга оширилиши интеграциялашган транспорт сиёсати орқали таъминланиши керак.

Peter R. Stopher интеграциялашган транспорт сиёсасини шакллантиришда транспорт инфратузилмаси, ҳаракатни тартибга солувчи ҳуқуқий база, фуқароларнинг ҳаракат маданияти, техник назорат воситалари ва таълим элементларини бир бутун тизим сифатида кўради. Унингча, бу элементларнинг алоҳида эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳолда бошқарилиши хавфсизлик даражасини юқори босқичга олиб чиқиши мумкин.

Бу ёндашувнинг афзаллиги – хавфсизликка инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойиллари нуқтаи назаридан қаралишидадир. Stopher назариясида фуқаро ҳаётини сақлаш – давлатнинг стратегик вазифаси сифатида намоён бўлади. Шу боис, у хавфсизликни таълим, тарғибот ва ҳуқуқий тартиб орқали жорий этиладиган мултидисциплинар сиёсат деб ҳисоблайди. Бироқ, баъзи танқидий қарашларга кўра, интеграциялашган сиёсатни амалга оширишда институционал ҳамкорлик, молиявий имкониятлар ва сиёсий ироданинг мавжудлиги ҳал қилувчи омил бўлади. Акс ҳолда, концептуал ғоялар амалий майдонда муваффақиятсиз бўлиши мумкин.

Peter R. Stophernинг концепциясида йўл ҳаракати хавфсизлиги – бу шунчаки жиноятчиликка қарши кураш эмас, балки инсон ҳаётига нисбатан ҳурмат, ижтимоий кафолат ва давлатнинг маъсулияти сифатида талқин этилади. Унинг "интеграциялашган транспорт сиёсати" тушунчаси хавфсизликни амалий чора-тадбирлар эмас, балки комплекс давлат сиёсатининг бир қисми сифатида шакллантиришга уринишдир.

Rune Elvik эса, йўл хавфсизлигини таъминлашда статистик таҳлил ва баҳолаш усулларини ишлаб чиққан[1] бўлиб, унинг ишлари Европа хавфсизлик стандартларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилган.

Норвегиялик машҳур тадқиқотчи Rune Elvik йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида эмпирик таҳлил ва рақамли баҳолаш усулларини илмий асосда ишлаб чиққан олимлардан бири ҳисобланади. Унинг тадқиқотлари, хусусан йўл-транспорт ҳодисаларини баҳолашда кучли статистик моделлардан фойдаланишни таклиф қилгани билан танилган ва бу ёндашув Европа хавфсизлик стандартларини ишлаб чиқишда асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Rune Elviknинг фикрича, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими самарадорлигини баҳолаш учун турли омиллар — ҳуқуқбузарликлар сони, ўлим ва жароҳат ҳолатлари, транспорт оқими, инфратузилманинг сифати, таълим ва ахборот кампаниялари натижалари каби ишончли ва объектив маълумотлар

[1] Elvik R. A comprehensive approach to evaluation of road safety policy. Traffic Safety Research. –2024. – P. 23-29.

йиғилиши зарур. У хавфсизлик сиёсати самарадорлигини аниқ рақамий кўрсаткичлар орқали баҳолашни илмий ёндашувнинг асосий мезони деб билади.

Rune Elviknинг моделлари таҳлил, прогноз ва сиёсий қарор қабул қилиш босқичларини қамраб олади. Шунинг учун ҳам унинг усуллари Европа мамлакатларида йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқариш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда кенг қўлланилади. Унинг назарияси амалиётда хавфсизлик сиёсати "қанчалик ишламоқда?" деган саволга аниқ ва фактларга асосланган жавоб топиш имконини беради.

Бироқ, айрим танқидий қарашларга кўра, статистик ёндашув ҳар доим ҳам инсон омилини, фуқароларнинг хулқ-атвори ва маданиятини тўлиқ акс эттира олмайди. Шунингдек, фақат рақамларга асосланган баҳолаш, эҳтимолий ижтимоий омилларни инобатга олмаслик хавфини туғдиради. Бундан ташқари, маълумотлар сифатини таъминлаш ва уларни реал вақтда йиғишнинг институционал мураккаблиги бу моделнинг амалиётдаги самарадорлигига таъсир қилиши мумкин.

Rune Elviknинг илмий фаолияти йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасини илмий-эмпирик асосда баҳолаш усулларини ривожлантиришга қаратилган. Унинг ишланмалари хавфсизлик сиёсатининг натижавийлиги ва самарадорлигини аниқлашда объектив таҳлил воситаларини тақдим этади. Elvik модели хавфсизликни фақат профилактика эмас, балки рационал бошқариш ва стратегик таҳлил соҳаси сифатида кўради.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласига турли илмий мактаблар ва олимлар томонидан илгари сурилган назарий қарашлар унинг мураккаб, кўп қиррали ва тизимли табиатга эга эканлигини намоён этади. Хусусан, Rune Elvik, Peter R. Stopher, М.А. Фоминых ва В.Н. Курляндский сингари олимларнинг концептуал ёндашувлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги турли илмий методологияларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Умуман олганда, мазкур олимлар қарашлари хавфсизлик соҳасига ҳар томонлама ёндашиш зарурлигини кўрсатади. Elvik ва Fominых рақамли таҳлил ва ҳолат баҳолаш усулларини илгари сурса, Stopher инсон ҳаётини сақлашни бош мақсад деб билади, Курляндский эса хавфсизликни давлат сиёсати даражасида комплекс йўналиш сифатида шакллантириш тарафдори. Ушбу қарашларнинг барчаси тизимли равишда уйғунлаштирилса, замонавий йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда юқори натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини қуйидагича илмий жиҳатдан таърифлаш мумкин. *Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими* – бу инсон ҳаёти, соғлиғи ва мулкини сақлашни мақсад қилган, ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқий онги, техник ва ахборот

инфратузилмаси, давлат бошқаруви институтлари ҳамда жамоатчилик назорати ўртасидаги интеграциялашган ҳамкорликка асосланган, жиноятларнинг олдини олиш, хавфни баҳолаш ва мувозанатли бошқариш орқали ҳаракат муҳитини барқарор ва прогнозлаштириладиган ҳолда таъминлашга қаратилган кўп босқичли ва динамик ҳуқуқий-ижтимоий тизимдир.

Ушбу таърифда йўл ҳаракати хавфсизлигининг нафақат ҳуқуқий ва ташкилотчилик жиҳатлари, балки, инсон омили, таҳлил ва статистик баҳолаш, ижтимоий кафолат ва давлат сиёсати, жамоатчилик иштироки ва технологиялар каби илмий асосланган омиллар билан ҳам ўзаро боғлиқ ҳолда ифода этдик. Замонавий таҳдидлар, транспорт оқимининг ўсиши ва шаҳарлашув фонида мазкур тизим доимий равишда реал вақтда таҳлил қилиниши ва мослашувчан бошқарилиши талаб этилади.

Замон тараққийлашиши билан барча мамлакатларда ўзига хос йўл ҳаракати қоидалари белгиланган ҳужжатлар пайдо бўла бошлаган. Ушбу ҳужжатларда асосан чорраҳаларда ҳаракатланиш, чорраҳага яқинлашганда тезликни пасайтириш, йўлнинг мураккаб қисмларида қувиб ўтишни тақиқлаш, ҳаракат вақтида пиёдаларнинг устунлиги, махсус маросимларнинг мавқеи каби қоидалар акс эттирилган. Масалан, «император Пётр 1 1683 йилда Москва шаҳрида тез, аравакашсиз ҳаракатланишни тақиқловчи, ўнг қўл қоидаси бўйича ҳаракатланиш ҳақида буйруқ чиқарган»[1].

Ҳар бир давлатда йўл ҳаракати қоидалари умумий эҳтиёжлар – ҳаракат тартибини сақлаш, тўқнашувларнинг олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вужудга келган. Тарихий манбаларда, хусусан Пётр I давридаги буйруқлар мисолида, бу қоидалар ҳуқуқий нормалар эмас, балки бошқарувий ва ахлоқий тартиб меъёрлари сифатида шакллана бошлаганини кўришимиз мумкин.

Император Пётр I нинг 1683 йилдаги буйруғи – замонавий "ўнг қўл ҳаракатланиш қоидаси"нинг илк ҳуқуқий прототипи сифатида қаралиши мумкин. Бу тарихий факт шундан далолат берадики, йўл ҳаракати қоидалари аввало қонунчилик эмас, балки давлат бошқаруви ва жамоат тартибини сақлашнинг амалий эҳтиёжидан келиб чиққан.

Қисқача айтганда, мазкур маълумот шунга ишора қиладики: бугунги кундаги юқори даражада тизимлашган йўл ҳаракати қоидалари асрлар давомида шаклланган тажриба, зарурат ва давлатчилик эволюциясининг маҳсулидир.

XIX асрда автомобилнинг яратилиши ва унинг жамият турмушига босқичма-босқич кириб келиши йўл ҳаракати соҳасида туб бурилишларга сабаб бўлди. Илгариги даврларда транспорт воситаларининг асосий қисми ҳайвонлар

[1] Иванов И.А., Дороги мира. История и современность/ «Инфра-Инженерия», 2017. - 9 б.

– от, эшак, туя ва бошқалар орқали ҳаракатланар эди. Бу ҳайвонлар табиий инстинктларига кўра хавф-хатарни ҳис қилиб, кутилмаган ҳолатларда ҳаракатни секинлаштириш, тўхташ ёки йўналишни ўзгартириш каби эҳтиёт чораларини ўз-ўзидан амалга оширган. Арава бошқарувчиси хавфни сезмаган ҳолатда ҳам ҳайвоннинг интуитив ҳаракати кўпинча бахтсиз ҳодисаларнинг олдини оларди. Аммо ўзи юрар транспорт воситаларининг пайдо бўлиши билан бу имконият йўқолди. Автомобилни бошқариш учун шунчаки ҳайдаш эмас, балки махсус билим, амалий кўникма ва муайян тажриба талаб этила бошланди. Шу билан бирга, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аниқ қоидаларни, йўл белгилари ва ишораларини жорий этиш зарурати яққол намоён бўлди.

Замонавий кўринишдаги йўл белгилари биринчи маротаба Францияда автомобилларнинг кўпайиши, йўл-транспорт ҳодисаларининг ортиши натижасида аҳоли орасида вужудга келаётган норозилик кайфиятини бостириш ва уларни хавфдан огоҳлантирувчи белгиларни ўрнатиш орқали уларни тинчлантириш мақсадида Париж кўчаларига уч хил кўринишда ўрнатилган. Улар қуйидагича бўлган: «тик нишаблик»; «хавфли бурилиш»; «нотекис йўл»[1].

Келтирилган маълумотга кўра, замонавий йўл белгилари тизимининг илк шакли сифатида Франциядаги ушбу тажриба нафақат тарихий аҳамиятга эга, балки жамиятда юзага келаётган транспорт инқилобига ҳуқуқий ва ташкилий жавоб сифатида кўрилади. Бу ҳолат шундан далолат беради, жамиятда транспорт воситаларининг оммалашуви фақат иқтисодий ёки ижтимоий ўзгаришларни эмас, балки ҳуқуқий-меъёрий ва ахлоқий-маданий муносабатларни ҳам янгилашни талаб этади.

Парижда биринчи бўлиб ўрнатилган «тик нишаблик», «хавфли бурилиш» ва «нотекис йўл» каби белгилар айнан йўлларнинг физик хусусиятлари ва ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадини кўзлаган. Бу белгилар хавфни олдиндан англатиш, ҳаракатни мувофиқлаштириш ва фуқаролар ўртасида ишонч муҳитини яратишга хизмат қилган. Шу жиҳатдан, мазкур чоралар аҳолининг хавфсизлик бўйича ижтимоий талабини қондириш, йўл ҳаракатида давлатнинг ҳуқуқий позициясини мустаҳкамлаш ва жамоатчилик фикрини барқарорлаштириш воситаси сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, йўл белгилари тизими жамият ва давлат ўртасидаги «ҳуқуқий мулоқот»нинг муҳим элементи сифатида шаклланган бўлиб, унинг илк намуналари бугунги кундаги комплекс йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимининг асосий поясига айланган.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими – бу жамиятда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкини муҳофаза қилиш, шунингдек

[1] https://cirkul.info/article/istoriya-dorozhnykh-znakov (мурожаат санаси 16.04.2025 й.)

транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солишга қаратилган комплекс ҳуқуқий, ташкилий, ахборот ва техник тадбирлар мажмуасидир. Ушбу тизимни турли илмий ва ҳуқуқий мезонлар асосида таснифлашимиз мумкин бўлиб, бу орқали унинг тузилиши, вазифалари ва амалий механизмлари янада аниқ намоён бўлади.

Биринчидан, ушбу тизимни ***ҳуқуқий асослар бўйича*** таснифласак, у конституциявий, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганини кўрамиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси[1]нинг 25-27, 48 ва 54-56-моддаларида ҳар бир шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонун[2], Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси[3] ҳамда Президент фармонлари, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони[4] йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади. Ушбу ҳужжатлар орқали идоралараро ҳамкорлик, профилактика ишлари, назорат ва жавобгарлик тартиби аниқ белгиланган.

Иккинчидан, ***ташкилий тузилиши*** бўйича ушбу тизим кўп даражали институтлар фаолиятини ўз ичига олади. Марказий даражада Ички ишлар вазирлиги, хусусан ДЙҲХХ хизматлари етакчи орган ҳисобланади. Бундан ташқари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси ҳам ушбу тизимда фаол иштирок этади. Ҳудудий даражада эса туман ва шаҳар ИИБ ЙҲХБ бўлимлари, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги хавфсизлик комиссиялари фаолият юритади. Бундан ташқари, нодавлат ташкилотлар ва жамоатчилик институтлари ҳамкор субъектлар сифатида тизимда иштирок этади.

Учинчидан, функционал йўналишларга кўра йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими профилактика, назорат, жавоб қайтариш ва инфратузилмавий чора-тадбирларга бўлинади. Профилактика соҳасида аҳоли ўртасида ҳуқуқий

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон // https://lex.uz/docs/6445145.

[2] Ўзбекистон Республикасининг 19.01.2024 йилдаги ЎРҚ-900-сон “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.01.2024 й., 03/24/900/0053-сон; 07.02.2025 й., 03/25/1025/0116-сон / https://www.lex.uz/docs/6764454.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 03/25/1022/0083-сон; 07.02.2025 й., 03/25/1024/0115-сон; 07.02.2025 й., 03/25/1025/0116-сон; 21.02.2025 й., 03/25/1033/0164-сон; 21.02.2025 й., 03/25/1035/0166-сон; 26.02.2025 й., 03/25/1038/0188-сон; 04.03.2025 й., 03/25/1042/0212-сон; 26.03.2025 й., 03/25/1050/0276-сон. https://lex.uz/docs/97664.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2021 йилдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон; 16.01.2024 й., 06/24/10/0031-сон. https://lex.uz/docs/5749291.

маданиятни ошириш, болаларга автоҳафсизлик сабоқларини бериш, жамоатчилик билан ишлаш тадбирлари ўтказилади. Назорат ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш вазифалари видеокузатув ва интеллектуал радар тизимлари орқали амалга оширилади. Ҳодисаларга жавоб қайтаришда эса тез ёрдам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва тиббиёт муассасалари биргаликда фаолият юритади. Шунингдек, транспорт инфратузилмасини яхшилаш, йўл белгилари ва чароғонликни такомиллаштириш ҳам тизимнинг муҳим вазифаларидандир.

Тўртинчидан, ахборот ва рақамли технологиялар соҳасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими интеллектуал транспорт тизимлари билан бойитилмоқда. Бу тизимлар автоматлаштирилган мониторинг, "ақлли" светофорлар, пиёдаларга оид мобил иловалар ва онлайн маълумот платформаларини ўз ичига олади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни автоматик тарзда аниқлаш, баённома тузиш ва фуқароларга ахборот етказиш жараёнларида рақамли воситалар кенг қўлланилмоқда.

Бу, давлат ва жамиятнинг ўзаро интеграциялашган, ҳуқуқий асосга таянган, технология билан жиҳозланган ва фуқаролар манфаатини биринчи ўринга қўйувчи тизимидир. Ушбу тизимнинг самарадорлиги ҳар бир унсурнинг узвий ҳамкорлиги, мувофиқлашган ҳаракати ва натижага йўналтирилган фаолиятига боғлиқ.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимининг мазмунмоҳияти ва ҳуқуқий таснифидан келиб чиқиб, унинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимининг ўзига хос хусусиятларини шартли равишда қуйидагилар мисолида кўрсатиб беришимиз мумкин.

биринчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими комплекс ва кўптармоқли характерга эга тизим ҳисобланади. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – бу фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти эмас, балки транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, муҳандислик ва ахборот соҳаларидаги фаолиятларни қамраб оладиган кўптармоқли тизимдир. Бу тизим нафақат ҳуқуқий, балки техник ва профилактик механизмларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу жиҳатдан йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими интегратив ва тармоқлараро хусусиятга эга бўлиб, унинг самарадорлиги идоралараро мувофиқликка бевосита боғлиқ.

иккинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими идоралараро ҳамкорликка бевосита асосланади. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш жараёни бир вақтнинг ўзида бир нечта давлат идораларининг масъулиятини ўз

ичига олади. Ички ишлар органлари, транспорт органлари, маҳаллий ҳокимиятлар, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари, фуқаролик жамияти ва ОАВ – барчаси ушбу тизимда ҳамкор субъектлар сифатида иштирок этади. Шунинг учун ҳам мазкур тизим функционал кооперация ва координация талаб қиладиган ҳуқуқий ва ташкилий ёндашувга эга.

учинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий нормалар турли даражада жорий этилган. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқий тизими қонунлар, кодекслар, қарорлар, фармонлар, буйруқлар ва услубий йўриқномалар каби бир нечта даражадаги ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу эса унинг кўп даражали норматив-ҳуқуқий табиатини шакллантиради. Масалан, “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонун умумий нормаларни белгиласа, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс айнан ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилайди.

тўртинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш технологик жиҳатдан тез янгиланувчан соҳалардан бири ҳисобланади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими ахборот технологиялари ва интеллектуал бошқарув тизимлари билан яқин алоқада бўлиб, бу соҳада цифрлашув ва автоматлаштириш жараёнлари жуда фаол кечмоқда. Интеллектуал транспорт тизимлари (ITS), автоматик радарлар, видеокузатув ва рақамли баённома тузиш каби технологиялар тизимнинг замонавий хусусиятларидан саналади.

бешинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимида энг муҳим вазифалардан бири – йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдир. Бу профилактика аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, таълим муассасаларида автоҳафсизлик машғулотлари ўтказиш, оммавий ахборот орқали фуқароларни хабардор қилиш каби чора-тадбирлар орқали амалга оширилади. Шу жиҳатдан йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими фақат жазога эмас, балки хабардорлик ва маърифатга асосланган профилактикага ҳам таянади.

олтинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими жамиятнинг барча қатламларига таъсир қилувчи оммавий хусусиятга эгадир. Йўл ҳаракати хавфсизлиги фақат ҳайдовчилар ёки пиёдаларгагина эмас, балки транспорт воситаларидан фойдаланувчи барча фуқароларга, бизнес субъектларига ва давлат ташкилотларига таъсир қилувчи оммавий жамият феномени ҳисобланади. Бу ҳолат ушбу тизимни универсал ижтимоий аҳамиятга эга тизим сифатида тавсифлашга асос бўлади.

еттинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида жуда кўплаб “кўзга кўринмас” омиллар – инсон психологияси, хавфни англаш қобилияти, оммавий хулқ-атвор, тезлик ҳисси, реакция вақти каби физиологик ва ижтимоий

механизмлар ҳам мавжуд. Уларнинг ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солиниши ушбу тизимда ноанъанавий ёндашувлар талаб этилишини англатади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими жуда кўп жиҳатдан ноёб ва ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг ҳуқуқий, ташкилий ва технологик асослари замонавий талабларга мувофиқ равишда такомиллаштирилиши зарур. Бу тизимда фақат ҳуқуқий таъсир чоралари эмас, балки таълим, профилактика, технология ва фуқаролик жамиятининг фаол иштирокини ҳам таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими жамиятда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкини муҳофаза қилиш, шунингдек транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солишга қаратилган комплекс, кўп даражали, динамик ва интеграциялашган тизимдир. У нафақат ҳуқуқий-меъёрий заминга, балки инсон омили, таълим, психология, муҳандислик ва рақамли технологиялар каби турли соҳалардаги назарий ва амалий асосларга таянади. Тарихий эволюцияси ва замонавий халқаро илмий ёндашувлар бу тизимни фақат маъмурий ёки техник жараён эмас, балки ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида қараш зарурлигини кўрсатади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими тушунчаси, таснифи ва ўзига хос хусусиятлари мазмунидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий назарий хулоса, таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, *йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими* – бу инсон ҳаёти, соғлиғи ва мулкини сақлашни мақсад қилган, ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқий онги, техник ва ахборот инфратузилмаси, давлат бошқаруви институтлари ҳамда жамоатчилик назорати ўртасидаги интеграциялашган ҳамкорликка асосланган, жиноятларнинг олдини олиш, хавфни баҳолаш ва мувозанатли бошқариш орқали ҳаракат муҳитини барқарор ва прогнозлаштириладиган ҳолда таъминлашга қаратилган кўп босқичли ва динамик ҳуқуқий-ижтимоий тизимдир.

иккинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини қуйидаги илмий ва ҳуқуқий мезонлар асосида таснифлашимиз мумкин:

– ҳуқуқий асослар бўйича;

– ташкилий тузилиши бўйича;

– функционал йўналишларига кўра;

– ахборот ва рақамли технологияларни соҳада қўллашга кўра;

– йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини фақат ҳуқуқий ва назорат функциялари билан эмас, балки таълим, ахборот, маърифат ва технологиялар билан уйғунлашган ҳолда ривожлантириш.

учинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

– йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими комплекс ва кўптармоқли характерга эга тизим ҳисобланади;

– йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими идоралараро ҳамкорликка бевосита асосланади;

– йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий нормалар турли даражада жорий этилади;

– йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш технологик жиҳатдан тез янгиланувчан соҳалардан бири ҳисобланади;

– йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимида энг муҳим вазифалардан бири – йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдир;

– йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими жамиятнинг барча қатламларига таъсир қилувчи оммавий хусусиятга эгадир;

– йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида жуда кўплаб “кўзга кўринмас” омиллар – инсон психологияси, хавфни англаш қобилияти, оммавий хулқ-атвор, тезлик ҳисси, реакция вақти каби физиологик ва ижтимоий механизмлар ҳам мавжуд;

тўртинчидан, хавфсизлик соҳасини фақат бир идора ёки давлат органи эмас, балки идоралараро ҳамкорликда бошқаришни таъминлаш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарур. Масалан, ИИВ, ФВВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро ҳаракат алгоритмларини белгилаб берадиган ***ягона координациялашган ҳуқуқий механизм*** ишлаб чиқилиши керак. Бу орқали тизимнинг вазифалари тақсимланади, масъулият аниқланади ва таъсирчанлик ошади.

бешинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини самарали бошқаришда инсон омилининг ҳал қилувчи аҳамиятини эътироф этиб, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, айниқса ёшлар ва болалар ўртасида автоҳафсизлик бўйича таълим дастурларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу борада ОАВ, таълим муассасалари ва интернет тарғиботи орқали интерактив ўқув курсларини кенг жорий этиш тавсия этилади.

ҲАЁТ ВА СОҒЛИҚ БИЛАН БОҒЛИҚ СУҒУРТА МУНОСАБАТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТДАН РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ МИЛЛИЙ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бобоназаров Юнусбек Юсуфович,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил изланувчиси

Мазкур мақолада ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ суғурта муносабатларини молиялаштириш соҳасида Германия, Франция, Япония, АҚШ ва Сингапур каби ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси таҳлил қилинади. Хусусан, кўп манбали молиялаштириш, давлат-хусусий шериклик, суғурта жамғармаларини марказлаштириш, инвестицион маҳсулотлар ва қайта суғурта механизмлари кўриб чиқилади. Ўзбекистонда бу механизмларни жорий этиш истиқболлари, молиявий самарадорлиги ва бюджетга таъсири бўйича илмий хулосалар ҳамда амалий таклифлар баён этилади.

Калит сўзлар: ҳаёт суғуртаси, соғлиқ суғуртаси, қайта суғурта, давлат-хусусий шериклик, суғурта жамғармаси, халқаро тажриба, инвестицион суғурта, молиявий механизмлар, бюджет самарадорлиги.

Ҳозирги замонавий молиявий муносабатлар тизимида аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилган суғурта фаолияти стратегик ижтимоий вазифа сифатида намоён бўлмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган мамлакатларда ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ суғурта муносабатларини молиялаштиришда давлат, хусусий сектор ва аҳоли ўртасидаги мувозанатли молиявий ҳамкорлик орқали суғурта тизимининг барқарорлиги ва узоқ муддатли самарадорлиги таъминланмоқда.

Хусусан, Германия, Франция, Япония, АҚШ ва Сингапур каби давлатларда кўп манбали молиялаштириш тизимлари, суғурта жамғармаларини марказлашган ҳолда бошқариш, қайта суғурта, солиқ имтиёзлари ва инвестиция билан боғланган суғурта маҳсулотларидан фойдаланиш орқали суғурта муносабатлари молиявий жиҳатдан мукаммал ташкил этилган. Бу мамлакатлар суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини ошириш, аҳолининг молиявий ҳимоясини таъминлаш ва бюджет харажатларини оптималлаштиришни таъминловчи комплекс механизмларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистонда эса бу соҳадаги ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётган бўлса-да, молиявий жиҳатдан барқарор ва рақобатбардош суғурта тизимини шакллантириш ҳануз долзарб масала бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, халқаро амалиётда синовдан ўтган молиявий механизмларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни миллий амалиётга татбиқ этиш истиқболларини аниқлаш муҳим илмий ва амалий вазифалардан ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот айнан ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда, ривожланган мамлакатларнинг ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ суғурта муносабатларини молиялаштириш борасидаги илғор тажрибаларини таҳлил қилиш, уларнинг молиявий механизмларини баҳолаш ва Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятларини ўрганишга қаратилган.

Умуман олганда, ушбу тадқиқотда келтириладиган халқаро тажриба таҳлили Ўзбекистонда ҳаёт ва соғлиқ суғуртасининг молиявий тизимини янада такомиллаштириш, унинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда инвестицион фаоллигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ суғурта муносабатларини молиялаштиришда ривожланган давлатлар томонидан қўлланилаётган илғор механизмлар жаҳон молиявий амалиётида муҳим ўрин тутади. Бу механизмлар суғурта жамғармаларини самарали шакллантириш, тўлов қобилиятини таъминлаш, давлат ва хусусий суғурта ташкилотлари ўртасидаги молиявий муносабатларни аниқлаш ҳамда суғурта бозорини мувозанатлаштиришга йўналтирилган. Хусусан, Германия, АҚШ, Франция, Япония ва Сингапур каби мамлакатлар молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳар томонлама комплекс ёндашувларни шакллантирган.

Бу давлатлар амалиётида суғурта муносабатлари кўп манбали молиялаштириш (ишчи, иш берувчи, давлат бюджети ҳиссалари), солиқ имтиёзлари, қайта суғурта тизимлари, давлат субсидиялари ва рақамли жамғармалар каби воситалар орқали таъминланади. Бу эса суғурта муносабатларининг самарадорлиги ва барқарорлигини ошириш билан бирга, аҳоли молиявий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган давлатларда ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ суғурта муносабатларини молиялаштиришда комплекс ва диверсификация қилинган ёндашувлар қўлланилади. Масалан, Германияда жамоавий тиббий суғурта тизими — GKV (Gesetzliche Krankenversicherung) — иш берувчи ва ишчи ҳиссалари асосида молиялаштирилади, бунда ҳар икки томон умумий иш ҳақининг 14,6%ини тўлайди. Шунингдек, давлат томонидан тўғридан-тўғри бюджет субсидиялари ажратилади. Суғурта жамғармалари “Gesundheitsfonds” орқали марказлаштирилган ҳолда бошқарилади ва таваккалчилик даражасига қараб қайта тақсимланади. Бу тизим молиявий барқарорликни сақлашда муҳим роль ўйнайди[1].

Дарҳақиқат, Германия тажрибаси суғурта жамғармаларини марказлаштирилган бошқариш ҳамда таваккалчиликни қайта тақсимлаш орқали тўлов қобилиятини юқори даражада сақлаш имконини бермоқда. Ўзбекистон шароитида ҳам умумий соғлиқ фонди ёки марказлашган қайта тақсимлаш механизмини жорий этиш зарурати мавжуд.

[1] Bundesministerium für Gesundheit. (2024). Grundlagen der GKV-Finanzierung und Gesundheitsfonds. Berlin: BMG.

Франциядаги CNAM (Caisse Nationale d'Assurance Maladie) тизимида ҳам жамоавий бадаллардан ташқари давлат бюджетидан аниқ ажратмалар (dotations budgétaires) амалга оширилади. Суғурта тўловлари миқдори аниқ ҳисоб-китоб асосида белгиланиб, давлат солиқ имтиёзлари орқали аҳолининг суғуртага қизиқишини оширишга ҳаракат қилади[1].

Франциядаги молиявий сиёсатдан кўринадики, солиқ сиёсатини суғурта бозорига интеграция қилиш аҳолининг иштирок даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Шу боис, Ўзбекистонда ҳам суғурта бадаллари бўйича солиқ имтиёзлари ва қайтармалар механизмларини жорий этиш имкониятлари ўрганилиши лозим.

Сингапурда эса хусусий шахсий жамғармаларга асосланган S+3Ms (Subsidies, MediSave, MediShield Life, MediFund) тизими шаклланган бўлиб, ҳар бир ишчи ва иш берувчи томонидан мажбурий суғурта бадаллари Central Provident Fund (CPF) орқали шахсий ҳисобларга йўналтирилади. Ушбу маблағлар давлат томонидан юқори даромадли инструментларга инвестиция қилинади ва суғурта харажатлари мана шу маблағлар ҳисобидан қопланади. Кам таъминланган аҳоли учун MediFund орқали давлат ёрдами кўрсатилади[2].

Фикримизча, Сингапурнинг шахсий жамғарма ва инвестицияга асосланган модели молиявий мустақилликни таъминлайди. Ўзбекистонда бу йўналишда аҳоли ҳисоб рақамлари орқали бевосита инвестиция воситаси сифатида суғурта жамғармаларини шакллантириш имкони бор, аммо бу учун институционал, ахборот ва ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш талаб этилади.

АҚШда эса давлат томонидан молиялаштириладиган Medicare (нафақахўрлар учун) ва Medicaid (кам таъминланганлар учун) дастурлари фаолият юритади. Бу дастурлар федерал бюджет маблағлари, баъзан штат бюджети ҳиссалари ва хусусий суғурта компаниялари ҳамкорлиги асосида молиялаштирилади. Суғурта хавфлари қўшма молиялаштириш ва қайта суғурта механизмлари орқали камайтирилади[3].

АҚШ тажрибасидан хулоса қилиш мумкинки, турли молиялаш манбаларини бирлаштириш ва хусусий суғурта сектори билан интеграция орқали хавфларни самарали тақсимлаш мумкин. Бу Ўзбекистонда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун амалий асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Япониядаги Kokumin Kenko Hoken тизимида иш берувчилар ва фуқаролар бадаллари асосий молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Қўшимча равишда маҳаллий ҳокимиятлар томонидан демографик ҳолатга кўра тўловлар амалга оширилади. Япония тизимида аҳоли гуруҳлари ўртасидаги таваккалликни қайта

[1] **OECD.** (2023). *Health at a Glance 2023: OECD Indicators*. OECD Publishing. Paris. ISBN: 978-92-64-35728-9. – pp. 101–117.

[2] **CPF Board Singapore.** (2023). *Annual Report: MediSave and MediShield Life Statistics*. Singapore Government Press.

[3] **OECD.** (2023). *Health at a Glance 2023: OECD Indicators*. OECD Publishing. Paris. ISBN: 978-92-64-35728-9. – pp. 101–117., **Social Security Administration (SSA).** (2023). *Medicare & Medicaid at a Glance*. SSA Bulletin. Vol. 83, No. 2. – pp. 11–17.

тақсимлаш ҳамда ликвидликни сақлаш орқали молиявий барқарорлик таъминланади[1].

Кўриниб турибтики, Япония модели маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий иштирокини ҳам ўз ичига олганлиги билан аҳамиятли. Ўзбекистонда суғурта муносабатларида ҳудудий бюджетлар иштирокини таъминлаш — тизимни ўрта ва узоқ муддатда барқарорлаштиришнинг муҳим механизми бўлиши мумкин.

Swiss Re Institute томонидан таъкидланганидек, ҳаёт суғуртаси фақат таваккалчиликни ёпиш воситаси эмас, балки инвестиция фаолияти орқали даромад келтирадиган молиявий инструмент сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Масалан, unit-linked, endowment, ва whole life insurance турлари орқали суғурта компаниялари ўз резервларини капитал бозорларига йўналтиришади, бу эса иқтисодиётга узоқ муддатли молиявий таъсир кўрсатади[2].

Фикримизча, суғурта маҳсулотларининг инвестицион функцияси нафақат суғурта компаниялари даромадини оширади, балки миллий капитал бозорини ривожлантиришга хизмат қилади. Шу боис, Ўзбекистонда ҳаёт суғуртаси турларини инвестицион имкониятлар билан боғлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Қуйида ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ суғурта тизимини молиялаштиришдаги асосий халқаро моделлар ва Ўзбекистон амалиётидаги ҳолатни таққослама шаклда баён этувчи жадвал келтирилади:

[1] **World Bank Group.** (2022). *The Future of Health Financing in Asia: Challenges and Innovations*. Washington D.C. – pp. 45–59.

[2] **Social Security Administration (SSA).** (2023). *Medicare & Medicaid at a Glance*. SSA Bulletin. Vol. 83, No. 2. – pp. 11–17.

1-жадвал: Халқаро мамлакатларда ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ суғурта муносабатларини молиялаштириш тажрибаси ва диссертант муносабати *(муаллиф томонидан тузилган)*

Мамлакат	Молиялаштириш манбалари	Жамғармалар бошқаруви	Давлат иштирокининг хусусияти	Диссертант муносабати
Германия	Иш берувчи ва ишчи ҳиссалари (GKV), давлат субсидиялари	“Gesundheitsfonds” марказлашган бошқарув, таваккалчилик қайта тақсимоти	Федерал бюджетдан тўғридан-тўғри молиявий ёрдам	Ўзбекистонда суғурта жамғармаларини марказлаштириш асосида қайта тақсимлашни жорий этиш мақсадга мувофиқ
Франция	Иш ҳақидан бадаллар, давлат бюджети ва солиқ имтиёзлари	CNAM орқали марказлашган бошқарув	Солиқ имтиёзлари ва давлат тўловлари билан рағбатлантириш	Солиқ имтиёзлари орқали аҳолининг суғуртага қизиқишини ошириш зарур
Сингапур	Мажбурий шахсий бадаллар (CPF), давлат инвестициялари	Шахсий ҳисоблар орқали давлат инвестициясида бошқарилади	Кам таъминланганлар учун субсидиялар (MediFund)	Ўзбекистонда шахсий жамғармаларни электрон ҳисоблаш ва инвестициялаш имконияти мавжуд, ҳуқуқий база талаб этилади
АҚШ	Федерал ва штат бюджети (Medicare/Medicaid), хусусий компаниялар	Давлат дастурлари ва хусусий суғурта ўртасида тақсимланган	Қўшма молиялаштириш, қайта суғурта орқали хавфларни камайтириш	Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш лозим
Япония	Ишчи ва иш берувчи бадаллари, маҳаллий ҳокимият маблағлари	Аҳоли ўртасида таваккалчиликни қайта тақсимлаш	Демографик таркибга қараб маҳаллий тўловлар	Суғуртага маҳаллий бюджетларни жалб этиш Ўзбекистонда муҳим ислоҳ бўлиши мумкин
Ўзбекистон	Давлат бюджетидан тўловлар, иш берувчи ҳиссалари, ихтиёрий бадаллар	Давлат суғурта компаниялари орқали бошқарилади	Ҳимояланган гуруҳларга тўловлар амалга оширилади	Тизим молиявий жиҳатдан чукур ислоҳ қилиниши, халқаро молиявий ёндашувлар жорий этилиши лозим

Таҳлил натижаси сифатида, ривожланган давлатлар тажрибасида ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ суғурта муносабатларини молиявий таъминлашда кўп манбали молиялаштириш, марказлашган бошқарув, субсидия ва солиқ сиёсатининг интеграцияси, ҳамда инвестицион фаолликни таъминловчи механизмлар ўртага чиқади. Ўзбекистонда бу тажрибаларни ўрганган ҳолда, суғурта жамғармаларини шакллантириш, жавобгарликни қайта тақсимлаш ва рақамли молиявий технологияларни жорий этиш орқали миллий тизимни барқарор ривожлантириш мумкин.

Халқаро суғурта моделларининг молиявий таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, Германиядаги суғурта тизими ижтимоий мажбурий тиббий суғурта асосида ташкил этилган бўлиб, унинг молиялаштириш манбалари фуқаро ва иш берувчи бадаллари (ҳар бири 7.3% ёки жами 14.6%) ҳисобидан шаклланади. Суғурта жамғармалари марказлашган “Gesundheitsfonds” орқали бошқарилади. Бу фонд йиғилган маблағларни аҳоли сони, таваккаллик ва эҳтиёж даражасига қараб қайта тақсимлайди, бу эса ўзаро молиявий мувозанатни таъминлайди.

Бунинг молиявий афзалликлари жамғарма пул оқимининг аниқ назорати ва ҳисобдорлиги таъминланади, кам таъминланган ёки кўпроқ тиббий хизматга муҳтож аҳоли учун давлат субсидиялари орқали молиявий юк камайтирилади, суғурта муассасалари ўртасида солиштирма адолат ва барқарорлик сақланади.

Тўғри, Ўзбекистонда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги 515-сон қарорига 2-иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси тўғрисида Низом”[450] мавжуд.

Ушбу Низом, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) мақоми, унинг маблағларини шакллантириш, улардан фойдаланиш, ҳисоб ва ҳисоботни юритиш тартибини белгилайди.

Низомга кўра:

Жамғарма юридик шахс эмас, аммо мустақил маблағ ҳаракатларига эга.

Жамғарма маблағлари Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг республика миқёсидаги алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақларида йиғилади.

Унинг маблағлари республика бюджети, хорижий ва халқаро донорлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайриялари ҳамда бошқа манбалар ҳисобига шаклланади.

Асосий харажатлар ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, шунингдек, давлат ижтимоий суғуртаси доирасида белгиланган нафақаларни тўлашга йўналтирилади.

[450] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги 515-сон “Давлат ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.09.2022 й., 09/22/515/0836-сон; 24.06.2024 й., 09/24/314/0439-сон; 08.10.2024 й., 09/24/640/0791-сон / https://lex.uz/docs/6200266#6983887.

Маблағлардан фойдаланиш “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали шакллантирилган маълумотлар асосида амалга оширилади ва ҳисоботлар ҳар чоракда тегишли идораларга тақдим этилади.

Жамғарманинг фойдаланилмаган маблағлари йил охирида бюджетга қайтарилмайди, балки кейинги йилга ўтказилади.

Давлат молиявий назорати инспекцияси жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади[451].

Ўзбекистоннинг Ижтимоий суғурта жамғармаси моделини Германиянинг “Gesundheitsfonds” моделидан асосий фарқлари жадвалда келтириб ўтилган.

2-жадвал. Ижтимоий суғурта жамғармаси моделини Германиянинг “Gesundheitsfonds” моделидан асосий фарқлари.

Критерийлар	**Ўзбекистон (Жамғарма Низоми)**	**Германия (Gesundheitsfonds)**
Марказлашган бошқарув	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурида, ҳудудий молия органлари орқали	Мустақил давлат жамғармаси, GKV (Gesetzliche Krankenversicherung) тармоғи орқали
Қамров	Фақат ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳамда ижтимоий нафақалар билан чекланган	Барча аҳоли қатламларини қамраб олувчи, умумий тиббий суғуртани молиялаштирувчи тизим
Молиялаштириш манбалари	Асосан давлат бюджети ва хайриялар	Иш берувчи ва ишчи бадаллари (14.6%), шунингдек, давлат субсидиялари
Қайта тақсимлаш механизми	Тўғридан-тўғри тўлов реестрлари орқали	Аҳоли сони, ёш таркиби ва соғлиқ ҳолатига қараб “risk adjustment” асосида қайта тақсимлаш
Институционал мақоми	Юридик шахс эмас, вазирлик таркибида	Мустақил, ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланган ташкилот
Суғурта турлари	Фақат ижтимоий нафақаларга доир	Ҳар томонлама тиббий, фармацевтик ва профилактик хизматларни қамраб олади
Ахборот тизими	“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га боғланган	Ҳар бир фуқаро учун GKV рақами асосида ягона рақамли суғурта базаси

Ўзбекистондаги Ижтимоий суғурта жамғармаси функционал жиҳатдан чекланган бўлиб, асосан ҳомиладорлик ва ижтимоий нафақаларга йўналтирилган. Унга тўлиқ ҳаёт ва соғлиқ суғурта тизими сифатидаги марказлашган жамғарма мақоми берилмаган.

[451] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги 515-сон “Давлат ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.09.2022 й., 09/22/515/0836-сон; 24.06.2024 й., 09/24/314/0439-сон; 08.10.2024 й., 09/24/640/0791-сон / https://lex.uz/docs/6200266#6983887.

Германиянинг Gesundheitsfonds модели эса миллий даражадаги тўлиқ тиббий суғурта тизимини молиялаштиришга йўналтирилган, қайта тақсимлаш ва барқарор молиялаштириш функцияларига эга тўлақонли мустақил молиявий институтдир.

Германия модели асосида Ўзбекистонда ҳам суғурта жамғармаларини марказлаштириш ва қайта тақсимлаш орқали тўлов қобилияти ва молиявий барқарорликни таъминлаш имконияти мавжуд. Давлат бюджети ва хусусий бадаллар ўртасидаги мувозанат орқали таваккалчилик тақсимоти яратилиши мумкин. Таклиф этилаётган моделнинг ижобий жиҳатлари жадвалда келтириб ўтилади.

3-жадвал. Германия модели асосида Ўзбекистонда суғурта жамғармаларини молиявий барқарорликни таъминлаш моделининг афзалликлари

Аспект	Амалдаги Низом (515-сон)	Таклиф этилган модель
Юрисдикция	Фақат давлат ижтимоий суғуртаси учун амал қилади; асосан меҳнат муносабатлари, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ва моддий ёрдам билан боғлиқ	Барча турдаги ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ суғурталарни қамраб олувчи кенг қамровли марказлашган жамғарма (GKV моделига ўхшаш)
Молиялаштириш манбалари	Давлат бюджети, ягона ижтимоий тўлов, суғурта бадаллари ва қўшимча манбалар	Давлат, фуқаро ва иш берувчи бадалларини қамраб олувчи кўп манбали молиялаштириш
Қамров доираси	Фақат давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта (тайинланган ҳолатларда)	Ихтиёрий ва мажбурий ҳаёт ва соғлиқ суғурталарини қамраб олади; фуқаролик бозори иштирокчиларини ҳам ўз ичига олади
Қайта тақсимлаш механизми	Белгиланмаган ёки чекланган; вазирлик тасарруфида	Таваккалчилик, демография, эҳтиёж даражаси ва ликвидликга асосланган автоматлаштирилган қайта тақсимлаш (Gesundheitsfonds моделига асосан)
Марказлашув даражаси	Ҳозирда фақат вазирлик тизими ичидаги жамғарма	Мустақил марказлашган жамғарма ва бошқарув тузилмаси (суверен орган сифатида)

Солиқ сиёсати билан боғлиқ рағбатлантириш Франция моделининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Франциядаги CNAM[452] тизими иш ҳақидан ундириладиган бадаллар ва давлат бюджети ажратмаларига асосланган. Хусусияти шундаки, Франция солиқ сиёсати орқали аҳолини суғурта тизимида фаол иштирок этишга

[452] ***CNAM*** — Франциядаги миллий миқёсдаги давлат органи бўлиб, у мамлакат аҳолисининг тиббий суғуртаси учун жавобгар ҳисобланади. Бу тизим орқали француз фуқаролари ва доимий яшовчилар соғлиқни сақлаш хизматларидан тўлиқ ёки қисман бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

рағбатлантиради, суғурта бадаллари солиқ солинадиган даромаддан чиқариб ташланади.

Бунинг молиявий афзалликлари бадаллар ҳажми даромад даражасига мослаштирилган холда солиқ имтиёзлари орқали молиявий иштирок рағбатлантирилади, давлат тўғридан-тўғри иштирок этмайди, балки бозор механизмларига таянади.

Мазкур моделнинг ижобий жиҳатлари Ўзбекистон учун татбиқ этилган тақдирда, солиқ сиёсати орқали аҳолини суғуртага жалб этиш имконияти юқори бўлади. Суғурта шартномаларини солиқ имтиёзига эга молиявий ҳужжат сифатида тан олиш миллий бозорни ривожлантиришда муҳим бўлиши мумкин.

Шахсий жамғарма ва инвестицияга асосланган муҳим моделлардан бири Сингапур моделидир. Сингапурдаги S+3Ms (MediSave, MediShield Life, MediFund ва субсидиялар) тизими шахсий ҳисоблар асосида ташкил этилган. Har bir фуқаро ва иш берувчи Central Provident Fund (CPF) орқали суғурта жамғармасини тўплайди, бу маблағлар давлат томонидан юқори ликвид активларга инвестиция қилинади.

Унинг молиявий афзалликлари ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳисоб рақами орқали шаффоф молиялаштириш, давлат маблағларни фойда келтирадиган тарзда инвестициялаш орқали жамғарма ўсишини таъминлайди, кам таъминланганлар учун ижтимоий давлат ёрдами мавжудлигидадир.

Ўзбекистон учун ушбу моделнинг афзаллиги ҳарбийлар, бюджет ходимлари ёки пенсия тизимида иштирок этувчилар учун шахсий жамғарма ҳисобларини ташкил этиш, уларни инвестициялаш ва тўлов қобилиятини оширишнинг самарали механизмларидан бири бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, қўшма молиялаштириш ва кўп даражали иштирок АҚШ моделига хосдир. АҚШдаги Medicare ва Medicaid дастурлари федерал бюджетдан молиялаштирилади, баъзан штатлар ҳам молиявий ҳисса қўшади. Бу дастурлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига қаратилган. Хусусий суғурта компаниялари орқали бозорда рақобат кучли сақланади. Унинг молиявий афзалликлари хусусий ва давлат суғуртаси ўртасида рақобатли муҳит, федерал ва штат даражасидаги қўшма молиялаштириш тизими, қайта суғурта ва субсидия механизмлари орқали хавф тақсимланиши билан боғлиқдир.

Мазкур тажрибани Ўзбекистонга татбиқ этиш учун ҳукумат суғурта тизимини бир ёқлама бюджет маблағлари билан эмас, балки хусусий секторни жалб этган ҳолда шакллантириши зарур. Қўшма молиялаштириш модели жорий этилиши истиқболли йўналиш ҳисобланади.

Япония модели учун маҳаллий бюджетлар ва демографик мувофиқлашув сосий мезон бўлиб, Япониядаги Kokumin Kenko Hoken тизимида иш берувчи ва ишчи бадалларидан ташқари, маҳаллий ҳокимиятлар ҳам молиялаштиришда иштирок этади. Демографик мувозанатни сақлаш учун аҳоли ёш таркиби ва таваккалчилик даражаси ҳисобга олинади. Бу моделнинг молиявий афзалликлари ҳудудий бюджетларнинг суғурта харажатларидаги роли, демография ва

таваккалчилик моделлари асосида қайта тақсимлаш, давлатнинг вазифаси тўлов кафолати эмас, балки тизимнинг барқарорлигини таъминлаш билан изоҳланади.

Ўзбекистон учун татбиқ этилиши суғурта соҳасида маҳаллий ҳокимиятларнинг иштирокини кучайтириш, регионлар даражасида жавобгарликни таъминлаш тизимни барқарорлаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистон моделида суғурта муносабатлари асосан давлат томонидан молиялаштириладиган мажбурий суғурта турлари (асосан ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар) орқали амалга оширилади. Хусусий сектор ҳозирча заиф ривожланган. Ихтиёрий ҳаёт ва соғлиқ суғуртасига нисбатан аҳоли иштироки паст.

Бунинг молиявий камчиликларини молиялаштириш манбаларининг етарли диверсификация қилинмаганлиги, жамғармалар марказлашмаган ва ҳисобдорлиги паст, суғурта маданияти ва ҳуқуқий механизмлар етарли эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Фикримизча, Ўзбекистонда ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси муносабатларини молиялаштириш тизимини қайта кўриб чиқиш, давлат–аҳоли–хусусий сектор ўртасидаги молиявий вазифаларни аниқ тақсимлаш зарур. Халқаро илғор амалиётлардан келиб чиққан ҳолда, қайта суғурта, шахсий жамғармалар, инвестиция тизимлари ва маҳаллий бюджетларни жалб этувчи молиявий платформаларни жорий этиш тавсия этилади.

Юқоридаги таҳлил шуни яққол кўрсатадики, ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ суғурта муносабатларини молиявий жиҳатдан самарали ташкил этишда ривожланган давлатлар комплекс ёндашувлардан фойдаланмоқда. Улар орасида энг кенг тарқалган ва самарали деб баҳоланадиган молиявий механизмлар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, кўп манбали молиялаштириш – фуқаро, иш берувчи ва давлат иштирокида тўловларни амалга ошириш;

иккинчидан, суғурта жамғармаларини марказлашган ҳолда бошқариш ва қайта тақсимлаш – хавфларни барқарор равишда тақсимлаш;

учинчидан, давлат субсидиялари ва солиқ имтиёзлари – ижтимоий адолат ва суғурта иштирокини рағбатлантириш;

тўртинчидан, инвестициявий суғурта маҳсулотлари – суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш;

бешинчидан, шахсий ҳисоблар ва рақамли жамғармалар – фуқароларни молиявий режалаштиришга жалб қилиш.

Ўзбекистоннинг амалдаги молиявий суғурта тизими, айниқса ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ мажбурий суғурта фаолияти бу талаблардан кўп жиҳатдан орқада экани таъкидланиши лозим. Ҳозирча фақат давлат бюджети ҳисобига қаратилган мажбурий тўловлар, айрим ҳолларда иш берувчи ҳиссалари мавжуд бўлиб, хусусий сектор ва аҳолининг иштироки етарли эмас.

Юқоридаги ҳуқуқий ва молиявий механизмлар суғурта бозорида иштирок этувчи ҳар бир субъектнинг (давлат, фуқаро, хусусий сектор) масъулиятини аниқ белгилашга, молиявий барқарорликни таъминлашга ва суғурта маданиятини ривожлантиришга қаратилган. Халқаро моделлардан илмий асосда ўзлаштирилган ёндашувлар Ўзбекистон суғурта тизимини янги босқичга олиб чиқиши мумкин.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасида ҳаёт суғуртаси нафақат ижтимоий ҳимоя механизми, балки кенг қамровли инвестицион ва молиявий восита сифатида ҳам фаолият юритади. Масалан, АҚШ ва Буюк Британияда ҳаёт суғуртаси полислари кўплаб турларга ажратилади: term insurance (муддатли суғурта), whole life (умрбод суғурта) ва universal life (универсал суғурта). Мазкур турлар нафақат хавфларни суғурталашни, балки суғурта полиси эгасига муайян фоизларда даромад тақдим этишни ҳам назарда тутади[453].

Инвестицион хусусиятга эга маҳсулотлар – жумладан, unit-linked (бирлик билан боғланган) ва endowment (жамғарма суғуртаси) полислари – активлар бозоридаги ўсишдан даромад олиш имконини беради. Улар суғурта премиясининг муайян қисми инвестиция фаолиятига йўналтирилиши билан ажралиб туради, бунда суғурталанувчи инвестор сифатида ҳам иштирок этади[454]. Бундай моделлар Германия, Франция ва Нидерландияда кенг тарқалган бўлиб, молиявий бозор ривожланган шароитларда юқори самарадорликка эга.

Ҳаёт суғуртаси компаниялари ликвидликни таъминлаш ва узоқ муддатли мажбуриятларни бажариш учун захира фондлари тузади. Улар актив ва пассив мослигини таъминлаш принципига амал қилиб, давлат облигациялари, корпоратив бондлар, кўчмас мулк фондлари ва диверсификацияланган инвестиция портфеллари орқали активларини бошқарадилар[455].

Тур полисларининг молиявий ривожланиши ва резерв тизимлари очилган бўлса, кейинги хорижда соғлиқ суғуртаси молиявий тизими ҳам шу принциплар асосида DRG, capitation, P4P каби молиявий механизмлар таҳлил қилинади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида молиявий механизмлар давлат ва хусусий сектор ўртасида аниқ тақсимот асосида йўлга қўйилган. Япония, Германия ва Франция каби мамлакатларда иш берувчи ва ишчи бадаллари, давлат бюджетидан дотациялар ҳамда аҳоли тўловлари орқали молиялаштириш тизими амал қилмоқда[456]. Масалан, Германияда ҳар бир фуқаро мажбурий равишда касаллик суғуртаси жамғармасига аъзо бўлиб, иш ҳақининг маълум фоизини суғурта тўлови сифатида тўлайди. Бу маблағлар “Gesetzliche Krankenversicherung” (GKV) орқали марказлаштирилади. Давлат бу жамғармаларга бюджет орқали қўшимча маблағ ажратади, айниқса пенсия ёшидаги аҳоли учун[457].

[453] Investopedia, “Term vs. Universal Life Insurance” (turn0search10), page details on product differences.
[454] Investopedia, “Types of Life Insurance Plans…” (turn0news19), 2023, pp.1–3.
[455] Wikipedia, “Whole life insurance” (turn0search26), reserve requirements.
[456] Commonwealth Fund, “Germany Health System Profile” (turn0search1), 2019–2020, pp.10–15.
[457] NCBI, “Country-level effects of diagnosis-related groups” (turn0search9), 2004 Germany.

Тиббиёт муассасаларига тўлов қилишда турли молиявий моделлар қўлланилади: capitation (бош сонига нисбатан тўлов), DRG – diagnosis-related group (касаллик турига қараб стандарт тўлов), P4P – pay for performance (сифатига асосланган тўлов). Бу модель АҚШ, Швеция ва Австралияда самарали натижа бермоқда, чунки улар тиббий хизматларни сифат ва самарадорликка боғлайди[458].

Соғлиқ суғуртаси молиявий механизмлари ҳаёт суғуртасининг резерв ва ликвидлик принциплари билан умумий институционал механизмга айланди.

Суғурта тизимида илғор молиявий механизмларни жорий қилиш орқали молиявий барқарорлик ва таваккалчиликни самарали бошқаришга эришилмоқда. Хусусан, Швейцария ва Сингапурда суғурта резервлари динамик равишда қайта баҳоланиб, актуар ҳисоб-китоблари ва risk-based capital (RBC) стандартлари асосида шакллантирилади. Бу – капитал етарлилигини хавф даражасига қараб ҳисоблашни назарда тутади[459].

Рақамли финтех ечимлари, автоматлаштирилган суғурта платформалари, real-time underwriting (онлайн баҳолаш) каби технологиялар суғурта ҳисоблаш жараёнларини соддалаштирмоқда. Масалан, Эстония ва Кореяда тиббий суғурта ҳисоб-китоблари тўлиқ автоматлаштирилган, бунда инсон аралашуви минималлаштирилган[460].

Шу билан бирга, аҳолининг қариши туфайли узоқ муддатли суғурта харажатларини молиялаштиришда пенсия жамғармалари билан интеграция қилинган схемалар, “long-term care insurance” (Япония, Германия) ва "reverse mortgage-based insurance" каби ечимлар қўлланилмоқда[461].

Илғор молиявий механизмлар орқали узоқ муддатли молиявий барқарорликнинг рақамли, актуарий ва интеграцияланган механизмлари тушунтирилган бўлиб, бу ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси билан боғлиқ молиявий муносабатларнинг амалдаги имконлари сифатида жой олган.

Юқорида таҳлил қилинган хорижий тажриба шундан далолат берадики, ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси соҳасида молиявий механизмлар фақат ижтимоий ҳимоя воситаси бўлиб қолмай, балки молиявий бозорни ривожлантирувчи стратегик инструментга айланган. Ўзбекистонда бу соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар – суғурта маданиятининг паст даражада эканлиги, инвестицион маҳсулотлар диверсификациясининг йўқлиги, суғурта тўловларини ҳисоблашда ягона молиявий стандартлар етарлича жорий қилинмаганлигидир.

Юқорида таҳлил қилинган хорижий мамлакатларнинг моделларини чуқур ўрганиш асосида ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси тизимида давлат, аҳоли ва хусусий сектор иштирокидаги молиялаштириш моделини амалга ошириш ва ушбу модел асосида тайёрланган иқтисодий моделлаштириш натижаларини қуйидаги жадвалда

---

[458] WHO PDF (turn0search3), capitation/P4P globally, pp.21–22.

[459] Wikipedia, “Universal life insurance” (turn0search25), RBC & reserve uses.

[460] Everlylife, “Characteristics of a universal life insurance policy” (turn0search16), 2024. https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC11283398/.

[461] Universal Health Coverage through Statutory Health Insurance in Germany. https://dvararesearch.com/universal-health-coverage-through-statutory-health-insurance-in-germany/?utm_source.

келтириб ўтамиз. Бу модел Ўзбекистон шароитида суғурта тизимига инновацион ёндашувлар жорий этилса, унинг бюджетга таъсири, суғурта жамғармасининг фойдаси ва аҳолининг иштирок даражаси орқали давлат харажатларини тежаш имконини кўрсатади.

Жадвал. Иқтисодий моделлаштириш натижалари

Йил	Давлат харажатлари (млрд сўм)	Аҳоли бадаллари (млрд сўм)	Хусусий сектор ҳиссаси (млрд сўм)	Умумий молиялаштириш (млрд сўм)	Суғурта жамғармаси фойдаси (12%)	Давлат бюджетидан тежалган маблағ (млрд сўм)
2025	500	100	50	650	78.0	50.0
2026	600	200	100	900	108.0	100.0
2027	650	300	150	1100	132.0	150.0
2028	700	400	200	1300	156.0	200.0
2029	750	500	250	1500	180.0	250.0

Ушбу иқтисодий моделлаштириш бирқанча ижобий натижаларни беради. Хусусан, биринчидан, умумий молиялаштириш ҳажми йилдан-йилга ортади, жумладан, 2025 йилда 650 млрд сўмдан 2029 йилда 1,5 трлн сўмгача. Бу суғурта тизимида барқарорликни таъминлаш ва инвестицион салоҳиятни кучайтиришга хизмат қилади. Иккинчидан, суғурта жамғармасининг йиллик фойдаси 2025 йилда 78 млрд сўм бўлса, 2029 йилда 180 млрд сўмгача етади. Бу маблағлар орқали қайта суғурта, захира резервлари ва ижтимоий йўналтирилган суғурта дастурлари молиялаштирилиши мумкин. Учинчидан, аҳоли бадаллари ҳиссаси бюджет юкини камайтиради. 2029 йилга келиб, 250 млрд сўм давлат харажатлари камайиши мумкин (аҳолининг фаол иштирок этган ҳолатида). Бу бюджет харажатларини оптималлаштириш учун муҳим имкониятдир.

Ушбу модел асосида давлат, фуқаро ва хусусий секторнинг молиявий иштирокини 2025–2029 йиллар давомида босқичма-босқич ошириш стратегияси ишлаб чиқилиши зарур. Жамғарма фойдаси асосида инфратузилмавий суғурта фондлари, реинвестиция дастурлари ва суғурта субсидиялари ташкил этилиши мумкин. Аҳоли бадалларининг кам бўлса ҳам босқичма-босқич киритилиши (масалан, 1-2% иш ҳақидан) орқали фуқароларнинг молиявий жавобгарлиги ва жамғарма шаффофлиги таъминланади.

Биз ушбу моделни визуал диаграмма, фойда-йўқотиш графиги мисолида қуйидагича кўришимиз мумкин.



Ушбу диаграммани қуйидагича таҳлил қилиб ўтамиз:

Умумий молиялаштириш ҳажми йил сайин изчил ўсиб бориб, 2025 йилда 650 млрд сўмдан 2029 йилга келиб 1,5 трлн сўмгача етади. Бу ўсиш аҳоли ва хусусий секторнинг иштирокини босқичма-босқич кенгайтириш ҳисобига таъминланади.

Суғурта жамғармасининг инвестиция фойдаси 2025 йилда 78 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2029 йилда 180 млрд сўмгача ўсади. Бу жамғарма тўлов қобилиятини ошириш ва хавфларни қайта суғурталаш учун муҳим захира ҳисобланади.

Давлат бюджетидан тежалган маблағ (яъни аҳолининг бадаллар ҳиссаси орқали давлат юкини камайтириш) 2025 йилда 50 млрд сўм бўлса, 2029 йилда 250 млрд сўмни ташкил қилади. Бу давлат харажатларини оптималлаштиришда самарали молиявий натижадир.

Мазкур модел ва график таҳлиллар Ўзбекистонда ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ суғурта муносабатларини давлат, фуқаро ва хусусий сектор ўртасида қайта тақсимлаш орқали молиявий барқарорликка эришиш имконини кўрсатади. Ушбу тизим давлат харажатларини камайтириб, суғурта компанияларининг инвестицион фаоллигини кенгайтириш, аҳолининг шахсий молиявий ҳимоясини кучайтириш ва суғурта маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаси асосида Ўзбекистонда ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидаги ҳуқуқий-молиявий таклиф ва тавсияларни амалга ошириш лозим:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси[462] (52-боб), "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни[463] (2021 йил) каби ҳужжатларда суғурта шартномалари ва иштирокчиларининг асосий мажбуриятлари белгиланган бўлса-да, жамғармаларни марказлаштириш ва қайта тақсимлаш масаласига аниқ баён этилмаган. Германиядаги "Gesundheitsfonds" моделидаги каби жамғармаларни марказлаштириш хавфларни қайта тақсимлаш, ликвидликни таъминлаш ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш имконини беради. Шунга кўра, суғурта жамғармаларини марказлаштириш ва қайта тақсимлаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

*иккинчидан***,** Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси[464]да жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ тартиблари белгиланган. Аммо суғурта бадалларини солиқ базасидан чиқариш имкони йўқ. Бироқ, Франция ва Финляндияда фуқаролар томонидан тўланган суғурта бадаллари даромад солиқ базасидан чиқарилади. Бу аҳолининг ихтиёрий суғуртада иштирокини оширади.солиқ имтиёзлари орқали аҳолини суғуртага жалб этиш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, солиқ имтиёзлари орқали аҳолини суғуртага жалб этиш мақсадга мувофиқ.

учинчидан, Ҳозирда мамлакатимизнинг амалдаги суғурта қонунчилигида шахсий суғурта ҳисоблари ва улар орқали инвестиция йўналтириш масалалари назарда тутилмаган. Аммо, Сингапурда ҳар бир фуқарога электрон шахсий суғурта ҳисоби очилади ва маблағлар фоизли давлат инструментларига инвестиция қилинади. Бу ликвидликни ва суғурта тизимининг барқарорлигини таъминлайди. Шунга кўра, Ўзбекистонда шахсий ҳисоб рақамлари ва инвестициявий бошқарув тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун (2019 йил)[465] умумий тартибларни белгилайди, лекин суғурта соҳасига доир алоҳида нормалар мавжуд эмас. АҚШдаги Medicare ва Medicaid дастурлари хусусий суғурта компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Бу рақобат муҳитини сақлайди ва хизмат сифатини оширади. Мазкур тажрибадан

---

[462] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон; 30.03.2022 й., 03/22/760/0249-сон; 21.04.2022 й., 03/22/765/0332-сон, 30.06.2022 й., 03/22/782/0576-сон; 08.11.2022 й., 03/22/801/0998-сон; 25.10.2023 й., 03/23/871/0797-сон; 22.02.2024 й., 03/24/911/0142-сон; 28.02.2024 й., 03/24/914/0161-сон; 05.06.2024 й., 03/24/931/0402-сон; 11.11.2024 й., 03/24/995/0908-сон; 07.02.2025 й., 03/25/1025/0116-сон; 19.02.2025 й., 03/25/1031/0160-сон; 22.04.2025 й., 03/25/1060/0373-сон. // https://lex.uz/acts/111189.

[463] Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонун // https://lex.uz/docs/5739117.

[464] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 17.05.2025 й., 03/25/1063/0445-сон; 17.06.2025 й., 03/25/1069/0510-сон // https://lex.uz/docs/4674902.

[465] Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/537/3113-сон; 23.01.2021 й., 03/21/669/0060-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон; 03.07.2023 й., 03/23/850/0439-сон; 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон; 22.02.2024 й., 03/24/911/0142-сон; 07.02.2025 й., 03/25/1025/0116-сон. https://lex.uz/docs/4329270.

келиб чиқиб, Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик асосида суғурта хизматларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ суғурта муносабатларини молиявий жиҳатдан барқарор ташкил этишда кўп манбали молиялаштириш, давлат-хусусий шериклик, суғурта жамғармаларини марказлашган ҳолда бошқариш, қайта суғурта ва инвестиция асосидаги маҳсулотлар муҳим ўрин тутади.

Германия, Франция, Япония, АҚШ ва Сингапур каби мамлакатлар тажрибаси суғурта тизимининг молиявий самарадорлигини ошириш билан бирга, бюджет юкини камайтириш ва аҳолининг молиявий иштирокини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон шароитида ушбу тажрибаларни илмий асосда ўрганган ҳолда, мослашувчан, миллий хусусиятларга мос молиявий моделларни ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, суғурта тизимини рақамлаштириш, солиқ имтиёзларини жорий этиш, шахсий ҳисоблар асосидаги жамғармаларни шакллантириш ва маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий иштирокини таъминлаш устувор йўналиш сифатида тавсия этилади.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Кутлимуратов Махмуджон Шарипбаевич,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети магистратураси тингловчиси, капитан

Аннотация: Демократик жамиятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш муҳим устувор вазифалардан биридир. Чунки ҳуқуқбузарликлар нафақат қонун бузилиши, балки жамиятда тартибнинг бузилиши, инсон хавфсизлигига таҳдид, иқтисодий барқарорлик ва маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси давлат сиёсати даражасида қаралади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда бу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, жиноятчиликни камайтириш ва аҳоли билан самарали ишлаш механизмларини яратишга қаратилган. Мазкур мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, “оғир” ва “мураккаб” маҳалла.

Кириш. Мамлакатимизнинг ривожланиш жараёнида, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўтган қисқа даврда мамлактаимизда барча соҳаларда кўзга кўринарли ислоҳотлар амалга оширилди, булар ҳар бир соҳада, жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

«Словари и энциклопедии на Академике»[466] (https://dic.academic.ru) сайтида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, «профилактика» тушунчаси грекча «prophylaktikos» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилига айнан таржима қилинганда «сақлаш, эҳтиёт қилиш» (предохранительный) маъносини беради. «Профилактика» тушунчасига «олдини олиш, эҳтиёт чораси(ни) кўриш, олдиндан бартараф қилиш» (предотвращение), «хабардор қилиб қўйиш, огоҳлантириш, олдини олиш» (предупреждение), «сақлаш, эҳтиёт қилиш» (предохранение) сўзлари синоним сўзлар ҳисобланади.

Фикримизча, профилактика бу ҳар қандай соҳада вужудга келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг "олдини олиш" маъносини англатади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда жиноят ва бошқа ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг содир этилишини барвақт аниқлаш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Ушбу жараённинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Фуқароларда ҳуқуқий онгни шакллантириш;
- Ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;
- Қонун устуворлигини таъминлаш;
- Жиноятга мойил тоифалар билан ишлашни самарали ташкил қилиш.

Шу ўринда ҳуқуқбузарлкилар профилактикаси тушунчасига алоҳида тўхталадиган бўлсак, **“ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”** — бу ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими[467] бўлиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига оид ислоҳотлар асосан қонунчилик ва давлат органларининг ишини такомиллаштириш, жамоатчилик ва фуқароларни профилактика жараёнларига жалб қилиш,

[466] Словари и энциклопедии на Академике. https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc3p/246202

[467] Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. 3-м. Электрон манба: https:// https://lex.uz/docs/2387357. (мурожаат вақти 17.09.2025)

профилактика фаолиятининг мониторингини таъминлашга қаратилган. Ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:

- **Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш**: Жамиятдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятлар хавфини камайтириш.
- **Профилактика фаолиятини самарали ташкил қилиш**: Давлат органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш.
- **Қонунчиликни мукаммаллаштириш**: Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни ислоҳ қилиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликни олдини олиш жамиятдаги ҳуқуқий тартибни сақлашга қаратилган муҳим фаолиятдир. Қонунларнинг самарали ишлаши, ҳуқуқий механизимларнинг такомиллаштирилиши, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим омиллардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январь куни қабул қилинган “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 1-сонли Қарори[468] ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасидаги ислоҳотларнинг **янги босқичи**ни белгилайди.

Мазкур қарор мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартараф этиш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада оширишни, шу билан бирга жамиятдаги ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг камайишини ва мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янги даражага кўтариш учун муҳим қадам ҳисобланади.

Мазкур қарор жамиятда маҳаллий даражада ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тизимини такомиллаштириш, маҳаллада хавфсизликни таъминлаш ва жамоатчилик фаоллигини оширишга қаратилган.

---

[468] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1-сон қарори. Электрон манба: https://lex.uz/docs/7330260 (мурожаат вақти 17.09.2025)

Қарорга асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида қандай ижобий ислоҳотлар амалга оширилди?!

Биринчидан, масъул идоралар ва муассасалар учун 2025 йилда «Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш» устувор вазифа этиб белгиланди.

Масъуллар фаолияти ҳар ой якунида — ички ишлар вазири ҳузурида, ҳар чорак якунида — бош прокурор ҳузурида, ҳар ярим йилда бош вазир ҳузурида танқидий муҳокама қилинади, ҳар бир маҳалла кесимида президентга ахборот бериб борилади.

Маҳаллалар жамоат жойлари ва яшаш хонадонларида хавфсиз муҳит яратиш, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳар қандай тажовузларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий рақамли технологиялар ва техник воситаларни кенг жорий этиб борилади.

Иккинчидан, қарорга мувофиқ, вилоятлар марказлари ва криминоген вазият оғир туман (шаҳар)лар маҳаллаларида **профилактика кичик инспектори фаолияти йўлга қўйилди.** Кичик инспекторларга меҳнат мигрантлари, мактаб битирувчилари ва талабалар билан ишлаш вазифаси юклатилди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятидаги мутлақо янги тузилма бўлган туманлараро **маъмурий конвой гуруҳлари** ташкил қилинди[469].

Мазкур қарор қабул қилунгунига қадар маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхоналарга, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказларига ҳамда наркологик касалликларга чалинган шахсларни даволаш муассасаларига олиб боришда профилактика инспекторлари томонидан уларнинг шахсий автотранспортларида ёки тижорат автотранспортларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилган. Бу эса ўз навбатида профилактика инспекторларининг белгиланган маҳалла ҳудудидан ташқарига чиқишига, ортиқча сарф-харажат қилишига ҳамда фуқароларинг ортиқча сарсон бўлишига олиб келаётган эди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар органларида туманлараро **маъмурий конвой гуруҳларининг** ташкил қилинганлиги профилактика инспекторининг вақтини тежашга ҳамда махсус тоифадаги шахсларнинг хавфсизлиги тўлиқ таъминланган ҳолда манзилдан манзилга етказиш, қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, синов тариқасида **криминоген вазият оғир ҳудудлардаги профилактика бўлинмаларида маъмурий амалиёт гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилади** ва улар жиноят иши қўзғатишни рад этишга оид ҳужжатларни ўрганиб,

[469] Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларининг туманлараро маъмурий конвой гуруҳлари фаолиятини тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2025 йил 21 февралдаги 116-сонли буйруғи.

таркибида маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлган ҳолатлар юзасидан ҳужжатларни расмийлаштиради.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти йўлга қўйилади. Унга профилактика (катта, кичик) инспекторлари, хотин-қизлар масалалари бўйича, пробация, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва патруль-пост хизматлари инспекторлари ҳамда тезкор-қидирув хизмати ходими киритилади, Миллий гвардия қўриқлаш бўлинмаларининг нарядлари хизмат олиб бориши ташкил этилади.

Натижада — 5 тагача маҳалла микроҳудудга бирлаштирилади ва жиноятчилик олдини олиш бўйича тезкор ҳаракатланиш тизими яратилади.

“Ижтимоий профилактика тадбирларини”[470]ни самарали амалга ошириш учун:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик «E-ma'muriy ish»да рўйхатдан ўтганда ҳуқуқбузар *(жабрланувчи)*ларга автоматик ижтимоий профилактикани амалга ошириш бўйича хулоса ижрога қаратилади;
- ҳар бир хулоса ижроси устидан кунлик назорат ўрнатилади «маҳалла еттилиги» ва кўмаклашувчиларнинг фаолияти *(KPI)* ижтимоий профилактика натижалари асосида баҳоланади.

Маҳалла раиси «маҳалла еттилиги» ва маҳаллага бириктирилган давлат органлари билан ижтимоий профилактика тадбирларини ташкил этади.

Криминоген вазияти оғир маҳаллаларда камида биттадан «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз йўлак»лар ташкил қилинади.

«Намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз йўлак» ҳамда «Намунали хавфсиз уй»ларни ташкил қилган, криминоген вазияти барқарорлашган «маҳалла еттилиги» ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қўшимча моддий рағбатлантирилиб борилади.

Бир сўз билан айтганимизда, қарорнинг ижроси, унинг асосий мақсадларига эришиш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва натижаларга айниқса эътибор қаратилмоқда.

Фикримизча, бунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида аниқ бирдамлик, ресурслар етказиб бериш ва қарорни бажариш учун тайёрланган профессионал кадрлар муҳим ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини самарали амалга ошириш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳамкорлиги жиноятчиликка қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги ислоҳотлар, қонунлар ва профилактика тадбирлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлиб, улар жамиятдаги ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, жамоатчиликни профилактика фаолиятига жалб қилиш ва давлат органлари ўртасидаги

[470] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 801-сон қарори. Электрон манба https://www.lex.uz/docs/7243832 (мурожаат вақти 18.09.2025)

ҳамкорликни кучайтириш бу жараённинг самарали амалга оширилишига катта ҳисса қўшаётганини айтиш мумкин.

Хулоса. Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси — жамиятдаги ҳуқуқий тартибни сақлаш ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бу фаолият нафақат қонунчиликни мустаҳкамлаш, балки жамиятдаги маънавий ва ижтимоий муҳитни яхшилаш, ёшлар ва аҳолини ҳуқуқий саводхонликка ўргатиш, жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали механизмларини яратишга қаратилган. Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, агар даврий мониторинг, жамоатчилик ва давлат органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик билан амалга оширилса, ўзининг максимал самарасини беради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ушбу соҳадаги ислоҳотлар ахолининг ҳуқуқий онгини ошириш, жиноятчиликни камайтириш ва жамиятда хавфсиз муҳитни яратиш учун янги механизмлар ишлаб чиқилган. Маҳалла тизимининг роли ва жамоатчилик ташкилотларининг фаолияти, шунингдек, ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чоралар, мамлакатдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига катта ёрдам беради.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш – бу фақат жазо бериш эмас, балки жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш, муаммоларни барвақт аниқлаш орқали барқарорликка эришишдир.

Шундай экан, Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ҳам мамлакатда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича самарали тизим яратишда муҳим қадам бўлиб ҳисобланади. Маҳалла тизимидаги ҳуқуқий ва ижтимоий ташаббусларни мустаҳкамлаш, жамоатчилик билан биргаликда профилактик тадбирларни кенгайтириш ва ёшлар орасида ижтимоий масъулиятни ошириш – қарорнинг асосий мақсадларидир. Бу чора-тадбирлар, ўз навбатида, жамиятда умумий хавфсизликни таъминлашга ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т 2023 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентиининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 801-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси ИИВни нг “Ички ишлар органларининг туманлараро маъмурий конвой гуруҳлари фаолиятини тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2025 йил 21 февралдаги 116-сонли буйруғи.

6. Алиев, М. А. (2024). “Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари”. Тошкент, “Академия” нашриёти.

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA AHOLI HUQUQIY ONGI VA HUQUQIY MADANIYATINI YUKSALTIRISHGA DOIR QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

Zamonbekov Umidbek Avazbek o‘g‘li,
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi

Annatatsiya: Ushbu maqolada mamlakatimizda jamoat xavfsizligini takomillashtirishda axolining huquqiy ongi va madaniyatini rivojlantirish bilan bog‘liq ayrim huquqiy muammolar tahlil qilingan va ularni bartaraf etish bo‘yicha qonunchilikni takomillashtirish bo‘yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: huquqiy ong, huquqiy madaniyat, jamoat xavfsizligi, qonun, qonunchilik va boshqalar.

Jamoat xavfsizligini ta’minlashda aholi huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksaltirish muhim ahamiyatga ega. Fuqarolarning qonunlarga rioya qilish va huquqiy munosabatlarda faol ishtirok etish qobiliyati jamiyatda huquqiy tartibotni mustahkamlashga xizmat qiladi. Shu bois, huquqiy ta’limni takomillashtirish, keng jamoatchilikni qonun hujjatlari bilan tanishtirish, profilaktik tadbirlar o‘tkazish va huquqiy savodxonlikni oshirishga qaratilgan loyihalarni amalga oshirish zarur.

Bundan tashqari, huquqni muhofaza qiluvchi organlar va aholi o‘rtasida hamkorlikni mustahkamlash jamoat tartibini samarali ta’minlashga yordam beradi. Shu bilan birga, amaldagi qonunchilikni zamonaviy talablarga moslashtirish, profilaktika va jamoat xavfsizligini ta’minlashga qaratilgan yangi huquqiy mexanizmlarni joriy etish qonun ustuvorligini ta’minlashda dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi.

1994-yil 13-iyunda qabul qilingan «Yoshlarning huquqiy ta’limini takomillashtirishning Kompleks dasturi to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorida[471] yoshlar huquqiy madaniyati va savodxonligini oshirish chora-tadbirlari belgilab qo‘yildi.

Voyaga yetmagan yoshlarimizning huquq haqidagi bilimlarini kengaytirish, huquqqa nisbatan ijobiy munosabatni shakllantirish, huquqiy madaniyatni oshirishda,

[471] https://lex.uz/ru/docs/737318

huquqiy tarbiyaning aynan ijtimoiy-huquqiy asoslariga, shaxs huquqiy ijtimoiylashuv jarayonining dinamikasiga e’tibor qaratish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Bizningcha, huquqiy ijtimoiylashuv muammosini tadqiq etishda voyaga yetmaganlarning o‘ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqqan holda, quyidagilarga alohida e’tibor qaratish zarur: birinchidan, jamiyat barqarorligi, uning rivojlanish yo‘llari va sur’atlari ijtimoiy normalar va qadriyatlarning yangi avlod tomonidan qay tarzda va qanday shaklda o‘zlashtirilishiga bog‘liq bo‘ladi; ikkinchidan, hamma davrlarda va butun dunyoda muayyan sabablarga ko‘ra yoshi katta avlodlarga qaraganda o‘smirlar va yoshlar xulq-atvorining chetga chiqish holati(deviatsiyasi)ning yuqori bo‘lishi kuzatiladi; uchinchidan, sog‘lom mantiqqa ko‘ra, biron-bir jarayon dinamikasini o‘rganishni ushbu jarayonni keltirib chiqaruvchi birlamchi asos va sabablarni o‘rganishdan boshlash maqsadga muvofiq bo‘ladi, shunga ko‘ra, shaxs huquqiy ijtimoiylashuvi tahlilini yoshlar ijtimoiy moslashuvining tahlilisiz amalga oshirish asossiz bo‘ladi.

Shaxsning ijtimoiylashuvidagi muhim jarayonlardan biri sifatida uning og‘ish bosqichi, ya’ni shaxs xulq-atvorida muayyan salbiy illatlarning paydo bo‘lishi bilan bog‘liq jarayon alohida tadqiqot ob’ektini tashkil etadi. To‘g‘rirog‘i, ushbu holat aynan biz tadqiq etayotgan shaxsning huquqbuzarlik sodir etishi bilan bog‘liq ijtimoiylashuv jarayonini qamrab oladi.

Voyaga yetmaganlarning ongi va xulq-atvoridagi deviantlikning eng muhim sabablari qatoriga, fikrimizcha avvalo, har biri o‘z xususiyatlari va qiziqishlariga ega bo‘lgan alohida ijtimoiy-demografik guruh hisoblanuvchi avlodlar o‘rtasidagi ob’ektiv ziddiyatlarni kiritish mumkin. Bunday ziddiyatlar qatoriga, qoida bo‘yicha, mehnat va ijtimoiy xizmatlar bozoridagi raqobatni, katta yoshdagilarning konservatizmi va yoshlarning novatorlik intilishlarini, ba’zilarda g‘amxo‘rlik qilishga moyillikni va boshqalarda qaram bo‘lmaslikka bo‘lgan intilish kabilarni kiritish mumkin.

Bu ziddiyatlar muayyan darajada keskin shaklda bo‘lishi va ijobiy yoki buzg‘unchi tus kasb etishi mumkin. Bundan tashqari, voyaga yetmaganlarninng ijtimoiy yetuk emasligi, o‘z harakatlarining oqibatlarini bashorat qilish qobiliyati yetarli bo‘lmay turib, mustaqil bo‘lishga haddan ziyod intilishi, shuningdek, muhitning ziddiyatli ta’siri ostida individ biologik asoslarining muayyan shaklga ega bo‘lishi bilan bog‘liq ijtimoiylashuv jarayonini o‘zining murakkabligi – bularning hammasi o‘smirlarning hali shakllanmagan ruhiyatiga hal qiluvchi ta’sir ko‘rsatadi va pirovard natijada voyaga yetmagan shaxs xulq-atvorini belgilaydi.

Voyaga yetmaganlar xulq-atvorining yuqori deviantligini keltirib chiqaruvchi muhim sabablarga, bizning fikrimizcha, voyaga yetmagan avlodning fiziologik xususiyatlari: hissiy ta’sirchanlik, o‘zini tutib turishni eplay olmaslik, hayotiy tajriba yetishmagan holda, faol harakatlanishga intilish kabi xususiyatlarni kiritish mumkin. Ijtimoiy deviatsiya muammosi shu darajada jiddiyki, u bilan nafaqat yetakchi olimlar, balki shu bilan birga davlat hamjamiyatlari ham shug‘ullanadilar.

Voyaga yetmaganlar deviant xulq-atvorining o‘ziga xosligini tushuntirish uchun «neytrallashtirish» deb nomlanuvchi nazariyaga murojaat qilish kerak. Uning mohiyati shundaki, o‘smir sodir qilingan faktni inkor qilmay, ijtimoiy normalar ahamiyatini tan olib, ko‘pincha mazkur normalarning o‘ziga nisbatan ko‘rsatadigan ta’sirini neytrallashtirishga, ya’ni o‘z harakatlarini yanada «muhimroq» motivlar (o‘rtoqlarini tashlab ketmaslik, qo‘rqoqlarcha ish tutishga haqqi yo‘qligi va b.) bilan oqlashga, shuningdek, yengillashtiruvchi holatlarni ko‘plab keltirishga, o‘z qilmishining sabablarini tashqi omillardan izlashga harakat qiladi. Bu ijtimoiylashuv jarayonida muayyan qadriyatlarning odatiy ma’nosi o‘zgarishini hisobga olmaslik mumkin emas.

Yuqoridagilar ijtimoiy-huquqiy muhitning individ xulq-atvoriga ta’sir etish mexanizmini ko‘rsatib berish zaruratini keltirib chiqaradi. Shu munosabat bilan ijtimoiy-huquqiy muhitning shaxs huquqiy madaniyatiga va uning huquqiy faolligiga ta’siri to‘g‘risidagi masala nazariy va amaliy qiziqish uyg‘otadi.

Ijtimoiy muhit bu insonni qurshab turgan uning mavjudligini, shakllanishini ta’minlaydigan moddiy va ma’naviy shart-sharoitlarning majmuasi. Ijtimoiy muhit keng ma’noda (makromuhit) umuman ijtimoiy-iqtisodiy tizim ishlab chiqarish munosabatlari, ijtimoiy munosabatlar va institutlar majmui, ijtimoiy ong, jamiyat madaniyatini qamrab oladi. Tor ma’noda (mikromuhit) umuman ijtimoiy muhitning tarkibiy qismida bevosita insonni o‘rab turgan oilasi, mehnat, o‘quv va h.k. jamoalar va guruhlarni o‘z ichiga oladi. Ijtimoiy muhit shaxsning shakllanishi va rivojlanishiga hal qiluvchi ta’sir ko‘rsatadi. Ayni chog‘da inson ijodiy faolligi, faoliyati ta’sirida u ham o‘zgaradi va bu o‘zgarishlar jarayonida odamlarning o‘zi ham o‘zgaradi.

Huquqiy muhit bizning fikrimizcha, makromuhitning tarkibiy qismi hisoblanadi va ijtimoiy muhitni mikrodarajada bavosita ifodalaydigan omil bo‘lib namoyon bo‘ladi.

Huquqiy muhit subyektlar o‘rtasida yuzaga keluvchi o‘ziga xos aloqalar va munosabatlar tizimi bilan tavsiflanadi. Ularning negizida huquqiy qoidalar doirasida amalga oshiriladigan huquqiy xulq-atvor yotadi. Huquqiy muhitning o‘ziga xosligi unga taalluqli maxsus qadriyatlar, o‘z o‘zini tartibga solishning maxsus usuli va huquqiy muhitdagi ijtimoiy subyektlar o‘zaro ta’siri ustidan davlat-huquqiy nazorat vositalarining mavjudligi va harakati orqali ifodalanadi.

Bizningcha, huquqiy muhit – bu huquqiy tartibga solish sohasida ijtimoiy faol subyektlar tomonidan amalga oshirish natijasida jamiyatda yuzaga keluvchi huquqiy aloqalar va munosabatlar majmuida ifodalanadigan, huquq harakati sohasida subyektning borlig‘ini belgilaydigan, subyektni qurshab turgan, bevosita unga yaqin bo‘lgan hayotiy makondir. Shu tariqa, huquqiy muhit jamiyat tuzilmasida makro va mikro muhitni bog‘lab turuvchi unsur, bu tizim tavsifining asosi hisoblanadi. Bu huquqiy muhitni tushunishdagi eng zarur va muhim jihatdir, chunki huquqiy muhit aynan fuqarolarning o‘zaro ta’siri jarayonida huquqiy qoidalarni tatbiq etishda, ularning huquqiy sohadagi faoliyatida va turmush tarzida namoyon bo‘ladi.

Tahlillar shuni ko‘rsatmoqdaki, jinoyatchilikning sodir etilishiga yoshlardagi salbiy xulq-atvor turtki beradi. Oiladagi noto‘g‘ri tarbiya asosiy manbalaridan biri hisoblanadi. Bunday oilalarda ota-ona bilan farzand o‘rtasidagi munosabatlarning yaxshi emasligi ko‘pincha nizolarning kelib chiqishiga sabab bo‘ladi. Misol uchun, muqaddam sudlangan 1999 y.t. D. o‘zining uyida 1970 y.t. B. bilan o‘zaro o‘rtasida kelib chiqqan nizo oqibatida otasiga «menga aql o‘rgatmang» deb gap qaytarib, otasiga jismoniy kuch ishlatib, otasining ko‘krak qismiga pichoq bilan urib, hayot va sog‘liq uchun xavfli bo‘lgan og‘ir shikast yetkazgan[472]. O‘z navbatida, ushbu jinoyatchilikning kelib chiqishiga asosiy omil sifatida oilada yoshlar tarbiyasida yo‘l qo‘yilgan xatolik deyish mumkin. Bu borada A.Avloniy ta’kidlaganidek: «Tarbiya yo hayot, yo mamot, yo najot, yo halokat, yo sadoqat, yo falokat masalasidir»[473].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev bu borada shunday deydi: «Biz bir haqiqatni hech qachon unutmasligimiz lozim: ota-ona, jamiyat e’tiboridan chetdan qolgan bola oilaga quvonch va foyda o‘rniga faqat tashvish keltiradi. Shu bois bola tarbiyasi, yoshlar bilan ishlash biz uchun eng muhim va dolzarb vazifa bo‘lib qolishi shart»[474].

Tarbiya masalasi shunday og‘irki, agar oilada farzand tarbiyasida muayyan xato va kamchiliklar yuzaga kelganda u bartaraf etilmas ekan, bu albatta o‘zining salbiy ta’siri bilan namoyon bo‘ladi.

M.X.Fayziyeva, «agar oilada oilaviy munosabatlar ijobiy bo‘lmasa yoki yetarli darajada shakllanmagan bo‘lsa unda turli muammo va nizolar vujudga keladi»[475], deb yozadi.

Tadqiqot jarayonida jazoni ijro etish muassasalarida jazo muddatini o‘tayotgan o‘n sakkiz yoshga to‘lgan va o‘ttiz yoshdan oshmagan o‘g‘il va qiz bolalarga «Qaysi salbiy ta’sir etuvchi omillar yoshlar jinoyatchiligini keltirib chiqarmoqda»? degan savol bilan murojaat etganimizda ularning 51,8 foizi oilalardagi nosog‘lom muhit sabab bo‘layotganligini, 32,2 foizi yoshlarda huquqiy ongning pastligini, 16 foizi yoshlar ongiga ta’sir etuvchi ma’naviy omillar mavjudligini ta’kidlashgan.

Shuningdek, sud-tergov materiallari tahlil qilinganida, yoshlar jinoyatlarning har uchinchisiga oiladagi nosog‘lom muhit sabab bo‘lganligini kuzatish mumkin[476]. Chunki oila yoshlarning ilk shakllanish o‘chog‘idir. Zero, uning dunyoqarashi, ruhiy shakllanishi aynan oiladagi sharoit asosida shakllanadi. Shuning uchun ham tadqiqotlarimizda oila va undagi mavjud sharoitga alohida e’tibor qaratiladi.

Avvalo shuni ta’kidlash joizki, har bir oila betakror bo‘lib, o‘zining ob’ektiv va subyektiv xususiyatlariga ega. Ushbu xususiyatlar esa yoshlarning shakllanishida

---

[472] Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди архиви 2/104-7-сонли иш.

[473] Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т., 2006. – Б. 38.

[474] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017. – Б. 135.

[475] Файзиева М.Х. Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (эр-хотин мисолида). Псих. фан. ном. дис. ... – Т., 2005. – Б. 36.

[476] Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди архив материаллари таҳлили.

salbiy yoki ijobiy ta’sir o‘tkazadi. Ma’naviy tarbiya har bir oilada o‘ziga xos shaklda namoyon bo‘ladi. To‘g‘ri, ko‘p holatlarda ichkilikbozlik, fohishabozlik kabi illatlarni kelib chiqishi aytib o‘tilgan tarbiya ta’sirida yuzaga kelishini ham ko‘rish mumkin. Zotan, ushbu nomaqbul sharoitlar oilalarda nisbatan kam kuzatilsada, uning salbiy oqibatlari jamiyatda g‘oyatda achinarli holatlarni keltirib chiqaradi.

Yoshlar o‘rtasida o‘tkazilgan so‘rovnoma tahlilidan shu narsa ma’lum bo‘ldiki, jinoyatchilik yo‘liga kirgan 38 foiz yoshlarning oilaviy sharoitlarida ota-onalarning muntazam ichkilikbozlikka berilganligi, rahm-shafqatsizligi, ota-onalar yoki ularning o‘rnini bosuvchi shaxslarning ahloqan buzuqligi kabi illatlarni uchratish mumkin.

Tadqiqotlardan ma’lum bo‘lishicha, jinoyatchilik sodir etgan har to‘rt nafar yoshlardan birining ota-onasi, yaqin qarindoshlari, opa yoki akasi muqaddam sudlanganligi yoki jamiyat uchun foydali mehnat bilan shug‘ullanmaganligini ko‘rish mumkin. Bunday holatlarda oiladagi sharoit yoshlarning shakllanishiga salbiy ta’sir ko‘rsatgan holda, jamiyat manfaatlariga ham ziyon keltiradi. Bizga yaxshi ma’lumki, shaxs yoshligidan boshlab jinoyatchilik yo‘liga kirsa, sudlansa, bu jinoyatchilikning oshishiga olib keladi.

Oilada ma’naviy tarbiyaning yaxshi emasligiga yana bir omil unda nosog‘lom muhitning mavjudligidir, ya’ni axloqiy kelishmovchiliklar natijasida kelib chiqadigan o‘zaro janjal hamda bir-biriga nisbatan qo‘pol munosabatda bo‘lish kuzatilgan oilada jinoyatchilikga moyil yoshlarning shakllanishi yaxshi sharoitdagi oilaga nisbatan ko‘pchilikni tashkil etishini ko‘rish mumkin. O‘ziga xos ravishda ko‘zga tashlanmasada, ammo xavf tug‘dirishi bo‘yicha oilada noto‘g‘ri tarbiya ham alohida e’tiborni qaratishni talab etadi. Chunki noto‘g‘ri tarbiya oqibatida o‘ziga xos yaxshi oilada ham jinoyatchilikga moyil yoshlarning yetishishiga zamin yaratishi mumkin.

Huquqiy ong va huquqiy madaniyat faqat aholi o‘rtasida emas, balki jamiyatda davlat boshqaruvini amalga oshirayotgan davlat tashkilotlari xodimlari o‘rtasida ham yuqori darajada shakllantirilishi lozim. Chunki jamoat xavfsizligini ta’minlashda huquqni muhofaza qiluvchi va ijroiya organlari vakillarining huquqiy savodxonligi va qonuniy qarorlar qabul qilish madaniyati hal qiluvchi omil hisoblanadi.

Ayniqsa, so‘nggi yillarda aholi huquq va erkinliklarini ta’minlash, davlat xizmatlari sifatini oshirish hamda fuqarolarning davlat organlariga ishonchini mustahkamlash jarayonida davlat tashkilotlari xodimlarining huquqiy savodxonligi darajasini oshirish va uni tizimli baholab borish maqsad va vazifalarini belgilash zarurati dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

Ushbu maqsadlarda amalga oshirilishi lozim bo‘lgan asosiy vazifalar quyidagilardan iborat:

Davlat xizmatchilari tomonidan fuqarolarning huquq va qonuniy manfaatlariga rioya etilishini ta’minlash, xizmatda qonuniylik, xolislik va adolat mezonlariga amal qilishga e’tibor qaratish;

Noqonuniy qarorlar qabul qilinishi, vakolatlardan tashqari xatti-harakatlar va huquqbuzarliklar sodir etilishining oldini olish uchun profilaktik tizim joriy etish;

Xodimlarning huquqiy bilimlarini baholash bo‘yicha shaffof, ob’ektiv mezonlarni ishlab chiqish va amaliyotga tatbiq etish;

Davlat xizmatchilari uchun amaldagi qonunchilik va uning yangiliklari bo‘yicha muntazam o‘quv kurslari, simpoziumlar va interaktiv treninglar tashkil etish.

Bunday tizimli va qonuniy yondashuv nafaqat jamoat xavfsizligini ta’minlashda davlat organlari faoliyatining samaradorligini oshiradi, balki davlat idoralari va fuqarolar o‘rtasidagi ishonch muhitini mustahkamlaydi. Shuningdek, qonunchilikda belgilangan vakolatlarning to‘g‘ri ijro etilishi, huquqbuzarliklarga qarshi intizomiy va ma’muriy chora-tadbirlarning o‘z vaqtida ko‘rilishi bilan hamda profilaktik yondashuv kuchaytirilishi orqali ijtimoiy adolat prinsiplari ro‘yobga chiqadi.

Xulosa qilib aytganda, davlat tashkilotlari xodimlarining huquqiy savodxonligini baholash va oshirishga oid huquqiy tartiblarni belgilovchi normativ-huquqiy asoslarni takomillashtirish jamoat xavfsizligini ta’minlashning samarali instrumentlaridan biriga aylanmoqda. Bu jarayonda faqat huquqiy bilim berish bilan cheklanib qolmay, balki mas’uliyat, etika va fuqarolik jamiyati bilan muloqot madaniyatini ham shakllantirish dolzarb hisoblanadi.

Yuqoridagi fikrlarga asoslanib aytish mumkinki, oilada ma’naviy-axloqiy tarbiyaning zaifligi yoki sustligi birinchidan eng avvalo ota yoki onaning ma’naviy-axloqiy tarbiyasining pastligi bilan bog‘liq ekanligi, ikkinchidan, uning oilada o‘sib kelayotgan yoshlar xulq-atvorida salbiy xususiyatlarning shakllanishiga olib kelishi, uchinchidan, yoshlarning jinoyatchilikni keltirib chiqarishi, to‘rtinchidan, yoshlar o‘rtasida salbiy munosabatlarning yuzaga kelishiga o‘z ta’sirini ko‘rsatadi.

Jinoiy xulq-atvorning vujudga kelishini N. Dubin, I. Karpes va V. Kudryavsevlar quyidagicha ta’kidlashgan: Inson tug‘ilganda tayyor ijtimoiy dastur bilan tug‘ilmaydi. Aksincha u individual shaxs sifatida tarkib topish jarayonida shakllanadi[477]. Ushbu tadqiqotchilarning inson qanchalik ma’nan boy, aqlan yetuk bo‘lsa, u jinoyatchilik ko‘chasiga kirib ketmaydi. Ma’naviy qashshoq, irodasiz, ilmsiz, qat’iy hayotiy maqsad va niyatlari bo‘lmagan, ijtimoiy mavqega ega emas kishilarda jinoiy hulq-atvorning paydo bo‘lishi oson va tez kechadi, degan fikrlariga qo‘shilamiz.

Tadqiqotimiz jarayonida Milliy gvardiya organlari xodimlari o‘rtasida o‘tkazilgan so‘rovnomada «Siz xizmat qilayotgan hududda yoshlarda ma’naviy-axloqiy tarbiyaning zaifligi nimada kuzatilmoqda?», deb so‘ralganida, ularning 47,6 foizi muntazam ravishda janjal bo‘lib turuvchi oilalarda, 22,4 foizi qo‘ni-qo‘shnilarning tinchini buzayotgan oilalarda, 18,2 foizi nosog‘lom turmush tarziga ega bo‘lgan oilalarda, 11,8 foizi farzand tarbiyasiga salbiy ta’sir etayotgan ota-ona yoki ularning o‘rnini bosuvchi shaxslarda deb, javob berishgan.

[477] Дубинин Н.П., Карпец И.И., Кудрявцев В.Н. Генетика. Поведение. Ответственность. – М., 1982. – С. 304.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev bu borada shunday deydi: «Biz bir haqiqatni hech qachon unutmasligimiz lozim: ota-ona, jamiyat e’tiboridan chetdan qolgan bola oilaga quvonch va foyda o‘rniga faqat tashvish keltiradi. Shu bois bola tarbiyasi, yoshlar bilan ishlash biz uchun eng muhim va dolzarb vazifa bo‘lib qolishi shart»[478].

Tadqiqot jarayonida Milliy gvardiya organlari xodimlari o‘rtasida «Qaysi omillar yoshlarda mavjud bo‘lgan g‘ayriijtimoiy xulq-atvorni taqozo etmoqda»? degan savolga ularning 53,8 foizi yoshlarda mavjud bo‘lgan g‘ayriijtimoiy xulq-atvor sabab bo‘layotganligini ta’kidlashgan. Bundan tashqari, sud arxividan o‘rganilgan jinoyat materiallarining 46,2 foizida yoshlar ongidagi g‘ayriijtimoiy xulq-atvor ular tomonidan sodir etiladigan jinoyatchilikning kelib chiqishiga sabab bo‘lgan. Demak, tahlillarga asoslanib aytish mumkinki, oiladagi g‘ayriijtimoiy xulq-atvori, nosog‘lom muhitning shakllanishiga, turli nizolarning kelib chiqishiga hamda yoshlarning jinoiy olamga kirishi va tarbiyasizligiga turtki bo‘lmoqda.

Yoshlarning doimiy mehnat faoliyati bilan shug‘ullanmasligi ham xususan doimiy uyda bo‘lish holati, oilada moddiy yetishmovchilikga olib kelishi hech kimga sir emas.

Shu o‘rinda, 2020-2022-yillarda 18 yoshdan – 30 yoshgacha bo‘lgan shaxslar tomonidan jami sodir etilgan 4,5 mingdan ortiq residiv jinoyatchilikning 1,8 mingga yaqin, ya’ni, 39,8 foizini aniq ish joyiga ega bo‘lmagan yoshlar tashkil etgan[479]. Demak, aynan shu «ishsizlik» tushunchasi jamiyatda yoshlar residiv jinoyatchilikni keltirib chiqaruvchi kriminogen holatlar bilan uzviy bog‘liq. Chunki aynan shu ishsizlik holati yoshlarni turli g‘ayriqonuniy xatti-harakatlar qilishiga undaydi.

Bir qator olimlarning fikricha, «jinoyatchilikni sodir etgan yoshlar dunyosi» xilma-xillikda bir-biridan o‘zining boyligi bilan ajralib turadi. Ularning safida kimlarni uchratmaysiz! Jinoyatchilik sodir etmasa turolmaydigan «xavfli residivist»lar o‘g‘rilar, bosqinchilar, bezorilar, giyohvandlar, tovlamachilar, firibgarlar, fohishalar, nazoratsiz va qarovsiz qolgan yoshlar, o‘n sakkiz yoshga to‘lgan lekin ishsizlik tufayli shu ishga qo‘l urganlarni ko‘rish mumkin.

Jazoni ijro etish muassasalarida jazo muddatini o‘tayotgan o‘n sakkiz yoshga to‘lgan va o‘ttiz yoshdan oshmagan shaxslarga «Bugungi kunda qaysi omillar (moddiy yoki ma’naviy) yoshlar jinoyatchiligining kelib chiqishini taqozo etmoqda»? degan savolga ularning 51,8 foizi yoshlar oiladagi moddiy yetishmovchilik va qiyinchiliklar sabab bo‘layotganligini, 48,2 foizi boshqa omillar turtki bo‘lganligini qayd etishgan. Zero, bu borada, professor I.Ismailov to‘g‘ri ta’kidlaganidek, ishsizlikning 10 foiziga ko‘payishi jinoyatchilikning 3,4-6,5 foizi o‘sishiga olib keladi[480].

---

[478] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017. – Б. 135.

[479] Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Жиноий-ҳуқуқий статистика бошқармасининг 2019-2022 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

[480] Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари: Монография. – Т., 2005. – Б. 80.

Yuqoridagi tahlillar asosida shunday xulosa qilish mumkinki, jinoyatchilikni sodir etgan yoshlarning aksariyat qismini ishsizlar, oilada nosog‘lom turmush-tarzi yurituvchilar, ma’lumotga ega bo‘lmagan, ma’naviyati va dunyoqarashi rivojlanmaganlar tashkil etadi.

Yoshlarda uy-joy masalasi bilan bog‘liq muammolar ko‘pincha nizoli vaziyatlarni kelib chiqishiga sabab bo‘ladi. Prezident Shavkat Mirziyoyev shunday deydi: «Aholi, ayniqsa, yosh oilalar, eski uylarda yashayotgan va boshqa toifadagi fuqarolarning ehtiyojini hisobga olib, biz arzon va sifatli uy-joylar qurish bo‘yicha ishlarni izchil davom ettiramiz. Shu maqsadda 2018-yilda namunaviy va arzon uy-joylar qurish ko‘lamini joriy yilga nisbatan 1,5 barobar ko‘paytirish bo‘yicha aniq rejalar ishlab chiqilgan»[481].

Statistik ma’lumotlarga ko‘ra, 2020-2022-yillarda yoshlar tomonidan mast holda sodir etilgan jinoyatchilik tahlili quydagicha: 2020-yilda yoshlar tomonidan mast holda sodir etilgan jinoyatchilik 398 ta, 16,5 foizini, 2021 yilda 426 ta, 15,2 foizini, 2022-yilda 494 ta, 20,8 foizini tashkil etgan[482]

Agar oiladagi muhit sog‘lom bo‘lsa, unda kamol topayotgan yosh avlod qalbi va ruhiga milliy istiqlol g‘oyalarini, qonun ustuvorligini singdirish uchun qulay sharoit yaratilgan bo‘ladi.

Yuqoridagi fikrlarini inobatga olib, ta’kidlash mumkinki, jinoyatni keltirib chiqargan omillarni o‘rganishda ularni bir-biridan ajratib bo‘lmaydi. Zero, yoshlar jinoyatchiligi har bir jamiyatning yashash tarzida o‘ziga xos ravishda shakllanishini esdan chiqarmaslik lozim. Nafaqat jamiyatda, shu bilan birga, yoshlar jinoyatchiligining u yoki bu hududdagi yashash tarziga ko‘ra ham shakllanishini ilm ahli isbotlagan. Bu holatni mamlakatimizning turli hududlarida va ayniqsa qishloq joylarda o‘ziga xos ravishda kechishini ham e’tiborga olish maqsadga muvofiqdir.

Jamoat xavfsizligini ta’minlash va aholi huquqiy ongini yuksaltirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida qaralib, bu borada jamoat joylarida o‘tkaziladigan ommaviy tadbirlar alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki bunday tadbirlar ko‘plab fuqarolarni bir vaqtning o‘zida jamlaydigan hodisalar bo‘lib, ularda xavfsizlik, tartib va huquqiy tarbiya masalalari markaziy o‘rin tutadi.

Shu munosabat bilan, ommaviy tadbirlarni tashkil etish va o‘tkazishda fuqarolarning huquqiy madaniyatini shakllantirish, turli manfaatdor guruhlar tomonidan huquqiy me’yorlarga zid holda aholini jalb qilish kabi holatlarning oldini olish dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Ayniqsa, tadqiqot natijasida ilgari surilayotgan quyidagi ilmiy yangilik mazkur sohani huquqiy jihatdan takomillashtirishga qaratilgandir:

---

[481] Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик // Халқ сўзи. – 2017 йил 16 июнь.

[482] Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Жиноий-ҳуқуқий статистика бошқармасининг 2020-2022 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

Ommaviy tadbirlarga fuqarolarni reklama, aksiya va boshqa maqsadlarda oziq-ovqat, buyumlar va tovar-moddiy boyliklarni bepul tarqatish yoki haddan tashqari arzon narxlarda sotish orqali jalb qilishni taqiqlash, bu orqali sun’iy gavjumlik va nazoratsiz to‘planish holatlarini oldini olish;

O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi va Ichki ishlar vazirligi tomonidan tegishli vazirlik va idoralar hamkorligida ushbu talablarga ommaviy tadbir tashkilotchilari hamda tadbir ob’ekti ma’muriyatining so‘zsiz rioya etishi ustidan qat’iy nazoratni kuchaytirish;

Ommaviy tadbirlarni tashkil etish qoidalari buzilgan taqdirda, Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeks asosida tashkilotchilar va ob’ekt ma’muriyatini javobgarlikka tortishni ta’minlash.

Ushbu taklif etilayotgan huquqiy choralar jamoat xavfsizligini ta’minlashning institutsional va profilaktik mexanizmlarini mustahkamlashga qaratilgan bo‘lib, aholining huquqiy ongini oshirishga ham xizmat qiladi. Chunki fuqarolarni huquqiy tartiblarga rioya qilish, ommaviy yig‘ilishlarda shaxsiy va umumiy xavfsizlik me’yorlarini tushunish va qabul qilishga undaydi.

Shuningdek, bunday cheklov va nazorat choralari orqali aholi orasida fuqarolik jamiyatiga xos huquqiy madaniyat — ya’ni ommaviy tadbirlarda o‘zini mas’uliyatli tutish, omma xavfsizligiga nisbatan ehtiyotkor munosabatda bo‘lish, huquqiy xabardorlikka ega fuqarolik ongini yuksaltirish imkoni paydo bo‘ladi.

Xulosa qilib aytganda, ommaviy tadbirlarni tashkil etishda sun’iy tarzda aholi oqimini jalb qiluvchi, xavfsizlikka tahdid soluvchi vositalarni taqiqlash va bu sohada Milliy gvardiya hamda IIVning nazorat vakolatlarini kuchaytirish, huquqiy tartibotni ta’minlashning muhim yo‘nalishlaridan biri sifatida normativ-huquqiy hujjatlarda aniq mustahkamlanishi zarur. Bu nafaqat jamoat xavfsizligini ta’minlash, balki aholining huquqiy ongini amaliyotda mustahkamlashga xizmat qiladi.

Bu kabi muammolarni o‘z vaqtida ijobiy hal etilmaganligi hozirgi kunda yoshlar jinoyatchiligi sodir etilishiga olib keladi.

Fikrimizcha, har bir insonning, ayniqsa, endigina hayotga qadam qo‘yib kelayotgan yoshlarning ongiga shunday fikrni singdirish kerakki, ular tomonidan o‘rtaga qo‘yilgan maqsadlarga erishishi o‘zlariga bog‘liq ekanligini, ya’ni bu narsa ularning sobitqadam shijoatiga, to‘la-to‘kis fidokorligiga va cheksiz mehnatsevarligiga bog‘liq ekanini anglab yetishlari kerak.

Demak, yoshlar jinoyatchiligini kelib chiqishini ta’minlovchi va oziqlantiruvchi omillarni to‘liq va har tomonlama o‘rganish lozim.

O‘tkazilgan sotsiologik so‘rovnomalar nuqtai nazaridan yondashilsa, yoshlar jinoyatchiligini keltirib chiqaruvchi va uni oziqlantiruvchi omillarda quyidagi yoshlarni alohida inobatga olish lozim.

18-19 yoshdagilarga: oila a’zolari bilan qulay oilaviy munosabatlarni shakllantirish borasida ishlash; bu sohasidagi profilaktik choralarni belgilashda

tengdoshlari va yoshlar guruhi peshqadamlarini faol jalb qilish hamda yoshlar uchun ijtimoiy namuna yo‘nalishlarini targ‘ib qilish; sog‘lom avlod manfaatlari doirasini shakllantirish.

20-22 yoshdagilarga: oila a’zolari bilan yoshlar jinoyatchiligining barvaqt oldini olish yo‘nalishlarida ishlash hamda oilada ota-ona va farzarnd o‘rtasida ishonchli munosabatlarni shakllantirish, shuningdek mazkur maqsadda pedagoglar bilan ishlash; ijobiy manfaatlar darajasida tanishlar orttirishi uchun o‘zaro ishonch munosabatlar doirasini shakllantirish; o‘zini o‘zi anglashga yordam berish hamda kasbga yo‘naltirish bo‘yicha tegishli ishlar olib borish.

23-25 yoshdagilarga: yoshlar jinoyatchiligining natijasida kelib chiqishi mumkin bo‘lgan oqibatlar va boshqa xavf-xatar omillari to‘g‘risida xabardor qilish; zararsizlanish usullari, ularni barvaqt oldini olish hamda o‘z o‘ziga ishonch hissini rivojlantirish, oilaviy munosabatlar hamda kasbga yo‘naltirish kabilardir.

26-30 yoshdagilarga: jinoyatchilik natijasida kelib chiqishi mumkin bo‘lgan oqibatlar va boshqa xavf-xatar omillari to‘g‘risida xabardor qilish; oilaviy hayot sharoiti, ish jamoasi bilan samarali aloqaga kirishish bo‘yicha treninglar o‘tkazish. Mahalla, tashkilot, korxona, ta’lim muassasalari va x.k. Shuning uchun ham yoshlar jinoyatchiligining omillarini aniqlashda asosan turli eskilik sarqitlarini omma ongiga kiritmaslik asosida targ‘ib etiladi. Shunday bo‘lsa-da, bir qator olimlar yoshlar jinoyatchiligining yuzaga kelishiga ta’sir etuvchi ko‘plab omillar mavjudligini e’tirof etgan.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta’kidlaganidek: «Yosh oilalar orasida arzimas sabablar bilan ajralishlar ko‘payib bormoqda. Begunoh bolalar yetim bo‘lib, mehr va e’tiborga eng tashna vaqtida ota-ona tarbiyasidan chetda qolmoqda»[483].

Milliy gvardiya organlarining axborot bilan ta’minlanganligi – bu jinoyatlarni ochish va tergov qilishda muvaffaqiyatli faoliyat yuritishning zaruriy shartidir[484]. Axborot tizimining aynan shu jihatini alohida rivojlantirishning ob’ektiv shartlari hozirgi bosqichda mamlakatdagi jinoyatchilikning xususiyatlari, jinoyatchilik tarkibida vaziyatga qurilgan va maishiy jinoyatlar ulushining o‘sishi bilan belgilanadi. Bu esa kuzatuv sohasi hajmining ortishi va noaniqligi kuchayishini bildiradi, Milliy gvardiya organlari kuchlari cheklanganligi sababli jinoyatlarni bevosita fosh etish tizimi fuqarolarning ko‘magisiz samarali bo‘la olmaydi[485].

---

483 Мирзиёев Ш.М. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби. // Халқ сўзи. – 2017 йил – 15 июнь.

[484] Пулатов Ю., Саидбаев Б. Вопросы использования информационных технологий в раскрытии и расследовании преступлений //Жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари конференция материаллари тўплпми (2019 йил 29 октябрь). – Тошкент: Ҳарбий-техник институти нашриёти, 2019. – С. 122-127.

[485] Пулатов Ю., Мирзаев А. Использование специальных понятых при расследовании преступлений в сфере информационных технологий //Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2016. - № 4. – С. 51-53; Ананич В.А. Особенности повышения эффективности предупреждения преступлений органами внутренних дел в крупных городах: Учебное пособие. - Минск, 1986. - С. 42; Воробьев А.М., Дубовцев В.А. О некоторых причинах рецидивной преступности // Социологические исследования. 2001. - № 5. - С.92-94.

Shu bilan birga, Birinchi Prezident I.Karimovning “Adolat – qonun ustuvorligida” nomli ma’ruzalarida aytilishicha: “Sud, prokuratura organlarining asosiy vazifasi, avvalo, fuqarolarning huquqiy madaniyatini oshirish, ularning o‘z huquqlarini, qonunlarni yaxshi bilishlariga erishish, huquqbuzarliklarning oldini olish bo‘yicha samarali ish olib borishdan iboratdir. Biz mana shu oddiy haqiqatni tushunib yetsak, shunda jamiyatimizda jinoyatchilar soni ham, ehtimol, bu sohada ishlovchi xodimlarning soni ham keskin kamayadi”[486].

Shu ma’noda, O‘zbekiston Respublikasi “Huquqiy axborotni tarqatish va undan foydalanishni ta’minlash to‘g‘risida”gi qonunning 9-moddasi birinchi qismi to‘rtinchi xatboshisini quyidagi mazmunda ifodalashni taklif qilamiz: “normativ-huquqiy hujjatlar matnlaridagi normalarning mohiyati va ahamiyatini tushuntirishga doir, jamiyatda, xususan yoshlar orasida huquqiy ongni, huquqiy madaniyatni yuksaltirishga hamda jinoyatchilikni oldini olish, qonuniylikni mustahkamlashga qaratilgan zarur ishlarni tashkil etadi.”

Milliy gvardiyaga yuklangan jinoyatchilik bilan kurashishga oid yangi vazifalar bo‘yicha huquqni qo‘llash amaliyoti zarurati va amaldagi qonun hujjatlari talablaridan kelib chiqqan holda tadqiqot natijalariga, shuningdek huquqiy adabiyotlar tahliliga asoslanib “huquqbuzarliklar erta profilaktikasi”ning mualliflik ta’rifi ishlab chiqildi.

Yuqoridagilarga asosan O‘zbekiston Respublikasi “Voyaga yetmaganlar o‘rtasida nazoratsizlik va huquqbuzarliklarning profilaktikasi to‘g‘risida”gi qonunda:

a) 4-moddasi birinchi qismini quyidagi mazmundagi ikkinchi band bilan to‘ldirish:

“*voyaga yetmaganlar o‘rtasida huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish, shuningdek g‘ayriqonuniy hulq-atvorga nisbatan murosasiz munosabatni shakllantirish*;”

b) 6-moddasi birinchi qismi beshinchi xatboshisida “ichki ishlar organlari” so‘zlaridan so‘ng “*va Milliy gvardiya bo‘linmalarini*” so‘zlari bilan to‘ldirish;

v) 7-moddasi birinchi qismini quyidagi mazmundagi uchinchi xatboshi bilan to‘ldirish:

“*voyaga yetmaganlarning yonida o‘qotar qurol, pnevmatik qurol yoki sovuq qurol, boshqa shu kabi insonga jiddiy shikast yetkazishi mumkin bo‘lgan ashyolarni olib yurishiga yo‘l qo‘ymaslik*”;

d) 8-moddasi birinchi qismini quyidagi mazmundagi ikkinchi xatboshi bilan to‘ldirish:

“Milliy gvardiya bo‘linmalari”;

e) 13-moddasini ikkinchi qismini quyidagi mazmundagi uchinchi xatboshi bilan to‘ldirish:

[486] Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасига бағишланган “Ўзбекистонда таълим, фан ва маданиятнинг модернизациясини таъминлашда Ислом Каримовнинг роли” // Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент: ТошДТУ, 2017. – Б.387 бет.

“*sinfdoshlariga va atrofdagi boshqa shaxslarga nisbatan zo‘ravonlik hamda shafqatsiz munosabat ko‘rsatayotgan, maktabda sovuq qurol yoki boshqa shu kabi qurol sifatida foydalanish mumkin bo‘lgan ashyolarni olib yurgan voyaga yetmaganlarni aniqlash, ularni tarbiyalash, ularning ota-onasi bilan profilaktik tushuntirish ishlarini o‘tkazish, zarur hollarda Milliy gvardiya xodimiga zudlik bilan xabar berish chora-tadbirlarini ko‘radi*” maqsadga muvofiq.

O‘zbekiston Respublikasi “Bolalarni ularning sog‘lig‘iga zarar yetkazuvchi axborotdan himoya qilish to‘g‘risida”gi qonunning 16-moddasi ikkinchi qismini quyidagi mazmundagi oltinchi va yettinchi xatboshilar bilan to‘ldirishni taklif qilamiz:

“*o‘zganing mulki dahlsizligini inkor etuvchi, mol-mulkni qonunga xilof ravishda, zo‘ravonlik yo‘li bilan egallab olish mumkinligini oqlaydigan va yengil-yelpi yo‘l bilan boyishni targ‘ib qiladigan;*

yoshlar ongida qurol, shu jumladan sovuq qurol olib yurish zarurligi yoki erkak kishi uchun sharafligini targ‘ib qiladigan, undan nizo yoki janjallarda foydalanishga undaydigan yoki oqlaydigan;”.

Mazkur taklifni asoslantirish uchun quyidagi misolni keltirib o‘tamiz. Jinoyatlarni sodir etgan yoshlarning aksariyatini axloqsiz, ma’naviyati past, salbiy xulq-atvorga ega bo‘lgan yoshlar tashkil etadi. Chunki, hayotda ko‘pgina hollarda muayyan toifadagi yoshlar o‘zining salbiy xulq-atvori, axloqsizligi, ma’naviyatsizligini namoyon qilib, takroran qasddan jinoyat sodir etishi mumkin.

Misol uchun, 2000 y.t. Sh. 2018-yil 25-avgust kuni taxminan soat 21^{30} larda o‘zi norasmiy ravishda ishlab kelayotgan Yunusobod tumanida joylashgan MChJ qandolat mahsulotlari ishlab chiqarish sexida bo‘la turib, shu qandolat sexining boshqa norasmiy ishchisi 2001 y.t. F ismli qizbolaga shilqimliq qilib, uning ko‘ylagini yechishini aytib, quchoqlaganligi oqibatida o‘zaro janjallashib qolgan. Shundan so‘ng F.ni qasddan o‘ldirish maqsadida ushbu sexdan pichoq olib chiqib, ushbu pichoq bilan F.ning qorin sohasiga qasddan bir necha marta urib, kesib-sanchilgan tan jarohati yetkazgan va voqea joyidan yashiringan. O‘tkazilgan sud-tibbiy ekspertizasining 27.08.2018 yildagi 512-sonli xulosasiga ko‘ra F ismli qizbolaning o‘limi qorin old tomonidagi bu jarohatlar shu joylarga o‘tkir, yassi, pichoq tig‘i tipidagi sanchib-kesuvchi jism ta’sirida yetkazilganligi aniqlangan[487].

Fikrimizcha, oilaviy va ijtimoiy holat yoshlar tomonidan sodir etiladigan jinoyatchilikning barvaqt oldini olishda muhim ahamiyat kasb etadi. Yoshlarda oilaviy hayot va turmush tarziga xos to‘g‘ri tasavvurlar yetarli emasligi sababli turmush qurganlarida oila-nikoh munosabatlaridan qoniqmaslik holatlari ko‘p uchraydi. Shuning uchun yoshlar o‘sib ulg‘ayadigan va o‘qish joylarida ularni oilaviy hayotga, turmushga tayyorlash, ularda baxtli oila va farovon turmushni ta’minlaydigan zarur fazilatlarni

[487] Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман суди архиви материаллари 116-42-сонли жиноят иши.

shakllantirish maqsadga muvofiqdir. Shundan ma’lumki, istalgan bir tuzumni nasl-avlodsiz yoki ushbu avlodni tarbiya jarayonisiz tasavvur qilib bo‘lmaydi.

Ozodlikdan mahrum etishning muqarrar salbiy oqibatlariga jazoni o‘tashdan keyingi ijtimoiy moslashuvdagi psixologik qiyinchiliklar, shuningdek, boshqa shu kabi holatlar.

Yuqoridagilarga asosan, O‘zbekiston Respublikasi “Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida”gi qonunda:

a) quyidagi mazmundagi 15^1-modda bilan to‘ldirish:

“15^1-modda. Milliy gvardiya bo‘linmalarining yoshlarga oid davlat siyosati sohasidagi vakolatlari

Milliy gvardiya bo‘linmalari:

yoshlarning huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksaltirishga doir faoliyatda ishtirok etadi;

yoshlar o‘rtasida huquqbuzarliklar profilaktikasini amalga oshiradi, shu jumladan huquqbuzarliklarning sodir etilishi sabablarini va bunga imkon berayotgan shart-sharoitlarni aniqlaydi, bartaraf etadi;

yoshlarga oid davlat siyosatini ro‘yobga chiqarishda ishtirok etuvchi boshqa organlar va muassasalar bilan hamkorlik qiladi.

Milliy gvardiya bo‘linmalari qonunchilikka muvofiq boshqa vakolatlarni ham amalga oshirishi mumkin”;

Shuningdek, “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida”gi qonun quyidagi mazmundagi 26^1-modda bilan to‘ldirishni taklif qilamiz:

“*26^1-modda. Ayrim toifadagi yoshlar o‘rtasida huquqbuzarliklarning maxsus profilaktikasi chora-tadbirlari*

Yoshlar o‘rtasida huquqbuzarliklarning maxsus profilaktikasi chora-tadbirlari quyidagilarga nisbatan amalga oshiriladi:

g‘ayriijtimoiy xatti-harakatlar sodir etganlar;

oliy yoki o‘rta ta’lim muassasalarida ta’lim olmayotgan yoki mehnat faoliyati bilan shug‘ullanmayotganlar;

alkogolni suiiste’mol qiluvchi yoki giyohvandlik vositalarini, psixotrop moddalarni va aql-iroda faoliyatiga ta’sir etuvchi boshqa moddalarni iste’mol qiluvchi shaxslar;

shaxsga qarshi yoki mol-mulkka qarshi, zo‘ravonlik bilan ma’muriy huquqbuzarliklar sodir etganlar;

amnistiya akti asosida yoki qilmish yoxud shaxs ijtimoiy xavflilik xususiyatini yo‘qotganligi sababli yoki aybdor o‘z qilmishiga chin ko‘ngildan pushaymon bo‘lganligi yoxud yarashilganligi munosabati bilan jinoiy javobgarlikdan ozod qilinganlar;

ijtimoiy xavfli qilmishlar sodir etgan, lekin jinoiy javobgarlikka tortish mumkin bo‘lgan yoshga to‘lmaganligi sababli javobgarlikka tortilmagan, biroq ijtimoiy foydali mehnat bilan shug‘ullanmayotganlar;

jazoni ijro etish muassasalaridan ozod qilingan va ozodlikdan mahrum qilish bilan bog‘liq bo‘lmagan jazoga hukm qilinganlar.

Qayd etilgan yoshlar o‘rtasida huquqbuzarliklarning maxsus profilaktikasi chora-tadbirlari quyidagilardan iborat:

yoshlar o‘rtasida eng keng tarqalgan huquqbuzarliklar sodir etilishi sabablarini hamda shart-sharoitlarini aniqlash, bartaraf etish;

jazoni ijro etish muassasalaridan ozod qilingan va ozodlikdan mahrum qilish bilan bog‘liq bo‘lmagan jazoga hukm qilingan yoshlar o‘rtasida huquqbuzarliklar profilaktikasi bo‘yicha maxsus tadbirlarni ishlab chiqish hamda amalga oshirish;

notinch oilalarda voyaga yetgan, uyushmagan yoshlarni o‘qish yoki mehnat qilish orqali ijtimoiy moslashtirishga tayyorlash bo‘yicha maxsus tadbirlarni amalga oshirish;

mastlik holatida, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va aql-iroda faoliyatiga ta’sir etuvchi boshqa moddalar ta’siri ostida tushib qolgan yoshlarni aniqlash bo‘yicha profilaktika tadbirlarini o‘tkazish;

jazoni ijro etish muassasalaridan ozod qilingan yoshlarni ishga joylashtirish uchun ish o‘rinlarini tashkil etayotgan tashkilotlarni rag‘batlantirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish va amalga oshirish.

Ayrim toifadagi yoshlar o‘rtasida huquqbuzarliklarning maxsus profilaktikasi qonunchilikka muvofiq boshqa chora-tadbirlarni ham o‘z ichiga olishi mumkin”.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, “O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi to‘g‘risida”gi qonunning 3-moddasini ikkinchi qismini quyidagi mazmundagi o‘n ikkinchi band bilan to‘ldirish zarur:

“*qonun ijodkorligi faoliyatida hamda jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirishga doir ishlarda ishtirok etish*”.

MILLIY GVARDIYA ORGANLARINING JAMOAT TARTIBIGA QARSHI JINOYATLARNI OLDINI OLISH MEXANIZMLARI

Astanov Shaxzod Shoyimovich,
Jamoat xavfsizligi universiteti magistratura tinglovchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi organlarining jamoat tartibiga qarshi jinoyatlarni oldini olishdagi o‘rni, ularning huquqiy asoslari, amaliy faoliyati va profilaktik mexanizmlari tahlil qilinadi. Shuningdek, milliy xavfsizlikni ta’minlashda Milliy gvardiyaning boshqa huquqni muhofaza qiluvchi organlar bilan o‘zaro hamkorligi va zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish samaradorligi yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Milliy gvardiya, jamoat tartibi, jinoyatlarni oldini olish, profilaktika, huquqiy asos, xavfsizlik, hamkorlik, profilaktik mexanizmlar.

Kirish. Jamiyatda osoyishtalik va xavfsizlikni ta’minlash davlatning eng muhim vazifalaridan biridir. Shu maqsadda, O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi mamlakatda jamoat xavfsizligini ta’minlash, huquqbuzarliklarning oldini olish hamda fuqarolarning huquq va erkinliklarini himoya qilish tizimida alohida o‘rin tutadi[488].

So‘nggi yillarda jamoat tartibiga qarshi jinoyatlarning oldini olish masalasi davlat siyosatida ustuvor yo‘nalishlardan biri bo‘lib, Milliy gvardiya faoliyatida ushbu yo‘nalishda tizimli islohotlar amalga oshirilmoqda[489].

jamoat tartibi – axloq, ma’naviyat, urf-odat va an’analar normalariga asoslangan jamoat hayotining ma’lum bir tartibini belgilaydigan, fuqarolarning jamoat joylarida birga bo‘lganda yurish-turish huquqiy norma va xulq-atvor qoidalari majmui;

jamoat xavfsizligi – jamoat xavfsizligi obyektlarining yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan va ularga zarar keltiradigan xavf va tahdidlardan himoyalanganligi holati tushuniladi

1. Milliy gvardiyaning huquqiy maqomi va asosiy vazifalari

O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Prezidentning 2017-yil 4-iyuldagi PF–3088-sonli farmoni bilan tashkil etilgan bo‘lib, 2019-yil 22-avgustda qabul qilingan “O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi to‘g‘risida”gi Qonun bilan uning huquqiy maqomi mustahkamlandi[490].

Mazkur qonunga ko‘ra, Milliy gvardiyaning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

Jamoat tartibini saqlash va fuqarolarning xavfsizligini ta’minlash;

---

[488] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 4-iyuldagi PF–3088-son Farmoni “O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasini tashkil etish to‘g‘risida”.

[489] Karimov I.A. “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch”. – T.: Ma’naviyat, 2008.

[490] “O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi to‘g‘risida”gi Qonun, 2019-yil 22-avgust, O‘RQ–560-son.

Jinoyatlarning oldini olish bo‘yicha profilaktik choralarni amalga oshirish;

Davlat ahamiyatiga molik obyektlarni qo‘riqlash;

Favqulodda vaziyatlarda tartibni saqlash va aholiga yordam ko‘rsatish;

Huquqni muhofaza qiluvchi boshqa organlar bilan hamkorlikni yo‘lga qo‘yish[491].

2. Jamoat tartibiga qarshi jinoyatlarning mazmuni va turlari

O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga muvofiq, jamoat tartibiga qarshi jinoyatlar deganda fuqarolarning osoyishtaligini, axloq-odob me’yorlarini, jamoat xavfsizligini buzuvchi xatti-harakatlar tushuniladi[492].

Ular quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

Bezorilik (JK 277-modda);

Ommaviy tartibsizliklar (JK 244-modda);

Huquqni muhofaza qiluvchi organ vakiliga qarshilik ko‘rsatish (JK 219-modda);

Jamoat joylarida mast holda bezorilik harakatlari va boshqalar.

Mazkur jinoyatlar, odatda, ommaviy tadbirlar, ko‘chalarda, transport vositalarida sodir etiladi. Shu sababli, ularning oldini olishda Milliy gvardiyaning roli beqiyosdir[493].

3. Jamoat tartibiga qarshi jinoyatlarni oldini olish mexanizmlari

Milliy gvardiya organlari o‘z faoliyatida quyidagi profilaktik mexanizmlarni qo‘llaydi:

a) Patrul-xizmat tizimi

Milliy gvardiya xodimlari muntazam ravishda jamoat joylarida patrul xizmatini amalga oshiradi. Bu tizim fuqarolarning xavfsizligini ta’minlash, jinoyat sodir etishning oldini olish va tezkor aralashuvni ta’minlashga xizmat qiladi[494].

b) Axborot-analitik nazorat tizimi

So‘nggi yillarda Milliy gvardiya tomonidan “Smart city” loyihalari doirasida kuzatuv kameralarining tarmog‘i kengaytirilmoqda. Ushbu tizimlar real vaqt rejimida huquqbuzarlik holatlarini aniqlash imkonini beradi[495].

c) Mahalla va ta’lim muassasalari bilan hamkorlik

Milliy gvardiya xodimlari mahalla fuqarolar yig‘inlari, ta’lim muassasalari va yoshlar tashkilotlari bilan hamkorlikda huquqbuzarliklarning oldini olishga qaratilgan ma’rifiy tadbirlar o‘tkazadi[496].

d) Ijtimoiy tarmoqlarda profilaktika

---

[491] O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Nizomi, 2020-yil 12-mart, VMQ №132.

[492] O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi, 1994-yil 22-sentabr, tahriri 2024-yilga qadar kiritilgan o‘zgartirishlar bilan.

[493] ‘ulomov B. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligi masalalari”. – T.: TDYU, 2021.

[494] Milliy gvardiya patrul-xizmat qo‘mondonligi hisobotlari, 2023-yil.

[495] “Smart city” konsepsiyasi doirasida joriy etilgan “Xavfsiz shahar” loyihasi, O‘zbekiston Respublikasi AKT vazirligi ma’lumotlari, 2022-yil.

[496] Jo‘raev M. “Mahalla tizimida huquqbuzarliklarning oldini olish mexanizmlari”. – “Huquq va demokratiya” jurnali, №2, 2023.

Gvardiya rasmiy sahifalari orqali aholiga jamoat joylarida o‘zini tutish qoidalari, huquqbuzarlik oqibatlari haqida muntazam ogohlantiruvchi ma’lumotlar yetkaziladi[497].

4. Hamkorlik tizimi va institutsional mexanizmlar

Milliy gvardiya jinoyatlarning oldini olishda boshqa huquqni muhofaza qiluvchi organlar bilan o‘zaro hamkorlikda ishlaydi. Xususan:

Ichki ishlar vazirligi bilan birgalikda jamoat tartibini ta’minlash va reyd tadbirlarini o‘tkazadi;

Davlat xavfsizlik xizmati bilan xavfli holatlarni monitoring qilishda axborot almashadi;

FVV va Mahalla qo‘mitalari bilan favqulodda holatlarda tezkor chora ko‘rish tizimini yo‘lga qo‘yadi[498].

5. Amaldagi muammolar va takliflar

Muammolar:

Ayrim hududlarda texnik vositalarning yetarli darajada joriy etilmaganligi;

Axborot almashish tizimining sustligi;

Profilaktika bo‘yicha mahalla darajasidagi hamkorlik yetarli emas[499].

Takliflar:

Jamoat joylarida “raqamli xavfsizlik zonalari”ni tashkil etish;

Milliy gvardiya xodimlarini zamonaviy psixologik tayyorgarlik kurslaridan o‘tkazish;

Yoshlar o‘rtasida huquqiy ongni oshirish bo‘yicha doimiy profilaktik dasturlarni kengaytirish[500].

Xulosa

Milliy gvardiya organlari jamoat tartibini saqlash va jinoyatlarni oldini olishda muhim o‘rin tutadi. Ularning faoliyati jinoyat sodir bo‘lgandan keyin emas, balki jinoyatning oldini olishga qaratilgan tizimli yondashuv asosida amalga oshiriladi. Zamonaviy texnologiyalarni keng joriy etish, mahallalar bilan hamkorlikni kuchaytirish va profilaktik ishlarni tizimlashtirish orqali Milliy gvardiya faoliyatining samaradorligi yanada ortadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 4-iyuldagi PF–3088-son Farmoni “O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasini tashkil etish to‘g‘risida”.

2.Karimov I.A. “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch”. – T.: Ma’naviyat, 2008.

3.“O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi to‘g‘risida”gi Qonun, 2019-yil 22-avgust, O‘RQ–560-son.

[497] O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi rasmiy axborot kanali (t.me/nguz), 2024-yil mart oyi.

[498] [11] O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va Milliy gvardiya o‘rtasidagi hamkorlik memorandumi, 2021-yil.

[499] O‘zbekiston Respublikasi Hisob palatasi ma’lumotlari asosida tayyorlangan xavfsizlik tahlili, 2023-yil.

[500] Toshqulov A. “Profilaktika tizimini raqamlashtirishning huquqiy asoslari”. – T.: “Adolat”, 2024

4.O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Nizomi, 2020-yil 12-mart, VMQ №132.

5.O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi, 1994-yil 22-sentabr, tahriri 2024-yilga qadar kiritilgan o‘zgartirishlar bilan.

6.G‘ulomov B. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligi masalalari”. – T.: TDYU, 2021.

7.Milliy gvardiya patrul-xizmat qo‘mondonligi hisobotlari, 2023-yil.

8.“Smart city” konsepsiyasi doirasida joriy etilgan “Xavfsiz shahar” loyihasi, O‘zbekiston Respublikasi AKT vazirligi ma’lumotlari, 2022-yil.

9.Jo‘raev M. “Mahalla tizimida huquqbuzarliklarning oldini olish mexanizmlari”. – “Huquq va demokratiya” jurnali, №2, 2023.

10.O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi rasmiy axborot kanali (t.me/nguz), 2024-yil mart oyi.

11.O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va Milliy gvardiya o‘rtasidagi hamkorlik memorandumi, 2021-yil.

12.O‘zbekiston Respublikasi Hisob palatasi ma’lumotlari asosida tayyorlangan xavfsizlik tahlili, 2023-yil.

13.Toshqulov A. “Profilaktika tizimini raqamlashtirishning huquqiy asoslari”. – T.: “Adolat”, 2024.

BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTINING BARQAROR TARAQQIYOT MAQSADLARI DASTURINING HUQUQIY AHAMIYATI

Rizoqulova Ruhsora G‘ulom qizi,
Toshkent davlat yuridik universiteti
“Xalqaro huquq va qiyosiy huquqshunoslik” fakulteti talabasi

Birlashgan Millatlar Tashkiloti(BMT)ning tashkil topishi insoniyatni yangi zamonda tinch farovon yashash imkonini berdi. O‘tgan 80 yil davomida ushbu tashkilot tomonidan bir qator dasturlarning qabul qilinishi tom ma’noda bashariyatni turlin balo-qazolardan asrab qoldi, mustamlakachilikdan qutqardi, epidimiologik kasalliklarni bartaraf etish imkonini berdi. Ana shunday dasturlardan biri bu – Barqaror rivojlanish maqsadlari dasturi sanaladi.

Barqaror rivojlanish maqsadlari – bu Birlashgan Millatlar Tashkilotining dunyoda iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik vaziyatni har tomonlama yaxshilash orqali butun insoniyatning hayot tarzini yaxshilash va turmush farovonligini oshirishga, adolatli va barqaror jamiyat qurishga qaratilgan global chaqirig‘idir. Barqaror rivojlanish sohasidagi turli mamlakatlarning tajribasi juda katta farq qilganligi sababli, 2030-yil kun tartibining barcha maqsadlari va tegishli vazifalari umumiy, universal shaklda shakllantirilgan va qoida tariqasida aniq miqdoriy maqsadlar mavjud emas.

Har bir mamlakat BRMni lokalizatsiya qilishi, ya’ni 2030-yilga mo‘ljallangan kun tartibidagi 169 ta vazifadan o‘zining rivojlanish ustuvorligi va moliyaviy imkoniyatlaridan kelib chiqib, milliy rivojlanish maqsadlarini ishlab chiqishi belgilangan [1.].

Ma’lumot o‘rnida aytish mumkinki, 2015-yil 25-sentabrda BMTga a’zo 193 ta davlat tomonidan 2030-yilga qadar mo‘ljallangan global rivojlanishning yangi “Barqaror taraqqiyot maqsadlari” (Sustainable Development agenda) dasturi qabul qilindi [2.].

Bugungi kunda Birlashgan Millatlar Tashkilotining Iqtisodiy va Ijtimoiy Departamentida (UNDESA) Barqaror Rivojlanish Maqsadlari bo‘limi (DSDG) BRMlar va ular bilan bog‘liq tematik masalalar, shu jumladan suv, energetika, iqlim, okeanlar, urbanizatsiya, transport, fan va texnologiyalar uchun moddiy yordam ko‘rsatish va salohiyatni oshirish bo‘yicha ishlarni ta’minlaydi [3.].

Ta’kidlash joizki, O‘zbekiston ham 2015-yilning sentabr oyida BMT Sammitida e’lon qilingan Barqaror rivojlanish maqsadlarining milliy darajada bajarilishi bo‘yicha shartlarini qabul qildi va 2030 yilgacha bo‘lgan davrda barqaror rivojlanish sohasidagi milliy maqsad va vazifalarni belgilab oldi [4.]. Qaror asosida 2030-yilgacha bo‘lgan davr uchun 16 ta Barqaror rivojlanish milliy maqsadlari hamda ular bilan bog‘liq bo‘lgan 125 ta vazifalar tasdiqlandi. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi 841-son qarori qabul qilinib, har bir yo‘nalish bo‘yicha mas’ul vazirlik va idoralar belgilandi [4.]. Shuningdek, hukumat darajasida O‘zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o‘rinbosari rahbarligida idoralararo Muvofiqlashtiruvchi kengash tuzildi va milliy BRMlarni amalga oshirish uchun tegishli “yo‘l xaritasi“ qabul qilindi. BRM ko‘rsatkichlari bo‘yicha ma’lumotlarni monitoring qilish maqsadida nsdg.stat.uz sayti ishga tushirildi. Ushbu platforma mamlakatdagi BRMga erishishda mavjud vaziyat to‘g‘risida ma’lumot to‘plash va umumlashtirish uchun yagona markaz hisoblanadi [3.].

O‘zbekistonda BMT bilan sheriklikda 160 dan ortiq dastur va loyihalar muvaffaqiyatli amalga oshirilmoqda. Joriy yilda esa, besh yilga mo‘ljallangan yangi hamkorlik dasturining imzolanishi kutilmoqda.

Barqaror rivojlanish maqsadlari:

1. Qashshoqlikni tugatish.
2. Ochlikni bartaraf etish.
3. Sog‘lom turmush tarzini ta’minlash.
4. Sifatli ta’lim.
5. Gender tengligini ta’minlash, barcha ayol va qiz bolalarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirish.
6. Barcha uchun xavfsiz suv zaxiralari va sanitariya vositalaridan foydalanish imkoniyatini ta’minlash.

7. Barcha uchun energiyaning arzon, ishonchli, barqaror va zamonaviy manbalaridan foydalanish imkoniyatini ta’minlash.

8. Keng qamrovli va barqaror iqtisodiy o‘sish hamda barcha uchun bandlik va munosib mehnat qilish imkoniyatlarini ta’minlashga ko‘maklashish.

9.Mustahkam infratuzilma yaratish, keng sanoatlashgan va innovatsiyalar bilan boyitilgan tizim joriy etilishiga ko‘maklashish.

10. Mamlakatlararo va ichki tengsizlik darajasini qisqartirish.

11. Shahar va aholi yashash joylarining ochiqligi, xavfsizligi, mustahkamligi va ekologik barqarorligini ta’minlash.

12.Oqilona iste’mol qilish va ishlab chiqarish modellariga o‘tishni ta’minlash.

13.Iqlim o‘zgarishi va uning oqibatlariga qarshi kurashish bo‘yicha tezkor choralar ko‘rish.

14.Barqaror taraqqiyot yo‘lida okeanlar, dengizlar va dengiz zaxiralarini asrash va ulardan oqilona foydalanish.

15.O‘rmonlardan oqilona foydalanish, cho‘llashishga qarshi kurashish, yer tanazzuli holatlariga chek qo‘yish va yer unumdorligini qayta tiklash hamda biologik xilma-xillikning yo‘qolib ketish xavfini bartaraf etish.

16.Barqaror rivojlanish manfaatlari yo‘lida tinchliksevar va ochiq jamiyatlar qurilishiga ko‘maklashish, barcha uchun odil sudlov imkoniyatidan foydalanishni ta’minlash va barcha darajalarda samarali, hisobdor va keng ishtirokka asoslangan muassasalarni tashkil etish.

17.Barqaror rivojlanish manfaatlari yo‘lida global hamkorlikni faollashtirish [5., 105.].

BRMga erishish bo‘yicha ishlar 2016-yil 1-yanvardan boshlanishi va 2030-yilning 31-dekabriga qadar yakunlanishi kutilmoqda. Biroq, ilgari tuzilgan xalqaro shartnomalar asosida ishlab chiqilgan ayrim vazifalar 2030-yil yakunidan avval ham hal qilinishi kutilmoqda. BRMga erishish quyidagi qoidalarga muvofiq amalga oshiriladi deb taxmin qilinadi [6.]

2017-yildan buyon davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev tomonidan bildirilgan taklif va tashabbuslar BMT Bosh Assambleyasining 13 ta rezolyutsiyasi sifatida qabul qilindi. Jumladan, “Markaziy Osiyo mintaqasida tinchlik, barqarorlik va barqaror rivojlanishni ta’minlash maqsadida mintaqaviy va xalqaro hamkorlikni mustahkamlash to‘g‘risida” (2018 yil), “Orol dengizi mintaqasini ekologik innovatsiyalar va texnologiyalar hududi deb e’lon qilish to‘g‘risida” (2021 yil), “Barqaror rivojlanish maqsadlariga erishishni jadallashtirishda parlamentlarning rolini kuchaytirish to‘g‘risida” (2022 yil), “Markaziy Osiyo ekologik muammolar qarshisida: Barqaror rivojlanish va farovonlik uchun mintaqaviy birdamlikni mustahkamlash” (2023 yil), “O‘rmonlardan barqaror foydalanish tamoyillariga muvofiq o‘rmonlashtirish va o‘rmonlarni qayta tiklash bo‘yicha Birlashgan Millatlar

Tashkilotining o‘n yilligi” (2025 yil) kabi qator rezolyutsiyalar alohida ahamiyatga ega [7.].

Mamlakatlar mustaqil ravishda barqaror rivojlanish bo‘yicha o‘z strategiyalari, rejalari va dasturlarini ishlab chiqadilar. BTM dasturlari mamlakatlarga o‘z rejalarini global majburiyatlari bilan muvofiqlashtirish imkonini beruvchi etalon bo‘lib xizmat qiladi. Barqaror rivojlanish bo‘yicha yuqori darajadagi siyosiy forumda har yili BRMga erishish bo‘yicha yutuqlar tahlili asosida kelgusidagi chora-tadbirlar belgilanadi.

Addis-Abeba Harakatlar dasturida (Taraqqiyotni moliyalashtirish bo‘yicha uchinchi konferentsiyaning yakuniy hujjatida [7.] nazarda tutilganidek, barqaror rivojlanish sohasidagi yangi kun tartibini amalga oshirishga ko‘maklashish uchun moliyaviy resurslardan samarali foydalanishni ta’minlash maqsadida BRMni amalga oshirish vositalarini nazorat qilish va ko‘rib chiqish tashkil etiladi.

Texnologiyalarni rivojlantirish mexanizmi rivojlanayotgan mamlakatlarning texnologiyaga bo‘lgan ehtiyojlarini qondirishni ta’minlashi va ushbu ehtiyojlarni qondirish va salohiyatni oshirish uchun muqobil variantlarni taqdim etishi kerak [1.].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev BMT Bosh assambleyasining 78-sessiyasida so‘zlagan nutqida “O‘zbekiston – 2030” strategiyasining BMTning Barqaror rivojlanish maqsadlariga uyg‘unligini e’tirof etgani holda, mamlakatimiz global tahdidlarga qaramasdan barqaror o‘sish sur’atlarini namoyon etayotganligini ta’kidlab o‘tdi [7.].

Mamlakatimizda “O‘zbekiston – 2030” strategiyasi doirasida amalga oshirilayotgan izchil islohotlar o‘z natijasini bermoqda hamda O‘zbekistonning Barqaror rivojlanish maqsadlari va uning asosida qabul qilingan milliy maqsadlariga yuqori sur’atlarda erishib borayotganini ko‘rsatmoqda.

Ta’kidlash kerakki, BMTning Barqaror rivojlanish maqsadlari ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot, ekologiya va atrof-muhit himoyasi, inson kapitalini rivojlantirish kabi qator muhim sohalardagi masalalarga qaratilgan.

O‘z o‘rnida “O‘zbekiston – 2030” strategiyasida ham mazkur masalalarga alohida e’tibor qaratilib, milliy xususiyatlardan kelib chiqqan holda Barqaror rivojlanish maqsadlariga erishishning butkul yangi mexanizmi joriy etildi. Uning doirasida esa, ortga qaytmas va keng qamrovli islohotlar amalga oshirilmoqda.

“O‘zbekiston – 2030” strategiyasida inson kapitalini rivojlantirish, aholining turmushi farovonligini oshirish, kambag‘allikka barham berish, ijtimoiy adolatni ta’minlash chora-tadbirlari belgilangan. Shu bilan birga, iqtisodiy o‘sish, yangi ish o‘rinlarini yaratish, raqobatbardosh iqtisodiyotni qurish, innovatsiyalarni rag‘batlantirish, “yashil iqtisodiyot”ni rivojlantirish va qayta tiklanadigan energiya manbalaridan samarali hamda oqilona foydalanish choralari ham nazarda tutilgan.

Strategiya doirasida amalga oshirilayotgan islohotlar salmoqli natijalarni bermoqda. Jumladan, iqtisodiy o‘sish sur’atlari yillik o‘rtacha 6 foizdan yuqorini

tashkil etib, yalpi ichki mahsulot keyingi sakkiz yilda 2 karra oshib, 115 milliard dollarga yetdi va kishi boshiga 3 ming dollardan ortiqni tashkil etmoqda.

Qolaversa, O‘zbekistonda kambag‘allik darajasi 2015 yildagi 35,9 foizdan joriy yilda 6,6 foizgacha pasaydi. “Yashil iqtisodiyot”ga o‘tish jarayoni ham tezlashdi: hozirda jami generatsiya quvvatlarida “yashil” energiya ulushi 30 foizga yetdi. 2030-yilgacha esa yana 35 milliard dollar to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiya hisobidan “yashil” energiya ulushini 54 foizga yetkazish ko‘zda tutilgan.

Bundan tashqari, O‘zbekistonda ijtimoiy himoya va inson kapitali rivojiga alohida e’tibor qaratilmoqda. Xususan, maktabgacha ta’lim qamrovi 27 foizdan 78 foizga, oliy ta’lim qamrovi esa 9 foizdan 42 foizga oshdi, ma’lumki, oliy o‘quv yurtlari talabalarining yarmidan ko‘pini (52,4 foiz) xotin-qizlar tashkil etmoqda. Oliy o‘quv muassasalari soni esa so‘nggi yillarda 77 tadan 202 taga, jami talabalar soni 250 mingdan 1,5 millionga yetdi [3.].

BMT Bosh assambleyasining 80-sessiyasida Prezident Shavkat Mirziyoyev tomonidan bildirilgan 10 dan ortiq taklif va tashabbuslar ham BMTning Barqaror rivojlanish maqsadlari bilan chambarchas bog‘liq.

Xususan, pedagoglarning o‘zaro tajriba va bilim almashishi uchun yagona xalqaro platformani yaratish maqsadida O‘zbekistonda Butunjahon professional ta’lim sammitini o‘tkazish, Osiyo xotin-qizlar forumini doimiy platformaga aylantirib, muntazam o‘tkazib borish, bugungi tahdidlarga to‘la dunyoda global transport tizimining zaifligi dengizga chiqish imkoniyati bo‘lmagan rivojlanayotgan davlatlarning barqarorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatayotganini hisobga olib, Xalqaro tranzit yo‘laklarining xavfsizligini ta’minlash va samarali logistika zanjirlarini yaratish maqsadida “Barqaror rivojlanish maqsadlari uchun o‘zaro transport bog‘liqligini mustahkamlash” global mexanizmini joriy etish kabi qator takliflar ilgari surildi.

Shuningdek, O‘zbekiston Prezidenti BMT tuzilmalari bilan mintaqada qator yangi loyiha va dasturlarni amalga oshirishni, jumladan, EKOSOS va YUNKTAD shafeligida Markaziy Osiyo davlatlarining iqtisodiy taraqqiyoti masalalariga bag‘ishlangan xalqaro forum o‘tkazish, YUNIDO bilan sanoatda “yashil” texnologiyalar mintaqaviy xabini tashkil etish, mintaqamizda suv resurslaridan oqilona foydalanish, “yashil” makon barpo etish hamda demografik barqarorlikka erishish bo‘yicha dasturlarni qabul qilish muhim ahamiyatga ega ekanligiga e’tibor qaratdi [3.].

Prezidentimiz tomonidan bildirilgan taklif va tashabbuslarning amalga oshirilishi, nafaqat Yangi O‘zbekiston, balki Markaziy Osiyo mintaqasida barqaror va inklyuziv rivojlanish, mintaqaviy hamda global barqarorlik va hamkorlikni mustahkamlashga xizmat qiladi [3.].

Xulosa qilib aytganda, davlatimiz rahbarining BMT Bosh assambleyasining 80-sessiyasidagi ishtiroki muhim voqealik bo‘lib, Yangi O‘zbekistonning ortga qaytmas demokratik islohotlarga va “O‘zbekiston – 2030” strategiyasi maqsad va vazifalari

hamda BMTning Barqaror rivojlanish maqsadlariga erishishda sodiqligini namoyon etdi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. https://uz.wikipedia.org/wiki/Barqaror_rivojlanish_maqsadlari (Murojaat etilgan sana:12.10.2025.).

2.https://www.un.org/ohrlls/sites/www.un.org.ohrlls/files/2030_agenda_for_sustainable_development_web.pdf (Murojaat etilgan sana:12.10.2025.).

3.https://strategy.uz/index.php?news=2168&lang=uz (Murojaat etilgan sana: 12.10.2025.).

4.O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 83-sonli qarori; https://lex.uz/pdfs/5870397

5.Toshturov Sh., Akramova L. O‘zbekiston va BMtning Barqaror rivojlanish maqsadlari. // Zamonaviy O‘zbekiston: Ijtimoiy-siёsiy jaraёnlar, xalqaro va mintaqaviy munosabatlar. “Akademnashr”, 2025. -B,105.

6.https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/wp-content/uploads/sites/5/2015/08/FAQs_Sustainable_Development_Summit.pdf

7. https://unctad.org/system/files/official-document/ares69d313_ru.pdf (Murojaat etilgan sana:12.10.2025.).

XALQARO MIQYOSDA INSON HUQUQ VA ERKINLIKLARINI TA’MINLASHDA BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTINING AHAMIYATI

Dauletbaeva Aynur Baxramovna,
Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti
yuridika fakulteti 3-bosqich talabasi
E-mail: dawletbaevaaynur0@gmail.com

Annotatsiya: Mazkur maqolada eng katta va o‘z o‘rniga ega bo‘lgan xalqaro tashkilotlardan biri Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) haqida ma’lumot keltirilgan. Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) xalqaro hamjamiyatda tinchlikni, osoyishtalikni ta’minlash, dunyo xavfsizligini saqlash, xalqlarning teng huquqliligini ta’minlash va ularning huquq va erkinliklarining amal qilinishi va himoya qilinishini ta’minlash kabi asosiy vazifalarini belgilaydi. Mazkur tashkilot xalqaro miqyosda davlatlarning do‘stligini, hamkorligini ta’minlashda asosiy o‘rin tutadi.

Kalit so‘zlar: Birlashgan Millatlar Tashkiloti, tinchlik, xalqaro, hamkorlik, Deklaratsiya, inson huquqlari, tashkilot.

Hozirgi vaqtda xalqaro miqyosda tinchlikni ta’minlash, xavfsizlikni saqlash, xalqlarning teng huquqliligini ta’minlash va ularning huquq va erkinliklarining amal

qilinishi va himoya qilinishi eng global masalalardan biri hisoblanadi. Yuqorida ko‘rsatilgan vazifalarni amalga oshirish uchun bir qator tashkilotlar tuzilgan.

Bugungi kunda dunyoning deyarli barcha davlatlari a’zo bo‘lgan, keng qamrovli tashkilotlardan biri Birlashgan Millatlar Tashkilotidir (BMT). Birlashgan Millatlar Tashkiloti boshqa tashkilotlarga qaraganda o‘zining davlatlar qamrovidagi darajasi, maqsadi va vazifalari bilan ajralib turadi. Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) - butun dunyoda, xalqlar o‘rtasida barqarorlikni va tinchlikni mustahkamlash va xavfsizlikni ta’minlash, davlatlarning bir-biri bilan o‘zaro hamkorligini rivojlantirish maqsadida tashkil etilgan xalqaro tashkilot hisoblanadi. Xalqaro tashkilot sifatida ish olib borish oson ish emas. Chunki bir-biridan mustaqil davlatlar, ularni boshqarish tarzi, qonunlari va boshqaruv tizimi har xil. Lekin, mamlakatlarning qabul qiladigan hujjatlari xalqaro hujjat va shartnomalarga moslashtirilgan holda yaratiladi. Bu usul esa davlatlarning qonun hujjatlarining barqarorligini ta’minlashga hissa qo‘shadi.

Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) tashkil etilganidan boshlab bugungi kunga qadar tinchlikni ta’minlash, inson huquq va erkinliklarini, manfaatlarini himoya qilish uchun bir qator xalqaro hujjatlar qabul etti va yangi islohotlarni amalga oshirdi. Mazkur xalqaro tashkilotni tashkil etish haqidagi qaror 1943-yili AQSh, Birlashgan Qirollik, Xitoy va Sovet Ittifoqi tashqi ishlar vazirlarining Moskvadagi kengashida qabul qilindi [1]. Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) Ustavi tasdiqlangan payti dastavval 51 davlat tomonidan imzolangan. 2000-yillarga kelib esa Ustavni imzolagan mamlakatlar soni 189ga yetadi. Bugungi kunga kelib a’zo davlatlar soni 193 taga yetti. Birlashgan Millatlar Tashkiloti Ustavida keltirilganidek, u xalqaro darajada tinchlik va xavfsizlikni ta’minlash, xalqlarning teng huquqli bo‘lishi va o‘z taqdirini o‘zi belgilashi qoidasiga amal qilib, millatlar o‘rtasida do‘stlik munosabatlarini jadallashtirishni, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy muammolarni hal etishda xalqlar o‘rtasida hamkorlik bo‘lishini ta’minlaydi. Vazifalari ko‘p va bir-biriga juda bog‘liq bo‘lgan BMT o‘z tarkibida bir qancha qo‘mita va organlarni tuzadi. Misol tariqasida YUNESKO, UNICEF, Inson huquqlari kengashi, Xavfsizlik Kengashi kabilarni keltirishimiz mumkin.

Butun dunyoda inson huquq va erkinliklariga amal qilinishini ta’minlash va ularni himoya qilish barcha davlat va xalqlarning oldida turgan ustuvor vazifadir. Ushbu qoidalarga amal qilinishini ta’minlash uchun esa Birlashgan Millatlar Tashkilotining (BMT) "Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi" qabul qilinadi.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining (BMT) "Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi" — BMT Bosh Assambleyasi tomonidan 1948-yil 10-dekabrda qabul qilingan xalqaro hujjat. U muqaddima (preambula) va 30 moddadan iborat bo‘lib, uni qabul qilishdan ko‘zlangan maqsad har bir inson va davlat mazkur Deklaratsiyani nazarda tutgan holda ma’rifat va ta’lim orqali shu huquq va erkinliklar hurmat qilinishiga ko‘maklashishi lozim. Deklaratsiya har bir insonning tabiiy va ajralmas

huquq va erkinliklari e’lon etilgan asosiy xalqaro hujjatdir. Shu tariqa xalqaro munosabatlar tarixida birinchi marta insonning hamma rioya etishi zarur bo‘lgan asosiy huquqlari va erkinliklari doirasi belgilab berilgan. Deklaratsiyada "insoniyat oilasining hamma a’zolariga xos qadr-qimmatni, ularning teng va ajralmas huquqlarini tan olish — erkinlik, adolat va yalpi tinchlik negizi" ekanligi e’lon etilgan. Unga ko‘ra, umumhurmat va rioya qilishi shart bo‘lgan inson huquqlari doirasi shaxsiy, siyosiy hamda ijtimoiy-iqtisodiy huquqlardan iboratdir [2]. Mazkur hujjat inson huquqlari va erkinliklarini ta’minlash va hurmat qilish, demokratik davlat qurish orzusidagi barcha davlatlar tomonidan ratifikatsiya qilinadi.

1948-yili butun dunyo diqqat markazi BMTning Inson huquqlari bo‘yicha komissiyasi faoliyatiga qaratildi. Mashhur huquq himoyachisi, prezident Franklin Ruzvel`tning bevasi hamda AQShning BMTdagi vakili Eleonora Ruzvel`t boshchiligida mazkur komissiya bugungi "Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi"ga aylangan hujjat ustida ishlay boshladilar. Deklaratsiyani yaratish ilhomchisi, tashabbuskori bo‘lmish Eleonora Ruzvelt uni dastlab “Bashariyat erkinliklarining Buyuk Xartiyasi” deb atadi va ushbu hujjat 1948 yilning 10 dekabr kuni rasman qabul qilindi [3].

O‘zbekiston Respublikasi ham 1992-yil 2-martda Birlashgan Millatlar Tashkilotiga a’zo bo‘ladi va o‘z qonun hujjatlarini ushbu deklaratsiyaning tartib-taomillariga moslashtirilgan holda yaratadi. Masalan, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini yaratish davrida "Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi"ga asoslanadi. "Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi" qabul qilinganligining 75 yilligiga bag‘ishlab O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining "Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi qabul qilinganligining 75 yilligini keng nishonlash to‘g‘risida" 2023-yil 12-maydagi PF-70-son Farmoni qabul qilindi. Mazkur farmonga muvofiq O‘zbekiston Respublikasida inson huquqlari sohasidagi Milliy ta’lim dasturining qabul qilinishi mamlakatimizda inson huquqlari sohasidagi ta’limni yanada rivojlantirishga, aholining inson huquqlari sohasidagi huquqiy savodxonligini oshirishga, shuningdek, davlat xizmatchilarining inson huquqlari va gender tenglik sohasidagi bilim va ko‘nikmalarini oshirishga qaratilgan [4].

O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining ajralmas huquqi bo‘lgan yashash huquqi mazkur Deklaratsiyaning 3-moddasida "Har bir inson yashash, erkin bo‘lish va shaxsiy daxlsizlik huquqlariga egadir"-deb ko‘rsatilgan. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining fuqarolarning qonun oldida tengligi prinsipi "Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi"ning 2-moddasida belgilangan. Har bir inson irqi, tana rangi, jinsi, tili, dini, siyosiy yoki boshqa e’tiqodlaridan, milliy yoki ijtimoiy kelib chiqishi, mol-mulki, tabaqasi yoki boshqa holatidan qat’i nazar ushbu Deklaratsiyada e’lon qilingan barcha huquq va barcha erkinlikka ega bo‘lishi zarur. Bundan tashqari, inson mansub bo‘lgan mamlakat yoki hududning siyosiy, huquqiy yoki xalqaro

maqomidan, ushbu hudud mustaqilmi, vasiymi, o‘z-o‘zini idora qiladimi yoki boshqacha tarzda cheklanganligidan qat’i nazar biror bir ayirmachilik bo‘lmasligi kerak [5].

Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) bugungi kunda dunyo hamjamiyatning eng muhim siyosiy, ijtimoiy va huquqiy institutlaridan hisoblanadi. Birlashgan Millatlar Tashkiloti butun dunyoning, insoniyat tinchligi, xavfsizligi va farovonligini ta’minlashda, shuningdek, davlatlar o‘rtasidagi hamkorlikni mustahkamlashda o‘z o‘rniga ega. BMT faoliyati orqali dunyoda tinchlikni saqlash, inson huquqlarini himoya qilish, barqaror rivojlanish maqsadlariga erishish va global muammolarni hal etish yo‘lida muhim ishlar amalga oshirilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi ham BMTga a’zo bo‘lgach xalqaro maydonda faol hamkorlik olib borib, mintaqaviy xavfsizlikni ta’minlash, ekologik muammolarni hal qilish va inson manfaatlarini himoya qilish borasida bir qator tashabbuslarni ilgari surmoqda. Shunday qilib, BMT — bu davlatlar o‘rtasida tinchlik, barqarorlik va taraqqiyot sari yo‘naltirilgan xalqaro birdamlikning asosiy tayanchi hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. https://gov.uz/oz/eco/news/view/18203
2. https://uz.wikipedia.org/wiki/Inson_huquqlari_umumiy_deklaratsiyasi
3. https://asianforum.uz/uz/menu/uzbekistan-marks-the-70th-anniversary-of-the-universal-declaration-of-human-rights
4. https://lex.uz/uz/docs/-6464217
5. "Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi". https://constitution.uz/oz/pages/humanrights

JINOYAT ISHLARI BO‘YICHA HUQUQNI MUHOFAZA QILUVCHI ORGANLARNING YAGONA INTERAKTIV BAZASINI YARATISH

Abdullayev Botir Nabi o‘g‘li,
JXU Maxsus fakultet yurisprudensiya yo‘nalishi talabasi
El.pochta:botirabdullayev@gmail.com +998933366505
Mustafayev G‘iyos G‘ulomovich,
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti harbiy xizmatchisi

Annotatsiya. Ushbu maqola huquqni muhofaza qiluvchi organlar tushunchasi. Huquqni muhofaza qiluvchi organlarning ish olib borishda online ma’lumotlar bazasi bilan ishlashda xorijiy mamlakatlar tajribasi,huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyatida vujudga keladigan muamoalar hamda ularga yechim sifatida bir nechta takliflar keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: elektron baza (E-baza), ma’lumotlarni online uzatish, huquqiy prognozlash, huquqiy tadqiqotlar. Idoralararo API

Kirish: Bugungi kunda deyarli barcha sohada elektronlashtirish,raqamlashtirish bosqichiga o‘tayotgan bir vaqtda, shaxsiy va ish faoliyatimizda unumdorligini oshirishga xizmat qiladi, bu rivojlanish huquqiy sohani ham chetlab o‘tayotgani yo‘q. Ayniqsa bu huquqni muhofaza qiluvchi organlar tizimida juda kata ahamiyatga egaligi va yuridik sohani rivojalanishidan jamiyatning barcha qatlami manfaatdor bo‘ladi

XXI asr “raqamli asr” deb atalgan davrda sodir bo‘layotgan o‘zgarishlar o‘z ta’sirini bevosita huquqiy sohaga ham o‘tkazmoqda. Raqamli hamda axborot texnologiyalarining jadal rivojlanishi huquqiy texnologiyalarni ham o‘zgartirishni talab qiladi. Ayniqsa bu o‘zgarishlar huquqni muhofaza qiluvchi organlar sohasida raqamlashtirish va texnologiyalarini ishlab chiqishga undamoqda.

Natijalar va muhokamalar

Hozirgi kunda Huquqni muhofaza qiluvchi organlarning o‘zing elektron baza(E-baza) tizimidan foydalanish keng miqyosda foydalanadi. Agar HMQO yagona integeratsiyalashgan tizimni yaratadigan bo‘lsak.Ushbu tizimdan foydalanishning bir qancha afzaliklari bo‘ladi. Jumladan, ish samaradorligini oshirish, vazifalarni soddalashtirish va ma’lumotlarni tahlil qilishda tizimli yondashuvni joriy etish, va davlat ichki xavfsizligini ta'minlash maqsadida amalga oshiriladigan zaruriy qadamdir. Bunda raqamlashtirilgan elektron tizim huquqni muhofaza qiluvchi organlar o‘rtasida axborot almashinishni tezlashtiradi va huquqbuzarliklari miqdor va sifat ko‘rsatkichlarini aniqlashda samarali vosita bo‘ladi. Raqamlashtirilgan elektron tizim ko‘p jihatdan afzaliklarga ega bo‘lib, ulardan eng muhimi protsessual muddatlarning qisqarishini misol qilib ko‘rsatish mumkin. Sud va huquqni muhofaza qiluvchi

organlar tizimini integrallashtirish ya’ni huquqbuzarlik sodir etgan shaxslarni mamuriy tartibda ushlab turish uchun sanksiya berish faqatgina sud tomonidan amalga oshirish milliy qonunchiligimizda keltirib o‘tilgan bo‘lib protsessaul tomonidan bu harakatlar huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan huquqbuzarlik aniqlangandan keyin sudga mamuriy qamoqqa olish to‘g‘risida iltimosnoma kiritish orqali amalga oshiriladi va bunda HMQO mansabdor shaxsi tomonidan Ma’muriy tartibda ushlab turish, iltimosnoma va ish hujjatlari(ma’muriy va jinoiy ishlar) sudga bevosita olib borish orqali amalga oshiriladi. (Jinoyat ishlari ham bundan mustasno emas). Bundan tashqari O‘zbekiston Respublikasing Jinoyat Protsessual Kodeksining 382-moddasiga muvofiq jinoyat tarkibi yo‘q bo‘lgan huquqbuzarliklar uchun jinoyat ishini rad etish to‘grisidagi, tergov harakatlarini muddatini uzaytirish to‘g‘risidagi qarorlar Prokuror tasdiqlashi uchun tergov harakatlarini olib boruvchi mansabdor shaxs tomonidan bevosita olib boriladi, bu esa ortiqcha vaqt talab etadi.[1]

Chet el tajribasiga qaraydigan bo‘lsak Qo‘shma Shtatlar politsiya (FBI va politsiya tizimi): AQShda politsiya va boshqa huquqni muhofaza qiluvchi organlar "National Crime Information Center" (NCIC) kabi yagona ma'lumotlar bazasiga ega. Bu tizim orqali turli shtat politsiyalari o‘rtasida jinoyatchilar haqidagi ma'lumotlar almashinuvi amalga oshiriladi. Ma'lumotlar real vaqt rejimida yangilanadi va har bir politsiya xodimi tizimga kirib, kerakli axborotlarni olish imkoniyatiga ega. NCIC tizimi, shuningdek, jinoyatlarning geografik joylashuvi va jinoyatchilarning "quvvatli" profillarini tahlil qilish imkoniyatini beradi.[2] Bundan tashqari **Avstraliya (National Criminal Intelligence System)**: Avstraliyada **National Criminal Intelligence System (NCIS)** orqali turli organlar o‘rtasida jinoyatga oid ma'lumotlar, shuningdek, jinoyatchilarning xulq-atvori va usullari haqidagi axborotlar birlashtirilgan. Bu tizim davlat miqyosida jinoyatlarni oldini olish va tergovlarni tezlashtirishda muhim rol o‘ynaydi.[3]Rossiya: “Edinaya informaционnaya sistema” (Yagona Axborot Tizimi)Rossiyada ichki ishlar vazirligi, tergov qo‘mitasi, prokuratura, sudlar, FSB kabi organlar Yagona davlat avtomatlashtirilgan axborot tizimi (EGAS) orqali ma'lumot almashadi. Bu baza jinoyatchilar, tergovlar, qo‘lga olish qarorlari, transport vositalari, biometrik ma'lumotlar, hatto sud qarorlari haqida ma'lumotlarni qamrab oladi.[4]

Afzalliklari:

Tergovlar takrorlanishining oldi olinadi.

Qidiruvdagi shaxslar tezroq topiladi.

Tahlil qilish imkoniyati kengayadi.

Hozirgi globallashuv sharoitida huquqni muhofaza qiluvchi organlarning yagona integratsiyalashgan yagona milliy bazasini yaratish kelajakdagi ko‘plab ovoragarchilikdan xolis etadi.

Markaziy davlat nazorati ostida, tezkor axborot almashinuvi imkoniyati.

Markazlashtirilgan tizim — barcha shtatlar, federal idoralar, politsiya bo‘limlari foydalanadi.

Jinoyatchi profillari va geolokatsiya ma’lumotlari asosida tahliliy quvvatga ega.

Kamchiliklari

Yangi ma’lumotlar integratsiyasi sekin kechishi mumkin.

Maxfiylik tahdidlari — noto‘g‘ri foydalanish holatlari bo‘lgan.

Tizimdagi barcha ma'lumotlar markazlashgan bo‘lgani uchun noto‘g‘ri foydalanish yoki axborot sizib chiqishi xavfi mavjud.

Huquqni muhofaza qiluvchi organ xodimlari real vaziyatni baholashdan ko‘ra tizimdagi ma'lumotlarga ko‘proq ishonib qolishlari mumkin.

Hududlar o‘rtasida texnologik infrastrukturadagi tafovutlar ma'lumotlarni to‘g‘ri, tezkor va uzluksiz yangilashga to‘sqinlik qiladi.

Yuqoridagi bu elektron tizimlar jinoyatga qarshi kurashda samarali vosita bo‘lsa-da, **axborot xavfsizligi, shaffoflik, yangilanish va inson huquqlari** bilan bog‘liq muammolar mavjud.Yagona tizimlarning eng katta tahdidi — **noto‘g‘ri ma’lumotlar asosida noto‘g‘ri qarorlar qabul qilinishi** va **shaxsiy hayot daxlsizligining buzilishi**dir. Bu esa O‘zbekiston Respublikasi konstitutsiyada nazarda tutilgan ya’ni har bir inson shaxsiy hayotining daxlsizligi, shaxsiy va oilaviy sirga ega bo‘lish, o‘z sha’ni va qadr-qimmatini himoya qilish huquqiga ega.

Bu Huquqni muhofaza qiluvchi organlarning yagona interaktiv tizimini yaratishda O‘zbekiston Respublikasi konstitutsiyasi,qonun hujjatlari va normativ huquqiy hujjatlarga zid kelmagan holda yaratish talab etiladi.

Birinchi o‘rinda, yagona integratsiyalashgan bazani yaratishda dastlab amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq fuqarolarni huquq va erkinliklari, sha’ni qadr-qimmati, shaxsiy daxlsizligini hisobga olinishi kerak, bundan tashqari maxfiylik va xavfsizlik ta’minlash O‘zbekistonga mos ravishda jamoatchilik nazoratini kiritish.talab etiladi. Fuqarolarning himoya qilish huquqlari o‘z haqidagi ma’lumotni tekshirish, noto‘g‘ri bo‘lsa tuzatishni talab qilish (ariza orqali)

Elektron baza(E-baza)ni shakllantirishda avvalo “Yagona huquqni muhofaza qiluvchi axborot tizimi to‘g‘risida”qonun hujjatini ishlab chiqish va huquqni muhofaza qiluvchi organlar o‘rtasida ma’lumotlar almanishuvi bo‘yicha bitim izmozalanishi kerak bo‘ladi va shundan so‘ng O‘zbekiston Moliya vazirligi tomonidan interaktiv baza uchun pul mablag‘lari ajratiladi va huquqni muhofaza qiluvchi organlarning tergov harakatlarini olib boruvchi xodimlarning o‘rtasida yagona interaktiv bazadan foydalanish bo‘yicha malakalarini oshirish Dastlab bu (e-baza) tizimi Toshkent shahrida joriy etilishi agar bu tizim o‘z samaradorligini ko‘rsatsa respublika miqiyosida bosqichma-bosqich joriy etiladi.

Maxfiylik va xavfsizlik

F**aqat HMQO ni vakolatli xodimlar tomonidan** kiriladi,

Shaxsiy kirish identifikatori orqali kiriladi (elektron raqamli imzo yoki maxsus tokenlar),

har bir so‘rov tizimda log(ya’ni har bir olingan ma’lumot va yuklangan yoki o‘zgartirilgan ma’lumot qaysi qurilmadan o‘zgartirildi va uning IP manzili saqlanadi) qilinadi.

Har bir organ faqat o‘z vakolatiga kiruvchi ma’lumotga kirish huquqiga ega bo‘lishi kerak.

HMQO lari xodimlarining shaxs doir ma’lumotlarni faqatgina ish yuzasidan ko‘rmaganligi uchun javobgarligi (jinoiy yoki ma’muriy).

Xulosa

Xulosa qilib aytganda, jinoyat ishlari bo‘yicha huquqni muhofaza qiluvchi organlarning yagona interaktiv bazasi O‘zbekistonda huquqni muhofaza qilish tizimini zamonaviylashtirish, shaffoflikni ta'minlash va tergov-sud jarayonlarini optimallashtirish yo‘lida muhim qadam bo‘lib xizmat qiladi. Ushbu tizim, shuningdek, huquqni muhofaza qilish sohasidagi islohotlarni yanada chuqurlashtirish, jinoyatga qarshi kurashishning samaradorligini oshirish va fuqarolarning huquqiy himoyasini kuchaytirish uchun katta imkoniyatlar yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Jinoyat Protsessual kodeksi (22.09.1994) 382-moddasi https://lex.uz/docs/-111460

2. "National Crime Information Center" (NCIC) https://le.fbi.gov/informational-tools/ncic

3.**NationalCriminalIntelligenceSystem(NCIS)**https://www.acic.gov.au/services/national-criminal-intelligence-system

4.“Edinayainformaцionnayasistema”https://ru.wikipedia.org/wiki/EGAIS_uchёta_drevesinы

5.O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 31-moddasi https://lex.uz/uz/docs/-6445145.

“THE ROLE OF THE UNITED NATIONS IN ENSURING INTERNATIONAL PEACE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT”

Qudratov Javohir Komilovich,
Student of the 4th year, Faculty of International Law
University of World Economy and Diplomacy, Tashkent, Uzbekisstan
Email: qudratovjavohir201@gmail.com
Tel: +998(94)-971-80-01

Annotation: This article analyzes the 80-year history of the United Nations, focusing on its achievements, challenges and future prospects in promoting peace, security and sustainable development. It provides a scientific analysis of the role of the UN in conflict prevention, peacekeeping operations, the development of international law and the adoption of global development agendas. In particular, special attention is given to pressing global issues such as terrorism, extremism, the proliferation of weapons of mass destruction, climate change, cybersecurity, migration and humanitarian crises. The article also examines the experience of implementing the Sustainable Development Goals - the 2030 Agenda and its significance for global stability. The need to strengthen the Organization efficiency, particularly, by reforming the Security Council, is emphasized.

Key words: United Nations, peacekeeping, international law, sustainable development, global security, UN reform.

Introduction: The United Nations (UN) was founded on October 24, 1945, after World War II, and today it is one of the largest and most important organizations in the international arena. The UN conducts its activities based on the principles of maintaining peace and security, developing international cooperation, ensuring the sovereign equality of states, and protecting human rights.

The organization is headquartered in New York City, with regional centers in Geneva, Vienna, and Nairobi. Currently, the UN has 193 member states, and their active participation plays a decisive role in solving global problems. Arabic, Chinese, English, French, Russian, and Spanish are adopted as its official languages.

The UN is active not only in preventing wars, but also in global issues such as economic development, social justice, environmental sustainability, the refugee problem, and climate change. Therefore, its 80 years of activity require a deep study not only of the lessons of the past, but also of future prospects.

The Charter of the United Nations defines its main goals as follows:

1. To maintain international peace and security;
2. To develop friendly relations among nations;

3. To achieve international cooperation in solving global economic, social, cultural, and humanitarian problems;

4. To promote and encourage respect for human rights and fundamental freedoms for all people, regardless of race, gender, language, or religion

One of the main purposes of the United Nations is to maintain international peace and security, as stated in Article 1 of the UN Charter. Since its establishment, the Organization has played a central role in preventing conflicts, mediating disputes, and conducting peacekeeping operations around the world. The UN Security Council, which consists of five permanent and ten non-permanent members, is primarily responsible for this mission. The Security Council has the authority to determine the existence of a threat to peace, breach of peace, or act of aggression, and it can take both peaceful measures such as negotiations and sanctions, and military measures if necessary. Over the past decades, the UN has conducted more than 70 peacekeeping operations in various regions, including Africa, the Middle East, Asia, and the Balkans. These operations have contributed to the protection of civilians, the organization of elections, and the reconstruction of post-conflict societies.

The UN Peacekeeping Forces, also known as the "Blue Helmets," are composed of troops and police provided voluntarily by member states. Their neutral and humanitarian approach has made the UN an essential actor in international conflict resolution. However, peacekeeping is not always successful; in some cases, such as Rwanda (1994) and Bosnia (1995), the UN faced serious criticism for its inability to prevent mass atrocities. Despite these challenges, the UN continues to develop new mechanisms to ensure peace. One of them is the Peacebuilding Commission, established in 2005 to support countries emerging from conflict and to coordinate international assistance. The UN also actively cooperates with regional organizations such as the African Union, the European Union, and the Organization for Security and Co-operation in Europe (OSCE) to maintain stability in different parts of the world.

In general, the UN's efforts in maintaining peace and security demonstrate the Organization's evolving role in adapting to new forms of conflicts, including terrorism, cyber threats, and climate-related instability. This proves that peace in the modern world is inseparable from sustainable development and respect for human rights.

From the very beginning of its establishment, the United Nations has played a fundamental role in the development and codification of international law. The UN Charter itself serves as the cornerstone of the modern international legal system, defining the basic principles of international relations such as the sovereign equality of states, the prohibition of the use of force, and the peaceful settlement of disputes. One of the most significant bodies within the UN system in this regard is the International Law Commission (ILC), established in 1947. Its main purpose is to promote the progressive development and codification of international law2. The ILC has drafted

many key international instruments, including the Vienna Convention on the Law of Treaties (1969) and the Articles on the Responsibility of States for Internationally Wrongful Acts (2001), both of which have become fundamental sources of international legal practice. Another major contribution of the UN is the establishment of the International Court of Justice (ICJ) — the principal judicial organ of the Organization. The ICJ settles legal disputes between states and provides advisory opinions on legal questions referred by the UN General Assembly and the Security Council. Through its judgments, the ICJ has developed important norms in areas such as territorial sovereignty, maritime boundaries, and diplomatic relations.

The United Nations has also supported the adoption of numerous multilateral treaties and conventions, covering diverse areas like human rights, environmental protection, international trade, disarmament, and refugee law. Among them, the Universal Declaration of Human Rights (1948) and the International Covenants on Human Rights (1966) hold special importance, as they laid the foundation of the modern human rights system

From the very beginning of its establishment, the United Nations has played a fundamental role in the development and codification of international law. The UN Charter itself serves as the cornerstone of the modern international legal system, defining the basic principles of international relations such as the sovereign equality of states, the prohibition of the use of force, and the peaceful settlement of disputes1. One of the most significant bodies within the UN system in this regard is the International Law Commission (ILC), established in 1947. Its main purpose is to promote the progressive development and codification of international law2. The ILC has drafted many key international instruments, including the Vienna Convention on the Law of Treaties (1969) and the Articles on the Responsibility of States for Internationally Wrongful Acts (2001), both of which have become fundamental sources of international legal practice3.

Another major contribution of the UN is the establishment of the International Court of Justice (ICJ) — the principal judicial organ of the Organization. The ICJ settles legal disputes between states and provides advisory opinions on legal questions referred by the UN General Assembly and the Security Council4. Through its judgments, the ICJ has developed important norms in areas such as territorial sovereignty, maritime boundaries, and diplomatic relations. The United Nations has also supported the adoption of numerous multilateral treaties and conventions, covering diverse areas like human rights, environmental protection, international trade, disarmament, and refugee law. Among them, the Universal Declaration of Human Rights (1948) and the International Covenants on Human Rights (1966) hold special importance, as they laid the foundation of the modern human rights system

In 2015, the United Nations adopted the 2030 Agenda for Sustainable Development, which set out 17 Sustainable Development Goals (SDGs) aimed at eradicating poverty, protecting the planet, and ensuring prosperity for all. The SDGs replaced the previous Millennium Development Goals (MDGs) and introduced a more inclusive and universal framework that applies to both developed and developing countries.

The core philosophy of the 2030 Agenda is "Leave No One Behind," emphasizing equality, social justice, and environmental responsibility. The goals address a wide range of issues, including poverty eradication, quality education, gender equality, clean water and sanitation, affordable energy, economic growth, climate action, and strong institutions.

The SDGs represent a global consensus on how to balance economic growth, social inclusion, and environmental sustainability. For instance, Goal 13 focuses on combating climate change and its impacts, while Goal 16 aims to promote peaceful and inclusive societies, provide access to justice for all, and build effective, accountable institutions. These goals are interconnected and require joint efforts from governments, civil society, and the private sector.

The United Nations Development Programme (UNDP) plays a leading role in coordinating global and national efforts to implement the SDGs. In Uzbekistan, for example, the government has aligned its national development strategies with the 2030 Agenda, prioritizing goals related to poverty reduction, education, and green energy. This shows how the SDGs have become a universal tool for shaping long-term national policies .

However, the implementation of the 2030 Agenda faces several challenges, such as limited financial resources, global inequality, geopolitical conflicts, and the impacts of the COVID-19 pandemic. According to UN reports, significant progress has been made in areas such as health and education, but climate change and conflict continue to threaten global sustainability.

Despite these difficulties, the Sustainable Development Goals remain a powerful symbol of international cooperation and shared responsibility. They demonstrate that peace, development, and human rights are interdependent pillars of the modern international order — a vision fully supported by the United Nations.

The most debated issue concerns the reform of the UN Security Council, which remains dominated by its five permanent members (the United States, the United Kingdom, France, Russia, and China) who possess the veto power. This privilege often leads to political deadlocks, particularly in addressing major conflicts such as those in Syria, Ukraine, and the Middle East2. Many developing countries, as well as regional powers like India, Brazil, Germany, and Japan, have repeatedly called for expanding the Council's permanent membership to make it more representative and democratic3.

Another critical challenge is the increasing complexity of global threats. Issues such as terrorism, climate change, pandemics, cyberattacks, and the misuse of artificial intelligence transcend national borders and require collective responses that go beyond traditional diplomacy4. However, achieving consensus among 193 member states remains difficult due to differing national interests and political rivalries.

Over the past eighty years, the United Nations has become a cornerstone of the modern international system. Its contribution to the maintenance of peace and security, the development of international law, the promotion of human rights, and the advancement of sustainable development has been immense. Despite numerous challenges, the Organization continues to embody the ideals of multilateralism, cooperation, and shared global responsibility.

The UN's peacekeeping missions have saved countless lives and prevented the escalation of conflicts in various regions. Its legal bodies, such as the International Court of Justice and the International Law Commission, have strengthened the rule of law and established norms that guide the behavior of states. The adoption of the 2030 Agenda for Sustainable Development marked a new stage in the Organization's evolution, linking peace, prosperity, and environmental protection into a single global framework.

References

1. United Nations Official Website. Purposes and Principles of the UN Charter. Available at: https://www.un.org/en/about-us accessed (02.09.2025)

2. UN Charter, Chapter VII: Action with respect to threats to the peace, breaches of the peace and acts of aggression. Available at: https://www.un.org/en/about-us/un-charter/chapter-7

3. United Nations. Universal Declaration of Human Rights, 1948; International Covenant on Civil and Political Rights, 1966. Available at: https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights

4. UNDP Uzbekistan. Sustainable Development Goals in Uzbekistan. Available at: https://www.uz.undp.org

5. United Nations. (n.d.). Purposes and Principles of the United Nations. Available at: https://www.un.org/en/about-us

6. United Nations. (n.d.). UN Documentation: Overview. Available at https://research.un.org/en/docs/un

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР АДАПТАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ ВА МИЛЛИЙ ТИЗИМГА ТАТБИҚ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси Турсунов Камариддин Гуламович

Аннотация. Ушбу тезисда муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизмат шароитларига мослашувини ташкил этишнинг педагогик хусусиятлари, хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда улардан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинади. Ҳарбий хизматчилар адаптациясини самарали ташкил этишнинг устувор йўналишлари сифатида босқичма-босқич ҳарбий тайёргарлик, индивидуал ёндашув, ҳарбий жамоага интеграциялашув, командирларнинг педагогик маҳорати ва мослашув жараёнини мунтазам баҳолаш масалалари асосланади.

Калит сўзлар: муддатли ҳарбий хизмат, адаптация, ҳарбий педагогика, ижтимоий мослашув, психологик барқарорлик, ҳарбий тарбия, индивидуал ёндашув, хорижий тажриба, педагогик технологиялар.

Аннотация. В данном тезисе анализируются педагогические особенности организации адаптации военнослужащих срочной службы к условиям военной службы, опыт зарубежных стран и возможности его применения в системе Вооруженных Сил Республики Узбекистан. В качестве приоритетных направлений эффективной организации адаптации военнослужащих обосновываются вопросы поэтапной военной подготовки, индивидуального подхода, интеграции в воинский коллектив, педагогического мастерства командиров и регулярной оценки процесса адаптации.

Ключевые слова: срочная военная служба, адаптация, военная педагогика, социальная адаптация, психологическая устойчивость, военное воспитание, индивидуальный подход, зарубежный опыт, педагогические технологии.

Abstract. This thesis analyzes the pedagogical features of organizing the adaptation of conscript servicemen to military service conditions, the experience of foreign countries, and the possibilities of utilizing it within the system of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan. The priority directions for the effective organization of servicemen's adaptation include step-by-step military training, an individual approach, integration into the military collective, the pedagogical skill of commanders, and regular assessment of the adaptation process.

Keywords: conscript military service, adaptation, military pedagogy, social adaptation, psychological stability, military education, individual approach, foreign experience, pedagogical technologies.

Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларни замонавий ҳарбий хизмат талабларига мувофиқ тайёрлаш, уларнинг жисмоний ва маънавий-руҳий барқарорлигини таъминлаш ҳамда ҳарбий жамоага муваффақиятли мослашувини ташкил этиш ҳарбий таълим ва тарбия тизимининг муҳим

вазифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, муддатли ҳарбий хизматга янги чақирилган ёшларнинг кундалик ҳаёт тартиби, қатъий ҳарбий интизом, жамоавий фаолият ва хизмат мажбуриятларига кўникиши мураккаб педагогик жараён ҳисобланади.

Адаптация жараёни фақат янги муҳитга оддий кўникишдан иборат эмас. У ҳарбий хизматчининг хизмат талабларини англаши, ҳарбий билим ва кўникмаларни эгаллаши, жамоадаги ўрнини топиши, масъулият ҳиссини ривожлантириши ҳамда ўз фаолиятини ҳарбий интизом талабларига мувофиқ ташкил эта олишини қамраб олади. Шу сабабли мазкур жараённи тизимли, мақсадли ва босқичма-босқич ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Ушбу ҳуқуқий асослар доирасида хизматчиларнинг ҳарбий хизматга мослашувини педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмларини ривожлантириш муҳим илмий-амалий вазифадир.

Тезиснинг мақсади муддатли ҳарбий хизматчилар адаптациясини ташкил этиш бўйича айрим хорижий тажрибаларни қиёсий таҳлил қилиш ва улардан миллий ҳарбий таълим-тарбия амалиётида фойдаланишга доир таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг таҳлили. Муддатли ҳарбий хизматчилар адаптациясини ташкил этишда хорижий мамлакатлар тажрибаси жараённи фақат жисмоний тайёргарлик билан чекламасдан, балки ҳарбий муҳитга кириш, хизмат талабларини англаш, жамоавий фаолиятни ўзлаштириш ва муайян ҳарбий мутахассисликни эгаллаш билан боғлиқ вазифаларни ўзаро уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Эстония Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизмат бир нечта тайёргарлик босқичлари асосида ташкил этилади. Дастлабки ҳарбий тайёргарлик курси доирасида ҳарбий хизматчилар қурол билан муомала қилиш, йўналишни аниқлаш, биринчи ёрдам кўрсатиш, ҳарбий қоидалар ва тактиканинг асосий элементларини ўрганадилар. Кейинги босқичларда мутахассислик тайёргарлиги, бўлинма таркибида ҳаракат қилиш ва жамоавий вазифаларни бажариш кўникмалари ривожлантирилади. Бундай ёндашув янги хизматчининг умумий ҳарбий билимлардан мураккаброқ вазифаларни бажаришга изчил ўтишини таъминлашга қаратилган.

Сингапур Қуролли Кучларидаги дастлабки ҳарбий тайёргарлик жараёни ҳам эътиборга лойиқ. Расмий маълумотларда янги чақирилганларни ҳарбий турмуш тарзи ва маданияти билан таништириш, уларни интизомли ташкилот шароитига мослаштириш, жамоавийлик ва ҳарбий кўникмаларни шакллантириш муҳим вазифалар сифатида қайд этилган. Шунингдек, тайёргарлик мазмуни хизматчининг соғлиғи, жисмоний имкониятлари ва тайёргарлик эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда фарқлантирилади.

Мазкур тажрибалардан келиб чиқадиган муҳим хулоса шундан иборатки, ҳарбий хизматга мослашувни ташкил этишда умумий талаблар ва ҳар бир хизматчининг индивидуал хусусиятлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш

зарур. Барча хизматчилар учун ягона интизом ва тайёргарлик талабларининг белгиланиши уларнинг жисмоний имкониятлари, дастлабки билимлари ва ўрганиш суръатларидаги фарқларни инобатга олишга тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Хорижий илмий тадқиқотларда ҳам адаптацияга таъсир этувчи муҳит омиллари алоҳида ўрганилган. Эстония мудофаа тизимида ўтказилган тадқиқотда турли ҳарбий бўлинмалар вакиллари билан суҳбатлар натижасида янги хизматчиларга етарли маълумот берилмаслиги, шахсий ҳудуд ва қулай яшаш шароитларининг етишмаслиги, оила ва яқинлардан узоқда бўлиш, раҳбарлар ва инструкторларнинг муносабати, шунингдек, хизматчиларнинг индивидуал қобилиятларидаги фарқларни ҳисобга олмаслик адаптацияни қийинлаштириши мумкинлиги аниқланган. Муаллифлар хизматчиларнинг янги муҳитда улардан нималар кутилаётганини англаши, ўзини жамоанинг муҳим аъзоси сифатида ҳис қилиши ва зарур қўллаб-қувватлашга эга бўлишини муҳим омиллар сифатида кўрсатадилар [3].

Ушбу хулосалар ҳарбий хизматчилар адаптациясини фақат машғулотлар ва интизомий талаблар орқали эмас, балки ахборот билан таъминлаш, педагогик мулоқот, жамоага интеграциялашув ва индивидуал қўллаб-қувватлаш орқали ҳам ташкил этиш лозимлигини кўрсатади.

Миллий тизимга татбиқ этиш имкониятлари ва педагогик таклифлар

Хорижий тажрибани Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимига татбиқ этишда мамлакатимизнинг ҳарбий хизматни ташкил этиш хусусиятлари, миллий қадриятлар, ҳарбий анъаналар, амалдаги қонунчилик ва хизмат интизоми талабларини ҳисобга олиш зарур. Бунда хорижий моделларни тўлиқ кўчириш эмас, балки уларнинг самарали педагогик элементларини миллий тизимга мослаштириш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, муддатли ҳарбий хизматчилар адаптациясини босқичма-босқич ташкил этиш механизмини такомиллаштириш лозим. Ушбу механизм дастлабки танишув ва йўл-йўриқ бериш, асосий ҳарбий кўникмаларни шакллантириш, ҳарбий жамоага интеграциялашув ҳамда эришилган натижаларни мустаҳкамлаш босқичларини қамраб олиши мумкин. Ҳар бир босқич учун аниқ педагогик мақсадлар ва баҳолаш мезонларини белгилаш хизматчиларнинг мослашув жараёнини мақсадли бошқаришга ёрдам беради.

Иккинчидан, индивидуал ёндашувни кучайтириш муҳимдир. Хизматчиларнинг дастлабки жисмоний тайёргарлиги, таълим даражаси, мулоқот кўникмалари ва ҳарбий билимларидаги фарқлар уларнинг янги шароитга мослашиш суръатига таъсир қилиши мумкин. Шу сабабли командирлар ва тегишли мутахассислар хизматчиларнинг тайёргарлик даражасини кузатиб бориши, қийинчиликларга дуч келаётганларга қўшимча тушунтириш ва педагогик кўмак кўрсатиши мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, ҳарбий жамоада устоз-шогирд ва ўзаро кўмак механизмларини ривожлантириш зарур. Тажрибали ҳарбий хизматчилар ёки белгиланган масъул ходимларнинг янги чақирилганларга хизмат тартиби, ички қоидалар, кундалик вазифалар ва жамоавий муносабатларни ўзлаштиришда кўмаклашиши уларнинг

ноаниқликларини камайтириши мумкин. Бундай ёрдам командирнинг назорати ва ҳарбий интизом талаблари билан уйғунлаштирилиши лозим.

Тўртинчидан, командирларнинг педагогик компетентлигини оширишга эътибор қаратиш керак. Командир нафақат хизмат вазифаларини бажаришни ташкил этувчи раҳбар, балки хизматчиларда масъулият, интизом, жамоавийлик ва ҳарбий бурч туйғуларини шакллантирувчи педагогик таъсир субъекти ҳам ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, командирларнинг самарали мулоқот, тушунтириш, рағбатлантириш, низоларнинг олдини олиш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш кўникмаларини ривожлантириш муҳимдир.

Бешинчидан, адаптация самарадорлигини баҳолаш учун мунтазам педагогик мониторинг тизимини жорий этиш таклиф этилади. Бунда хизматчининг ҳарбий билимларни ўзлаштириши, амалий кўникмалари, интизомга риоя қилиши, жамоавий вазифаларда иштирок этиши, хизматга бўлган мотивацияси ва ўзгаришларга мослашиши каби мезонлар ҳисобга олиниши мумкин. Баҳолаш натижалари хизматчини фақат рағбатлантириш ёки танқид қилиш учун эмас, балки унга зарур педагогик ёрдамни белгилаш учун ҳам қўлланилиши керак.

Олтинчидан, адаптация жараёнида психологик-педагогик қўллаб-қувватлашнинг узвийлигини таъминлаш лозим. Янги хизматчиларнинг қийинчиликларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг савол ва мурожаатларига эътибор қаратиш, соғлом жамоавий муҳитни шакллантириш мослашув жараёнининг сифатини оширишга хизмат қилади. Бунда шахсий маълумотларнинг махфийлигини сақлаш, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва педагогик таъсирнинг қонуний ҳамда мақсадга мувофиқ бўлишини таъминлаш муҳимдир.

Таклиф этилаётган чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этишда ҳарбий қисмларда дастлабки синовдан ўтказиш, натижаларни белгиланган мезонлар асосида таҳлил қилиш ва самарали усулларни босқичма-босқич кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бу ёндашув таклифларни ҳарбий хизматнинг реал шароитларига мослаштириш ва уларнинг амалий аҳамиятини баҳолаш имконини беради.

Хорижий тажриба таҳлили муддатли ҳарбий хизматчиларнинг адаптациясини самарали ташкил этиш кўп омилли педагогик жараён эканлигини кўрсатади. Эстониядаги босқичма-босқич тайёргарлик, Сингапурдаги дастлабки мослашув ва индивидуал имкониятларни ҳисобга олиш ёндашувлари, шунингдек, ҳарбий муҳитнинг таъсирига доир илмий тадқиқотлар миллий тизим учун фойдали хулосалар чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида мазкур тажрибаларни миллий хусусиятларга мослаштирган ҳолда қўллаш муддатли ҳарбий хизматчилар адаптациясини ташкил этишнинг педагогик имкониятларини кенгайтириши мумкин. Бунинг учун босқичли адаптация механизмларини такомиллаштириш, индивидуал ёндашувни кучайтириш, устоз-шогирд тизимини ривожлантириш, командирларнинг педагогик маҳоратини ошириш ва натижаларни мунтазам баҳолашга устувор аҳамият бериш лозим.

Шундай қилиб, муддатли ҳарбий хизматчилар адаптациясини такомиллаштириш ҳарбий тайёргарлик, тарбия, ижтимоий мослашув ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлашнинг ўзаро уйғунлигига асосланиши зарур. Мазкур ёндашув хизматчиларнинг ҳарбий хизмат талабларини ўзлаштириши, жамоадаги ўзаро ҳамкорлиги ва хизмат вазифаларини масъулият билан бажаришга тайёрлигини ривожлантиришга қаратилган истиқболли йўналиш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги 436-II-сон «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни. — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. LexUZ.

2. Estonian Defence Forces. Conscript Service. Эстония Қуролли Кучларининг расмий ахборот манбаси. Расмий веб-сайт.

3. Kattai, K., Kask, K. The Effect of Environment in Supporting Conscripts' Adaptation // Sõjateadlane. The Estonian Journal of Military Studies. — 2016. — № 1. DOI: 10.15157/st.vi1.23963.

4. Central Manpower Base, Singapore. Basic Military Training. — Сингапурнинг миллий хизмат ва ҳарбий тайёргарлик бўйича расмий ахборот портали. Расмий веб-сайт.

TA’LIMNI MOLIYALASHTIRISH SIYOSATIDA BMT TAMOYILLARI: IJTIMOIY ADOLAT VA TENGLIK

Qurbonov Baxromjon Baxtiyor o‘g‘li,
Jamoat xavfsizligi universiteti magistratura talabasi
bahromjonqurbonov06@gmail.com

XXI asrda inson kapitali iqtisodiy o‘sishning asosiy omiliga aylangani sababli, ta’lim tizimini moliyalashtirish masalasi global miqyosda dolzarb ahamiyat kasb etdi. Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) 2000-yilda qabul qilgan “Ming yillik rivojlanish maqsadlari” dasturida ta’limni ijtimoiy barqarorlik va teng imkoniyatlarni ta’minlashning markaziy yo‘nalishi sifatida belgiladi. Ushbu davrda BMT, YuNESKO va boshqa xalqaro tashkilotlar “Ta’lim hamma uchun” tashabbusi orqali 2015-yilgacha ta’lim infratuzilmasini mustahkamlash, moliyaviy manbalarni kengaytirish hamda ijtimoiy tenglikni oshirishga yo‘naltirilgan keng ko‘lamli loyihalarni amalga oshirdi.

2015-yilda esa mazkur tashabbuslar Barqaror rivojlanish maqsadlari (SDGs) bilan davom ettirildi. Bu jarayon ta’lim siyosatini faqat budjet asosida emas, balki turli moliyaviy mexanizmlar, xalqaro hamkorlik va xususiy sektor ishtirokida tashkil etish zarurligini ko‘rsatdi. Shu nuqtai nazardan, ta’limni moliyalashtirish masalasi bugungi kunda nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy va siyosiy ahamiyat kasb etmoqda. Ayniqsa, rivojlanayotgan davlatlar uchun bu yo‘nalish samarali model va mexanizmlarni izlashni taqozo etadi.

Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan 2015-yil 25-sentyabr kuni qabul qilingan “2030-yilgacha Barqaror rivojlanish kun tartibi” (Agenda 2030) insoniyat taraqqiyotini har tomonlama barqaror va inklyuziv yo‘nalishda ta’minlashga qaratilgan global dasturdir. Ushbu dastur doirasida belgilangan 17 ta Barqaror rivojlanish maqsadi (SDGs) orasida 4-maqsad — “Sifatli ta’lim” alohida o‘rin egallaydi. Uning mazmuni barcha insonlar uchun sifatli, inklyuziv va teng imkoniyatli ta’lim olishni kafolatlash hamda umr bo‘yi o‘qish imkoniyatlarini kengaytirishdan iborat[1].

BMT tomonidan belgilangan 4-maqsadning asosiy yo‘nalishlari quyidagilardan iborat:

bepul va sifatli boshlang‘ich hamda o‘rta ta’limni barchaga taqdim etish;

kasb-hunar va texnik ta’limni kengaytirish orqali yoshlarning mehnat bozoriga kirishini osonlashtirish;

gender tengligini ta’minlash, xotin-qizlar va ijtimoiy himoyaga muhtoj guruhlar uchun ta’lim imkoniyatlarini kengaytirish;

zamonaviy texnologiyalar asosida ta’lim infratuzilmasini rivojlantirish;

o‘qituvchilarning malakasini oshirish va ularning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish.

Mazkur maqsadning iqtisodiy asosi sifatida BMT ta’lim tizimlarini barqaror moliyalashtirish mexanizmlari bilan ta’minlashni tavsiya etadi.

UNESCO va Jahon bankining so‘nggi hisobotlariga ko‘ra, ta’lim sohasiga ajratilayotgan mablag‘lar miqdori mamlakatlar kesimida sezilarli tafovutlarga ega. Masalan, OECD mamlakatlarida ta’limga davlat xarajatlari o‘rtacha YAIMning 5 foizini tashkil etsa, past daromadli mamlakatlarda bu ko‘rsatkich 3 foizdan ham kam. Eng yuqori darajani Finlyandiya (6,1%), Daniya (6,3%) va Norvegiya (6,5%) kabi davlatlar egallaydi. UNESCO Global Education Monitoring Report (2023) ma’lumotlariga ko‘ra, butun dunyo bo‘yicha hukumatlarning o‘rtacha ta’limga ajratgan budjeti 10,8%, YAIMga nisbatan esa 4,2% ni tashkil etadi[2].

Shu bilan birga, moliyaviy tengsizlik hamon dolzarb muammo bo‘lib qolmoqda. UNESCO Institute for Statistics (UIS) ma’lumotlariga ko‘ra, past daromadli mamlakatlarda o‘quvchilarni moliyaviy qo‘llab-quvvatlashda oilalarning hissasi 40 foizgacha, ba’zi Afrika davlatlarida esa 55 foizgacha yetadi. Bunda kambag‘al qatlam farzandlari uchun o‘qish xarajatlari milliy daromadning o‘rtacha 25 foiziga teng, badavlat oilalar uchun esa bu ko‘rsatkich atigi 5 foiz atrofida.

Ta’limni moliyalashtirishning global manzarasi kelgusida yanada murakkablashishi, ammo shu bilan birga yangi imkoniyatlar ochilishi kutilmoqda. BMT, Jahon banki va UNESCO tomonidan ishlab chiqilgan “Education Financing 2030 Framework” konsepsiyasiga muvofiq, kelgusi yillarda asosiy e’tibor barqaror, adolatli va natijaga yo‘naltirilgan moliyalashtirish mexanizmlarini shakllantirishga qaratiladi. 2030-yilga borib ta’lim xarajatlari hajmi 2020-yilga nisbatan 25–30 foizga oshishi kutilmoqda. Shu bilan birga, past va o‘rta daromadli mamlakatlarda moliyalashtirishning asosiy manbalari sifatida mahalliy soliqlar bazasini kengaytirish, xususiy sektor bilan davlat sherikligini kuchaytirish, hamda xalqaro donorlarning texnik yordamidan oqilona foydalanish muhim o‘rin tutadi. UNESCOning 2024-yilgi hisobotiga ko‘ra, “EdTech financing” – ya’ni ta’lim texnologiyalariga yo‘naltirilgan investitsiyalar hajmi 2024-yilda 17 milliard dollarga yetgan va 2030-yilgacha 40 milliard dollardan ortishi prognoz qilinmoqda[3]. Bu raqamlar raqamli ta’lim, sun’iy intellekt asosidagi o‘quv tizimlari va onlayn o‘qitish platformalarining kengayishidan dalolat beradi. Kelgusida ta’limni moliyalashtirish siyosatining samaradorligi faqat ajratilgan mablag‘ miqdori bilan emas, balki ularning oqilona taqsimlanishi, ijtimoiy adolat va tenglik tamoyillariga mos qo‘llanilishi bilan belgilanadi. Shuningdek, natija asosida budjetlashtirish, samaradorlik indikatorlarini joriy etish, va mahalliy boshqaruv organlarining moliyaviy avtonomiyasi kabi yondashuvlar dunyo ta’lim siyosatining asosiy tendensiyalaridan biri bo‘lib qolmoqda.

Jahon banki tahliliga ko‘ra, dunyo miqyosida ta’limni moliyalashtirishdagi global moliyaviy bo‘shliq (financing gap) yiliga 97 milliard AQSH dollarini tashkil etadi[4]. Bu summa BMTning SDG-4 maqsadlariga to‘liq erishish uchun zarur

resurslarning chorak qismini tashkil etadi. Shuning uchun BMT davlatlarga ta’limni moliyalashtirish manbalarini diversifikatsiya qilishni, xususiy sektor, donor tashkilotlar va xalqaro moliya institutlarini jalb etishni tavsiya etadi. Mazkur statistika shuni ko‘rsatadiki, ta’limni moliyalashtirishning samaradorligi nafaqat mablag‘ miqdoriga, balki uning adolatli taqsimlanishi va ijtimoiy tenglikni ta’minlash darajasiga ham bevosita bog‘liqdir.

Ta’limdagi ijtimoiy tenglik — bu faqat o‘quv jarayonida teng imkoniyatlarni yaratish emas, balki moliyaviy resurslarni taqsimlashda adolatni ta’minlash, ijtimoiy jihatdan zaif guruhlarni qo‘llab-quvvatlashni ham o‘z ichiga oladi. Shu ma’noda, BMTning SDG-4 maqsadi ta’lim tizimida “inklyuzivlik”, “moliyaviy barqarorlik” va “adolatli taqsimot” tamoyillarini uyg‘unlashtirgan holda, iqtisodiy resurslardan samarali foydalanish mexanizmlarini shakllantirishga undaydi. Ijtimoiy adolat tushunchasi iqtisodiy jihatdan ta’lim resurslarini taqsimlashda “o‘z imkoniyatiga ko‘ra to‘lash va o‘z ehtiyojiga ko‘ra olish” prinsipini anglatadi. Bu tamoyil davlat tomonidan ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarni qo‘llab-quvvatlovchi qayta taqsimlovchi siyosatni nazarda tutadi.

UNESCO (2023) ma’lumotlariga ko‘ra, dunyo bo‘yicha eng boy 20 foiz aholining farzandlari ta’lim sohasidagi umumiy davlat subsidiyalarining 40 foizini oladi, eng kambag‘al 20 foiz aholining ulushi esa atigi 10 foizni tashkil etadi[5]. Ushbu tafovut ijtimoiy adolatni ta’minlash uchun moliyaviy siyosatni qayta ko‘rib chiqish zarurligini ko‘rsatadi. BMT va Jahon banki tahlillarida ijtimoiy tenglikni ta’minlovchi moliyaviy mexanizmlar sifatida quyidagilar ajratib ko‘rsatiladi:

maqsadli grantlar va stipendiyalar tizimini kengaytirish;

kam ta’minlangan oilalar uchun subsidiyalangan o‘qish to‘lovlari;

hududiy rivojlanish fondlari orqali ta’lim infratuzilmasini barqaror moliyalashtirish;

xususiy sektor bilan ijtimoiy sheriklik modelini joriy etish.

Mazkur yondashuvlar davlat budjeti resurslarini adolatli taqsimlash, ta’limda imkoniyatlar tengligini ta’minlash va ijtimoiy tabaqalanishni kamaytirishga xizmat qiladi.

O‘zbekiston Respublikasi BMTning Barqaror rivojlanish maqsadlarini milliy siyosatiga integratsiya qilgan davlatlardan biridir. 2017-yilda qabul qilingan “2030-yilgacha barqaror rivojlanish konsepsiyasi” hamda “Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi”da SDG-4 maqsadining asosiy yo‘nalishlari milliy ustuvorlik sifatida belgilangan. 2024-yil holatiga ko‘ra, ta’lim sohasiga ajratilgan mablag‘ YAIMning 5,6 foizini, davlat budjeti xarajatlarining esa 26 foizini tashkil etdi [6]. So‘nggi yillarda ijtimoiy tenglikni ta’minlashga qaratilgan chora-tadbirlar kengaymoqda, “Har bir oila – tadbirkor” va “Yoshlar daftari” dasturlari orqali kam ta’minlangan oilalarning farzandlariga kontrakt to‘lovlarini qoplash uchun grantlar ajratilmoqda, “Ayollar

daftari” orqali xotin-qizlarning oliy ta’limga kirish imkoniyatlari kengaytirilmoqda, nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun maxsus o‘quv markazlari tashkil etilib kontrakt to‘lovlari 50 foizgacha kamaytirilgan, qishloq va chekka hududlarda ta’lim infratuzilmasini rivojlantirish uchun “Hududlar rivoji” fondi orqali maxsus kapital mablag‘lar ajratilmoqda. Bu mexanizmlar natijasida O‘zbekiston ta’lim tizimida ijtimoiy adolat tamoyillariga asoslangan ko‘p manbali moliyalashtirish tizimi shakllanmoqda.

BMTning barqaror rivojlanish dasturlari doirasida O‘zbekistonning yutuqlari xalqaro darajada e’tirof etilgan. UNDP 2023-yilgi Inson rivojlanishi hisobotida mamlakat “ta’limga kirish imkoniyatlarini kengaytirish” bo‘yicha o‘rtacha darajadan yuqori reytingga ega bo‘ldi. Shu bilan birga, o‘rta ta’limda qamrov 98 foizga, ayollar orasida oliy ta’limda ishtirok darajasi 46 foizga yetdi[7].

BMT tamoyillariga muvofiq, O‘zbekiston ta’limni moliyalashtirish siyosatini quyidagi yo‘nalishlarda rivojlantirmoqda:

inson kapitaliga investitsiya qilish — ta’lim xarajatlarini uzoq muddatli iqtisodiy o‘sish omili sifatida baholash;

teng imkoniyatlar siyosati — barcha qatlamlar uchun moliyaviy to‘siqlarni kamaytirish;

barqaror moliyalashtirish tizimi — davlat, xususiy sektor va xalqaro hamkorlar o‘rtasida resurslarni muvofiqlashtirish.

Ta’limni moliyalashtirish siyosatida BMT tamoyillarining qo‘llanilishi bugungi kunda global va milliy miqyosda ijtimoiy adolat hamda tenglikni ta’minlashning asosiy shartlaridan biri sifatida namoyon bo‘lmoqda. BMTning 4-barqaror rivojlanish maqsadi (SDG-4) — “Sifatli ta’lim” konsepsiyasi davlatlardan nafaqat moliyaviy resurslarni oshirishni, balki ularni oqilona, natijaga yo‘naltirilgan va adolatli taqsimlashni talab etadi.

Jahon tajribasi shuni ko‘rsatmoqdaki, ta’limni samarali moliyalashtirish tizimi ijtimoiy tabaqalanishni kamaytiradi, inson kapitalini rivojlantiradi va uzoq muddatli iqtisodiy o‘sish uchun mustahkam asos yaratadi. Xususan, OECD mamlakatlarida ta’lim xarajatlarining YAIMdagi ulushi yuqori bo‘lishi nafaqat o‘quv sifatini, balki ijtimoiy farovonlik darajasini ham belgilovchi omilga aylangan.

O‘zbekiston tajribasi shuni ko‘rsatadiki, so‘nggi yillarda ta’lim sohasini moliyalashtirishda ko‘p manbali tizim, ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarni qo‘llab-quvvatlash, hamda hududiy rivojlanish fondlari orqali manzilli yondashuvni joriy etish orqali ijtimoiy adolat tamoyillari amaliy shaklga ega bo‘lmoqda. “Ayollar daftari”, “Yoshlar daftari”, “Har bir oila – tadbirkor” dasturlari singari tashabbuslar ta’limga teng kirish imkoniyatlarini ta’minlashda muhim rol o‘ynamoqda.

Umuman olganda, BMT tamoyillariga asoslangan ta’limni moliyalashtirish siyosati O‘zbekistonda ijtimoiy adolatni ta’minlash, inson kapitalini rivojlantirish va

milliy iqtisodiyotning barqaror o‘sishiga xizmat qiladigan eng muhim strategik yo‘nalishlardan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. United Nations (2015). Transforming our world: The 2030 Agenda for Sustainable Development. Resolution adopted by the General Assembly on 25 September 2015 (A/RES/70/1). New York: United Nations.

2. World Bank (2023). World Development Indicators – Education Statistics. Washington, D.C.: The World Bank.

3. United Nations (2023). Education Financing 2030 Framework: Advancing SDG 4 Implementation. New York: United Nations Department of Economic and Social Affairs (UNDESA).

4. World Bank (2023). Education Finance Watch 2023: Bridging the Global Financing Gap in Education. Washington, D.C.: The World Bank Group.

5. UNESCO – Global Education Monitoring Report 2023: Finance chapter

6. World Bank. (2023). Uzbekistan Public Expenditure Review: Education Spending as a Share of GDP (2023). The Global Economy. Retrieved from TheGlobalEconomy.com — Uzbekistan: Public spending on education as percent of GDP: 5.47% in 2023.

7. “Gender assessment of the national response to HIV Republic of Uzbekistan” national report 2024.

INTELLEKTUAL SALOHIYATNI BIRLASHTIRISH INSONIYATNI BIRLASHTIRUVCHI KUCHDIR

Batirova Xadichabonu Mamadiyorovna,
“Temurbeklar maktabi”harbiy akademik litseyi Davlat va huquq fani bosh o‘qituvchisi batirovaxadichabonu@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu tezisda texnalogiya asrida ilmiy va kasbiy salohiyatni umumlashtirishning global hamkorlik hamda barqaror rivojlanishdagi o‘rni tahlil qilindi. Tahlillar orqali ta’lim, ilm-fan, texnalogiya insoniyatni birlashtiruvchi muhim mexanizm sifatida baholandi. Birlashgan millatlar tashkilotining 80 yilligi munosabati bilan global miqyosdagi intellektual birlik g‘oyasining mohiyati, ahamiyati yoritildi. Xalqaro miqyosda o‘z o‘rniga ega bo‘lgan mashhur shaxslarning ta’lim-tarbiya haqidagi fikrlariga tayanib, tafakkur, ong, ilm salohiyatining strategik ahamiyati asoslandi. Ayni shu yo‘nalishdagi O‘zbekiston tajribasi, respublikadagi intellektual salohiyatni rivojlantirishga qaratilgan loyihalar sanab o‘tildi.

Kalit so‘zlar: global hamkorlik, BMT, innovatsiya, intellektual birlik, inson kapitali, global hamkorlik, intellektual salohiyat.

Bu yil insoniyat tarixidagi ulkan voqealardan biri, Birlashgan millatlar tashkiloti (BMT) ning tashkil topganiga 80 yil to‘ldi. Ushbu tashkilot xalqaro hamkorlik, tinchlik hamda barqaror rivojlanish g‘oyalarining mushtarak va muhim timsoliga aylangan. Yashab turgan asrimizda insoniyat duch kelayotgan muammolar talaygina. Jumladan, yer resurslarining taqchilligi, iqlim o‘zgarishi, havoning haddan ortiq zararlanishi, jamiyatlardagi iqtisodiy tengsizlik, eng achinarlisi, insonlararo ma’naviy inqiroz kabi tashvishli muammolarni hal etish etish uchun siyosiy kuch va irodagina emas, intellektual salohiyatni ham birlashtirish, rivojlantirish, globallashtirish talab etiladi. Shuning uchun ham global darajadagi intellektual birlik insoniyatni birlashtiruvchi, asrab qoluvchi eng qudratli kuchga aylanmoqda.

Biz ushbu maqolamizda bir nechta masallalar: ilm-fan, ta’lim, innovatsion rivojlanish orqali intellektual birlashishning ahamiyatini oydinlashtirish; O‘zbekiston tajribasi asosida ushbu yo‘nalishda amalga oshirilayotgan ishlarni tahlil qilish kabilarni maqsad qildik.

Intellektual salohiyat deganda, shaxsning ilm hosil qila olish, tafakkur bilan fikrlay olish, hodisaga muammo emas, masala sifatida qarab yechim bera olish hamda yangilik yarata olish qobiliyatlarining yig‘indisi nazarda tutiladi. Inson huquqlari himoyachisi: Nelson Mandela ta’kidlaganidek, “Ta’lim bu duyoni o‘zgartira oladigan g‘oyat kuchli quroldir” [1. 12-b]. Uning ushbu fikrlari bugungi kun yosh-u qarisi uchun har doimgidan ham dolzarbdir.

Hindistonning taraqqiyotini, rivojlanish kelajagining zaminini yaratgan shaxs, Mahatma Gandi: “Haqiqiy taraqqiyot inson ongining yuksalishi bilan boshlanadi”, degan fikrlari o‘z tasqig‘ini topmoqda [2. 142-b]. Xalq yo‘lboshchisining ushbu qimmatli fikrlari intellektual kuchning ijtimoiy va ma’naviy barqarorlikdagi o‘rnini ko‘rsatadi.

Bugungi axborot va texnalogiya asrida bilim va aql kapitali iqtisodiy resurslardan ham muhimroq ahamiyat kasb etmoqda, ayniqsa O‘rta Osiyo mintaqasi uchun. OECD hisobotida qayd etilishicha, har bir mamlakatning innovatsion rivojlanish darajasi bevosita o‘sha davlat xalqining intellektual salohiyatiga bog‘liq [3. 24-b].

Birlashgan Millatlar Tashkiloti bosh kotibi Antonio Guterresh o‘zining 2022-yilgi umumiy hisobotida ushbu fikrlarni bayon etgan: “Global birdamlik ilm-fan va bilimga asoslanmog‘i lozim” [4. 4-b]. Ushbu fikrlar tasdig‘i o‘laroq, BMTning Barqaror rivojlanish maqsadlari (SDGS) konsepsiyasi ham insoniyatning umumiy, ezgu maqsadlari sari intellektual hamkorlik orqali birlashuvini nazarda tutadi.

UNESCOning “Futures of Education” hisobotida ta’lim, ilm, fan rivojini insoniyatning kelajagini rivojlantiruvchi, barqarorlashtiruvchi muhim mexanizm sifatida baholaydi [5. 43-b].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasidagi nutqida e’tirof etganidek, “Bugungi kunda dunyoni birlashtiruvchi eng katta kuch, albatta, ilm, ma’rifat va intellektual hamkorlikdir” [6. 2-b]. Hozirda ayni shu yondashuv O‘zbekiston Respublikasi tashqi siyosatining muhim g‘oyalaridan biridir. Prezidentimizning 2023-yildagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida ushbu fikrlarining bayonini ko‘rishimiz mumkin: “Bizning eng katta boyligimiz, shubhasiz, xalqimizning aql-zakovati, intellektual salohiyatidir” [7. 7-b]. Prezidentning bunday fikrlari respublikada inson kapitali, bo‘lganda ham yoshlardagi aqliy salohiyatga qaratilgan siyosatning asosiy yo‘nalishini ifodalaydi.

Mamlakatimizda so‘nggi yillarda innovatsion ta’lim, raqamli transformatsiya hamda o‘quvchi-talaba yoshlarning ilmiy va kasbiy salohiyatini rivojlantirishga alohida e’tibor bilan yondashilmoqda. Buning natijasi o‘laroq, “Innovatsion rivojlanish strategiyasi”, ‘Youth Academy”, “Ibrat Academy”, “HAKATON” va boshqa musobaqa hamda tashabbuslar intellektual resurslarni xalqaro miqyosda birlashuviga xizmat qilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi UNESCO, UNISEF, BMT hamda ISESCO kabi bir qancha xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlikda ko‘plab loyihalarni amalga oshirmoqda.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, intellektual salohiyatimizni mahalliy ta’lim muassasalari ichida, hatto xalqaro miqyosda birlashtira olishimiz insoniyatni ezgulik yo‘lida birlashtira olishimizdir. San’at va sport millat, til tanlamaganidek ezgulikka xizmat qiluvchi ilm-fan, ixtirolar ham yer shari uchun birdek muhim va

keraklidir. BMTning shu kungacha bo‘lgan 80 yillik faoliyati shuni aks ettiradiki, global muammolarni, faqat va faqat ezgu tafakkur, chuqur bilim hamda g‘arazsiz hamkorlik bilangina hal etishimiz mumkin. BMTning xalqaro bolalar fondi YUNISEFning faol ishlari tufayli har yili 3 milliondan ortiq bolaning hayoti saqlab qolinadi. Baxtli bolalikni ta’minlash, bolalarning huquq va erkinliklaridan ularning o‘zlari va jamiyat manfaatdor shaxslarni bolalarga berilgan huquqlarni tan olishga va ularga rioya etishga chaqirdi.[8. 17-b] Zero BMTning asosiy maqsadlaridan biri yer yuzida savodsizlikni tugatish, bolalarga ta’lim olish uchun shart-sharoitlar yaratish, do‘stona munosabatlarni rivojlantirish ekanligi belgilab qo‘yilgan. Ayni shu jihatdan butun dunyoda O‘zbekiston tajribasi ta’lim, innovatsiya hamda intellektual diplomatiya otqali bu jarayonga muhim hssa qo‘shayotganini namoyot etmoqda. Buning yaqqol namunasi sifatida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasidagi nutqida e’tirof etganidek yurtimizda kambag‘allik darajasini kamaytirish ta’lim va ilm-fan sohasini o‘zgartirish bilan amalga oshishini e’tirof etganligi bo‘ldi. Bu e’tirof, O‘zbekiston yoshlari ajdodlari kabi dunyo ilm-faniga o‘z hissasini qo‘shishda davom etishiga, yer yuzida tinchlik va osoyishtalikni hukm surishiga o‘z hissalarini qo‘shishiga yanada kuch va g‘ayrat baxsh etmoqda. Shulardan kelib chiqqan holda quyidagilarni taklif qilaman:

Yoshlarga ilm-fan borasida tadqiqotlar, amaliy tajribalar uchun shart-sharoitlar yaratib berish;

Ilm-fan sohasidagi izlanuvchilarga, tadqiqotchilarga imtiyozlar va ularning faoliyatini munosib ravishda rag‘batlantirish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Mandela N. Long Walk to Freedom. – Boston: Little, Brown and Co., 1994.
2. Gandhi M. *My Experiments with Truth.* – Ahmedabad, 1940.
3. OECD. *Science, Technology and Innovation Outlook*. – Paris, 2024.
4. Guterres A. *Our Common Agenda*. – UN Publications, 2021.
5. UNESCO. Futures of Education: Learning to Become. – Paris, 2022.
6. Mirziyoyev Sh.M. *Yangi O‘zbekiston strategiyasi*. – Toshkent, 2021.
7. Mirziyoyev Sh.M. *Oliy Majlisga Murojaatnoma*. – Toshkent, 2023.
8. United Nations. The 2030 Agenda for Sustainable Development. – New York, 2015.

MUNDARIJA

ПРАВОТВОРЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ООН В СФЕРЕ ЗАШИТЫ ПОТЕРПЕВШИХ И СВИДЕТЕЛЕЙ В УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ.....3

Пулатов Ю.С., ... 3

ПИРОТЕХНИКА БУЮМЛАРИ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ ҚУРОЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ СИФАТИДА.....12

Закурлаев Абдумутал Каримович 12

Бабабеков Нодир Джурабаевич..... 12

BMTNING GIYOHVANDLIK VA NARKOJINOYATCHILIKKA QARSHI KURASHISHDAGI O‘RNI: O‘ZBEKISTON TAJRIBASI VA XALQARO HAMKORLIK ISTIQBOLLARI 16

Payziyev Abbos Muxammadovich,..... 16

BARQAROR RIVOJLANISH SHAROITDA O‘ZBEKISTON MINTAQALARNI IQTISODIY-EKOLOGIK RIVOJLANTIRISH XUSUSIYATLARI 20

Shadmanov E.Sh.,..... 20

Qo‘ldoshev F.U. 20

USE OF MODERN TECHNOLOGIYES IN SHOOTING TRAINING 26

Isakov Sanjar Xazratqulovich, ... 26

TURIZMNING IQTISODIY BARQARORLIK VA XAVFSIZLIKKA TA’SIRI: BMTNING BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI DOIRASIDA TAHLIL.....30

Alimova Go‘zal Alisherovna, ... 30

Sotvoldiyev Asadbek Olimjon o‘g‘li,……..30

KONSTITUTSIYA VA JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHNI AMALGA OSHIRUVCHI IDORALAR FAOLIYATINI BOG‘LOVCHI AYRIM XUSUSIYATLAR .35

G‘iyosov Bahriddin Hasan o‘g‘li, ... 35

GLOBAL MUAMMOLARNI HAL ETISHDA BMTNING O‘RNI VA ISLOHOTLARNING SAMARADORLIGI 41

Akbarov Lazizjon Izzatullayevich,..... 41

Raxmatullayeva Rayhona Navro‘zjon qizi,..... 41

BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTINING XALQARO HUQUQ TIZIMIDAGI YETAKCHILIK ROLI.....45

Ravshanov Ulugbek Maxmurbekovich,..... 45

BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTI BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI KONTEKSTIDA O‘ZBEKISTONDA HARBIY XIZMATCHILAR SOG‘LIG‘INI SAQLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH 51
Djaydakbayev F.T. 51
GLOBAL COOPERATION THROUGH SCIENCE, EDUCATION, AND INNOVATION – THE INTELLECTUAL FOUNDATION OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT.....57
Musayeva Sh.I. 57
YOSHLAR ISHTIROKIDA TINCHLIK VA BARQAROR TARAQQIYOTNI TA’MINLASH: BMT TAMOYILLARI VA O‘ZBEKISTON TAJRIBASI ASOSIDA TAHLIL.....61
Shodiyeva Musharraf Furqat qizi, ... 61
Jo‘rayev Jasur Maxsutovich, ... 61
HARBIY XIZMATCHILAR TOMONIDAN SODIR ETILADIGAN JINOYATLARNI TERGOV QILISH XUSUSIYATLARI 70
Omonov Avazxon Abdurahmon o‘g‘li, ... 70
KORRUPSIYA VA TRANSMILLIY JINOYATCHILIKKA QARSHI KURASH - BMT KONVENSIYALARI DOIRASIDAGI TAJRIBALAR 73
Mavlyanov Ravshan Tojimamatovich, ... 73
Ismatullayeva Madina Xayriddin qizi,..... 73
ВЛИЯНИЕ ТУРИСТСКОЙ ИНДУСТРИИ НА МИГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ.....77
Алимова Райхона Баходировна,..... 77
ЙИРИК БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ: ОМИЛЛАР ВА ЕЧИМЛАР 81
А.Ж. Ташмуратов,..... 81
ТРУДОВАЯ МИГРАЦИЯ КАК СОВРЕМЕННАЯ РЕАЛНОСТ.....89
Разикова Шахзода Алишеровна,..... 89
ОРГАНИЗАЦИЯ ОБЪЕДИНЕННЫХ НАЦИЙ 80 ЛЕТ МИРА, БЕЗОПАСНОСТИ И УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ: УРОКИ ПРОШЛОГО И ПЕРСПЕКТИВЫ НА БУДУЩЕЕ.....91
Бобоев Сардор,..... 91
NOQONUNIY MIGRATSIYA QARSHI KURASH BO‘YICHA DAVLATLAR HAMKORLIGINING XALQARO-HUQUQIY JIHATLARI.....95
Xolmirzayeva Shoxista Arziqul qizi, ... 95

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ 99

Қурбонов Собир Султонович,..... 99

HARBIY XIZMATCHILAR OILA A'ZOLARINI IJTIMOIY-HUQUQIY HIMOYALASHNING XALQARO-HUQUQIY ASOSLARI VA MILLIY MODELINI TAKOMILLASHTIRISH ZARURIYATI.....104

Baqoyev Shahzod Hasan o'g'li,..... 104

O'ZBEKISTON VA YAPONIYANING BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTI DOIRASIDA BIR-BIRINI QO'LLAB-QUVVATLASH SIYOSATI.....107

Qoryog'diyeva Dilfuza Baratovna,..... 107

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ СОҲАДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....111

И.М.Куллиев, ... 111

БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ 123

А.Ж. Ташмуратов,..... 123

BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTI VA XALQARO TASHKILOTLAR DOIRASIDA QAMOQQA OLINGAN SHAXSLARNI TERGOV HIBSXONASIDA SAQLASH MASALALARI 132

Raximov Baxtiyor Raximovich 132

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА СУВ РЕСУРСЛАРИ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАъМИНЛАШ МУАММОЛАРИ 136

Махсадов Махсатулло Исматович,..... 136

НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИИ КАК ОСНОВА ГЛОБАЛНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА ДЛЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ 141

Хатамов Умид Исматович,..... 141

RIM HUQUQIDA ALIMENT MUNOSABATLARINI HUQUQIY TARTIBGA SOLINISHI 146

Aliqulova Nasiba Kamariddinovna,..... 146

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДРОНЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АСОСЛАРИ 150

Туракулов Зохид Тулкинович, ... 150

BMT 80 YILLIGIDA INSON HUQUQLARI TAMOYILLARI ASOSIDA MAKTAB O‘QUVCHILARI HUQUQBUZARLIGI PROFILAKTIKASI 159
Jurayev Jasur Maxsutovich, ... 159
ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХАТРОП МОДДАЛАР БИЛАН БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА бмт ЎРНИ – ЁШЛАР МИСОЛИДА 164
Акрамжонов Иқболжон Акрамжон ўғли, ... 164
THESIS ON INTERNATIONAL LEGAL REGULATION OF COMBATING MONEY LAUNDERING AND ASSET RECOVERY IN THE DIGITAL ERA: DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN 170
Malik M. Usmonov, ... 170
BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTI FAOLIYATIDA INSON HUQUQLARI VA DEMOKRATIYA MASALALARINING USTUVORLIGI 173
Sarsenbaeva Aynura Tenelbay qizi, ... 173
IJTIMOIY DAVLAT INDEKATORLARIGA XOS XUSUSIYATLAR VA BMT MINBARIDAN BU JARAYONGA BILDIRILGAN ISHONCHNING HUQUQIY ASOSLARI 176
Baxtiyorov Faxriyor Akromjon o‘g‘li, ... 176
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ АМАЛИЁТ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ 179
Назаров Ғанишер Баҳодирович, ... 179
IJTIMOIY HUQUQLARNING XALQARO HUQUQIY ASOSLARI VA ULARNING MILLIY QONUNCHILIKKA IMPLEMENTATSIYA QILINISHI 196
Jumaboyev Doniyor Muratboy o‘g‘li, ... 196
KONSULLIK FAOLIYATINING RAQAMLASHTIRILISHI: NAZARIY VA AMALIY JIHATLAR 203
Allaberganova Nodira, ... 203
EVOLUTION OF EDUCATION FINANCING SYSTEMS AND MODERN INCLUSIVE APPROACHES 206
Azamjonov.U. 206
Qurbonov.B. 206
БМТНИНГ БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 211
Жўраев Қобилжон Олимжонович, ... 211

ГИЁҲВАНДЛИКНИНГ ТАҲДИДЛАРИ ВА БМТНИНГ ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....215
Акрамжонов Иқболжон Акрамжон ўғли,.....215
BMTNING BARQAROR TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDAGI ROLI VA UNING O‘ZBEKISTON IQTISODIY XAVFSIZLIGIGA TA’SIRI.....221
Sotvoldiyev Asadbek Olimjon o‘g‘li,.....221
OMMAVIY TADBIRLARNI TASHKIL ETISH BO‘YICHA XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASI.....226
Nasirov Xurshid Rustamovich,.....226
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....236
Муҳамадов Улуғбек Умеджон ўғли,.....236
ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ҲАРБИЙ СОҲАДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК: ТУШУНЧАСИ, ТАСНИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....252
Куллиев Илхомжон Мурадович,.....252
РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ МУДОФАА САЛОҲИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАРБИЙ-ДИПЛОМАТИК ҲАМКОРЛИГИ.....278
Арипов Ботир Бахтиярович,.....278
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИК ҲУДУДЛАРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ВАКОЛАТЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....292
Махмудов Жасурбек Хамидович,.....292
FAVQULODDA VAZIYATLARNI OLDINI OLISH VA BARTARAF ETISHDA HAMKORLIKNING ASOSIY TAMOYILLARI VA METODLARI.....304
Tleubayev Yerpolat Najimovich,.....304
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....313
Кутлимуратов Махмуджон Шарипбаевич,.....313
ЁШЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИДОРАЛАРАРО ВА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ.....322
Арипов Акмал Хусниддинович,.....322
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....337
Омонов Алим Толибович,.....337

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ТИПИДАГИ ХОРИЖИЙ МАМАЛАКАТЛАР БЎЛИНМАЛАРИ МАЪМУРИЙ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ 347

Назаров Ғанишер Баҳодирович, ...347

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ПАТРУЛ-ПОСТ ХИЗМАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 360

Туракулов Зоҳиджон Зокиржонович,....360

ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ 373

Мухаммадалиев Зухриддин Хабибулло ўғли,....373

ҲАЁТ ВА СОҒЛИҚ БИЛАН БОҒЛИҚ СУҒУРТА МУНОСАБАТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТДАН РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ МИЛЛИЙ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 387

Бобоназаров Юнусбек Юсуфович, ...387

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ 402

Кутлимуратов Махмуджон Шарипбаевич,....402

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA AHOLI HUQUQIY ONGI VA HUQUQIY MADANIYATINI YUKSALTIRISHGA DOIR QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI 408

Zamonbekov Umidbek Avazbek o‘g‘li,....408

MILLIY GVARDIYA ORGANLARINING JAMOAT TARTIBIGA QARSHI JINOYATLARNI OLDINI OLISH MEXANIZMLARI....422

Astanov Shaxzod Shoyimovich, ...422

BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTINING BARQAROR TARAQQIYOT MAQSADLARI DASTURINING HUQUQIY AHAMIYATI 425

Rizoqulova Ruhsora G‘ulom qizi, ...425

XALQARO MIQYOSDA INSON HUQUQ VA ERKINLIKLARINI TA’MINLASHDA BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTINING AHAMIYATI....430

Dauletbaeva Aynur Baxramovna, ...430

JINOYAT ISHLARI BO‘YICHA HUQUQNI MUHOFAZA QILUVCHI ORGANLARNING YAGONA INTERAKTIV BAZASINI YARATISH....434

Abdullayev Botir Nabi o‘g‘li, ...434

Mustafayev G‘iyos G‘ulomovich, ...434

“THE ROLE OF THE UNITED NATIONS IN ENSURING INTERNATIONAL PEACE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT”.....438

Qudratov Javohir Komilovich, ... 438

TA’LIMNI MOLIYALASHTIRISH SIYOSATIDA BMT TAMOYILLARI: IJTIMOIY ADOLAT VA TENGLIK.....443

Турсунов Камариддин Гуламович.....443

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР АДАПТАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ ВА МИЛЛИЙ ТИЗИМГА ТАТБИҚ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....447

Qurbonov Baxromjon Baxtiyor o‘g‘li, ... 448

INTELLEKTUAL SALOHIYATNI BIRLASHTIRISH INSONIYATNI BIRLASHTIRUVCHI KUCHDIR 453

Batirova Xadichabonu Mamadiyorovna, ... 453

INTELLEKTUAL SALOHIYATNI BIRLASHTIRISH INSONIYATNI BIRLASHTIRUVCHI KUCHDIR.....455

“BMT TINCHLIK, XAVFSIZLIK VA BARQAROR TARAQQIYOT YO‘ĻIDA 80 YIL: O‘TMISH SABOQLARI VA KELAJAK ISTIQBOLLARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy – amaliy konferensiya
MATERIALLARI TO‘PLAMI

2025-yil 22-oktabr

II qism

Muharrir: Nurmatov M.M.
Texnik muharrir: Boboxonov S.R.

Bosishga ruxsat etildi: __.12.2025. Buyurtma: №___. Format 60x90/16
Times New Roman garniturasi bilan raqamli bosma usulida bosildi.
Hajmi 28,62 sh.b.t., 28,61 t.-h.t. Adadi: ____ nusxa.

O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavsizligi universiteti bosmaxonasi